

НОДИР НОРМАТОВ

БИСОТ

Киссалар

Хикоялар

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 821.512.133-32

КБК 84(5У)7

Н 79

- 48. араб

Н 79 Норматов, Нодир

Бисот: Қиссалар, ҳикоялар/ Н. Норматов. –
Тошкент: «Sharq», 2012. – 448 б.

Ушбу сайланмага ёзувчи Нодир Норматовнинг турли
йилларда ёзилган ҳикоялари, қиссалари киритилган. Уларда
ХХ асрнинг иккинчи ярмида Сурхон воҳаси қишлоқларида
бўлиб ўтган драматик воқеалар, турли хил тўқнашувлар, за-
мондошимизнинг изтиробли кечинмалари ва орзу-умидлари
акс этган.

ISBN 978-9943-00-904-2

2013/39
A 2760

Alisher Navoiy
nomidagi

O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-00-904-2

УДК: 821.512.133-32

КБК 84(5)7

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Баш таҳририяти, 2012.

НОДИРНИНГ ОЙТОШИ ЁКИ СУРХОН РУХИ

Ўзбекистоннинг умумхалк маданияти ранг-барагт маданиятлар бирлашуви-ю жамулжамидан ташкил топган. Ҳозир Конституция бўйича вилоят деб атайдиганимиз Шимол ва Жануб, Гарб ва Шарқда жойлашган, олис тарихий йўлларни босиб келаётган ҳакикий маънодаги ўлкаларнинг ҳар бири бугунги улуғ маданиятимизга ўз тақрорланмас улушлари ни кўшиб келганлар ва ранг-барангликлардан иборат ягона маданиятимизни яратганлар. Чунончи, мисол учун умуммиллий маданиятимизда Сурхон руҳи, Хоразм руҳи, Коракалпок руҳи, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Жиззах ва ҳоказо руҳи яшнаб, гуркираб туришини ҳеч ким инкор этолмайди. Вилоят тарихан олганда, ўлкалар руҳининг улуғворлиги ва ўзига хослигидан умуммиллий ўзига хослик ва улуғворлик юзага чиқади. Бу хислатлар мамлакатнинг тасодифий бўлмаган азалий улуғворлигидан бир далолатдир.

Утган асрнинг олтмишинчи йиллари ибтидосида биринсирин ҳавас киладиган фаолликда пайдо бўлган ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг асарлари умуммиллий адабиётимизга Сурхон ўлкаси руҳи, Сурхон кишилари характерлари, Сурхоннинг (қадим Чаганиён ва Кушон, Бақтра) бетакрор воқелигини олиб кирди. Адабиётимизда бу шунчалар таъсирчан, жўшкин ҳодиса бўлдики, айни бир пайтнинг ўзида ва изма-из Менгзиё Сафаров, Рўзи Чориев, Тоғай Мурод, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Нурислом Тўхлиев, Сирожиддин Сайид, Мирзо Қенжабек, Эшқобил Шукур, Шафоат Раҳматулла, санайверсак, то янги бўғиндан Шодмонкул Саломгача Сурхон руҳини ўз асарларида изчил ва ранг-барагт бадиият ҳамда концептуалликда давом эттириб, барк урдириб, мавжлантириб бордилар. Етмишинчи йиллар бошида бу улуғ сафга пошхурдлик Нодир Норматов шаҳдам қадамлар билан келиб кўшилди. У журналистика, санъатшунослик, бадиий наср соҳаларида ғайрат ва муҳаббат билан ишлади – сермаҳсул ижод қилди.

Бир карашда уни юқорида номлари саналган адиб, шоир, санъаткорлардан ажратиб олиш кийин. Ҳар холда уларсиз ва айниқса, Шукур Холмирзаев, Менгзиё Сафаров, Тоғай Муродларсиз уни тўла тушуниб етиш мумкин бўлмаган ҳол. Бу

номларни, уларнинг асарларини бир-бирига боғлаб турадиган мустаҳкам ришталар кўп. Риштанинг маркази эса Сурхон руҳидир. Биз биламиз, бундай дейиш нисбий: лекин бу рух, Сурхон-Чағаниённинг жуда қадим тарихий маданияти, халк оғзаки ижоди, ёрқин достончилиги, эртакчилиги, кўшиқчилиги – баҳшичилик анъаналари, Хитой, Ҳинд, Ажам, Юнон, Рум маданиятлари билан чамбарчас боғланган томонларидан ўсиб, булоқ бойлаб чиқади. Улардан кувват олади. Сурхон руҳининг асосий мазмуни ва йўналиши – жўмардлик, тантлилк, дўльворлик, ҳакчилик, дарвешоналилк, очиклик ва тиккалилкда. Бу адиллар шу ўлка халкининг шу пайтгача инкишоф этилмаган, асрларча тамомила кўриқ бўлиб ётган яширин кирраларини очдилар ва ўзбек характерлари оламларини бойитдилар. Ўзбекликнинг илгари кўрилмаган олтин кирраларини йўндилар ва ҷархладилар. Шундан Сурхон-Чағаниён-Кушон-Бактра бизга янада тушунарлироқ бўлди.

Дунёда энг ўткир ва инсонга нисбатан энг кескин ёзувчи бу – Шекспир. Ўткирлик, кескинликда ҳеч ким унинг олдига тушолган, ундан ўзиб кетолган эмас. Шу боис кескинликнинг инъикоси бўлган барча қаҳрамонлари – Лир дейсизми, Отелло, Ҳамлет, Яго, Макбет, Ричард 111 дейсизми, ҳаммаси ва ҳатто гўрков, сокчиларгача, инсоният тасаввуррида бадиий-ҳаётй тимсол – матрица қаҳрамонлар ҳудди қалам-найза билан чизилмагандай, балки болта билан ойтошдан йўнилгандай таассурот колдирадики, замон-замонлар ўтса ҳам, ҳеч хира тортмай, ич-ичидан нурланиб туради ва боз устига, зиёси янада кучайиб боради.

Камтарин адабимиз, журналистимиз, улус рассом Рўзи Чориев ҳакида гўзал бир хужжатли биографик роман ёзган санъатшунос Нодир Норматовни Вильям Шекспирга киёсламоқчи эмасмиз. Аммо Шекспирдаги эҳтиросларнинг жўшиқинлиги, сермаънолиги ва буларнинг бари жуда ўткир болта билан йўнилганлиги, очиклиги ва табиийлигидан алланима ҳусусият Шукур Холмирзаевга қандай ўтган бўлса (ҳоҳ, онгли ва ҳоҳ интиутив), ҳудди шундай Нодир Норматовнинг киссалари, ҳикоялари, эссе асарларида ҳам шундай кўзга чалиниб туради. Унинг 1981 йилдаги илк «Бисот» киссаси ва 1991 йилда нашр этилган «Баригал» деб номланган романи адаб Сайд Ахмаднинг назарига тушди. Устоз Нодирни алқади. Бу романда Нодир проزادа янги хат топишга уринган, унда мажозийлик ва реалик чатишиб кетгандай. Табиат бизнинг ҳар қандайимиздан кўра очиқроқ, ҳар қандайимиздан кўра тантироқ, сирлироқ, донороқдир. Нодир ҳеч шак-шубҳасиз бир нарсага эриша-

ди: у табиий одамларни табиий килиб тасвиirlайди ва инсон кисматлари, характерларини тоғ ўрмонбенинг аниқ ҳаракат киладиган болтаси билан тарашлайди. Шунинг учун у чизган характерлар, уларни шакллантирган воқеалар, мухит, шароит манзаралари нихоятда ёмби, ва қабарик. «Бисот» киссасидаги Қобил лашкар, «Дарахт тагидаги одам»даги лаборант, муаллим Эсонбой, «Муқаддас баликлар эгаси»даги зоология ўқитувчиси Ўтамурод, «Жазо» асаридаги Майрам, «Исмоил тоға тарозиси»даги Раимбой ва Кудратов, «Езги момақалдириқ»даги Маматмирзо, «Кар момо»даги Аъжуба кампир – булар ва уларнинг ён-атрофидаги одамлар бари ўта табиий ва очик, қабарик характерли одамлар. Уларнинг хатолари, олийжанобликлари, фожиалари, драмалари хам қабарик. Нодир Норматов уларни заррача безаб-бежаб, чиройли қиласман деб ўтирумайди, бунга ҳатто андак бўлсин, уриниш хам йўқ. У табиий ходисаларни табиий макомини топиб чизади. Шу холос. «Чизиш» сўзи Нодир Норматовнинг бадиий усулига ғоятда мос, бу усулини росмана характерлайди. У батафсил узоқ тасвиридан кўра чизишни яхши кўради, зеро, чизишда хам чизиш бор – Нодир характер кирраларини кесма пунктир билан чизади. Воқеалардан воқеалар шундай кесма пунктириларда туғилиб бир-бирига ғулув билан уланиб боради. Бунда табиийки, баёнда парокандалик хавфи хам туғилади, воқеанинг боши, давоми ва охирига боғланмай колиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо ёзувчи кандаидир ўзига маълум ҳикоя килиш заҳираларини бизга билинтирумайгина кўллаб, сюжет ва композицияда яхлитлик, бутунлика эришади. Кесма пунктир воситасида ҳикоя тарзida эришилган бутунлик – Нодирнинг ёзувчилик маҳорати ва бадиий услугбининг ўзига хос, уни бошқалардан ажralиб турадиган кўзга кўринарли киррасидир. Мабодо уни табиий услуг деб аташ ва юритиш мумкинмикин? Яъни, ҳаёт ва табиатнинг ўзи қандай бўлса шундай ёзиш манераси. Музработ даштлари, Кўхитанг тоғлари, Зарабоғ, Пошхурд, Вандоб каби тоғлар ораликларидағи қадим-қадим кишлоқлардаги табиий минг йилларча устувор бўлган ҳаёт тарзи қандай эса, шундай чатма услуг.

Нодир воқеалар ва кисматлар тугунларини бир-бирига табиий ўнгаштириб, биридан иккинчисини худди илгирга илгандай тортиб чикариб борадики, ўкувчидаги ростакам кизикиш уйғонади, у бошини кўтармай воқеалар, тақдирлар оқими пўртаналярига сел оқизган улоқдай шўнгигб кетади.

Қадим Сурхоннинг Кўхитанги, Будрачи бўлади-ю, сир бўлмайдими? Нодирнинг қаҳрамонлари табиат кучогида

яшаб, албатта, ундан мўъжиза кидирадилар, мўъжизаларга чин юракдан ишонадилар. Сирли баликлар, фусункор мовий ёнғоқлар, кўк тошлар, уч юз-беш юз йиллик дараҳтлар, юз минг йиллик чумолиларнинг, кушларнинг тилга кириши, одам билан сеҳрсоз мулокотларда коинот ва кўхна ҳаёт жози-баларини очишга уринишлар – булар ҳам Нодирнинг табиий бадиий тилида ўз фусункор ечими ва оҳанрабо ургусига эга.

Филжумла, Нодир Норматов «Бир куни чумоли бўлиб...», «Кўктошлар», «Ойтош» каби фусункор ҳикояларида ғайобатга талмех йўсинида ишоратлар килиб ўтадики, ўкувчи буларни Кўхитанг асрорангиз табиатининг нозик ҳодисалари каби ўпкаси тўлиб кабул қиласиди ва холисанилло таъсирланади.

Нодир Норматов ўз асарларининг воқеалари ичida яшаб, болаликдан ўсан, уларни ўз бошидан кечирган, иштирокчи бўлган ва юрагига жуда чукур сингдирган. Ҳакиқатан ҳам, ёзувчиликнинг тақдири – унинг болалигининг тақдиридир. Биз болалигимиз қандай бўлса, шундай ёзувчимиз. Ёзувчи ўз болалигини умрининг охиригача тасарруф қиласиди. Инсоннинг бошидан кечадиган барча катта-кичик воқеалар болаликнинг нодир хислатига эгадир. Болалик воқеалари алалоқибат шоир-адибнинг доимий илҳом ва завқ манбаига айланади. Нодир асарларида биз буни яна бир карра жонли гувоҳи бўламиз.

Нафсиlamрга, хеч ажаб эмасдирки, бир қарашда одми ва дағал, мутлако йўнилмаган, рандаланмаган бўлиб кўрина-диган ранг-баранг ҳодисалар тугма нафосатнинг нафаси тек-канда, мўъжизакорлик мақомига етади ва ўзига рому ошуфта этади.

Ёзувчи, журналист, санъатшунос Нодир Норматовнинг асарлари шундай хусусиятга эга.

Сурхонни билмаган, кўрмаган одамлар ҳам бу асарларни ўқиса, шундай хуносага келадики, дарҳакиқат, бу ўлкада бебаҳо ойтош каби ич-ичидан нурланиб турадиган одамлар яшайди.

Нодир уларга мўъжиза каби қарайди, улар ҳакида ой гардишига караб, фол очгандай ойбитиклар ёзади.

Иброҳим Ғафуров.

6 ноябрь 2010

ҚИССАЛАР



БИСОТ

*Отам Нормат Алимардоновга
багишлайман*

1

Сурхон – Шеробод водийсининг кунботарида бепоён Музработ дашти ястаниб ётади. Унинг сувсиз, яланғоч бир қисми Оқтоғ этакларига бориб туташади. Даштнинг ана шу қисмини айтмасангиз, колгани деярли ўзлаштирилган – хар ўн-ўн беш чақирим масофада хўжалик уйлари қад кўтарган, дашт бағрини кок ёриб ўтган кенг, текис йўл ёқасида эса чинорлар, мирзатерак, акас, жийда ва ихота дараҳтлари бўй чўзган. Баъзан даштга хос бўлмаган мевали дараҳтларнинг юкидан зғилган шохлари кўзга ташланади. Буларни беш-олти йил бурун Кўҳитанг тоғларидан кўчиб келган кишилар экишган.

Музработ даштининг ўзлаштирилаётган ана шу охирги қисмida ташкил этилган катта бир хўжалик ахли асосан кўхитангликлар. Улар урф-одатлари, тўю маросимлари, шеваси билан бошқалардан ажralиб туришади. Истараси иссиқ, баланд бўйли, очиккўнгил ва сахий бу одамлар айни пайтда хийлагина такаббур, ўжар, ўз устларидан кула олиш-у ўзгаларни киши билмас калака кила билиш одатлари билан ном қозонишган.

Улар орасида ёши етмишлардан ошган, бир чол ҳам бор эди. Ҳамкишлоклари унинг отини «Қобил лашкар» дейишарди. Одамлар бунинг сабабини сўраб-суриштирганда, улар чол ҳакида хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, бирор жўяли гап айтишни лозим топишмасди. Шунга қарамай, атрофдагилар бу лакаб тарихини тез орада билиб олишди. Чол аслида одамови, камгап, ўзи ёки қавму кариндошлари ҳакида хеч кимга бир оғиз сўз

демаган бўлса ҳам, лекин «Қобил лашкар» деб ном олганини бир даврада айтиб қолибди. У ёшлигиде Барот калнинг тўдасига кўшилиб, босмачилик қилган экан. Қишлоқдаги қариндошлари бўйўлдан қайтармоқчи бўлиб: «Уялмайсанми, талончилик қилиб юргани?!» дейишса, у: «Қанақанги талончи бўлай, мен ахир ислом лашкариман-ку!» – деган экан аллақайси мутаассиб маддоҳдан эшитган гапини соддалик билан такрорлаб.

Қобил кейинчалик оқ-корани таниб, тўдадан қочиб келганида ҳам бу гап ҳамқишлоқларининг эсларидан чикмаган экан шекилли, ўша-ўша уни «Қобил лашкар» деб атай бошлашибди.

Бундан икки-уч йил муқаддам Қобил лашкарни хўжалик марказидан йигирма беш чақирим наридаги янги ўзлаштирилаётган ерда ўрнатилган бензин куядиган пунктга коровул қилиб қўйиши. У ўша йили ёки ишхонаси ёнидан кичкинагина уйча қуриб олди. Кулбаси шундок йўл ёқасида эди. Шу сабабли ҳам қишин-ёзин кечаси чироғи ўчмайдиган бир уйча кимсасиз даштда адашганлар учун бир белги, тўғрироғи, бир илинж бўлиб кўринарди.

2

Бугун ҳам у, одатдагидек, кеч кириши билан чироғини ёкиб, деразани тўсиб турган эски дарпардани сурниб кўйди. Ўзи дамлаган юмшоққина ошни эски со-пол косага сузиб, эндигина бир-икки чўқим олган ҳам эдики, кўчадан машина сигнали эшитилди. Чол дархол ўрнидан турди, бирор кутиб қолишини ёқтирасди. Сочик билан қўлини арти-да, қозиқдаги эски пахтагини эгнига илиб, ҳовлига чиқди. Дарвозанинг темир илгагини тушириб, кия очганида, икки кипи унга рўбарў бўлди. Бу йўловчилар ҳам бошқалар каби саломаликдан сўнг ундан одатдаги нарсани сўрашди. Чол эса «Бензин йўқ», дегандек бош чайқади. Шунда шляпа кийган пакана кипи унинг тирсагидан тутганча ялина бошлади:

– Умрингизни берсин, лашкар бова, бир ёрдам

килинг. Хотиним машинада тўлғок тутиб ётибди, марказга элтапмиз...

«Оббо, бу шопир халки хўб мўлтони бўлади-да, – деб ўйлади чол. – Бензин халтаси ярим бўлдими, додлашга тушади».

– Бензин ўзи йўқ-да, – деди уф тортиб. – Йўловчи-пўловчи машиналардан сўранглар.

Келганлар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

– Хеч бўлмаса, икки сатил беринг, – деди новчasi овозини баландлатиб.

Чол бош чайқади:

– Қўйинглар шу гапни. Яхшиси, уйга киринглар, чой қайнаб турибди. Ичиб кетасизлар...

– Чой эмас, бензин сўраяпмиз, бова, – деб тўнғиллади пакана киши. – Қўркманг, рози киламиз!

– Йўқ, дедим-ку...

– Бу босмачини биламан, бермайди! – деди новча йигит чолга ўқрайиб.

– Билсанг, бўлди, кетавер!

Қобил лашкар шундай деди-ю қаттиқ мушт зарбидан девор томонга йиқилди. Новча йигит тепасига келиб, тасма билан унинг қўлини боғлади, шериги эса чолнинг киссасидан шода калитини олди.

Қобил лашкар узала тушганча санаб ётди: машинага уч чепак ёнилғи қуишиди. Ҳаммасидан хам унга алам қилгани шу эдикни, иши битгач, улар чолнинг қўлларини ечиб қўйишни унутишмади. Ана энди ундан зўрлик билан бензин олиб кетишганига ким хам ишонарди?!

Шунинг учун ҳам Қобил лашкар бу тўғрида хеч кимга чурк этиб оғиз очмасликка қарор килди.

Машина жўнаб кетгач, чол оғрик зарбидан хамон инқиллаб коровулхонага киаркан, «Майли, ўз қўлим билан берганим йўқ-ку! – деб ўйлади ювош тортиб. – Шундай экан, хеч кимнинг олдида юзим шувут эмас».

Қобил лашкарнинг чаккаси бигиз санчилганга ўхшаб оғрирди. У, мабодо бигиз билан уришмадимикан, деган хаёл билан чўтирир юзига белбоғини авайлаб тегизиб ҳам кўрди. Бигиз суқилганда, унинг оғриғидан ёмон оғрик дунёда йўқ. У буни яхши билади.

Бу воқеа коратегинлик босмачи Барот калнинг тўдасига кўшилган куниёқ бўлган эди. Тўғри, бигиз унга эмас, отини «ислом лашкари»га беришдан бош тортган Азиз мулланинг кўзларига санчилган бўлса ҳам Кобилнинг юраги ўйнаб, кўзи тиниб кетган эди. Ўшандан буён «бигиз» деган сўзни эшитса ҳам сесканниб тушади. Бўлмаса, неча йиллар ўтди, эҳ-хе...

Кобил лашкарнинг бир нарсага ақли етмасди. Нега одамлар уни уришди? Ахир у умр бўйи хизматини ҳалол бажариб келди-ку? Дарҳақиқат, чолнинг одати шундай: у ҳамиша ўзи тобе бўлган одамнинг буйруғидан чиқмасди. Агар бошлиғи унга: «Отанг гуноҳ иш қилди, ундан воз кеч», – деса, албатта, тап тортмай рози бўларди. «Мен умрим бўйи хизматими ни ҳалол бажараётиман, одамлар шунинг учун ҳам ёмон кўради», дея нолиб қоларди у баъзан танишибилишларига.

Чол чўлда яшайдиганларнинг кўпчилигига отнинг қашкасидай танилган, кўрмаганлари ҳам уни овозасидан билишарди. Бу миш-мишларнинг сабаби эса битта: чол бензин сўраб келган одам отаси бўлса ҳам, боплиғининг ижозатисиз, бир томчи ҳам бермасди. На пулга кўнарди, на ялиниб-ёлворишга. Шу сабабли узок-яқин кариндошлари у билан борди-келдини аллақачон йиғиштириб қўйишган. Аммо чол бунга парво килмасди. У ёлғиз бир кипига – хўжалик директорининг шофёрига бензинни ижозатсиз берарди, лекин унга ҳам ўжарлик киларди: «Директирди ўзи келсин ё бўлмаса, бошлиғимдан қофоз келтир!»

Кобил лашкарнинг саводи бўлмаса ҳам, ҳамиша бериладиган битта қофозни яхши танирди. Директор ҳам, бошлиғи ҳам унга ўрганиб кетган, ҳатто шундай кишилар борлигидан мамнун эдилар. Айримлар унинг юзига туфлаганларида ҳам, етти пуштини қолдирмай сўкканларида ҳам чол пинагини бузмасди.

Чўл шароитида, айникса, хувиллаган даштда битта бензоколонка борлигидан ёқилғи тугаган ҳар қандай машина шофёри ҳам тўғри келиб Қобил лашкарга ялинарди. Қобил лашкар эса, албатта, ўз навбатида

бошлиғидан қоғоз келтирса, бензин беражагини маңлум қиларди. Мабодо бошлиқ аллақаेққа кетиб қолган бўлса, худо урди деяверинг, кутишдан бошқа чора йўқ...

Чол кечаси қаттиқ мушт еган бўлишига карамай, эртаси куни ҳам бензин сўраб келган йўловчи шофёрларга ҳеч нима бермади. Кичкинагина хонасида ёнбошлаб ётаверди. Шу ётганича кунни кеч килди. Калтак зарбидан анча тоби кочган эди. Умрида биринчи марта хўрлиги келди. Қари одамни шундай уришадими, бетавфиқлар! Сўкса ҳам гўрга эди.

Аммо у одатдагидек, бетон деворли ҳовлини икки марта айланиб чиқди. Тикан босиб ётган дашт тарафга бориб, ўтган баҳор эккан нихолларидан хабар олди. Уларга сув куйди. Лекин кўп ўтмай тинка-мадори қуриб, изига қайтди.

— Соли полвон кўрса, устимдан кулмасин тағин. Ўзимни сал ўнглаб олай, — деб қўйди юзига доғланмаган ёғдан сураркан.

Соли полвон — унинг янги бошлиғи. Бундан икки ой бурун келган бу ишга. Ёши киркларга борган бу йигит ҳам Кўхитанг томондан, лекин бўлак кишлокдан. Чол уни илгари танимасди. Лекин Соли полвон чолни биларкан. У аввалига директордан чолни ишдан бўшатишни сўради, аммо иложи бўлмади. «Урганиб кетганмиз, қўяверинг, чолнинг зарари тегмайди», деди директор. Шундан сўнг Соли полвон у билан муомала қилишга мажбур бўлди. У баъзан гўшт кўтариб чолнинг уйчасига келар, бирга овқат қилишар, баъзан Соли полвон кистаб қўймагани учун Кобил лашкар ҳам «юз грамм» отиб қўяр эди. «Ҳар ҳолда, бошлиқ, сўзини ерда колдириш яхши эмас», дерди у ўзича.

Чол ётиб қолган куннинг эртасига Соли полвон ундан хабар олди. «Тобингиз йўқ бўлса, мен ўзим кечкурун ковурдок қилиб олиб келаман», дея меҳрибонлик килди. Кетар ҷоғида ҳовли чеккасидаги ўзи ўтирадиган хонага ҳам печка ёқиб қўйишни тайинлади.

Оқшомга яқин бу гап чолнинг эсига тушиб, ўрнидан турди. Печкага ўтин қалаб қайтгач, ўз хонасида примус

ёқди. Одатдагидек, декчада шүрва қайнатиб қўйди. Сал хотиржам бўлиб, нос чекди-ю, носковогининг тикинини йўқотиб, кайфияти бузилди. «Кўз сабил ҳам кўрмай қолади шекилли», дея уф тортарди чол хонада қаққайиб турган ёлғиз каравот тагида тикинини қидираркан дикқати ошиб.

Эшик такиллаганда, чол носковоқ тикинини эндинга топиб, хурсанд бўлиб ўтирган эди. Хурсанд ҳам бўлмасинми, тикин нукрадан қилинган, уни уруш йиллари меҳнат батальонида бўлганида бир тожик берган эди. Ўша тожик унинг бошлиғи эди.

Соли полвон ёлғиз эмас, бир киз билан кириб келди.

– Ўтирибсизми, бова, э, яшанг!

– Бир нав, жиян, – деди чол унинг ҳамроҳига ҳайрон бўлиб қаараркан.

– Ҳа, бова, мени танимадингизми? – деб сўради қиз кулимсираб.

– Кўрганга ўхшайман...

– Қўшни хўжаликдан, – деди Соли полвон, – механизатор. Машхур механизатор! Мукофотга «Жигули» олган. Бало киз.

– Унчалик эмас, – дея ўнгайсизланди киз. Кейин чолга юзланиб деди: – Машинага запчас олиб кўйган экан бу киши. Шунга келган эдим...

– Бу йил бизди хўжаликка келаман деяпти Ҳалимаой... Шундайми? – Соли полвон кизга караб илжайди.

– Ана бу бошқа гап. Хўжаликка асли шулар керак, – дея қизнинг ўрнига жавоб қилди чол.

Соли полвон Ҳалимани эргаштириб, чеккадаги хонага кириб кетди. Дам ўтмай Соли полвон қайтиб чиқди, машинасидан, қази, колбаса ва бир шиша арак олиб чолнинг хонасига кирди.

– Бова, озрок овқатдан сузинг. Икков бир ўтириб ичайлик... Қизнинг қорни тўқ экан. «Емайман», дейди.

Чол бу гапдан хурсанд бўлиб кетди.

Соли полвон унинг олдидан чиқканда, деразадан Зухра юлдузи энди кўринган эди. Чол бир оздан сўнг бурчакда турган обдастани олиб таҳорат қилгани ҳовлига чиқди. Ҳаммаёқ жимжит. Бетон девор оша

олисдаги посёлка томонда кўп қаватли уйларнинг чироклари кўринди. Чол Соли полвоннинг хонаси ёнидан ўтиб бораркан, бехос ичкаридан қаттик-каттик чиқаётган овозни эшишиб, жойида тўхтаб қолди.

– Уялмайсизми! – дерди қиз йиги аралаш ҳиқиллаб. – Отам тенгисиз-а! Қўлингизни олинг!

Бирдан овоз жимиб, нимадир шараклади. Чол нари кетди. У таҳорат олиб қайтаркан, кизнинг энди кичкирган товушини эшилди. Нафасини ютиб, бир зум карахт бўлгандек котди. Ёпирай, Соли полвон қиз болага ёпишдимикан? Йўғ-э?! Жуда ёш киз-ку?... Ундей деса бу бакир-чакир... Нега Соли полвон уйтади?

Чол эшик рўпарасига келиб, атай йўталди, кейин аста:

– Соли полвон, хў, Соли полвон! – деб чақирди.

Соли полвон шахт билан эшикни очди:

– Ҳа, нима гап?! Боринг! Иззатингизни билиб ўтираверинг!

Чол бирдан бўшашди, каловланиб, ерга каради, сўнг гуноҳ килиб кўйгандек, ўз хонаси томон судралди. «Туф-туф-э, одамди имонини қочирди бу Соли полвон!» деб ғудурлади.

Чол уйига кира туриб, биринчи марта шу одам – ўз бошлиғи хато иш қилаётгани ҳакида ўйлади: «Қизим тенги нарса-я, уят, уф... Нима бўлса бўлди, менга нима? Мен нима кила оламан? Шартим кетим, партим колган бўлса...»

У каравотига секингина чўкаркан, кизнинг ваҳимали кичкиригини эслади: «Шўрликни бир бало килиб кўяди бу Соли... раҳматли қизим тенги экан...»

Қобил лашкар марҳум кизи Барнони эслади. Гўё Барно чирқираганча: «Ота, ёрдам беринг, отажон!» деб илтижо қилаётгандек туюлди. Чол оғир тин олди. Кўп ўтмай яна кизнинг кичкириги эшишилди. Ажабо, овоз ҳам шунчалик ўхшаш бўларканми?

Чол бир зум ўзининг итоатгўйлигини унутди, юраги эзилиб, бурчакка тикилди, деворга суяб кўйилган ов милтиғига кўзи тушди-ю шартта ўрнидан турди.

Ҳа, Соли полвонга милтиқ билан пўписа килади! Ичидаку, ўки йўқ, барибир у кўрқади!

Чол негадир бирпас тұхтаб қолди – у ҳали ҳам иккіланарди. Охири, милтикни күттарғанча сассиз юриб қовлиға чиқди.

Эшик олдига етганида, ичкаридан бүғік товушлар әшитила бошлади.

– Полвон, хүй, Соли полвон! – дея эшикни милтик күндоғи билан урди.

Эшик кия очилиб, ичкаридан яримяланғоч, ширақайф Соли полвон ўқдек отилиб чиқди. Қобил лашкар чүчиб, үзини четга олди.

– Қизни күйиб юборинг, полвон! – деди Қобил лашкар бүғік товуш билан. – Бұлмасам... – У милтикнинг учини Соли полвонга қараб түғрилади.

Соли полвон аввалиға чолға, сүнгра милтиққа қараб котиб қолди. Лабларини мушти билан ишқаларкан:

– Бова, ахмоклик бўлди ўзи... Кўйинг, – дея шивирлаб.

Чол «хўп», дегандек бош қилқиди-да, милтиғини тушириб унга нимадир демокчи бўлиб яқинлашди. Яқинлашди-ю, каттиқ тепқидан бурчакка учиб тушди. Соли полвон энгашиб, ердан милтиқни оларкан, чолнинг тепасига келиб важоҳат билан ўқрайди.

– Эй, босмачи чол! Сен мени билмас экансан! Сенга ким кўйибди гапиришни!... Ўзинг-ку, даврида маза қилиб ўтгансан! – деди у пишқириб. – Яна бир оғиз ғинг десанг, кўлимда ўласан! Одамлар ҳам, ҳукумат ҳам раҳмат дейди. Ё сени бирон марта яхши одам деб айтган киши борми ўзи? Ҳе, онангни... Ё сени қизингми бу?!

Анчадан кейин у Қобил лашкарни ўрнидан турғазди. Чол яна урармикан, деб кўрккан эди, лекин у негадир:

– Бова, бўлгани бўлди, – деди мулойим тортиб. – Оғзингизни юмиб юринг... Қизга тегмадим, лекин жим юринг... Қиз барибир ҳеч кимга айттолмайди, шарманда бўлишдан кўркади. Сиз... Сизни ҳам хурсанд қиласман...

Соли полвон милтиқни олиб, ичкари кирди.

Кўнгли вайрон бўлган чол деворга суюниб турарди: нима учун бу мазах, бу хақорат? Нега полвон уни, ювош, касалманд бир кишини уради? Ахир... ахир,

Қобил лашкар унга ёмонлик истагани йўқ-ку? Унга шунчаки бир пўписа қилмокчи, тўғри йўлга солмоқчи эди-ку? У бўлса... Эҳ, номард!

Қобил лашкарнинг боши айланди, беихтиёр ёни-ни пайпаслади. Мана, пичокни топди. Пўлат пичок! Соли полвон эшик томон бурилганда, Қобил лашкар пичогини қинидан чиқариб, секин ўрнидан турди, сўнг шахт билан олдинга отилди ва... кўзларини чирт юмганча полвоннинг орқасидан шартта пичоқ саншиб юборди. У «Иҳ!» деганча деворга суяниб қолди, жон талвасасида бошини эшик қиррасига урди-ю уйча олдидаги ариқчага қулаб тушди.

Қобил лашкарнинг юрагида бир оғриқ пайдо бўлди. Лекин у қўп эмас, бир лаҳзагина давом этди, холос. Кейин, чол бирданига тетик, айни пайтда совуккон бўлиб қолди. Мияси аник ишлай бошлади. «Нима бўлса ҳам киз қўркмасин», деб ўйлади у ва тўғри хонага кирди.

Хона устидаги тўшак устида кўллари боғлик, оғзига рўмолча тикилган киз типирчилаб ётарди. Чол гарангсиб, унга тикиларкан, ҳайрон бўлиб қолди. Бу қиз – Барно эмас-ку? Ҳатто унга ўхшамас ҳам экан... Боя полвон билан келганида, юзини кўрган эди, лекин унда ҳеч нарсани ўйлагани йўқ. Фақат йиғлаганда овози Барнога ўхшаб кетаркан. «Барно! Қизим, сени деб қилдим шу гуноҳни! Бунинг овози сеникига ўхшар экан. Сенга ҳеч яхшилик қилолмаган эдим. Ўйлабманки, бу сенсан, мени ёрдамга чакирияпсан... Кечир, қизим, карилик курсин! Нима бўлса бўлди. Одамлар кечира... Кечирмаса ҳам, иложим қанча?! Лекин умрим бўйи ҳеч кимдан кўрмаган яхшиликни сендан кўрганман. Ҳамма отангдан жирканганда сен жирканмадинг, ҳамма ма-ломат қилганда, сен доимо кўнглига карадинг. Дунё кўзимга тор кўринган чоғларда ҳам, дардга йўликиб ётиб қолганимда ҳам кунимга сен ярадинг, доимо кўнглимга қарадинг, юрагимга қувват бердинг. Олдимда уйни тўлдириб юришингнинг ўзи мен учун қандай давлат эди! Эй, кун кўрмаган қизим!»

Ўшанда у Коратоғ каналидан энди қишлоққа қайтган эди. Түгилган ерингдан хоҳ узок, хоҳ қисқа муддат бўлсин, четда юриб, бир куни қайтиб келсанг, йўқотган азиз нарсангни топиб олган одамга ўхшаб қоларкансан. Лекин қишлоқда сени кутиб олувчи бирор қадрдонинг бўлмаса, яна алланарсасини йўқотган одамга айланасан. Қобил лашкар ҳам бундан ўттиз йил муқаддам бир бор ана шундай ҳолатга тушган эди.

Уруш энди тугаган эди. Ёши ўтганини назарда тутишдими, уни урушга олишмаган эди. У меҳнат батальонида бўлди. Коратоғ каналида ишлади. Уруш тугаши билан кўплар қатори у ҳам шоду хуррамлик билан она қишлоғига қайтди.

Ўша куни район марказидан аzonда йўлга чиққан одам, оқшомга яқин қишлоққа етай деганда, кирдан-ўримдан қайтаётган бир гурух хотин-халажга дуч келди. Улар Анжирли булок бўйида кўшик айтиб, вактичоғлик қилиб ўтиришарди. Буни кўриб, Қобил лашкар бир нафас ҳайрон бўлиб турди. Назарида гўё ҳеч қачон уруш бўлмаган-у бу ерларга ҳатто унинг акс садоси ҳам етиб келмагандек туюлди. Бу ҳол кўнглини ҳатто бир қадар кўтариб юборди. Бирининг эри, бирининг ўғли, бирининг отаси урушда ўлган бу аёллар ўзларини ўзлари овутиб, нотавон кўнгилларини юпатиш учунгина шундай қилиб юришганини Қобил лашкар кейин – қишлоққа борганида англади.

У йўл устида туриб, аёллар даврасига синчиклаб разм солди: хотинини излади. Лекин улар орасида Ойгул йўқ эди! Унинг юрагига бирдан ғулгула тушди.

Аёллар Қобил лашкарни ариқка яқин келиб колгандагина пайқаб, пир этиб учган күшлардек, дарҳол ўринларидан туришди, беихтиёр тизилишиб, наъбат билан, бирин-кетин келиб, унинг иссиқдан терлаб кетган кадок кўлларини ушлаб кўришишди, очик чехра билан сўрашишди. Кўнгил сўраш, ҳамдардлик билдиришни ўрнига кўя олди бу аёллар! Яхшики, шулар бор экан

бўлмаса, Қобил лашкар ўша куни ич-этини еб, ўзини каёкка уришини билмаган бўларди.

Қобил лашкар қишлоққа етгунча, йўл-йўлакай ҳамма гапни улардан билиб олди: қишлоқдан урушга кетган ўн беш эркакнинг учтаси омон кайтибди. Мехнат батальонига жўнаганларнинг бариси қайтиб келибди, кўплари колхоз маркази – Зарабокка кўчиб ўтишибди. Қобил лашкар Ойгулни сўраганида, аёллар бараварига жимиб колишиди. Фақат Орзикул темирчининг хотини Кумуш очигини айтишга журъат қилди: Ойгул икки ой аввал етти яшар қизчаси Барнони ташлаб, Кўхитангнинг ортига – ота юртига яширикча кетиб қолибди...

Қобил бевафони излаб у ерга боролмасди. Борса Ойгулнинг туркман қариндошлари уни омон қўйиш-маслигини яхши биларди.

Қобил лашкар бу нохуш хабардан гангиб қолмади. Аёллар унга сўз билан эмас, бошни айлантирувчи қарашлари билан ҳам тасалли беришди, унинг юрагига янги бир ҳислар тўлқини оқиб киргандек бўлди.

У кечкурун қизини олиб келгани акаси Каримнинг ҳовлисига караб жўнади. Ҳовлига етмасдан бурун, сал берироқдаги тутга суюниб, нафасини ростлади. Шундагина баданига титрок кирганини, тиззалири ҳам билинар-билинмас қалтираётганини пайқади. Уни безовта қилаётган нарса на қизи, на акаси, на дўст-ёрлари билан кўришиш ҳаяжони эди. Қобил лашкар мана шу сой кирғоғида неча йиллардан бери қад-кўтариб турган пахса деворли ҳовлини кўриб шу ҳолга тушган эди. Ахир бу ер факат акаси Каримнинг эмас, бир пайтлар Қобилнинг ҳам уйи, ҳовлиси бўлган, у шу уйда туғилган, шу ҳовлида ўсиб улғайган. Лекин бу ҳовли-жойда ҳаки йўклигини Ойгулни олиб қочиб келган пайтларидаёқ билган эди. Ўшандан кейин бу ҳовлидан жудо бўлди. Сой бўйидаги ялангликдан ўзига уй курди, атрофини пахса девор ва қалов тош билан айлантириб олди. Лекин туғилган ҳовлисидан ҳеч кўнгил узолмасди, ҳадеб боргиси келаверар эди. Баъзан томга чиқиб, туғилган уйига соатлаб тикилиб ўтиради. У ер Қобилнинг янги ҳовлисига нисбатан пастликда

бўлганидан яккол кўриниб турарди.

Ҳозир ҳам ана шу қадрдон, айни пайтда бегона ховлига кириб бораркан, болалик хотиралари, онаси пишириб берадиган лазиз таомлар, отаси билан подадан хориб-чарчаб қайтган дамлари хаёлидан лип-лип ўта бошлади...

У ҳовли ўртасида, туғдона дарахти тагидаги супада акаси Карим бақирокка дуч келди. Акаси ундан олти ёш катта, аммо укасидан анча ёш кўринарди. У ҳорғин то-вушда салом берди, акаси ўтирган жойидан кўзгалмай алик олди. Улар куруккина сўрашишди. Кейин акаси урчуксоп ясашга киришди. Қобил лашкар эса, янгаси билан бирпас сухбатлашишди-да, кизини эргаштириб хувиллаган уйига қайтди.

Акаси ҳам, қавму қариндошлари ҳам Қобил лашкар-нинг бир пайтлар Барот кал тўдасида бўлгани учун у билан борди-келди қилишмас, ҳали ҳам алланарсадан ҳадиксирабми ёки унинг қайсар феъл-атвори сабабми, тўй-маъракаларига ҳам деярли аралаштиришмас эди. «Хукумат кечирди, менинг ҳолимни тушунди, лекин булар... буларда тариқча шафкат йўқ! – деб кўнглидан ўtkазди Қобил лашкар йўл-йўлакай қавму қариндошларини айблаб. – Майли, тақдиримда бордирки...»

Ота-бала уйга кириб, ерўчоққа жимгина олов ёкишиди. Қобил лашкар сафар халтасидан колбаса, пишлок, бўлка нон чикариб, дастурхонга кўйди, сўнг олов ёруғида қизига тикилганча жим қолди.

– Ота, булардан озрок беринг, Карим бобомнигида ҳам олиб борай, – деди Барно бир маҳал.

Қобил лашкарнинг энсаси котди. Лекин кизининг раъйини қайтармади, озрок колбаса, бўлка, пишлок кесиб бериб, акасиникига жўнатди.

«Онасига тортиби бу нодон қиз, – деб ўйлади у. – Кўнгилчанлик бошингга бало келтиради-ку...»

Қобил лашкар Ойгулнинг кетиб колганига кўп ҳам қайғурмади. Ўзига хотинининг меҳри йўқлигини биларди. «Куч – билакда, бола – белда, хотин – йўлда, дейдилар-ку, дея ўзини овутди ўша окшом. – Уни

йўлдан топиб олган эдим, яна топилар...» Қобил Ойгулни Барот кал тўдасида санқиган кезларида, тонгнинг орқасидаги туркман овулидан олиб қочган эди. Ойгулни деб у Барот кал билан фижиллашди, шундан сўнг ундан юз ўгириб қишлоқка қайтди. Барот кал Қобилдан уч олиш мақсадида орқасидан кувиб келганида, кизиллар кўлига тушиб қолди. Лекин буни Қобил уюштирган эмас эди. У ўша пайтда Орзиқул мерғанинг отасиникида яшириниб ётарди. Бир ҳафтадан сўнг Ойгул унга кўникиб кетди, у билан яшайверди. Уч-тўртта бола туғиб берди. Аммо биронтаси турмади. Ниҳоят, Барно дунёга келди. Қобил лашкар ўғил кутгани учунми, унга ортиқча рўйихушлик бермасди...

Барно бобосиникидан кайтиб келганда, Қобил лашкар ўчоқбошида ўтирганча, кимир этмай шуларни ўйлар эди.

Ота, уйкум келяпти, – деди Барно бир маҳал.

Қобил лашкар ўрнидан туриб, жой солди.

Туни билан ухлаёлмай чиқди. Унга энди алам киларди. Шунчалик жонини жабборга бериб ишлади, туғилган еридан узокларда мاشақкат чекиб юрди. Мана энди бутун бошли қишлоқда уни кутадиган, бир оғиз ширин сўз айтадиган одам йўқ. Қавму кариндошлар ундан қўлини ювиб, қўлтиғига урган. Ҳаттоқи, туғишган акаси ҳам бир пиёла чойни раво кўрмади-я! Унинг гунохи нима? Барот калга кўшилганими? Ахир у Барот калнинг кора ниятларини қаердан билибди? Адашди. Ҳукумат кечирди. Лекин мана бу қишлоқ, мана бу одамлар-чи? Булар нега кечирмайди?!

Қобил лашкар туни бўйи ана шундай чалкаш саволларга жавоб топмок бўлиб, бедор тонг оттириди.

Эрталаб эса, ертўлага яшириб қўйган кора милигини топиб, овга чиқиши баҳонасида кўнглини ҳам ёзиб келиш тараддудига тушди. Каклик-паклик отиб келмаса, уйда ҳеч вако йўқ. Қозон қайнамаган уй – уйми? Одамлар, Қобил энди хор бўлади, деб ўйлашса керак. Йўқ, хато килишади. Мана, қараб туришсин, у энди аёли бор уйдан ҳам эпчилрок, эплирок бўлиб яшайди!

Сувли дара бу ердан уч-тўрт чакирим келади. У ерда каклик кўп. Қобил лашкар бир пайтлар тоғларда ёлғиз ўзи юраверишга одатланиб кетган эди. Лекин ҳозир кизини уйда ёлғиз қолдиргиси келмадими, негадир уни хам овга эргаштириб жўнади.

Ота-бала кунбўйи Сувли дарада каклик овлашди. Кечга яқин қишлоқка қайтишаркан, Қобил лашкар ўзига болта кераклиги эсига тушиб, Музбулօк ёнидаги ҳовлига бурилди. Аслида, бу ерга кадам босиш нияти хам йўқ эди-я, лекин шу кунларда унга болта ниҳоятда зарур эди. Эрталаб доимо омборхонада турадиган болтасини роса излаб тополмади.

Уй эгаси – Орзикул темирчи кутилмаган меҳмонларни кўриб, хурсанд бўлиб кетди. У чапдаст, хушфеъл, лекин бефарзанд киши эди. Барнога кўзи тушгач, меҳри товланиб, кўярда-кўймай уларни уйига олиб кирди. Қобил лашкар унинг ширакайф эканини дарров пайқади. Шунинг учун хам бу ердан тезроқ жилиш пайига тушди. Лекин Орзикулдан кутулиб бўлармиди?!

Темирчи хотинига буюриб, ўн килоча келадиган улок гўштини Қобил лашкарнинг кўз олдида қозонга солдирди, ёғоч сандикни очдириб, нимаики ширинлик бўлса, барини Барнонинг олдига тўқдирди. Хотини унинг айтганларини мік этмай бажаарди. Қобил лашкар бу аёлнинг сабр-токатига, одамлар бир бурда нонни кизғанадиган пайтда, саховатпешалик килганига койил колди, унга бир оғиз илик гап айтгиси, «Эй, Кумуш, сенга яратганинг ўзи фарзанд ато этсин, кўнгли очик эринг билан қўша қаригин», дегиси келди. Лекин негадир истиҳола килди.

– Қани, гапир, лашкар, – деди Орзикул пишкириб. – Каерларда бўлдинг?

– Қоратоғда, – деди Қобил лашкар. – Канал қазидик.

– Мен сендан икки ёш кичик бўлсанам хам фронтга олишмади, – деди Орзикул ўксисиб.

– Э, шу ерга керак бўлгансан-да, Орзикул, – деди Қобил лашкар. – Ҳамма билади, темирчи – колхознинг кўл-оёғи, керакли одам...

Орзикул оғир тин олди, кейин Барнога юзланди.

— Кани, ол-чи, буларнинг хаммаси сенга, — деди у дастурхон устидаги тутҳолва, кора майиз ва бир бўлак чакмоккандни кўрсатиб. — Ҳозир гўшт ҳам пишади. Амакингникида оч қолмадингми, ишқилиб. У аканг бўлса ҳам, — деди у Қобил лашкарга юзланиб, — ўлгудек очофат. — Кейин хотинига буйрук қилди: — Бир коса мусаллас олиб чик.

Кумуш ёғоч косада мусаллас келтириди.

Қобил лашкар ҳарчанд эътиroz қилмасин, Орзикул унга ўзи тайёрлаган қўлбола мусалласдан қуйиб берди.

— Очигини айтсан, кўнглинг кенг одам экансан, — деди Орзикул унга. — Хотининг ташлаб кетибди-ю, сенинг эса парвойинг палак. Мен бўлсан, юрагим ёрилиб ўлардим...

Қобил лашкар индамади.

— Ҳечкиси йўқ, — деди Орзикул яна. — Барибир бола туғиб бериди-ку. — У пиёладаги мусалласни бир кўтаришда симириб, устидан совиган чой ҳўплади. — Мана, бизди хотин бўлса, кувласанг ҳам ташлаб кетмайди. Чунки бола туғиб бергиси йўқ... Тўғрими, Кумуш?

Орзикул бир чеккада чой қуйиб ўтирган хотинига мастиликдан телбаникидек олая бошлаган қўзларини тикиди. Кумуш унинг бу гапларига ўрганиб кетган шекилли, индамай ўрнидан туриб, ўчоқбошига кетди.

Орзикул хаҳолаб кула бошлади. Қобил лашкар мусалласдан озгина ҳўплаб, максадга кўчди.

— Болта йўқ, — деди Орзикул қўзларини чақчайтириб. — Болта берсан, одам ўлдирасан... А, лашкар, тўғрими?

Қобил лашкар урушдан олдин ҳам унинг бу одатини биларди. Узи хушчакчак, меҳнаткаш бу йигит кишлок тўйларида озрок ичиб олса, бас, даврани роса қизитарди. Гавдасига ярашган катта корнини силкитиб, қўлларини чапараста қилганча завқ билан ўйнарди. Лекин сал ошиқча ичдими, бўлди, ўша куни уйида хотинини калтаклар, кейин сой йўлига чиқиб ҳолдан тойиб йиқилгунча ялангоч чопиб юрар эди. Одамлар уни йиқилиб қолган жойидан топиб, уйига судраб элтишарди. Шу бўйи у беш-олти ой ичмай кетар, кейин эса яна нимадир сабаб бўлиб илгариги аҳволига тушар эди.

Орзикул Қобил лашкарга яна қўйди.

Бўлди, бас, – деди Қобил лашкар. – Энди ўзинг ҳам ичма...

– Э, – дея қўл силтади Орзикул, сўнг хумдай оғзини очиб, мусалласни симирди. – Қойилман, сенга! – деди у лабини артиб. – Хотининг кетибди-ю, кўнглинг ёз-дагидай... Тўғри қиласан. Мана, мен ҳам хотинимни ҳайдайман. Ишонмайсанми?!

Орзикул энди каттиқ маст бўлиб қолган эди.

– Ҳайдайман, дедимми, ҳайдайман... Ҳозир ҳайдайман! – У деворга осиғлик камчини олиб, ҳовлига чиқди.

– Ота, амаким янгамни ўлдириб қўяди, – деди Барно кўркиб.

Қобил лашкар индамай, пиёладаги совиган чойни хўплади.

Ота-бала ташқарига чиқканда, Орзикул хотинини отига куч билан миндираётган эди. У Қобил лашкарга ўқрайиб қаради-да, отни қишлоқ томон елдириб кетди. Қобил лашкар хуржун ва милтиқни елкасига ташлаб, кизини эргаштирганча сой сўқмоғига тушди. Улар икки чакиримча юришгач, муюлишда отини етаклаб қайтаётган Орзикулга дуч келишди.

– Унга айтинглар, – деди Орзикул ғўлдираб, – қайтиб келмасин. Қайтиб келса, оёғини уриб синдираман! Бошқага уйланмоқчиман... Уни талоқ килдим... Уч талоқ!

У қаҳр билан яна нималардир демокчи бўлди-ю Барнога кўзи тушиб, юмшаб қолди. Сўнг бошини куйи эгиб, уйи томон жўнади.

Улар қишлоққа якинлашганда, харсангтош панасида инграб ётган Кумушни кўриб қолишиди.

– Ота! – деб йиғлаб юборди Барно. – Кумуш холами уйимизга олиб кетайлик. Бўлмасам, Орзикул амаким уриб ўлдириб қўяди.

Қобил лашкар қизининг гапидан сўнг, харсангтош томон бурилди. Қамчи зарбидан юз-кўзи моматалок бўлиб ётган Кумушни бориб даст кўтарди. Аёл унга норози қиёфада караб қўди-ю индамади.

– Кумуш, юринг, қишлоққа борайлик, – деди Қобил лашкар.

Аёл бошини сарак-сарак килди.

– Холажон, юринг бизниги, – дея йиғлаб ялинди Барно. – Юринг. Хўп, дея қолинг, жон хола!..

Кумуш Барнога тикилиб турди-да, бирдан бошини куйи эгди, сўнг қишлоқ томон бир-икки қадам босди-ю, аммо қалқиниб, йиқилиб кетаётди. Қобил лашкар уни оҳиста суяб, қишлоққа олиб қайтди.

Барно ўша кундан бошлаб унга ўта меҳрибон бўлиб қолди. Қобил лашкар эса индинига қишлоқнинг чала мулласини келтириб, никоҳ ўқиттирди. Мулла у билан кўчада хайрлаша туриб, шундай деди:

– Иним бахтингиз бор экан, шундай хотинга дуч келибсиз. Орзиқулни биласиз, феъли маълум, ичса Кумушни уйдан хайдайди. Бир куни мен уни тутиб олдимда, каттик гапирдим. «Ажраладиган бўлсанг, яхшиликча ажраш, талок кўй», дедим. У бўлса нима дейди денг: «Э, мулла ака, у билан ажрашолмайман. Уям мени ташлаб кетолмайди. Мана, йигирма йилки, шу аҳвол. Ичсам, кўнгли қолсин, деб савалайман-да. Уям бир бахтини синаб кўрсин, дейман, мен ҳам... » Ана шундай, Орзиқулнинг дарди ёмон... Буёғига энди Кумушни авайлайсиз.

Қобил лашкар орадан бир хафта ўтгач, Орзиқул қўшни қишлоқдаги бир бева аёлга уйланганлигини эшилди. Бу гапни Кумушга айтган эди, у Барнони бағрига босиб узок йиғлади. Барно кўчага чикиб кетгач, у Қобил лашкарга кўнглини очди:

– Барно бўлмаса, бу уйда бир кун қолмас эдим, – деди у бошини куйи эгганча. – Унинг юз-кўзига кўзим тушса, кўнглим юмшаб кетади. Нимага шундай, билмайман. Бир сехри бор шу қизингизди. Мунчокдай кизчасини етим килди-я, онаси.

Ўша куни Кумуш уйда исирик тутатди, кир ювди, ҳовли тозалади. Кечкурун эса, жойни биринчи марта бирга солди.

Қобил лашкар бундан ўттиз йил бурун шу тариқа яна хотинлик бўлиб қолган эди.

Кумуш келгуси ёзда ўғил туғиб берди. Ундан кейин туғилган бола эса шамоллаб ўлди.

Орзикул иккинчи хотинидан ҳам фарзанд күрмади. Шундан сўнг уни ҳам қўйиб юборди-ю ичкиликка мукасидан кетди.

Қобил лашкар қишлоқ дўконида коровул эди, шунинг учун ҳам аракка келганида тез-тез куриб турарди. Бир куни ана шу Орзикул сабаб бўлиб, Қобил лашкар ҳам тўйиб ичди.

Якшанба куни эди. Оқшом пайти. Дўкон барвакт ёпилганилиги учун бир пиёла чой ичиш баҳонасида уйига келган эди. Чойини ичиб, отланаётган эди, ҳовлисига Орзиқул кириб келди. У отидан тушмай Қобил лашкарни чақирди.

– Хў, лашкар! Нега ишни ташлаб, бу ерда юрибсан? Дўкони ким пойлайди?

Қобил лашкар айвонда жағи айрилган этигининг тагини михлаб ўтиарди.

– Ҳозир бораман, Орзикул! Арак керакмиди? – дея бақирди у жойидан қўзғалмай.

– Ў, инсон! – деди Орзиқул ғўлдираб. – Ўласанми, бир пиёла чой ич, десанг!.. Қачон мундай одам каторига кирасан? Аканга ўхшаб, мунча зикна бўлмасанг?.. Ахир мен сенга хотинни ҳам бердим-ку!..

Қобил лашкарнинг тиззаси қалтиради, оёқ остида ётган узун заранг таёғини олиб, ўрнидан турди.

Кумуш бу пайтда ҳовли чеккасидаги дорга кир ёяётган эди. У Орзиқулнинг келганини аллақачон кўрган, иложи борича ўзини панага олишга уринар эди. Шу тобда кўнглида Орзикулга нисбатан ачинишдан кўра, нафрат кучлирок эди. Лекин Қобил лашкарнинг кўлидаги таёкни кўриб, шошиб колди. Қобил лашкар хотинининг ҳаракатларини зимдан кузатиб турган эди, кейин Орзиқулга андармон бўлиб, Кумушга эътибор ҳам килгани йўқ.

– Бошингни янчаман, сени, – дея газаб билан Орзиқул томон хезланди у. – Яхшиси, кет бу ердан!..

Орзикул жўрттага килгандек, отдан тушиб, деворга суюнди. От жонивор бир нимани сезгандек бетокат ти-пирчилаб, турган ерида депсинди.

Кумуш кўлидаги кирни ерга улоктириди-да, шартта Қобил лашкарнинг йўлини тўсиб чиқди. Орзикул уни кўрди-ю бошини хам қилди, кейин алам билан шивирлади:

– Шунга... шунга туғиб бердингми, Кумуш?! Шу абраҳамга-я?! Бу одам эмас-ку!

Қобил лашкар унинг гапини аниқ-таниқ эшилди, газаб билан таёқни кўтарганча дарчага якинлашиди. Лекин кархисидан чопиб чикқан Кумуш унинг кўлидан таёқни аранг олди-ю боғ томон иргитди. Қобил лашкар, кўзлари чақчайиб унга ўкрайди. Кумуш жонҳолатда унинг кўкрагидан итариб юборди.

– Ҳали шунаками?! – деб вишиллади Қобил лашкар алам билан. – Ҳали менга қўл кўтардингми?!

Кумуш унга ўгирилиб ҳам қарамади. Орзикулнинг кўлтиғидан тутиб, отга мажбурлаб миндириб юбордида, сўнг остонаяга ўтирганча уввос тортиб йиғлади: «Шу бечорага фарзанд берсанг, нима киларди, эй худо-йим!..»

Ўша оқшом Қобил лашкар овқат ҳам емай дўконга жўнади, кечаси сўраб келадиганларга олиб қўйилган шишалардан бирини очди. Бир ўзи бир шишани яримлатди, тун оғганда уйига қайтди. Кайфнинг зўри билан хотинига аччиқ-аччиқ гапирмокчи, бутун ғазабини тўкиб солмокчи эди. «Бу хотин ўзидан кетди! Чала ўлик бўлиб ётганида Қобил йўлдан олиб келгани эсидан чиқди! Яхшиликка ёмонликми энди?!» деб ўйларди у алам билан.

Уйи билан дўкон ораси юз қадамча келади. У бир зумда ховлига етиб келди. Даричани очиб, айвонга ўтмоқчи бўлган эди, оғилхонада кўйларнинг дупир-дупир чопиб, безовта бўлаётганини пайқаб колди. Бундай караса, бир баҳайбат ит оғилхонанинг пастак туйнугига бошини сукканча, кўйларни зир югуртираётган экан. Қобил лашкарнинг ғазаби келди. Коровулликда олиб юрадиган заранг таёғини аста кўтариб, дарчага яқин борди. Ит зўр бериб бошини оркага тортарди. Қобил лашкар итнинг боши туйнукка кисилиб қолганини пайқади. Итни ҳолдан тойгунча савалади.

Лекин унинг нега ирилламаётганига, шунча калтакка бардош бериб турганига ҳайрон қолди. Заранг таёк зарбига ҳатто ҳўқиз ҳам дош беролмасди. Қобил лашкар кундузги қўнгилсизликнинг ҳаммасига гўё шу ит айбдордек, сўкина-сўкина саваларди. Ниҳоят, у ҳолдан тойди, чўзилиб ётган итга ҳам қарамай, уйга кирди. Ёлғиз ўзи тиканга ағанагандек, мижжа қоқмай тонг оттириди.

Эрталаб ўрнидан тургач, ит эсига тушди. Аста юриб оғилхонага борди. Бундай қараса ... бир бўри ўлиб ётибди! Пешонасидан совук тер чиқиб кетди. Бўрининг бакрайиб қолган кўзларидан чўчиб, оркасига қайтди, бир-икки қадам ташлади-ю, кўз ўнги коронгилашиб кетди. Эшик кесакисига суюнганча котиб қолди, юрай деб ҳарчанд уринса ҳам юролмади – бир оёғи, бир кўли ишламас эди.

Атрофга аланглаб, сурувдан қайтган ўғли оёғи синган кўйни эшик олдида эшакдан тушираётганига кўзи тушди.

Омон! Бу ёқка кел... – дея базўр товуш берди у.

Омон кўйни кўтариб, унинг олдига келди.

– Кўйни кўйиб турсанг-чи! – деди Қобил лашкар уни жеркиб. – Мени уйга олиб кир... Мазам кочди.

Омон отасини айвонга ётқизиб, оғилхона олдига қайтди. Кўйни ичкарига киргизаётиб, бўрини кўрди-ю оғзи ланг очилиб қолди. Кейин ҳамма ишини ташлаб, шоша-пиша бўрининг терисини шилишга тушди.

Барно унинг эшагини миниб, хўжалик маркази жойлашган кўшни қишлоққа доктор чақиргани кетди.

Ўзбекчани тоза гапирадиган кекса лазгин докторни тоғ оралиғида яшовчилар неча йиллардан бери билишарди. У Қобилни синчиклаб кўздан кечиргач, асаб томирлари қаттиқ кўркувдан шикастланганлигини, бу дардни даволаш ниҳоятда мушкул эканини рўйирост айтди.

– Шаҳар касалхонасида ётсангиз ҳам бўлади, – деди у Қобил лашкарга. – Лекин даволашлари қийин... Бу дарддан шифо топиш одамнинг ўзига боғлиқ. Томирларни силаб-силаб, оёқ-кўлларни уқалаб туриш керак. Шунда ҳам бир-икки йилсиз тузалиб кетишингиз дар-

гумон. Ўйлаб кўринглар... Агар истасангиз, шаҳарга йўлланма ёзиб берман.

Қобилнинг шаҳар касалхонасида ётишга хуши йўқ эди. Шаҳарда унга ичи куядиган бирор кишиси бўлмаса. Ёши олтмишдан ошганда, энди қаерга ҳам боради? Йўқ, хеч қаерга бормайди! Ўлса, шу кишлоқда тинчгина ўлади.

У уч хонали уйнинг кичкинагина хонасида тўшакни қалин солдириб, ётиб олди.

Ташкарида эса, Кумуш ўғли Омон билан даҳанаки жанг қиласарди:

– Нега мунча очкўзсан? Отанг бу ерда касал ётса-ю, сен бўри терисини кўтариб овулма-овул тентираб юрсанг!..

Чўпонлар расмига кўра, кимки янги ўлдирилган бўри терисини кўрсатса, ўшанга бир кўй ёки эчки берилади.

– Нима, ёмонми? Югурмай-елмай ўнта кўйлик бўлиб олдим, – деди Омон дағал товуш билан. – Бирор берармиди буни?

– Одамлар нима дейди, ахир, – дея кўрка-писа гап кўшди Барно. – Ахир ҳамма билади-ку, отам уни ит гумон қилиб ўлдирганини...

– Ҳамқишлоқлар номига ҳам доғ келтирдинг! – дея норози бош чайқади Кумуш.

– Кўйинг, эна, шу бўлмагур гапларни! Ҳозир табар-мусулмон¹ деган гап йўқ, – деди Омон. – Ҳаммамиз совет граждани...

Қобил лашкар деразадан уларнинг гап-сўзларини эшишиб ётаркан, Омоннинг бунчалик пишиклигига ҳайрон қолди. «Ё тавба, пуштикамаримдан бўлган ўғлимнинг феъли акамнинг феълига тортибди-я», деб ўйлади у.

Қобил лашкар Кумушни чакириб, хаёлига келган бу фикрни айтмоқчи бўлди-ю, аммо куйи лабигина қимирлади, холос. Кечга бориб, бир кўзи ҳам юмилмай

¹ Табармусулмон – «Табар» сўзи фореча бўлиб, «болта» демакдир, яъни болта билан бўйсундирилиб, мусулмон бўлган деган маънони англатади.

колди. У кўркиб кетди, ичиди калима қайтарди. Сўнг барини тақдирдан кўриб ётаверди. «Қилмишларим яратганга ёқмаганки, шу кўйга солди», деб ўйлади на-домат билан. Туни билан тавба-тазарру килиб чиқди.

Кейинги хафта ўғли армияга кетди. Отаси касал бўлгани учун унинг чакирув муддатини баҳоргача узайтиришмокчи эди. Қобил лашкар кўнмади. Беихтиёр эсига Орзиқул тушаверди. Гўё у: «Аканг ҳам, сен ҳам одам эмас. Мана энди, кўряпман, боланг ҳам...» деяёт-гандек бўлаверди.

Киш кирди. Қобил лашкар энди Барнога суюниб колди. Тўғри, у бовул қилса, тагини Кумуш тозаларди. Лекин оёқ-кўлини уқалашга қолганда, негадир бу ишни Барнога буюрар, ўзи эса қўлини ҳам тегизмасди. Уму-ман, Кумуш у билан қовушган йиллари ҳам тўшакда мана шундай совуккон эди.

– Сен менга ҳеч эл бўлмадинг-бўлмадинг-да! – деди Қобил лашкар бир куни носини туфлай туриб. – Хотин бўлиб, сен ҳам шундай бир оёғимни уқаласанг экан.

Кумуш индамади.

Қобил лашкар дардга чалиниб ётиб қолганидан сўнг, бир нарсага ақли етди – қизи Барнодан бошқа ҳамма ундан ҳазар қиласди. Яхшиям баҳтига шу бор экан.

Лекин киш кунлари унинг ҳовлисига келди-кетди кўп бўлди. Бир-бирига қавму қариндош бўлиб кетган бу кичкина қишлоқнинг одамлари Қобилни барибир ҳали унтишмаган экан. Балки, уни сўнгги марта кўриш хаёлида келишгандир. Буниси Қобил лашкарга коронги эди. Уни кўргани кўп одам келди, аммо акаси келмади.

Киш ҳам ўтди, аммо Карим бақироқдан ҳамон дарак бўлмади. Қобил лашкар акасининг келишидан умидвор эди. «Наҳотки бир қориндан талашиб тушган оғаси ҳол сўрагани келмаса! Йўқ, келиб колар», деб ўйларди у. Бироқ бу тахмини тўғри чикмади. Тешик кулок эши-таркан, акаси қайси бир маъракада: «У менга ини эмас, ўлса, ўлигига бормайман», деганимиш. Қобил лашкар бу гапни онда-сонда кириб турадиган мулладан эшишиб инграб юбораёзди. «Кўрамиз! – деди у ичиди алам билан. – Мен ҳам ўлигини кўрмай туриб ўлмайман!..»

Бу воеадан сўнг у тўнини тескари кийиб, ўта инжик бўлиб колди. Буни ўзи ҳам биларди, лекин наилож! Ҳисоб-китобли дунё бу! Ҳали ўлмаса кўради! У нафақасининг бир тийинини ҳам рўзгорга харж қилмай, кизини бозорга юбориб, янги сўйилган гўшт, хўрот, тухум олдириб, ҳаммасини ёлғиз ўзи ейдиган бўлди. Кўргани келган одамлар ул-бул нарса келтирса, рўйирост ўз хонасига кўйдирарди. У урушдан олдин ертўлага милтиқ билан ёнма-ён яшириб кўйилган тилла зебигардонни ҳам энди кизига бермасликка қарор қилди. Бу зебигардон унга онасидан мерос эди. Онасининг жон бераётиб, айтган бўғик, гуноҳкорона товуши ҳали-ҳали ёдида. У ўша куни ҳамма билан розиризолик тилашиб бўлгач, Қобилнинг ўзини алоҳида чакитирди-да, ёнидаги кўшни аёлдан уларни холи колдиришларини сўради.

Қобил ўшанда энди ўн иккига тўлган эди.

Онаси ёстигининг тагидан алланарса олиб, унга узатди.

– Бу тилла зебигардон, болам... Онамдан мерос. Пешонасида ёлғиз қиз эдим, шунинг учун менга колдирган эди. Худо менга қиз бермади. Бирор кун келиб қиз кўрсанг, унга берарсан. Момосининг зебигардони унга сеп бўлсин. Бисотбошинг шу бўлсин, болам.

Қобил зебигардонни қишлоқдан анча наридаги За-раутсой ғорига элтиб яшириб кўйди. Ҳар йил қизил гул байрамида ғорга бориб, унинг жойида бор-йўқлигини текшириб келарди. Бу қадимий зебигардоннинг нафис нақшларини узок-узок томоша қилиб ўтиргач, аста қишлоққа кайтарди.

Ўшанда онаси нима учун зебигардонни акасига эмас, унга бергани хақида ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Қобил ёшлигига ориқ, касалманд бола эди. Эҳтимол, онаси шуни назарда тутиб, унга кўп мурувват қилгандир. Қобил лашкар буни энди, орадан неча йиллар ўтиб, дардга чалиниб ётганида хотирлади, негадир ўпкаси тўлиб кетди.

Қобил лашкар зебигардонни кўп йиллар ўзи ётадиган хона бурчагига кўмиб кўйганди. Уни фақат кизига

сеп қилиб беришни ўйлаб қўйган бўлса-да, акасининг ўша гапини эшигтгач, кўнглида бошқача ният туғилди. Ётиб кўп ўйлади. Узок иккиланишлардан сўнг шундай фикрга келди: унинг бирор-бир бадавлат, ичи куядиган қариндоши бўлса эканки, мана шундай яхши-ёмон кунда жонига ора кирса... Ҳа, илож қанча! Узинг учун ўл етим деганлар. Ажаб эмаски, ягона бисоти бўлган шу зебигардон боши ёстикка етганда жонига ора кирса...

Бир куни кекса лазгин доктор яна бир хабар олишга келганида Қобил лашкар унга зебигардонни кўрсатди. Доктор зебигардонни кўриши билан кўзлари чакнаб кетди.

– Ажойиб буюм, – деди у зебигардондан нигоҳини узмай. – Сотасанми?

– Йўқ, – деди Қобил лашкар. – Мени оёкка турғазсанг бас, тузалган куним сенга совға бўлади шу.

Кекса лазгин доктор Қобилнинг шартига кўнди. Эртасигаёқ у қишлоққа кунора қатнай бошлади, доридармон топиш учун эса тоғ орқасига – Туркманистоннинг Говурдок шахрига тез-тез тушиб турарди.

Қобил лашкарнинг ётиб қолганига олти ойдан ошса ҳамки, ҳали-бери тузаладиганга ўхшамасди. У энди аҳволига анча кўнинкан, энг муҳими, қаҳратон қишдан соғ-омон чиқиб олган эди.

Баҳор кунларининг бири эди. Барно унга айвонга жой қилиб берди. Пешинга яқин эшикдан кўшни қишлоқлик Нусрат бобо билан мулла кириб келишди. Гангир-гунгур сухбат куриб, чой ичиб ўтиришди. Кетар ноғларида мулла Қобилга караб деди:

– Қобил ука, шу Барно қизингни Алиқулнинг ўғлига берсанг, деб келган эдик. Ўғлини биласан, ёмон йигит эмас. Армияни ҳам битириб келди. Нима дейсан?

Қобил лашкар ҳеч нима дея олмади.

– Уйдагилар билан маслаҳат қилиб кўрайлик, – деди ниҳоят чайналиб.

– Хўп, маслаҳат қилиб кўр, биз тағин келамиз, – дея ўрнидан турди мулла.

Улар кетгач, Қобил лашкар Кумушни чакириб, уни совчиларнинг гапидан хабардор қилди.

- Яхши йигит, – деди Кумуш. – Берса бўлар...
- Барнонинг ўзидан сўраб бил-чи, нима деркин, – деди Қобил лашкар.

Эртаси куни Кумуш Барнонинг гапини етказганда, Қобил мум тишлаб қолди. Барно: «Отам тузалиб кетмагунча, ҳеч кимга тегмайман», депти. Қобил: «Балки бу Кумушнинг гапидир, – деб ўйлади. – Барно кетса, ҳамма оғирлик менга тушади, деган хаёлда айтаётгандир...»

Йўқ, Кумуш алдамаган экан. Қобил лашкар қизини олдига чакиртирганда, у кизариб-бўзариб, «Ота, аввал сиз тузалинг, кейин...» дея тезда чикиб кетди.

Қобил лашкар бир ҳафтадан сўнг иккинчи марта келган совчиларга шу гапни айтди. У ўша кунлари кизидан кўп миннатдор бўлиб ётди, баъзан ҳеч кимга билдирамай йиғлаб ҳам олди. Қари лазгинга зебигардонни ваъда килиб қўйганига қаттиқ афсус чекди.

У бир куни даҳшатли туш кўрди: Ўзи ўлдирган бўри уйига келганмиш. «Қани, чик бу ёкка, Қобил!» дебди у. Қобил лашкар бўрининг гапирганига ҳайрон бўлибди. Бундай қараса, танаси бўриники-ю, боши Барот калники эмиш. «Ха, танимадингми? – дебди у тишини ғижирлатиб. – Мени унутиб юбординг, Қобил... Эсингдан чикармаслигинг учун ҳозирча бир оёғингни еб кетаман...» У шундай деб Қобил лашкарга ташланиди. Қобил лашкар ниҳоятда кўркиб уйгонди. Дера-зада чирок милтиллаб ёнар, ташқаридан ёмғирнинг шовиллаб ёккани эшитилар эди. Вужуди кўркувдан титраб ётаркан, тўсатдан шол оёғи қимиirlаётгандек туулди. Ҳатто қўли ҳам қимиirlагандек бўлди. Ўша куни эрталабга кадар мижжа кокмади.

Эртаси куни ғалати ҳол юз берди: кечаси кўрган туши сабаб бўлиб, у олдига кирган ҳар бир одамни кайсиdir ҳайвонга ўхшата бошлади.

Ўша куни унинг хонасига биринчи бўлиб қизи Барно кирди. У отасига ювиниш учун офтобада сув келтирган эди. Қобил лашкар юзини юваркан, кизининг узун бўйини, коп-кора шахло кўзларини. Чаккон ва енгил қадамларини буғуга ўхшатди. У чиқиб кетгач, хо-

тини Кумуш чой олиб келди, пойгакка ўтириб қуяркан, Қобил лашкар унга синчиклаб разм солди. Кумуш кўпроқ говмиш сигирга ўхшаркан. Йирик гавдали, катта кўзлари ғамгин бокади, ўзи ҳам мулоим, унча-мунчага жахли чиқмайди.

Шу куни олдига бошка ҳеч ким келмади. Лекин Қобил лашкар хаёлан кўп кишиларни солиштириб ётди. Ўғли Омоннинг ғўдайиб туриши-ю, шахт билан боришлиари ёввойи чўчқани эслатди. Акасининг қиёфаси эса, кўзи конга тўлган буқани ёдига солди. «Ажабо, нима бало, одамлар ҳам бир замонлар шунака ҳайвон бўлганмикан?» деб пи chirладi.

Кейинги хафта у ўрнидан туриб юрадиган бўлди. Икки ҳафтадан бўён бедарак кетган кари лазгин доктор буни кимданdir эшишиб, шоша-пиша келиб қолди.

– Ваъдангиз эсингиздами, Қобилбой? – деб сўради доктор чой ичиб ўтирап экан.

– Эсимда, – дея хаёлга чўмиб жавоб қилди Қобил лашкар. – Айтганимни бераман. Лекин бир тилагим ҳам бор...

– Қани, хўш? – кари лазгин сабрсизлик билан унинг оғзини пойлади.

– Сурувда ўн бешта кўйим бор, барини сизга берсан-у, зебигардон менда қолса... Нима дейсиз шунга?

– Йўк, йўк! – деб юборди кари лазгин. – Бошида келишган эдик-ку?

– Тўғри, келишган эдик, – деди Қобил лашкар маъюс тортиб. – Лекин бу зебигардон онамдан ёлғиз ёдгорлик эди. Уни мана шу қизим Барнога колдиришни ният килган эдим...

– Бўлмайди, Қобилбой, – деди доктор бош чайқаб. – Мен сизни лафзи ҳалол одам деб биламан.

Қобил лашкар ҳеч нарса деёлмади. Сандиқчасини очиб, зебигардонни олиб берди.

– Соғлик бўлсин, Қобилбой, – деди кари лазгин. – Умр одамга бир марта берилади. Хўп, соғлиқда кўришайлик!

У зебигардонни пахталик шимининг чўнтағига солиб чикиб кетди.

Қобилнинг назаридаги унинг орик, баланд гавдаси, кўзларининг ўйнаб туриши илонга ўхшаб кетди.

Қобил лашкар энди соғайиб бораётган эди. Ўшакуни бир йил мобайнода биринчи марта гуллаб ётган йўнгичкапояга ўзи бориб қайтди. Кейин Барнога туғдана дарахти тагига жой ҳозирлатди. Атрофга сукланиб қааркан кўнгли нимадандир шод, руҳи енгил эди. Бундай яхши кунлар унинг ҳаётида кўп бўлмаган. Онаси тириклигига – ўн икки ёшигача мана шундай енгил, бегам кунларни кўрган эди. У пайтда – ҳали ақлини танимаган пайтда бундай кунларнинг қадрига етмаган экан.

У дарахт тагига ёнбошлаб ётганча кунни кеч килди.

Қобил лашкар ўзини анча ўнглаб олгач, бაъзан кўчага чикадиган, бир-ярим тўй-маъракаларга ҳам кириб чикадиган бўлиб колди. У одамларга ҳали дунёдан умиди кўплигини, ўзини ўзи эплашга кодир эканини англатиш учун ҳам шундай киларди. Ана шундай жойларда Қобил лашкар акасига бир неча бор дуч келди, эл катори кўришган бўлди-ю, ундан нарига ўтмади...

Кунларнинг бирида акаси дўкон мудири Хидир чўлок билан билан кутимаганда унинг уйига кириб келди. Қобил лашкар, акам мен билан ярашгани келибди, деб ичидаги хурсанд бўлди. Хотинга дастурхон буюрди, ўзи чой қуйиб, уларнинг сўзига қулоқ тутди.

Меҳмонлар чой устида муддаога кўчишиди. Гапни Хидир чўлок бошлади.

– Гап бундай, Қобилбой, – деди у томок қириб. – Сени бир гапдан хабардор қиласайлик деб олдингга келдик. Иккаламиз ҳам, мана, бир кам олтмишга чиқдик. Мен ҳам эрта-индин пенсияга чиқиб қолсан ажаб эмас. Сен ҳам дўкон коровули бўлиб, оз эмас, кўп эма, ўн олти йил хизмат қилдинг...

Қобил гапнинг нишаби қаёкка кетаётганини билмай ҳайрон бўлиб ўтиради.

– Сенинг ётиб қолганингга ҳам, мана, бир йилча бўлди. Хабаринг бордир, ўтган йили ўрнингга акангни олган эдик... Мана, аканг шоҳид, омбордаги ўн беш коп унни каламуш кемирибди, иккита гиламни ҳам расво қилган.

Қобил лашкарнинг акаси олтмиш бешларга кирган бўлса-да, кўринишидан ҳали тетик эди. У бакувват кўллари билан соколини тутамлаб ўтирас, ҳамрохининг ҳар бир гапини маъқуллагандек, бош қимирлатиб қўяр, бунга сари Қобил лашкарнинг ғаши келар эди.

– Мана шуларнинг зарарини аканг тўлади. Сен касал ётганинг учун, билдирмайлик, деди. Мана, ўзиям ўтирибди. Ишонмасанг, сўра. «Энди, Қобил минг қилса ҳам укам, пенса ёшига етганда, шарманда бўлмасин», деди аканг...

– Уругимиз иснодга колмасин, дедим, – деди Карим бақироқ салмокланиб.

– Мен каламушларга эмас, омборга коровул эдим, – деди Қобил лашкар кескин. – Улар учун жавоб бермайман. Ўзингиз дорилашингиз керак эди искаладни.

– Биз ҳаммасини закуни билан аниқладик, – деди дўкон мудири. – Тўғри, дорилашни бошқалар килиши лозим. Лекин сен каламушлар омбор деворини тешганини хабар килишинг керак эди...

Қобил лашкар ғазабдан қалтиради-ю чурк этолмай қолди.

– Энди, ўтган ишга саловат, ука, – деди акаси мулоийм товуш билан. – Мана, мен тўладим... Лекин энди сен ҳам зиқналик килмайсан.

Қобил лашкар ерга қаради.

– Мана, беш-ўнта қўйим бор, керагича ол, – деди у жавдираб. – Ўғлим армиядан келса, уйлантираман деб юрган эдим. Бу ёқда кизим ҳам... бўйга етган. Балки карзимни кейинрок узарман-а?

– Айёрик килма! – деди акаси. – Хидирбойдан яширадиган сирим йўқ. Ўша, Барот кал билан шерик бўлиб юрган пайтингда орттирган тиллаларни биз билан баҳам қўрасан...

Қобил лашкар караҳт бўлиб қолди.

– Кетинглар, – деди у товуши титраб, ранги оқарганча.

– Менга кара, Қобил, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Мана, Хидирбой қўшни кишлоқдан эшишиб келди: лазгин дўхтирга тилла зебигардон берибсан-ку?..

Қобил лашкарнинг афти бужмайди, юрагида оғрик пайдо бўлди.

— Билиб қўй, Қобил, эртага, яна келаман. Ўйлаб кўр. Йўқ десанг, милисага хабар қиласман, — деди акаси таҳдид билан.

— Келиб юрма, — деди Қобил лашкар. — Сени ифлос одам эканингни билардим-у, лекин бунчалика боради деб ўйламаган эдим... Майли, кўлингдан келганини кил, лекин уйимга бошқа келма!

Чакирилмаган меҳмонлар бу гапдан сўнг дарҳол ўрнидан кўзгалишиди.

Акаси эртасига келмади. Лекин индинига иккита милиция ходими ва прокуратурадан бир терговчи келди. Улар бир ҳафта бўлим бошлиғининг уйидаги туриб, Қобил лашкарни, Кумушни ва Барнони алоҳида алоҳида сўрок қилишди, ховлини тит-пит қилиб, олтин излаб кўришди. Тополмагач, Қобил лашкардан: «Менда ҳеч қандай тилла йўқ», деган мазмунда тилхат ёздириб кетишиди.

Шу бир ҳафта ичидаги Барно каттиқ озиб кетди. У Кумушнинг юпатишларига карамай, «Отамни қамаб кўйишса, нима қиласман?» дей кечалари йиғлаб чиқар, «Шу отамдан бўлак менинг кимим бор, ахир?!» деб ичэтини ер эди.

«Отам ёмон одамми, эна? Ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилмайди-ку?! Нега уни ёмон кўришади?» деб сўрарди у.

Кумуш Барнони яхши кўтар, лекин унинг отасини ёқтиरмас эди. Буни Барно ҳам ич-ичидан сезиб юрарди. Нега шундай?! Нега бунча бағритош бу одамлар?! Мана энди, қариган чоғида отасини қамаб кўйишмоқчи! Отасининг яшириб қўйган тилласи бор эмиш. Агар тилласи бўлса, Барнодан яшиармиди? Ҳеч бўлмаса, унга янги кўйлак, янги пальто олиб бермасмиди? Отаси билади, ахир унинг пальтоси йўқ, ўтай онаси тикиб берган эски камзулда юрибди...

Кумуш қизга узок-узок унсиз тикилиб турар, «Тўғри, отанг ҳеч кимга ёмонлик қилмайди, лекин бирор кимсанга яхшилик ҳам қилмайди!» деб айттолмас эди. Унинг бу фикрларини Қобил лашкар ҳам сезиб юрарди.

Тафтиш тугагач, Барно тўсатдан ётиб қолди, ҳадеганда иситмаси тушавермади.

Қобил лашкар эртаси куни эшагини миниб, қари лазгинни чақириб келди. У Барнони текширгач, укол килди, бир талай дори-дармон бериб кетди. Орадан яна икки кун ўтди, аммо Барнонинг иссиғи ҳалиям баланд эди.

Қобил лашкар қари лазгинни яна олиб келди. Бу сафар у: «Энди шаҳарга олиб тушмаса бўлмайди, мен шаҳар касалхонасига хабар қиласман», – деди беморни синчиклаб текширгач.

Эртаси куни шаҳардан янги «Тез ёрдам» машинаси келди. Лекин йўл бузук бўлгани учун ховлининг олдига келолмай, сой бўйида қолди. Барнони «Тез ёрдам»нинг шофёри ва лазгин доктор суюб, машинага элтишди.

Уйда Кумуш ёлғиз қолди. «Мол-ҳолга қараб тур, – деб тайинлади Қобил лашкар хотинига. – Мен эрта-индин келаман».

У ўша куни Барнони касалхонага ётқизди. Уйига қайтаётib, лазгин докторни шаҳар касалхонасининг дарвозаси олдидা учратиб қолди.

– Дўхтирижон, – деди Қобил лашкар ёлвориб, – бир нарса сўрасам майлими?

– Хўш, хўш? – дея унга синовчан тикилди доктор. – Нима гап?

Қобил лашкар бир зум нафасини ростлаб, муддаога кўчди.

– Тўғрисини айтсан, дўхтири, яна ўша гап... Бир кеча уйингизга бормоқчи эдим. Нима десангиз розиман, жон дўхтири, зебигардонни қайтиб беринг. Қизимга аталган эди... Мен аҳмоқ бўлмасам, ўзимни ўйлайманми! Мана шу ишимга қизим касал бўлиб қолди. Онамнинг васиятини буздим... Раҳмингиз келсин.

Қари лазгин лабини чўччайтирили:

– Хўш, ўрнига нима бермоқчисиз?

– Нима десангиз, майли. Мана, ўнта қўйимни бераман. Сотсангиз, пулига бир эмас, иккита зебигардон олса бўлади. Бу, энди онамдан ёдгорлик эди, дўхтирижон...

— Бўпти, — деди кари лазгин. — Қизингизни баҳти очилсан, майли. Факат, қўйларни эртага уйга ҳайдаб келинг.

Кобил лашкар уни дуо килди. Ёш боладай уйга севиниб қайтди.

Эртаси куни ўнта қўйни қўшни қишлоққа — кари лазгинникига ҳайдаб борди. Зебигардонни олиб келгач, кичкина чарм чамадончасига солиб қўйди-да, ўзи Кумуш билан шаҳарга — касалхонага жўнади.

Йўлда у қизининг қандай ётиб колганини Кумушдан эшилди-ю, бағри ўрганди. Шундай фарзанди борлигига севиниб, енгил йўталиб қўиди.

Икки ой давомида эру хотиннинг оёғи шаҳар касалхонасидан узилмади. Учинчи ой бошида у оламдан ўтди.

Кобил лашкар унинг еттисини ўтказгач, кари лазгин келиб, Барнонинг қандай дардга йўлиққанини айтиб берди.

— Биласизми, қизингизнинг бурни учиди хол бор экан. Ана шу хол қўркувданми ёки тирналишданми ўсиб, катталашган, кейин эса ракка айланган, — деди у бош чайкаб. — Шундай дуркун қизга ёпишди-я бу дард!

Кобил лашкар унинг гапини эшиларкан, раҳматли онасининг бир гапини эслади: «Хол — бу ўзи бир хусн, лекин, аслида, илон. Агар қўзғатилса, одамни нобуд қиласди...»

«Рак» дегани шу илон экан-да», деб ўйлади Кобил лашкар белбоғининг уни билан кўз ёшини артаркан.

Кизнинг киркини ўтказгач, у кекса бир чўпоннинг маслаҳатига кўра, бир ҳафтага токка чиқиб кетди. Чўпонга қўшилиб, сурув орқасидан юрди, кўнглини ёзди. Тоғдан тушгач, қишлоқда тургиси келмади. Уша кунлари кўпгина ҳамқишлоқлари Шеробод даштига кўчишаётганини кўриб, Кобил лашкар ҳам хотинига «Даштга кўчамизми?» деб кенгаш солди. Лекин Кумуш ҳеч қаёкка кетолмаслигини айтганда, Кобил лашкар энди ҳақикатан ҳам ўзининг ёлғиз колганини англади. Олам кўзига коронги кўринди. Хотинига: «Насибамиз қўшилмаган экан, энди сенинг бошинг очик», деди-ю ҳовли-жойини унга ташлаб, ўзи даштга кўчиб кетди.

Дашт шамоли, кенгликлар, янги одамлар ўксик кўнглидаги ғамга барҳам бергандек бўлди. Лекин Барнони эсласа бас, кечалари йиғлаб чиқарди. «Мени деб жувонмарг бўлди шу киз!» – деб ўйларди у ўзини айблаб. Шундай пайтларда у ўзига ўлим тиларди. Бирок, ёдига акаси Карим бакироқ тушиб колса, дархол нияти ўзгаради. Ана шунда акасига қасдма-қасд яшашни истаб коларди.

У бир кун бензоколонка олдидағи водопроводда юз-кўлини чайиб қайтаётган эди, уйнинг ёнида Орзикул темирчига дуч келди. У очик юз билан Қобил лашкарга кўл бериб кўришиди. Унинг ранги тиник, кўллари равshan, уст-боши озода эди. Қобил лашкар уни кўпдан буён бундай ҳолда кўрмаган эди. Якинда хамқишлоқларининг биридан Орзикул Кумушни уйига олиб кетганини эшитган эди. «Сени ёлғиз ташлаб кўймайман, ўлсам, ундан кейин майлими», деганиш у Кумушга.

– Ўзингни оғзингдан эшитай деб келдим. Унинг жавобини берганмисан?

Қобил лашкар унга ғамгин бош иргаб, тасдик килди-ю тезда уйига кириб кетди.

Бошқа нима ҳам дея оларди? Ким билибди шундай бўлишини!...

Қобил лашкар Орзикул билан учрашгандан сўнг, икки йилгача қишлоққа қадам босмади. Ўғли Омон армиядан қайтгандагина борди. Кейинги йили Омонни уйлантирди, лекин ўзи даштда колди. Орадан бир йил ўтиб, тўнғич невараси туғилганда, Қобил лашкар ўзининг «пайғамбар тўйи»ни бериб, «Қобил бова» бўлиб олди.

4

Чол механизатор қизнинг тепасида тик котганича турарди. «Бу қиз бегона бўлса, мен нима килиб юрибман гуноҳга ботиб? – деб ўйлади у ниҳоят. – Ўзим-ку, хукумат олдида шундай ҳам гуноҳкорман...»

Киз хушига келган бўлса-да, бироқ кўзларини чирт

юмганча, инграрди. «Б... бор эдими бунга, эркак кишининг оркасидан эргашиб!...»

У кизнинг кўлларини ечмоқчи бўлди. Аммо дарҳол фикридан қайтиб, дераза ёнига келди. Баданига титрок кирди. Энди бутун важоҳати ўзгарган, қалин окара бошлаган қошлари остидаги киприксиз кўзлари чақчайиб кетган эди. «Нима килиб кўйдим, кариган чоғимда аристон бўламанми?! Ўлигим ҳам ўша ерларда қолиб кетади-ку!» дея ингради чол. У бир зум ўз қишлоғини, тоғларини кўз олдига келтирди. «Сени бирор киши яхши деб айтганми ўзи? Ҳатто пуштикамарингдан бўлган ўғлинг ҳам айтмайди!» – дея Соли полвоннинг гапларини эслади. «Ҳеч бўлмаса, ўғлимнинг олдида юзим шувут бўлмасин, – деб ўйлади у. – Айтаман, барини айтаман. Ўз ўғлим-ку, тушунар, англар. Кейин, майли... Ўғлимга учрайман. Қишлоғимни, она юртимни охирги марта кўрай. Кетиш керак, ҳозироқ кетиш керак...»

Кобил чол қайтиб қизнинг тепасига келди. Кўлларини ечиб, ўрнидан турғазди. Қиз кўзларини очиб унга каради-да, ўкириб йиғлади.

– Ўзингни бос, қизим. – деди чол. Сени деб мен ҳам гуноҳга ботдим. Соли полвонни чавакладим. Бўлар иш бўлди... – У энтикиб кетди, кўзларидан оқсан ёшни енги билан артди. – Гапимга кулоқ сол. Сен бу ерга келганинг ҳам йўқ. Ҳеч нарсани кўрганинг ҳам йўқ. Тузумки?

Қиз ҳамон гарангсиб, соchlарини тузатаркан, индамади. Чол гапини яна қайтарди. Қиз йиғлаб, бош силкиди.

Ховлига чиқишиди. Чол ариқ ичида ётган Соли полвондан хабар олмокчи ҳам бўлди, лекин икки қадам юриб, яна ортига қайтди. Соли полвон ётган ариқ томонга қаради-да, киздан сўради.

– Машина сеникими?

– Ҳа, – деди қиз ердан кўз узмай бораркан.

– Кўчага чиқаөр. Мен орқангдан чиқаман.

Чол уйчасига кириб, эски қутини олди. Ўлимлигига йиққан пулларини, тилла зебигардонни, ўзи тиккан мўккисини олди.

Киз машинада чолни бетоқат кутиб ўтиради.

Қобил чол дарвозани қулфлаб, машинага ўтири.

Бензоколонка чўл қўйнида кимсасиз қолди.

– Сентирга борасизми? – деб сўради қиз секин. Чол қизга хўмрайиб каради. – Бова, каерга ҳайдай? – деди қиз яна.

– Катта йўлга элтиб ташласанг бўлди.

Катта йўл бу ердан анча олис, кирк чакирим келади. Чол ана шу йўлдан ўзининг тоғ қишлоғига, ўғлининг уйига бормоқчи эди. Қишлоқ яқинида аллақандай кон очилаётгани учун кечаю кундуз йўловчи машиналар катнаб турари. Чол эски ҳовлисига охирги марта қиш ўртасида борган эди. Ўшанда тоғда совликлар энди қўзилаётган пайт эди. Ўғли Омон армиядан қайтгандан бўён чўпон. У отасини айттириб юборган экан. Қобил лашкар унга ўн кун ёрдамлашибди. Барра гўштини соғинган экан, ўн кун роса маза қилди. У яна бир оз турмоқчи эди-ю, ўғли билан учрашиб қолди. Яна шу ланъяти бензин туфайли... Ўғли билан ишлайдиган зоотехник йигитга чол бензин бермаган экан. «Нима, зоотехник бўлса ўзига, менга ўтказиб қўйгани борми», деди у ўғлига. Ўғли ҳам қизишиб кетди.

– Ота, одамгарчилик борми ўзи сизда?! Ўшанинг орқасидан-ку, кун кўриб юрибман! Икки-уч қўйни ўлди деб, акт килади, ёрдам беради... Сиз бўлсангиз, бир сатил безинни аяксиз!

Чол ади-бади айтишиб ўтирмади – индамай жўнаб қолди.

Қобил чол шуларни эслаб хомуш бораркан, кизнинг ҳиқиллапшидан ўзига келди. Аммо индамай ўтираверди. «Қилғиликни килиб, энди йиглайсанми, касофат! Шу мошинни ҳам наҳс босган ўзи», деб ўйлади ижирғаниб.

– Тўхтат! – деди у бирдан.

Киз машинани тўхтатди. Чол тушиб қолмокчи бўлди, бир зум ўйлаб турди. Ташқарида шамол эсяпти. Осмон булутли. Чолнинг кўнгли яна ғаш торти. Машинани айланиб, нарироқ борди-ю яна изига кайтди.

У бор гапни ўғлига айта олмаслигини энди тушунди. Тушунди-ю ичидан зил кетди. Наҳотки, дардини

хеч кимга ошкор этолмаса? Кимга айтсин, акаси Карим бакирокками? Йўқ, унга айтгандан кўра ўлгани яхши!

Тўғри, унинг дарди бедаво, хеч кимга айттолмайди ҳам. Кимга айтсин, Орзиқулгами? Орзикул ёмон одам эмас, лекин ўзи билан ўзи овора. Кумушга айтсинми? У яхши хотин, лекин Қобил лашкарнинг кўнглига тушунолмайди. Ҳамқишлоқларига айтсинми? Улар Қобил лашкарни ҳамон ўша «талончи» деб билишади. Эх... Барно... Барно бўлса, бўлак гап эди...

Қобил чол машинага ўтириб, эшикни карсиллатиб ёпди-да:

– Ҳайда! – деб буйруқ қилди.

Киз кўз ёшларини артиб чолга каради.

– Бова, энди мен нима қиласман? – деди у мунғайиб.

Чол индамади. Бир оздан сўнг киз яна хикиллади:

– Сиз нима қиласдингиз қўшилиб... а? Сизни қамашади энди.

– Ҳайда! – деб хириллади чол. – Э, ҳайдасанг-чи, бадбахт.

У бир зум кўзларини юмди. Тўғри айтади! Нега ҳам шу ишга бурнини сукди? Нимадан бошланди ўзи? Ҳа, мана бу қизнинг овози марҳум қизиникига ўхшаб эши-тилаверди. Шундан сўнг у чидаб туролмади.

«Нималар кип кўйдинг!» деб нола қилди у.

Катта йўлга етганларида, киз мапинани тўхтатди. Чол машинадан тушмокчи бўлди-ю қизнинг ғамгин термилиб турганини кўриб, бирпас тўхтади.

– Бова, – деди киз ўзини кўлга олиб. – Фақат мени ёмон деб ўйламанг. Илтимос...

Қобил чол унга анқайиб каради.

– Сизни кўпчилик ёмон одам дейди. Мен эса, сиздай бовам бўлса, ғуурланиб юрардим.

Қобил лашкар кулоқларига ишонмади. Нима деяпти бу қиз?

Мен... мендай боваси бўлса... ғуурланади? Нима учун? Уни кутказгани учунми? Ахир қизига ўхшаб кетгани учунгина кутказди-ку? Борди-ю, ўхшмаганда-чи? Кутказармиди? Ахир... у қизига ўхшамайди-ку? Лекин куткарди-ку?

Қобил лашкарнинг назарида, яхши қизларнинг бари Барнога ўхшайди. Бироннинг кўзи, бироннинг хусни, бироннинг қилиғи, бироннинг феъл-атвори, яна бироннинг нимасидир... Мана бу қизнинг эса товуши Барнога овозига ўхшаб кетади.

– Отинг Ҳалима эдими? – деб сўради Қобил лашкар бирдан юмшаб.

– Ҳа, бова.

– Энди гап мундай, қизим, – деди у ўйчанлик билан. – Биламан, сенга оғир. Чанг ютиб, пашша-чивинга чидаб шу даштда юрибсан. Бундай оғир ишга баъзан эркак ҳам дош беролмайди. Яхши қизга ўхшайсан, кўзинг айтиб турибди, болам. Сендан биргина тилагим шуки, турмушга чикиб, фарзанд кўрсанг, отини Барно кўйгин.

Қиз унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Бу раҳматли кизимнинг оти, – деб тушунтириди чол.

– Турмушга чиқмайман, бова, – деди қиз кўзини ерга тикиб. – Укаларим бари ёш. Уларга қарашим керак. Онам бултур таффот¹ уриб ўлди.

– Ундей дема, болам, – деди Қобил чол. – Ёшсан, ҳали пеплонангга нималар ёзилмаган, борақол, қизим.

– Раҳмат сизга бова, – деди қиз ғамгинлик билан.

Қобил чол бир ўйланиб турди-да, чана мапинага кирди.

– Бирпас шошма, қизим. – У чарм халтачасини олиб, ичидан тилла зебигардонни олиб унга берди: Кўксингни тўлдириб юрсин.

Қиз довдираб қолди.

– Бова, ҳеч кимга айтмайман. Ҳеч нима керак эмас менга, – деди у шошиб.

Қобил лашкар киздан хафа бўлмади.

– Қизим тенги экансан, умринг ўхшамасин, – деди товуши титраб. – Бу нарса унга насиб қилмади. Ёш кетди. Унинг учун ҳам сен таккин.

Қиз хиёл иккиланиб турди, кейин чолнинг гапи астойдил эканини пайқаб, зебигардонни қўлига олди, бирпас тикилди-да, йиглаб юборди.

¹ Таффот – офтоб урганда сув ичавериб, корни шишиб ўлиш.

— Энди кетавер, — деди Қобил чол. — Бахтингни берсин.

— Мени кечиринг, бова, — деди киз күз ёшларини рўмолча билан артатуриб.

Киз жўнаб кетди. Қобил чол эса, токка элтувчи йўл четида машина кута бошлади. Лекин хаёли ҳамон кизда эди. «Йўқ, ёмон кизга ўхшамайди. Зебигардонни берганимга ҳайрон колди, боякиш. Бу чанг-тўзону жазирамада тентираб юравериб, дунёда шундай нарсалар борлигини ҳам унтиб юборган бўлса керак».

Қобил лашкар зебигардонни унга берганига ачинмади. Фақат бир нарсага — онасидан колган бисотнинг келиб-келиб бегона бир қизга насиб этганига ҳайрон колди. Зебигардон Кумушга ҳам, Барнога ҳам, келининга ҳам буюрмаган экан. Нима учун? Ҳатто Ойгулга ҳам... Ойгул! Қобилга кўникиб яшади, лекин хотиндай эмас, тутқундай яшади. Келини... келини унга етти ёт бегона эди, келин бўлгач ҳам, етти ёт бегоналигича колди. Мана бу киз эса бир оғиз ширин сўз билан унинг кўнглини тоғдай кўтариб юборди. Қобил лашкар бундай сўзга қачонлардан буён илҳак эди. Ўша сўзни нихоят бугун эшилди!

У йўловчи машина келаётганини кўриб, шоша-пиша кўл кўтарди. Машина сал нарига бориб тўхтади. Шофёр энгапшиб, кабина эшигини очди. «Октошга, болам», — деди Қобил чол ва энди машина зинасига чиққанида, шофёр таниб колди.

— Тушинг, — деди у ўқрайиб. — Тушинг!..

Чол нимадир демокчи эди, унинг важохатини кўриб, шангти қайтди. Шофёр кабина эшигини карсиллатиб ёпди-да, жўнаб кетди. Қобил чол бирпас гаранг бўлиб колди.

«Буниям менга иши тушган экан-да», деб йўлади у, кейин оғир хўрсиниб, яна йўл этагига кўз тикди. Шу тахлит ярим соатча турди.

Нихоят, шағал ташийдиган ағдарма машина унинг ёнида тўхтади. Рус шофёр йигит камгар эканми ёки чарчаганми, «Садисъ, бабай», — деди-ю то қишлоқка етгунча миқ этмади. Чолга бу нарса айни муддао эди. Шу

тобда унга ҳеч қандай гап-сўз ёқмас, тезрок ўғлиникига етиб олишни ўйлар эди.

Машинадан тушгач, Қобил лашкар чап кўлдаги тор кўчага бурилди, сой ёқалаб тепаликка чиқди. Унинг эски ховлиси шу ерда эди.

Аллақачон баҳор кирган бўлса ҳам, бу ерларда уюлиб ётган қор энди эрий бошлаган эди. Аммо чолнинг димоғига болалиқдан таниш тупрок иси, тоғу тошлар ҳиди урилди. Бу қадрдан бўйларни киши қаттиқ изтироб чекаётгандан айниқса кучлироқ туюди... чол меҳнат батальонидан кайтганида мана шу омиҳта ҳидларни биринчи бор сезган эди. Кейинчалик эса билинмай кетди. Мана, хозир ҳам худди ўша пайтдагидек бўляпти... Чол атрофга хомуш бокаркан, хаёлидан: «Аристон бўлсам, кайта кўра оламанми, йўқми?» деган ўй кечди-ю титраб кетди.

«Токка – ғорга чиқиб кетаман, – деб қарор килди у. – Топишолмайди. Умримдан бир-икки йил колган бўлса ҳам, эмин-эркин яшай...»

У Барот кал билан тентираб юрган пайтларида кўп сирли, хилват ғорларни билиб олган. У ерларда ов қилиб яшаш ҳам мумкин. Ўғли гоҳида нон-пон келтириб турса, бас. Факат... факат ўғли кўнармикан, «Ўғлим-ку! – дея ички бир илтижо билан шивирлади чол. – Кўнади...»

5

У зимистон қўйнидаги боғни оралаб, фонус илингани очик айвон томон юрди. Қари ит – Кўкбой чолни узоқданоқ таниб, думини ликиллатди, кейин келиб унинг оёкларига тумшуғини суйкади. Чол муздек қўли билан итни сийпалади. Бир пайтлар у ўғли Омоннинг сурувда юрадиган энг севимли ити эди у. Умр бўйи шу хонадоннинг хизматини қилиб ўтаяпти. Келини ҳам, неваралари ҳам унугтишмайди: дам овқат, дам сув беришади, дам тагини тозалашади. Ишқилиб, хизматига яраша иззат... Чолнинг бирдан кўзи ёшланди. У ҳам шу қишлоқда тинчгина яшаса бўлмасмиди?! Мана энди кариган чоғида...

У секин ичкарига кириб борди-да:

– Келин! – деб чакирди. – Хў, Омон!

Келини товуш эгасини таниди шекилли, дархол қайнотасига пешвоз чиқди. Чирокни ёқиб, меҳмонхонага кирди. Чол орқасидан эргашди.

– Келинг, ота, – деди келини кўрпача тўшаркан. – Эсон-омонмисиз?

– Шукур, – деди Қобил лашкар шоша-пиша. – Зарур иш билан келган эдим. Омон кани?

– Сентирга кетгандилар. Кеч келаман деб эдилар. Мен хозир...

– Чой кўйиб юрма, болам, – деди Қобил лашкар. – Чарчаганман. Жой солиб берсанг бўлди. Эртага азонда кетаман. Ота юртимни кўриб келмоқчиман... Бўлса ковурдок гўшт, нон-пон килиб, хуржунга солиб кўйинглар.

Келини бош иргаб чиқиб кетди.

Чўпон оиласлари кўпинча янги сўйилган гўшт саклашмайди, ёкка ковурилган гўштни сирланган идишларда саклашади. Нонни эса, шамолда котириб чойга ивитиб ейишади. Чолга ана шуниси маъкул келади.

Чол ўрнига киаркан, ўғлининг келиб қолишини кутар, кўнглидаги гапларни унга тўкиб солишини истар эди. Бироқ Омон ҳадеганда келавермади. Чол қанча ётганини билмайди, кўзи илинган экан, бир пайт ўғлининг товушидан уйғониб кетди. Кулок солди.

– Этикни торт! – деб буйруқ килди Омон хотинига. – Отам яна келдими?

– Ҳа, – деди хотини.

– Жонга ҳам тегди. Дастидан уялиб ўлар бўлдим... Эй, бў чўликичи келмадими?

– Йўқ... индин келармиш. Укаси айтди.

Кейин дахлизда товушлар тиниб қолди. Чол энди ухлай олмади. Бошидаги ёстик тош бўлиб қолганга ўхшайди. «Омон, ўғлим, – дея хаёлдан унга гапирди чол. – Сенга айтадиган гапларим кўп эди... Афсус!»

Йўқ! Энди ўғлига дардини айтмайди, айттолмайди. У отасини ёмон кўради. Шундай экан, нима ҳам дерди?...

Қобил лашкар Соли полвонни эслади. «Соли полвон

укам, ҳамма гап ўзингдан ўтди-да. Ахир, ўзинг ўйлаб кўр... Э, мияси айниган чол, нима деяпсан? Сен уни ўлдирдинг-ку!»

Нихоят, уни чарчок элитди.

Тонг-сахарда ўрнидан турди, ёнғок тагидаги арикчада ювинаркан, челак кўтариб, сигир соғиб кайтаётган келинини кўрди. Келини хуржунга гўшт, нон солиб кўйганини, Омоннинг ҳали ухлаб ётганини айтди.

— Келин, майли, Омонни уйғотиб юрма. Ҳай, айтганча, кора милтиғини ҳам олиб бергин. Асли ўзимники... Унга бериб кўйган эдим, кўнглингга келмасин. Йўл олис, келин. Милтик дорисини ҳам унутма.

У келинига ўзининг келиб кетганини бошқаларга айтиб юрмасликни ҳам тайинлади.

6

Чол жундан тўқилган хуржунни елкасига ташлаганча йўлга чиқди. Унинг йўли энди кенг, равон йўл эмас, сўқмок, тепаликлар, чангалзор ва нишабликлар оралаб борар эди. Кўлида ҳасса. Ҳасса ҳам одатдагидек эмас, учи айри, бир томонига узун мих ҳам коқилган – корли ерларда аскатади.

Қобил лашкар кишлок тугаб, дара бошланган ерда бирпас тўхтаб қолди. Кўз ўнгида яна марҳум қизи Барно гавдаланди. Ана, иккаласи Орзикулнивидан қайтишаётиби. Йўл четида эса ўласи килиб калтакланган Кумуш... «Ота, – дейди Барно ёлвориб. – Кумуш холамни уйимизга олиб кетайлик... Бўлмаса, Орзикул амаки ўлдириб кўяди». Қобил лашкар Кумушни суяб йўлга тушади. Барно отасига миннатдор бўлиб қарайди... Қобил чол ўша кундан бошлаб унинг кўзларида аллакандай ўзгариш рўй берганини эслади. Қизнинг кўзлари энди унга мулоим, меҳрибон бокарди.

Қобил чол қаттиқ уҳ тортди-да, жадал юриб кетди.

У ёввойи олчазорлардан ўтиб бораркан, бир нарсага хайрон бўлар, ана шундан хўрлиги келар эди. У аслида ўз жиноятидан эмас, одамларнинг: «Хув фалончи яна шундай килибди», деб айтишларидан, уларнинг нафрат

билин карашларидан күркиб қочиб борар, «Нега мени бунча ёмон кўришади?» деган фикр уни кийнар эди.

Барот калга қўшилганида, ўз ихтиёри билан гуноҳ қилгани йўқ-ку! Азбаройи омилик, лақмалик. Ундан сўнг ҳам, қайда бўлмасин, ўз ишига итдай содик бўлди-ку! Факат Соли полвонни ўз ихтиёри билан пичоқлади. Аммо уни одамлар илгари ҳам ёмон кўришарди-ку! «Гуноҳим нима?» деб бош котирарди чол эзилиб.

Э, ҳаммасининг падарига лаънат! Бир кун бўлса ҳам ана шу тоғда эркин, беминнат яшаб ўлади!... Нима килибди. Илгари тўрт-беш ойлаб бир ўзи кўй боқиб тоғларда юраверарди-ку! Қандай яхши эди ўша кунлар...

У энди бўлажак уйи – горни, у ерда қандай тирикчилик қилишини ўйларди. Каклик, кийик овлайди, ёввойи чилонжийдалардан нон килади, сув бўлса бор... Тоғ ёнбағирларида лалми буғдой ҳам ўсади. Тоғ оркасидаги туркман кишлокларидан нон келтириб турса ҳам бўлади. Овлоқ кишлоклар жуда кўп... Жуда бўлмаса, ўғлинигига келиб кетади. Нима бўлганда ҳам, ўғли-ку!

У бир бута тагида ўтириб дам олди. Пастда булокча бор экан, уч-тўрт бўлак гўшт ва яримта нонни шошилмай еб олди, кейин соколини сувга ботирганча, кониб сув ичди. Сувнинг ховурига бирпас караб турди-да, пастликка кўз ташлади. Якин орада бўй чўзган Туз тоғига – Тузконга кўзи тушгач, қувониб кетди. Бир-икки бўлак туз олиш керак. Тузмисан туз-да, ўзи!... Илгарилари у факат шу ернинг тузини ишлатарди. Бу ерда тузнинг ҳам ҳар хили бор: новвот туз, ок туз, қизил туз, юрак туз. Энг асили – юрак туз. Тузларнинг қаймоғидан бўлган. Ўзиям худди юракнинг рангига ўхшайди.

Чол ўша томонга караб юрди. У бораётган манзил – Туз тоғи сўнгги йилларда портлатилиб, туз олинар, машиналарга ортилиб, шаҳарга жўнатилар эди. Бу тузнинг шаҳар бозорларида ҳам нархи киммат – киллоси йигирма тийин. Якин кишлокларда яшовчи одамлар буни пайқаб, шу ердан туз ташишга тушди. Ўзбошимчалик билан ўмаришларга чек кўйиш учун Тузконга коровул

хам кўйилди. Қоровул Тузконга кириладиган тор сўкмок устидаги кулбада эрта баҳордан то кеч кузгача яшарди. Қишида эса бу ерга ким ҳам келарди, дейсиз.

Кобил лашкар ҳозир ҳам уй ёнидан ўтиши керак эди. Аммо у пусиб ўтишни хаёл қилиб бораради. Коровул келиб-кетувчиларга беш-үн кило тузни шундай ҳам бериб юборарди. Кобил лашкар буни биларди-ю, бирок хеч кимга кўринмаслик ниятида эди. У уйнинг орка томонидан ўтиб бораракан, аввал йўл устида турган «Газик»ка, кейин пастиклида баланд овозда гаплашаётган икки кишига кўзи тушди. Ўзини харсангтош пана-сига олди.

– Йўқ, шошманг, бир бошдан айтинг, – дерди шля-пали киши соқолли кишига.

Кобил лашкар уни овозидан таниди: қишлоқ Кенга-шининг раиси.

– Нимасини айтай, – деди қоровул, – сиз ўзингиз ҳал қилинг-кўйинг-да...

– Нима бўлганини биз билайлик-да, ахир... Аризан-гизда хаммасини аниқ ёзмагансиз.

– Неварам ёзган эди. Майли, айтаман... Бу ерда ражбочийлар ишларди. Ўшалардан биттаси – Ҳакимжон билан ота-ўғил тутиндик. Қизим Ҳадича ҳам сингли-сидай эди. Шу Ҳакимжон Назар деган ўзидан кичик бир болани ишга олиб келди. Ўзи орага тушиб, Ҳадича-ни Назарга берайлик, деб кўймади. Тўй қилиб бердик. Мавсум тугаб, Назар Ҳадича билан ўз қишлоғига кетди. Тинч яшаб юришган эди. Кейин бир марта тутинган акаси Ҳакимжон Ҳадича билан Назарни кўргани бор-ган экан. Назар уйда йўқ экан. Ҳакимжон Ҳадича билан сухбатлашиб уйда ўтиришган экан, кампир келиб дод-вой кўтарибди. Ўғлига, Ҳадича билан Ҳаким бирга ётган экан, деб, худони ўртага солибди. Шу-шу, қизим хўрликка чидай олмай, яна кайтиб келди.

– Назаржон Ҳакимжоннинг Ҳадичага «Сени хеч унупотмайман!» деб ёзган хатини топиб олибди-ку? – деди қишлоқ Советининг раиси.

– У ёгини билмайман... Ишқилиб ажралишди-да...

– Энди нима дейсиз?

– Нима бўларди, ё келиб боласини боқсин, ё пулини тўласин...

– Нега ЗАГСдан ўтказмагансизлар?

– Куёвнинг ўзи, кейин ўтамиз, хозир эскича кила-верайлик, деди. Қишлоқ Кенгашини ўзингиз биласиз, озмунча йўл эмас, саксон километр ахир...

– Қизингизни ўзи сельсоветга бир борсин. Йигитни ҳам чақирирамиз. Қизингиз қаерда ўзи?

– Ўқишига кираман, деб Термизга кетган.

– Келса айтинг, борсин...

Шляпали киши машинага қараб юрди. Коровул эса жойидан жилмай, то машина кетгунча қараб тураверди.

Қобил лашкар қоровул уйига қайтиб кириши билан йўлни тўсиб турган темир тўсин остидан ўтди-да, юкорилади. У портлашдан бўлакланиб ётган туз тошлар орасида хийла вақт кезиб юрди. Унга озгина бўлса ҳам юрак туз керак эди. Хуржунини кумдек уюлиб ётган туз қатламига қўйиб, негадир тиз чўкди. Туз тоғининг осмонга бўй чўзган залворли чўккилари ғоят пок, ғоятда суюмли бўлган алланималарни солди. Кўз ўнгига онаси ҳамир кораётганда бир бўлак тузни сувга солаётгани, отасининг сигир охурига туз қўяётгани намоён бўлди. «Эй, гузу насиба, ўзинг мени кечир! Мен, ахир...»

Чол хўнграб йиғлади. Рўпарасидаги қизғиши туз тошлари яна қон тусини эслатди. У энди бу ердан тезрок, нима бўлса ҳам тезрок кетишини ўйлаб ўрнидан турди. Икки бўлак туз топиб, хуржунга солди. Сўқмоқ йўлга чиқиши билан муюлишда коровул чолга дуч келди. Энди ўзини панага олиш фойдасиз эди.

– Э, э, биродар, – деди коровул. – Келинг Тузконини зиёрат қиласай дебсиз-да.

– Ҳа, шундай, бир айланиб...

Коровул «Кўп яхши-да», деб унинг гапини маъкуллади, сўнг уйига таклиф қилди. Қобил лашкар унинг меҳрибончилигидан анча хурсанд бўлса-да, узр айтди. «Раҳмат, шошиб турибман, – деди, – Термизга ўтишим керак...»

– Э, шундайми? – дея суюниб кетди коровул чол. – Ундей бўлса, сиздан илтимос... Шу десангиз, бир неварамиз бор. Кўкрак эммай кўйган. Нукул, ҳалиги бор-

ку, магазинда пачка килиб сотадиган, ха, ўшандан сут килиб берамиз. Бугун-эрта охири тугаб колади. Пошхурдга кирганды магазинчига айтиб ўтсангиз. У жияним бўлади. Боя шўро келганда ёдимдан кўтарилиди. Ўша пачкалигидан юбораркансиз, дeng, биродар.

Кобил лашкар нима деярини билмай қолди. Ахир у мана бу тоғ чўққиси томон кетди-ку! Пошхурд эса ўйлестида. Бу ердан олтмиш чақирик келади.

— Хўп, дeng, биродар, сиздан ҳеч нима кетмайди. Ўзим борардим-у, кампирим касал... Онаси гўдакни ташлаб Термизга кетиб қолди, киз бўлмай бир кисим туз бўлгур.

Кобил лашкарнинг бутун вужуди титраб, тили базўр калимага келди.

— Майли, айтиб ўтаман, — деди хуржунини у елкасидан бу елкасига оларкан.

Чол коровулга ваъдани беришга бериб қўйган, энди сўзининг устидан чиқмаса, мана бу норастанинг ҳам гунохига колишдан кўркар эди. Пошхуртда борса, битта-яримта таниш чиқмасмикан? Одамларга кўринмагани тузук эди...

У Тузкондан уч-тўрт чақирик юргач, дашт йўлига чиқди. «Бормасам бўлмайди, — деб ўйлади. — Ким ҳам таниб ўтирибди?.. Таниса ҳам кўргилик...»

У тез-тез ўтиб турган йўловчи машиналарга лоқайд қараб ўтирарди. Ниҳоят, навбатдаги машиналардан бирiga қўл кўтарди.

7

Кобил лашкар йўл устидаги курилган дўкон рўпарасида тушиб қолди. Шофёр бола унинг берган пулни олмади, «дую қилсангиз бўлди, бова», деди. Кобил лашкар «Омон бўл, болам», деб дўкон томон қадам ташлади.

Бу ерларда эрта кўкламнинг нафаси сезилиб қолган. Дўкон олдидағи сайҳонликда майсалар эндигина ниш ура бошлаган. Бир неча киши дўкон якинидаги офтобрўядаги ўтирганча гурунг килишар, олдиларида учтўрт консерва, иккита арак очиб қўйилган эди.

Кобил лашкарнинг шу тобда кўнгли орзиқиб кетди. Қани у ҳам шулардек бемалол ўтириб балиқ тановул қиласа... Чол консерва балиқларини яхши кўради. Уларни чайнамасдан ютса ҳам бўлади-да, мулойимгина, бунинг устига мазали...

У дўкон ичига қадам кўйганда, сотувчидан бўлак ҳеч ким кўринмади. Бу ер ташкаридан кўра совук, ичкаридан совун ва туз ҳиди анқир эди.

Сотувчи пештахтани кўтариб, ташқарига чикишга тарафдудланаркан, чолга кўзи тушди:

– Келинг, бова?

У чолнинг сўзларини истар-истамас эшитди.

– Эсингиздан чикмасин-а, болам, – деди чол гапини тутатаркан.

– Э, боласини ўша занғар отаси унутгандан кейин, бизга нима?

Кобил лашкар унга ағрайиб қаради.

– Бораверинг, етказаман, – деди сотувчи тўсатдан юмшаб.

Чол кўнглини тўқ қилиб, ташқарига чиқди. Дўкон четидаги даврада гурр этиб кулги кўтарилди:

– Дунёнинг ишлари шундай, укам...

Кобил лашкар бегона, беғам одамларга каарarkan хаваси келди.

– Кеча Музработда бир воқеани эшитдим. Бир чол эшитганларинг бордир, бензоколонкачи чол, бир полвон йигитни пичоклабди. Айтишларича, пичоқ баданида санчилган бўйи қолгани учун полвон ўлмаган эмиш...

– Чолни ушлашибдими?

Кобил лашкар сергак тортиб, олдинга интилди.

– Йўқ! Қизиғи шундаки, йигит танишларига: «Чолга даъвом йўқ, ўзимдан ўтди», деганиш...

Кобил лашкар бу гапни эшитди-ю, қулокларига ишонмади. «Ёпирай, нималар бўляпти ўзи?» У мадорсизланиб, тоғ томонга қаради. Энди унинг юргиси ҳам келмас, факат шу майса устига узала тушиб ётгиси келлар эди.

1978 йил.

МУҚАДДАС БАЛИҚЛАР ЭГАСИ

(Кичик қисса)

Бало хавфидан балонинг ўзи яхшиrok.

Халқ маколи

1

Үйлангандан бери қўлига чelак ушламаган зоология муаллими Ўтамурод Курбонов бир неча кунки, кўни-кўшниларни ҳайрон колдириб, сув ташишга чикади. Кишлокнинг у яшайдиган гузаридаги келинчаклар бунга биринчи бўлиб эътибор беришди, бу уларнинг булок бўйидаги сухбатида ҳар кунги мухокамага айланди. Сухбат якуни эса: «Келгинди келин нағмаларини энди чиқаряпти, ичидан пишган экан. Бекорга беш йил ўқимаган-да. Ҳали кўрасизлар, у ҳали Ўтамуроднинг бўйнига ҳам миниб олади», – деган гапга бориб тақаларди.

Бу гапнинг учини Мунира ҳам эшитган экан шекилли, бир куни чelак кўтариб, индамай даҳлиздан чиқаётган эрига: «Қўя колинг, сувга ўзим бораман», – деб колди.

Ўтамурод бу гаплардан ўзини билмаганга солди.

– Сув келтирсангиз, ана сатил кўп, – деб кўчага чиқиб кетди.

Кишлокда «эркаклар сув ташимасин» деган тақиқ йўқ. Аммо у илгари бу ишни килмаганда. Шунданми, одамлар энди ажабланишарди. Сўнг, бунинг сабабини ўзларича шарҳлашарди. Лекин, ҳеч ким бунинг асл сабабини билолгани йўқ. Онаси ва хотини эса бу гапларга алоҳида эътибор бермаганлари учунми, Ўтамурод ҳам бепарво эди.

Агар хозир нишабликдан бир-бир кадам ташлаб келаётган Ўтамуродга энг яқин одами учраб, бирпас сухбатлашайлик деса, рози бўлмасди. У шошилинч иш билан кетаётгани йўқ, албатта. Ёзниг бундай илик оқшомларида кандай иш бўлиши мумкин? Тўғри, по-

дадан қайтган сигирга ўт ўриш көрак. Аммо бу иш онасидан ортмайди. Овқат пишириш эса Муниранинг бўйнида. Ёзда қилинадиган энг зарур иш: молхона-ю ўтихона томи сувалган, қишин чикарадиган ўтин, сигир учун хасхашак тўпланган.. Шундай бўлгач, у қаёкка ҳам шошарди?

Аммо, у бугун шошиб борарди. Иккала қўлида челак. Ҳовуз томонга – у ерда баликлар бор... Ҳа, дарвоке, ҳамма бало мана шу баликлардан бошланди.

Ўша куни Ўтамурод мотоциклда тоғ орқасидаги кўлга бориб, балиқ овлади. Кечкурун хотини, ўзи ва кизчаси дастурхон бошида ўтириб, ковурилган балиқни паккос туширипди.

Мунира дастурхонни йигиштирап экан:

– Ширин балиқ экан. Онангизга ҳам озгина элтиб берсангиз, яхши бўлар эди, – деди. – Қани энди ҳар хафта есанг... Кўл узок-да...

Ўтамуроднинг онаси эса ҳовлидан сал наридаги чорбокка кўчган, факат эрталабки пайт ҳабар олади.

Қишлоқда балиқ кам. Ҳовузда бор-у, заҳарли. Сойдаги эса кичик.

Одамлар ҳовуздаги баликларга нон, ул-бул емиш ташлаб, ўйнашни яхши кўришади. Айниқса, болалар учун бу ҳовуз нак улкан аквариум вазифасини ўтайди. Қишлоқ атрофи тап-такир тепаликлар-у кирликлардан иборат, бу ерларда сув ниҳоятда такчил, одамлар ҳар йили сел кўмиб кетадиган булоқ кўзларини очишиади, бир амаллаб, экин-тикин қилишади. Шу сабабми, ҳовуздаги балиқ ҳам қадим-қадимдан кўп эъзозланниб келади. Илгари бундай ҳовуз ҳар гузарда бўлган. Ҳозир уларнинг кўпи аллақачон кўмилиб кетган. Узок бир йили улардан бирини бўлим бошлиғи тикламоқчи бўлди. Гап кўпайди. Ўша пайтлар динга карши ташвиқот кучайган, худосизларнинг каттаси шаҳар-у қишлоқ юриб, азиз авлиёларнинг қабрларини буздириб юрган давр эди. Бошлиқни хўжалик мажлисида муҳокама қилишди: бу одам дин пешволарига шароит яратиб бермоқчи, ҳовуз тикланса, зиёратгоҳ қуришади, одамлар яна зиёратга боришади, дейишли. Хусусан бу

гапни энг аввал хотини Мунира катта йигилишда айтган. Ўтамурод эса бундай ишлардан узок юради. Хотиним атеист, ўз бурчини бажараётибди-да деб кўяди. Қишлоқда ховузлардан фақат биттасигина обод, суви йил бўйи куримайди. Бу ховуз Ўтамуродларнинг ҳовлисига якин, аммо жуда пастликда. Унда баликлар тужғон сузид юради.

Очиқ деразадан кирган шамол эшикни тараклатиб, очиб юборди. Ўтамурод дераза қанотларини ёпмоқчи бўлиб, ўрнидан турди. Аммо ҳадеганда ёлавермади. Деразадан юлдузлар мавжида оқариб кетган осмонни кўриб, бирпас мафтун бўлиб колди. У хурсанд эди. Шукурлар бўлсинким, мана мурод-мақсадига етиб яшаётир, хотинининг, кизчасининг ҳар бир сўзи унинг меҳрини англатиб турибди. Бир эркак учун хузур-халоват шунчалик бўлар-да. Кимсан, қишлоқда обрў-эътиборли ўқитувчи, бирорга муҳтожлик ери йўқ, экиш-тикиш, куриш ўзининг кўлидан келади, уйига меҳмон келса, иззат-икром кўрсатишга уйида ҳамма нарса етарли.

Бир пайт Мунира уйку аралаш кўзларига рўмолини текизганча ёнига келди.

– Онангизга балиқ элтиб берасизми?

Ўтамурод хозирок онасидан хабар олмокчи эди, кизчаси ёнига келиб, унинг тиззаларини кучоқлади.

– Энди сен ухла, – деди Мунира кизчасига. – Қара, кеч бўлди.

– Ховуздаги баликлар ҳам ухлайдими?

– Улар ҳам ухлайди, – деди Ўтамурод.

– Қанака килиб ухлашади, кўрпалари борми?

– Бор, – деди Ўтамурод дераза ёнида турганча.

– Кўрсатинг.

– Эртага кўрсатаман, хўпми?

Кизча хурсанд бўлиб, онаси жой солган хонага кетди.

Ўтамурод бир пайтлар ўкувчилик йилларида ховуздаги баликларга бориб ялинганилигини хотирлади.

– Бир пайтлар мен ҳам шу ховуздаги баликларни яхши кўрганман, – деди у хотинига. – Айникса «Баликчи ва олтин балик» хакидаги эртакни ўқиганимдан сўнг.

Бир марта синфдош кизни бошқага олиб бераётгандарида, балиқларга арзимни айтиб, йиғлаганман ҳам... Одам ҳам шундай содда бўладими денг...

У кулиб гапирапкан, хотинининг қовоғи осилганини кўрмай давом этди:

— Ўша ҳовуздаги балиқларнинг айримлари ҳозир 20 ёшдан ҳам ошгандир.

У яна хотинига бу ҳафта балиқка бормоқчи эканлигини айтиш учун оғиз жуфтлаган эди, улгурмади. Худди шу пайтда, яъни у дераза қанотларини ёпаётган чоғида хотинининг минғиллаган товушини эшилти.

— Балиқка айтадиган бошка арзингиз қолгани йўқми?

Ўтамурод унинг товушида рапк эмас, ҳатто ноз эмас, йўқ-йўқ, унинг ўша ишини айбга йўйувчи, камситадиган бир оҳанг сезди. Мабодо у шу гапни нозу араз билан айтганида, Ўтамурод шундай жавоб қайтарган бўлар эди: жоним, балиқка айтадиган гапим, арзим бор ҳали. Унга мен: бизнинг пари-пайкаримиз яна бир киз-у бир ўғил туғиб берсин, унинг висолидан бир нафас бўлса ҳам мени жудо қилма, деб арз қиласдирим.

Ҳа, майли, эҳтимол хотини бу гапни бошқа бир сабаб боис айтгандир. Куни кеча қайнонаси йўлакда бўрондан кулаб тушган кари терак устидан ҳатлаб ўтаман деб йикилган эди. Ўтамурод ўша теракни бир четга судраб кўймагани учун хотини шундай киноя килгандир. Ундин деса, хотини унча-мунчага парво килмайдиганлардан-ку. Ҳатто, қайнотаси келганида, Ўтамурод уни автобусгача кузата олмади, шунда «Тўғри киласиз, дарсни ташлаб бўлармиди, колаверса, уларни ёмон ўргатиш керак эмас», деган шу Мунираку. Умуман, бу аёл билан турмуш қурганидан бери ораларидан майда-чуйда гап ўтган бўлса ҳам, Ўтамурод ўзини баҳтли хисобларди. Нега деганида, бу аёл ҳамиша бўлиб ўтган араздан ёки можародан сўнг, жилмайиб гап бошлар эди. Ўтамурод то ярим тунгача ана шу жилмайишини кутди, аммо бу нарса рўй бермади.

Ўтамурод шу боис кечаси аввалгидек тинч, яхши ухлай олмади. Кейин арзини айтиб йиғлаган ўша

баликларни, ўша ҳовузни тушида кўрди. Тонг саҳарда уйғониб негадир ўтаётган умрини ўйлади, сўнаётган юлдузларга қараб, кўнгли бузилди. У эрталаб хотининг жилмайиб пешвоз чикишини яна кутди, аммо хотини жим эди. Сўнг ўзини бечораҳол ҳис қилди. Тушини эслаб, беихтиёр балиқларни кўргиси, ўша ҳовуз бошига боргиси келди. Челакларни дахлиздан олиб, кўчага чикаётганида ҳам, хотини унга эътибор килмади.

Мана, шундан буён ҳар куни у ҳовуз бўйига боргиси келади. Қиладиган иши – балиқларга нон увоқларини ташлаш. Бу эрмак унга завқ бағишлагани майли-я, аммо кўнглида бир нимагадир умидворлик пайдо бўлгани кизиқ. Нимага умидворлик эканлигини ўзи ҳам англаб ета олмасди.

Мана, у бугун ҳам қўлига челак – сатил олиб, киссаныга ҳозиргина хотини тандирдан узган нондан куйик бўлагини солганча, ҳовуз томон борарди. Тепаликнинг зинасимон қилиб ўйилган сўқмоғи ҳалигина кетма-кет олиб ўтилган челаклардан тўкилиб қолган сувдан бир оз тойғанчик бўлган. «Ҳализамон куриб қолади», – деб ўйлади Ўтамурод.

Сўқмоқ қаттиқ, курук тупроқли эди. Унча-мунчага нам бўлмайди. Эрта баҳорда ҳам кор қишлоқда биринчи шу тепаликда зрийди. Нега десангиз, кунгай бет. Тоғ оркасидан мўралаган күёшнинг ilk нурлари аввало қишлоқнинг шу тепалиги, кейин ҳовуз ўртасида белига ботиб турадиган бобочинорнинг тепа шохларига ва сал наридаги қабристон олдидаги Авлиёота мозорининг пештоқига тушади. Қишлоқнинг энг баланд гузари бўлган бу жойлар узок-узоклардан ҳам кўриниб туради.

Ўтамурод ўй сурганча, нишабликдан тушаркан, чепакнинг бир чети сўқмоқ чеккасида турган харсангтошга тегиб, тараклаб кетди. Бор-е, деб, чепакни отиб юборгиси келди. Аслида у чепакнинг ўзидан ҳам балдоғини ёмон кўрар, болалик чоғларида сув ташиганида, кафтида чепак балдоғидан конталаш излар қолгани ҳали эсидан чиққани йўқ. Айниқса қиши кунлари кийин бўларди. Ўшанда икки опаси эрга тегиб кетган, ёлғиз она-бала рўзғор бошқаарди. Ўтамурод болалиги-

да, энг қийналган чоғларидан тепаликдан қабристонга карап, шунда мархұм отасининг бир пайтлар, сен үғил боласан-ку, үғил бола йиғласа уят бўлади, деганини эслаб, яна ўзини дадил тутарди.

Аммо, белакларни барибир ёмон кўриб қолди. Ҳозир ҳам ховуз бўйига белаксиз борарди-ю, одамларга балиқларни яхши кўришини билдириб қўйишдан уяларди. Кап-катта одам, эси кирмади-кирмади дейишмайдими? Ахир у ховузга сув олиб келиш учун эмас, балиқларни томоша қилгани, кўргани бораётир-ку.

У белагини булок бўйидаги ялпоқ тош устига тўнкариб, киссасидан нон бўлагини олди. Ушоқ қилиб, сув йўлига ташлади. Нон ҳидини сезган балиқлар ховуз томондан окимга карши сузиб, нон увокларига ёпирилишди. Балиқлар унга шу қадар якин келишди-ки, қўлинини узатса, етарди. Улар бу саховат эвазига турли ракслар қилишиб, яна орқага қайтишди. Унинг кўзи энди етиб келган семиз, канотларини секин кимирлатаётган балиқка тушди. У ҳамиша кечикиб келади. Шу сабабдан ҳам унга озгина нон сақлаб қўяди. Гарчи, бу ховузда заҳарли «маринка»дан бўлак балиқ яшамаса-да у, мана шу думи кумуш рангига ўхашаш бир балиққа бир пайтлар «олтин балиқ» деб ном қўйган эди. Ким билади, эҳтимол бу ўша балиқдир. Бу балиқ бошқалардан тўқ-қизил ва тумшуғининг оқ-сариклиги билан эътиборини тортганди. «Олтин балиқ» ҳам Ўтамуродни яхши таниса керак. Бир пайтлар, кўп эмас, етти йил аввал, у Ўтамуроднинг сирларини тинглаган. Эвазига ҳамиша нон билан сийланган. Эсида, ўшанда энди мактабни битириш арафаси эди, ўша куни севгандан кизини бошкага унаштирганларида у, ховуз бўйига келиб, мана шу – ўзи ном қўйган «олтин балиқ»ка дардларини айтган. Аммо ҳеч кандай мўъжиза содир бўлмади. Шундан сўнг, у Робияни овлок ерда учратиб «энди нима киламиз» деди. Робия, бу ердан кочиб кетайлик, деганида, «яхшилаб ўйлаб қўрайлик», – деди шошиб. Ўтамурод бу ҳақда энг қалин жўраси – Содикка оғиз соглан эди, «нима, тентак бўлдингми, Робия кимга фотиха килинганини биласанми? Карим чол-

нинг ўғлига! Чол сени дуойибад қилиб ташласа нима киласан? Робия эса хўжанинг қизи», – деб кўркитди. Шундан сўнг... ҳаммаси барбод бўлди. Ўтамурод Робиянинг олдига бормади. Мана, шунга ҳам етти йил бўлибди. Бу йиллар ичиде унинг ҳаётида нималар со-дир бўлмади: шаҳарга кетди, олий маълумотли бўлиб кайтди. Дунёда неки бўлса, бари ўзгарди! Факат, мана шу, болаликдан кадрдон бўлган балиқлар ўзгармабди. Буни у якинда хотини билан бўлган ўша сұхбатдан сўнг, англади.

У шу кунларда ниманидир йўқотгандай, нималарни топгандай эди. Бу нималар эса балиқларга айланди. Шунгача унинг назарида балиқ – бор-йўғи боши ялпок, икки мунчок кўзи, каноти ва думи бўлиб, суюлтирилган кислородда нафас оладиган сув ости жониворларидан бири эди. Нафакат балиқ, атрофини куршаб турган мавжудот ва табиат унинг кўзига шундай кўринар, ўкувчиларига ҳам илмий нуктаи назардан шундай тушиунирарди. Энди эса... балиқлар болалигида билган балиқларга айланган эди.

У ҳовуз бўйлаб кадам ташларкан, тепаликдан келаётган икки йигит ва похолдан тўкилган шляпа кийган бир кизга кўзи тушди. Новчароининг кўлида қармок ва тўрхалта. Улар ҳали Ўтамуроднинг олдига етиб ултургани ҳам йўқ эди-ки, Авалиёта мозори томондаги сўқмоқда Карим чол ва бир неча кариялар кўринди.

– Хўш, нима килмокчисизлар? – кичкирди Карим чол ҳовузга якин келиб.

Энди ҳовузга қармок ташлашга шайланаётган ба-ланда бўйли йигит жавоб қилди:

– Балик овласакмикан деб турибмиз, бобо.

Карим чол ёнидагиларга маъноли қараб олди:

– Болаларим, бу балиқларга тегманглар, – деди важоҳат билан, – есангиз ўласиз... Улар муқаддас мозор балиқлари.

– Йўғ-э, – ишонқирамай сўради иккинчи йигит. – Ростдан-а?

– Ҳа-да. Худонинг ғазабини келтирманглар. Бу балиқни ейиш гуноҳи азим.

— Кўй, бўлмаса, Самад, — деди ёнидаги ҳамрохи — бўйнидаги кип-кизил маржонини ўйнаб турган қиз, — кераги йўқ.

Ўтамурод чолнинг бир оғиз сўз билан нотаниш меҳмонларга таъсир ўтказганлигидан лол қолди. Карим чол атрофидагиларга мағрур караб қўйиб, «шундай, бўлсин, азизлар», — деб қўйди. Ўтамуроднинг жини кўзғади. Аслида у ҳам бу меҳмонлар ховуз балиқларини овлашларини сира-сира хоҳламас эди. Аммо қачонлардан бери юрагининг бир четида ётган эски адовати аланга олди-ю, челакни ерга қўйиб, балиқчаларнинг олдига борди.

— Ёлғон гап бу, — деди у атрофдагиларга эшилтириб. — Бу маринка балиғи. Ичидағи қора пардаси тозаланиб ейилса, ҳеч бало урмайди.

Унинг гапи тўғри эди. Маринка балиқлари тоғ кишлоқларда — булок ва ховузларда кўп бўлар, уларга азалдан тегинишмасди. Факат бўлак шаҳарлардан келганларгина бунга ҳайрон бўлишар, аммо улар ҳам маҳаллий ҳалқнинг кўнглига караб иш тутишар, балиқларга тегишимасди. Ўтамурод кишлоқларида шундай балиқлар борлигидан ич-ичдан ғуурулана эди.

Карим чол унга караб, ўқрайди. Меҳмонлар эса, Ўтамуроднинг гапига эътибор бермай, аста кета бошлишди. Ўтамуроднинг алами келди.

— Шошманглар.

У чакконлик билан йигитнинг олдига келиб қўлидан қармоқни олди-да, сувга ташлади. Атрофдагилар бир зум лол бўлиб қолишли. Ўтамуродга ҳеч ким оғиз очломай, унинг азамат, барваста гавдасига жим караб туришарди. Ниҳоят, пўкак сув ичига тортилди. Ўтамурод қармоқни кўтарди. Қармоқ нималигини билмаган бу жониворларнинг энг катталаридан бири илинган эди. Удуми билан Ўтамуроднинг қўлини каттик урди. Ушбу пайтда, Ўтамурод заррача ҳам балиққа ачинмас, эшонни бир боплаб, шармандасини чикарай, деган фикр тинчлик бермасди. У балиқни қармоқдан чикааркан:

— Мен зоология ўқитувчисиман, — деди ниҳоят меҳмонларга, — юринглар уйга, балиқни сизларга еб кўрсатаман. Ҳеч нима килмайди.

— Яхшиси сиз юринг, — деди меҳмонлардан новчаси. — Биз геологлармиз. Ҳов, ана, чимзорда чодир тикканмиз.

— Бўпти, ҳозир, уйга сатилни ташлаб, бораман. Бемалол қовуриб туринглар. Факат, баликни ёрганда, кора пардасини тозалаб ташланглар.

У шаҳдам қадам ташлаб уйга қайтди.

2

Карим чол кеч пайти боғ оралаб, Ўтамуроднинг онаси – Ойим холаникига кетиб бораради. У Ойим хола ўтган куни ҳовлидан чорбокка кўчиб кетаётганини узоқдан кўрганди. «Кампир бало, ўтовини ҳар йилгидек ўрикзор ва бодомзор орасидаги ялангликка тикириб, ёлғиз яшайди, – деб ўйлади чол. – Қаригани ҳам йўқ. Бало чиқди бу аёл!»

У ёшлигида Ойимни яхши кўрганини, аммо Ўтамуроднинг отаси эпчиллик қилиб, уйланиб олганини эслади. «Нега тортингчоқлик қилдим, ўшанда?» ўйлади у. Чол Ўтамуроднинг отаси ўлгандан сўнг ҳам, унинг олдига бир неча марта келди. Бу пайтда унинг ҳам хотини қазо қилганди. Карим чол ўтов ёнига келганда, димоғига ёнаётган шувоқнинг хиди урилди. Аммо, ичкаридан ҳеч ким кўринмади.

Ўтов оркасида ўтириб, бўйра устига ўрикларни ёпаётган Ойим хола қадам товушларини эшишиб ўрнидан турди.

— Кираверинг, – деди у чолни таниб.

Карим чол бош силкиди. У ичкарига кирди-ю, озода, шинам ўтов ичиди бир зум тик туриб колди. Орқасидан Ойимхон ҳам кириб келди. У кузда ёқиладиган ўчок якинига келиб ўтирди. Улар юзига фотиха тортишди.

— Тани жонинг соғми, Ойим, – деди Карим чол.

— Шукур, – жавоб берди Ойим хола. – Ўзингиз бардам юрибсизми?

— Ҳа, бир нав.

Орага жимлик чўкди. Ойим хола туриб дастурхон ёзди. Чол гапни нимадан бошлашини билмай хорғинлик

билан ўтов белдовларига тикилди. Кейин керагада илиғлик хумчага қаради.

– Ҳалиям шу хумча бор эканда, – деди у.

– Ҳа, раҳматли чолимдан ёдгорлик, – деди Ойим хола. – Кўзимга яқин бўлсин деб, шу ерга қўйибман.

– Сан худбинсан, Ойимхол, – деди чол. – Фақат ўзингни яхши кўргансан. Эрингни эса, йўқ. Яхши кўрмасдинг.

– Нимага ундаи дейсиз? Ё тавба... – ҳайрон қолди Ойим хола. – Қўйинг шундай гапни. Қани, нондан олинг?

У ташкарига чиқиб, тош ўчоқда шакирлаб қайнаётган қумғондан чой дамлаб қайтди.

– Нимага дейсанми? Эрингни эслаб, бир худойи ҳам қилай демайсан. Ўзим бўлсам дейдиганлар хилидансанда. Элдан айрилиб, яшайсан... Яхши эмас...

– Элдан айрилиб, нима килибман?

– Нима килибман, дейсанми? Мана, мисол учун, – деди чол Ойим хола узатган пиёлани оларкан: – Ҳозир кишлоқда ҳеч ким ўтовда яшамайди. Сан бўлсанг, кишин-ёзин ўтовингдан чикмайсан. Тўғрими?

– Нима қилай, печкалик уйда бошим оғрийди, тез шамоллаб коламан...

Чол оғзига жizzали нон солганди, эриб кетди.

– Уям майли. Ишлатадиган ёғинг магазинники эмас, – деди тамшаниб. – Фақат жувозники. Ҳатто, буғдойни ҳам томорқага экдириб, тегирмонга тортириб ейсан. Нима учун? Эл қатори бўлгинг келмайди. Ўзим бўлай дейсан. Буни ҳеч ким билмайди деб ўйлайсанми?

– Неча йиллардан буён биринчи марта келдингиз. Шу гапларни айтганими?.. Ҳўп, майли, сўрадингиз, айтаман. Ким узок яшашни ўйламайди. Ҳар кимни таъбира. Элдан бўлса ажралганим йўқ, тўй, азада, яхши ёмон кунда кўлимдан келганини қиласман. Тўғри, номоз ўқимайман. Вактим йўқ...

– Вактим йўқ, дема, Ойим.

– Рост. Мехнат дегани-ку, яхши. Мана сиз ҳеч дала-да эркакка ўхшаб ишлаганмисиз? Йўқ! Бунинг ўрнига факат номоз ўқийсиз...

– Кўй, Ойимхон, ман бу гап учун келганим йўқ, – уҳ тортди чол.

– Нима учун? Қариган чоғингизда ҳам, яна менга теккин деб келдингизми?

Кулиб юборди.

– Жудаям шаддод аёлсан-да, – деди. – Ҳали ҳам эсингда экан-да... Тўғри-да, эринг раҳматли бўлганда ёш эдинг... Билмайман ўшандада менга нима учун тегмадинг? Ахир, қариганда кишига маҳрам керак-ку.

– Сизни яхши кўрмасам, нима қиласай, – деди Ойим хола тутундан ёшланган кўзини енги билан артаркан. – Нима бўлса, Худодан кўрдим.

Чол унга бирпас узун, қайрилма қошларини чимириб турди-да, секин гапириди.

– Ойим, ман бир иш билан келдим. Ўғлинг кеча яхши иш қилмади. Ҳовуздаги муқаддас балиқлардан ушлаб ковуриб еди. Унга айтгин, бориб мозорга тавба-ю тазарру қилмаса, бирор кори-хол бўлмаса деб кўрқаман.

Ойим хола бу гапни эшишиб, ерга қаради.

– Ўғлим бирор нарсани биларки, шундай килган.

– Ойим, нима сен ҳам гуноҳга ботмокчимисан?

– Йўқ, ман уни яхши иш қилипти демайман. Худо унга акл бермаган бўлса, бандаси нима кила оларди?

– Ҳар ҳолда мани гапларимни ўйлаб кўр. Ойим, – деди чол ва ўрнидан кўзгалди.

3

Ўтамурод дераза қанотларини ланг очиб, ташқарига қаради.

Тонг отган. Одамлар катор кетган уйларнинг энг чеккадагисини оқлашаётган эди. Гулбарги аҳолиси об-ҳаво йилнинг учдан икки қисмида иссиқ келишини хисобга олиб, уйларини оқлашади, яъни кор совуғини эслатиб турувчи оҳакни афзал кўришади. Шунинг учун ҳам баҳор охирлаши билан гуллари тўкилиб бўлган даражатлардан сўнг бир оз кўримсиз бўлган ҳовлилар яна чирой оча бошлаганди. Ўтамурод бунга эмас, балки

паст-баланд уйларнинг гоҳ сомон лой билан сувалган, гоҳ қўқимтири шифер билан ёпилган томларига эътибор килди: ўзича мамнун бўлиб, дераза олдидан нари кетди. Агар у ушбу дақиқада Сариқкуш тепалигидан қараганида, бунчалик хурсанд бўлмасди: негаки у ердан қишлоқнинг барча уйлари қатори ўзининг ўтган йил битказилган кизил тунукали, кизил деворли уий яққол кўринарди. Қиска қиши кунларида кўзга гулхандек бўлиб кўринган, қишлоқда яккаю ягона бўлган бу уй ҳозир, иссик ёз кунида ковжираган лолани эслатарди. Ўтамурод бундан тўрт йил бурун Кавказда ҳарбий хизматни ўтаган. Худди мана шундай томи кизил тунукали, девори кизил рангли уйларни Кавказда кўрган. Ўшанда хаваси келган эди. Орзуси амалга ошди: ниҳоят, шундай уй курди. Онаси: кўй ўғлим, раҳматли отанг ҳам, аждодларинг ҳам бунақа уйда яшамаган, эл қатори кургин деб унга танбех берди. Ўтамурод эътибор килмади. Онаси ҳамиша ўтовда яшагани учун бошқа ҳархаша килмади...

Мунира эса: менга барибир, нима бўлса ҳам, тузук яшайдиган уй бўлсин, деди.

Ўтамурод ташқарига чикканида сўрида онаси ўтирганини кўрди. У келини Мунира билан чой ичиб ўтиради.

– Эртароқ турсанг бўлмайдими, ўғлим? – деди онаси, – ё тобинг йўқми?

– Кеч ухлаган эдим, – деди Ўтамурод.

– Балик еб, тоби қочганми деб хавотир олиб, келдим... Ростдан ҳам ўша балиқдан едингми?

Ўтамуроднинг кўнгли ғаш бўлди. Онаси ҳар қандай вазиятда ҳам унинг жигига тегадиган гап айтмас эди. Унга нима бўлди ўзи? Эсида, у ўқувчилик йилларида бир пиёниста билан кимор ўйнаб, кўй ютқазганида ҳам дашном бермаган, фақат: хафа бўлма ўғлим, энди иккинчи марта қилмасанг, бўлди, деган.

– Нима бўлти... Едим. Ё чолнинг кароматига сиз ҳам ишонасизми? – деди Ўтамурод.

– Йўқ, болам, унинг учун эмас. – Ойим хола ўғлига бошдан-оёқ разм солди-да, сўзида давом этди. – Мана

шу муқаддас балиқларга яқин кунгача мен емиш ташлагани борардим. Илгарилари отанг ҳам борган... Бир куни эрталаб, сани ҳам балиқларга емиш берәётганингни күриб, ман бормай күйдим... Билардим, болалигинингда ҳам шу балиқларни яхши күрардинг, уйдан топган-тутганингни уларга ташлагани борардинг.

Үтамурод сири очилган кишидек кизарип-бўзариб уфқ томонга ўгирилди.

Ҳа, мана гап каерда экан? Бургага аччик килиб, кўрпани куйдиргани яхши иш бўлмабди. Аммо у бу ишни бекорчиликдан ёки эрмакдан килгани йўқ, ахир. У Эшондан ўч олиши керак эди. Ахир, унинг илк муҳаббатини барбод килган, Робияни ўғлига олиб берган шу одам-ку. Нима бўлганида ҳам у ўша куни Карим чолнинг устидан ғалаба қозонди: уни фош қилди. Бу ғалаба нашвасини онаси тушунса экан? Йўқ, буни унга тушунтириш қийин.

– Ҳа, болам... Ана шу балиқларни одамлар уруш пайтларида, оч-яланғоч қолишганида ҳам ейишмаганди, – деб гапида давом этди Ойим хола. – Энди сан ебсан, шунга ҳайронман, ўғлим...

– У пайтларда одамлар бу балиқни ейиш мумкинлигини билишмаган. Бўлмаса, қўйишармиди, – деди Үтамурод.

– Болам, сан оч қолаётганинг йўқ эдикি, шу балиқдан есанг. Бунинг оқибати яхши бўлмайди, – Ойим хола коматини ростлаб, паствга тушди. Ўрикнинг сийрак шохлари орасидан тушган офтобдан озғин, чўзинчоқ юзини дока рўмоли билан тўсаркан: – Бедазор чанқаб кетибди, сув кўйинглар, – деди ўғлига. – Ман опангдан хабар олиб келай. Боласи касал эмиш...

У бошқа гапирмай, икки девор оралиғига дарвоза вазифасини ўтовчи кўндаланг кўйилган ёғоч тўсин томон йўл олди. Үтамурод онасининг ҳали тик, чайир гавдасига караб коларкан, абжир, хеч оғири тушмас онаизори борлигини ҳозир хис килди. «Ўғил бўлиб унга нима яхшилик килолдим», – деб ўйлади у. Балиқларга у ҳам емиш бераркан-да...

Ўтамурод шу дамда онасининг кўлларидан ўпгиси, у билан ғуурланишини ўзига айтгиси келди..

Хотини унга чой узатаркан:

– Ҳеч тинч юрмайсиз-да, – деди. Сўнг қўшиб кўйди: – Аммо, ажаб килибсиз, чол бир таъзирини ебди...

Ўтамуроднинг энсаси котди.

– Сизнинг вазифангиз эди бу! Атеист деган сал шундай жон куйдириб ишласа экан...

Хотини пинагини бузмай жавоб килди.

– Атеист балиқ овлаб, тарғибот олиб бормайди...

– Нимага балиқ овлаб экан?.. Ман чолнинг гапи нотўғрилигини исбот қилмоқчиман...

Ўтамурод кеча геологларни койил қолдириб, ковурилган баликни паккос туширганлигини эслаб, бехузур бўлди, беҳафсала чой хўплади.

Кизик, кўчага чиксаям, уйдаям бир неча кундан бўён шу гап. Одамларнинг бошқа иши йўқми?.. Хаёлидан шу фикрни ўтказаркан, ичи кизиб кетганлигини ҳис қилди. Кеча тўйда ўша чолни кўриб, бир қарич ўсиб олдидан ўтди. Бекор қилди-да шуни? Ёши улуғ киши билан ўчакишиб нима қиласарди?

4

Робия кутубхонани қулфлаб, уйга қайтмоқда эди. Сой бўйига етганда, қайнатаси айтган гап эсига тушди. Кеча у «Келин, шу, ҳайвонлар ҳакида ёзилган китоблардан олиб келинг» деб тайинлаган эди. – Нега керак бўлиб қолди экан бунаقا китоб? – ҳайрон бўлди Робия ўзича. Чунки қайнатаси достончиликка, табобатчиликка ва дин ҳакидаги китобларга кизикар эди. У оркасига қайтиб, қишлоқ совети идораси олдига энди етган ҳам эдики, уни кимдир чакирди.

– Дугооон!

Робия ўзидан сал нарида, йўл четида – автобус бекати учун қурилган соябон тагида билагига сумкача осган Оҳистани кўрди.

Робия унга қараб чопди.

– Чўлқувархон, бормисиз? – деди Робия уни кучо-

ғига оларкан. – Юр, кутубхонага бир кириб чиқайлик, кейин уйга борамиз.

Иккаласи сұхбатни совутмай, идорадан сал нарида жойлашган кутубхонага киришди.

– Мунча коронғи, чирокни ёкиб юбор, – деди Оҳиста. – Нима қиласан шу диккинафас жойда ишлаб?..

– Жим тур... Бир китобни топай... Ҳозир...

– Китобга ўчлигинг халиям қолмаптида. Олим бўлармидинг... Ўқишга-ку бормадинг?

– Олим бўлмоқчиман...

– Ола? Эндими? Эҳ, қандай яхши ўқир эдинг, – афсусланди Оҳиста. – Мана, ман техникумни битириб олдим.

Робия зоология китобини кидиаркан:

– Болангни нега олиб келмадинг? – деди гина килиб.

– Э, қизикмисан? Эрта-индин пахта терими бошлигади. Зарил иш билан келган эдим.

– Ҳая, сен ҳозир донгдор механизаторсан-ку... Газетада ўқиб турибмиз. Боланг нечта бўлди?

– Учта бўлди.

– Уларга ким қарайди?

– Ким? Эрим бор, онаси бор, қарайди-да... Ишлаганимдан кейин бокишади-да.

– Ким ишласин деяпти сени... Эрингми?

– Қаерда-а? – деди Оҳиста лабини буриб. – Эрим ҳам, онаси ҳам норози.

– Болаларингни катта қил. Кейин ишларсан, – маслаҳат берган бўлди Робия. – Она меҳрига тўйиб ўссин. Ёки енгилроқ бир ишга ўт.

– Қизикмисан... Кейин Тошкенту Москваларга бориши кайда? Пахта терганим дуруст. Обрўйим яхши... Ҳамма ерда ҳурмат килишади.

– Эринг-чи?

– Уша шўртумшук кадримга етмайди.

– Топдим! – кувониб кетди Робия.

– Нимани?

– Китобни. Зоология китобини.

– Мен ўйлабманки...

– Бўлди, кетдик...

Улар кўчага чикишди. Атроф тиниқ сиёҳ рангга бўялгандек эди. Сой томондан чигирткаларнинг чирилаши эшитилар, ой шундок Тузтоғ тепасида осилиб турарди.

— Шу пайтни бирам яхши кўраман, — деди Оҳиста хўрсиниб.

— Мен ҳам. Ҳализамон юлдузлар ўйини бошланади. Караб тўймайсан уларга. Ўша ерларни ҳам бориб кўрсанг, киши...

Энди иккаласи ҳам жим қолди. Нималарни дир гапиргилари келарди, аммо салқин шабада оғушида тун сехридан тиллари лол эди.

Карим чол сўрида ўтириб чалоб ичаётган эди, бирин-кетин Робия ва Оҳиста кириб келишди. Оҳиста ним эгилиб салом берди. Чол ундан онаси ва болаларини сўрагач, Робияга юзланди.

— Топдингизми, келин?

— Топдим.

— Баракалло!

Улар Карим чолни холи қолдириб, Робиянинг хонасига киришди.

— Қайнатанг ҳам китоб ўқийдими?

— Ҳа-да. Гоҳо ман ўқиб бераман.

Робия синфдошини ўтиргизиб, ўзи елиб-югуриб хизмат килишга тушди. Қайнатаси мол-холларга ўзи карабди. Шўрва ҳам солиб қўйган экан.

— Қайнаталик бўлиш ҳам яхши экан. Менинг ҳам қайнатам бўлганида, уйда мижғов гап кам бўларди-да, — деди Оҳиста дугонаси кайтиб кирганда. — Эшонбова кампиди ўлиб, ўзини анча олдириб қўйипти.... Эринг ҳалиям кўп ичадими?

— Ичади. Шу, дугонажон, агар эшонбова бўлмаганда, бу ерда бир кун ҳам турмасдим.

— Э, унга караб ўтирасанми? Турда кет. Агар сени хуснинг манда бўлса эди, ўзим билардим. Ҳалиям ўн олтига кирган қиздайсан, дугон...

— Оҳиста!

— Мен ҳам чиройлиман-у, фактат эримга ёқмайман...

Бошқалар орқамдан итдай эргашади... Гапирсам гап кўп, – ух тортди Охиста. – Дунёга бир келасан, дугон...

...У ётар олдидан Робиянинг кўлидан ушлаб гап бошлади:

– Онам пенсияга чиқмокчи... Урушдан олдин ишлаганликлари ҳакида справка керак экан. Архивда йўқолиб кетибди. Эринг кадрлар бўлимига бошлиқ-ку. Айтгин, тўғрилаб бера қолсин.

– Дугон, ўзинг айтакол. У мани гапимга кирмайди, – деди Робия. – Рост..

Чирокни пуфлаб ўчириш ўйнашди. Охиста бир пуфлашдаёк ўчирди.

– Нафас деганлари мана шундай бўлади, бу – ку чироқ, канча эркакни олдимдан пуфлаб учирашиб юборганман, – деб шараклаб кулди у.

Робия ҳовли этагида эди. Балхи тутнинг эгри шохига чамбаракда сутли товок осилгањ, шуни олаётган эди. Қайнатасининг қаттиқ-қаттиқ гапираётганини эшишиб колди. Эрталабдан ўзи бир гап бўлдими буларга? Ҳар куни шу. Ота-ўғил бир кун йўқки, жанжал килмаса. Робия юраги безиллаб, сўри томон қадам ташларкан, эри Раҳимбердининг масхараомуз киёфасини кўриб, энсаси котди.

– Уялмайсанми, бетавфик? – деди Карим чол депси-ниб.

Робия сутни сават тагига қўйиб, қайтди-да, «нимагап» дегандек сўри ёнида тик турган қайнатасига разм солди.

– Ўтилинг чойга, – деди Робия қайнатасига. – Ё ширчой ичасизми?

Карим чол келининг каради.

– Кўрмайсизми бу имонсизни? Уялмайдиям. Даҳлизда туриб, бу беимоннинг Охистага «хужжатни икки юз сўмга тўғрилаб бераман» деганини эшишиб қолдим. Астағфирулло! Ўқиган, тушунган деб ким айтади буни. Шариат ҳам, хукумат ҳам ҳаром йўл билан пул топишни қоралайди. Ахир...

– Ким айтди сизга бу ишни ҳаром деп. Ман бирорни хожатини чиқармокчи бўлсам-у, сиз бўлсангиз...

– Ҳа, пулсиз битириб бўлмас эканми? – киноя қилди чол. – Ҳамма билади-ку, Оҳистанинг онаси колхозда ишлаганини.

– Билмаган ишга сиз аралашманг...

– Ёмон йўлдан қайтариш ҳар мўминнинг қарзи. Дўзахий бўлма дейман...

– Кўйинг шу гапларни...

– Нима? Сан нокасни дириктирингга ҳам, бошқасига ҳам бораман. Ўлсан ҳам порахўрлигингга йўл кўймайман...

– Бўлди, қўйинг-э, – Раҳимберди қизариб, каравот четида ерга караб ўтирган Оҳистага юзини бурди. – Ишнинг югур-югури кўплиги учун шундай дедим. Тўғрими? Агар 44-йилгача иш стажи бўлса, икки киши гувоҳлигига хужжат ёзиб бериш мумкин. Фақат хўжалик архив йўқолганлиги ҳакида справка бериши керак. Ундан сўнг комиссия тузамиз. Ўзингиз югуршингизга тўғри келади. Ман иш тез битсин учун шундай дегандим...

– Майли, бир-икки кун колиб кетарман, – деди Оҳиста.

Робия уятдан қизариб, сўрининг бир четига ўтирди. Чол эса чой ҳам ичмай кўчага чиқиб кетди.

– Эшилдиларингми, Ўтамурод ҳовуз балиғидан епти. Ҳеч бало урмапти. Отам бўлса, ҳаммага жар солиб, бу баликни ким еса ўлади деп юради, – деди Раҳимберди истехзо билан.

– Йўғ-э, – ишонмай сўради Оҳиста, – ростдан ҳам ептими?

– Ҳа-да. Геологлар шу балиқдан овламоқчи бўлишган экан, отам кўймапти. Ўтамурод ҳам бор экан. У ёлғон, балиқ ичидаги кора парда олиб ташланса, зарари йўқ депти. Ўзи эса кеча геологларнинг чодирида пишириб епти.

Робиянинг чой тўла пиёлани ушлаган узун-узун бармоқлари билинар-билинмас титрарди.

– Илмини шунга кўрсатипти-да, – деди у секингина.

Раҳимберди чойини ичиб, ўрнидан кўзғалди.

– Ўтамуродни кўрсанг айт, эшонбовадан келиб узр сўрасин, – деди Робия эри кетгач. – Мен айтсан... Ях-

шиси, сан айта кол. Баҳонада ўзини ҳам кўриб кетасан. Ҳар холда синфдош-ку...

— Майли, — рози бўлди Оҳиста, Иии... Куръони каримни ўқияпсанми?

— Ўқияпман.. Ҳа, эшонбова ҳаммасини оз-оздан шарҳлаб, тушунтириб беряптилар.

— Нима, отинбиби бўлмокчимисан?

— Йўқ, — деди Робия ўйчанлик билан. — Биласанми, эшонбовадан факат Куръонни эмас, Шарқ адабиётини ҳам, кўп нарсани ўрганса бўлади. У кишини хурмат киламан. Форс тилини, эски ўзбек тилини биладилар. Саришталик одам, катта-кичикини сизлаб гапиради. Қара, ҳовлини гулзор қилиб юборган. Күшларни яхши кўришини айтмайсанми? Шундай раҳмдил одамки...

— Аммо сани ўғлига зўрлаб олиб берган-ку...

— Йўқ. Эшон бова совчи кўйганида, кимдир онамга «рози бўлинг, бўлмаса, эшоннинг фели ёмон, Ўтамуродни ҳам, қизингизни ҳам дуойибад қилиб ташлайди» деган экан...

— Кўй-э, дугон... Ҳай, шунга ишониб юрибсанми?!

5

Ўтамурод мактабга ўтди. Спорт майдончасида қўл тўпи ўйнашга бир киши етмай турган экан, қўшилди. Ҳай бўлиб, ўйинга киришди. Рақиб ўйинчилардан бири — Содик гап отди:

— Ўтамурод, балиқ еб, балодай бўлиб кетибсан-ку?

— Ҳа, энди, гўшт сотиб олиб юрамизми, текин балиқ турганда, — деб жавоб қилди оппокгузарлик Бойбўта.

Ўтамурод бу гапни эшишиб, сесканиб тушди. Бўшашибди, ўзига кайтаришган тўпни майдон ташкарисига уриб юборди.

— Ия, балиқ еган киши шундок ўйнарканми? — ҳаммани кулдирди Содик. — Бизлар ҳам ҳали балиқ овига борамиз деб юрибмиз-ку.

— Балиқ яхши нарса, — базўр кулиб жавоб қилди у. — Аммо, ҳовуздаги балиқларни овлаш керак эмас. Уларни томоша килишнинг ўзи гаштли. Гўзаллик!

— Гўзалликни пишириб еб бўлмайди, Ўтамурод, — деди Содик.

— Маладес, Содик, — деди кимдир.

Ўтамурод энди ўйинда тез-тез хато қилар, фикрлари ҳам пала-партиш эди. Ростдан ҳам мана шуларга ўхшаш худобезорлар баликларни овлашса, унда... ҳеч нима қолмайди-ку, — деган фикр кўнглидан кечди-ю, эзилиб кетди.

У ўйиндан чиқиб, булок бўйига тушди. Оркасидан Содик чиқиб келди.

— Мунча қовок-тумшуғинг осилган, Ўтамурод? — ҳайрон бўлиб сўради у. — Бирор еринг оғрияптими?

— Йўқ.

— Унда якшанба куни бизникига ҳашарга келасанми? Янги уй курмокчиман. Кечаси ғишт қуямиз...

— Майли...

Ўтамурод бирпасда унинг бу гапларидан ийиб кетганилигига ўзи ҳам ҳайрон колди. Кўнглидаги ғубор кўтарилди.

Ўтамурод тушдан сўнг ҳовуз бўйига келди, атрофда ҳеч ким йўқ. Бир неча кунки, бу ерга қадам босишга журъат қилмай юрганди. Зора, ҳалиги воеа сал бўлса ҳам одамларнинг хотиридан кўтарилса. Факат бугун ҳовуз бўйига чиқишига аҳд килди: кўнгли шуни тилади.

Бир-бир қадам босиб, атрофни айланаркан, ҳовуздан пастда-арикчада сигирни сувлатиб турган Робияни кўриб колди. Худди бир мўъжизани кўргандек, бирпас унга тикилиб колди. Кизик, бугун Робиянинг шаффоғ булок сувидек юзи негадир совуқ, бир нуктага тикилган, гўё ҳеч кимни сезмаётгандек эди. Эгнида яшил кўйлак, бошида кизил дуррача, кояда порлаб турган бамисли лоладек. Ўтамурод Робияни бошкага турмушга чиқиб кетганидан бери ўйламай кўйган, учрашиб қолганларида ҳам худди ораларида ҳеч нарса рўй бермагандек, шундай бўлиши табиийдек, муомала килади. Бошқача бўлишини тасаввур ҳам қила олмайди. Ўтган ўтди-кетди. Ахир инсон ҳаётга баҳтли яшаш учун келади. Мана, Робиянинг турмуши жуда яхши — икки ўғилнинг онаси, ўзи кутубхонада ишлайди, эри

билан ахил. Айтишларича, у эрини ниҳоятда ҳурмат киласмиш, яхши кўрармиш. Эри ҳам уни бошига кўтараркан. Бу гапларни Ўтамурод бегонадан эмас, ўз онасидан – Ойим холадан эшитган. Аммо ўзи-чи, ўзи? Ўзи ҳам баҳтиёр эди, шод-хуррам яшаётган эди. Йўқ, у Робияни сира ўйлагани йўқ, у ўзининг ўсмирлигини, балиқларга арз айтиб юрган ғаройиб кунларини эслаган, шундан андак ғалати ҳолга тушган эди.

«Робия ҳам ўша кунларни ўйлармикан», деб хаёлан ўйларди Ўтамурод Робиядан кўзларини узмай.

– Менга эмас, ҳовузга қаранг, – деди у Ўтамуродни кўриб.

Ўтамурод шундай нозик, шундай латиф турган Робиянинг бу қадар совук сўзидан таажжубланиб, ҳовуз томон юрди. Қиргоқقا яқин келиб, сувга қаради-ю, даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлди. Сув юзасида майда-майда ўлик балиқлар қалқиб ётар, тиник ҳовуз худди дарз кетган ойнадек кўринарди.

Унинг кўзлари тиниб кетди. Ўзини зўрға босиб, Робия томонга бошини бурди.

– Сойда капа тикиб яшаётган ошналарингизни ини бу, – деди Робия киноя билан.

– Ёлғон, ким айтди сизга?

– Оҳиста кўрган экан... Ўшалар ҳовузда бир балони портлатишди, деб айтди, манга.

Оҳиста уларнинг собик синфдоши, бир неча йилдан бери чўлда. Онаси Ўтамуродларга ҳамсоя. Оҳиста ўтган кун даштдан келганлигини онаси айтаётган эди.

Бу сўзлар Ўтамуродга «шунча йил ўқиб, бўлганингиз шу экан-да», – деб айтилгандек туюлди. Робия сигирини олдига солиб ҳайдаб бораркан, яна бир орқасига караб кўйди-да, муюлишда ғойиб бўлди.

Ўтамурод ўнинчи синфи битириш чоғида, Робиянинг хотира дафтарига «Ҳақиқий инсон бўлиш учун олий маълумотли бўлиш лозим. Ҳаммамизнинг мақсадимиз шу, Робия», – деб ёзган эди. Ҳозир шуни эслар экан, пешонасидан тер чиқиб кетди.

Ўтамурод кўп ўйлаб ўтирумай, чимзорга ўзларини «геологлармиз» деб атаган кимсалар олдига караб жўнади.

Сой ичкарисига караб кетган чимзор чеккасида худди айик полвонга ўхшаб кекса балх тути кўринди. Унинг нак тепасида Зухра юлдузи билинар-билинмас жимириламоқда эди. Ўтлоқнинг покиза, майин ҳавоси Ўтамуродни бирдан ҳаяжонлантириб юборди. «Нима бўлди менга ўзи? – деб ўйлади у. – Худди чимзорни кўрмай юргандай турибман».

У эслади: ҳа-я, шу қишлоқда яшаб, якин йилларда бу чимзорга кадам босмаган экан?.. Тўғри, у бирор иш билан чимзорни йўл-йўлакай кўриб ўтган бўлиши мумкин. Аммо, завқ билан, мана бундай ҳаяжон билан ўтлоқда юрмаганига анча йил бўлган. Унда мактабда ўкирмиди?!

Ўтамурод ўзидан чап томонда тикилган чодирни кўрди-ю, нима мақсадда келганини эслади.

Чодир ёнидаги ирмокча ёнида ўша таниш киз балик тозалаб ўтиради. У Ўтамуродни кўриб, жилмайди.

– Мана, сиз айтгандек килиб, балиқ тозалаяпман... Яхши бўлди келганингиз...

Ўтамурод унга нафрат билан қааркан:

- Шерикларингиз кани, – деб сўради.
- Чодирга киринг. Кўлдош ўша ерда...

Ўтамурод тўғри чодир томон юрди.

Ичкарига кирганда, ўзини тунов куни Кўлдош деб таништирган йигит газак тайёрлаётган экан.

- Э, келинг...

Ўтамурод унга хўмрайиб тикилди-да, тиз чўкди.

– Хўш, хизмат, – деди Кўлдош унинг ташриф буюрганини ошкора ёқтирамай.

– Сизларнинг кимлигинингизни билмоқчиман, – деди Ўтамурод дангал.

- Сизга айтгандик, шекилли, – илжайди Кўлдош.
- Кани, хужжатингизни кўрсатинг...
- Тушингизни сувга айтинг, – совук жавоб килди

Кўлдош.

Ўтамурод узун кўлларини чўзиб унинг ёқасидан бўғди.

Кўлдош бундай бўлишини сира кутмаган шекилли ранги оқариб, унинг чақчайган кўзларига қааркан:

— Тўғрисини айтсам, биз саёҳатчилармиз, — деди титраб. — Дам олиб...

— Саёҳатчи? Нимага ҳовузда динамит портлатдинглар? Бундай қилиб балиқ егунча, гўнгни титганларинг дуруст эмасми?

Ўтамурод ёмон сўкиниб олди-да, таҳдидли овоз билан уқтириди:

— Эртага ҳам сизларни шу ерда кўрсам, териларингни шилиб, сомон тиқаман...

Ўтамурод унга яна бир ёмон ўқрайиб қаради-да, ташкарига чиқди. Ўн қадамча нарида елкасида милтик осган иккинчи саёҳатчи йигит кутиб турганлигини кўриб, хушёр тортди. Бошини қуи солиб, аста у томон қадам ташлади.

Йигит жанжалдан хабардор экан, шекилли, бирдан елкасидан милтиқни олиб, Ўтамуродга ўқталди:

— Ҳозир пешонангдан отайми, эшак! Сен кимни кўркитмокчи бўласан, а?

Ўчок бошидан ҳалиги қиз буни кўриб турган экан, овози эшитилди.

— Кўй, Алик, нима қиласан уни хафа қилиб...

— Майли, кечираман... Кани, туёғингни тезрок шиқиллат?

Ўтамурод унинг ёнидан ўта туриб, эпчиллик билан орқага қайрилди-ю, шиддат билан ракиб қўлига тепиб юборди. Қўлидан милтиғи учиб кетган йигит юзини буриши билан гарданига гурзидек мушт келиб тушди-ю, чалканча тупиди. Ўтамурод унинг тепасига келди.

— Эрталабгача бу ерда кораларингни кўрмай, — деди у хотиржам овоз билан. Кейин бир четда ётган милтиқни олиб, уйига жўнади.

6

Эрталаб Ўтамурод Содикникига ҳашарга бормокчи бўлиб турган эди, ҳовлига Оҳиста кириб келди.

— Ёшарib кетибсанми, Оҳиста, — ҳазиллашди Ўтамурод унинг ўзига жуда оро берганлигини кўриб.

— Каерда, — кулди у. Кейин қўлларини кўрсатди. —

Қара, илгариги нозик кўллар қаерда дейсан... Дағал бўлиб кетди...

– Қани уйга кир. Бу ер офтоб...

– Шошиб турибман... Бир оғиз гапим бор эди.

– Хўш.

– Тунов куни ҳовузга динамит қўйиб портлатишганини кўриб, юрагим пак этиб ёрилай деди.

Ўтамуроднинг энсаси қотди.

– Сан балиқни еб кўрсатмасанг, шундай бўлмас эди, – деб сўзини давом қилди Охиста.

– Уларнинг ўzlари ҳам аҳмок эмас, баликнинг фаркига боришади, – деди Ўтамурод.

– Улар энди кетишиди... Қишлоқдагилар-чи? Боя кўрдим иккита бола балиқ овлаб ўтиришибди.

– Йўғ-э, – ишонмади Ўтамурод.

– Хуллас, Робия айтдики, – Охиста бирпас жим колди.

– Нима деди? – сабрсизлик билан сўради Ўтамурод.

Охиста муғамбирлик билан илжайди.

– У сани эшонбовадан бориб тавба қилишингни тайинлаб юборди.

– Робия бекорларни айтибди, – деди Ўтамурод кизарид. – Бир камим шу эди...

– Синфдошлиқ хурмати шундай қилакол, – деди Охиста негадир ёлвориб.

Шу пайт боғ йўлида чеълакда узум кўтариб келаётган Мунира кўринди.

– Хотининг ҳали ҳам чиройли, – деди Охиста негадир хурсанд бўлиб.

Ўтамурод индамади. У хотинига Охистани таништирди.

– Келинг, – деди Мунира. – Қани, уйга кирайлик.

Охиста унамади, онасининг пенсия пулини тўғрилаш учун югуриб юрганлигини айтиб, узр сўради.

– Ойим холамни бир кўриб ўтай дегандим, йўқ эканлар, – деди у ёлғондан.

«Шу гапни нима кераги бор эди, – деб ўйлади Ўтамурод. – Ахир, онам ҳар ёзда боғга кўчишини ҳамма билади-ку.

Эр хотин Охистани күчага кузатиб кўйишди.

– Нимага келган экан бу чўлқувар, – деди Мунира истехзо билан. Унинг овозида рашк эмас, факат бир нимадан иргангандек нафрат сезилди.

Ўтамуроднинг Охистага раҳми келади. Уни яқин бир қариндошига турмушга берган эди, эри майпараст чиқиб колди. Шундан сўнг, бу жувон тўрт-беш сўм пул топай деб механизаторликка ўқиди. Жуссаси нозиккина киз чўлда шу қадар дағаллашиб кетибдики, лабига сурилган лабиоб ҳам, кўзларга қўйилган сурма ҳам уни бундан халос қила олмасди.

– Охиста менга насиҳат бергани келибди, – деди Ўтамурод бошини чайқаб. – Балиқ овлаганим учун эшонбовадан узр сўранг деб келипти. Бир балиққа шунча гап. Одамларга нима бўлган ўзи, а?

– Ким бўлипти бу ўзи... сизга насиҳат бериб, – деди Мунира қошларини чимириб.

– Синфдош-да, синфдош, – деди Ўтамурод кулимсираб.

Мунира баттар олов олди:

– Аввал ўзини эплаб олсин синфдошингиз. Чўлда механизаторлик билангина эмас, енгилоёклиқда ҳам таниқли экан.

Ўтамурод бу гапдан норози бўлиб, ковоини солди.

– Нима кераги бор шу гапларни, – деди у энсаси котиб.

– Ишонмасангиз, ана «Муштум»ни ўқинг. Эрининг хатини босишибди. Хотиним механизатор, аммо оналик бурчини ўтамаяпти деб ёзибди эри.

– Бўлса бордир, – деди Ўтамурод. – Аммо бесабаб кеч нарса бўлмайди. Биз ана шу сабабни билмай гапиришимиз нотўғри.

Мунира эрини энди кўраётгандай орқасидан караб колди. Ўтамурод шу тобда тўхтаб, унга караганида, бу баҳс узок давом этишини яхши биларди. Шунинг учун орқасига ўгирилмади.

«Нимага тушунмайсан Ўтамурод? Ахир сен одамларга балик ови учун катта йўл очиб бердинг-ку. Энди бу ҳовуз балиғидан умидингни узавер. Кишлокда бор-йўги битта ҳовуз бўлса... Шунинг балиғини куритишишмоқчи. Бу ҳовуз баликларини кишлокнинг беш юз хўжалигига бўлиб берганда, ё биттадан тегади, ё тегмайди!» Ҳовлидаги тол соясида ўтириб, шуларни ўйларкан, эзилиб кетди.

Енгил шабада тол баргларини шилдиратиб ўтди.

– Оҳ, оҳ... яна озгина шабада бўлса эди... Қачонгача хаммага тушунтириб чиқаман бу гапларни, – ўйлади Ўтамурод алам билан. – Яхшиси... Карим чолга балик еб касал бўлдим, сиз ҳақсиз деб айтаман. Робия ҳак... Шундан кейин одамлар чолнинг, Ўтамурод балик еб касал бўлди дегандан сўнг нима ҳам кила олишади? Кизик, нега одамлар чолнинг сўзларига кулок солишади-ю, унга эса... йўқ. Агар у «одамлар, балиқни овламанглар, бу кўнгил очар жой-ку» деса кулок солишмайди. Нега?

Ўтамурод онаси боя ташлаб кетган ҳандалакни сўйиб, бир каржини оғзига солди-ю, кўнгли озиб кетди. Юраги сиқилиб, ҳовли яқинидаги сойга тушди. Куёш тафтидан ер қизиб кетибди. Айникса, тошлиар. Саратонда. Куёш ҳам осмонда узок туриб қолди. Қани тезроқ кеч кира колса! Чунки Карим чолнинг олдига коронгида боргани маъқул. Ҳеч ким кўрмайди. Дарвоқе, бирор кўрди нима-ю кўрмади нима? Барибир, унинг Карим чолга тавба-тазарру қилганини одамлар эшитади-ку. Шундай бўлса ҳам... Ҳеч ким йўғида тавба килгани тузук. Ҳаммасидан ҳам, эшон одамларга муқаддас баликларни тутишга йўл қўймаса бўлгани. Унга факат шу керак.

Куёш ботгунга қадар уйга кириб, дераза ёнидаги қаравотга мукка тушиб ётди.

– Бир балиқقا шунча машмашами? – деди хотини кечки пайт уни тунд кўриб. – Геологлар билан муштлашибсиз.

Ўтамурод ёнига келиб ўтирган хотини томон ўгирилди.

— Биласанми? — деди у нихоят, — шу, кўз қўяман деб, қош чиқариб қўйдим. Карим чолга ўчакишиб, бекор қилдим.

— Ҳе, Худо кўтарсин ўша чолни, — қўлини бепарво силтади Мунира, — эсингиздан чиқдими, отоналарини айнитиб, ўкишга борадиган қизларни йўлдан қайтартирган?

— У бошка гап... Тинч арининг уясига чўп тиксанг, ҳамма ёғингни талайди...

— Кўйинг шу гапни, отаси...

Ўтамурод бирпас жим ётди-да, нихоят бўғик, аммо катъий товушда гапирди:

— Карим эшоннинг олдига бораман. Тавба қилдим, баликлар мукаддас экан, дейман...

— Эсингизни едингизми? — кўрқиб кетди Мунира. — Ахир... ҳамма устимиздан кулади-ку. Мен нима деган одам бўламан унда. Балиқларингиз учун...

— Ҳеч нима бўлмайди, — унинг сўзини бўлди Ўтамурод.

— Унда... билиб кўйинг. Ўша суюқ оёқнинг гапига кириб чолнинг олдига борадиган бўлсангиз, кетаман...

— Ўзинг биласан, — деди Ўтамурод, — аммо ман чолга тавба қилишим керак... Бўлмаса, ҳовузда балик қолмайди...

Шундай деб у жаҳл билан ўрнидан турди.

— Тозаям одамига теккан эканман-ку... Шўрим курсин...

Хотини терс бурилиб кўз ёши қилди.

Ўтамурод ихтинди, тирнокларига зиркирок киргандай бўлди. У хотинини чиқиб кетишини узоқ кутиб ётди.

— Йўқ, ман барибир кетаман бу уйдан, — хотинининг товуши бу сафар дахлиздан эшитилди.

Унинг одати Ўтамуродга маълум. Айтдими, қилмай кўймайди. Ўтамурод Мунира билан институтда бирга ўқиб юришган пайтларини эслади. Қандай хушфеъл, мулоийм эди у! Ўтамурод хотинининг уйдан кетишини

ҳам, Робиянинг гапини ерга ташлашни ҳам истамасди. Айникса, Робиянинг аламли нафрат аралаш тикилганини эслаб баттар ўртаниб кетди. Ҳа, у ахир муқаддас баликларга, бегубор болалигига хиёнат килмадими? Бир пайтлар нари сойлик кизча – Робияга «муқаддас баликлар»и борлиги билан мактантган, у эса «манга ҳам кўрсат» деганида, аввалига кўнмай, кейин «майли юр, факат, нон олиб кел» деган шу Ўтамурод эмасмиди? Ўшанда Робия тўккиз-ўнларга кирган кизалок бўлса, Ўтамурод ўнларга кирган эди. Шундан кейин у ховуз бўйига тез-тез келадиган, шундан буён Ўтамуродга бошқача карайдиган бўлганди. Кеча эса... Робия унга биринчи марта ёмон каради. Ҳатто Ўтамурод кўрқоқлик қилиб Робияни олиб қочмаганида ҳам бундай қараган эмас. Наҳотки у ҳам Ўтамуроддек баликларга ўрганиб колган бўлса?

«Гап ўрганиб қолганида ҳам эмас, – деб ўйлади у. – Шу баликлар бўлмаса, қишлоқнинг нимасидир кемтиқ бўлиб қолади».

У тун бўйи чолникига боришни ўйларди. Аммо у ўрнидан тургиси келмас, тўғрироғи боришга журъат килолмасди.

Ўтамурод тонгга яқин мизғиб, туш кўрди. Тушида баликлар унинг атрофини ўраб олишганча, «сен бизни нобуд қилдинг» деб қичкирармишлар. Уларнинг танаси балиғ-у, бошлари одамникidek эмиш. Ўтамурод кўркиб уйғонди. Ёнида хотини беозор пишиллаб ухларди. «Бу ҳамиша шундай, тинч ухласа, корни тўқ бўлса бўлди, – хотини ҳакида фикр юритди у. – Одамзод қизик, факат бошига бирор ташвиш тушсагина, бошкаларнинг кандайлигини ўйлайди. Хотинимни шунча институтда бирга юриб, мана энди билаяпман».

Дераза олдидан зулмат чекиниб, тонг ёриша бошлиди. Қўшни ҳовлидан кетма-кет хўроз қичқирди. Ўтамурод ўрнидан турди. Чирокни ёкиб, электр устарада сокол оларкан, ойнада ўзини кўриб, хайрон бўлди. Кўзлари киртайиб қолибди. Юзи ҳам заъфарон тортган.

У кийиниб, ташқари чиқаётган ҳам эдики, юмшок

каравот ғижирлади. Мунира узун сочларини олдига ташлаб ўтиаркан:

– Кунтуғардан отланибсиз, йўл бўлсин, отаси, – деди бепарвоник билан.

Ўтамурод очиғини айтди:

– Кечаги гап-гап...

Муниранинг ранги қув ўчди:

– Билиб кўйинг, мен ҳам...

– Ўзинг биласан, – деди-ю, Ўтамурод уйдан чиқиб кетди.

8

Муюлишда эски, сатҳига ислимий нақш ўйилган дарвоза кўринди. Ўтамурод у ерга етгунча анча қийналди, нимагадир қадами унмасди. Дарвозанинг нақшлари накадар чиройли, қадимий бўлмасин, Ўтамуроднинг кўзига бало-казодай кўринди. Дарвозалар! Уларнинг ҳар бири ўзгача олам қалити. Уларнинг қайси бирига кирмокчи бўлсанг, унинг қулфини ўз қалити билан очиш кераклигини унутма. Дарвозалар ҳакида кўшиклар ҳам бежизга тўқилмаган:

Кўшканотли дарвозангни

Кунда бориб рандалай,

Холларингдан ўзим ўргилай...

Ўтамурод радиодан тез-тез тараладиган бу кўшикни ўкинч билан эсламоқда эди.

У ниҳоят дарвоза кархисида тўхтади. Сўнг дарвоза тирқишидан мўралади: ховли саҳнида шафакдек кизариб ўсиб ётган хиналар кўринди. Ҳовлига кимдир сув сепаяпти. Унинг камзул остидан кийилган кизил кўйлак этаги тонг шабадасида аста хилпиради. Эшоннинг якин орадан: «келин, товуқларга ҳам сув бериш эсингиздан чикмасин», деган товушини эшишиб, Ўтамурод ўзини кўлга олди.

– Эшонбува, хў эшонбува! – деб чакирди .

Ичкаридан шип-шип этиб, қадам товушлари эшитилди. Бирпасдан сўнг дарвоза занжири олиниб, Карим эшон кўринди. Ўтамурод салом берди.

– Ҳа, Ўтамурод, тинчликми жиян? – У мулойим кулимсиради.

– Касалман, бува, – очигига ўтди бирдан Ўтамурод. – Гунохимдан ўтсангиз деб келгандим.

Чолнинг юзида мамнун бир ифода сезилди.

– Қани, нимага турибсиз, ичкари кириң!

Ўтамурод ичкарига бир-икки қадам ташлади-ю, тўхтаб қолди.

– Яшириб нима қиласман, ўша куни баликни егандан буён тобим йўқ, – у шундай деркан, ер супураётган Робиянинг ялт этиб қараганини кўрди.

– Энди бўтам, эгилган бошни қилич кесмайди дейдилар... Оллонинг паноҳи кенг. Ихлос лозим сиздан... Ихлос, халос дейдилар...

– Тавба қилдим, бова... – гуноҳкорона пичирлади Ўтамурод. – Одамларга ..балиқларга озор бериш гуноҳлигини шундай ...айтинг...

– Албатта, бўтам...

– Манавини олиб қўйсангиз, – Ўтамурод киссасидан ўн сўмлик пул олиб узатди.

– Йўқ, Ўтамуродбой, тавбангиз астойдил бўлса, шусиз ҳам инобатга ўтади, – деди Карим чол унинг қўлини кайтариб.

– Алатта, – деди Ўтамурод. – Раҳмат сизга. Ишим зарил, ман борай .

– Майли бўтам, боринг. Худо хоҳласа, отдай бўлиб кетасиз, – деди Карим эшон, – мен сиз учун Худодан гуноҳингизни сўрайман.

Ўтамурод кўчага чиқди-ю, енгил нафас олди. Бу унинг тавба-ю тазарру қилганиданми ёки Робиянинг раъйини кайтармаганиданми, билолмади. Кўча жимжит. Унинг, Робиянинг караши мулойим эди, шуни эслаб яна севинди.

Гўё бу ишини кутлагандек, йўл устидаги мусича «ку-ку» лаб юборди. Ўтамурод юрагининг бир четида яшириниб аламини қўзғамасликка тиришар, яна нималарданdir кўрқаётганлигини сезиб турарди.

Уйида эса ўзини кўнгилсиз воқеа кутаётганлигини яхши билар, шунинг учун ҳам энди шу нарса тез содир бўлишини истарди.

Ховлига киаркан, энг аввало шу ҳақда ўйлади. Мунира стол устида кўйлагига дазмол ураётган экан.

– Чолникига бордингизми? – сўради у Ўтамурод уйга кирган заҳоти.

– Ҳа, кўнглим энди жойига тушди...

– Беюз, – деди Мунира секин, – обрўимизни бир пул килдингиз...

– Ҳеч нима бўлмайди, – деди Ўтамурод хўмрайиб.

– Билардингиз-ку, кенгашда мени дириктириликка сайлашмокчи эканликларини... атайлаб шундай килдингиз! – Мунира йиғлаб юборди. – Разил одам экансиз...

Ўтамурод унга бакрайиб караб қолди.

– Шундай денг, – деди у аранг.

– Ҳа! Хотиним мендан юкори вазифа бўлмасин деб шундай килдингиз!

– Унда тўғри килибман, – тутокди Ўтамурод.

– Бўлди, бу уйни энди елкамни чуқури кўрсин! – Мунира энди жаҳл билан тез-тез дазмол боса бошлади.

Ўтамурод ташкири чиқди. Онаси ўчоқ бошида ўтириб қозонни қатрон килар, кизчаси унга гирдикапалак бўлиб, кунга тескари қурилган ўтинхонадан чўпчак ташиш билан овора. Ҳеч гапдан хабарлари йўқ. Иккаласи ҳам юмуш билан ҳалак.

Ўтамурод иккаласини бирпас кузатиб тураркан, уларнинг ҳам бир-бирига омонат эканлигини эслаб эзилди. Уларнинг бир неча соатдан сўнг айрилишларини кўрмаслик учун ўзига пана жой излар, қаерга боришини билмас, бўғзига нимадир тиқилгандек эди. Ахири, сой бўйини мўлжал қилиб, кўчага чиқди. Ҳозир унинг хаёлида факат кизчаси эди. Унинг тақдири нима бўлади? Ёки бориб хотинига «кўй, хафа бўлма, уйдан кетма» десамикан? Аммо у энди ҳеч қачон қолмайди. Ахир у директор бўлмоқчи эди. Энди бўлолмайди! Сабаби, эринг субутсиз, – деб уни мазах килишади. Мен эшондан мағбулиятга учраган бўлсан, нима қипти. Аммо бир балонинг олдини олдим. Аммо кураш олдинда, бу мағлубият менга сабок бўлди, ахир. Ҳа, мактабда, ўқитувчилар олдида шундай дейман. Тушунишса, тушунишар.

Ўтамурод ортиқ ўйлашни истамади. Аммо шу топда алланималарнидир истар, лаблари ёш болаларнидик чўччайган ҳолда тош йўлдан кетиб бораради.

Сой бўйидаги миrzатеракларнинг кўчалари шамол эпкинида секин тўкилиб, саёз оқаётган сув юзига қўнар, сал нарироқда хўжалик сурувини ювиш учун қилинган сепояга бориб йигиларди. У ерда етти-саккиз яшар чамасидаги кип-яланғоч бола қанордан қилинган кўлбола тўрда балиқ тутиб, сал берироқда ўзи ковлаб қўйган ховузига қўйиб юборарди.

Бу ерлар ҳам Россия каби сувга бой бўлса эди, деб орзу қиласр эди у.

Ўтамурод харсанг тош устига ўтириб, уни кузатаркан, хаёлига келган фикридан қувониб кетди. Балик овининг накадар гашти бор! Мана шу сойда ҳам ширин балиқлар кўп. Аммо майда. Чунки, ҳар йили баҳорда сойга сел келиб, баликларни йўқ қилиб юборади. Агар хўжалик томонидан кишлок этагидаги сайхонликда ховузлар казилса, борми, роса маза бўлади. Бир томондан сув тўпланиб турса, иккинчидан халк учун оромгоҳ.

Ўтамурод қувониб ўрнидан турди. «Маладес, укажон, – деди у хаёлан ховузча бошида ўтириб олган япяланғоч болага. – Сен шу ишинг билан қанча нарсани бизга ўргатиб қўйдинг. Афсуски, биз сизларнинг эрмакларингизга кўп эътибор бермаймиз».

У шу куни оқшомгача кишлок атрофини ўраган тепаликларда тентираб юрди. Кечқурун уйига қайтаркан, кўнгли яна ғаш бўлди. Ҳовли бўй-бўш, ҳеч ким кўринмасди. Девор кемтигидан чорбокқа ўтди. Онаси урчук йигириб ўтирган экан.

– Кетдими? – сўради Ўтамурод гуноҳкорона товушда.

Онаси жавоб бериш ўрнига пиқиллаб йиғлади.

– Она, қўйинг, – деди Ўтамурод. – Ўша, сизнинг йиғингизга арзимайди.

– Нимаси ёмон унинг? Унинг кулиб туриши минг тиллога арзир эди!..

Кампир астойдил хафа бўла бошлиди.

– Якка-ёлғиз келиним ...

– Биламан, сиз кулонгич одамларни яхши кўрасиз...
Факат ўшани яхши кўрманг... – куйиниб гапирди
Ўтамурод.

– Агар у сизни ҳурмат қиласа, қайтиб келади...

Кампир шу сўздан сўнг бир оз тинчланди.

У тонгда чўчиб уйғонди. Тушида Робия билан ётганмиш-у, хотини тутиб олган эмиш. Ё тавба, тушда хамма нарса бўлаверарканда. Унгача Ўтамурод тушлар уйдирма эмас, уларда ота-боболардан ҳар бир кишига ўтган минг йиллик зарраларнинг гоҳида ўзлигини кўрсатиши, деб ўйларди. Ким билади, унинг ўзида хам канча аждодларнинг хаёли зарралари яшайди. Бу одамларнинг қанчалари доно, эҳтимол қанчалари кўркок бўлгандир. Ўтамурод ирсият ҳақида китобларни канча кўп ўқимасин, негадир шу фикрида колган.

У эриниб ўрнидан турди, кун ёйилиб кетибди. Ховузча қазиб, ичига балиқча ташлаётган кечаги япяланғоч бола эсига тушиб, чукур хўрсинди.

1979 йил.

ДАРАХТ ТАГИДАГИ ОДАМ

1

Эсонбой эрталабдан боғ айланди, юриб-юриб ховли деворига туташ жойга келди. Бу ерда каттагина майдонга соя солиб ётган бир туп улкан бобоёнғокка юзма-юз бўлди. Уни яйраб томоша килди. Ногоҳ юраги хаприқди. Сўнг, аллатовур бўлиб, сесканиб кетди. Ич-ичидан йигига ўхшаш бир нима тўлиб келди, у бўғзига тикилгандай, ихранди, вужуди титраб, энтиқди. Кўл чўзиб, олдинга юрди, дарахтнинг тарам-тарам тана пўстлогини силади. Унга айбордек тикиларкан, ўз-ўзидан пицирлаб гапираётганлигини ногоҳ ўзи пайқаб колди..

«Эй улуғ дарахт! – деди у шивирлаб. – Ҳар сафар олдингдан ўтганимда, нега мунча юрагим тез-тез уради? Нега сени кўрсам, мунча хаёлпарааст бўлиб коламан?

Сенга қараб туриб, нега қўнглимда бир гап айланаверади: ҳар бир дараҳт, ҳар бир ўт-ўлан, ҳар бир тоғ-тошда биз билмаган олам яширин эканлигини барчага айтгим келади! – Эсонбой жингалак соchlарига илашган хазонбаргни олиб, унга кўз ташлар экан, – сўзида давом этди. – Эх, нега биз буни англашга уринмаймиз! Мана, сен – улуғ дараҳт, мени тинглай оласан. Олдингга келишим билан сенда ўзгариш сездим, демак, мени тинглаяпсан. Шу жиҳатдан устунлигинг бор. Мен эса сени тинглай олмайман, хотирангда яшириниб ётган, кўрган билганларингни эшита олмайман, бу заифлигимни тан олмоғим керак-да!

Эсонбой бирпас тин олди. Сўнг, туйқусдан уйғониб кетгандай, атрофга аланглади: «Болалигимда гул-гиёҳлар, дов-дараҳт билан сухбат куриб юрардим. Кейин, катта шаҳарга жўнадим-у, бетон деворлар ичида узок қолиб кетдим, йиллар ўтаверди, аввалги хаёл-парастлигим йўколиб кетди. Ўзимни анча олдириб кўйдим. Шаҳарда юриб, худди пўпанак босган нарсага, ўргимчакни тўрига тушган күшга ўхшаб қолганимни энди сезиб қолдим, эй улуғ дараҳт! Мен бир кунмас, бир кун бу ерга, қишлоқка бутунлай қайтаман. Аммо қачон, буни билмайман. Бу гапларни айтишга айтаяпман-у, аммо негадир бу гап ваъдалигича колиб кетишидан кўрқаман. Нега шундай?»

Эсонбой чор-атрофга соғинч билан тикилди, болалигига кўрган серфайз боғни хаёлан тасаввур килди. Аммо энди катта Қорабоғда аввалгидек боғлар йўқ. «Ўзимиздан айб ўтди, болаларни, ёшларни ўз ҳолига ташлаб кўйдик, боғларга қарамокни ўргатмадик, ўзимиз ёмон қаридик». Бу гапни ҳар гал келганида, қўшниси Иноқ чол такрор айтади. Яна у айтадики, ҳамма пул пахтада, завод-фабрикада ишлаганники, шунинг учун кўплар боғларни писанд қилишмайди. «Боғларни қаровсиз ташлаб қўйилгани етмагандай, энди тоғлардаги ўрмонни ҳам дам олиш баҳонасида хароб килишяпти», деди чол. «Ҳа, одамлар дараҳтларни факат мева согланидагина эслашади, – деб ўйлади Эсонбой.

Бобоёнғоқ барглари унинг бу фикрини маъқуллагандай, шамолда шитир-шитир килди.

Мана шу бобоёнғоқнинг меваси хўб сермағиз, есанг егудек, ҳар гал келганида ундан олиб кетай дейди-ю, Ўгай онадан истихола килади. «Нима бало, ёнғоқ кўрганинг йўқми, Эсонбой?» – дегандай норози караши аник. Тўрт-беш кило олганинг бир тараф-у, ўша Ўгай онанинг кош чимириши бир тараф.

Эсонбой дарахт тагида тентиб юрди, бир-икки дона ёнғоқ топиб олди, чақмоқчи бўлиб турганида, ишкомдан узум узиб қайтаётган Ўгай она кўриниб қолди.

– Ёнғоқ қокилмай колибди-ку, опа, – деди Эсонбой .

– Кўп ёнғоқ сувга оқиб кетди, – деди Ўгай она ариққа кўз қирини ташлаб. – Колгани бир халта чикадими, йўқми... Ишқилиб, қишини чиқарса, гўрга эди..

Ўгай онанинг бу гапи Эсонбойнинг ёнғоқдан умидвор бўлмаслигига ишора. Ёнғоқда-ку ҳосил жуда мўл.

Эсонбой ҳайрон бўлди. «Ў, опа, нима қиласиз ёлғон гапириб. Ахир, бир соат бурун сиз эмасми, ариқ кирк кундан бери чиппа қуриб ётибди, деган. Ариқда сув бўлмаса, ёнғоқ қандай окиб кетади? Бу гапларни кўнглидан ўтказди-ю, аммо айтмади. Лекин бу гал қандай бўлмасин, шу ёнғоқдан озрок уйига олиб кетмокчи.

У яшаб қолган шаҳарда ёнғоқзор бўлмаса ҳам, бозорларида ёнғоқ сероб. Тошёнғоқ ҳам, ғалвирак ёнғоқ ҳам, ёнғоқ мағзи ҳам, ҳар туридан топилади. Лекин Қорабоғнинг ёнғоғидан йўқ. Ҳамма гап шунда. Эсонбой-ку, қишлоғининг ёнғоғини ўлиб қолса мактамас, дастурхонда бўлса ейди, бўлмаса йўқ. Лекин Саодат (унинг маликаи беозори) ёнғоқ деса, ўзини томдан ташлайди. Қорабоғ ҳакида гап кетса, ёнғоғининг таърифини айтавериб, ҳеч кимнинг оғзини очирмайди. «Хотиним-ку бегона жойдан бўла туриб (хотини асли қаршилик), Қорабоғнинг ёнғоғини мактадими, демак, бу гапида жон бор», деб ўйлади Эсонбой.

Хотини Эсонбой ҳар сафар қишлоқка жўнаётганида, факат «ёнғоқ опкелинг» дейди. Бу гал жўнар пайти эса

негадир оғиз очмади. Эсонбой кулиб туриб, хотинининг бу гапини эсига солди. «Кўйинг, айтмайман энди, яхшиси Олой бозоридан бориб оламан», – деб ўпкаланди Саодат.

Эсонбой ҳеч қачон хотинига ёнғоқ опкеламан, деб ваъда бермайди. Аммо қишлоқка борса, танишибилишаридан сўраб-суринтиргани ёнғоқ бўлади. Ҳаммаси ваъда қилади, лекин натижа йўқ. Қайта сўраса, ёнғоқ ҳам гапми, деб писанд қилишмайди.

Саодат айтган гапнинг устида Эмин бор эди, у навбатдаги футбол ўйинини кўргани етти юз чакирим наридан Тошкентга келган кун эди. (Эмин Эсонбойга синфи дош. «Пахтакор»нинг муҳлиси, баъзи-баъзида, стадионда менинг йўклигим билингяпти, деб, эринмай-нетмай футбол кўргани шаҳарга келиб кетади. Қорабоғдан Москвага, Олимпиада ўйинига борган яқкаю ягона шоввоз ҳам шу). У Саодатнинг гапидан хафа бўлгандек, сўз котди: – Ундай деманг-э, келин, биз сизга ёнғоқ топиб беролмасак, Қорабоғда нима қилиб юрибмиз. Мана, катта хўжайн қишлоқка борсин, ўзим энг сара ёнғоқдан бериб юбораман. Қолаверса, Эсонбой униб-ўсан ҳовлида ёнғокнинг энг зўри бор, кўргандирсиз, келин.

Эминнинг бу гапларидан Эсонбойнинг энсаси қотган бўлса ҳам, тек ўтирди. «Номард, айтиб нима қиласан, кўнглингда бўлса аллақачон олиб келардингда», деган гапни хаёлдан ўтказди. Лекин, минг қилса ҳам меҳмон-да, меҳмоннинг кўлига қарама, деганлар.

Саодат ўқитувчи, кўп китоб ўқиган, билимдон бўлса ҳам аёл қишида, гўллиги бор, Эминнинг гапларига лакқа ишонди, аввалги шаштидан кайтди. Майли, унда текинга эмас, ҳеч бўлмаса пулга олиб келинг, деб Эсонбойга қайта тайинлади. Эмин яна гапга тушди.

– Уят-э, келин, сиз учун пулга... Ҳе, йўқ, Қорабоғ ёнғоги пулга сотилмайди,— деди тантанавор,— бизга кўйиб беринг.

Қишлоқда ёнғокни килолаб эмас, доналаб сотишларини ҳам Эмидан эшитишиди. Йигирма донаси бир сўм экан.

— Ростини айтсам, келин, бу ишни битта-яримта сўққабош чол ёки кампир қилади. Мабодо, кимда-ким ёнғок сотса, бола-чақасининг ризкини кийибди, деб гап қилишади. Биласиз-ку, корабоғликлар жудаям серфарзанд халк. Томоркасида нав-нихол кўпайтирмас, лекин уйи бола-чақага тўлиб туришини яхши кўришади.

— Корабоғ халқи ҳам анойи эмас, — деди Саодат кулиб. — Улар кўйган нарх ҳам шаҳарники билан баъбаравар келади. Лекин барибир, кишлокникидан сотиб олсак, ютамиз. Факат, илтимос, бу сафар ўз пулимга келтирасиз.

— Агар Эсонбой бу қатла ҳам алдайдиган бўлса, мендан эшитадиганини эшитади, келин. Йўқ, яхшиси, ўзим сизга қўл билан оппа-осон чақса бўладиган ёнғоқлардан топдириб юбораман, — деди Эмин.

Ана шу гап чакки бўлди. Саодат, бирор ваъда бердими, тамом, шу гапга ёпишиб олади.

Эсонбой хотини тайинлагани учун эмас, Ўгай она ёлғон гапиргани учун, қасдма-қасдига шу ёнғоқдан олиб кетмокчи эди. Лекин бу ниятини пардалаб айтди: сизга ўзим ёнғок коқиб бераман. Бўлмаса, колгани ҳам сувга оқиб кетмасин.

Ўгай она ўзини эшитмаганга солди, «ўт ўрай» деб ўзини бедазорга урди. Эсонбой энди қатъий бир фикрга келди: Ўгай она хоҳ хафа бўлсин, хоҳ хурсанд, у ёнғоқни қоқиб беради, беш-олти килосини ўзига ҳам олади. У тўғри уйга кайтиб, кийим-бошни алмаштириди-ю, яна чорбокқа келди. Теракнинг эрта баҳорда кесиб ташланган шоҳ-шаббасидан ёнғоқ коқишига узун калтак килиб олди. Бир четдан туриб пастки шоҳларидан ёнғоқ коқа бошлади.

Дарахт жуда баланд, жуда баҳайбат эди. Инок чолнинг айтишига кўра, ёши уч юз йилдан ҳам ошган. Эсонбой табиатшунос бўлса-да, ёнғоқ соҳасида шуғулланиб кўрмаган. Лекин у Инок чолнинг кўп гапларига ишонади. Фанда маълум: ёнғоқ уч юз йил эмас, тўрт юз йил ҳам яшайди. Чол ҳеч бир китобда йўқ гапларни топиб юради. «Ёнғоқ кўп хосиятли дарахт, — дейди у. — Ҳатто Искандар Зулқарнайн ҳам Ўрта Осиёни ёнғоқ ту-

файли забт этган. Сафарда озиқ-овқат ўрнига, ўн йилга етадиган ёнғок ғамлаб юрган. Шунинг учун ҳам ҳар кандай шахарни узоқ қамал кила олган». Чол бунака гапларни жуда кўп билади.

Куёш ботай деб колди. Эсонбой нафасини ростлаш учун навбатдаги йўғон шохга ўтири, увишган оёғини осилтириб ликиллатди. Пастга караб олди: ҳазонлар устида ёнғоклар анча кўпайган. Осмонга қаради, шу тобда дарахтнинг энг юқори тепасида, айри шохнинг учиди бир жуфт ғалати ёнғокни кўрди. Ёнғоклар ҳар доимгидек яшил эмас, кумуш рангда эди. Катталиги эллик волътили жажжи чироқчадек келади. Эсонбой: «Ёнғоклар куёш ботаётгани учун шундай ранг берармикан, балки ҳавонинг ҳозир пастки қатлами – тропосфера да мовий нурлар одатдагидан кўп тўлгандир. Балки, чарчаганим учун кўзимга шундай кўриндими?» – дея хаёлидан ўтказди.

Ерга тушгач, у яна дарахт тепасига қаради. Ёнғоклар гира-шира кўзга ташланди. Бирдан момосини, унинг бир китобини эслади. Эсонбой ўшанда – ўн икки яшар бола – мана шу дарахтдан йикилиб, оёғи лат еб, ёнғокни кўрага кўзи йўқ бўлиб ётган маҳалида кампир унинг оёқ-кўлини силаб-сийпаб, китоб ўкиб берган. Китобнинг кизил хошияси-ю, кулранг жилди, кумушранг ёнғоклар ҳакидаги бир ҳикояти аниқ эсида. Кумушранг ёнғоклар одамга баҳт ато этади, дейилган эди унда. Демак ўша китобда ёзилганлари чин гап экан-да. Агар... Унда бу ёнғоклар... Фанда янги кашфиёт бўлади.

Эсонбой ҳаяжонланди. Шу топда гўё оламда ундан баҳтиёр киши йўқ эди. Кумуш ёнғокларнинг борлигига нега ишонмасин? Ахир тоғли Кўҳитанг зонаси кашфиётлар, мўъжизалар макони. Бу гап бир ой бурун марказий газеталарда кетма-кет эълон килинган эди. Эсонбой худди ана шу хабарлар туфайли ўз қишлоғи – ўзи туғилиб ўстган Кўҳитанг зонасига икки ой муддат билан сафарбар қилинган. Матбуот хабарига кўра, красноярсклик горшунослар Кўҳитангда ажабтовур форларга кирганлар, кайси бир фор ичидаги чоҳда мўмиёланган одамлар-у хайвонлар жасадларини топишган. Иккин-

чи бир маколада айтилишича, Күхитангда бошка бир экспедиция аъзолари фанда номаълум, одамлар тилида «сув хўтиги» деб ном олган ажойиб кўрбаликлар-у игуанодон турига оид динозаврларнинг излари қолган метин қатламларини кўришган. Фанлар академияси эса бу йил турли йирик мутахассислар жалб этилган «Аср экспедицияси»ни тузишмокчи. Хуллас, Иттифоқ матбуоти Кўхитанг номини машхур килиб юборди. Марказий матбуотда Кўхитанг номи шов-шув бўлиб турган бир пайтда, Эсонбой аввалги ишхонасидан бўшаб, янги жойга ишга ўтган пайти эди. Сектор мудири унинг Кўхитангдан эканлигини эшлиб, сухбатга чақирди. Сухбат қиска бўлди: фанда нега Кўхитанг илмий жиҳатдан ўрганилмаган? Бунинг асл сабаби нимада?

Эсонбой ўз фикрини айтди: бу тоғлар Туркманистон ва Узбекистон оралиғида жойлашган, айни пайтда иккала республика учун ҳам чекка хисобланади. Балки, шу сабабдан ҳам унга кам эътибор берилгандир.

Сектор мудири унинг қиска жавобидан мамнун бўлди, шу билан бирга ўз мақсадини ҳам баён қилди. Республика академияси томонидан Кўхитанг зонасига экспедиция ташкил килиниши кўзда тутилмоқда. Эҳтимол, унга раҳбарлик килишни ўзи бевосита зиммасига олар. Унгача, яъни баҳоргача, Эсонбой шу ҳафтадан бошлаб, Кўхитангта сафарбар килинади. У биринчى галда экспедиция борадиган маршрутларни тузиши, маҳаллий аҳолидан турли маълумотларни тўплаб, ёзib олиши лозим.

Сектор мудири муҳим сирни айтмоқчи бўлгандек, тилла гардишли кўзойнагини олиб, Эсонбойга синовчан тикилди. «Мақсадимиз, – деди у сирли жилмайиб, – туркман олимларидан ўзиб, тезкорлик килиш». Сектор мудири гап охирида фан ҳам мусобақадай эканлигини, бундай рақобат фақат яхши натижанини таъкидлаб ўтди. Эсонбой унинг ишончини оқлашга сўз берди.

Мана, сафарнинг илк натижаси – кумуш ёнғок. Бу ҳазилакам кашфиёт эмас. Эсонбойнинг қувончи чексиз эди. Нимагадир, ушбу дакикада ёнида момосини кўргиси келди. Агар тирик бўлганида Эсонбой унга ал-

батта шундай деган бўларди: Момо! Энди билдим, сиз авлиё, китобингиз тилсимот экан. Сиз айтган кумуш ёнғокни кўрдим. Лекин унга қандай қилиб эга бўлиш шартлари ёдимдан кўтарилган, сиз уни яна бир марта айтиб берсангиз!

Кампир бир пайтлар Эсонбойга кулранг жилдли китобни ўқиб олсин деб, араб алифбосини ўргатмокчи бўлди. Аммо отаси кампирни сўкиб берди, «ёш болани хурофотга бошламанг», деди. У ҳар қандай китобни, агар зер-у забари бўлса, тамом, хурофот-бидъат деб хисоблар эди. Эсонбой кеч бўлса ҳам бу имлони ўрганди, аммо, минг афсус, ўша сеҳрли китоб энди кўлдан бой берилган. У момо вафотидан кейин ҳам ўймакори сандик ичидаги туради. Ўгай она «эски сандик уй хуснини бузади» деб, уни сомонхонага чикартириб ташлади. Сомонхона эса тасодифан ёниб кетди. У шундан бери кумуш ёнғоқ тўғрисида ҳеч бир хабар учратмади. У қанақа китоб эди? Уни ким, қачон ёзган – бу Эсонбойга коронғи. Эҳтимол, ўша китоб дунёда ягона нусхада бўлгандир. Яна ким билади дейсиз.

«Кумуш ёнғоқка эга бўлишнинг беш шарти бор», – дерди кампир. – Кумуш ёнғоқ баҳт келтиради. Аммо уни кўрган киши то узиб олмагунича, ҳеч кимга буни айтиши мумкин эмас. Бундан ташқари, кумуш ёнғокни кўлга киритишнинг бошқа шартлари ҳам бор. Бунга амал килмаган фалокатга йўлиқади.»

Афсус, момоси китобдан ўқиб берган ана шу шартларни Эсонбой унугтан. Кумуш ёнғоқни узганда, аллақандай гиёҳни кўлга ўраб олиш керак, бўлмаса у заҳарли, одамни ҳалок килар эмиш. Қандай гиёҳ, ким билсин? Ёнғоқ етмиш хил дардга даво, шифо бўлармиш. Хуллас кумуш ёнғоқни узиш учун шартларни билмасант, бариси бекор. «Эҳтимол, отам билар», – деб ўйлади Эсонбой. Йўқ, отаси бундай ҳикояларни уйдирма деб билар эди, эшлишга ҳам токати йўқ эди. Балки амакиси билар бу шартларни. Момоси ҳар калай уни «ўлсам, чироғимни ёқадиган шу», деб умид килар эди.

Эсонбой жадал қадам ташлаб, уй томон кетди.

Боғ кенг, атрофи лойдеворлар билан ўралган, аммо каровсиз эди: йўлни қоратиканлар босиб кетган, узум вайишлари қулақ ётар, ариқдан балчиқ хиди келар эди. Ўн беш йил аввал, у ўкишга кетган йиллари боғ анча тузук эди. У бу боғни яхши кўрарди, ичидан чиқкиси келмасди, нима иш бўлса берилиб бажаар эди. Момоси унга: «Мени яхши кўрсанг, шу боғдан қадамингни узма» дер эди ҳар гапининг бирида. Момосининг айтишича, бу боғ бир пайтлар Ҳакберди деган бойники бўлган. Эсонбойнинг бобоси шу боғда чоракорлик килган. Кейин, инкилоб деб аталмиш тўнтариш рўй бергач, бой афғонлар юртига кетган, боғнинг ярми Эсонбойнинг бобосига теккан, колгани колхоз иҳтиёрига ўтган. Боғни кок иккига бўлиб турган қалин ёввойи жинжак ўт босган пахса девор бор. Момоси шуни кўрсатиб, фарҳ билан гапиради: «Мана шу бармоқ излари бобонгники, болам». Момоси Бобо ҳакида кўп нарсалар айтиб берган бўлса ҳам, Эсонбой мана шу бир туп ёнғок билан боғлик воқеаларни кўпроқ эсда саклаб қолган. Момонинг айтишича, девор ёнида бўй чўзган мана шу бир туп ёнғокнинг икки йўлдоши кесилиб кетган. Эсонбойнинг бобосига ер-боғ теккан йили у ана шу уч туп ёнғокни кесиб ташламагани учун суд килиниб, колхоздан ҳайдалган.

Ўшанда момоси ёшгина жувон, қўлида ҳали қорин сочини тўқмаган гўдак, яъни Эсонбойнинг бўлажак отаси бор экан. Бир куни Бобо, у пайтда киркка кирган қирчиллама эркак, уйга хафа бўлиб кайтади. «Кани, болани кўтар!» деб буюради Бобо хотинига. Момоси «қаёкка» деб сўрамайди ҳам. Эгнига мурсагини ташлаб, эрининг орқасидан эргашади. Бобо уни тўғри чорбокка, уч туп ёнғок олдига бошлаб боради.

Ўша кунларда «феодализмни таг-томири билан йўқ қиласиз» деган гаплар чиккан эди. Туман катталаридан бири, феодализмнинг қолдиги сифатида, бойлар ховлисида қолган ёши улуг дарахтларни ҳам қўпориб ташлашни буюрибди.

Орадан кўп ўтмай, икки милиционер бокка тўрт аррачини бошлаб кириб келишади. Бобо билан момоси

ҳам икки дарахтни жон-жаҳди билан ҳимоя қилишади. Шундан кейин милиционерлар Бобони олдига солиб, идорага олиб кетади. Бобо кета-кетгунча момога тайинлайди: «Хотин, ёнғокни кестиргани кўйма!»

Момо эса кўлидаги гўдакни учинчи ёнғок тагига қўйиб, ўзи қўриклаб турган ёнғок танасини маҳкам кучоклаб олади. «Аввал мени тилкаланглар, кейин майли» деб йиғлайверади. Келганлар чақалоқ «қўриклаган» ёнғокни арралашади. Аппачилардан бири сал эслирок эканми, ҳар тугул шерикларига караб: «Қўйинглар, кетдик, шундай улут дарахтни кесиб нима киламиз, бўлди-е, мен иккинчи бундай ишга кўл урмайман», – дейди аёлнинг фарёдига чидай олмай. «Бизга бу ишни ишониб топширишган, бўлмаса ўзимиз ҳам моянасиз коламиз-ку», – дейишган қолганлари.

Бобо «феодализм илдизини қўпоришга тўскинлик килгани учун» суд бўлиб колхоздан ҳайдалди. Лекин, окибат шу бўлдики, ҳеч ким дарахтларга тегмади. Бобо иккинчи ёнғок омон қолганини эшишиб, кўп севинади. Ҳатто, дард тегиб, бу ёруғ дунёни тарк этаётган чоғида ҳам, момосига ана шу икки туп ёнғокни ёмон қўзлардан асра, деб васият килади. Момоси бу гапларни Эсонбойга айта туриб, «менинг ҳам сенга васиятим шу болам» дерди.

– Хўп, момо, хўп, кўнглизни тўқ қилинг, – деган эди ўшанда Эсонбой.

Йўқ, Эсонбой қўш ёнғокнинг бирига посбонлик кила олмади. Ёнғокнинг бири, девор ортида қолгани кесилиб кетди. Бобо бир замонлар ҳикоя қилган ўша дарахтни жувозкаш Рўзиев кесиб қўйди. У киши ҳам бу қилмиши учун колхоз клубида суд қилинди. Эсонбой ўша йили мактабни битираётган эди. У ҳам судда гувоҳ тарикасида иштирок қилди. Ҳофизаси ўтқирилигими ёки бобосидан хотира бўлган улут дарахтнинг кесилганилигидан қаттиқ таъсирангандиги сабабми, ишқилиб, ўша кунлар бир умрга қалбида парчинланиб қолган.

Илгариги колхоз клуби катта эмас, фактат саҳнаси пана қилинган, деворларидан кип-кизил бўлиб пишган тоғолча шохлари осилиб тушган.

– Жувозкаш Рўзиев, нега шундай улкан ёнғокни кесдингиз, – сўрайди суд раиси. Унинг юзидан баджаҳлиги шундай билиниб туради.

Жувозкаш Рўзиев улардан чеккада. Омонат стулда ўтирганича йиғилганларга карайди, индамайди, кейин клубнинг девор томонига ўгирилади.

Ўрнингиздан туриб гапиринг, – дейди суд раиси.

– Мана шу тоголчани мен эккан эдим. Мана, меваси шундай мазали денг. Агар есангиз, онадан қайта туғилгандай бўласиз.

Суд раиси бирпас унинг гапини англамайди, кейин клуб деворидан осилиб турган тоғолчани кўриб, негадир аччиғи чиқади.

– Мен сиздан тоғолчани эмас, ёнғокни сўраяпман, ёнғокни, – дейди у ўшкириб.

– Агар сиз бу тоғолчани еб кўрганингизда ... билар эдингиз, – дейди жувозкаш ҳамон девор томон қараб.

Суд раисининг токати ток бўлади.

– Ёнғокни сўраяпман, – дейди у столни муштлаб.

Жувозкаш бўлса ўтирганларга бирма-бир қараб чиқади.

Шу... жувозкунда учун кесган эдим, дейди у.

Нега рухсатсиз кесасан? – судьянинг овози янада баландлади.

– Тоғолча жувозкундаликка ярамайди. Тол ҳам, – дейди жувозкаш йиғламишиб.

– Нега рухсат олмадинг дейман? – Судья баттар хуноби ошиб ўрнидан туриб кетгудек бўлиб бакиради.

– Рухсат? Рухсат... рухсат... – жувозкаш ниманидир кўзлари билан излайди. Рухсатми? Рухсатни... рухсатни... – У ўзича бир нима деб минғиллади.

Нима? – дейди суд раиси.

Жувозкаш ёшли кўзлари билан кимгадир қараб олади-да:

– Рухсатни... ёнғокнинг ўзи берган эди, – дейди.

Ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулади. Ҳатто унга нафрат билан қараб турган Эсонбой ҳам кулгиси қистаб, илжаяди.

Майнавозчилигинги кўй, – дейди суд раиси.

Үтирсам майлими, оёқларим шишган, касалман, – дейди жувозкаш.

Суд раиси аччикланиб, коғозга энгашади. Ке-йин ёнидагиларга бир нима дейди. У ниҳоят бошини күтариб, жувозкашга канчадир пул жарима солинганлигини эълон килади.

Жувозкаш ҳўнграб йиғлайди.

Эсонбойнинг ёдидаги қолгани шу. «Ажаб замонлар экан, ўша пайтда бир туп дараҳт учун ҳатто камашгача жазо берилар эди, ҳозир эса бутун бошли боғни хароб килган киши эса, жазо ўрнига мукофот олади», – дер эди Иноқ чол бу воеани эслаганларида.

Эсонбой ҳалигача ич-ичидан куйинади. Момосининг васияти бесамар қолганидан эзилади.

Мана бугун ўша уч туп ёнғоқдан ёлғиз қолгани олдидаги бирпас тураркан, момоси хотираси учун барпо килинганди ёнғоқзорни эслади.

Эсонбойнинг бу ташаббусини хотини Саодат эшишиб, ўшанда роса кулганди: «Қўйинг-э, ўша ёнғоқзорингиздан ҳам бизга бир кило ёнғоқ тегиши гумон. Туғилиб ўсан ҳовлингизда уч юз йиллик ёнғоқ бор, деб мактанаисиз-у, лекин, бирор кило келтирай ҳам демайсиз». Эсонбойнинг аҳди қаттиқ эди, икки йил бурун ҳўжалик боғига келиб, ёнғоқ эктириди, боғ барпо қилди. Аммо у ҳали ҳосилга кирганича йўқ.

2

Туш пайти бўлди. Куёш осмонни худди девордай оқартириб юборди. Эсонбой катта тол тагида отаси билан чой ичиб ўтирап эди. У қачонлардир мактаб ҳаваскорлик тўгарагида ижро этган Навоий ролини эслади: «Астрободнинг бир куни йилнинг тўрт фаслига тенг. Кеча ёмғир ёккан эди, бугун қарасанг чараклаган офтоб». Кўхитанг ҳам худди шундай: ҳозир куз бўлсада, куёш чараклаб турибди. Кечаси эса совук деб ўйлайди Эсонбой. Тўғри, бу ерда ўзини Навоий каби сургунда деб хис килмайди. Аксинча, ҳазин юрагида шодлик ўти ёнади, ўзида зўр ирода пайдо бўлганлигини

сезади. Хаёлида «сен кимсан, қайси диёрдансан, кимнинг насли-насабидансан» деган савол пайдо бўлади, танбалона уйкусирашлардан халос бўлиб, чоллар даврасини кўмсайди. Улар билан сухбат куриб, саволларига бир қадар жавоб топгандай бўлади. Бу гал ҳам шундай нияти бор эди, аммо ўтган йил ёмон келди. Кўпни кўрганларнинг анчаси қазо қилди. Иноқ чолнинг айтишича, илон йили хосиятсиз келар эмиш.

Эсонбой хаёлида илонни тасаввур қилган эди, кафтини нимадир чимиyllатиб тишлади. Сесканиб кетди. Энгашиб кўлига каради: чумоли. Уни авайлабги на олиб, ерга қўйиб юборди. Худди шу пайт Ўгай она катик олиб келди.

– Чумолими? – деди отаси. – Шу жониворни кўрсам, онам раҳматлининг бир гапи эсимга тушади. «Қара, ўғлим, ҳаёт ширин, шунинг учун ҳам мана бу чумоли дон-дунни тинмай ташийди», – дер эдилар у киши.

– Ўлдир-э, – деди Ўгай она Эсонбойнинг ҳаракатини кузатиб. – Шира излаб келганда, яшшамагур.

Эсонбой индамай, чумоли тол танасига чиккунча кузатиб турди. Шабада эсиб, толнинг куриган попуклари гиламга тўкилди.

«Тезроқ амакимни топиб, кумуш ёнғоклар ҳақидаги шартларни сўраш керак», деб ўйлади Эсонбой.

Отасидан кандай килиб амакисиникига боришга рұхсат сўраса экан? Кўп йил бўлди, отаси ўз укаси билан қаттиқ аразлашган. Эсонбойнинг эсида, уларнинг сомонхонаси ёниб кетган эди. Ўшанда буни Амакидан кўришган. Ўгай она кенжা қизидан эшишибди: амакиси сомонхона ёнида папирос чекиб ўтирган эмиш. Ўша йиллари амакисининг хотини ўлган, шунинг аламига у анча-мунча ичишга берилган эди. Лекин у бировга озор берадиган, зарар етказадиган киши эмас эди. Шунинг учун Эсонбой, «ёлғон, амаким бу ишни қилмаган», деган эди. «Мен сенга ҳали ёлғончи бўлдимми? – деди Ўгай она шанғиллаб. – Ўша пиёниста амакинг кўзини чапараста килиб, укангни кўркитган ҳам».

Орадан кўп ўтмай айбдор топилди. Иноқ чолникига келган меҳмоннинг икки ўйинқарок ўғли гугурт чақиб

ташлаган экан. Буни чолнинг невараси курган экан. Лекин бунгача Ота укасидан кўп хафа бўлиб юрди, дуч келган ерда уни ёмонлади. Амакиси ноҳақ гапга чидаёлмай, ичиб келиб, Отани сўкиб кетди. Бу ҳақоратга чидаёлмай Ота уни судга берди. Мана шу можародан сўнг улар қаттиқ аразлашган.

Ўгай она дастурхонни йиғиштириб кетгач, Эсонбой отасининг авзойига каради. У бугун анча хушчакчак, очилиброк ўтиради.

Амакимдан бир хабар олсам, деган эдим, тоғдан келтирилган гиёхларини кўрмоқчи эдим, – деди Эсонбой ерга қараб.

Ота негадир бу сафар унчалик қаршилик кўрсатмади. Унга шошмай тур, деган ишорани килди. Сўнг, ёнчиғидан бир даста пул санаб «амакингга бериб қўй, нима учунлигини ўзи билади», деди у.

Эсонбой отасидан ҳеч гап сўрамай кўчага чиқди. У ҳайрон эди: наҳотки отаси Амаки билан муносабатини тиклаган бўлса. Йўқ, кечагина улар кўчада бир-бирларига рўпара келишганда ҳам индамай ўтиб кетишиди-ку. «Унда отам амакимдан қачон карз олган экан, нега шу пайтгача бу пулни қайтармаган?» – деб ўйлади у. Нима бўлганда ҳам Амакининг ўзидан сўраб билади.

Эсонбой Амакининг уйига келганида, кари тол кўланка соглан дарвоза одатдагидек занжирланмаган, ҳовли чеккасидаги ошхонада чирок ёник эди.

Амаки тилак¹ ўтидан қайнатма тайёрлаётган экан. Кенжа ўғлининг кўзи оғрибди.

– Момом ҳунарини сизга қолдирган экан-да – деди Эсонбой.

Амаки кулди.

– Йўқ, мен ўт-ўланинг сирини раҳматли янгангдан билиб олган эдим. Унга онам кўп нарса ўргатиб кетган экан.

– Ҳа, момом кўп нарса билар эди, – деди Эсонбой. – Хат-саводи зўр эди-да.

¹ Тилак ўти – Кўхитангда ўсадиган шифобахш гиёҳ.

– Ҳа, – деди Амаки, – кўзлари ожиз бўлиб қолганда ҳам биргина шикояти шу бўлди: «Эсиз, энди китоб ўқий олмайман да, шуниси алам қилади», деганди.

Амаки Эсонбойни меҳмонхонага бошлади. Амакижиян бирпас гурунг қилишди. Амакининг ичидагап кўп экан.

– Қарияпмиз, – деди у ғамгинлик билан. – Акам билан ярашиб олсанк бўлармиди? Менинг ундан гинам йўқ. Ўтган гап ўтиб кетди.

Эсонбой кулоқларига ишонмади. У негадир, агар Ота Амакининг олдига бош уриб келса ҳам, юзига карамайди, деб ўйлар эди.

Кечаки, – деб гап бошлади Амаки, – йўлда акамни кўрдим-у эзилиб кетдим. Акам бир пайтлар мени деса ўлимдан ҳам қайтмас эди. Кечагидек эсимда. Урушдан олдинги пайтлар эди. Мен ўн-ўн бирларда, акам ўн уч ёшлар атрофида бўлса керак. Ака-ука кечкурун даладан қайтардик. Жаркўчада бизни бир копогич ит кувлади. Ит бизга етайдеганда акам «ёт!» деб бақирди. Мен ерга юзтубан ётдим, акам устимга энгашиб, мени итдан пана килди. Ўшанда мен қолиб, акамни ит талади, орқасидан бир парча гўштни узиб олиб кетди. Эҳ, ўша кезлар биз бошқача эдик, аҳил эдик.

Унинг дардли, ғамнок товуши Эсонбойга ҳам таъсир килди. Нимагадир у ҳам Амакининг фикрига кўшилди. Рост айтади, ака-ука ярашса ёмонми? Агар улар олдинрок ярашганларида, эҳтимол, Ота ўзининг аввалги ҳалоллик ҳақидаги фалсафасини ўзгартиргмаган бўлармиди? Ота яккаланиб қолди. Унинг кими бор ахир? Бошқа оға-иниси бўлмаса? Бир пайтлар у билан ичиб юрганларнинг олди ўлиб, кети ўзларини эплай олмайдиган бўлиб қолган. Балки отаси ҳам ярашишни хоҳлар-у, лекин ўзини дийдаси каттиқликка солиб юргандир. Эсонбой балки унинг қадрига етмаётгандир. У Отани ҳамиша ҳурматлаб келган, лекин кўнглини унга ҳеч качон очиб гапирмаган, ҳамиша улар ўртасида қандайдир бегоналик, қандайдир бир ғов бор. Бу ғов качон пайдо бўлган, нега у аҳён-аҳёнда шуларни ўйлаб колади. Балки Ота иккинчи бор уйланганлиги учун

гўдак калби озор чеккан-у ўшани унотолмай юргандир. Агар шундай бўлса, киши улғайганида тушунади, Отанинг ҳақ эканлигига икрор бўлади. Шундай бўлгач, нега у шу кунга қадар Отани ўзига нисбатан бегона сезади? Балки, Ота-болалигида уни уриб-сўкиб юргани учунми? Ахир, ўз боласини уриб-сўккан бир унинг отаси эмас-ку? У кўпдан бери бу боши-охири йўқ саволларга жавоб топа олмайди. Бунга балки унинг ўзи айбдордир. Мана, шунча ёшга кириб, у Отага нима муруват кўрсатди? Дард-азоб чекиб ётган кезларида ундан вақт-бевакт хабар ололдими? Отанинг қўлтиғига кириб, оғирини енгил килдими? Балки у худбинлиги учун отага яқин бўлолмагандир. Шунинг учун ҳам у Отага ёлғон гапирав. Эсонбой Отага кечагина айтган ёлғон гапларини эслади: «Ҳозир икки жойда ишлайпман, илмий текшириш институтида илмий ходим (аслида лаборант, холос), университетда ҳам дарс бераман (биология факультетининг кечки бўлимида хафтасига икки соат дарс бериши айтилмайди). Ҳуллас, хурмат-обрў бор, танишибилишлар кўп. Хотинимнинг ишхонасидан янги йилгacha квартира беришга ваъда килишяпти».

Кеча у шу сийқаси чикқан гапларни яна такрорлади. Дунё қизик-да, сен бир ёлғон айтсанг, у сенга икки ёлғон бўлиб кайтади. Мана, Үгай она ундан ошириб гапиради. Ёлғон бобида у Эсонбайдан ўтиб тушади. «Ҳай, Эсон, сен-ку бу ҳовлидан чикиб кетиб, отангнинг зулмидан кутулдинг. Балога қолган биз. Үртада беш-олтида фарзанд бор, бўлмаса мен ҳам хаё-хув деб бошимни олиб кетардим бу ердан. (Қариқиз бўлиб зўрға эрга текканлигини унугланг. Эсонбой эсини танибдики, у бу гапни доим айтгани-айтган, лекин кетиб колмаган. Данғиллама уй-жой, серхосил, серсув, ертноморқани бошка аёл ташлаб кетар-у лекин ўгай она ўлиб колса ҳам кўзи киймайди). Үтган хафта отанг мени уриб ўлдириб қўяёзди. Ҳалиям, мана, биқинимни ололмайман, зирқирайди», – деди у. Ота бу гапнинг ёлғонлигини билса ҳам, аввал хотинига, кейин Эсонбойга мамнун қараб қўяди. Унинг бу карашида: «Мана,

кўрдингми, бу аёл мендан кўркади, сизлардек хотинни аяб-сийпаб ўтираманми», деган сохта ғурур яширинган. Эсонбой яхши билади, Ота Ўгай онани ҳеч қачон урмайди, кучи ҳам етмайди – бир кўли чўлток, унинг жуда аччиғи чиқса, чап кўли билан калишини отади. Шундан сўнг у бир хафтагача танаю маломатдан кутулолмай юради.

Ўгай она рўзғордаги камчиликларни ҳам гапиравериб чакаги тинмайди. Ҳолбуки, туриш-турмуши, молдунёси ҳаммаси етарли.

Эсонбой бир нарсага қизиқарди: Ота-ку, билади, Ўгай она ёлғон гапиради. Аммо у Эсонбойнинг ҳам ёлғон гапиришини билармикан? Балки сезгандир, шунинг учун ҳам кеча, бу сафар Анорхолни ўкишга киргазасан, деб синамокка айтган бўлса-чи? Ўгай она ҳам, Ота ҳам уни ўкишга қўймокчи эмас эди-ку.

Эсонбойнинг кўнглидан шундай гаплар кечди. Буни Амаки фахмлагандек, шундай деди:

Бенуксон киши борми бу дунёда. Отанинг раъига қарашиб керак. Урушда кон кечган, кўпни кўрган.

«Амакимнинг гапи тўғри, – деб ўйлади Эсонбой. – Отам карияпти. Унинг боши оғиб айтган хар кандай гапи учун айблаш ярамайди».

Эсонбой Ота бериб юборган пулни эслади, қўйнидан олиб Амакининг олдига қўйди.

Амаки пулни ким бериб юборганлигини эшишиб, ғалати бўлиб кетди. Кўзларида нур, лабларида табассум жилва қилди.

– Бу кунни узок кутдим, – деди у ўйчанлик билан. – Отанг бир кунмас, бир кун шундай килишига ишонардим.

– Нима, отам пулни бермай кетади, деб ўйладингизми? – сўради Эсонбой.

– Бунинг тарихи узун, жиян, – деди Амаки. – Мен бу пулга зорикқанимдан эмас, отангда... отангнинг инсофга келганидан хурсандман.

– Нима гап бўлган ўзи ўрталарингда? – деди Эсонбой. – Ростини айтинг, отам сиздан пул сўрамас эди, пулга муҳтоҷ жойи ҳам йўқ.

Амаки пулни санамади, уни шундоккина жавон тортмасига солиб кўйди.

— Майли, жиян, энди айтаман, — деди Амаки, — шунча йил сир сақлаганим етар. Оқибати яхшилик билан тугади-ку.

Бу воқеа Эсонбой мактабни битирган йили, яъни ёнғоқ кесилган кезларда рўй берган. Ўшанда ёнғоқни кесган киши — жувозкам Рўзиев эски клубда суд килинди. Суд хайъати айбдордан ёнғоқнинг тўрт йилда берадиган даромадини ундириб олишга ҳукм килганди. Шундан сўнг Рўзиев Амакининг уйига йиғлаб келади: «Жўжабирдай жонман, ёрдам килинг, айб менда эмас, — дейди. — Ўша ёнғоқни кесишга акангиз рухсат берган эди». Амаки унинг гапига ишонмайди. «Ёлғон айтсан, етти болам жувонмарг бўлсин, — дейди. — Акангиз билан омборчи иккаласига колхоз зиғиридан текинга жувозмой чиқариб берардим. Жувозкунда ишдан чиқиб колган эди, акангиз, «бор, колхознинг кайси дарахти яраса, кесавер», деди. Мен бўлса, одамлар гап килмасин деб, опамга берилган, лекин рўйхатта киргизилмаган томоркасидаги ёнғоқни кесай дедим. Буёғи ўзингизга маълум. Сиз мени боғдан чиқариб юборганиздан кейин, акангизни олдига бордим, акангиз бўлса: «Майли, энди кесавер, жуда нари борса, штраф тўларсан, қарашиб юборарман», — деди. Мен бўлса, «шу укангизга сўзингиз ўтмайдими?» десам, «Э, кўй ўша тиржикини, дарахтга қолганда ҳеч қимни аямайди, факат, менинг номимни ёмонга чиқармай, ҳамма айбни ўз бўйнига ол», деди. Суд бўлиб ўтгандан кейин, мени уйидан кувиб чиқарди. Илтимос, акангизга айтинг, ҳеч бўлмаса, жаримани бир кисмини тўласин», — деб ялинди жувозкаш.

Шунда Амакининг кўнгли бир нимани сезгандай бўлади. Амаки Отага Рўзиев айтганларини такрорлаб, кейин, «шу гап ростми?» деб сўрайди. «Ёлғон» дейди ота. Унинг бўйнига олмаганини кўриб Рўзиев йиғлаб юборади. Амакининг унга раҳми келади. «Йиғламанг, — дейди унга. — Мана бўлмаса, акамнинг ўрнига мен тўлайман». Шундай деб унинг кўлига икки юз сўм тутқазади, «шу етадими?» деб сўраса, «етади» дей-

ди Рўзиев. Ота индамай чойни ичаверади. Мана, неча йиллар бўлдики, Амаки бу ҳакда ҳеч кимга чурк этган эмас. Рўзиевга ҳам, «бу гапни ҳеч кимга айтмайсан» деб тайинлайди. Орадан шунча йиллар ўтиб Ота Рўзиевга берилган пулни бериб юборибди. Бу деган сўз, Ота ўшанда Рўзиевга ёнғокни кес, деганини бўйнига олиш. Кеч бўлса ҳам гунохини бўйнига олибди.

«Ха, мана гап қаерда экан. Мана нима учун бечора жувозкази ёнғокни ким кесишга рухсат берганини айта олмай чайналган, кейин «ёнғокнинг ўзи рухсат берган эди» деб, роса кулгига колган.

Эсонбой бу гаплардан ҳангуманг бўлиб колди. «Уз отасининг кимлигини билмаган фарзанд фарзандми? – деб ўйларди у ичида. – Ака-ука ўртасида шунча гап ўтибди-ю, мен бехабар юрибман».

Эсонбой мана шу сирдан хабардор бўлди-ю Отадан кўнгли колди. У Амаки билан узоқ гаплашгиси бор эди, аммо унинг кумуш ёнғок ҳакида ҳеч гап билмаслигидан ҳафсаласи пир бўлди. Амаки ёшлигига ғўза чопикдан, пилла куртига барг кесиш-у киш кунлари ғўза чувишдан қўли бўшамаган. Онаси унга бир куни ўша қалин муковали китобдан ул-бул нарсани ўқиб бермокчи бўлганида, «она, нимага ёшлигимизда ўқиб бермадингиз, энди каллага кирмайди, мия қотиб қолган», дебди Амаки.

– Момом нима жавоб килди? – сўз кистирди Эсонбой.

– Нима дерди, «Менинг ҳам ўша йиллари иш-у ташвишдан қўлим бўшамади, кейин, ўша пайтларда, бундай китобларни кўрсалар, обориб қамашарди, жон болам», деди... Нимага керак бўлиб колди бу ривоят ўзи? – деди Амаки хайрон бўлиб.

Эсонбой Кўҳитангга оид нимаики хикоят-у ривоят бўлса, барчасини йигаётганини айтди.

– Каттамизнинг топшириги шу, – деди у. – Кейинги йилда экспедициямиз келади. Шу зонани ўрганамиз.

Амаки бу гапдан хурсанд бўлди, у дуторга хийла чапдаст эди, ўрнидан туриб, асбобни олиб машқ килди, бу билан хикоятни билмаганини айб хисоблаб, шуни

ювмокчи эди. Эсонбой амакисининг қадоқ қўлларига кааркан шундай хулоса қилди: бунда айб нима, болалиги оғир таҳликада ўтган бўлса.

Амакида афтидан ўша даврни фикр-муҳокама килиш-у кейин нимаики ёрдам лозим бўлса, тайёр эканлигини билиш истаги бор эди, аммо Эсонбой бунга имкон бермади.

— Эрта-индин бафуржа сухбатлашсак, бугун озрок ёзадиган ишларим бор, — деди Эсонбой ўрнидан турәтиб.

— Эҳ, янганг тирик бўлганда, сенга ҳозир кўп нарсани айтган бўларди, — деди Амаки афсусланиб. — Ҳа, айтганча, Иноқ бова ҳам кўп гапни билади. Лекин мазаси йўқ, деб эшигтан эдим. Балки тузалгандир. Шунга учрашсанг, зарар килмас эдинг.

Эсонбой бу маслаҳатдан севинди — рост айтади, бу чолда гап кўп. «Иноқ бова» Эсонбойларнинг кунботар томондаги қўшниси. Эсонбой бу ердан чикиб тўғри Иноқ чолникига жўнади.

3

Иноқ чол ҳовлисида йўқ эди. Бир табакали эски, накшинкор эшигига номига занжир солиниб, бир қарич сим билан чатилган. Эсонбой эсини танибдики, чол ҳарвақт шундай қиласди. «Одам уйини эмас, тилини эҳтиёт қилиши керак», дер эди у, бу одатидан ҳайрон бўлганларга. Чол ҳақиқатан ҳам тилини эҳтиёт қиласди: Одамлар билар хушмуомалалик, ҳеч кимнинг дилини оғритмасликка уринади. Чол бир пайтлар ҳофиз бўлган. Айтишларича, бир бадахшонлик ҳофиз билан айтишувда саккиз соат қўшиқ айтиб, ғолиб келган экан.

Эсонбой эшик олдидан тезда келавермади. Чол бирор ёқдан келиб қолар деб ўйлади. Кўнглида ҳовлини томонга килиш истаги туғилди, бўйи тенги пахса дөвордан узалиб, ҳовли ичкарисига каради. Хуржуннусха килиб қурилган ўша таниш уй ҳамон бус-бутун, аммо бу йил оқланмапти. Ҳовли аввалгидек сариштали эмас. Чол кампири ўлганидан бери ичадиган, ёшларга

қўшилиб улфатчилик киладиган бўлган, буни қайси бир йили Эминнинг тўйида Эсонбой ўз кўзи билан кўрди. Лапар айтиб ўйинга тушди, турли-туман ривоятлари билан даврани қизитиб турди.

Эсонбой кўчани бир айланиб, яна бу ерга қайтиб келарман, деган ниятда жойидан қўзғалган ҳам эдики, эллик қадам наридаги ҳовлидан бир бола чиқиб келди. Уни кўриб Эсонбой тўхтади. Қўли билан имлаб болани чакирди. Бола чиқкан ҳовлига чолнинг катта қизи келин бўлиб тушган.

Бола етиб килиши билан, Эсонбойнинг саволини кутмасдан:

– Бобом уйда йўқ, – деди, – мактабда семичка сотиб ўтирибдилар.

У бу гапни шундай оҳангда айтдики, Эсонбой «бор чакириб кел» деса, бажонидил бориб келишга тайёр эди. Афтидан, бола бобосини яхши кўрса керак ё бўлмаса ҳовлининг ишидан қочишга бирор баҳона ғанимат. Эсонбойнинг иккинчи тахмини тўғри чиқди. Уша ҳовлидан, боланинг онаси бўлса керак, товуш қилиб, хуноб бўлаверди.

– Сени чакиряптими? – деди Эсонбой болага.

Бола бош қимирилатди. Эсонбой боланинг тезда орқасига кайтавермаганини кўриб, диккат бўлди.

– Боргин энди, онанг чакиряпти-ку, – деди болага.

– Қалампир уздиради, – деди бола ерга караб.

– Нима бўлибди, онангга ёрдам қилгин-да.

– Томорқамиз тўла қалампир, – деди бола. – Онам ҳаммасини менга соттиради. Дарс қилишга кўймайди.

– Отанг-чи отанг? У киши сотса бўлмайдими қалампирни?

– Отам пахтада, ётарга кетган, – деди бола. – Онам бўлса, қалампирни сотиб пул тўпла, бўлмаса ўқишига кира олмайсан, дейди. Шу гап тўғрими, Эсонбой ака?

Эсонбой ўйлаб туриб колди. Нима десин?

– Шаҳарда пул керак, – деди у болага. – Ҳаводан бошқасини сотиб оласан. Ўзинг учун керак. Аммо каллангда ҳеч нарса бўлмаса, пулинг бўлгани билан ҳеч нарса кила олмайсан... Шундай килиб, бобонг мактабдами? Дарслар тугаган шекилли...

— Иккинчи сменада ҳам болалар ўқишиади, — деди у.

Бола яна нимадир демокчи эди, онасининг карғаб чинкирганини эшитиб, бошини солинтириб, оркасига қайтди. «Бунинг ҳам муштдай бошига ташвиш», — деб ўйлади Эсонбой. Бола зехнли кўринади, унинг гапига жуда кизикиб қулок солди. Демак, бир гап чиқади.

Момосининг бир гапи эсига тушди. Эсонбой тўрт ёшга кирганда, ўрик гулини тўkkанини кўриб, ҳаммани саволга тутибди: нега ўрик гулини тўқди, нега?

Бирор, шамол бўлгани учун тўкилади, деса, бирор ёз келгани учун депти. Бирор бўлса, дараҳт қаригани учун, депти. Аммо у жавобдан сира коникмаган экан. Момоси бўлса, дараҳт энди ўрик қилиши учун гулини тўқди, деганидан сўнггина, Эсонбой хурсанд бўлган экан. Ўрикда довча пайдо бўлгач, Эсонбой пастки шоҳидан узиб олиб, овқат устида ҳаммага шундай депти: Мана, кўрдингларми, ҳаммаларинг билмас экансизлар, момом тўғри айтибди, ўрик мева килиш учун гулини тўккан экан.

Момоси бу гапни ўлими олдидан ҳам эслади. «Одамзод аввал гул бўлади, кейин мева, кейин туршакка айланади, болам», — деди у Эсонбойга тасалли бергандай.

Ўшанда ҳаммаёқни баҳор хиди тутиб кетган, ўриклар роса гулга кирган эди. Момоси арилар ғўнғи-лаб, бол тераётган улкан ўрик тагида ётиб жон берди.

Эсонбой боланинг гапи билан уч юз кадам наридаги бир пайтлар ўзи ўқиган мактабга йўл олди. Мактаб ҳовлисига яқинлашганида, ҳеч кимга эътибор килмай, гап талашиб келаётган икки кишига кўзи тушди. Улардан бири — ёши элликлардан ошган, доим болаларнинг қулогидан чўзиб юрадиган муаллим Курбонов, иккинчиси бўлса Инок бобо эди. Эсонбой ўзини тут панасига олиб, уларни бирпас кузатиб турди. Курбонов қўлидаги халтачани чолга узатиб, хитоб қилди:

— Бова, бу даргоҳда иккинчи корангизни кўрмай! Йўқса, хапа киласман. Неварангиз тенги қизларга тикилиб ўтиришдан бошқа касмин¹ гиз йўқми? Садқаи мана-ви сокол! Семичкани, мана, бекатда сотинг!

¹ Касбингиз, демокчи (шевада).

У шундай деди-ю орқасига, мактаб ҳовлисига қайтди.

Иноқ чолнинг тухумдек келадиган бурни ерга теккундек букчайиб, энгашиб борар эди. Эсонбийнинг унга раҳми келди, аммо Курбоновнинг гапларини эслаб, ғалати ҳолга тушди. Эсонбой бир хulosага кела олмади: чолни айблай деса, бу одам хотинсирагани учун ўзи айбдор эмас-ку. Иккинчи томондан, ёш қизларга қараш – одобдан эмас-да. Чол қайси бир йили оёғи енгил аёлларга борган экан, участковой уни қўлга тушириб, роса беобрў қилибди, бир неча марта пулинни шилиб олибди. Ӷшанды Эсонбой бу гапни Эминдан эшитиб, участковойдан хафа бўлган эди. «Қари одамнинг пулинни тортиб олгандан кўра, тезак териб сотгани тузук эмасми», – деди у Эминга.

Эмин бўлса чолнинг ҳам, участковойнинг ҳам қилмишини коралади: иккаласини ҳам олти ойдан турмага қамаш керак эди, – деди. Бирини талончи, иккинчиси зинокор, деб сўклиди.

– Бу қадар кескин гапнинг нима кераги бор? – деди Эсонбой. – Аввал фикрлаб, гапни фикр тарозисига тортиб, кейин хулоса қилиш керак-да.

Эмин қизиқ йигит, ўзи спорт муаллими бўлса ҳам, мунажжимликка оид рисолаларни ўқиб юради.

Эсонбой эса бу гапларга унча ишонмайди. «Одамзод ҳар бир ёшда, ҳар бир маълум даврда ўзгариб бораверади. Факат, ирсиятдан маълум бир айрим хусусиятларгина сақланиб қолиши мумкин. Аслини олганда-ку, инсоннинг туғилишига нафакат юлдуз, балки ҳаво ҳам, қуёш ҳам, жамики бутун борлик бевосита ёки бавосита таъсир қиласи. Шунинг учун одамнинг тақдирини факат юлдузга боғлаш учалик ишонарли эмас», – деб ўйлади Эсонбой. Эмин эса, «йўқ, оғайни, қуёш ийллик харакати йўлида ўн иккита юлдузлар туркуми мажмууни босиб ўтганда, унинг нури ўзгаришда бўлади, шунга караб, ер пўстлогида ўзгаришлар содир бўлади, бу инсонга ҳам таъсир қиласи», – деб уқтиради. «Лекин бу ўзгаришлар одамзодни, ирсиятни бирдан ўзгартира олмайди-ку», – деб эътиroz қиласи Эсонбой. Охир-

окибатда Эмин уни мунажжимликдан хабардор эмас-лика айблаб, гапини бас қилади.

Эсонбой ҳозир эса негадир Эминни ҳақ деб топди. Ахир, китобда кумуш ёнғоклар ҳар юз йилда бир марта пайдо бўлади, деб ёзилган эди. Эҳтимол, бу мўъжиза ҳам қуёшнинг харакатлари билан боғлиқдир. Бўлмаса, нега ҳар йили бу мўъжиза содир бўлмайди? Киши онги тез-тез содир бўладиган реал нарса, воқеаларга кўниккан, шунга караб хулоса чикаради, шуни ҳакиқат деб қарайди. Масалан, дараҳт мева туғиши, қор ёғиши, зилзила бўлиши, шамол эсишини табиий деб қарайди, буни реал ҳакиқат деб билади. Чунки инсоннинг қиска умри давомида булар ҳамиша рўй бериб туради. Агар инсон тошбака сингари узок умр кўрганида, бу умр давомида кумуш ёнғок битганини икки-уч марта кўриш шарафига мұяссар бўлгани-да, у бундай холга ҳам реал ҳакиқат деб караган бўларди. Афсус, унинг умри катта-катта муддатда рўй берадиган мўъжизалар олдида жуда қиска. Мангулик олдида эса бундай мўъжизаларнинг рўй бериш муддати капалак умридек гап. Факат китобларгина вақтни тан олмай, келажак авлодга мўъжизалардан хабар бериб турла олади. Эсонбой ўқиши керак бўлган ўша китоб аллақачон йўқ. Аммо уни ўқиб қолганлардан – Иноқ чол бор. У момосининг олдига кўп келиб турарди. Ажаб эмас, у кумуш ёнғоклар ҳакидаги ҳикоятни ҳам ўқиган бўлса.

Эсонбой ушбу дақиқада чолдан гап сўраб, бирор жавоб олиши даргумон эди, шунинг учун у орадан озрок вақт ўтказиб, чолнинг ғазаби сўнишини кутиб, уйига борди.

Чол ҳовлининг ўртасида чўнқайиб олиб, ҳовончада ниманидир туюётган эди. Афтидан аламини оладиган эрмак топилгани унинг шаштини анча туширган эди. Чол эшикдан кирган Эсонбойни аввалига танимай, негадир бир нарсадан хавфсирагандай, эҳтиётлаб қадам босиб пешвоз чиқди. Эсонбойни кўрди-ю юзида синик жилмайиш пайдо бўлди.

Эсонбой чорпояга чиқиб, у билан ёнма-ён ўтирганда,

чол жиндай отиб олганини сезди. Чол буни билдирипаслик учунми, ўрнидан туриб, ошхона томонга кетди.

Эсонбой дарахт тепасидан учиб тушган иккита зархал, хол-хол япроқни ўйнаб ўтириди. Ҳовлида ҳазин бир жимлик хукмрон эди. Ҳовли юзидағи бир хил тусга кира бошлаган эски буюмлар, эски уй, күхна девор, кекса дарахт, ҳатто Эсонбой эсини таниғандан бери мавжуд қадимиј арик нола килаётгандай туюлди, шунинг учун ҳам унинг күнгли бу ердан лоақал бирор бир янгиликни күришни истади. Ниҳоят, кўзлари ўчоклардан сал наридаги очик айвончага тушди. У ерда кўчма газ баллонлари ётарди.

Чол қайтиб келди-ю Эсонбой енгил тортди. Бу орада Эсонбой ҳали кўчала кўрган чолнинг невараси – бола иссик нон, овкат кўтариб келди.

– Неварам, – деди чол нон синдираётиб. – Катта қизимнинг ўғли.

Эсонбой чолнинг катта қизини яхши эслайди. Чол кўшни қишлоқдан бир кампирни топганида, мана шу кизи тўс-тўполон килган, кўчага чиқиб отасини карғаган.

– Кампирим ўлгандан бери тузук овкат емадим, – деди чол бола келтирган ошдан бир-икки чуким олиб.

Эсонбой чолнинг кўнгли учун таомдан бир-икки марта олмоқчи эди, ош ширин бўлғанлигидан охирига-ча еди. Ош еб тугатилиши билан, бола яна пайдо бўлди. Бу сафар у чой келтирди, бўшаган лаганини қайтариб олиб кетди.

Чол Эсонбойнинг Кўхитангда нимаики дов-дарахт, парранда-ю даррандага оид ривоятлар йигаётганини эшитиб, бирпас сукутга кетди.

– Сиз биласиз, момомнинг тоғдаги дарранда-ю парранда, гиёхлар-у дарахтлар ҳакида китоби бўлар эди. Ўша китоб ёниб кетган. Унда кумуш ёнғоклар ҳакида ҳикоят бор эди. Шу ҳикоятни эслайсизми, бова? – сўради Эсонбой.

– Жиян, – деди чол жуда мулойим товушда, – ўша ҳикоят тилимди учида туриби, Лекин мен уни эслаб олгунимча бир холис хизмат қилсанг.

Чолнинг жилмайиши синик, гуноҳкорона эди.

– Тортинманг, айтаверинг, – деди Эсонбой хурсанд бўлиб. – Кўлимдан келса...

– Агар сенга бу ҳикоят жуда зарил бўлса, айтаман, – деди чол.

Бу унинг, эслашим кийинрок, дегани эди.

– Жуда зарил, бова, жуда! – Эсонбой бу гапни айтиб, хато килганини кейин пайқади.

Чол шарт қўймоқчи – агар ишимни килсанг, айтаман, бўлмаса йўқ, – демоқчи.

Эсонбойнинг ўйлагани тўғри чиқди – чол ундан қишлоқнинг озик-овқат дўконида ишлайдиган Хури сарик исмли бефарзанд бева аёлни ҳовлига амаллаб келтиришни сўради.

– Бир марта мен билан... ҳалиги... хуллас. Келади, – деди чол. – Бекорга эмас, пулини олади... айбга буюрма, болам, менга қолса, шундай қилай дейманми? Иложим йўқ... бўлмаса, каттиқ касал бўламан.

Эсонбой нима деярини билмади.

– Қариган чоғда мен ҳам гуноҳга ботишни истамас эдим. Нима қилай, ахир, – деб ух тортди чол.

Эсонбойнинг аввалига бу гапдан кулгуси қистади.

– Орага бирорни қўшсангиз, иш бузилади, бова, – деб огоҳлантирган бўлди у.

– Сен жиян, бир оғиз айтиб кел, у ёғини кўявер, – деди чол бошқа гап сиғмайдиган оҳангда. – Менга ўша бойбича «агар олдимга ўзингиз келсангиз, гапга қоламан, бирордан айттириб юборсангиз, кифоя», деган.

Эсонбой бу гапдан сўнг енгил тортди. Гарчи бу иш унинг кўнглида ғалати бир ғубор қолдираётган бўлсада, «ундай бўлса, майли», деб ўрнидан турди.

«Агар кўлимга кумуш ёнғоқ киргудай бўлса, шу чолнинг мушкулини осон килишни биринчи навбатда ўйлар эдим», деган фикрни хаёлидан ўтказди.

– Агар ўша бойбича бу ерга келмайдиган бўлса, ҳалиги ҳикоят эсимга тушмайди, – деди чол.

«Бу чапани чол айтганини килдирмай кўймайди», деб ўйлади Эсонбой кўчага чиқатуриб.

У дўкон томон йўл олар экан, Эмин айтиб берган бир воқеани эслади. Бу воқеа Зарабоғ деган қўшни кишлоқда бўлган. Ниҳоятда бадбашара бўлган бир одамга ҳеч бир киз тегмапти. Унинг келишган бир укаси бор экан. Ўша узок бир кишлоқка бориб, кизнинг ота-онасига ўзини уйланадиган килиб кўрсатибди. Киз ҳам тегишига рози бўлибди. Эртаси куни келин чимилдиқдан қочиб чиқиб борар экан, «у эмас, у эмас», деб фарёд килар эмиш. «Менинг ҳам ўша алдамчидан фарким йўқ, ўзимни Ҳури сариқка хуштор килиб кўрсатиб бўлса ҳам, уни чолникига элтишим керак», деб хаёл киларди у.

Дўконга кирганида, унинг хушторлик қилишига ҳеч бир ҳожат қолмади. Ҳури сариқ Эсонбойни кўриб, севиниб кетди.

– Ўзимнинг укамдан айланай, укажонимдан, – деб уч-тўрт одамнинг олдида кучоклаб ўпиб олди. Эсонбой бундай бўлишини сира хаёлига келтирмаган эди. У дўконни томоша қилган бўлди. Харидорлар чиқиб кетиши билан Ҳури сариқка мулозамат қилди.

– Иноқ бова сизни меҳмонга айтди, – деди у бир оз кизариб.

«Ие, сен қўшмачимисан», деса, нима деган одам бўлади? Ҳури сариқ ёмон сўз айтиб қўймасдан, узр сўрамокчи эди, у тезкорлик қилди:

– Бова меҳмондўст, борамиз, – деди у Эсонбойнинг ниятини фаҳмлаб. – Берганини еб-ичиб келаверамиз-да. Сизни ҳам меҳмонга айтдими?

Эсонбой эса:

– Ҳа. Агар сиз борсангиз, – деб ихтиёрни Ҳури сариқнинг ўзига ташлаган бўлди.

– Бўлмаса, мен дўконни ёпай. Кун қайтиб қолди. Бовага озрок гуруч олиб қўйганман. Ҳовлида эди. Бир кириб ўтамиз ҳовлига, – деди Ҳури сариқ.

– Иш вактингиз тугадими? – деди Эсонбой у билан кўчада бирга юрмаслик учун.

– Укажон, дўконни керак бўлганда ярим кечагача очиб қўяман. Давлатнинг менда ҳаки қолмайди.

Эсонбой Хури сарикнинг уйи дўкондан сал нарида бўлгани учун ҳам ноилож бирга жўнади. Шундай бўлса ҳам, одамлар мени бу аёл билан бирга кўрмадимилик, деган хавотирда эди. Қишлоқ хўжалик тасарруфидаги бошка кишлоқлардан анча-мунча катта бўлса ҳам, одамлари барибир бир-бирларини яхши танишади. Тўғри, Эсонбойни айримлари танимаслиги мумкин, аммо юз-кўзига қараб, кимнинг фарзанди эканлигини тусмол қилиб билишлари турган гап. Эсонбой нак отасининг ўзи: ўртабўй, ок-сариқдан келган, кўзлари катта-катта, кулоклари ҳам шунга яраша шалпангроқ. Бурни билан лаблари марҳум онасига кетган, киррабурун, юпқа лаб. Аммо, бу сифатларидан қатъи назар, у отасига тортган.

Хури сариқ мабодо, «гуруч анча оғир, сиз ёрдамлашмасангиз бўлмайди» демаганида, ҳовлига кирмаган бўларди. Ҳовлига кирди-ю бирор баҳона топиб бўлса ҳам, қуёш ботгунча шу ерда озрок ўтиришга аҳд қилди. Қоронғида уларнинг бирга борганиларини ҳеч ким билмайди. Қишлоқ кўчалари шаҳардагидек ёруғ эмас.

— Аччиқ чой ичишнинг иложи борми? — деди Эсонбой Хури сариқка. — Сал бош оғриб турибди...

— Сиз меҳмонхонага ўтаверинг, мен ҳозир тахт қиласман, — деди Хури сариқ ва ойнаванд айвон томонга кўз учи билан ишора қилди.

Эсонбой айвон ўртасидаги хонтахта устига мева-чева қўйилган дастурхонни, ҳаммаёқ ясатиғлигини, буфетда ранго-ранг қилиб қўйилган биллур қадаҳлар-у турли-туман ичимликларни кўриб, ўтиришга истихола қилишиб колди.

Кўнглидаги ғубор ғашликка айланди. Хури сариқ атлас қўйлаг-у атлас лозимда кириб келганида, унинг на-зарида душман пайдо бўлди-ю Эсонбой ўзини мудофаа қилиши керакдай бир ҳолатга кирди.

Хури сариқ буни сезмадими ёки сезмаганга олдими, у ёқ-бу ёққа қараб:

— Қани озрок ичамизми? — деди.

Эсонбой хавотирланди:

— Яна бирор келиб колса нима қиласиз?

— Дарвоза кулф, — деди Хури сарик буфетдан конъяк олиб келаркан.

Эсонбой унинг дам-бадам илжаяётганлигини кўриб, норози бўлди, аммо, «менга нима, кулса кулавермайдими, ишқилиб, чолникига борса, бўлгани», деган фикрга келди.

Эсонбой ҳозир Хури сарик қишлоқчилик одатларидан, харидорларнинг талаб-тортишиларидан, камёб молларни чиким қилмай олиб келиш қийинлигидан хасрат қиласди, деб ўйлаган эди, аммо бундай бўлмади. Икки қадаҳ ичилгандан сўнг, Хури сарик деразадан боғидаги баланд бир дараҳтни кўрсатиб деди:

— Уша ердан бир ҳафта бурун лайлак йикилиб тушди. Қаноти синган экан. Дўхтурга олиб борган эдим буни райондаги ветврачга элтинг, дейишди. Районда бўлдим. «Опажон, сигирни даволашга вактимиз йўғ-у лайлакка бало борми», дейди дўхтур. Мана шундай ичимликдан оборган эдим, захар-заккумига ичиб, кейин аллақандай малҳам кўйди. Аммо лайлак уч кун ўтиб ўлди. Ичи эзилганми ёки бошқа ерими, билмадим. Дўхтурни қарғаб-карғаб кўмдим, укажон.

Эсонбой бундай караса, Хури сарик йиглаяпти, чинданми, деб бирпас ишонкирамай турди.

Куёш ҳали ҳам ботмаган, Эсонбой эса бетокатлик билан коронғи тушишини кутарди.

Бу орада у икки марта ташқарига чиқиб келди, барги тўкила бошлаган ўрик тагида Хури сарик билан яна ичди. Ана шунда у негадир жувон билан бирга бўлишни ўйлаб, «нима бўпти, ҳаммаси кумуш ёнғокнинг йўлида килинаётир-ку», деб хотиржам тортди.

У маст бўлиб, қалин кўрпалар устида юзтубан ётганида ҳам шуни ўйлар эди. «Нима бўпти, Хури сарик жиндай хунук бўлса. Ҳечкиси йўқ», — дер эди у ёнидаги аёлнинг ўпичларидан тўлғаниб. У ёлқинланиб, кизиб кетганида Хури сарик чекиниб, кайгадир ғойиб бўлди.

Юзига қўниб учайдган чивинни ҳайдар экан, «шуни хоҳлаган эди-ку, нега келмаяпти бу шайтон аёл», — деб ўйлади Эсонбой.

У ўрнидан турганида, нариги хонада кийимини ки-
йиб, яна ўзига конъяк қуиб турган Хури сарикни кўриб
котиб колди. Ичидা ўзини ланъатлади.

— Турдингизми, укажон, — деди Хури сарик кулиб. —
Ха, хапамисиз? Хана бўлманг, опангиздан. Сизнинг на-
шангиз етади менга.

Эсонбой хушбўй атир ҳидидан энтикли, у шарт
ўгирилиб чиқиб кетмоқчи эди, бирдан бунинг иложи
йўклиги эсига тушди.

— Қани, бўлинг тезрок, бованикига кеч қолмайлик, —
деди у.

Хури сарик бирдан ҳурпайди.

— Ие, мен сизни йигит десам...

— Ваъда бердингизми, сўзингизнинг устидан чикинг-
да, опа, — деди Эсонбой ёлвориб.

Хури сарикнинг тузи ўзгарди.

— Нима, сиз қўшмачимисиз? Агар шундай гапни яна
айтар бўлсангиз, хапа киласиз мени.

Эсонбой ўзини оқлашга тушди:

— Опа, бовага ваъда берган эдим. Бир марта хўп дея
колинг...

Эсонбой Хури сарикнинг хўп демаслигига энди акли
етган, шундай бўлса ҳам беихтиёр кайта илтимос қилиб
кўрди. Кейин чол пул ваъда қилганини ҳам гап орасида
кистирди.

— Нима, сизга пул керакми? — бу гапни эшишиб Хури
сарикнинг ранги ўзгарди. Уй ичкарисига кириб, бир
даста пул олиб чиқди.

— Олинг. Ёлғиз бошимга нима киламан бунча пулни.
Олинг!

Хури сарик пулни ерга сочиб, йиғлаб юборди.

— Э, худо, нега сен мени назари паст йигитларга
рўпара киласан, а? Нега?

Эсонбой унинг йиғлаб туришига токат қила олма-
ди, тез-тез кийиниб, кўчага чиқди. Теварак-атрофни
энди ғира-шира коронғилик боса бошлаган эди. Эсон-
бой дили хуфтон ҳолда, чолнинг уйига караб жўнади. У
боягина бошидан кечирган воеалар юқидан бирмунча
гангиган, бунинг устига чол билан бўлажак учрашув-

нинг қандай килиб бўлса ҳам кўнгилсиз тугамаслиги чораларини ўйларди.

Эсонбой ҳовлига кирганда, чол ўчоқда козон осиб, чўкка тушиб ўтирас, гуриллаётган оловдан кўзини узмасди.

— Ичкарига кирабер, ўғлим, — деди у Эсонбойнинг келганини кўриб. — Ҳозир товук шўрва пишади.

Эсонбой ноилож чирок ёкиғлик хужрага кирди. Уй ичи анча шинам, тоза, меҳмон келишига ҳозирлик кўрилганини кўриб, сал кўнгли ёриши. Деворда турган дутор, унинг ёнида чорчўпга солинган сурат олдида бир муддат тўхтаб томоша қилди. Эсонбой суратда тўйма-тўй юрадиган шу кишлоклик отарчи-сайёр артистларни таниди. Улар орасида чол тизза чўккан ҳолда муком килиб ўтирибди. Яллачи чолнинг бу туришида катта бир бахтиёрлик, шоду хуррамлик бор эди. Қария ўзининг гариб кўнглини мана шулар билан кўшилиб, обод қилиб юришини Эсонбой энди фаҳмлади. Бахтиёр болалик ҷоғларидаги тўйларни эслади: ўша пайтларда ҳам чол давраларга чиқиб, пичок ўйинини кўрсатар, кимлардир юз грамм ичириб қўйса, яна ўйинга тушиб кетар эди. Аммо уни кўчада кўрган киши кеча тўйда ракс тушган чол шу эканлигига сира ишонмас, чунки у бошқа пайтларда бошини куйи солиб, тортинчок бир киёфага кириб юрар эди.

Эсонбой бугун чолнинг ундан аёл келтириб бергин, деб сўрашидан, юзи каттиклигидан ҳайрон колгани йўқ. Унинг бир нарсага акли етади, чол ўзига иши тушган одамлардан усталик билан фойдаланади. Айримлар чолнинг даврабоплигини назарда тутиб, тўйларга айтадиган бўлсалар, у андак ноз килади, олдиндан ширинкома ичимликлар, бир зиёфатга етадиган пул бўлса, рози бўлади.

Чол овкат сузди, Эсонбой у билан юз-юз килгандан сўнг, Ҳури сарик келмаслигини айтди.

— Бу ишингиз бўлмайди, ўғлим, — деди чол чаккасини қашлаб. Агар келмайдиган бўлса, чатоқ-ку...

Чол таомга кўл урмади. Эсонбой шўрвани ичиб бўлгач:

— Энди сизга рухсат, жиян, — деди чол.

Эсонбой бу гапдан сўнг билдики, чол энди ўлиб колса ҳам ҳозир кумуш ёнғоклар ҳақидаги риво-ятни айтмайди. Унга ҳикоятнинг ўзи эмас, кумуш ёнғокларнинг узиш шартларини билиш керак, холос. Тўгри, у кумуш ёнғокларни кўрдим деса, чол шартларни айтиши мумкин. Унда Эсонбой кумуш ёнғоклардан бир умрга айрилиши турган гап. Ахир, ҳикоятдаги биринчи шарти шу — кумуш ёнғокни кўрган киши, то уни қўлга киритмагунча, ҳеч кимга айтмаслиги лозим. Иккинчи шартини гира-шира эслайди: қайси бир гиёҳ билан киши қўлини боғлаб дараҳтга чикмоғи керак. Аммо қайси гиёҳ, буниси унинг эсида йўқ. Кумуш ёнғоклар факат бир кунгина кўзга кўринади, холос. Унинг ихтиёрида эрта азонгача вакт бор: «балки, аммам билар», деб ўйлади у хаёлан. «Биз тиллага кўмилиб яшаётганимиз йўқ, аммо камбағал эмасмиз. Тўрт мучали соғ одам, куч-куvvати бор одам камбағал бўлмайди ҳеч бир дунёда, болам», дер эди аммаси унга.

Бу гапни у Эсонбойга киноя билан айтади. Эсида бор, уч ийл муқаддам аммаси кичик келини билан Тошкентга, Эсонбойниги мөхмон бўлиб келишган эди. Худди шундай пайтларда Эсонбой европаликларнинг расм-руsumларига ҳавас қиласи. Қариндошларининг улар каби келишларидан бир неча кун аввал ҳабар беришларини истайди. Тўсатдан, ишинг бошингдан ошиб ётганида ёки оила киrimининг тайини бўлмаган пайтда мөхмон келиб колса, маза килмас экан. Аслида Шарқда кадимдан мөхмон бирор жойга борадиган бўлса, аввал ўша хонадонга ҳабар килиш анъанаси бўлган-ку. Аммаси Эсонбойнинг тузук мөхмон кила олмаганидан кетар чоги хафа бўлди, «кишлокка бориб яшасанг бўлмайдими?» деди. Эсонбой нима ҳам дея оларди. Кишлокка бориб яшаса, у ўзини эплаб яшashi мумкиндири, аммо, мулокотлар, мұхқамалар, кутубхоналардан, илмий ҳаётдан бехабар колади. Кадимдан ахли дониш, олиму фозиллар, шоири ёзувчилар, алломалар бир шаҳарда тўпланиб яшашлари расм бўлган. Бундан мурод — ҳар бир инсон йигинлар-у баҳсларда

иштирок этиб ўзини янада камол топтирган. Эсонбойнинг максади ҳам – шу. Аммо бу гапни аммасига уқтиришнинг иложи йўқ, чунки у бўлак ақидалар билан камол топган аёл. У ёмон аёл эмас, аммо у дунёни факат жисмоний меҳнат килиб кун кўриш, кун кўрганда ҳам ҳам иззатли, дастурхони тўкин-сочин бўлишидан иборат, деб билади. Бир куни унинг бу фалсафасига жавобан Эсонбой шундай деди: «Бухорода ўтин ёрганга бир танга, ўргатиб турганга икки танга тўланган экан. Одам қўл кучи билан эмас, ақл билан ишлагани катта баҳоланганд». Амма бунга кўнган ҳолда, Эсонбойга шундай деди: «Яхши, аммо сен ўн йилдан бери кимга ўтин ёришни ўргатяпсан-у, кани ўша икки танганг?»

Бу саволга Эсонбой жавоб бера олмади.

Эсонбой ўша гаплардан кейин аммасиникига келмай кўйди. Амма бундан хафа бўлгани йўқ, чунки унинг қишлоқдаги ҳовлисида ҳеч ким бўлмас, эри товукбокар бўлганидан бери, фермага якин жойга кўчган. Ферма қишлоқдан тўрт чакирим нарида, катта йўл билан борилса саккиз чакирим, эшак йўли билан уч-тўрт чакиримдан ошмайди.

Лекин ҳозир, ушбу дамда бу қоронғида боришнинг ўзи бўладими, деб фикрланди Эсонбой. Тўғри, ҳозир анча ойдин, аммо, паст-баланд кир ердан юриш барibir осон эмас. Эсонбой у ерга бориб келиш йўлини ўйлади. Эминдан илтимос қилса, бас. «Запорожец»да бирпасда ғизиллатиб элтиб кўяди. Аммо бир томони бор: Эмин жуда эзма. Нега шундай кечда фермага бориши кераклигини билмагунча, гап сўрайверади. Унга бирор баҳона топиб қўйиш керак. Аммо Эсонбойнинг бунга сира суюги йўқ, бундай пайтда Саодат бўлса, тузук. Баҳона топишни унга қўйиб берсанг. Яхшиси Эминга, «ҳеч гап сўрамайсан, шунга кўнсанг майли, амманикига олиб бор, йўқса, қўй» дегани маъқул. «Хўп» деса, тузук. Ярим соатга қолмай ишни битирса бўлади.

Эсонбойни чол кузатиб чикмади, ёнбош ташлаган ерда кўзларини юмиб, оғзини очган кўйи қолди.

Эсонбой кўчага чиққач, жадаллаб юрди. У шошмаганда ҳам Эминникига беш-ўн дақиқада етиб борса

бўларди. Аммо у энди назарида вактни бой бераётган-дек эди. Вактни билиш учун чўнтағидан ручка-электрон соатни олиб, ой ёруғига солиб қаради. Кўзи ўтмади. Бу ручка-соат ўрнига кечаси шуъла таратадиганидан олмаганига афсус еди. У бундай япон соатини ўтган куни Термиз вокзалида, Афғонистондан – ҳарбийдан қайтаётганлардан сотиб олиши мумкин эди. Соат уларга арzon тушган шекилли, унчалик қиммат сўрашгани йўқ. Аммо шу нарх ҳам Эсонбойга қимматдай туюлди, хали шаҳарга қайтишга қадар пул тежаш кераклигини ўйлади. Кейин, ўша куни шаҳардаги комиссион магазинга митти магнитофон излаб кирганида худди ўшанака япон соатлари жуда қиммат нархда эканлигини кўриб, вокзалда сотиб олмаганингига жуда афсусланди. У доимо шунака, савдо ишларида нўнок. Эсонбой бу сафар курук кетмайин деган мақсадда комиссион магазиндан ручка-электрон соат сотиб олди.

У Эминнинг уйига етиб келганида, ҳовли дарвозаси очик, машина баланд дараҳтнинг лампочка осиғлиқ томонида туради. Эмин эса машина устига энгашиб, моторини ечаётганди. Ўчок томондан эса хотини нималардир деб койинарди. Эсонбой бу гапларнинг оҳангидан билдики, эр-хотин ўртасидан ола мушук ўтган. У беихтиёр эшикдан сал беридаги тут панасида тўхтаб қолди. «Бўлди кил энди, хотин, мана, қайтариб қўяяпман жойига», деди Эмин ёлворгандай. «Сиз нимага бир оғиз айтмайсиз шуни олдим деб. Мен ҳамсоянинг боласини ўғрига чиқариб, онаси билан жанжаллашиб юрсам-у, ўғри ўзимнинг уйимда бўлса», деб хуноб бўларди аёл.

Эсонбой орқага қайтмоқчи бўлди. Эшак тўқими оёғи тагида экан, қоқилиб кетди. Оёқ товушини эшитган Эмин қадамини ростлаб, дарвоза томон қаради. Эсонбой энди олдинга, Эмин томонга юрмай иложсиз эди.

– Бу мен, Эсонбойман, – деди у коронфиликдан чиқатуриб.

Эмин уни кўриб, пешвоз юрди. Эсонбойнинг ичкарига кириш тарафдуди йўқлигини сезиб, унга саволомуз қаради.

– Бир жойга бориб келиш керак эди мошин би-

лан, – деди Эсонбой журъатсиз товушда. – Узоқка эмас, Тотлибулокка, аммамниги. Шошилинч иш чикиб колди.

Эмин индамай турди. Кейин унинг яқинига келиб шивирлади.

– Хотин билан жанжал қилиб турибмиз. Мошиннинг парраги бузилган. Сотиб олай деса, ҳеч қаерда йўқ. Кир ювиш машинасининг парраги «Запорожец»га тўғри келар экан. Шундай килдим. Хотин бўлса ўн беш кундан бери кир юволмай овора. Мен унга ҳеч нарсани айтганим йўқ эди. У бўлса парракни ҳамсоянинг боласи олган деб у билан жанжал қилибди. Кеча бировга мактангандар эким, кир ювиш машинасининг парраги билан юрибман деб. Хотин бу гапни кимдандир эшитибди. Ҳозир парракни ечиб, хотиннинг кўлига беришим керак. Энди мошин ўлиқдай гап, оғайни.

Эсонбой ниманидир эсдан чиқарган одамдай орқага чекинди, шоша-пиша узр сўраб кайтмоқчи бўлган эди. Ўчоқ бошидан Эминнинг хотини кела бошлади.

– Эсонбой ака, – деди у бир оз хижолат чеккандай, – нимага бизникига кирмай кетяпсиз?

У Эсонбой билан кўл бериб кўришиди, болаларини, оиласини бирма-бир сўраб чиқди. Кейин ўтган йил Тошкентга борганларида Эсонбойни излаб топа олмаганликларини, бирон-бир меҳмонхонадан жой олмай, сарсон бўлганликларини хафа бўлиб гапирди.

– Якинда яна Тошкентга бормокчи бўлиб турибмиз, болаларга кийим-кечак олиб келмасак, бўлмайди, – деди у.

Эсонбой бу гапдан севинди: бу аёл Тошкентга борса, меҳмонхонадан жой олиш осон эмаслигини билади, шубҳасиз Эсонбойнинг уйини кўзлаб боради. Шундай бўлгач, Эсонбой ҳозир ундан нимани илтимос қилса, йўқ дея олмайди. Шунинг учун у дарҳол муддаога ўтди.

– Шошиб турибман, келин. Ўн беш минутта Тотлибулокка бориб келишим керак. Кир мошиннинг паррагини яна бир озга бериб туринг, – деди у узр сўраган товушда.

Аёл кулди.

– Ошнангизнинг иши курсин, мени ҳамма жойда

ёмонотлиққа чикарди, – деди у бош чайқаб. – Сиз сүраб келасиз-у, йўқ дейманми. Юзта паррак бўлса ҳам айлансин сиздан.

Эсонбой келиннинг энди пиширган қатламасини еб бўлгунича, Эмин машинасига парракни қайта ўрнатиб қўйди.

Матина қўзғалганида, Эмин одатдагидек, сўрогини бошлаган эди, Эсонбой гапни чалғитиб кўрди, экспедицияга тайёргарлик ҳакида гапирди, нафи бўлмади. Шундан сўнг у норози товушда шундай деди:

– Бу сафар ҳеч нарса сўрамайсан, оғайни. Агар истамасанг оборма, пиёда кетавераман.

Эмин бундай жавобни кутмаган шекилли, бирдан жим қолди.

– Аччиғинг келмасин, сўрадим кўйдим-да. Айтгинг келмаса айтма. Сени шу коронғида пиёда юборадиган ахмок йўқ.

Эсонбой енгил тортди. Ошна дегани шу-да: сен учун қайғурса, оғирингни енгил қилса. Энди нима бўлса ҳам буни мактамай турай, деб ўйлади Эсонбой. Мактадингми, сендан кўнгли колади. «Улсанг ўлигингга бормайман, агар мени мактасанг», деган сўзни айтадиган мана шу Эмин. Ҳеч кимга йўқ демайди, кўлидан келганича ёрдам қилади. Фақат бир айби, ёнғоқ ваъда қилади-ю, аммо юбормайди. Ҳовлисида йўқ-да. Шундай бўлгандан кейин, бу айбга кирмайди. Бирордан сотиб олиб юборса яхшими? Үзи серфарзанд.

Машина коронғиликни ёриб олдинга шиддат билан етиб келаётган бўлса ҳам, Эсонбойнинг назарида неғадир имиллаб юраётгандек эди. Машина фермага етай деганда, бульдозер бузиб, тупрок сурган тепаликдан ўта олмай тўхтаб қолди.

– У ёғига ўзим пиёда бораман, сен мени шу ерда кутиб тур. Мен ярим соат ичиди қайтиб келаман, – деди Эсонбой. – Эҳтимол, ундан ҳам кўпроқдир, агар кутгинг келмаса, кетавер.

Эмин чирсиллатиб чироқни ёққанида, Эсонбой унинг норози бокқан кўзларини кўрди, машина ичиди сигарет тутуни тарқалди. Эсонбойнинг кўнглида

аллақандай ғашлик пайдо бўлди, чекишни беш йил мукаддам ташлаб кетганига қарамай, Эминдан сигарет сўради. Эмин нега чекяпсан, деб сўрамади ҳам. Афтидан у Эсонбойнинг биринчи марта опнасидан гап яшириб, бундан хижолат чекаётганини ва ғалати ҳолга тушганлигини тушунган бўлса керак.

— Тез келавермасанг, оркандан ўзим бораман, — деди Эмин. — Фақат, илтимос, бундай... очилиб гаплаш. Балки бирор ёрдамим тегар.

Эсонбой синиккина кулимсиради.

— Аввал иш битсин, кейин. Тўғри, эртага айтаман, майлими?

Эминнинг бош силкиганидан сўнг у бирмунча таскин топиб йўлга тушди. Эминни хафа қилган киши бара-ка топмайди. Негаки Эмин шир етим, чақалоқлигигидаёқ ота-онасидан айрилган, жуда қийналиб ўсган. Эсонбойнинг отаси ичган пайтлари мана шу Эминни мактар эди: мўмин-қобил, бетга чопмайдиган.

Эсонбой бедазор оралаб йўлни кесиб солди, чироғи милтиллаб турган уй томондан кучук хура бошлади. Эсонбой ялангликка чиқиб, ҳар эҳтимолга қарши кучукдан ҳимояланиш учун ердан тош излаб турган эди, уй томондан шарпа кўринди. Эсонбой овоз берди. У кўринган шарпани почча бўлса керак, деб ўйлади. Аммо шарпага беш-ўн кадам якин борганида, кўнгли сезди: келаётган одам бегона. Унинг кўнглида, «Поччам қаерда колди экан», деган фикр пайдо бўлди. Унинг хавотир олгани бежиз эмас, поччаси кўп ичиб юради, ҳар қаерларда қолиб кетган пайтлари кўп бўлган. Эсонбойга пешвуз чиққан киши уч қадам наридан туриб, «келинг» деди. Эсонбой салом бериб, яна якин борди. Нотаниш одам унинг ҳаракатини кузатиб турди, айниқса, бу чакирилмаган меҳмоннинг қўлларида бирон шубҳали нарса йўқлигига ишонч ҳосил килгач, нияти холис, деган хулосага келди шекилли, саломга алик олди, қўшқўллаб кўришди. Эсонбой бу одамни таниб қоларман деган умидда унга шунчалар тикилса ҳам, барибир танимади. Мутлако бегона одам, бундай одам унинг қишлоғида бўлиши даргумон. Эсонбой

қишлоқдаги бу тенги одамларнинг деярли барисини таниди. Унга пешвоз чиқкан киши тахминан олтмишлардан ошган эди: негаки, бу ерларда эркаклар пенсия ёшига етгач, сокол кўйишни одат қилганлар.

Эсонбой поччасининг отини айтиб, сўради.

– У киши район кетганлар, – деди нотаниш киши. – Бирор зарил иш бўлса, менга айтаверинг.

Эсонбой сал таажжубланди. Аммаси турганда бу одам нега унинг ҳожатини чиқариши керак? Ахир бу унинг ҳовлиси эмас-ку?

Эсонбой бу сафар аммасини сўради.

– Сиз ким бўласиз? – деди ҳалиги одам.

Эсонбой айтди.

– Жиян, поччангизнинг бошига мусибат тушди, – деди нотаниш киши. – Бугун мен районга тушган эдим. Ҳов, тоғ пастидаги кишлоқда почтачиман. Ҳар ўтганимда, шу ерда кўниб ўтар эдим. Бугун районга тушсам, менга бир таниш киши: товукбокарни айтиб юборинг, хотини касал ётибди, деди. Мен бўлса ишонмай дарҳол касалхонага бордим. Рост экан. Уч кун бўлган экан касалхонага тушганига... Тилдан қолган, эртагача колмайди, дейишли менга. Келиб поччангизни айтиб юбордим. Ўрнига ўзим караб турибман фермага.

– Аммам шу кунларда соппа-соғ деб эшитган эдим-ку? – деди Эсонбой ички бир титроқдан қалтираганча.

– Районга тушган экан аммангиз, келинга сандик оламан деб. Бозордан тарвуз олган экан. Шуни еб денг, заҳарланиб, ахволи оғир бўлиб қолибди.

Эркак яна нималардир деди, Эсонбойнинг калласига киргани йўқ. У шу тобда почтачининг бир нафас сукут қилишини хоҳлар эди. У аммасининг жон талвасасида эканлигини хаёлан тасаввур килар, ана шунда меҳнаткаш, ҳалол бир аёлнинг тасодифан ўлиб кетаётганлигига алами келар эди. У бу аёлни тили аччиқ бўлишига қарамай, чин дилдан яхши кўрар, талабалик йилларида бола-чақасидан орттириб берган пулларини сира унугани йўқ эди. У яна бир нарсани ичидан тан олади: амма унга, қани сенинг меҳнатнинг натижаси, деб таъна қилганидан буён ўзидаги хар кандай ланжликка,

дангасаликка исён эълон қилган, шундан бери иши анча илгарилаётган эди. Эсонбой паришонхотирлик билан орқага, зулмат кўйнига қайтаётган эди, почтачи унинг тирсагидан тутди.

– Жиян, – деди у Эсонбойнинг кетаётганлигини кўриб... – Шошманг-да, жиян. Энди йўл бўлсин сизга?

Эсонбой бу саволга жавоб бермади, у ўз хаёллари билан банд эди. «Бечора аммам. Боши меҳнатдан чиқмаган аммам. Ўкишни тузук билмаса ҳам, китобни яхши кўрган аммам. Онасининг китоби ёниб кетганида, энг кўп куйиниб йиғлаган, шуни деб, туғилган ховлисидан қадамини узган аммам! Нима бўлди сизга», деб ўйларди у.

Почтачини йўтал тутди. Нихоят, у Эсонбойнинг енгидан тортганидан сўнг:

– Қани, уйга юринг, – деди.

Эсонбой шундан сўнгина бу ерга нима мақсадда келганлигини эслаб, баттар ўртанди. Наҳотки, кумуш ёнғоклар уна насиб этмас? У беҳоллик билан почтачига тикилди. Балки шу киши бирон нарса билар, деб ўйлади у.

– Амаки, – деди у чайналиб, – мабодо, сиз кумуш ёнғоклар хакида ҳикоят эшиштган жойингиз борми?

Почтачи бу гапни эшиштмадими ёки тушунмадими, буниси Эсонбойга қоронғи, нуқул уни уйга киришга ундарди.

Шундан сўнг, Эсонбой дами ичига тушиб, орқага Эминнинг ёнига қайта бошлади.

– Жиян, сиз Сами товукбокарга кариндош экан-сиз, шу ерда қолсангиз, яхши бўларди, – деди почтачи асл муддаога кўчиб. – Мен эса тонгача қишлоқка бориб қайтар эдим. Чинимни айтсам, кампирим сал ховлиқмарок, бормасам, тонгача ухламай чиқади.

Эсонбой бу гапдан сўнг икки ўт орасида колди. Иложи йўқ унинг бу ерда колишга. Аммо-лекин бу одам юраги тош, ўлакса деб ўйласа керак уни. Етти ёт бегона бўлса ҳам, шу одам поччасининг ховлисига қараб турибди. Манави кеккайма кариндоши бўлатуриб, бир кеча колишга рози бўлмади, деб ҳаммага айтиши турган

гап. Ҳа, майли. Нима бўлса бўлар. Кумуш ёнғоқларни кўлга киритса, шу амал.

Эсонбой почтачига бу ерда колмаслигини имиллаб тушунтириди.

– Отамни хабардор килишим керак, аммамнинг ахволидан. Нима бўлса ҳам, амак, бу ёғини ўзингиз эплайсиз, – деди у.

– Ундай деманг-да, жиян, то тонггача ўтирсангиз бас, мен эшакни минаман-у то тонггача қайтиб келаман. – Почтачи бу сафар ялинган товушда гапирди.

Эсонбой бўлса:

– Иложсизман, амаки, иложсизман, – деганча Эминнинг олдига қайтди.

Эмин рул чамбарагига бош кўйиб, энди мудраган экан, машина эшиги очилгандага чўчиб уйғонди.

– Иш битдими? – деди у машина юргандан сўнг.

Эсонбой аммаси касалхонада эканлигини айтиб, мунғайди.

– Хоҳлассанг, эртага эрталаб бориб хабар олиб келамиз, – деди Эмин унинг ҳолини кўриб.

Эсонбой бунга жавобан миннатдорчилик билдириган бўлса-да, дили хуфтонлигидан товуши бўғиқ чиқди. Ҳаёлида факат бир гап айланарди: кумуш ёнғоқлар... Имкониятлар бой берилаётир, нима қилиш керак? Аммасининг ахволи бўлса бундай, Эмин ёрдам бера олмаса. Отаси ёки Ўгай онаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Амакиси иложсиз. Эсонбой истаса-истамаса шу вазиятга бўйсунишга мажбур. Биргина Иноқ чол ёрдам берини мумкин эди. Аммо у ҳам... шарт кўйган. Соат неча бўлди экан? У ўтаётган вақтни кизғаниб, яна ручка-соатини чўнтагидан олди. «Бирпас чирокни ёқ, ойдин килгин», – деди у Эминга.

Эсонбой ручка-соатни ёруғликка солиб кўрди: энди саккиз бўлибди. «Сунбула-ю сунбула, ўраб олай гул билан» деб хиргойи кила бошлади Эмин. Эсонбой бўлса Иноқ чолни яна бир бор авраб кўндириш режасини тузарди. У аввалига чолникига бирор ердан ичимлик топиб бориш ҳақида ўйлади, кейин бу фикридан қайтди. Ахир чол бу сабидан ўзига керакличасини

ғамлаб олган, одамлар дўкондан арок тополмай турган бир пайтда, Иноқ чол уйида конъяк саклади. Бўлмаса, нима тортиқ килсин унга. Чол илм кишиси бўлса экан, унга қимматбаҳо луғат олиб бераман деб ваъда килса. Балки унга мана шу ручка-соатни совға килгани тузудир. Тўғри, кўпчилик чоллар қопкоғлик чўнтақ соатни ёқтиришади. Лекин ажаб эмас, мана шу ручка-соатни ёқтириб қолса. «Билиб қўй. Эсонбой, лайлатулкадр кечаси – шу кеча. Агар бор кучингни ишга солсанг, мақсадингга эришасан». Унинг хаёлида момоси шундай деяётгандай бўлди. Эсонбойнинг кўнглида яна умид учкунлади, миясида ҳафсаласизликка, умидсизликка қарши аллақандай механизмлар ишлай бошлади. Буни у аниқ сезди. Машина деразаси ортидаги қоронги бўшлиқ, шунчаки бўшлиқ эмас, дараҳт тепасида хира шуъла таратиб турган кумуш ёнғоклар маконига айланди. Машинадан тушганида бу ёнғоклар осмон жисмларига – юлдузларга айланиб, Эсонбойни яна хушига келтирди. Эмин машинадан тушаётган Эсонбойга нимадир деди, аммо у яхши англамади. Энди эрталаб барвакт районга тушиб келамиз, дедими, ёки, юр, бизникида ётиб қолақол, дедими – билолмади. Уларнинг ўртасидаги одатдаги кучли яқинлик, бир-бирини тезда тушунишдек сезгирлик туйғуси шу пайтда ўз кучини йўқотган эди. Эмин машинасига титроқ шуъла бериб жўнаб кетиши билан Эсонбой илдамлик билан олға интилди. Кўприкдан ўтиши билан ҳовлига негадир боргиси келмади. Боя тузган режанинг амалга ошуви учун ҳали кўп ишлар килиши керак. У ана шу ҳақда ўйлади. Айни чокда у Эмин билан хайр-хўшлагандан сўнг, ўзини енгил сезаётганлигидан таажжубланди. Ҳа, Эсонбой унинг олдида қандайдир мажбуриятни сезганилиги учун ўз фикрларини эркин давом эттиришдек имкониятдан маҳрум қилиб қўйган эди. Эсонбой ҳамиша, ҳар каерда фикрлашга тўқсинглик киладиган мажбуриятлардан қочишга интиларди. Бугун эса иложи бўлмай қолди.

Хозир ҳам у Отага аммасининг оғир ахволда эканлигини айтиш учунгина ҳовлига бораётган эди. Уйига бир

кадам қолганды Эсонбай бу гапни кейинрок айтсамми-кан, деб ўйланиб колди. Ҳали узил-кесил бир карорга келмаган ҳам эдики, таниш товушдан чүчиб тушди. Катта дарвоза олдида, қўлида калтак ушлаган Ўгай она турарди.

Эсонбай унинг олдига бориши истамади. Беш кадам нарида туриб, Инок чолникига бир кириб чиқмоқчи эканлигини айтди.

— Кейин борасан, мени Каримқулникига кузатиб кўй, — деди Ўгай она. — Ўлсин бундай инак, яна подадан кайтмади. Қайтган бўлса ҳам, эски жойига кетгандирда. Каримқулдан олган эдик инакни.

Эсонбайнинг боши котди. Шошиб турганида энди шу етмай турганди. Она, менинг вактим йўқ, деб кетиб юборсамикан? Ана унда... уйда катта ғалва бўлиши турган гап. Аксига олиб, Каримқулларнинг уйи Инок чолникига нисбатан тескари томонда эди. Эсонбай ноилож Ўгай она билан бирга сигирни излаб Каримқулникига кетди.

Эсонбай Каримқулларнинг ҳовлисига яқинлашганида боғча томондан ковуннинг димокни ёрар ҳиди келди. Пахсадевор яқинидан оқаётган ариқ ёқалаб келаётган киши уларни кўриб тўхтади.

— Каримкул, сизми? — деди Ўгай она уни кўриб.

— Ҳа, мен, — деди Каримкул, кейин келиб Эсонбай билан кўришди.

— Яхши бўлди келганларинг, энди ўзим уйларингга бораётган эдим, — деди у. — Қани, уйга киринглар.

— Инак яна ҳовлингизга қайтдими? — деди Ўгай она Каримқулнинг уйига киришни хаёлига ҳам келтирмай.

— Мен... овора бўлманглар, инак бизницида, деб айтмоқчи бўлгани бораётган эдим... Қани, уйинга киринглар, бафуржга гаплашармиз, — деди Каримкул.

Ўгай она унамади.

— Бўлмаса, гапнинг пўсткалласи шулки, энди инакни сизга бермайман. Пулни эртага қайтараман, — деди Каримкул.

Ўгай она аввал бу гапга анқайиб турди, кейин унинг чиндан айтаётганлигини фахмлаб, товушга зўр берди.

– Нимага бермас экансиз инакни?! Энди унинг ихтиёри сиздан кетган, ха! – деди у писанда қилиб.

– Гапингиз тўғри. Лекин сиз ҳам танангизда ўйлаб кўринг-да мундай. Биринчидан, мана уч ой бўлдики, инак подадан ҳовлимиизга қайтиб келаётир... Иккинчидан, кенжা кизимиз йиғлагани-йиғлаган, шу инакни қайтариб олайлик, деп. Шу инак унга энчи бўлсин деган эдим. Энди кизимизнинг раъйига карай мен ҳам.

– Бўлган савдони бузишга ҳаққингиз йўқ, – деди Ўгай она унинг гапини кесиб.

Каримқулнинг аччиғи чиқди.

– Сизга инак йўқ. Каерга борсангиз, боринг. Шу паллагача молни ўргатиб ололмаган одам, энди ҳам унга эгалик қила олмайди, – деди у. Кейин хафа бўлиб, Эсонбойга мурожаат килди.

– Ўзингиз айтинг, Эсонбой жиян. Мана сиз ўқиган, тушунган одамсиз. Инак ҳайвон бўлса ҳам, тушунади, ахир. Одам бу кадар тошбағир бўлмаслиги керак-да, жиян.

Одам кайси йўлга амал қилиши керак – виждони айтганигами ёки конун бўйичами? Бу қийин масала. Эсонбойга колса, сигирни Каримкулдан қайтиб олмас эди. Нима бўлганда ҳам, сигир шунча пайтдан бери янги эгасига бўй бермади. Йўқ, ҳакамлик қилиш унинг қўлидан келмайди, иккаласининг ҳам кўнглини ранжитмагани маъкул, бўлмаса, орада катта жанжал бўлиши тайин. Эсонбой кўнглидаги гапни айтди:

– Мендан катталар бор. Ўшалар ҳал қилсин, Каримқул ака. Мен ҳозир бир нима деганим билан иккалангиз ҳам рози бўлмайсиз.

У шундай деб шартта орқасига қайтди. Ўгай она эса ҳайҳайлаганча қолди.

Эсонбой коронги кўчадан кетиб бораркан, яна бир карра бояги ишни ақл тарозисига солиб кўрди. Бундай олганда Каримқул аканинг важи-гапи тош босади, деб ўйлади у.

Ой булат орасига яшириниб, атроф баттар корон-ғилашганда, у Иноқ чолнинг ҳовлисига яқинлашиб қолган эди. Чол ҳам энди жаҳлидан тушиб, ўзига ке-

либ колгандир. Наҳотки, у шу чолнинг кўнглини овлай олмаса. Соатни қўлига тутқизади-ю жон бова, шу хикоятни, билганларингизни айтинг, дейди. «Йўқ, бугун эмас, эртага кел» деса-чи? «Эртага кеч бўлади, мен Ҳисорга кетаман, у ердан эса Тошкентга», дейди. У ўз-ўзига хаёлан ана шундай савол-жавоб килиб борарди. Чолнинг эшиги ёнига етай деганида, ёмғирнинг злас-элас шовиллаганини эшитди-ю зўриккан асаблари юмшай бошлади, кўнглида бир қадар хотиржамлик пайдо бўлди. Лекин бу ҳолат ёмғир томчилари тўхташи билан яна йўколди. Эсонбой чолнинг эшиги занжирлаб кўйилганидан баттар алами келди. Бу гал эшик шунчаки занжирланган эмас, унга қаламдан йўғонрок чўптиқилган, яъни тузуккина бекитилган эди. Бу чолнинг «мен уйда йўқман» деганига ишора эди.

У девор бўйлаб айланиб юаркан, ховли бурчагидаги, коронғиликда милтиллаб чирок ёниб-ўчганини кўрди. Чол барвакт ётган кўринадими, деб ўлади у. Кизик, унда нега эшикни ташқарисидан занжирлаб кўйибди? Эсонбода энди ўжар бир фикр пайдо бўлди: нима бўлса ҳам чолни уйғотаман. Эзгулик йўлида бугун кимга ёмон кўринсан ҳам майли. Кумуш ёнғоқларни кўлга киритгандан сўнг одамлар гап қилишса килишар, муҳими... мақсад амалга ошса, бас.

Эсонбой ҳозир бир нарсага ўзи ҳам ҳайрон эди: у хаётида ҳар бир харакатни, ҳар бир фикрни бу қадар мулоҳаза қилишга одатланмаган эди. У фактат соатлар, балки лаҳзалар, дакиқалар билан ҳисоблашар, жуда сермулоҳаза бўлиб колган эди. Унинг ихтиёрида яна саккиз соат вақт бор. То тонггача у неки гап бўлса, чолдан эшитиб олмоғи шарт. Чол наҳотки бирор аёл билан майшат килаётган бўлса... Эминнинг айтишича, кишлоқда ҳозир енгилтаклар анча-мунча бор эмиш. Бунинг сабаби: қишлоқ йигитлари кишлоқдан уйланмай кўйганликлари, бировлар узок шаҳарлардан, бировлар эса ўқишига бориб хотин олаётганликлари оқибати эмиш. «Мана, ўзингиздан мисол, – деди у. – Қишлоқнинг манаман деган қизи сен туфайли эрсиз колган эмасмикан? Қизларимиз йигитлардек шаҳарма-

шахар ўкишга ёки саёҳатга юришга одатланмаган, агар шундай килганларида, улар ҳам эрсиз колмасдилар». «Шаҳарга кетишган қизларни ҳам биламан, аммо уларнинг кўпи ёмон йўлга кириб кетишган», – деди Эсонбой. «Аммо ҳаммаси эмас, Эсонбой. Мана, фалончи аёл, бир пайтлар қишлоқдан чикиб кетган экан, хозир фан доктори эмиш, Душанбеда», – деди Эмин. «Бўлса бордир, – деди Эсонбой. – Аммо қишлоқда енгилтакларнинг кўпайишига сабаб факат йигитларнинг етишмаётганлигидан бўлмаса керак». «Сен билсанг, айт сабабини», – деди Эмин. Эсонбой тузук жавоб бера олмади. У бу ҳакда тузукроқ ўйлаб, кейин жавоб айтишини мълум қилди.

Бу орада ҳовли ичкарисида – уй деразаси эшигидан зулмат ичига нур куйилиб, яна тўхтаганида, Эсонбой хушёр тортди. Уй эшиги очилиб ёпилган эди. Эсонбой чолни чақириб олишни лозим топмади. Эшик занжирига банд қилиб ташланган чўпни олиб ташлади. Энди бемалол ичкарига кириб бориш мумкин. Ҳар дақика, ҳар сония ғанимат, вақтни ўтказмай чолни кўндириш керак. Эсонбой чолнинг шу дақиқада нима килаётганлигини хаёлига келтирмокчи бўлиб, энди ҳовли ичкарисига оёқ учida юрган эди, коронгиликда кимdir яна уй эшигини очиб, ичкари кириб кетди. Эсонбой у кимсанинг аёл эканлигига сира шубха килмади. «А-ҳа, чолнинг иши мълум, деб ўйлади у андак қувониб. – Энди мен безбетлик билан олдиларига кираман-у «қани бова, бова, ўша хикоят, шартларини айтсангиз айтинг, бўлмаса, шу ерда туравераман, дейман». Чол албатта унинг тезрок кетишини хоҳлаб, уялганидан айтади. У деразадан секин мўралади: кўзи аввало дастурхонга, кейин ароғи яримлаб колган шишага тушди. Чол эса бурчакда. Жувон кикирлаб кулганида, Эсонбой кулокларига ишонмади. Наҳотки бу... Хури сарик бўлса. Ҳа, худди ўзи. Унга унамаган бўлса ҳам, бу ерга барибир келибди. Бир аёлнинг макри кирқ эшакка юқ бўлади, деб билиб айтишган, Эсонбой ундан аччиқланмади: балки Хури сарик хеч ким, ҳатто шу Эсонбой ҳам шу ишдан вokiф бўлишини истамагандир. Эсонбойга нима. Аслини ол-

гандада, Хури сарикнинг шу ерда ўтиргани унга кони фойда. Чол энди кочиб қаерга борарди.

У турган ерида томоғини кириб, товуш бериши билан чол саросимага тушиб қолди. Жувоннинг устига шоша-пиша катта кўрпа ташлади. Эсонбой деразадан узоклашиб, ўзини дараҳт остига олди.

— Бова, — деди у чол ҳовлига чиқиши билан. — Мана, охир айтган гапимнинг устидан чиқдим. Ҳалиги...

— Ким бу... Эсонбой? — деди чол ғудурланиб. — Тинчликми? Нима гап?

— Ҳалиги... айтган гапимнинг устидан чиқдим. Хури сарик боя менга, ҳозир бораман, деган эди. Келдими? Келмаган бўлса, кеп қолади. Қани, энди ваъда бўйича... Ҳа, озроқ вактим бор... бирга кутамиз уни. Озроқ ичайлик-да, энди бова...

Чол Эсонбойнинг ҳийласини билмади, у аёл ўз оғзи билан бунга боришини айтган экан-да, деган хаёлга борди.

— Жиян, кир уйга, Хурихон уйда ўтирибди, — деди бирдан юмшаб. — Фақат, сен аввал қўлингни ювиб кел. Мен ҳозир...

Чол дарҳол уйга кириб кетди.

Эсонбой ичкарига кирганда, Хури сарик тўрда илжайиб ўтирарди.

Эсонбой бу аёлни кўрди-ю энди андак алами келди. Унга қилган муомаласини эслади. Эсанбойнинг баданини қизитиб, уни овора килишнинг нима кераги бор эди? Балки у Эсонбойнинг тилини қисик килиш учун шундай қилгандир.

Хури сарик уни ҳеч нарса кўрмагандай, очилиб сочилиб кутиб олди.

— Ҳамза театрининг артистлари келган эмиш. Эшиздингизми? Эртага савхоз клубида «Келинлар кўзголони» бўлар эмиш, — деди у Эсонбой кўрпачага ўтириши билан.

— Олдин бобойнинг қўзголонини ҳал қилайлик, — деди Эсонбой илжайиб.

— А, бобойми? Бобой ўзимизники, — деди Хури сарик, — Қани қуйинг-э бобожон!

Инок чол пиёлаларга арок қуиди.

– Олайлиг-у олдирмайлик, ёв қўлида мўрчани ҳам колдирмайлик, – деди у алёр айтиб.

Эсонбой сездики, агар чол бундан бошқа ичадиган бўлса, иш пачава. Ундан хеч гап ололмайди.

Чолнинг эса вакти чоғ:

– Оббо, Эсонбой-э, асл жияним ўзинг экансан. Ҳар келганингда бир йўқлайсан, – деб қўярди қайта-қайта.

– Мен-чи, мен, – деди Ҳури сариқ нозланиб. – Мен асл жиянингиз эмасманми? Мен ҳам сизни йўқлаб турман-ку?

– Қизбиби¹ факат асл жияним эмас, асл асал-кандим, шакар-новвотим, – деди чол баш тебратиб.

Давра кизийверди. Эсонбойга колса, тонгни шу ерда ўтказар эди. Бундай фурсат ҳамма вакт ҳам бўла-вермайди. Чол тиз чўкиб олди, қўлида ликопча олиб, аста хиргойи қила бошлади. Қўшиқ матни Эсонбойга ёқди. Айникса, «Менинг жоним сенинг жонинг эмасму, сенинг учун жоним қурбон эмасму», деган ери Эсонбойни тўлқинлантириб юборди. Чол тўсатдан ёнбошига ағдарилиб тушди, бирпас кимир этмай қолди. Эсонбойнинг бошидан ҳуши учди: «Кумуш ёнғоқлар нима бўлади?» дея ўйлади. Бундай ётиш чолнинг бир найранги эканлигини Ҳури сариқ биларкан шекилли, у бепарво эди. Эсонбойга «қўяберинг», деган имо қилди, кейин кўз учи билан шишани кўрсатиб «куй» деган гапни қилди. Эсонбой факат сиртдан караганда енгилтак бўлиб туюлган аёлнинг нихоятда баҳтсиз эканлигини шу тобда пайқади. Бу аёл қанчалик чолга ўзини бепарво кўрсатмасин, уни чин дилдан авайлашга иштиёқи борлигини Эсонбой аник сезди. Буни у аёлнинг кўзларидан билди. Эсонбойнинг кўнглидан шу фикр ўтди-ю аёлга нисбатан муносабати кескин ўзгарди. Бу ерга келиб Ҳури сариқни танг ахволга солиб кўйганлигини энди сезди.

– Мен хозир кетаман, – деди у Ҳури сариқка чол эшитсин, деган мақсадда овозини баландлатиб. – Бо-

¹ Қизбиби – эркалаш маъносида.

бойдан факат бир афсонани сүраб олишим керак, холос. Жуда керак. Эртага эса вактим йўқ. Нариги областга ўтиб кетаман.

– Қанака афсона ўзи? – деди Хури сарик ҳайрон бўлиб.

Чол бу пайтда бошини сарак-сарак килиб, бошини кўтарди.

– Ҳозир эслай олмайман, жиян, – деди у.

– Яна озроқ куйинг, бова дарров эслайдилар, – деди Хури сарик.

Эсонбой унга норози бўлиб тикилди.

– Чинимни айтяпман, – деди Хури сарик.

Чол ичиб бўлгандан кейин, ҳакиқатан ҳам ҳикоятнинг шартларини эслай бошлади. Чол ҳикоятдаги шартларни тутилмай айтди. Эсонбой қўйнидан ён дафтарчасини чиқариб, эринмай ёзиб ола бошлади.

– Факат, колган иккитасини билмайман, деди у.

Кизик, у чолдан шартларни ёзиб тугатиши билан кайфи тарқаб кетди. Гўё унда вазнисизлик ҳолати рўй бергандай, кушдай енгил эди. Хонадагилар билан шу қадар тез хайрлашдики, ҳатто Хури сарик савол сўрашга ҳам улгурмади. У дарвозадан чикатуриб, чолнинг томок кирганини эшилди. Оркасига ўгирилди. Чол чайқала-чайқала, алпанг-талпанг қадам ташлаб келаётган эди.

– Шошма жиян, – деди у. – Сенга айтадиган бир гапим бор.

«Маст, тезроқ кетиш керак олдидан», деб ўйлади Эсонбой.

– Сенга бир сирни айтсам, жиян... Момонгнинг ўша китоби йўқолмаган. Онанг¹ ўтган куни кўчада бегона одамлар билан бир нимани гаплашиб турган экан. Сўрасам, эски китобларни сотиб олувчилар экан.

Эсонбой бирдан ҳушёр тортди.

– Каердан келишган экан?

Чол бирпас пешонасини тириштириб турди-да:

– Туркманистонданмиз дейишли, – деди.

¹ Ўгай она назарда тутилаяпти.

Эсонбой бўшашиб кетди.

– Нега шуни аввалдан айтмадингиз, – деди у упкаланиб. – Онам китобни сотдими уларга?

– Онанг катта нарх айтган эди, улар ўйлаб кўрайлик, яна бир ҳафтадан кейин келамиз, дейишиди. Бошқасини билмайман. Мен сени бундан хабардорсан, деб ўйлабман-да, жиян. Қолаверса, сен у китобни ўқий олмасанг.

– Ўқийман, бова, ўқий оламан, – деди у таънаомуз.

Эсонбой жадаллаб уй томон жўнади. У аввал шу китобни қўлга киритиш керак, қолган ҳаммаси бекор. Ана шу китобда қолган иккита шартни ўқиб билиши мумкин.

4

Бирдан зимистон тун ойдинлаша бошлади. Эсонбой ручка-соатни фонар ёруғига солиб қаради: бешга яқинлашибди. Унинг ҳисобида яна икки соат вакт бор. Одам одамни тусмоллаб танийдиган пайт бўлган эди. Ўгай онани қандай уйғотишни ўйлар эди. Кўркиб уйгониб кетса яхши эмас, бақириши мумкин. Ҳовлига кирди-ю бирдан енгил торти: Ўгай она сахардан аллақандай калтакни олиб токзор томон бораётган экан. Эсонбой ўзини билдириш учун атайлаб йўталди. Ўгай она тўхтаб, Эсонбой эканлигини тусмоллаб билди, шекилли:

– Ҳа, бемахалда бундай юриш! – деди.

– Шундай бўлиб қолди, – деди Эсонбой унга яқин бориб. – Ўзингиз-чи! Тинчликми!

Ўгай она зорланган товушда жавоб қилди:

– Ҳамсоянинг кучуги гўштни олиб қочди, яшшамагур. Толга шамоллатиб кўйган эдим.

У боғ томонга юра бошлади.

– Энди қочиб кетди, нимасини кувасиз! – деди Эсонбой.

– Отангни турғизиб, отинг шу кучукни, дедим. Э, кўй, деди. Бир кило гўшт фалон сўм бўлса, – деди Ўгай она тўхтаб. – Бу кучук гўштни олиб қочаверса. Кеча

отанг гўштга деб олиб қўйилган юз сўм пулни кўчада тушириб колдирибди...

Эсонбой унинг гапини бўлди.

– Кўйларингиз кўп, сўйиб еяаверинглар-да.

– Э, ўша кўйларни сўйсак, укангни тўйини қандай қиласми. Тўйга оз чиким бўладими? Сенинг ахволинг бу бўлса. Ё укангни ўзинг уйлантирасанми? Эрта-индин армиядан келиб қолади.

Эсонбой шу пайтгача айтилган гапларни қайта эшишишни лозим топмади, сукут саклаб унга ён берган бўлди. Кейин Иноқ бовадан эшигнларини такрорлади.

– Момонгдан қолган китоб ёниб кетган, Эсонбой, – деди Ўгай она оғриниб. – Иноқ бова кўрган китоблар отамдан қолган. Пайғамбарларимиз ҳақидаги китоб эди. Кеча ўша туркман келган эди, китобни олиб кетди.

Эсонбойнинг ҳафсаласи пир бўлди, бокка караб кета бошлиди.

– Ҳа, қаёққа, ётмайсанми, – деди Ўгай она. – Ҳали барвакт?

– Калтакни менга беринг, мабодо кучук бўлса, қувлайман, – деди Эсонбой.

Ўгай она калтакни унга берар экан:

– Отангни ҳам уйғотай. Ёнғоққа ҳализамон жирқушлар келиб қолади. Қуш гўшти бўлса ҳам, ҳарнада, бир-иккитасини отсин. Гўшти кўп ширин-да жирқушнинг.

Эсонбой бош силкиб, унинг гапини маъқуллаган бўлди, сўнг боғ томон кетди. Уч қадам юргач, яна оркага қайди. Ўгай она уйга кирмай туриб, унга деди:

– Нима, энди кунларинг жирқушларга колдими? Кўйинглар-э.

– Жирқушнинг гўштини еб кўрганмисан ўзи? – деди Ўгай она. – Жуда ширин бўлади.

Эсонбой бир пайтлар, ҳали қишлоқ атрофи боғу чорбоғларга бой пайтлари, амакиси жирқуш отган. Ўшанда пишириб ейишганди. Ҳозир жирқушлар Кўҳитангда камёб бўлиб қолган. Бунинг устига у азалдан инсоннинг ризки эмас.

– Тиромоҳда жиркуш кўп учиб келади, – деб гапини давом қилди Ўгай она. – Энди бир неча кун отанг жиркуш овламаса бўлмайди. Юз сўм пул йўқолди. Ҳазилми? Бир ойлик гўштнинг пули эди-я.

«Э, ха, отаси амакисига бериб юборган пулни йўқотиб кўйдим, депти-да», – деб ўйлади Эсонбой.

Ўзларинг биласизлар, аммо бу ишларинг яхши эмас, – деди Эсонбой. «Ҳа, майли, отам уйғонгач, унга ўзим айтаман. Аммамнинг оғир ётганини ҳам кейин, кумуш ёнғокни кўлга киритгач айтарман» дея кўнглига тугди.

Ўгай она ҳеч нима демай, ичкари хонага кириб кетди.

Эсонбой боғ оралади, ўша бир туп бобоёнғок томон юрар экан, юраги қинидан чиккудай тез-тез ура бошлади. Бу ҳол то ёнғокнинг катта айри шохига чикиб, ўша, тепа қисмида турган кумуш ёнғокларни кўрмагунча давом этди. Кумуш ёнғоклар ҳали ҳам ғалати бир нур таратиб туради. Эсонбойда ғалати бир ўзгариш содир бўлди. У назарида сув шовиллашига ўхашаш бир куйни эшигандай бўлди, кўз ўнгида аввал лип этиб момосининг нурли қиёфаси пайдо бўлди. Кейин дили тўлиқди-ю ўзини кўз ёшдан тия олмади. Турган ерида кумуш ёнғокларнинг узиш шартларини эслай бошлади.

Инок чол шартлардан иккитасини айта олмади. Ана шу шартлардан бири – кумуш ёнғокни кўрган киши, уни то қўлга киритмагунча, ҳеч кимни бундан хабардор килмаслиги, сир сакламоги лозим. Бундан мақсад нима экан? Ҳа, айтайлик, Эсонбой бу сирни ҳаммага ёйганида, ким билади, канча киши бу ерга ёпирилиб келишини. Дўст-у душман бор, у дараҳтга чикиб олгунча қараб туришармиди? Йўғ-э, наҳотки унинг кишлоқда душмани бор? Бўлса бордир. Ким мен сенинг душманингман, деб рўпарасидан чикарди? Тўғрисини айтганда, у кишлоқдаги бирор одамни ўзининг душмани деб айта олмайди. Улар орасида яхшиси ҳам кўп, ёмони ҳам. Аммо унинг душмани борлигини билиши учун... улар билан ёнма-ён яшаб кўриш керак-да. Шаҳарда эса... унинг душмани – демагог бюрократлар, холос. У иш-

лайдиган системада бундайлар тикилиб ётибди. Мана, айтайлик, у Сурхонга сафар килишдан аввал йўл кирапарини олиши лозим эди. У идорасидан хужжатларини тўғрилаб, бухгалтерияга борди. Бухгалтер киз кўқимтири кўзларини лўк килиб, «пул бера олмайман. Буйрукда исм-шарифингиз Салямов эмас, Саломов деб ёзилган», – деди. Эсонбойнинг кўлида сафар хужжати бор эди, шунга асосан ҳам пул беришса бўларди. Бундан ташқари, институтда бўлак Салямов ёки Саломов йўқлигини шу қиз яхши биларди. Уни беш йилдан бери яхши танийди. Хуллас, у яна ўз идорасига қайтиб боришига тўғри келди. Оз эмас, кўп эмас, идора бухгалтериядан ўттиз чакирим нарида. Шаҳар катта, бино етиш маслигидан шундай қилинган. У идорага қайтиб бориб, машинистка қиз билан айтишди. Қиз бўлса: фамилиянгиз Салямов эмас, Саломов, ўзбек тилида шундай бўлади, деб туриб олди. «Бундан ташқари, – деди у, – нега хужжатларни бошқа тилда тўлғазасизлар?»

Эсонбой, паспортимда фамилиям шундай деб ёзилган бўлса, мен нима килай, деб тихирлик килиб туриб олди. Хуллас, ўша куни асаби бузилди. Самолётга ҳам кечикиб борди. Кейин, поездда кетишга мажбур бўлди. Мана, биргина бюрократликнинг зарари қанча қимматга тушди унга.

Эсонбой навбатдаги шартни эслади. Чол унга ёнғокни узишда ток пўстлоғидан – зангидан олиб, кўлга ўраш керак, деб айтди. Афтидан, кумуш ёнғок ҳам, женъшенъ ёки ув деган гиёҳ сингари заҳарли ёки электр-ток зарядига эга бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам эҳтиёткорлик зарар килмайди. Ток занги электр токини ўтказмаса керак. Нима учун хусусан ток занги экан? Афтидан, ўша даврда хавф-хатардан сакланиш учун факат ток занги маълум бўлгандир. Эҳтимол, ёнғок ўсган ерда токзор ҳам бўлишини назарда тутгандир. Нима бўлганда ҳам бу шартни бажармок керак, деб ўйлади Эсонбой. У дараҳтдан тушиб, токзорга ўтганида аллақандай товуш эшигандай бўлди. Хаёлига негадир гўштни олиб қочган ит келди, пуштадан кесак топиб кўйди. «Ўша кучук очдирки, бегона ҳовлига кириб,

гүшт олиб кочган, – деб ўйлади у. – Бўлмаса, ўзини хавф-хатарга кўйиб, ўғрилик килмаса керак. Яна ким билади, балки, шунчаки, ўғри кучукдир. Нима бўлганда ҳам, бу яхшилик аломати эмас».

Эсонбой ток пустлоғидан бир зримини шилиб, яна дарахтга чиқа бошлади. Чол айтган учинчи шартни дарахтнинг ярмига чиққанда эслади. Ҳа, кумуш ёнғокни узадиган кун аёл билан кўшилмаслик керак. Бунинг маънисини у энди тушунди: дарахтга чиқиш учун кўп куч-кувват керак. Хайрият, Ҳури сариқ уни бу ишдан сақлаб колди. Аслида у бутун зино қилиши мумкин эдик. Нафси заминини айтганда, у табиатан бегона аёлларга ўзини қурбон қиласиганлардан эмас эди. Фақат, қаттиқ ичган пайтларида, бу ишдан тап тортмасди. Лекин унга ичиш қайда дейсиз, маоши ҳаминкадар бўлса, бунинг устига ўқиб ёзадиган ишлари бошидан ошиб ётибди.

У энди тўртинчи шартни эслади. Кумуш ёнғокларни узган киши уни тановул қилишга ҳакки йўқ. Бу, бўзчи белбоққа ёлчимапти, дегани эмасмикан? Э, йўқ. Бу ерда бошқа гап бор. Эсонбой бу ёнғокларда биотокми, аллақандай нурми, бўлса керак, деб ўйлади. Киши ёнғок узган чоғида анча-мунча нурланиши мумкин. Бўлмаса нега ёнғокларни ток пустлоғи ёрдамида узиш керак? Бундан ташқари, ёнғокни факат шахсий манфаат йўлида ишлатмаслик назарда тутилгандир. Нима бўлганда ҳам жуда пухта ўйланган бу шартлар. Эсонбой ёнғокка эга бўлса, у аввало фан учун ўрганишни максад килиб кўйган. Фан учун дегани – ҳалқ учун дегани. У Эски Жўвадаги дориворлар сотадиган саводгар эмас, ахир. Лекин ... масаланинг бошка бир томони бор. Айтайлик у мабодо ракка ёки бошка дардга дучор бўлганида, шу ёнғок ўша дардга даво деб топилса, қараб турармиди? Албатта ер эди. Аммо унда, касал бўлганида, бу дарахтга чиқа олмасди-да. Бу ерда ўша ёнғок эгаси ёнғокни узгунича нурланиши ҳисобга олинган, чоғи.

Нима бўлишидан қатъи назар, ҳозир бу шартга амал қилиши аник. Ҳуллас, у ўзини мана шу тўрт шартга тайёр эканлигини чин дилдан ҳис қилди. Аммо, мо-

мосининг айтишича, китобдаги шартлар бешта эди. Охиргиси кандай шарт экан? Эсонбой эслашга уринди, аммо эслай олмади. «Бу шартни ҳеч ким билмайди, Иноқ бова ҳам. Шу шартни билмасам нима кипти», деб ўйлади у. Эсонбой энди дарахт тепасига тирмашиб чиба бошлади. Шамол эсди. Ёнғокнинг баҳайбат, йўғон шохлари гувиллаб кетди.

Эсонбой бир зум тепага, кумуш ёнғоклар сари қаради. Улар ўз жойида секингина тебраниб туришибди. Эсонбой энди аввалгидек юраги ёрилар даражада кувонгани йўқ. Шамол унинг димогига бир ёкимсиз хид келтирди-ю бурнини жийирди. Кавакдан захарли дори – дуст ҳиди келди. Кейин, Ўгай она тайинлаган гапни эслади.

– Хушёр бўлгин, кавак-павакда илон бўлмасин, тагин, – деган эди Ўгай она кеча Эсонбойнинг ёнғокка чикканини кўриб. – Ёз кунлари катта бир илон кечаси билан кариллаб чикарди. Бахорда уканг кавакка икки сатил дуст сепган эди, жимиб колди. Дустнинг исига чидамай кетиб қолдимикин?

Эсонбой кавакнинг тиркишидан қаради. Дуст ёнғока ҳам таъсир килган шекилли, икки-уч шохлари куриб колибди.

У қора терга ботди. Суяклари кизиб кетаётгандай бўлди. Ҳудди жоду қилинаётган кишидек ваҳима билан ёнғокларга тикилди. «Ҳар юз йилда бир марта бунёд бўладиган кумуш ёнғоклар бу! Ҳар юз йилда-я! Эҳтимол, улар ракка даводир. Эҳтимол, ичишга муккасидан кетган кишини бу йўлдан кайтарар ёки мияси шикаст топганлар учун жуда маъкулдир. Қайси бир табибнинг айтишича, қайси ўсимлик меваси инсоннинг бирор аъзосига ўхшаса, ўшанга даво эмиш. Ёнғок мағзи мияга ўхшамайдими? Кумуш ёнғокни кўлга киритган киши истаган орзусига етармиш. Бу ахир эртакка ўхшайди-ку». Эсонбойнинг хаёлидан шулар кечди. Эсонбой-чи, Эсонбой, у нимани орзу килади? Ахир, унинг орзуши битта эмас-да! У ҳудди Лукмони Ҳакимдек гиёхлар, ўсимликлар тилига тушунадиган бўлиб колса. Бу унинг болаликдаги орзуси. Кейингилари эса... кўп. У

отасига ёлғон гапирмаса. Шаҳарда унга уй-жой бериб колишиса. Булар тагин унинг орзулари. Дўстлариникичи? «Ҳозир, мана шу тобда, Эмин, Амма, Амакижон, ҳамма-ҳаммаларинг ёнимда бўлсаларинг, эҳтимол, биргаликда ўз орзуларимиз, дарду ҳасратларимизни мана шу кумуш ёнғокларга айтармидик. Ҳеч қиси йўқ, бу кумуш ёнғокларни узиб олсан, ўзим олдиларингта элтаман».

Эсонбой ҳамон кумуш ёнғоклардан кўзларини узмасди.

У бутун дикқатини жамлаб, яна юкори томон жилди. Аммо қизифи шундаки, у қанча юкори кўтарилилмасин, ёнғоқ билан унинг орасидаги масофа қискармасди. «Корним халақит беряпти», – деб ўйлади у.

У яна юкорига – кумуш ёнғоклар томонга тирмашиб чиқа бошлади. Бу сафар шиҷоати тез, қарори қатъий эди.

Ниҳоят, у охирги, билакдек келадиган шохга чиқди. Кумуш ёнғокларга энди жудаям яқин қолди. Лекин Эсонбой шошмай яна бир оз тин олди. Кумуш ёнғоклар хира ёғдуланиб турарди. Унинг кўнглига ғулғула тушди. «Ие, нариги шоҳдаги қора нарса нима бўлдийкан? Э, бу жирқуш-ку. Нега у чўчимасдан бундай турибди?» Эсонбой тагин кўзларини кумуш ёнғокларга тикиди. Шу кўйи яна баландга интилди. Мана, ўша кумуш ёнғоклар! Ҳозир улар Эсонбойнинг кўлида бўлади. У ёнғокларга кўл узатишдан аввал томчи ташлаган осмонга, кейин кунботар томонга тикилди. Назарида, уfk томонда момосининг ғира-шира сиймоси кўрина бошлади. У кўлида ўша таниш жилдлик китобни кўтариб келар эди. Ана у Эсонбойга охирги шартни эшишиб ол, болам, дегандек, кўлларини кўтарди. Аммо, Эсонбой буни кутмади. Шунинг учун ҳам момосининг «Болам, ёнғокни узар кунинг уйингда милтиқ сақлама, бешинчи шарт шу», деганини эшишиб улгурмади. У шоҳди. Мана, унинг кўллари кумуш ёнғокларга тегди. Тегди-ю... бирдан... кўзларидан учкун сачрагандай бўлди...

... Худди шу пайт Ота жирқуш овлап учун боққа чиқкан, уч юз кадам наридан туриб, ёнғокка кўнган катта жирқушга қараб, милтиқдан ўқ узган эди.

... Эсонбой ёнғоқларни ушлаган күйи, күлларини силкита бошлади, назарида у энди қанот чикариб учеб кетаётгандек эди.

1986 йил.

ЖАЗО

1

У тогорага навбатдаги кирни – коржомани солмокчи эди, бир нарса жаранглагандай бўлди. Коржома чўнтакларини кавлаган эди, биридан иккита қадимий пошишойи танга чиқди. Аёл энтикиб кетди. Наҳотки тилла бўлса? Ҳеч ишонгиси келмади. Кафтига олиб яхшилаб қаради. Кейин тишлаб кўрди. Ҳақиқий тилла га ўхшайди. Аёл бир пайтлар – Довулкўрғон атрофида мол бокиб юрганда худди шуларга ўхшаш бир неча танга топиб олганини эслади. Уйидаги бешик, омборхонадаги кетмон, сомонхонадаги ўрок ўша тиллаларнинг бадалига келган. Раҳматли онаси узогини ўйлаб иш тутган экан. Тангаларнинг пулига бешала қизига бешик, кетмон ва ўрок олиб берган эди...

Аёл хали-ҳануз қувонч аралаш таажжубда; тилла танга деган нарса дуч келган жойда ётаверар эканда? У коржомани авайлаб кўлига олди. Коржома одмигина, кора сатиндан тикилган, унчаям эски эмас. Марҳум эри пенсияга чикканида, мактаб маъмурияти бир радиоприёмнинг-у мана шу коржомани совға қилган. Радиоприёмник-ку, хўп майли, лекин, коржома беришгани нимаси, деб хайрон бўлган эди аёл. Эри бунинг боисини унга яхшилаб тушунтирган. Эри – Эргаш кунда (марҳумнинг лакаби шунаقا эди, бўш вакт топди дегунча, кунда кавларди) аслида мактаб қоровули бўлса ҳам, эгнидан коржома тушмаган. Унинг меҳнати туфайли мактаб бояи хўп обод эди. Коржома Эргаш кунданинг ана шу хизматини бир карра эслаш, ҳурматлаш маъносида берилган. Бугун ана шу коржома омборхонанинг бир чеккасидан чиқиб қолди. Уни ювгани олиб

чиқса, мана шу тангалар. Аёлнинг боши котди – тангалар каердан келиб қолди экан? У ниҳоят коржомани ювіб бўлди-да, дорга ёйиб қўйди.

Тангалар кунбўйи аёлнинг чўнтағида юрди – кўл тегди дегунча, уни гумонлар гирдобига тортади. У фақат бир нарсани эслай бошлайди: эри бу коржомани сўнгги марта Ойхол бид-биникига кийиб борган, кейин, эри у ердан тирик қайтмаган, уни илон чакиб ўлдирган. Аёлнинг билгани шу. Тангаларни ўша ердан топганми ёки бошка ердан – унга коронғи. «Энди буни сенга нима қизиги бор, Майрам қўшмижжа, – деб ўз-ўзига сўйлади аёл, – эринг тирик бўлса эканки, ундан сўраб билсанг?»

Кийим кечга бориб қуриди. Аёл унга дазмол босар экан, хаёли ҳалиям тангалар билан банд эди. Агар тангалар эрига тегишли бўлса, нега у айтмаган. Игна топса ҳам ундан беситмас эди-ку? Аёл ана шунга ҳайрон эди.

У тангаларни яна коржоманинг чўнтағига солиб қўйди. Яхиси, шу ерда туратурсин. Унга ҳозир зариллиги йўқ. Тишлари бутун, худди маржондай терилган бўлса. Сотай деса, рўзгори бут, ўғли ишлайди, ўзи ишлайди, иккаласининг топган-тутгани ўзларига бемалол етади.

Хуллас, Майрам қўшмижжа коржомани сандиққа жойлади-ю, кўнгли сал-пал хотиржам бўлди.

Эртаси куни Ойхол бид-бид келди. Майрам қўшмижжа ҳайрон: нечук бу бетавфик уни йўклаб қолди экан? Эри ўлгандан бери келмас эди – ё ўзини озроқ бўлса ҳам айбдор деб билганданми, ё иши тушганиданми, буниси унга коронғи.

Ойхол бид-бид ҳовлиқиб янгиликни айтди. Онаси Банот мошиначининг кизи Барфинга бир йигит совчи қўяётган эмиш. Банот мошиначи Майрам қўшмижжани маслаҳатга айттириб юборибди. Майрам қўшмижжа уни тинглаган бўлиб, кўрпасини қавиб ўтираверди. Ойхол бид-бид нимани гапирди-нимани гапирмади, иши бўлгани йўқ. Тинглагаб ҳам нима қиласи, ўша Ойхол бид-бид-да (ўз номи билан бид-бид-да!). Минг йил яшаса ҳам ўзгармайдиган! Йўғ-э, ана унда ҳам ўзгариш бор –

оғзини түлдириб тилла тиш күйдиребиди. Унга кутлуғ бўлсин демасанг, ҳали-бери кетмайди шекилли.

– Э-ҳа, тилла тиш муборак!

– Ҳа, раҳмат... Ўлиб бўлдим, бу тишларни күйдиргунимча. Ёмон дўхтирга тушган эканман, тоза азобими ни берди.

– Тоза тилла экан.

– Тозасини топмай кўйдираманми?!

Майрам кўшмижжа ҳайрон бўлди; қизил тилладан тиш кўйишмас эди-ку. Каердан топди экан. Шу пайт коржомадан топилган қизил тилла тангалар лоп этиб эсига тушди. Шошма-чи, Ойхол бил-бид худди шундай тангалардан тиш кўйдирган эмасмикан...

Ойхол бил-бид кетгач, сандикдан тангаларни олиб, синчиклаб кўздан кечирди. Қизик, унинг тишлари худди шундай тангалардан килинган. Бу ёсуман бир сирни билади ўзи.

Аёлнинг кўнглига ғулғула тушди. Аввалига ўзини карғаб олди – нимага ўша Ойхол бил-бидникига эри ни юборди? Ахир уни кўярда-кўймай ўзи юборган эди да. Эсида: Эргаш кунда ўша ҳовлида роппа-роса бир хафта кунда кавлади. Бу бир хафтанинг ичидаги худо билади нималар бўлганини? Эҳтимол, ўшанда эри мана шу ёсуманга тилла тангаларни элтиб бергандир, шу билан унинг кўнглини овлагандир. Мана бу иккитани кейинги сафарга олиб кўйгандир. Ҳар ҳолда кари қиз бўлса ҳам, қиз номи бор. Бунинг устига у қиз эмас, нақ шайтоннинг ўзи-ку, эрини йўлдан оздирган бўлса, ажаб эмас. Ҳар ҳолда у бу дунёдан ҳур бўлиб ўтмокчи эмасдир. Эри аввалига кўнмаган бўлса, «Ҳа, Эргаш ака, хотинингизни ҳам унча фаришта деб ўйлайверманг. Бир аёлнинг макри кирқ эшакка юқ бўлади», деган бўлсанчи? Эҳтимол, у Эргаш кундага Майрам кўшмижжанинг хеч ким билмаган сирини очгандир. Ахир Майрам кўшмижжанинг бу ёсуманинг олдида тили қисик-ку. Шунинг учун ундан кўркади.

Ўшанда улар девор-дармиён кўшни эдилар. Урушнинг учинчи йили. Очарчилик, Майрам кўшмижжа ўша куни одатдагидек, бир ҳовуч буғдой қўғирмочни пастак

устига сочиб юборди. Шундай килмаса, болалар бир-пасда еб бўлишиб, яна сўрашади. Омборхонада бошка хеч вақо йўқ. Ўйлаб-ўйлаб, ўша оқшом гунг тегирмончининг уйига борди. Бундай пайтда тегирмончидан бошка ким ҳам ўзидан орттириб бирор нарса саклай олади. Гунг бева эди, бир йил бурун хотини ўлган бўлиб, икки ўғли урушда. У Майрам қўшмижжани ахволини тушунди – бир чакса унни аямади. Иккинчи мартасига ҳам йўқ демади. Кейинги гал эса, уйингга ўзим элтиб бераман, деган имо-ишорани қилди. Майрам қўшмижжа буни тушунди. На илож – икки боласининг уволига қолмай деди, бир-икки марта гунгнинг кучоfigа кирди. Ёниклик қозон ёниклигича қоларди-ю, лекин у гунгдан иккикат бўлиб қолган экан. Ҳомилани йўқотиш учун тандирга кириб кўрди, оғир юк кўтариб кўрди – пушти бақувват экан, нафи бўлмади. Бола беш ойлик бўлганида, боғ этагидаги дараҳтдан ўрик тераётиб, пастга учиб кетди. Ўшанда ҳомиласи тупди. У бир парча этни ок сурпга ўраб чукурга эндиғина кўммоқчи бўлиб турганида мана шу Ойхол бид-бид келиб қолган эди... Майрам қўшмижжа унга ялинди. «Мени рози килсанг, сир шу ерда колади», деди Ойхол бид-бид.

Майрам қўшмижжа унга нима ҳам берарди – уйига сигир кирса, шохига илгудек нарсаси йўқ. Шунда Ойхол бид-бид уй тўридаги ўймакор сандикни сўради. Бу сандик раҳматли отасидан қолган эди. Нима қилсин, бўйнида иллати борнинг сёғи калтирайди. Ҳар томонни ўйлаб, сандикдан воз кечди. Эри урушдан кайтгач, сандикни сўраган эди, уни буғдойга алмаштиридим, деб айтди. Ойхол бид-бид бўлса, кунда-шунда. Майрам қўшмижжа юрагини ҳовучлаб яшади. Кейинги туғилган икки боласи ҳам турмади. Майрам қўшмижжа шуни баҳона қилиб, эрига «бу ерда кўзимга ҳар бало кўринадиган бўлиб қолди, бошка ерга кўчайлик», деди. Факат шу йўл билангина Ойхол бид-биддан узоклашмокчи эди. Эри қишлоқ юкорисида бўшаб қолган ҳовлилардан бирини қишлоқ Советидан сўраб олди. Урушдан кейин бундай ҳовлилар кўплаб топи-

ларди. Улар ташлаб чиққач, ҳовлига Ойхол бид-бид ёпишиб олди. Шунда ҳам Майрам қўшмижжа йўқ, дея олмади. Майрам қўшмижжа кўчиб кетган бўлса ҳам, Ойхол бид-бид унивидан оёғини узмади. Факат Эргаш кунда ўлгандан бери келмас эди. Мана, бугун у келиб кетди-ю, Майрам қўшмижжанинг яна тинчи бузилди. «Шумоёқ», деб қарғади у Ойхол бид-бидни. Майрам қўшмижжа тилла тангаларни кафтига олган кўйи фаромуш ўтиради. Улар энди кўзига худди лахча чўғдек кўринди. Эти куйгандек сесканди. Тангаларни кайта жойига кўйиб, ҳовлига чиқди. Лойсупага ўтириб, туғданага тикилди. Кўнглида эса бир дунё гаплар. Туғдана одам бўлсаки, уни тингласа, тинглаб унга далда берса. Одамзод шундай бир жумбоқ экан-да. Мана эри. Ўттиз йил бир ёстикка бош кўйиб яшабди-ю, унинг тилласи борлигини, кўнглида нима гап яширганлигини билмапти. Яна ким билади, балки Эргаш кунда бир ҳафтада ўша манжалаки билан оғиз-бурун ўпишиб ҳам юргандир. Эри олтмишни коралаган бўлса ҳам, бақувват эркак эди. Эркак зотига ишониб бўларканми? Йўқ, бекор гап, у ишонар эди, ишониб келган эди, агар мана шу тилла тангалар топилмаганда, бу дунёдан бир умр ишониб ўтар эди. У ўшандай бўлгани яхши эди. Эри-ку, ўлиб кетди, азобга колган – у.

Лекин унга алам қилгани – эрининг тилла тангаларни бекитиб юрганлиги бўлди. «Балки менга айтмоқка фурсати бўлмай, кейин ёдидан кўтарилигандир», деб ўйлади у. Лекин бу тахминдан кўнгли жойига тушмади, «Топган нарсаси игна эмас-ку, ёдидан чиқса», деб куйинарди у.

Кеч кирди. Куёш ботиб, ой чиқди. Майрам қўшмижжа ўғли ишдан келганда ҳам бир ҳолатда эди. Ўғли овқат устида қишлоқ йўлидан жигибийрон бўлиб гапирди:

– Э, бу Маржоннинг йўли... Бу йўлда танка чидаш бермаса керак. Йўқса, бир йилда икки рессорни синдираманми!

Майрам қўшмижжа одатда бундай пайтларда ўғлига «Ҳа, энди, ўғлим, ҳамма хўжалик ҳам сизнинг Тузко-

нингиздек саранжом-сариштали эмас», деганга ўхшаш жавоб килган бўлар эди.

Онасидан садо чикмагач, Нусрат сал ажабланди, кейин унинг юзидаги изтироб изини кўриб, ҳушёр тортди.

– Бирор ерингиз оғриётганга ўхшайди, – деди синчковлик билан.

Майрам қўшмижжа уни тинчитмокчи бўлиб:

– Э, бу шунчаки бош оғриқ, – деди. – Ҳозир ўтади-кетади.

Нусрат барибир ҳовликиб кетди, овқатини апилтапил еб олди-ю, кейин бошига чийбахмал кепкасини бостириб, кўчага чиқди.

У ўғлининг шу тобда қаерга боришини яхши билади. Майрам қўшмижжа бирор ери оғриса, ё юраги сиқилса, Мерган момонинг гурунгини эшитса кифоя – ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетади. «Лекин бу гал... бу галги оғриқ бошқача, ўғлим, – деди аёл ўзича хўрсиниб. – Сен буни билсанг эди. Йўқ, билишингни истамайман, жон болам».

Нусрат уни узоқ куттириб қўймади. Дарров қайтди.

– Мерган момо уйида йўқ экан, – деди у. – Лекин эртага келиши аник.

2

Мерган момо Майрам қўшмижжа кир юваётган куни келган эди. У ҳовлига бир бош сукди-ю, дарҳол кайтиб кетди. Уй эгаси дарвозахона йўлагида ўтирган бўлса ҳам, уни кўрмай қолди. Агар у кўчага тескари ўтирганда ҳам, кампирни пайқаши даргумон эди. Кампир Майрам қўшмижжа орқасидан келди, унинг коржомани тizzасига олиб, хаёлга берилганини кўрди-ю, «бечора чарчабди-да, бирпас у билан гурнг килайин», деб яқинига борди. Унинг кўзи дафътан Майрам қўшмижжанинг кафтидаги тилла тангаларга тушиб қолди. (Бундай тангаларни билиш унга чўт эмас, қулок қилингандарнинг уйларини тафтиш қилишда у фаол бўлган, канча-канча хазиналарни ўз қўли билан

санаб топширган). Кампир диндор бўлмаса ҳам, иримсирикни, урф-одатни ўрнига қўядиганлардан эди. У Майрам қўшмижжанинг қўлидагиларни кўриб, «Эргаш кундадан колган тангаларни санаятиёв, хира пашша бўлмайин», деб орқасига қайтди.

У тўғри сойга борди. Бир арикча сув оқиб ётган катта сой ўзанидан қизиган тош қидирди. Кампирнинг ўн яшар невараси ичкетди бўлган. Иссик тош шунга кепрак. Лекин мурутак мевасидан зўри йўқ. Кампир аслида Майрам қўшмижжадан ана шу камчил мевани сўрамоқчи эди. «Эрта-мертан сўрарман ундан, – деб ўйлади у. – Бугунча иссиқ тош элтай...» Лекин сойда қаттиқ қизиган тош йўқ эди, кун энди илиқ, куз кириб колган эди. Шундай бўлса ҳам, кампир ялпок тош кўтариб, ҳовлига қайтди. У турадиган ҳовли кенгмўлгина, бир чеккасида катта ўғли, қарама-қарпти томонда кичик ўғли уй қурган. Лекин кампирнинг кўнглига қишлоқда урф бўлиб кетган бундай чорхонали уйлар ёкмайди. Ичкари хоналарга кирса, ўтириб колган ҳавосидан нафаси қайтади. Унга эридан қолган икки хонали уй тузук. Уйнинг бир хонаси даҳлиз, иккинчиси ётоқ, айни пайтда меҳмонхона. «Қайсинг кўргинг келса, мана шу кулбай-каъбамга борарсан. Аnavи «плон»ингга кириб юрмайман», деб ўғилларига тайинлаб кўйган.

Невараси кампирнинг «кулбай-каъба»сига ўрганиб колган. Агар кампирникида ойни тўлдириб тунаса, «коровул»лик маошини олади, бўлмаса йўқ. Бундай коровулликка неваралар жон-жон деб келишарди. Бу сафар навбатдаги коровулнинг мазаси қочиб қолди.

Кампир тошни даҳлиздаги газга қўйиб, қўл куяр-куймас қилиб қизитди. Кейин неварасини ҳол-жонига қўймай, тўшакдан турғазди-да, иштонини ечинтириб тош устига ўтиргизди. Аввалига бола кўнмаган эди, кампир коровуллик ҳакини сал оширишга ваъда берди.

Мерган момонинг ичкетдини даволаш усули шу. Аввалига иссиқ тошга ўтиргизади. Тош, айникса, куёпда қизигани ичак намини сўради. Талқон ични яхшилайди.

Кампирнинг қорни очган эди. Газга мис чойнакни қўйиб, сув қайнатди, суви кочган нон ивитиб еди,

новвот шимиди. Кампир икки ўғлининг қарамоғида бўлганидан, ўзининг уйидага қозон осмасди. Иккала келини навбат билан ойма-ой карайди. У ҳеч қайси келинига «уни қилиб бер, буни қилиб бер» демайди. Нимаики юборишса, борига шукур килади. Лекин бугун овқатланиш вақти ўтган бўлса ҳам йўқлашмади. У баъзиларга ўхшаб нафс учун жанжал чиқармайди. Бундан бўлагига қайтиш йўқ. «Ҳай, майли, эсларидан чиқкан бўлсан, чиққандирман, мана нон, чой бор», ўзини овутди кампир.

Невараси «бўлди энди» деб хархаша қила бошлади. Кампир ичкетди бўлганлар касалхонага тушса, кирк кунсиз чиқмаслигини, агар айтганини килмаса, дўхтири чакиришини айтиб, кўркитди.

Бир маҳал ховлидан бақир-чакир эшилди. Кампирнинг юраги сиқилди. Дераза рафиға кўл тираб ховлига каради. Гужум тагида катта келини Анорхол чўнқайиб йиглаяпти. Ундан сал нарироғда кўшнилари Неъмат ака. Кудуқдан сув олгани чиқкан шекилли, ёнида икки сатил бор. Кудук ёнидаги харсангтошда кампирнинг катта ўғли Холмирза ўтирибди. Қўлида катта ошпичоқ.

– Йўқол кўзимдан, бўлмаса пичоқлайман! – деб бақирди у хотинига.

Кампир ховлига чиққанида, ўғли воқеани бир бошдан Неъмат акага тушунтираётган эди.

– Яхшими, ёмонми, бир қари онам бор, – деди у бўғилиб. – Унга овқат бер десам, гап қайтаради.

Кампир ўзи туфайли жанжал чиққанидан эзилиб кетди. Эшишмаганга солиб, ёнғок тагига ўтди. У ерда хазон титиб, чумчук туширган ёнғокларни терди. Шу баҳонада гап тинглаб ўтириди.

– Онасига энди овқат юбормоқчи эдим, – деди Анорхол Неъмат акага караб. – Бу сафар балки айб мендан ўтгандир. Лекин ўзининг айби йўқми? Бир сўранг. Якинда отам келган эди. У киши ойда-йилда келади. Шунда ҳам отамни турткилаб жўнатади. Ахир у отамни беоббрў килиб жўнатса, менга ҳам оғир ботади. Айтаверсам, гап кўп... Зикналигини-ку, қўяверинг. Якинда

магазиндан ярим кило чой олиб келган эдим. «Уйда бор эди, нега олдинг?» деб мени роса ҳакорат қилди. Ўша чойни, ана, Қўзивой аканинг хотинига сотиб, олиб келдим. Бу киши бир тийиннинг устига талашади. Хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ, кийишга эгнимдагидан бўлак кўйлагим йўқ. Кўйлак олай десам, пул бермайди. Ўғил болаларнинг кўйлак-иштонига ямок солса бўлар, лекин кизларга тўғри келмайди. Уларга кийим-кечак олай десам, алдагани алдаган.

— Йўкол кўзимдан! – деб бақирди Холмирза.

Анорхол Неъмат акага ёлвора бошлади.

— Қўшнижон, у кишига айтинг, ҳеч бўлмаса, болаларимнинг нафақасини ўзимга берсин. Майли, ойлиги ҳам, бошкаси ҳам керак эмас.

У гапдан тинди-да, кўз ёшини рўмолининг учи билан арта-арта уйига кириб кетди.

— Келинни кўп қийнаманг, ҳамсоя, – деди Неъмат aka насиҳатомуз.

Холмирза ҳам ўз дардини ёрди.

— Бу хотиннинг шариги ишламайди ўзи. Ўн иккита болани бокиши ҳазил гапми? Хабарингиз бор, бунинг устига икки қизим ҳам иккита боласи билан уйимга келиб ўтирибди.

Бултур Холмирзанинг икки куёви мотоциклда тўйдан қайтаётib, гараждан чиқаётган машинага урилган. Улардан бири шу захотиёқ ўлди. Иккинчиси тирик колган бўлса ҳам, айбдор экан, камалиб кетди. Эгачисингил болаларини эргаштириб, отасиникига қайтиб келишди.

Холмирза Неъмат акага ойликнинг бир кисми машинасининг эҳтиёт қисмларига кетаётганлигидан шикоят қилди.

— Ўғилчалар катта бўлишяпти, оз-моз пул йиғмасак бўлмайди. Бу хотин бўлса, фақат, бугунни ўйлади, – деди у ковоғини солиб.

Кампир ўғлининг бундан кейин яна нималар де-йишини яхши билади, шунинг учун унинг қолган гапларига қулоқ солмади. Кайфияти бузилиб, уйга кирди. Қариган чоғида оёғини узатиб, ҳузур-ҳаловатда

яшаса экан. Қачон қарама, бу ховлида уриш-жанжал. Ким билади, ҳали, вакти-соати келиб қазо қылса, ўғил-келинлари хурматини ўрнига қўйиб кўмишармикан. Ҳеч бўлмаса, Жарқин момодай килиб.

Бир хафта бурун у мозор бошига чикқанди. Чолининг қабрига бора туриб, Жарқин момонинг қабрига кўзи тушди. Ўғил-қизлари унинг қабрига кора мармар кўйишибди. Кампир ичидан зил кетди. Попук қанд, сакич пуллаб юрадиган кампиргага шунча обрў, шунча иззат! Нима, унга, Мерган момога, кимсан, районда биринчи тракторчи бўлган аёлга, комсомолга биринчи бўлиб кирган одамга мармар кўйишса, арзимаптими? Одамлар айб қилмайдими; ўша олиб-сотарга мармар топилибди-ю, нонини ҳалол қилиб еган Мерган момо хор бўлиб ётибди, деб. Кейин ҳакиқатга ким ҳам ишонарди.

Мерган момо Жарқин момо билан кўп тортишарди. Мерган момо унга «сен зааркунандасан, болаларингни ҳам шундай ўстирдинг, – дерди. – Ҳукуматнинг бағри кенг экан, ҳалиям сенларни турмага ташламай кўйибди». «Ўзинг ҳукуматга нима иш қилиб бердинг? – дерди Жарқин кампир. – Сен бир тирактири ҳайдаб, шаҳар олиб бердингми? Ё шохинг чиқдими?.. Мени болаларимга нима қипти. Бири буфетчи, иккинчиси омборчи. Сенинг болаларингга ўҳшаб, шалок машина миhib юришсинми? Э, ундан кўра қўқон арава тузук...»

Ана шу Жарқин кампирнинг маъракасини ўғиллари тўйдай қилиб ўтказди. Неча марта қозон осилиб, қанча кўй сўйилди. Айтишларича уни дағн этган куни, йиртишнинг ўзигагина уч минг сўм тарқатилибди. Пул бор отасига икки марта йил оши беради, дейдилар. Кампир ўғилларидан, келинларидан хафа бўлиб кетди. Булар бўлса, кунини жанжал билан ўтказишади. Ҳатто, унинг ўлимлигига йиккан пулига ҳам кўз олайтиришдан тойишмайди-ку...

Кампир оладиган олтмиш сўм нафақасининг бир кисмини ўлимликка йигади, қолгани невараларини. Қани энди, ҳазина топиб олса. Кампир ҳазинага эга бўлгач, ўлими олдидан шундай васият киларди:

Манави тангаларнинг бир кисми Холмирзага, фарзанди кўп, иккинчи кисми, сал озроғи, Каримбойга. Мендан энди рози бўлинглар, дейди. Ана кейин, ўғиллари, айниқса, келинлари унга кўнглидагидек хизмат қилмаганларидан, жеркиб-сўкишлардан кўп пушаймон бўлишади. Улар кампирнинг олдига кетмакет киришиб, кўз ёши қилишади, кечирим сўрашади. Мерган кампир бўлса, «майли, болаларим, мендан рози бўлинглар», дейди. Кейин кўнглини тўқ қилиб, гўрида тинч ётади. Ўғиллари унинг қабрига катта мармар топ ҳам ўрнатишса ажаб эмас. Ўтган-кетганлар эса, мармар лавхада шу сўзларни ўқиб ўтишади: «Хурматли онамиз ва момомиз Норғулга ўғилларидан, келинлари ва невараларидан». Одамлар балки Норғул кампирни унча билишмас, яхиси унинг лақаби билан – Мерган момо деб ёзишгани тузукдир. Мерган момо деб ёзишса, э, ха, ҳалиги кампирми, дейишади-да. Кейин у ҳақдаги ҳикояни бири иккинчисига айтиб беради. «Ана шу кампир, – дейди ўша киши, – ўн уч яшарлигига эрга теккан. Нима ҳам бўлиб, эри мардикорликка олиниб, кайтиб қелмаган. Бу орада қайноаси ҳам ўлган. Қайнота билан келин иккови қолган. Келинчак қайнотасини ташлаб кетай деса, кўзи қиймайди. Кейин у ёш боши билан қайнотасига хотин излаб топади. Қайноаси ўғиллик бўлади. Бола ўн еттига кирганда, ўттизга кирган келинчак унга тегиб олади. Шунинг учун ҳам бу келинчакни одамлар, қайнотасига хотин олиб бериб, узоқни кўзлаб иш туттган экан, дейишиб, отини Мерган келин деб атасибди. Ўша келин, мана шу ерда ётган Мерган – кампир-да!»

Мерган кампир Майрам қўшмижжанинг тилла тангаларини қандай бўлмасин қўлга киритишга аҳд килди.

Кампир Майрам қўшмижжаникига бир кун ўтказиб борадиган бўлди. Нусрат келиб кетган куннинг эртасиёқ бормоқчи эди, катта келини Анорхол кўрпаликка мағиз тикиб беринг, деб тикилинч килди. Кампир эса: «Нусратнинг онаси чақирибди, бир бориб келай деган эдим», деб гапни мужмал қилган эди, катта келин хафа бўлгандай бўлди: «Уларникига қадам бос-

мас эдингиз-ку, Майрам қўшмижжа бева бўлди-ю, сиз уникига серкатнов бўлиб қолдингиз. Ишқилиб, хазина-пазина топганингиз йўкми, у ерда?»

Аслида, Анорхолнинг ҳеч гапдан хабари йўқ, лекин бехосдан айтилган бу сўз кампирни довдиратиб кўйди. У, келини биров-яrimдан Эргаш кунда хазина топганингизни эшитганмикан, деб ўлади. Ё бўлмаса рост гапни яратганинг ўзи кўнглига согланмикан? Нима бўлса ҳам шу гапдан кейин гумон қилиб юргани чин бўлиб кўринди.

Катта келиннинг ҳайрон бўлиб гапиргани бежиз эмас. Мерган момо Эргаш кунда тириклигига Майрам қўшмижжани ойда-йилда йўкласа, йўкларди, бўлмаса йўқ. Негаки, Эргаш кунда билан гапи қовушмасди. Кайси бир йили хўжалик олмазоридан кизларга кандай килиб биринчи тракторчи бўлганини гапириб берадётган эди. Каердандир Эргаш кунда келиб қолди-да, «Хола, сиз кўпам мактанаверманг, сиздан ҳам бир пайтлар қинғирлик ўтган. Бошқа киши гапирса ярашади», деб унинг қитиқпатига тегди. Шу-шу кампир Майрам қўшмижжага: «Эринг ўзи ёмон эмас-да, лекин бетга чопарлиги ёмон», дерди. Кампирдан қинғирлик ўтган, буни асло яширмайди. Урушдан олдин мана шу Эргаш кунданинг амакиваччасини (касби-кори кўкчи эди) ўртаҳол бўлганига карамай, кулок килдириб юборган. Бунга бир оғиз сўз сабаб бўлган. Ўшанда Мерган Эргаш кунданинг амакисини йўлда учратиб: «Ҳорманг, Тўракул», деса, у кўрслик қилган. «Мен Тўракул эмас, Тўрабойман», деган. «Бой бўлсанг, кулок киламиз», деса, «Қўлингдан келганини қил», деган. Кампир унинг ана шу бир оғиз сўзи учун кулок килдириб юборган. Тўғри, унинг оти Тўракул эмас, Тўрабой эди. Мерган момо бунга эътибор ҳам қилгани йўқ. Лекин у киши бир оғиз гапдан колмади. Ажаб замонлар эди, ўша пайдада бир оғиз сўз билан инсон тақдирини ҳал килиш чўт эмас эди. Эргаш кунда мана шу гунохи учун кампирни ёқтирмас эди. Кампир барибир уни хурмат қиларди. Эргаш кунда ўлганида, Майрам қўшмижжанинг аламизтиробига шерик бўлган ҳам, иссиқ-совуғига қарашган

ҳам, ҳаммадан кўп хизматда бўлиб, керагича юпатган ҳам шу Мерган момо бўлди. Анорхол ана шуларни на- зарда тутаётган эди.

Мерган момо катта келиннинг раъйига қаради – кун- бўйи ўтириб пахта савади, кўрпасига мағиз тикиди, нима бўлса ҳам келинининг кўнглини олай деди. Шу иш мобайнида хаёлига бир ўй келди-ю, севиниб кетди. Майрам кўшмижжага хонаки гилам керак эмасмикан? Жуда керақдир-ов. Уйланаман, деб турган ўғли бор-ку. Рози бўлса, ана шу гиламни Мерган момо тўкиб беради. Гиламни унинг ховлисида тўқиса, олам гулистон. Тилла тангаларни кўлга киритишга ўнгай бўлади...

3

Майрам кўшмижжа кампирнинг ташрифидан севиниб кетди.

– Йўқлаттирган экансан, қизим, кеч бўлса ҳам бир хабар олай дедим, – деди Мерган момо.

Майрам кўшмижжа кўрпача тўшаб, кампирни тўрга ўтказди.

– Холажонимдан айланай, – деди у кулимсираб. – Сизни йўклаб бориш биздан лозим эди-ку.

Майрам кўшмижжа кампирга Ойхол бид-бид келиб, кўнглига шубҳа солиб кетганини айтмади. Факат шу кунларда бир оз юраги сиқилаётганлигидан шикоят қилди.

– Нусратни уйлантиргин-қўйгин-да, – деди Мерган момо. – Ёнингда келининг бўлса, юрагинг ҳам сиқилмайди. Кейин невара кўрсанг, зерикиш нималигини ҳам билмайсан.

Майрам кўшмижжанинг нияти ҳам аслида шундай эди. Лекин Нусрат «шошманг ҳали, онажон» деб нуқул пайсалга согани солган. Раҳматли отаси ҳам ўғлининг тарафини олиб, «Нусратнинг ўзига қўйиб бер, качон уйланаман, деб тикилинч килсагина рози бўл», деган. Ўғли якинда, отасининг йилидан сўнг, «тайёргарлик кўриб қўйинг» дегандай бўлди.

Мерган момо бу гапларни эшигандан сўнг, «Нус-

рат ҳартугул уйланадиган бўлибди-да», деб севинди.
Кейин:

– Шу ўғлингнинг тўйига атаб бир гилам тўқиб бер-
саммикан. Ўлиб кетсан, Мерган момомдан ёдгорлик
деб эслаб юрасизлар, – деди.

Кампирнинг товуши негадир титраб чиқди. Бун-
дан Майрам қўшмижжа таъсиrlаниб кетди. Мер-
ган момо аломат кампир-да! Одамнинг кўнглидагини
топиб гапиради. Тўй сепига хонаки гилам камлик
килиб турган эди. Айни муддао бўлди. Бунинг усти-
га, Мерган момо тўқиб берса. Кампир қишлоқнинг энг
зўр гиламдўзларидан бири эди. Энди эса, қаричилик,
кўнгли кетса, ойда-йилда бир тўқийди, бўлмаса йўқ.

Майрам қўшмижжа фурсатни бой бермай, ичка-
ридан калаваларни чиқариб кўрсатмокчи бўлди. Ле-
кин Мерган момо гапничувалатди. Уйида тинчлик
йўклигидан шикоят қилди. Невараларининг қий-чуви
бошини оғритиб ташлаган. Ўғли билан келини кунора
жанжаллашишмаса, куни ўтмайди.

– Сенга ваъда бердим-у, шунисини ўйламапман, –
деди Мерган кампир ух тортиб. – Нима қилай, шовқин-
суронга тобим йўқ – қон босимим бор. Бунакада
ҳовлида гилам тўқиб бўлармиди.

Майрам қўшмижжа кампирни қўлдан чиқармасликни
ўйлади. Мерган момо тўқийман деса, мана ҳовли, кенг-
гина, бир эмас, уч ўрмак сифади. Қолаверса, кампир шу
ерда тўқиса, унинг кўнгли ҳам ёзилади.

Кампир бу фикрни эшитиб, рози бўлди.

– Сен нима десанг, шу, – деди у. – Хохласанг, уйинг-
да ҳам қўрикчи, ҳам тўқувчи бўлиб ўтиравераман-да.

Орадан бир неча кун ўтгач, кампир ўрмак қўйди.
Майрам қўшмижжа ҳовли саҳнида қатим-қатим тор-
тилган ранг-баранг ипларни кўриб, баҳри-дили очилди,
киличнинг ўрмакка тўқ-тўқ урилиши қулогига ёқимли
куйдек эшитилди.

– Гиламга нақшнинг қайси хили бўлсин? – деб
сўради Мерган момо.

Майрам қўшмижжа «Иттовон» нақши ёқишини айт-
ди. Насиб бўлса, кампир тўқиб берадиган гилам келин-

нинг тортиқдорига қўйилади. Бу кампирнинг меҳнатига катта ҳурмат. Бу гапни эшитган Мерган момонинг юзига табассум ёйилди.

— Хўп, хўп, — деди момо. — «Иттовон»ни хоҳлаганинг, «келиним эрига итдай содик бўлсин» деганингда! Шундайми?

Майрам қўшмижжа кампирга «ҳа, шундай» деб кўяколди. Аммо бу фикр хаёлига ҳам келгани йўқ. Азбаройи бу гапни, шу нақшни ёқтиришидан айтди, холос. Кампир ҳалқи кўп кунжков келади, ҳар бир сўзингни жон қулоги билан тинглаб, мағзини чақади, шунга яраша жавоб излайди. Ажаб эмас, Майрам қўшмижжа ҳам қариганда, шундай бўлса. Шу Мерган кампирга ўхшаса кошки. Саксонни кораласаям, ҳалигача бу кампир ўтолов. Мана, бир неча кун бўлдики, Майрам қўшмижжа ишдан чарчаб келса, Мерган момо ҳовлини супуриб, овқат, чойгача тайёрлаб кўяди. «Ўзингизни бунча уринтируманг, момо» деса ҳам, кампир ўз билганидан колмайди. Баъзан, гурунг чўзилиб кетган кечалари шу ерда ётиб ҳам колади. Унинг бисотида кизик гаплар жуда кўп. Лекин ҳаммасини ҳам айтавермайди. Одатига кўра, кайси хонадонда меҳмон бўлса, ўша оиласага тегишилсисини топиб гапиради.

Кампир биринчи кунлари гапни Нусратдан бошлиди.

— Нусратбой, чалғи воқеаси ҳалиям эсингдами? — деб сўради у.

Нусрат «йўқ» дегандай бош чайқади.

— Эсингда йўқми? Йўғ-э!

У энди ўгирилиб, Майрам қўшмижжадан сўради:

— Майрам, катта қизингни узаттанингда Нусрат неччида эди? Ўн учдами?

Кампир чалғи воқеасини ҳикоя кила бошлиди. Марҳум чоли ўша тўйда кўнгли тусаб, дутор чалмоқчи бўлибди. Даврага чой ташиб юрган Нусратни чақириб, «Бизниги бориб кел! Холангта айтсанг чолғуни беради», деб тайинлабди. Нусрат уларнинг уйларига бориб, Мерган холага, «чалғини бераркансиз, амаким айтди», дебди. Мерган кампир ҳам ўйламай-нетмай чолғунинг

ўрнига чалгини бериб юборибди. Ўша куни чоли мулзам бўлиб, тўйдан эрта қайтиби-ю, кела солиб Мерган момони дўппослаб кетибди.

— Ўзимни урдирмаслик учун чолимга-ку кучим етарди, — деди Мерган момо. — Лекин индамадим. Ўзим гуноҳкор бўлганимдан кейин, калтакка ҳам чидадим. Нусрат-ку, болалик килиб, сўзнинг фаркини тушунмабди. Қиши куни чалғи чолга нимага керак бўлибди, деб мен фаросат килмайманми? Ажойиб чолим бор эди-да, жойи жаннатда бўлгур. Комсомолга кирганимда уришмаган, тракторчи бўлганимда гапирмаган чолим, бир марта фаросатсизлик килганимга роса адабимни берган. Шу-шу, бирор нима деса дарҳол гапнинг мағзини чақай дейман.

Нусрат кампирнинг бу гапларидан маза килиб кулади. Афтидан, унга ҳам Мерган момонинг гурунги ёкиб колган эди.

Лекин бир ҳафта ўтар-ўтмас, бузук теливизорни созлаш баҳонасида ўзини четга олди.

Чунки кампир ундан, нима учун уйланмай юрганигини сўрайвериб безор қилди. Қишлоқнинг хушрўй қизлари бегона ерларга тушиб кетаётганигини қайтакайта ташвишланиб айтди. Нусрат бўлса: «Бизга ҳам топилиб колар»дан нарига ўтмади.

— Шу ўғлинг жудаям уятчан-да, — деди бир куни Мерган момо Майрам қўшмижжага. — Шу томони отасига тортмабди. Эргаш кунда ёшлигидан аломат йигит эди. Буни мендан ҳам кўра сен яхшироқ биласан. Катта боғда сенга олма едириб юрганлари эсингдан чиқмагандир.

Кампир қурғурнинг билмаган нарсаси йўқ экан. У Майрам қўшмижжанинг қизлик пайтида Эргаш кунда билан Каттабоғда кучоқлашиб турганини кўрганлигини айтди. Майрам қўшмижжа ўша боғда Эргаш кунда билан бор-йўғи бир мартагина учрашган, холос. Майрам қўшмижжанинг эсида, ўшанда иккаласи районда олти ойлик муаллимлик курсини тутатиб келишаётган эди. Боғ қишлоқ йўли устида бўлиб, эртапишар тароқи олмаларга эндиғина маза кирганди. Улар чанқовни босиш

учун бокка бурилишди. Эргаш дарахтга чикиб, олма коқди. Сархил, тароқи олмалар ер билан битта бўлди. Кейин осмон ҳам олмаларга тўлиб кетди. Ҳавода олмаларнинг хушбўй ҳиди анқиди. Эргаш кунда қизнинг ўзини ҳам олма сингари қўлига олиб эркалади, сўйди, бағрига босди. Эҳ, у дамларни унудиб бўларканми? Ўшанда уларни кампир курғур ҳам кўриб колган экан-да! Ҳатто, Мерган момо улар учрашган жойнинг каердалигини ҳам тўғри айтди. Боғ кўйнида бир қиялик бор, номини «сув турмас» дейишади. У ерда баланд-баланд ўсан дарахтлар бўларди. Нимагадир, бу навни одамлар «эшак олма» дейишарди. Меваси йирик, шифил бу дарахтлар бошқа ҳеч қаерда учрамасди. Бу дарахтларни қачон ким экканлигини ҳам ҳеч ким билмайди. Ким эккан бўлса ҳам, отасига раҳмат. Лекин бурноғи йил кўп ёмон иш бўлди. Майрам кўшмижжа бели оғриб «Оби гарм»га кетса, ўша дарахтлар кесилиб кетибди. Дарахтлардан колган тўнкаларни кўриб, Майрам кўшмижжа яна ётиб колди. Кейин билса, пахта заводининг директори ўзига бирор хосхона куришни кўзлаган экан. У яна бу фикридан қайтиб, Етимтоғ ичкарисини танлабди. Ўтган йили ўша директор янги қурилган оромгоҳда ўзини осиб ўлдирди. Майрам кўшмижжа унинг ўлганини эшишиб, заррача ачинмади ҳам. Мерган момо ҳам Майрам кўшмижжанинг гапларига кўшилди. Ўша директорнинг шаънига бир-икки аччик-тизиқ гап айтди. Кейин яна сухбатини тўхтаб колган жойидан давом эттирди.

— Ўша боғда сенларни кўрганимнинг эртаси куни Эргашни учратиб «олмазорга бориб турибсанми?» деб сўрадим. Андишали йигит эди, — деди Мерган момо ўйчанлик билан. — Холажон, ҳеч кимга айтманг, деб менга кўп ялинди, бечора. Қизнинг номига доғ тушмасин, деди. Мен бўлсам, жўрттага дўқ ураман, у бўлса нима киларини билмайди. Охири, ҳеч кимга айтмайман, деб тинчтитдим.

Ҳа, буларнинг ҳаммаси Майрам кўшмижжанинг эсида. Эргаш кунда олов эди. Ана ўшанда, боғ кўйнида ишини пишишиб олган эди. Лекин уйланишга шошил-

мади. Қўли калталик қилди. Кейинрок, уйланишга бир сармоя йикқач, тўйлари бўлди. Урушгача иккаласиям ўқитувчилик қилди. Урушдан кейин эса, бу билим билан ўқитувчилик қилиб бўлмаслигини сезишди-ю, иккаласиям ўзларини боғдорчиликка уришди.

4

Одам тушида учса, толеи баланд бўлармиш, дейишиди. Майрам қўшмижжа кеча Маржон теварагидаги Октоғ устида учиб юрган эмиш. Октоғ унча баланд тоғ эмас, – олд тарафи пахтазор, чексиз-поёнсиз дала, иккинчи тарафи эса, карғиши теккандек, ҳувиллаб ётган адирилик. Бу ерлар йилнинг тўққиз ойи давомида ҳам сувсизликдан қақраб ётади. Бу боғ қачонлардир қазилиб қўмилаётган коризлардан сув ичади. Мабодо, районда бирор киши қаердан эканлигинизни суриштиrsa, «маржонликман» денг, сухбатдошингиз дарҳол, «ҳа, анави боғ ёнидаги қишлоқми», дейди. Ана шундай, бу боғни кўпчилик билади. Майрам қўшмижжа шу боғда бригадир. Тушида ҳам у ўша Октоғ устидан тўғри ана шу бокқа учибди. Лекин дараҳтларда олмалар эмас, тилла тангалар осилиб турганмиш. Майрам қўшмижжа тушининг тафсилотини Мерган момога айтган эди, кампир унинг кўнглини кўтарди: «Қизим, тушинг яхшиликка экан, насиб бўлса, бу йилги хосилинг баракали бўлади», – деди.

Кампир рост айтган экан. Кузаки олмалар пишди. Ҳосилдан дараҳтлар қаддини ёйдек эшишган. Майрам қўшмижжа бир-икки марта кампирни ҳам ўша Каттабокқа олиб борди. Кампирнинг севинганини айтинг. Унинг кўйлагига олма ҳиди уриб қолган экан, гилам тўқиб ўтиrsa ҳам, ўзини боғда юргандай ҳис килармиш. Шундан кейин, кампирнинг иши пича униди. Гиламнинг бир йўлини тўқиб тугатди. Аммо Майрам қўшмижжанинг иши юришмай қолди. Кампир буни сезган экан, уни сўроққа тутди.

– Сенга нима бўлди, ўзи? – деб ҳол-жонига қўймади. У кампирга дардини тўққани билан, мушкулини осон

қилармиди? Майрам қўшмижжанинг дарди ҳар олма пишиғида қўзийди. Танида эмас, юрагида. Қанча меҳнат, қанча парвариш қилинган олмаларнинг нобуд бўлаётганини кўриб, эзилади. Директорга борса, одатдагидек бир хил жавоб олади: «Хўжалик боғдорчилик эмас, чорвага ихтисослаштирилган, кўп бошни гаранг қилманг», – дейди.

Уч кун бурун ҳам шунга ўхшаш савол-жавоб бўлди.

– Олма нобуд бўляпти, директор бова. Ишчи кучи беринг, – деди Майрам қўшмижжа.

Директорнинг ковоғи уюлди. Ҳозир унинг нима дейиши Майрам қўшмижжага аён. Ем-хашак тўплаш биринчи масала. Қолаверса, ёрдамчи кучларни пахтакор хўжаликларга юборганимиз, дейди. Худди шундай бўлди. Майрам қўшмижжа ялинишга ўтди.

– Ҳеч бўлмаса, хаشاқдан бригадага қарашли одамларни кайтаринг. Олмани териб олишга бир ҳафтагина етади холос, – деб кўндиrmоқчи бўлган эди, йўқ, директор яна кўнмади.

– Одамларингизни томорқамда ишлатаётганим йўқ, – деб таънаомуз жавоб қилди.

Майрам қўшмижжа ҳам ўзини тутиб туролмади.

– Шунча мева увол бўлиб кетса майлими! – деди аччикланиб.

– Ҳа, энди, кучларингиз етгунча териб турингларда, – деди директор сал юмшаб.

– Қанака ишчи кучини айтяпсиз. Боғда мен-у коровул – иккимиз бормиз, холос.

– Хўп, майли, ёрдам киламиз, – деди директор. – Пича сабр килиб туринг.

Лекин у ваъдасида турмади. Ҳалиям ёрдамдан даррак йўқ. Бу ёқда олма нобуд бўляпти. Чунки директор олмадан хўжаликка даромад кам деб, бу иш учун умуман қайғурмасди. Тўғри, район тайёрлов пункти олмани жуда арzonга сотиб олади. Лекин ҳалқа-чи? Ҳалқа фойдаси кўп-ку. Район чорва билан пахтага ихтисослаштирилгани билан, чорвадор ва пахтакор олма емайди, деб ким айтади? Ана, ҳозир бозор ораласангиз бир кило олма фалон пул. Бу ёқда эса олма нобуд бўлиб

ётибди. Директор бу гапларни билмайдими, билади. Фақат, жонкуяр одам эмас.

Майрам кўшмижжа «ҳеч гап бўлгани йўқ» деб, Мерган момодан қутулмокчи эди, бўлмади. Кампир гапни бошқа томондан олди.

– Шўрлик Эргаш кунда, – деди у гўё афсусланган бўлиб. – Мен сени лаби-даҳани бор, туппа-тузук аёлга уйланган десам, адашган эканман. Бунака «ичимдан топ, гунг» аёл билан шунча йил умрингни қандай ўтказдинг экан-а?

Майрам кўшмижжанинг бошқа чораси қолмади. Агар кампирга айтмаса, у ҳеч ҳам тинчмайди. Шунинг учун бор дардини тўкиб солди.

– Шошмай тур-чи, ҳали ишларинг ўнгланиб кетар, – деди Мерган момо. Кейин бирпас ўйланиб шундай деди:

– Эртага бир сатил олмангдан келтир-чи!

Майрам кўшмижжа «кампир невараларига олма сўраётир» деган хаёлга борди-да, эртасига бир челак олма келтириб берди. Кампир ўша куни бир челак олманинг устини дока билан бекитиб, уйига олиб кетди. Майрам кўшмижжа шу куни тўғри мактабга борди. Мактаб директорига учрашиб ундан хашарга ўкувчи сўради.

– Хўжалик боғига денг, – деб такрорлади ёш директор. – Директорингиз ёрдам керак деп, менга айтмади-ку.

– Бу менинг шахсий илтимосим, ука, – деди Майрам кўшмижжа.

Мактаб директори узок ўйланди.

– Опа хабарингиз бор, юкори синф ўкувчилари пахта ҳашарида, куйи синфларни эса кишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш мумкин эмас.

– Ҳеч бўлмаса, бешта-ўнта бола юборсангиз бўларди, – деди Майрам кўшмижжа умид билан. – Олма нобуд бўляпти, ука.

Директор хушламайгина рози бўлди, майли бешўнта ўкувчи юбораман, деди. Майрам кўшмижжа

раҳмат айтиб, ташқарига чикаётган эди, директор лукма ташлади.

– Олмангиз яхши пишганми, ўзи?

«Ана холос, ҳозир октябрь ойи-ку. Олма ғарк пишганини яхши биласиз-ку, муаллим. Яна нима қиласиз ортиқча савол бериб». Майрам қўшмижжанинг хаёлидан шу гаплар ўтса ҳам, лекин дилидагини тилига чиқармади, аксинча, худди катта бир янгилик айтиб, уни ишонтиrmокчи бўлгандек, шоша-пиша:

– Олмалар шунакаям ғарқ пишганки, қўяверинг, бир яшик юбораман, еб кўриб, бир йилгача қанд деганини оғзингизга олмайсиз – деди.

Бу гапдан директорнинг чехраси очилди. Ундаги ўзгариш Майрам қўшмижжага қаттиқ таъсир қилди. Негадир, ўзини маҳзун сезди. «Олма керак бўлса, очиқданочик айтавермайдими», деб ғижинди ўзича.

Лекин у пишиб турган ишни бузгиси келмади. «Хўп, кутамиз энди», деб гапни кисқа қилди.

5

Бугун қўшмижжа ишдан ҳориб келганига қарамай, оғзи қулоғида эди. У кела солиб, уйига кириб-чиқиб юрган Мерган момонинг ишларига мақтov ёғдириди. Кампирга гиламдўзликда сизга тенг келадигани йўқ, деди, онам ўрнида онамсиз, деди, устма-уст унинг юзкўзидан ўпib, сиз фолчисиз, деди. Кампир ҳам суюниб кетди.

– Ҳа, тинчликми, Майрамой, момонгни бозорга чиқарадигандай килиб мактадинг? Мунча хурсандсан, бир кўза тилла топгандай? – деб сўради Мерган момо қулоқларини динг килиб.

– Тилла ҳам гапми? Бир боғ тилла олмани сотарман бўлдик-ку! Шахсан, райкомнинг биринчи котиби хўжалик директорига: Маржонда ажойиб олмазор бор экан, нега шу пайтгача айтмадингиз. Дарҳол тердириб, паҳтакор хўжаликларга жўнатинг, депти. Ана шундай, худо бераман деса, кўшкўллаб бераркан. Бир ёқдан «олмани бегона қилманг» деп тайёрлов пункти ходимлари келиб туришибди.

Мерган момо бу гапдан хабардор бўлгач, ғуур би-лан мақтанди:

– Э, ўша райкомнинг котиби сен берган олмалардан татиб кўрган эди-да!

Майрам қўшмижжанинг оғзи очилиб қолди.

– Ҳали сиз кечаги бир сатил олмани райкомга элтган эдингизми?

Мерган момо кула-кула бор гапни айтиб берди. У ўша куннинг эртасига тўғри райкомга борибди. Райком йўқ экан, лекин Мерган момо қабулхонасидан нари кетмабди. Келган-кетганга ҳам биттадан олма бериб, кўпчиликнинг кўнглини овлаб ўтирибди. Секретарь киз кампирга «Хола, вақтингизни кетказиб бекорга ўтираверманг, райком келгани билан бугун сизни қабул килмайди, бюро бўлади», деган экан, кампирнинг аччиғи чикибди: «Фаол коммунист Мерган момони қабул килмай кўрсин-чи?» – депти.

Хулласи калом, Мерган момо қабулхонада ўтира-верибди.

Райком котиби кечга яқин келибди. У қирқ беш ёшлиар атрофидаги келишган, бўйчан бир киши экан. У секретарь киз ўрнида ўтирган кампирни кўриб, ҳайрон қолибди. Момога салом берибди. Шундан сўнг, Мерган момо ўрнидан туриб, гапни бошлабди:

– Сизга олма келтирган эдим, еб кўрсангиз, – дебди у дабдурустдан ва челяқдан бир неча донасини олиб котибга узатибди. Райком котиби ҳиди таъсир килибми ёки кампирнинг илтимосини ерда колдирмаслик учунми, негадир кулимсираб, олмани бир тишлабди. Биринки тишламдан сўнг, кампирга қарабди.

– Ширин эканми? – деб сўрабди Мерган момо.

– Ширин, ширин, – дебди райком котиби ва кампирни ичкарига бошлабди.

– Қани, энди эшитайлик-чи, – дебди райком котиби. – Бу олмалар каерники?

– Маржонники, – депти кампир. – Ана шу Маржонда қадимдан колган боғ бор. Олмалари увол бўлиб кетяпти. Ёрдам берсангиз, деб келган эдим.

Котиб кампирнинг ҳамма гапини диққат билан тинглабди. Кейин, шофёрини чакириб, кампирни Маржонга кўйиб келасан, деб тайинлабди. Кампирга эса, «хотиржам бўлинг, момо, бундай ширин олмани увол бўлишига йўл кўймаймиз», депти.

— Ана Майрамхон, Мерган момонг кишлокка райкомнинг мошинасида келди, — деб гапини тугатди кампир.

— Айланай, ўзимнинг момомдан, — деди Майрам кўшмижжа кувониб. — Мен сизни бекорга мақтамадим-да.

Кампир пиёва сузиб келди. Ўзи бўлса таомга кўл чўзмади.

— Нега емайсиз? — деб сўради Майрам кўшмижжа. — Ё мақтовдан тўйиб қолдингизми?

— Мақтов ҳам қари одамга таомдай гап, — деб кулди кампир. — Мени қўявер. Ростини айтсан, кечкурунлари овқат есан, босинқираф чиқадиган бўлибман.

Майрам кўшмижжа овқатни иштаҳа билан еди, сўнг дастурхонни йигинтира туриб, сўради:

— Менга қаранг, агар райком котиби сизга, боринг уйингизга, тинчгина ишингизни қилиб ётинг, ҳозир пахта кампанияси, ишимиз шундай ҳам бошимиздан ошиб ётибди, деса, нима қилардингиз?

Кампир бу гапга ҳайрон бўлди. Кейин қаътий ишонч билан жавоб килди:

— Ундан калта ўй одамларни катта ишга кўймайдилар.

Майрам кўшмижжа нима деярини билмай қолди. Нима ҳам десин? Аввалги райком котиби калта ўй одам эмасмиди? Худди ўша эмасмиди, катта-кичикнинг фикри билан ҳисоблашимайдиган? Афтидан янги котиб анча тадбиркор кўринади. Ўша собиқ котиб қайси бир йили Майрам кўшмижжанинг бригадаси индивидуал жун топширишни уddeламагани учун, унга кўпчилик олдиди ўдағайлаган, шунда Майрам кўшмижжа ҳам тап тортмай: «Менинг жун заводим йўқ, бераверсан, борини топширдик. Қолаверса, мен ферма мудири эмас, боғдорчилик бригадириман», — деган.

Унинг мана шу гапи учун, котибнинг айтишича, хотин-қизлардан бўлганлигини хисобга олиб, енгил жазо – ҳайфсан беришган эди.

Яна бир воқеа эсида. Майрам қўшмижжа бир мажлисда, район советининг депутати сифатида сўзга чиқди. Маржон сингари кадимий қишлоқлар тақдири ҳақида гапирди. У бу масалани кўпдан бери ўйлаб юрарди. Районда кадимий, ахолиси кўп қишлоқлар бир талай, лекин уларга эътибор йўқ. Нимаики курилиш, ободонлаштириш ишлари бўлса, факат янги ташкил этилган хўжаликлар учун. Қадимий қишлоқларда ишчи кучи кўп. Бир қишлоқда лофт эмас, тўқсон фоиз хотин-қиз уйда ўтиради. Ҳаммага маълум – улар болачақасини ташлаб чўлга боролмайди. Шундай бўлгач, улар учун гиламчилик ёки ип-калава йигириш цехи ташкил килишса, олам гулистон. Бу масала Фарғона воийисида тўғри ташкил қилинган.

Майрам қўшмижжа мана шу фикрларни минбардан туриб гапирди. Лекин унинг куйиб-пишиб айтган гапларига райкомнинг биринчи котиби энсаси котиб лукма ташлади: «Чўлга одам етмаяпти-ю, бу киши қаердаги талабларни қўйяпти». Унинг бу лукмаси билан Майрам қўшмижжанинг гапи инобатга олинмади. Мана, янги котиб келди, киш ўтсин-чи, мана шу масалани у билан гаплашиб кўриш керак. У оқ рўмолининг шокиласини химарганча, шу ҳақда ўйларди.

6

Майрам қўшмижжа ишдан келганда, Мерган момо ховлида одатдагидек ўрмак ўриб ўтиради. У Ойхол бид-бид уйига айтиб кетганлигини айтди. Кейин нима жавоб қиласкан, дегандай Майрам қўшмижжанинг оғзига тикилди.

Майрам қўшмижжа буни сезди-ю, лекин ҳеч нарса демади, ўрик билан тутданага тортилган сим дордан ювилган кийимларни йигди, улар орасидан майда гулли крепдешин кўйлакни ажратиб, дазмол босди. Мана шу кўйлак одмирорқ. Бошқасини кийиб борса, Банот маши-

начи килдан кийик ахтаргандай, барибир бирор гап топади. Унинг феъли-автори шўнгай – сут билан кирган жон билан чиқади. Майрам қўшмижжанинг аслида у ерга бориш кўнглида бўлмаса ҳам, иложсиз – бориши керак. У бўлмаса, Ойхол бид-бид яна ғиди-биди килиб юради. Ундан юз ўғиргиси, «бор, сиримни очсанг, очавер, тўйдим қўркитишиларингдан!» деб айтгиси келади. Лекин бу гапни неча йиллардан бери ўйлайди-ю, айтишга журъат этолмайди. Ўртада ўғли бор, яккаю ягона ўғли. Қизи ҳар ҳолда кўнгилчан. У факат ўғлидан ҳайикади, сири фош бўлса, унинг юзига қандай тикилиб қарайди. Бу гапдан сўнг ўғли одамлар орасида қандай бош кўтариб юради? Майрам қўшмижжани кўпроқ мана шу савол кийнайди.

Кампир унинг Ойхол бид-бидникига отланаётганлигини кўриб, қовоғини солди.

– Ундан кўра қизингдан хабар олсанг бўлмайдими, ўғилчаси сарик бўлган деб эшитдим, – деди у гилам тўқишидан тўхтаб.

– Қизимникига кейинги ҳафтада бориб келаман, – деди Майрам қўшмижжа сир бой бермай. – Ойхол билан ҳамсоя турганимиз. Яна айтиб юрмасин, бизни менсимади деп.

Кампир ҳеч нима демади. Майрам қўшмижжа йўлга чиқди. Бора-боргунча Ойхол бид-бид билан ҳамсоя бўлган дамларини, уларнинг ҳовлисига қачон биринчи марта кирганини эслади.

У энди келин бўлиб тушган пайтлар эди. Бир куни уни қайнонаси олдига чакирди. «Келинжон, Банот қайчимизни олиб кетган эди, ҳалиям қайтаргани йўқ. Олиб келинг», деди.

Майрам қўшмижжа қўшниникига чиқди. Дарвозаси очиқ экан, тўғри кириб борди. Ҳовлининг ўртасига келганда, тандир устида ўтирган, соч-соколи оппок бир чолни кўрди. Чол моҳоркани газета парчасига найча килиб тутатар, кўлини шавқ билан қарсиллатарди. Майрам қўшмижжани кўриб оғзидан қоғоз найчани олди, ҳалқа-ҳалқа чиқариб бир терма айтди:

*Маст бўламан бу кеча,
Асп бўламан бу кеча.
Келмай қолса ойимқиз
Хас бўламан бу кеча.*

Майрам қўшмижжа чолнинг нашаванд эканлиги-ни эшигган бўлса ҳам, уни кўриб, ақли шошиб қолди. Шоша-пиша орқасига кайтмоқчи бўлган эди, ҳовли саҳнида Банотнинг онаси пайдо бўлди. У чолини қарғаб кетди: «Қани энди, илойим хас бўлиб кетса, бу уйи куйгур». Кейин Майрам қўшмижжани кўриб, қўярда-кўймай уйига бошлади. Кайчини бергач, боғига бошлаб чиқди. Кампир жуда меҳрибон эди. Ўша куни Майрам қўшмижжага бир косани тўлдириб марвартак тут териб берди. Майрам қўшмижжа уй орқасида ўсиб ётган ўсимликни кўриб, кампирдан, «Хола, нима бало, ғўза экдингизларми?» – деб сўради. «Ғўза эмас, наша, – деди кампир. – Қуриб кетгур чолнинг иши бу».

Эсида. Ўша наша гуллаш арафасида милиция ходимлари келишди-ю барини сугуриб ташлашди.

Чол ҳар йили экаверди. Шундан кейин, уни бир-иккича ой камаб қўйишди. Чол тавбасига таянган бўлди, наша экмасликка тилхат бериб чиқди.

Бир куни Майрам қўшмижжа олма тергани дарахт тепасига чиккан эди. Ойхол бид-бидларнинг боғидаги эски саройга кўзи тушди. Бу сарой бир пайтлар колхознинг отхонаси бўлган эди. Унинг кўштабакали дарвозаси ланг очик бўлиб, Майрам қўшмижжа ичидаги ўсиб ётган нашани кўрди.

Эртасига далада (ўша кезларда тоғ ёнбағирларида пахта экилар эди) кизларга ўйламай-нетмай кечаги кўрганини айтиб юборди. Кўп ўтмай бу гап қанот чиқариб, бутун кишлоққа ёйилди, кейин, органга ҳам етиб борди. Милиция ходимлари келиб, нашани юлиб ташлаганларида, чолнинг жазаваси кайнаб, мияси айниди. Уни кантархонадаги жиннихонага олиб боришиди.

Чол жиннихонадан соғайиб чиккач, кўча эшиги олдидаги бўйини қисиб ўтирадиган одат чиқарди. Аммо Майрам қўшмижжани кўриб қолса, жини кўзиб, уятли сўзлар билан сўкарди.

Кампири бўлса, аксинча, Майрам кўшмижжани каерда кўриб колса, «болаларингнинг хузурини кўр, мени бу дахмазадан куткариб, савоб иш килдинг», деб алкар эди.

Чол кўп ўтмай қазо бўлди.

Қизлар – уч опа-сингил эса отасининг ўлимини Майрам кўшмижжадан кўриб, кўча-кўйда карғаб юришди. Бу орада кампир кўричак бўлиб, bemорхонага тушди. Орадан ўн-үн беш кун ўтмай у ҳам бандаликни бажо келтириди. Катта қизининг айтишича, онаси бундан беш йил аввал термизлик бир фолбинга фол очирган экан. Фолбин унга: «Беш йилдан сўнг бир дардга йўлиқасиз, шундан сўнг кўп ўтмай ёлғончи дунёни тарк этасиз», – деганиши. Онаси ўша куни шу гапни эслаб кизига айтиби-ю кечга бориб жон таслим қилибди. Фақат Ойхол бид-бидгина бу гапга ишонмабди. Онамни дўхтирлар ўлдирди, деб областга ариза ташлаган экан, комиссия келиб, гўрни очмокчи бўлибди. Банот машиначи билан Қирмиз семиз бунга йўл беришмади. Ойхол бид-бид ҳам ишнинг бундай бўлишини ўйламаган экан, дархол аризасини қайтариб олди.

Майрам кўшмижжа опа-сингилларни ёмон кўрса ҳам, аза кунлари белини боғлаб, уларнинг ғамига шерик бўлди. Мархумани кунора йиғлаб-йўқлов айтганларга овқат чиқариб турди, ҳамсоячилик урф-одатини жойига кўйди.

Унинг мана шу ҳамдардлигини назарда тутибми, ҳаркалай уч опа-сингил муомаласини ўзгартиришди, Майрам кўшмижжа то Банот машиначи эрга чиққунга кадар, уларнига бориб-келиб юрди.

Банот машиначи онасининг или ўтмай, Абдусалом деган йигитга турмушга чиқди. Абдусалом кўшни қишлоқдан эди. У қизни олиб кетмади, ўзи ичкуёв бўлиб келди.

Шундан кейин Майрам кўшмижжа бу ҳовлига кирмай кўйди.

Абдусалом ичкилик деса ўзини томдан ташлайдиганлардан экан. У ўрмон хўжалигида ишласа ҳам, ку-

нини ҳовлисида ўтказар эди. Уни йўқлаб уч улфати тез-тез келиб турар, кейин, улфати чор бўлиб, кечкурундан тонггача базм қилишар, бу зиёфатнинг хулосаси, албатта бир-бирини муштлаш билан тугар эди. Баъзан Эргаш кунда эски латта-путтадан тўп килиб, унга мой шимдирап, кейин белкурак устига қўйиб ёндиради-да, девор оша уларнинг ҳовлисига иргитар эди. Бу «ўқдан» Абдусалом ўн-ўн беш кун тинчидан колар, кейин яна ўз билганидан қолмас эди. Абдусаломнинг улфатларини Майрам кўшмижжа яхши танирди. Жарқин момонинг икки ўғли – бири район буфетида, иккинчиси эса колхоз (у пайтлари колхоз эди) омборхонасида ишларди. Учинчи киши эса октошлик бир созанда бўларди. Ана шу созанда Қирмиз билан ўйнашиб, кейин уни хотин қилиб олди. Орадан кўп ўтмай, Қирмиз ундан ажралиб, район раҳбарларидан бирига тегди. Лекин урушдан сўнг, бепуштлиги учун ажралиб келди. Орада Ойхол бид-бид курук колди. Жарқин момонинг буфетчи ўғли уйланмоқчи эди, уни чўлоқ деб хоҳламади. Кўп йил йигит танлади, аммо урушдан сўнг ўзи хоҳлаган одам чикмади. Битта-ярим урушдан жароҳат олиб қайтган одамларга у розилик бермади. Кейин эса кеч бўлди. Ана шундай қилиб, уч опа-сингил бир ҳовлида колиб кетишиди.

Абдусалом урушдан вазмин бўлиб қайтса ҳам, барабир одамга сиёғи ёқмас эди. У аввалгидек базм қилишга чек қўйди, ҳовлини обод қилишга киришиди. Хотини уйда ўтириб кийим тикаверганиданми ёки ҳовлининг ноободлигиданми, ишқилиб сил дардига гирифтор бўлди. Духтурлар Абдусалом акага, агар уйжой, қозон-товок тоза тутилмаса, бу дард бошқаларга ҳам ўтиши мумкин, деб уқтиришди. Шу гап туртки бўлдими, ҳарқалай, Абдусалом ака ҳовлини обод қилишга киришди. Шундан буён унинг эси-хуши ҳовлида. Ҳатто, кайси бир йили, Тошкентдан меҳмон келган экан, ҳовлини кўриб уям койил қолибди. «Фақат ҳожатхонангиз нобоп экан», депти. Бу гапни Абдусалом аканинг ўзи кўп йиллар айтиб юрди. Гап охири-

да эса, ҳалиям ҳожатхона қуролмаётганини, түртта чўп топилмаётганлигидан нолирди. Кўпчилик унинг гапига ишонмасди. Фақат кўнгли учун, «э чатоқ бўлибдику», деб афсусланишарди. Абдусалом ака эса аслида, «биров устимдан ёзмасин» деб ўзини ночорликка солар эди. Йўқ, барибир унинг устидан: «Ховлиси жуда катта, бир ўзи икки гектар томорқани эгаллаб ётибди», – деган мазмунда ёзишди. Комиссия текшириб кетди. Унинг томоркаси уч хўжаликники экан. Қишлоқ Советининг хўжалик дафтарида уч опа-сингил алоҳида-алоҳида хўжалик эгаси сифатида ёзилганлиги учун ҳеч ким ломмим демади. Майрам кўшмижжа нима учун уларнинг томоркаси ўртасида баландлиги ярим куличик девор номигагина уриб қўйилганлигининг сабабини кейин тушунди. У бўлса опа-сингилларни бир хонадон аъзолари деб юрибди.

Майрам кўшмижжа Ойхол бид-бидга сирини олдириб кўйгач, яна уларнинг ҳовлисига қадам қўйди. Эргаш кунда унга, «Қўй, хотин, ўша ерга борма», деб бир-икки айтган ҳам бўлди. Лекин Майрам кўшмижжа «Ойхол бид-бидникига бориб турмасам, сиримни фош қиласди», деб кўркди. Эргаш кунда опа-сингиллардан ҳам кўра, Абдусаломни ёқтирилас эди. Майрам кўшмижжанинг эсида: қайси бир йили Абдусалом ака Ғалаба куни шарафига ўтказилган тантанали йигилишда уруш хотира-ларидан сўзлабди. Ўша йигилишда Эргаш кунда ҳам бор эди. Абдусалом ўзининг қанча фашист отганини, қанча танк портлатганини, кўрсатган қаҳрамонлиги эвазига олган орден-медалларини уйга қайтишда поездда йўқотганини гапириб, ҳаммани лақиллатибди. Аслида, у кўзи хираги туфайли, жанг майдонида колган ўлжа – қурол-аслаҳаларни йиғадиган кисмда бўлган экан. Унинг йиғилишда тўқиб-бичиб гапиргани Эргаш кунданинг ғазабини келтирибди. Йиғилишдан сўнг, Эргаш кунда Абдусалом аканинг бетига: «Болаларни бундай алдаманг!» – деб айтибди. Абдусалом ака шу-шу Эргаш кундани ёмон кўриб юрар эди.

– Э, хайрият, бундай касофатлар фронт олдида кўп

бўлмаган эди. Юртни сотганлар ҳам мана шундайлардан чиққан, – дерди Эргаш кунда Абдусалом ҳакида.

Майрам қўшмижжа Ойхол бид-бидникига бо-риб келган кезлари эрига «Абдусалом ака сизни «ҳакиқатчи», камтар киши, бўлмаса урушда кўп ге-ройлик қилган» деди, кабилидаги гапларни етказар эди. Аммо муросасоз гаплар Эргаш кундага қилчалик ҳам таъсир қилмади, у Абдусалом ака билан ош-қатиқ бўлишни хоҳламади. Лекин бир гал, дараҳт кундалари-ни казиш учунгина уларнинг ҳовлисига борди. Майрам қўшмижжа қистаб турганидан «йўқ» деёлмади. «Хай, борсам, борибман-да, – деди у, – мен Абдусалом билан эмас, кундалар билан тиллашаман-ку».

Майрам қўшмижжанинг хаёлида бир нарса жумбок бўлиб колган эди. Эри азалдан нима учундир ўша ҳовлига қадам бостиси келмасди. Ё кўнгли бирор нарсани сезармиди. Қизик, у энг шаллақи хотин – Дўнденикига борипидан ҳазар қилмас эди-ю, лекин шу ҳовлига қолганда, ўзини тортар эди.

Майрам қўшмижжа ҳозир мана шу ҳовлига яқинлашаётib, ўша мудҳиши воеа содир бўлган кунни хотирлади. Баҳорнинг ўрталари эди. У ўчок бопида ту-риб, энди довучча бўлган ўрикнинг бир неча донасини пиёвага солаётган эди. Ҳали қозон қопқоғини ёпмаган ҳам эдики, чап қовоғи учаверди. Кўп ўтмай, Мерган момонинг Бекмурод деган невараси ҳаллослаб ҳовлига кирди. Бола тутила-тутила Эргаш кундани Ойхол бид-биднинг ҳовлисида илон чакқанлигини айтди. Бу хабарни эшитиб, Майрам қўшмижжанинг жонида-жон қолмади. Ойхол бид-бидникига учиб бордими, чопиб бордими, эсида йўқ. Лекин бирпасда ўша ерда ҳозир бўлди. Эрини лой супага ўтказиб қўйишган экан. Май-рам қўшмижжа эрининг жонсиз эканлигини кўриб, таҳ-тадек котиб қолди. Кейин бир фарёд қилди-ю, бехуш йикилди. Қолган гапни эрининг еттиси ўтгач, Мерган момодан эшитди.

Ўша куни Эргаш кундани илон чакканида ёнида ҳеч ким бўлмаган экан. Ҳовлидагилар кеч хабар топишибди. Ойхол бид-бид унга чой олиб борса, Эргаш кун-

да кўзи олайиб, оёгини чангаллаб ётган экан. У Ойхол бид-бидга «илон, илон», дебди-ю, жон бериби. Майрам кўшмижжанинг Эргаш кунданинг ўлими ҳақидаги билган нарсаси шу бўлди.

7

Ниҳоят, у юрак ютиб ҳовли дарвозасини очди-ю ичкари кирди. Банот машиначи ҳар доимдагидек, хонасида кийим тикиб ўтирган экан. У Майрамни кўриб, ўрнидан кўзғалди, ним табассум билан кўлини узатди. Авваллари-ку, у билан хушламайгина кўришар эди. Биргина Майрам кўшмижжа билан эмас, бошқалар билан ҳам шундай. Айниқса, ким олдига келса шунча кеккайди. Хотин-халажнинг иши унга кўп тушади. Улар магазиндан тайёр кийим-кечак олмайди. Кийимларини маҳаллий шароитга мос қилиб тикиришади, яъни этаклари узун, енглари кенг, бичим эса ҳар кимнинг таъбига караб. Қишлоқда ателье деган нарсанинг оти ҳам йўқ. Шундай бўлгач, хонаки тикувчидан азиз бўлган одам йўқ.

Банот машиначи икки қўли тикишда бўлса ҳам, гап сота бошлиди. Ҳар галгидек, мижозларнинг инсофисиз бўлиб кетганини, Мерган момонинг катта келини икки жуфт кийим тиккани ҳақига оз пул берганлигини айтиб ўтди. Ниҳоят, гап навбати кизи Барфинга келиб тақалганида, Майрам кўшмижжа тиззасини ияигига қадаб, унинг оғзига термилди. Банот машиначи бўлса, кизига совчи келганлигини, бўлғуси куёв шу ҳовлига кўчиб келишга рози бўлганлигини айтганда, Майрам кўшмижжанинг юзига бир табассум ёйилди. У энди хотиржам ўтирди, ҳатто бўлажак ичкуёвнинг номини айтмагунча, гап ҳам сўрамади. Банот машиначи, Барфин ўша йигитни хоҳламаётганини айтиб зорланди.

— Барфинни кўндириб беринг, Майрамой, — деди у. — Сизнинг гапингизга киради.

Майрам кўшмижжа унинг гапига жавоб ҳам бермасдан, Барфинни суриштирди. Барфин ичкарида йиғлаб ўтирган экан. У Майрам кўшмижжани кўриб суюниб кетди. Йиғлаганининг сабаби, бир соатча отаси билан

уришибди. Отаси «агар ўша йигитга йўқ десанг, оқ қиласман», деб кўркитибди. «Холажон, отамга тушунти-ринг» – кафти билан кўзларини артиб гапирди Барфин.

– Нимани айтай отангга? – деб сўради Майрам қўшмижжа.

Аслида у қизнинг ниятини билиб турарди. Барфин унга «Сиз отамга, ўзим келин қилмокчиман, деб айтинг», демоқчи эди, айтолмади.

– Айтингки, – деди киз овози титраб, – шу ишни қилмасинлар, ихтиёrimни ўзимга кўйиб берсинлар.

– Майли, қизим, отангга айтиб кўраман. Лекин у гапимга кўнармикан, – деган эди, киз бир нарсани тушунгандек йиғлаб юборди. Кейин уни кучоклади-да: – Хўп, соғ, бўлинг, хола, – деб оғир сўлиш олди.

Майрам қўшмижжа бу гапнинг бугунми, эртами, барибир айтилиши кераклигини жуда яхши билар эди. Барфин Майрам қўшмижжани жуда яхши кўрарди. «Тўй бўлсам, бошида сиз турасиз», дерди эркаланиб. Унинг Нусратга кўнгли борлигини Майрам қўшмижжа аллакачон сезганди. Барфин ўзи мулойим, меҳрибон киз. Майрам қўшмижжа баъзан уни эркалаб, Барчин деб ҳам чақиради. Бир йили Барфин Тожикистондаги кариндошлариникига борибди. У кишининг кизлари устидан кулгандек бўлиб, «Барфин тожикчасига «кордек оппок» дегани дейишибди. Қизнинг ўзи чиройли бўлса ҳам, ранги рўйи хинд кизларига ўхшаш корамтири эди. Майрам қўшмижжа унга, «Хафа бўлма, қизим, мен сени Барфин эмас, Барчин деб чақираман», деган эди. Қизнинг кўнгли тоғдай ўсади.

Кеча у шу киз ҳакида Мерган момо билан жуда кўп гапириб ўтириди. Боякишнинг кулоғи роса қизигандир. Мерган момо ҳам қизни мактаб, ёмонлар орасига адашиб тушган яхшининг ҳолига ачинди. Майрам қўшмижжа ҳозир бошка нарсани ўйлар эди. Мабодо, Банот машиначи унга, «Қизимни ўғлингизга унаштирасак, буларнинг ёшлигидан бир-бирига кўнгли бор, ҳов болалигига ҳам ўзим ваъда килган эдим», дейишидан кўрккан эди. У бу хонадон билан қуда-андада бўлишни ҳеч ҳам хоҳламаган эди.

Ушбу дамда Майрам қўшмижжа кизни нима деб юпатишни ҳам билмайди. Ойхол бид-бид қўшни хонадан туриб, уларни дастурхонга чорлади. Барфин, Майрам қўшмижжани айвонга олиб чиқди-да, ўзи қайтиб кетди. Майрам қўшмижжа тамаддини уйида қилмоқчи эди, лекин Банот машиначининг кесатигидан чўчиди. Майрам қўшмижжа бир марта унинг овқатига қўл урмаган эди, Банот машиначи уни гап билан узиб олди, «Майрамхон биз билан бир дастурхондан овқат ермиди? Касалим юкиб қолишидан кўркади... Э, кўркманг, барибир бу дунёга устун бўлолмаймиз», – деган.

– Барфинга бирор насиҳат бердингизми, Майрамой? – деб сўради Банот машиначи. – Нима дейди, бу ўжар киз, ўзи?

– Киз сизники, – деди Майрам қўшмижжа ўйчанлик билан. – Шундай экан, мен унга, ундей қил, бундай қил деёлмайман. Бундай ишга, ўзингиз биласиз, ота-онадан бўлак киши аралаша олмайди.

Уч опа-сингил бир-бирига маъноли караб олишди.

– Ҳа, майли, – деди Қирмиз семиз, – киз боланинг нози бўлади-да. Бунинг устига якка-тантик ўсган фарзанд.

– Ўзимиз кўндирамиз, опа, – деди Ойхол бид-бид. – Қани, овқатга қаранглар.

Шу билан бу мавзуда бошқа оғиз очилмади.

Дастурхон устида уч опа-сингил бир-бирига гап бермай, роса валақлашди. Қирмиз семиз ўтирганларга, Райим кар хотини билан ажрашаётганлигини, худди хушхабар айтгандек қилиб, маълум килди.

– Йўғ-е, – деди Ойхол бид-бид. – Ўртада саккиз фарзанд бор-а? Қандай қилиб кўзлари кияркан?

– Э, – қўл силтади Банот машиначи, – эркак зоти боланинг кадрини билармиди.

Уч опа-сингил мана шу тахлит ажрашаётган эр-хотинни ярим соатча муҳокама қилишди. Улар факат эркаклар масаласида бир-бирларини қўллаб-куватлашмасди. Қирмиз семиз нима бўлса ҳам эрхотин бир марта ажралиб кетишининг тарафдори, оиласи бузилса хурсанд бўлади. Банот машиначи эса,

эркак зотига итдек бир нарса деб карайди. У бундай пайтларда, албатта, «Эркак зоти устингга чикканда бахмал ёпади, тушганида кафан ёпади» деган наклни айтар эди. Ойхол бид-бид бўлса, бу можарода ким ҳақ, ким ноҳақлигига қарамасдан, дархол ўша эркакнинг ёнини олиб гапиради.

Опа-сингилларнинг бундай сухбатидан Майрам кўшмижжанинг юраги тарс ёрилиб кетай деди.

– Э, опа, – деди Ойхол бид-бид. – Ўша Райим кар ўнта эркакдан аъло. Бари айб хотинида. Қачон қарасанг, ўзига қарамай юради. Утган куни тонг-саҳарда булок бўйига чиксам, ўша хотин сатил кўтариб келди, бундай қарасам, лозимини чапна кийибди.

– Йўғ-е, Донохол бундай аёл эмас эди-ку, – деб аччиқланди Ойхол бид-бид. – Тўғри, Донохолнинг ўзига, лозимингни чапна кийибсан-ку, деб айтмадим. Уялмасин, дедим-да!

«Худо урсаям, Донохолни урди, – деб ўйлади Майрам кўшмижжа. – Қирмиз семиз бу гапни бутун кишлокқа достон килиб ёяди, энди».

– Ўша Райим карни ёнини оляпсанми, – деди Банот машиначи. – Менга унинг қилиғи ойдек равшан. Ёпи олтмишга етса ҳам, хотинини ҳар кеча мажбурлар эмиш, мен билан ётасан, деп!

Майрам кўшмижжа номигагина икки-уч марта қовурдокдан олган бўлди. Дархол туриб кетишини эса эп билмади. Унинг энди опа-сингилларга термилиб ўлтиришдан бошқа чораси йўқ эди.

У тўрда ўтирган Банот машиначининг хатти-ҳаркатига, афт-ангorigа разм солди. Унинг ориқ гавдаси одатдагидек буқчайган. Юзлари девордек окарсан, ковоғини солганча, оғзидағи лукмани чайнаб ўтирибди. Унинг ёнида Қирмиз семиз. Лакаби ҳам ўзига мос, овкатга ружу қўйганлигиданми ёки белуштлигиданми, семириб кетган. Ҳар галгидек, уям сухбат давомида оёқ оғригидан шикоят килди. «Шунча гавдани кўтарган бечора оёқ оғримасинми?» деб ўйлади Майрам кўшмижжа. Қирмиз семиз опа-сингиллар орасида энг чиройлиси, қошлиари қалдирғочнинг қанотидек қоп-кора, соchlари

ҳалиям орқасини тўлдириб турибди. Энг кизиги шуки, кенжা қиз – Ойхол бид-бид иккала опасига қараганда анча қаримсик кўринади. Ораларида энг кўп гапирадигани ҳам шу. Энг дангасаси ҳам шу. У гап билан одамни аврайди, ишини ҳам курук гап билан битиради.

Кирмиз семиз кўпроқ ҳожатбарорликни яхши кўради. Хотин-халажга камёб молларнинг қайсиси керак – марҳамат. Пулдан бошқа худоси йўқ. Бир марта Мерған момо унга: «Қирмизхон, бундай юрманг, бирорта бола асраб олинг, эртаги кунда қариб-қартайганда, колаверса, ўлсангиз кўмадиган одамингиз булмаса, бариси бекор», – деб насиҳат берган экан. Қирмиз семиз, «Мени пулим кўмади», деб жавоб қилибди. Мерған момо Ойхол бид-бидга ҳам: «Ойхол, нима бало, бу дунёдан хур бўлиб ўтмоқчимисан, ахир бирорта сўккабошга тегиб ол-да», деса, у, «Энди менга эркак иси ёқмайдиган бўлиб колган», деб жавоб қилибди. У бу гапни йўлига айтади, холос. Эллик бешга кирган бўлса-да, ҳалиям бу дунёдан умидини узган эмас. Буни унинг кўзлари ҳам айтиб турибди. Лекин бу иккала сингил ҳам опаси Банот машинасидан негадир ҳайикишади. Банот машиначи тили заҳар, бунинг устига жуда зиқна аёл. Майрам кўшмижжа унинг иккала синглисисидан ҳам ҳар ойда рўзгор харажатига тийинмайтийин пул санаб олишини жуда кўп кўрган. Ҳатто, бир марта Ойхол бид-бид бир сўм кам бергани учун, унинг пулини юзига отиб юборганди.

Опа-сингиллар ҳали-ҳануз уни унугандек, ўзларича гап сотишар эдилар. Улар Майрам кўшмижжани камгаплиги учун гурунгга тортишмасди. Майрам кўшмижжа уларга тингловчи сифатидагина керак, холос. У ҳам буни билади. Шунинг учун, гўё тинглаётгандек, бўлар-бўлмас гапга ҳам бошини ликиллатиб туради. У уч опа-сингилни қайси бир эртакдаги уч бошли аждарҳога ўхшатади.

Майрам кўшмижжа чойдан сўнг, кетишга изн сўради. Кетар чогида, «Барчинни тўй килишса, хизматида тайёр эканлигини» айтди. Ойхол бид-бид уни кузатиб чиқди. Дарвозага яқинлашганларида, Май-

рам кўшмижжа ўзи яшаган уй томонга кўз ташлади. «Шу уйни бир зиёрат қиласай», деди у Ойхол бид-бидга. Иккаласи уй томон боришди. Уй янгидан яхшилаб оқланган, дераза ромлари бўялган, эшиги эса алмаштириб қўйилган эди. «Бу уй омборхона», – деди Ойхол бид-бид. Уй эшиги кулф эди. Майрам кўшмижжа дераза ёнига бориб, ичкарига каради. Хонадаги сара олмалар солинган кутиларни кўриб, оғзи очилиб колди. «Мунча олмани қаердан олдинглар, олмазорларинг йўқ-ку,» – деди Майрам кўшмижжа ҳайрон бўлиб.

Ойхол бид-бид кулди. «Худо бераман деса, бизга ўхшаганларга бераверади».

Бу тоғ орасида факат Маржоннинг боғидагина шундай олмалар бор, холос. Аммо ҳеч ким бунча олма ўғирлаб келолмайди. Бог коровули ўзига мустаҳкам одам. Олма топширувчи Рустамбек ҳам, шофёр Мамат ҳам инсофли одамлар. Қизик, бу олмалар қаердан келиб колди экан?

– Кўп ҳайрон бўлаверма, – деди Ойхол бид-бид. – Агар шуни билмокчи бўлсанг, айтишим мумкин. Олмаларни директиринг юборган.

Майрам кўшмижжа анқайиб колди, лаблари билинар-билинмас пириллади. Мана, нима учун директор бу ишни орқага ташлар экан.

– Нима, ишонмайсанми, – бидирлади Ойхол бид-бид. – Керак бўлса яна юборади. Давлат нархида сотиб оламиз. Абдусалом поччам чўлга элтиб, чакана нархда пуллайдилар. Дириктиринг олмани бекорга бермайди, ахир.

Майрам кўшмижжа орқага кайтди. Ғазабдан бутун аъзои бадани қалтиради. Мана, ғап қаерда экан? Э, воҳ! Ҳали унинг шунча «чоп-ҳа-чоп» килиб юрганлари, меҳнати, чеккан заҳмати мана шу аждархолар учун экан-да. Энг ёмони шуки, у бу сирни ҳам, бу қаллобликни ҳам ҳеч кимга айтольмайди. Ойхол бид-бид шунинг учун ҳам унга бор шапни очик-ойдин гапириб ўтирибди.

У бу ҳовлидан, нимадандир ирганганд олмадай, кўнгли айниб, кўчага чиқди.

Ўша кундан бошлаб Майрам қўшижжанинг кўзига опа-сингиллар уч бошли аждархога ўҳшаб кўринаверди. Ўтиrsa ҳам, турса ҳам уларга қандай зарба беришни ўйлади. Баъзан бу уч опа-сингилнинг бари нобоп чикканига хайрон бўлади. Буларнинг отаси нашаванд бўлса ҳам, онаси мўмин-қобил, раҳмдил аёл эди-ку? Нега шундай бўлар экан? У юрса ҳам, турса ҳам, ўзиға ўзи шундай савол берарди-ю, лекин жавоб тополмасди. Ишдан қайтиши билан яна шу ҳақда ўйлай бошлайди. Аксига олиб, Мерган момодан ҳам икки кундан бери дарак йўқ. Унга ўрганиб колган экан, окшом пайти кампирни йўклаб борди. Кампир кичик келиннинг уйида экан. Икки келин Қирмиз семиздан савдогар нархда сотиб олган ялтирок кўйлагини кийиб кўришаётганди. Кампир эса уларни сўраб-тергаб ўтирибди.

– Ҳа, ўша еб тўймасни пул тешиб чиқсин. Одам сиёки йўқ унда, – деб карғади Мерган момо Қирмиз семизни.

Майрам қўшижжа гаранг бўлиб қолди. Қаерга борса. Одамлар жўрттага ўша опа-сингилларни тилга олаётгандек туюлди. Уларданам бошқа одам борми ўзи бу дунёда?

У кампир билан чой ичатуриб, ўйлаб юрган ўйини айтди. Нега бу опа-сингилларнинг бирори эмас, иккени эмас, биратўла ҳаммаси шўрпешона? Бири дардманд бўлса, иккинчиси бепушт, учинчиси эса эр кўрмаган.

– Уларни китоб урган, – деди кампир астойдил ишонч билан.

– Китоб? – деб хайрон бўлди Майрам қўшижжа.

– Эслайсанми, уларнинг бир амакиси бор эди. Тухмат билан қамалиб кетган, – деди кампир.

Майрам қўшижжа эслай олмади.

– Э-ҳа, у қамалганида сен ҳали Эргаш кундага турмушга чиқмаган эдинг. Бир аклли, бир чиройли йигит эди. Одамларни йиғиб, Бедил, Ҳофиз, ҳазрати Наувойдан ўкиб берарди. Ўша кишидан бир уй китоб колган эди. Ойхол бид-биднинг онаси китобларни кўз

корачиғидек асраб юрарди. У ўлди-ю, манави ер юткур кизлари ўз хавонига иш тутиб, китобларни оёқости килишди, тутантирик килиб ёкиб, адо килишди. Мен ўшанда уларга, сенларни китоб уради, деб айтган эдим. Мени, фаол бўлган аёлни, «эскилик сарқити» деб масхара килишди. Ана шундай, худо ургандан ҳам, китоб ургани ёмон бўлади.

Мерган момо бу гапларни шундай ишонч билан айтдики, Майрам кўшмижжанинг унга ишонгиси келди. Аслида эса, у бари айбни опа-сингилларнинг текинхўрлигидан, ишламаслигидан кўтар эди. Қишлоқда ишламайдиган хотин-халаж қўп-ку. Лекин улар бундай бало эмас. Кампир айтгандай, у ростданам опа-сингилларни китоб урганмикан, деб ўйлади.

Кичик келин кўйлакни тахлаб, буғжамага солар экан, «Дунё ҳам қизиқ, пул дегани шундайларни излаб топар экан-да», деб кўйди.

Кампир аччиқланди.

– Бошингизда гулдай эрингиз бор. Тақдир фарзанддан қисмаган бўлса, уларнинг нимаси бор? Пулими? Пул қўлнинг киридай нарса – келиб кетаверади.

Кичик келин кулиб-кулиб тавба килди. Кейин гапни Банот машиначи ўғирлаган товукларга бурди.

– Биламан, – деди кампир, пули бўлса ҳам, назари паст аёл. Бўлмаса, ўтган йили бизнинг товуғимизни ўғирлармиди?

Кампир ўтирганларга ўша воқеанинг тафсилотини хикоя килиб берди.

Ўша йили қиш каттиқ келган эди. Дала-даштда юрган чорванинг анчаси қирилиб кетибди. Кампирнинг катта ўғли, уйда гўшт тортилиб қолмасин, деган мақсадда инкубатордан ўттизистча жўжа келтириб бокибди. Товуқхона боғ этагида бўлиб, Банот машиначининг ховлисига яқин экан. Бир куни Мерган момо товукларни катагига киргизиб, санаб чикса, хисобидан иккита кам. Қайта-қайта санаса ҳам хисобидан кам чиқаверибди. Кампир иккала келинидан ҳам, «Бугун товук шўрва килдингизларми?» деб сўраган экан, улар «Йўқ» дейишибди. Шундан сўнг, Мерган момо Банот

машиначининг ҳовлисига ўтибди. Унинг товуқхонасига караса, бешта хонаки товуклари қаватига иккита оқ товук кўшилибди. Банот машиначи бўлса, бетини без килиб, Мерган момога, «Товуқларингизни кўрганим йўк. Бу иккита оқ товуқни кеча Шерободнинг бозоридан олиб келдим», – депти

Мерган момо хайрон бўлиб, «Бозорда давлат¹ товуқларини сотишмайди-ку», – деса, Банот машиначи, «Йўқ, сотаркан», деб ўз гапини маъқуллабди. Хуллас, Мерган момо унга бас келолмай, уйига кайтибди.

Мерган момо бу воқеани ҳамсояси Сарви холага айтиб берган экан, у бўлса, «Кечада Шерободда Банот машиначи билан автобусга бирга чиқдик-ку. Унинг кўлида ҳеч қанака товук-повуғи йўк эди», – депти хайрон бўлиб. Мерган момо барибир товуқларини кайтариб ололмабди. Нима қилсин, ўғирлаганини ўз кўзи билан кўргани йўк. Лекин у бир нарсадан ажабланиди. Банот машиначи бир ойлар чамаси товуқларни ҳеч қўйвормабди. Авваллари унинг товуқлари Мерган момонинг ҳовлисига ўтавериб, безор қилар экан. Банот машиначи кув аёл-да, ўғирланган товуқлар янги товуқхонага ўрганиб кетсин, деган мақсадда шундай килган шекилли, деб ўйлабди Мерган момо. Бир бир яrim ой ҳаш-паш дегунча ўтиб кетибди. Бир куни Мерган момо товуқларга дон бераётган экан, Банот машиначининг ҳовлисидан ўша ўғирланган икки товук ўтиб келибди. Улар эски жойини унутишмаган эканми, товуқхона ёнидан нари кетишмабди. Мерган момо дарҳол уларни ушлаб, катак ичига қўйиб юборибди. Кейин омборхонадан бир банка бўёқ олиб чиқиб, товуқларнинг бир қанотини бўяб, белги қўйиб чикибди. Кечкурун Банот машиначи келиб, кампирдан йўқолган товуқларини сўраган экан, Мерган момо: «Кўрмадим, – депти. – Бизнинг товуқларга белги қўйилган. Агар ичидан бўлса, ўзингиз таниб олинг».

Банот машиначи товуқхона ичига кириб, товуқларни бирма-бир кўриб чикибди. «Буларнинг ҳаммасини бўяб

¹ Давлат – инкубатор демоқчи.

кўйибсиз-ку, қандай танийман», – депти дами ичига тушиб. Ана шундай қилиб, Мерган момо ўғирланган товукларини яна жанжалсиз қайтариб олибди.

Майрам кўшмижжа бу воекани эшитиб, котиб-котиб кулди.

9

Майрам кўшмижжа якшанба куни кизиникига жўнади. Боласи сарик касал бўлибди, деб эшигтан эди. Кизи бир неча йилдан бери чўлда, хўжалик посёлкасида туради. Неварапарига совға-салом, мева-чевани кишлоқдан олиб келса ҳам бўларди. Лекин бундай пайтларда кизиникига етиб бориш-бормаслиги гумон эди. Негаки, куз бўлди, дегунча, автобуслар катновдан олинади, ҳамма куч пахтага, ҳашарга ташланади. Шунинг учун ҳам, бирор йўловчи-пўловчи машина учраса, манзилга етиб олиш мумкин, бўлмаса эрталабдан-кечгача йўл устида тухум босган курк товукдай, бир жойда ўтираверасан. Майрам кўшмижжа Тузконгача ўғлининг машинасида келди. Бундан бу ёғига йўловчи бир машинага чиқиб олди.

У кирган посёлка бохори чоғроккина бўлса ҳам, мева-чевага хийла бой экан. Майрам кўшмижжа Денов хурмоси-ю, Корабоғ аноридан икки кило-икки килодан олди. Яна нимадир харид қилмоқчи бўлиб, расталарни айлананаётган эди, тўсатдан кўли-кўлига тегмай олма савдосини қизитиб ётган Абдусалом акага кўзи тушди. Шу бўлди-ю юзини терс ўғириб, бозордан чиқиб кетди. Қизиникига бора туриб, бозордан сал нарироқдаги идорага кириб ўтди. Коридор охиридаги «участковой» деб ёзилган хона эшигини тақиллатди. Аммо эшик берк эди. Оркага қайтиб кетмоқчи бўлган эди, ичкари калит шакиллади. Эшик очилиб, ичкаридан кўзларини ишқалаганча, ёшгина бир участковой бола чиқиб келди. «Кечирасиз-да, опа, кечаси билан уйқу бўлган эмас, – деди у хушмуомалалик билан. – Қани ичкарига марҳамат». Майрам кўшмижжа ичкарига кирди. Участковой унинг озода кийиниши-ю, ўзини вазмин туттга-

ниданми ёки афт-ангори зиёлинамо кўринганиданми, ҳаркалай, «пахта ҳашарига келган ўқитувчилардан бўлса керак», деб ўйлади. Шунинг учун ҳам у:

— Муаллим опа, ишларингиз яхшими? – деб сўради.

Майрам қўшмижжа ўзининг кимлигини айтмокчи бўлган эди, участкавой сўзида давом этди.

— Ўн иккинчи мактабдансиз-да. Рўзиев домланинг иши бўйича келгандирсиз. Энди ташвишланмасангиз ҳам бўлади, опа. Ҳамма иш жойида. Уни ҳақоратлаган биргадир бугун-эрта бориб, мактаб коллективидан, қолаверса, домуллодан кечирим...

Майрам қўшмижжа унинг сўзини бўлди.

— Мен мактабдан эмасман, – деди у.

Кейин хўжалик олмаларини арzon-гаров олиб, фойдаси билан пуллаётган бир олибсотарни ҳозиргина бозорда кўрганлигини айтди.

Участкавой уни энсаси қотиброк тинглай бошлади.

— Мен район совети депутатиман, деб тушунтириди Майрам қўшмижжа. – Ҳар ҳолда ҳақим бўлса керак, бундай ишларга аралашибга.

Участкавой бирдан жонланди, ҳатто жилмайиб, уни ўтиришга таклиф этди. Стол устида совиб қолган ли-кобчадаги кабобни Майрам қўшмижжанинг олдига сурди.

— Қани ҳамма ҳам сиздай жонкуяр бўлса, – деди участкавой ҳамон жилмайиб.

— Юринг бўлмаса, сизга ўша кишини кўрсатаман, – деди Майрам қўшмижжа. – Фақат узоқдан.

Участкавой бу гапдан ҳайрон бўлди. Майрам қўшмижжа олибсотар сал ўзига қариндош эканлигига ишора қилди.

— Қолаверса, ҳамқишлоқ, у ёғини ўзингиз боплайсиз, ўрток участкавой.

Улар кўчага чиқишиди. Майрам қўшмижжа бурчакдаги киоска ёнида туриб, участкавойга Абдусалом акани кўрсатди.

— Мен сизни идора ёнида кутиб тураман, натижасини айтарсиз, – деди у участкавойга.

Участкавой канчалик тез кетган бўлса, шунчалик

тез қайтиб келди. Кела солиб, Майрам кўшмижжанинг қулига бир коғоз тутқазди.

– Мана, ўргок депутат, – деди у жилмайиб, – бизларда тартиб қаттиқ. У киши олмани ўзининг томорқасидан келтирган экан. Ана, коғози бор, ўзингиз ўкиб кўринг.

Майрам кўшмижжа кутилмаган бу далилу исботни кўриб, хеч нарса демади. Факат коғозга кўз ташлади. Шаҳодатнома қишлоқ Советидан берилган эди.

– Унинг боғида олма йўқлигини мен ўзим яхши биламан, ука, – деди Майрам кўшмижжа.

Участковой елка қисди.

– Опа, энди буёғи бизнинг иш эмас, – деди у. – Ана, ўзингиз кўрдингиз, ҳужжати жойида экан. Кечирасиз, ишим зарил.

Участковой уни холи қолдириб, яна идорага кириб кетди.

Майрам кўшмижжа кечга яқин кизиникида куёви Хонтўра билан гурунглашиб ўтирган эди, бир маҳал ҳовлига елкасига хуржун осган Абдусалом ака кириб келди. У чорпояда ўтирганлар билан бирма-бир кўришиб чиқди. Тўрга чикишдан олдин, гилам устига хуржунидан катта-катта олмаларни тўқди.

– Жудаям зўр олма экан-да, – деди Хонтўра ёш боладек севиниб. – Маржондан кўчатини келтириб экиб кўрдим. Барибир сизларнидек бўлмади.

– Тирикчилик-да жиян, – деди Абдусалом ака унинг гапига эътибор килмай. – Катта-катта егандан кейин, катта-катта топиш керак экан. Бугун бозорда олма унча кетмади. Савдонинг мазаси йўқ. Эртага Шерободга элт-самми, деб турибман. Бу кеча сизникида тунайман-да.

– Бемалол, bemalol, – деб илтифот кўрсатди Хонтўра. – Хоналаримиз кўп... Олма бозорда кетмади, дейсизми? Кўпчилик кундузи пахтазорда... Э, бу Маржоннинг олмаси жуда ажойиб-да!

Майрам кўшмижжа қарсиллатиб олма еяётган куёвига норози тикилди-ю, уйга кирди. Кизига чарчаганини баҳона қилиб, ётиб олди. Ухлаб, ухлагандай хам бўлмади, ичини ит тирнагандай ётди.

Абдусалом ака эрталаб чой ичишга ўтиrmади, ке-

тар маҳали эшик олдидан туриб, Майрам қўшмижжани чакирди. Майрам қўшмижжа «Бунинг менга нима гапи бор экан?» деб ҳайрон бўлиб, унинг оғзига тикилди. Абдусалом ака тишининг оқини кўрсатиб, аллақандай тантана билан гапирди:

— Оббо, келин-эй... Шундай килиб, мени участковойга бориб чакдингми? Яхши эмас, яхши эмас. Ҳамкишлоқмиз-а?..

У гапининг жавобини ҳам кутмай, жўнаб колди. «Менинг участковойга учрашганимни қаердан билдийкин, — деб ҳайрон бўлди Майрам қўшмижжа. — Наҳотки, ўша участковой мени сотган бўлса. Йўғ-э...» Ҳар қалай, бу унинг учун сир бўлиб қолди. «Барибир сени тинч қўймайман, — деди у мияси қизиб. — Бу сафар марра сенини бўлди, лекин кейинги сафар бўлмаса, ундан кейинги сафар кўлга тушарсан...»

10

Майрам қўшмижжа қизиникига кетган куни Мерган кампир ўрмак ўрмади. Унинг фикри-дарди тиллаларни топишда эди. Кампир ҳали уйга кирмай туриб, тангаларни қайси хонадан излашни ўйлаб бўлди.

Майрам қўшмижжа кампирни ўз оиласининг бир аъзосидай билиб, унга хоналарнинг қалитини бериб қўйган эди.

Уй эски услубда — хуржуннусха қилиб қурилган, яъни ўртада дахлиз, икки томони эса хона. Чапдагиси Нусратники. Ундан кейин яна бир хона бор — бу меҳмонхона ҳисобланади. Майрам қўшмижжа тангаларни Нусратнинг хонасига қўймаслиги аник. Ўғлига ишонмаслигидан эмас. У отасидек, бирор бир нимани сўраса, йўқ дея олмайдиган бўш-баёв йигит. Меҳмонхонага келганда, у ўз номи билан меҳмонхона. Ким ҳам у ерда хазина яширади? Кампир тилла тангаларни факат Майрам қўшмижжа яшайдиган хонадан излаш кераклигини тушунди.

Мерган момо мўлжалдаги хонага кирди. Кирди-ю,

бирпас гаранг бўлиб турди. Нима қилсин? Тўрдаги икки қадимий сандикдан бошласинми? Кампир атрофга бир зум қўз ташлади. Эҳтимол, хазина уй деворидаги токчада турган косаи мис ичига қўйилгандир. Кампир курси топиб, токчадан косаи мисни олди, уни ағдариб кўрди. Ҳеч нарса йўқ. Мерган момо тахмон тагидан сандикларнинг калитини топди. Сандинлар қадимиий, қопқоклари ҳозиргиларга ўхшаб, тепадан эмас, олд томонидан очилар эди. Бу кампирга қўл келди. У сандик устидаги кўрпаларни эндиғина кўриб ҳам бўлган эдики, дарвоза томондан кимдир чакираётганини эшилди. У жонхолатда сандикни қулфлаб, ҳовлига чиқди.

Меҳмонларнинг бири хўжаликнинг бош ҳисобчиси экан. Қаватидаги кишини эса кампир танимади. Турки-тароватидан, кийинишидан бу ернинг одамига ўхшамайди. Ўзи ёш-у, сокол қўйган. Сочиям, энди жамалак тақишига орзуманд кизчаникidek келади. Мерган момо улар билан салом-алик килди. Соколли киши эса, алифбони ҳижжалаб ўқийдиган болага ўхшаб, «Қани, борми-иси-из, бир кўришайли-ик», – деб кампир томон қучогини очиб борди. Мерган момо қўркиб кетди, оркага тисарилди. Меҳмонни маст-аласт бўлса керак, деб ўйлади. Бош ҳисобчи кула-кула меҳмонни таништириди. «Э, хола, қўрқманг, бу киши Чори пахсакашнинг ўғли-ку», – деди.

– Қайси Чорининг?

Меҳмон тўхтаб, кампирнинг кўзига тикилди-да, саволга савол билан жавоб килди.

– Мана шу ҳовлиниг олдинги эгасини танирмидингиз? Ўшанинг ўғлимани.

Кампир энди англади. «Э, ха, урушдан олдин ўлиб кетган Чори Муродни айтяпти шекилли. Ўшандан икки ўғил колганди. Шуларнинг биридир», деб фикр қилди.

Бош ҳисобчи меҳмоннинг рассомлигини, туғилган ҳовлисини бир кўриб кетмокчи бўлганлигини айтди. Кейин у Майрам қўшмижжани суриштириди.

Шу пайт шабада эсиб, уй олдини тўсиб турган мурчрайхону нозбўйдан хушбўй ҳид тарагалди.

— Ох, ох! — деди меҳмон қулочини кериб, чукур нафас олди. Кейин олдинга юриб, ҳовли саҳнидаги ўрмакни кўрди-ю, альбомига ёпишди.

— Хола, қани ўша ерга бориб туринг! — буйруқ қилди меҳмон кампирга.

Меҳмоннинг буйруқ килиши кампирга ёқмади. «Каттакон бўлса ўзига, — деб ичиди аччиқланди кампир. — Ё менга топшириб кўйгани борми?»

Мерган момо жойидан жилмай, унга караб тураверди. Бош ҳисобчи бир оз ўнғайсизланиб:

— Расмингизни чизмокчи, хола, — деди. — Бу киши ҳар кимни ҳам чизавермайди.

— Расмимни чизмоқчи бўлса, ана уйимга борсин, — деди у. Уйда қанча медалим бор, қўшиб расмга чизсин. Менинг ким эканлигимни билсин. Гилам нима бўлти, уни кишлокда ҳамма аёл ҳам тўқийди-да.

Меҳмон кампирнинг гапига ҳайрон бўлди, кейин раъйига бориб, «ҳовлингизга ҳам борамиз, кўй сўясими, ўзи?» деб ҳазил қилган бўлди.

Кампирга бу ҳазил ҳам ёқмади. Уларнинг кетишини кутиб, бетоқат бўлди.

Бош ҳисобчи чой буюриб, ўзлари боғ этагидаги чордевор томон юришди. Улар чордевор олдида узок қолишиди. Кампир чой қайнатиб, уларни чақиргани борди. Қараса, бош ҳисобчи дарахт тагида олма еб ўтирибди. Меҳмон бўлса, қўлида қалам-қоғози билан чордеворга тикилгани тикилган. Кампир аввалига, меҳмон туғилган жойини зиёрат қилиб, ота-онасининг арвоҳига дуо ўқиятими, деб ўйлади. Йўқ, чордеворнинг суратини чизаётган экан.

Кампирнинг хаёлига бошқа бир фикр келди. Ҳовлининг собиқ эгаси — Чори Мурод бой бўлмаса ҳам, яхшигина хунарманд эди, лекин қаттиқ одам эди. Шу чордеворда унинг тилласи қолганмикан? Ўғли балки шу тиллани кидириб келгандир. Эҳтимол, Эргаш кунда ана шу тиллани топиб олгандир.

Меҳмонлар кетишгач, кампир дархол чордевор томон борди. Атрофини айланди, у — бу ерда ётган со-пол синикларни олиб қаради. Уй тўрида колган кандик

ўрнини ковлаштириди. Бир маҳал караса, чордевор томондан Майрам қўшмижжа келяпти.

– Бу ерда нима қилиб юрибсиз, момо? – хайрон бўлиб сўради у.

– Тоза кесак қидирдим, – деди у қовоғини уйиб. – Ҳожатхонага газета қўйибсан. Бу ишинг гуноҳ.

Майрам қўшмижжа кула-кула у билан тоза кесак теришиди.

Эртаси куни кампир Майрам қўшмижжа ишга кетиши биланоқ, дарҳол иккинчи сандиқни ковлаштириди. Излаган нарсаси топилмади. Кейин уй бурчакларини кўздан кечирди. Ҳеч қаерда йўқ. Қани энди нарсаси олмадек кўринса-ю, дарҳол олиб қўйнига солса.

Оқшом кирди, лекин у на тиллани топди, на ўрмакни ўрди. Кампир энди тилладан умидини узиб, этагини силкитиб қайтмоқчи ҳам бўлди.

Майрам қўшмижжа ишдан қайтди. Дарвозадан кира туриб, йўлакда мункиб кетди.

– Одам мункиб кетган жойда тилла кўмилган бўлармиш, деди кампир ва Майрам қўшмижжа бу гапдан кейин ўзини қандай тутаркин, деган мақсадда, унинг юзига синчилаб тикилди. Лекин бирор-бир ўзгариш сезмади.

– Шундай денг, – Майрам қўшмижжа хурсанд бўлиб. – Бўлмаса, ўша тиллани сизга бағишладим. Қазиб кўрмайсизми?

Кампир ҳам ҳозиржавоблик қилди.

– Шу ҳовлидан топсам, бўлдими?

Кампир бу қалтис саволга, у нима деб жавоб киларкин, деб караб турди.

– Майли, момо, топганингиз ўзингизники, – деди у бамайлихотир.

Кампирнинг кўнглида яна илинж пайдо бўлди. «Шу айтганига тилла тангаларини топмай қўймайман», – деб ўйлади у.

Кампир Майрам қўшмижжага чой устида бир ҳикоят айтиб берди. Ҳикоят мазмуни шундай эди:

Бир кишлоқда икки қўшни яшаркан. Бири бой, иккинчиси камбағал экан. Бой ер ҳайдаб ўтиrsa, камбағал

кўшниси нимадир сўраб, унинг олдига чиқибди. Кейин, дўнгликка ўтириб олибди-ю, ўзига бино қўйиб гапира бошлабди. Бой ўша дўнгликда, худди камбағал ўтирган ерга тилласини кўмган экан.

— Кўшни, — депти камбағал, — мана кўз тегмасин, сизнинг ойдек қизингиз, бизнинг Алпомишдай ўғлимиз бор. Неча йилдан бери аҳил яшаймиз. Биз ҳам насиб бўлса, ердан кўп ҳосил олиб, бойиб кетсак ажаб эмас.

Камбағал эртаси куни ҳам ўша ерда ўтириб, гапини давом эттирибди.

— Биз ҳам бойиб кетсак, кейин сизнинг қизингизга совчи кўймокчимиз. Данғиллама тўй берамиз. Кейин иккаламиз узок сафарларга чиқиб кетамиз. Қайтганимизда, неварамиз олдимизга чопиб чиқса, бундан ортиқ бахт борми?!

Бой унинг гапини маъқуллаб ўтирибди-ю, лекин ичидан зил кетибди. «Наҳотки, у менинг хазинам кўмилган жойни билса», деб ўйлабди ваҳима билан. Камбағал уйига кетиши биланок, тезда хазинасини ковлаб олиб, бошқа ерга кўмибди.

Эртасига камбағал яна аввалги жойига ўтирибди-ю, гапи бошқача чиқа бошлабди.

— Э, кўшни, — депти у ҳасрат билан, — сиз ким-у биз ким. Сиз билан куда бўлишга бизга йўл бўлсин...

Бой ана шунда, камбағал аввалги кунлар тагида ётган хазинанинг кучи билан катта-катта гапирганлигини сезибди.

— Ана шундай, тилланинг дами ўткир бўлади, — деди Мерган момо.

Майрам қўшмижжа бу ҳикоятни эшлитиб, ҳайрон бўлди.

— Кимдир ўйлаб топган-да буни, — деди — у. Мен ишонмайман. Сиз-чи, момо?

— Буни тилласи бор киши билади, Майрам, — деди Мерган момо.

Мерган момо кейинги икки кун ичida уйнинг ўзи гумон килган жойларини қайта-қайта кўриб чиқди. Тангалар ҳеч қаерда йўқ эди. У ҳатто, сандиқларни ҳам қайта ковлаштириди. Иккинчи сандикни ёпа туриб,

тахлаб кўйилган коржомага кўзи тушди. У ўша кунни, Майрам кўшмижжа тилла тангалар билан ана шу коржомани ушлаб ўтирганини эслади. Коржоманинг чап чўнтағига кўл солган эди, тангалар илашди. Бу ўша тилла тангалар эди. Кампир коржоманинг бошка чўнтакларини ҳам кўриб чиқди. Лекин ҳеч нарса топмади. Кейин коржомани ўз жойига қўйди-да, сандикни бекитди. «Ўзи тилла тангаси иккита экан-да, – деб ўйлади у. – Майли, шу ҳам катта гап».

Кампир ҳовлига чиқиб, яна ўрмакка ўтирди. Бирпас гилам тўқиди, лекин иши унмади. Эртасига ҳам шу воқеа такрорланди. Сал тўқиса, хато килади. Иши унмай, кампир жиғибийрон бўлди. Кампир қийналаётганлигини кўриб, Майрам кўшмижжа: «Момо, кўйинг шу ишни, бир-икки кун дам олинг, тўкиш бўлса қочиб кетмас», – деди. Лекин кампир унга қулок солмади.

У ахийри тилла тангаларни кайта жойига қўйди-ю, яна кўнглидагидек гиламини тўқий бошлади. Кампир то гиламни тўқиб бўлмагунча, тангаларга тегмасликка карор килди.

Гилам ой охирида тўқиб бўлинди. Кампир гилам ҳақини олмади: «Мендан ўғлингга ёдгорлик бўлсин», – деди. Майрам кўшмижжа ҳам Нусратнинг тўйида кампирга бошдан-оёқ сарупо бериб, шу йўл билан унинг хизматини тақдирламоқчи бўлди.

Кампир гилам битишидан бир кун аввал, тилла тангаларни жойидан олиб, уйига элтиб қўйган эди. У ўзича, тангаларни гилам ҳақига ҳисоблади. Кампир хурсанд эди. У бу тиллаларни ўлими олдидан икки ўғлига тақсимлаб беради. Ҳар ҳолда, «Мерган момо ўғилларига тилла қолдириб кетибди», – деган мишишнинг ўзи катта гап деб ўйлади кампир.

11

Нусрат Барфинни ҳовлига бошлаб кирди. Майрам кўшмижжа айвонда эди. Уларни кўрди-ю, юраги бир нимани сезгандай, «шиғ» этди.

Барфин хўжалик марказида ишларди. Уйга қайтаётиб, баъзан Майрам қўшмижжаникига ҳам кириб ўтарди. Нусрат билан Барфин бирга келган пайтлари ҳам бор. Бундай пайтларда улар иш юзасидан ё районга кетаётган, ё бирор йигилишдан қайтишаётган бўлишарди. Чунки, уларнинг бири Тузконда, иккинчиси эса хўжаликда комсомол комитетининг секретари. Барфин кўпинча у-буни сўраб, Нусратнинг олдига келиб турарди.

Кизнинг бу сафарги ташрифи Майрам қўшмижжани ҳайрон қолдирди. Барфиннинг қўлида каттагина тугун. Ўзини тутиши, қадам босиши аввалгидек дадил эмас, нимадандир ийманиб турарди. Ана, Нусрат тўсинда илинган қулф-калитни олиб, шоша-пиша дарвозага қулф уриб келди. «Демак, Барфин уйидан қочиб келган». Майрам қўшмижжа шу фикрга келди-ю, каттиқ ҳаяжонга тушди. Қўлидаги даврачироқни тозалашни ҳам унутиб, улар томон борди. Барфиннинг лаблари пир-пир учди, кўзлари ёшга тўлди. Майрам қўшмижжа у билан қўл бериб кўришди, секингина, «кираверинглар» деди. Кейин бирор ножӯя сўз айтишдан ўзини саклаб, дархол улардан нари кетди. Бидондан мой олиб, даврачироқка кўйди. Кеча каттиқ довул бўлган эди, электр симларини узиб ташлади, ҳали-бери ҳам чирок ёнадиганга ўхшамасди.

Кеч кирди. У даврачироқни ёқиб, Нусратнинг хонасига кирди.

Барфин Майрам қўшмижжани кўриши билан, ўрнидан турди. Юзида гуноҳкорона табассум, кўзларида мастона бир нур жилва килди. Майрам қўшмижжа чироқни қўйиб, чикиб кетмоқчи эди, Нусрат уни тўхтатди.

Бундай бир гап сўранг-да, она, – деди у. – Мана, келинингизни олиб келдим. Энди бизни сўкиш бўлмасин.

Майрам қўшмижжа бундай хабарни ўғлининг ўз оғзидан эшитди-ю, кўркиб кетди. Демак... у кизнинг ота-онасидан розилик сўрамай, эргаштириб келибди. Бундай айтганда, олиб қочибди. Ўғлига нима ҳам десин?

– Сизларга нима ҳам дейман? – деди Майрам күшмижжа бўшашиб. – Сизлар тушунган, ҳар нарсани биладиган одамларсизлар.

У хорғинлик билан бир ўғлига, бир Барфинга қаради. Барфин Нусратнинг сал-пал жингалак тортган сочларидан кўз узмай ўтиради. Нусратнинг кўзларидағи ҳадик йўқолди, у энди айбдорларча жилмайди. «Нодон бола, лоақал мендан, ўз онангдан бир оғиз маслаҳат сўрамадингми!» деб ўксинди у. Одамлар «Майрам күшмижжа бор-йўғи бир келин қилди-ю, шуниям эплаб, расм-русумини килиб ололмади», дейишмайдими? Майрам күшмижжа ўз хонасига қайтди. У ерда озгина кўз ёши килиб ўтиреди. Худди шу пайт дарвоза занжири шиқиллади. Аёл бутун вужудига англаб бўлмас титрок кирганини сезди. Сигир «мў-мў»лагандан сўнггина сал-пал хотиржам бўлди. Ҳатто, подадан қайтган сигирни ҳовлига киргизиш учун ҳам дарвозани очишга юраги бетламаётганини ҳис қилди. Қизнинг ота-онаси, холалари келиб колишдан кўрқаётгани учун ҳам юраги така-пука эди. Шундай бўлса ҳам у Нусратдан калитни олиб, дарвозани очди-да, сигирни хайдаб оғилхонага киритди. Унинг дили ғаш эди. Бугун, нима бўлса ҳам, қизнинг ота-онаси келмаслигини истар эди. Факат шу кеча ўтса бўлгани. Кейин ҳеч ким қизини қайтариб олиб кетмайди. Агар улар бугун келишса, Нусрат ҳам, у ҳам шарманда бўлади. Улар Нусратга тухмат қилишдан ҳам қайтишмайди.

Майрам күшмижжа оғилхонадан қайтаётиб, деразадан Нусратлар ўтирган ёруғ хонага қаради. Қаради-ю, бир зум гангиб қолди. У нима ғамда-ю бу икки ошикмашук нима билан машғул? Боягина кўзларидан ёш оқизган қиз Нусратга суюниб, қалин дафтардан бир нимани ўқиб берәёттир. Нусрат ҳам ўзида йўқ хурсанд, қизнинг билакларидан тортқилаб, уни тинглаёттир. Майрам күшмижжа, қиз ўз ёзган шеъларини ўқиб берәётган бўлса керак, деб ўйлади. Шундай маҳалда ҳам уларнинг кўнглига шеър сиққанига ҳайрон қолди. Барфиннинг касб-кори архив тикувчи бўлса ҳам, унча-мунча шеър ёзиб юради. Шунинг учун ҳам, хўжалик идора-

сида «Чорвадор» деган деворий газетани ҳам шу қиз тайёрлайди. Барфин ҳар байрамда чикариладиган бу газетада Майрам күшмижжа номидан макола тайёрларди. Ёнида эса, албатта, ўзининг ҳам шеъри бўларди. Кайси бир йили область газетасидан ўртамиёна шеърлар ёзиб юрадиган шоир-журналист келган эди. У идорада Барфин билан танишибди. Деворий газетадаги шеърини ўкиб, «Сиздан зўр шоира чиқади», деб мактабди. Шундан бери бечора қиз шеър жинниси. Ўша шоир журналист хўжаликка келиб кетгандан сўнг, газетада Ойхол бид-бидга бағишлиган шеърини эълон килди. Шеър яхши ёзилганми, йўқми, Майрам күшмижжа айттолмайди, лекин шоир ёлғон гапни шеърга соганига аччиғи келди. Шоирнинг ёзишича, Ойхол бид-бид, гўё урушда бедарак кетган қайлиғига вафодор бўлганлиги учун эрга тегмай юрган эмиш. Кирон келсин бундай шеърга! Ёлғонни ёзган шоир шоирми? Аммо у ичидагини сиртига чиқармади. Ойхол бид-бидни кўрганда, ҳатто, табриклаб ҳам кўйди. Кейинчалик, қачон уни табриклагани эсига тушса, ўзидан-ўзи жирканиб, эзилиб юрди. Хайрият, ўша пайтда Эргаш кунда хотини Ойхол бид-бидни табриклаганини эшитмаган. Хабар топса борми, юзига тарсаки тортмаса ҳам, беш-үн кунгача пешонасини тириштирган бўларди. Лекин Эргаш кунда Барфиннинг шеър ёзишини мактаб юради. Қизнинг мактабда Совет Армиясига бағишлиган байрамда шеър ўқиганини кўрган экан, алламаҳалларгача эслаб юрди. «Э, бу Барфин бало экан, шеърни жуда аломат ўкиди. Сал бўлмаса, йиғлаб юборай дебман», деган эди у ўшанда хотинига.

Майрам күшмижжа дераза ёнида бирпас туриб колди. Барфин шеърини тутатди шекилли, Нусратнинг пинжига тикилди. Энди улар товушсиз, сўзсиз, энг содда, кўхна тилда сухбат куришаётган эдилар. Шу тобда улардан бахтли киши йўқ. Шу тобда улар ўзлари дунёда танҳо! Гўёки қиз уйидан кочиб келмагандай. Гўёки Нусрат қизни олиб кочмагандай. Улар бахтиёр, бамайлихотир ўтиришибди.

Осмонда булут орасидан ой кўринди. Майрам

қўшмижжа айвонга ўтди. Дили сал бўлса ҳам ёришгандай бўлди.

Дарвоза тақиллади. «Ана, Барфинга келишди», деб ўйлади Майрам қўшмижжа. У юрак ютиб, хонасига кирмокчи бўлган эди, оёғи остида бўш сатил турган экан, унга тўкинди. Сатил даранглаб кетди.

Кимдир дарвозани тошми, темирми, ишқилиб, қаттиқ бир нарса билан тақиллата бошлади. Бу так-тукка қарғиш ва сўқинишлар жўр бўлиб кетди. Майрам қўшмижжа бир нарсадан хотиржам эди. Чори пахсакашдан қолган бу баланд девордан унча-мунча одам ошиб ўтолмайди, арчадан ясалган манави дарвозани ҳеч ким бузиб, ичкари киролмайди. Факат, уй оркаси – жарлик томондан сўқмок бор. Аммо у ердаги дарча ҳам берк. Айниқса, кечаси у ердан ҳеч ким юришга журъят этолмайди.

Дарвоза ҳамон шитоб билан тақилларди. Нима бўлса бўлди, товуш бермаса бўлмайди шекилли.

Хувв, ким у, – Майрам қўшмижжа дарвоза томон кадам ташлади.

Кўчада тургандар товушдан сўнг, бирпас жимиб қолишиди.

Сўнгра кўчадан Ойхол бид-биднинг товуши келди. У дағдага билан, агар Майрам қўшмижжа қизни чиқариб юбормаса, окибати яхши бўлмаслигини уқтириб, дўк-пўписа қилди.

– Шошма ҳали, бу буқачанинг бурнидан ип ўтқазиб, турмага тикдирман! – деб қичқирди Банот машиначи.

Майрам қўшмижжа ихтиёр қизнинг ўзида эканлигини айтди. Қиз нима деса, шу. Кетаман деса, дарвозани очиб беради, йўқ, деса, иложи йўқ. Лекин Нусрат кизга тўй килиб уйланади. Бу ёғига кўнгиларини тўқ килишсин.

– Куллуг-е, – деди Ойхол бид-бид. – Қизнинг ихтиёри ўзида эмиш. Ким айтди буни сенга. Ҳали қизнинг онаси, отаси ўлган эмас. Ҳали отаси билмайди бу гапни. Йўқса, Барфинни тилка-пора қиласди.

– Ҳозироқ кизимни чиқариб бер! – чийиллади Банот машиначи.

– Барфинни чакир бу ёқка, – деди Ойхол бид-бид. – Икки оғиз гапим бор унга.

– Нима дейсиз? – Барфин айвондан туриб овоз берди.

– Эҳ, жиянгинам, – деди Ойхол бид-бид куйиб-пишиб. – мен сени ақли расо, тушунган киз деб юрибман-а. Нимага бизни шарманда қилдинг? Ҳеч бўлмаса, мендан ўрнак олсанг бўлмасмиди? Мен шунча мусофир ерларда юриб, бирор йигитга қайрилиб қараганим йўқ.

Ойхол бид-бид бундан йигирма-ўттиз йиллар илгари, область марказида олти ойлик ҳамширалар курсида ўқиган. У шуни назарда тутаётган эди.

Майрам кўшмижжанинг қулоги тагида Нусратнинг дағал, бир парда кутарилган овози эшишилди:

– Сизга ҳам бирор йигит қайрилиб қарамагандирда, – деди у пичинг билан.

Майрам кўшмижжа ўзидан сал нарида чекиб турган ўғлига норози бўлиб қаради. Жим турса бўларди-ку. Ўзи бирорнинг кизини олиб қочиб келган бўлса, яна тап тортмай, пичинг килишига бало борми? Нусрат гапи онасига ёқмаганлигини фаҳмлади-ю, тилини тийди.

– Ҳой, тилингга куйдирги чиккур, – карғанди Ойхол бид-бид. – Нима бало сен ичимга кириб чикканмисан? Ё, шоир Шайдойи менга атаб шеър ёзганини билмайсанми? Ана, газетани ўқиб кур, саводсиз. Йигитим урушда йўколган. Билдингми? Бевафолик қилмадим – эрга тегмаганим шундан.

– Қўй, шу гапларни! – Қирмиз семизнинг синглиси-га танбех бергани эшишилди. – Ундан кўра Барфинни чакир. Косапора бўлмаган бўлса, олиб кетайлик.

Банот машиначи Қирмиз семизга ниманидир уктира бошлади. Кейин яна Ойхол бид-биднинг дўки эшишилди.

– Ҳой, Майрам, кизни чиқарсанг, чиқар, бўлмаса сирингни элга ёјман.

Майрам кўшмижжа энди тахликага тушиб қолди. Ана энди, роса шармандаси чиқади. Кўчада анча одам тўпланганга ўхшайди. Ғала-ғовур, бақир-чақир бўляпти.

У беихтиёр камзулидаги калитга күлини чўзи. Нима килса экан? Дарвозани очгани тузукдир. Гап-сўз кам бўлади, сир-сирлигича қолаверади.

У дарвоза томон яқинлашган эдики, Барфин кич-кириб юборди.

— Хола, очманг!

Ё, тавба, қиз ҳам ота-онасидан шунчалик безадими? Нима бу, кизнинг аҳди каттиклигиданми ёки тантиғликми? Майрам кўшмижжа икки ўт орасида колди.

Дарвоза яна шитоб билан тақиллади.

— Айтдим-ку, ихтиёр кизда деп, — деди Майрам кўшмижжа шикаста овоз билан. — Энди менга нима дейсизлар?

— Сири-и-ингни очаман! — таҳдидли овоз келди дарвоза оркасидан. Йўқса, дарвозангни оч!

Бу овоз Майрам кўшмижжанинг юрагига санчилиб, акс садо берди. «Сирингни очаман!» Дафъатан, у ич-ичидан келаётган ғазаб ва нафрат ҳиссини туйди. Ахир мана шу овоз эмасми, унинг забонини боғлаган, юрагини зардоб килган! Уни бутун умр муте килиб, орзу-умидларини чил-парчин килган! Шу овоз, шу! Энди бу овоз мана шу икки ёшнинг ҳам бахтини боғламокчи! Йўқ! Энди унинг юраги чидамайди. Майли, элга, халкка сири фош бўлсин, лекин мана шу оккўнгил киз ўғли билан бахтили бўлсин!

— Йўқ, Барфин энди сизларникига бормайди! — деди Майрам кўшмижжа қатъият билан. — Хомтама бўлманглар, дарвозани очмайман!

Банот машиначи фарёд килди.

— Айтдим-ку, қизимни ана шу Майрам мегажин йўлдан урган, — деб бакирди у.

— Ҳой, Барфин! — деб кичкирди Ойхол бид-бид. — Биласанми, бўлажак қайнонанг кимлигини? Бўлмаса, эшит! Унинг килмишини факат менгина биламан.

Худди бирор мўъжиза юз берадигандек, ҳамма бирданига тинчид қолди. Киши кўнглини ғаш қилувчи жимжитлик чўкди. Факат бир тарафдан шамол эсади-ю,

деворлар тепасидаги тўсиқ сертикан шох-шаббаларни кисирлатди.

Майрам қўшмижжанинг бутун вужуди қулокка айланди. Энди у ожиз нотавон эмас. Майли, ўша қасамхўр ҳамма гапни айтаверсин. У энди бир нарсага икрор эди – бутун умри бўйи сирни яшириб яшаб бўлмас экан. Афсус, минг афсуски, буни у жуда кеч тушунди. Қинғир ишнинг кирқ йилдан кейин ҳам қийиги чикади, дейдилар. Майрам қўшмижжа сирининг очилишидан эмас, балки ўғлидан кўрқаётганди. У билса, нима деркин? Хаёлида факат шу савол чарх уради.

– Эшит ҳой Барфин! – деди Ойхол бид-бид товушининг борича кичкириб. – Майрам қўшмижжа сен ўйлагандек фарипта аёл эмас. Уруш йиллари эри қон кечиб юрганида, бу гунг билан майшат қилиб, бола ортирган эди. Уша боласини туғиб, кейин бўғиб ўлдирди. Кўмаётган пайтида устига келиб қолганман. Ишонмасанг, ўзидан сўра!

– Ёлғон! – деб кичкирди Майрам қўшмижжа беихтиёр. Ифлоснинг гапини қаранг. Қачон у болани бўғиб ўлдирган экан! Ойхол бид-бид қандай ҳодиса юз берганини жуда яхши билади-ку. Атайлаб, «боласини бўғиб ўлдирди» деб тухмат қиляпти, яшшамагур. – Ёлғон гапирма, Ойхол бид-бид, – деди Майрам қўшмижжа титраб, – ҳаёсиз!

– Энди сен ҳаёли бўлиб колдингми, – масхарамуз копиб гапирди Ойхол бид-бид. – Гапим ёлғон бўлса, ўшанда сен нима учун отангдан колган ўймакор сандиқни менга бердинг? Ё бўлмаса нима учун ҳовлини менга ташлаб чиқдинг? Бекоргами? Йўқ! Сиримни очмасин, хеч ким билмасин, деб шундай қилдинг.

Майрам қўшмижжа ҳовли ўртасида серрайиб колди. Нусрат унинг ёнидан ўтиб, дарвоза томон борди.

– Ёлғон гапирманг, – деди у бўйин томирини қавартириб.

– Ёлғон! Ёлғон бўлса, ана, онангдан сўра!

Нусрат бирпас онасига гарангсиб каради. Кейин бир-бир кадам ташлаб олдига келди. Унинг кўзлари уятдан ёнган, лаблари жиндай қимтилган эди.

– Шу гаплар ростми? – деди у ҳурпайиб.

– Ҳамма гапни кейин тушунтираман, ўғлим, – деди
Майрам күшмижжа.

Ўғли энди асабиёна, қўлини пахса қилганча берган
саволни такрорлади.

Майрам күшмижжа дамини ичига ютди.

– Ҳамма гапни бирданига тушунтиrolмайман хо-
зир, – деди у зорланиб. – Мавриди билан, кейин...

Унинг гапи чала қолди. Ўғли бирпас бақрайиб
турди-да, кейин, «Қани, уларга ёлғон дeng», деб буюр-
ди. Унинг товушида илтижо, айни пайтда таҳдид ҳам
сезилди.

– Энди нима дей сенга, болам, – деди Майрам
күшмижжа овози титраб. – Замон оғир эди. Опаларинг
очдан ўлмасин, деб гуноҳ қилган бўлсан қилгандирман.
Лекин...

Майрам күшмижжа гангиб, гапини давом эттиrol-
мади, унинг ғайритабийи, ғарифона мунғайганидан
Нусрат беихтиёр орқага чекинди.

Рост экан-да. – деди у хиркирок товушда. – Демак...
сиз... сиз...

Нусрат шартта орқага бурилди, югуриб уйга кирди.

Ташқарида, кўчада Ойхол бид-бид ҳамон Майрам
күшмижжани гўрдан олиб, гўрга соларди.

– Ҳой, мегажин, – деди у яна чийиллаб. – Ўзинг-
ку, бир пуллик одамсан. Энди Барфинни ҳам ўзимдай
расво бўлсин, деб ўйладингми?! Йў-ўқ, қанжик, бу ния-
тингта етолмайсан?!

Майрам күшмижжа кетма-кет зарбалардан гангиди.
Оёклари калтираб, ерга мажолсиз ўтириб қолди. Ўғли
кўп ўтмай уйдан чикди, елкасига костюмини ташлаб,
айвон тўсинига қалишиб турган Барфиннинг кўлидан
тортди. Майрам күшмижжа унинг аламнок овозини
эшилди.

– Барфин, юр, кетайлик бу ердан. Қани бўл, тугу-
нингни ол. Бу ҳовли бизга ҳаром энди.

Қиз кўркув аралаш Нусратга каради.

Нусрат унга уй оркасидаги сўкмокни кўрсатди.

Майрам қүшмижжа ҳамон караҳт эди, у ўрнидан туришини ҳам, турмаслигини ҳам билмай колди.

Дарвоза ҳамон тақиллар, бакир-чакир давом этарди.

— Кетма! — деб фарёд қилди Майрам қүшмижжа. — Кетма, болам!

Дарвоза ортидагилар унинг фарёдини эшишишди. Ҳовлида бир нарса содир бўлаётганлигини англаб, жимиб қолишишди.

Майрам қүшмижжа бўлса, иккала қўлинни ерга тираганча, изиллаб йиғларди.

У қадам товушлари узоклашгани сайин, ҳолсизланиб борарди. Нихоят, қадам товушлари тинди.

— Нусрат! — деди Майрам қўшмижжа овозининг борича.

Хеч ким жавоб бермади. Дарвоза ортида эса, гангиргунгур овозлар яна бошланди. Майрам қўшмижжа ҳозир ўғлининг, албатта, бирор шоффёр ошнасиникига боришини билиб турарди. У ердан бирорининг машинасини олади-ю, қизни миндириб, Тузконга кетади. Аммо бунга бирор соатча вақт керак. Бирор соатча! Унгача дарвозани очмайди.

У ўша кечани уйқусиз ўтказди. Ҳайҳотдек ҳовлида ўзи билан ўзи олишиб ётди. У ҳаётида унча-мунча эмас, балки катта бир воеа рўй берганини биларди. Аслидаку, кўнгли шу соатни қачондан бери рўй беришини кутган эмасмиди? Ўша Ойхол бид-биднинг таъқибидан озод бўлишни хоҳламаганмиди? Ўз гуноҳига икрор бўлиш учун унда неча йиллардан бери журъят етишмади. Унинг илк хатоси шу эмасмиди? Мана, ўша икрор энди бажо бўлди. Бунга ич-ичидан шукур киларди. Лекин Нусратнинг кетиб қолгани-чи? У ўғлининг, «Ёлғон дeng буларга», деб қилган илтижосини эсласа, юрак бағри эзилади. Нима килсин, ўғли бир сўзли, айтдими, тамом, энди ҳовлига қайтмайди. Отасидек ориятли, отасидек ўжар бу. Майрам қўшмижжанинг эсида бор. Бу воеа, Нусрат ё ўн икки, ё ўн уч ёшини тўлдиргандага юз берган эди. Ўшанда Мерган кампирнинг келинлари пилла курти тутишганди. Улар Нусратни ёрдамга, барг кесишга олиб кетишишди. Ўша кезлари Мерган кампир-

нинг келинлари Банот машиначининг бोғидан тут барги кесишаарди. Нусрат ҳам ўша ердан барг кесаётса, Банот машиначи келиб, «Хой, полвон, новдани калта-калта килиб кесма. Тут чўлтоқ бўлиб қолади», дебди. Нусрат югуриб уйга кела солиб, омборхонадан милтиқни ўклаб, Банот машиначини отишга бораётганда, отаси бир амаллаб ушлаб колган эди. Ана энди бўлса Нусрат унинг қизига уйланмоқчи. Майрам қўшмижжа хаёлан ўз-ўзига савол берди: Агар хозир эри хаёт бўлганида Барфинни келин қилишга рози бўлармиди? У энди хона тўридаги эрининг катта ишланган портретига караб колди, хаёлга берилди.

Эрталаб туриб, Мерган момоникига борди. Кампир нима учундир, унинг гапларини жуда дилгирлик билан тинглади. Майрам қўшмижжа йиғлай-йиғлай кечаги воқеани айтиб, кўнглини бўшатди. Ойхол бид-бидга сир олдириб, гунохи қимматга тушганлигини айтди. Энг қизиги шундаки, кампир унинг гунг билан бордикелди килганидан хабардор экан. У бўлса, буни шунча йиллардан бери сир, деб Ойхол бид-биддан бўлак ҳеч ким билмайди, деб юриди. Гунгни Қорасувга кўчириб юборган ҳам Мерган момо экан. У ўша гапни Ойхол бид-биддан эшитиби-ю, гунгнинг олдига борибди. «Бу қишлоқдан кет, Эргаш кунда фронтдан қайтса, сени кийма-кыйма қиласди», дебди. Бечора шундан кейин кўчиб кетган экан. Майрам қўшмижжа бу гапдан баттар хижолат чекди, тиззасини кучоклаб, бўйнини қисди.

– Бу гапни эринг эшитгани йўқ эди, – деди кампир унинг кўнглида туғилган саволни фаҳмлаб. – Ойхол бид-бид бу гапни фақат менга айтган. Мен унга, «Агар бу гап яна оғзингдан чиққудек бўлса, шармандагни чиқараман», дедим. У беимонни ўз поччаси билан тутиб олган жойим бор. Шунинг учун сен тўғрингда ҳеч каерда чурк этгани йўқ. Кеча энди, ўзини тутиб туролмабди-да.

Энди Майрам қўшмижжага ҳаммаси аён бўлди. Лекин бундан нима фойда? Факат ўзининг бунча аҳмок, довдир бўлганидан ўкинди. Кампир унинг баттар ўкинганини кўриб, «Нусрат ҳам бир куни ҳамма гапни

тушуниб олар», деб тасалли берди. Майрам қўшмижжа эса ҳамон ўғлини ўйларди. Кечаги ғалванинг оқибати яхшилик билан тугашини тиларди.

12

Майрам қўшмижжа Абдусалом ака милицияга ариза берганлигини ўзига келган чакирув қоғозидан билди. Терговга чакирилган кун уларнинг ҳаммаси – Абдусалом ака, Банот машиначи, Ойхол бид-бид, Кирмиз семиз бир автобусда йўлга чиқишиди. Майрам қўшмижжа кишлоқ сўнгидаги бекатда турган эди.

Улар Майрам қўшмижжани кўришлари биланок, типратикандай ҳурпайиб олишди. Айникса, Абдусалом ака.

Автобусда одам унча кўп эмас, йигирма-ўттиз чоғли йўловчи бор эди. Майрам қўшмижжа ҳамкишлокларига салом берди-да, бошка ҳеч кимга гап очмади. Ёнига ҳамкишлокларидан бири – мақола ёзиб юрадиган мухбир бола ўтириб олган экан, ундан дала ишларини суришира бошлади. «Ука, тобим қочиб турибди, ҳозир ҳеч гап сўраманг», деди Майрам қўшмижжа унга.

Мухбир бола хафа бўлгандек, қошларини чимириб кўйди. Кейин ўтирган еридан туриб, олдинги йўловчиларни гапга тутди.

Майрам қўшмижжа кеча Мерган момонинг кичик ўғидан, Нусрат Тузкон посёлкасида тўй қилмокчи эканлигини эшилди. Ўғли уни тўйга чакиравмикан? У хаёлан тўй оқшомини, давра тўрида бўйи бўйига ярашган, гулдай яшнаб турган Нусрат ва Барфинни кўз олдига келтиради. Қани у келин-куёвга оқ фотиҳа берса, Эргаш кунда хаёт бўлса-ю, бу тўйни, бу тантанани ўз кўзи билан кўрса. Кейин Майрам қўшмижжанинг ҳеч ҳам армони колмасди. Лекин ўйлаганининг бари бўлавермас экан...

У ушбу дамда яна ўша боғни, илк учрашувни, кузаки олмалар, биринчи марта ўтириб, кейин юзи олмадай қизарган дамларини эслади. «Майрам, сен мен учун байрамсан», деган эди Эргаш кунда ўшанда. Кейин у бу

гапни кўп йиллар давомида айтди. У бу гапни биринчи марта айтганида, ҳали уни Эргаш сағир дейишарди. Кейин у Эргаш ботир бўлди. Майрам ҳалиям унинг учун байрам эди. Эргаш ботирни эл «Эргашбой» дейдиган бўлди. Шунда ҳам у Майрамни ўзи учун байрам эканлигини айтиб турди. Кейин у Эргаш кунда бўлди. Майрам эса ҳамон унинг байрами эди. Майрам факат одамлар учун «Майрам қўшмижжа» эди. Унинг узун мижжалари икки катор ўтгани учун шундай деб лақаб кўйишганди. Эри унинг номи байрам сўзига уйқаш тушганлигидан хурсанд эди. Агар у Майрам деб аталмаганида ҳам, эри барибир, бир нимани ўйлаб топган бўларди, лекин гап бунда эмас. Гап унинг севилганида. Севилдингми, бас, сен ким учундир байрамсан, ким учун эса ой ёки қуёш! Барфин ҳам Нусрат учун байрам! Бунинг лофи йўқ. Майрам қўшмижжа ўз кўзи билан кўрди. Шундай экан, эри ҳам Барфинни келин қилганидан рози бўларди. Майрам қўшмижжанинг кўзи Ойхол бид-бидга тушди-ю хаёли бўлинди. Автобус тирбанд бўлмаганига ачинди. Агар одам кўп бўлганида, уни дупманларидан пана килган бўларди. Ахир бир соат улар билан бир жойда бўлишнинг турган-битгани азобку. Уларга ҳам худди шундай бўлса керак, бўлмаса, нега ҳар сафар унинг нигоҳи бехтиёр қайси бирига тушса, ўшанинг юзи худди аччик қалампир сепгандек буришарди. Лекин у афтини буриштирмади. Факат кўнгли бехузур бўлди, бедорликда киртайган кўзлари деразага тикила-тикила оғриб кетди. Йўқ, улардан уялгани ҳам, тортингани ҳам йўқ. Факат нима бўлса ҳам, тергов хонасига боргунча, жанжал қўзғашмаса бўлгани. Шунинг учун ҳам у жим ўтиришни, гап сўраган бир-икки қарикурига эса киска-киска жавоб қилишини лозим кўрди.

Банот машиначи бўлса, эри билан бирга гангрингунтур сухбат куриб келяпти. Яна дори-дармон ҳакидадир. Балки, тикиш ҳақини кам берганни сўқаяптимикан? Майрам қўшмижжа қулогини динг килган эди, уларнинг гапини бемалол эшитди. Йўқ, бу гал улар эски сомонхонани бузиб, янгисини куриш, бу ишни ким уddaлаши мумкинлиги ҳакида сухбат куришарди.

Эри кимнидир айтган эди, хотини маъкулламади. «Кўзи очик, пулни кўп сўрайди» деди. Эри эса, негадир уни жеркиб берди. Майрам қўшмижжанинг оғзи очилиб колди. Яккаю ягона қизлари қочиб кетади-ю, буларнинг гаплашиб ўтирган гапини каранг?!

Бужур кал Гултепада автобусни тўхтатиб, йўловчиларга билет тарқата бошлади. У Абдусалом акага билет йиртаркан:

– Қани, куда-андалар мундай... биргалашиб йўлга чикибсизлар. Ё тўй олдидан тайёргарликми? – деди.

«Ана бошланди, – деб ўйлади Майрам қўшмижжа. – Энди, Ойхол бид-бид арзу дийдиёсини килади. Э, Бужур кал, ҳеч нарсадан бехабардек сўрайсан-а? Биласанку, ҳамма гапни. Шу одатинг қолмади-қолмади-да, укам. Сен ҳам ҳар бир гапинг орқасидан кувлайдиган маржонликсан-да!»

Банот машиначи эрининг ўрнига жавоб килди:

– Қанака тўй, Бужурбой? – деди у хўмрайиб. – Ўсмоқчилаб сўрамант ундан!

Бужур кал шофёр бўлмаганида, уни ҳозир ўртага олишган бўлишар эди.

– Кўп гапирмай, носдан ол, Бужур, – деди Абдусалом ака. – Ўзинг яхши юрибсанми?

Бужур кал олдиаги носқовоғини оғриниб узатди, гап сўраганига пушаймон бўлди.

– Ўтган галгидек, носнинг ярмини куйиб олманг, Салом ака, – деди у. – Э, шу одатингиз қолмади-қолмади-да!

– Салом эмас, Абдусалом дегин, шунда саломнинг кули бўламан, – деди Абдусалом ака унинг носқовоғидан ўзиникига нос солиб олгач.

– Э, сиз саломнинг кули бўлгунча, ҳалқнинг гули бўлинг, ака! – деди Бужур кал. – Хўп энди тўй қачон?

– Ўша қутурган букага қиз бераманми, – деди Банот машиначи. – Уни ушлаб оёғига кишан солдирмасам, отимни бошқа қўяман.

– Э, э, секинрок, секинрок, ана у ерда кудангиз ўтирибди, эшитса яхши эмас, – деди Бужур кувлик билан. – Кудачилик – минг йилчилик деганлар.

«Шу гапинг ортикча бўлди-да, укам. Бу газандалар яна гапни чувалаштиришади. Энди менинг шўрим», демокчи бўлди Майрам кўшмижжа Бужур калга.

– Эшитсин, эшитсин! – деб шовқин солди Ойхол бид-бид. – Ҳангисини боғлаб кўйисин эди, бўлмаса.

У гапини тугатмаёқ, Банот машиначи давом қилди:

– Гапириб нима қиласан буни. Булар одам бўлса, эл-юрт удумини қилиб, совчи-элчи кўймайдими? Йўқ, буни асло ўйламаган! Шуларни шарманда қилай, иснодга қўяй, деган.

Кирмиз семиз ҳам гапни олиб қочди.

– Э, булар калин-палин деган нарсадан кочган. Тўй учун пул керак. Бу шўринг курғурларда пул нима қилсан! Ана шу бетавфиқ ҳалиям карзини тўламай юрибди.

Майрам кўшмижжа тишини тишига кўйиб ўтири. Нима ҳам десин. Ёлғон деди нима-ю, демади нима? Барибир гап чувалади. Лекин Қирмиз семиз боплади – Нусратни карздор қилди. Аслида-ку, Нусрат ундан карздор эмас. Ўғли шу ёзда Мерган момога кўмир келтириб берган эди. Қирмиз семиз ўша кунлар тор кўчага қараган уйига кондиционер ўрнатган экан. Нусрат билмай қолибди – машина кузови унга тегиб, сал пачоклаб ўтибди. Нусрат юз эллик сўм бериб, уни тинчиди-да, қолганини кейин беришга ваъда қилган эди.

Кирмиз семиз гапидан тўхтамас эди:

– Бети курсин ундан эркакнинг!

Майрам кўшмижжанинг чурқ этмаганлиги уни баттар кутуртириб юборди.

Майрам кўшмижжанинг ҳам бардоши тугади. Ахир бирор болангни гўрдан олиб, гўрга солса... қайси она чидар экан?

– Қирмиз, – деди у ўзини босишга уриниб. – Аввал ўзинг биронта туғиб, тарбия қилгин-да, кейин карғагин...

– Ундан бола тукқандан, туғмаган афзал! – кичкирди Қирмиз семиз.

– Ўғлинг Барфинни йўлдан уради-ю, карғамаймиз-

ми, – деди Ойхол бид-бид. – Бу ҳали холва, сўкиш у ёқда турсин қаматтирамиз ҳам.

Майрам кўшмижжа бу терговда аниқланишини айтди.

– Ўғлинг қизимга арак ичириб, бошини айлантирган, – деди Банот машиначи. – Бу нима, жиноят эмасми?

«Вой, куриб кеттур Банот машиначи-ей! Ўғлим кизингга қанақасига арак ичирсин? Барфин Норбиби ҳисобчининг туғилган кунига борган экан. Зиёфатда бўлганларнинг бари ўғлим ўтириш тугагандан кейин борганини тасдиқлашди. Лекин сен бунга ишонармидинг, гўрсўхта», деб ўзича ўйлади Майрам кўшмижжа. Шунчалик бўлса ҳам, у ракибларига мулойимроқ муомала қилмоқчи бўлди.

– Энди, иккови ҳам ёшлик қилиб, шошиляпти. Лекин бизлар бамаслаҳат иш тутайлик, – деди Майрам кўшмижжа.

Шу гапни бекор айтган экан. Буларга муросасозлик қилиш – оловга мой сепиш билан баравар бўлди. Айникса, Абдусалом аканинг жазаваси кўзиди:

– Насиҳатингни бориб ўғлингга қилгин, қанжик! – деди у бўкириб. – Пайтавангта курт тушганда, ақлинг кирдими? Шошма ҳали, тухуминг билан қуритмасам, юрган эканман...

Майрам кўшмижжа оғзига толқон согландек ўтириди – бўлмаса улар фақат даҳанаки жангга эмас, балки юлиб-турткилашга ҳам шай бўлиб туришарди.

Автобус манзилга етиб келди-ю, Майрам кўшмижжа енгил нафас олди.

Тергов хонаси ҳам чоғрокқина экан, Майрам кўшмижжа яна ўша башаралар билан рўбарў бўлишдан бошқа чораси қолмади. Терговчи ёшгина йигит бўлса ҳам, гапи ўткир экан, бир-бирига гап бермай жавраб ўтирган опа-сингилларни дарҳол огоҳлантириди:

– Айтиб кўяй, бу ерда бирорталаринг ножӯя харакат қилсангиз, сўкишсаларингиз, шартта турмага жўнатаман.

Кейин у Абдусалом аканинг важоҳатини кўриб:

— Айниқса, сиз, тартиб сақланг. Ҳали бу ерга күп катнашингиз керак бўлади! Сабабини ўзингиз биласиз, — деди.

Терговчи бу гапни, уларнинг кўзини қўркитиб кўйиш учунми ёки чиндан айтдими, бу ёғи Майрам кўшмижжага коронғи эди. Лекин у ич-ичидан севинди.

Терговчи бирпасдан сўнг, кўшни хонада олдиндан келиб ўтирган икки ёшни — Нусрат билан Барфинни бошлаб келди.

Майрам кўшмижжа уларни кўриб, кувончидан ўрнидан туриб кетай деди. Иккаловини кучоқлаб олгиси келди. Лекин илож канча? Улар жиндаккина бўлса ҳам унга хайрихохлик билдиришганида шундай килган бўлармиди. Нусрат ва Барфин терговчи бошчилигига тўрга ўтишиди. Шу пайт Банот машиначи ўрнидан сапчиб турди-ю, Нусратнинг сочига чанг солди. Нусрат бу ҳамладан ўзини олиб қочишга улгурмай, Барфин онасига ёпишиди.

— Кўлингизни олинг! — деб қичкирди у.

Банот машиначи терговчининг аралашувидан сўнг, кўз ёши қилиб, ўрнига ўтириди.

— Билиб кўйинг, — деди Барфин дераза томон юзини кескин буриб, — мени тинч қўймасаларингиз, у ёғини ўзим биламан...

Майрам кўшмижжа аграйиб қолди. Ёпирај, Барфин гапирияптими шу гапни? Мулойимгина, йигидан бошқасини билмайдиган қиз-а? Бу ёғига Майрам кўшмижжанинг кўнгли тўқ бўлди.

Терговчи қиз ёзган тушунтириш хатини уларги ўқиб эшиттириди. Кейин Нусрат ва Барфин билан савол-жавоб килди. Уларнинг жавобидан шу нарса маълум бўлди, Нусратни ўтиришга қиз айттириб юборган экан. Лекин йигит зиёфат тугашини кутиб борган. Қочиш режасини ҳам қиз таклиф килган. Нусрат бўлса, «Ҳеч каёқка қочмаймиз, ёлғиз онамни ташлаб кетмайман, яхиси бизнигига борамиз, кейин бир гап бўлар», деган.

— Шу гаплардан кейин ҳам, сизнинг эътиroz, шикоятингиз борми? — деб сўради терговчи Абдусалом акадан.

— Қизнинг ихтиёри ўзида эмас, — деди Банот машиначи. — Бу юзсиз нимага биз билан бир оғиз маслаҳат килмади.

Барфин унга ғалати бир қараган эди, онаси негадир жим бўлди.

— Қиз ўз ихтиёри билан йигитга турмушга чикмоқчи экан, бунинг нимаси ёмон, — деди терговчи.

Бу гапдан сўнг, Абдусалом ака, хотини ва сингилларининг нафаси ичига тушиб кетди.

— Сизларга жавоб бўлмаса, — деди терговчи Нусрат ва Барфинга.

Майрам кўшмижжа ўғлим ҳозир ёнимга келади, деб умид қилган эди, йўқ. Нусрат қайрилиб қарамади ҳам. Қизнинг тирсагидан ушлаб, хонадан чиқди. Терговчи ҳаммага бир варак ок қоғоз бериб, тушунтириш хати ёзишни сўради. Абдусалом акага эса, «йигитга даъвом йўк» деган тилхат ёзинг, деган эди, у кўнмади.

— Ўзингиз биласиз, — деди терговчи, — ҳар ҳолда энди қизни уйингизга қайтариб кетмасангиз керак. Ундан кўра, тўйларини яхшилаб ўtkазиб беринг. Ёшлар баҳтли бўлишсин.

Абдусалом ака бу гапдан сўнг, чурк этмай қоғозга кўл кўйди.

13

Янги йил кирадиган кун эди. Майрам кўшмижжа хеч қаерга чикмай ўтирди. Борадиган ери йўқ эмас, бор. Эрталаб уйга бирга ишлайдиганлардан уч хотин-киз келган эди. «Байрамни бирга кутайлик» деб, уйларига чакиргани келишган экан. «Кечирасизлар, бу сафар қизимниги бормоқчиман» деб, уларни қайтариб юборди. Аслида у кизиникига ҳам бормоқчи эмас эди.

Бу сафар янги йилни тантана билан ўтказиш кўнглига сиғмасди. Бундай олганда-ку, Маржонда янги йилни ҳамма ҳам байрам килавермайди. Қари-қуриларнинг ярим кечагача кутиб ўтиришга тоблари йўқ, улар барвакт ётиб, аzonда туришга ўрганишган. Ёшларнинг йўриги бошқа. Майрам кўшмижжа ёш бўлмаса

ҳам, ҳар йили янги йилни кутарди. Ўтган ҳафта чўлдан куёви келиб, «Отпускангизни олинг, сизни Хоразмга элтаман», деди. «Хоразмда нима бор», деб ҳайрон бўлди. Куёви Хоразмда бир табиб киз борлигини айтди, «унинг кўзлари рентгендек кўтармиш, кўллари билан шифолармиш, газитда ўқидим», деди. Куёви ҳам қизиқда. Наҳотки, у кайнонасининг дардини сезмаса, билмаса. Агар у ўғли билан ярашса, олам гулистон. Унга ҳеч қанака табибнинг кераги йўқ. Лекин у куёвига бундай демади. «Майли, фақат янги йилдан кейин борайлик» деб, гапини икки килмади. Зора янги йилгача, янги йил кунида ўғлим кириб келса, деб умид килди. Ана шу умидда, у эрталабдан бери бор пазандалик маҳоратини ишга солиб манти пиширди, шўрва осди, лочира ёпди. Дўконга чикиб, «ошна-пошнаси билан келиб қолса, керак бўлиб колар», деб у-бу харид килди. Чори магазинчи, «ха, Майрам опа, уйга меҳмон айтдингизми дейман», деб эзмалик килди. Ким келади качон, нимага деб эринмай сўради. «Керак бўлиб колар», деди Майрам қўшмижжа.

Уйга кайтса, дарвозасини Мерган момонинг кичик ўғли такиллатиб турибди. Уни кўриб, Майрам қўшмижжа севиниб кетди. «Ўғлимдан бирон хабар келтиргандир», деб ўйлади.

- Отпускадаман, – деди у ғамгинлик билан.
- Тинчликми? – хушёр тортди Майрам қўшмижжа.
- Сизга келган эдим. Онамнинг аҳволи оғирга ўхшайди. Сизни сўрайяпти.
- Бораверинг. Ҳозир етиб бораман, – деди Майрам қўшмижжа.

У харид қилган нарсаларни уйига киргизиб кўйдида, ғизиллаб кампирникига жўнади.

Мерган момо оёқдан қолган бўлса ҳам, лекин тилдан қолган эмас. Майрам қўшмижжа хонага кирганида, у келини билан бурро-бурро гаплашиб ётган экан. Кампир келинга, «Бизни холи қўйинг, айланай», деди. Келини Анорхол Майрам қўшмижжага ғалати бир карадида, хонадан чиқиб кетди. Кампир ёстиқ тагидан дока рўмол олиб, Майрам қўшмижжага узатди.

Майрам кўшмижжа дока рўмолнинг тугилган учини очди-ю, иккита қизил тилла тангани кўриб, жимиб қолди.

– Танияпсанми, бу тангалар ўзингники, – деди кампир.

– Сиз буни қаердан тондингиз? – ҳайрон бўлди Майрам кўшмижжа.

У тангаларни яна коржоманинг чўнтаига солиб қўйган эди-ку. Ё ҳовли-повлида тушириб қолдирганмикан.

Кампир унинг ҳайрон бўлаётганлигини кўриб, хаста товуш билан тушунтира бошлади.

– Қизим, мен нодонни кечир, – деди у қўзларига ёш олиб. – Бу тангаларни сандиғингдан ўғирлаганман...

Майрам кўшмижжа ишонмади. Кампирнинг бундай қилишига ҳеч ҳам ишонмас эди.

– Йўқ, эси оғиб валдираяпти деб ўйлама, – деди кампир. – Рост айтаяпман. Қариган чоғимда гуноҳга ботдим. Мана бир ой бўлдики, на ўлиб ўлолмайман, на тузалиб туролмайман. Нимага дейсанми? Мана шу тангалар учун. Неча марта ўзингга айтай дедим, юзим чидамади. Қариган чоғда коқилгандан ёмони йўқ. Ба-рибири айтмасам бўлмас экан.

– Э, момо, бор-йўғи иккита танга экан-да, шунга шунчами, – деди Майрам кўшмижжа. – Шуларни сизга бағишладим.

Кампир бош чайқади.

– Бу тангаларнинг изи бўлса керак, – деди у Майрам кўшмижжани яна ҳайрон қолдириб. – Лекин колгани сенда эмас, биламан.

Кампирнинг хаёлига ҳам келмаган гапларни айтди. Унингча Эргаш кунда Ойхол бид-бидларницида кунда кавлай туриб, бирор ҳазина топган. Лекин бу сирни айта олмай ўлиб кетди. Бўлмаса, анови Ойхол бид-бид тиш қўйдирганида шунча қизил тиллани қаердан олган.

– Бу ишнинг орқасидан тушгин, – деди кампир, – агар шу сирнинг тагига етмасанг, у дунёи бу дунё рози эмасман. Бу тангаларни милисага элит. Эҳ, аввалги шаштим бўлганида борми, ўзим билар эдим.

Кампир бу гапни айтиб, анчагача жим ётди. Майрам күшмижжа қўлидаги тангаларни камзулининг киссасига солди. Ўрнидан турмокчи бўлган эди, Мерган момо розилик сўради.

— Кўйинг бу гапларни, — деди Майрам күшмижжа, — дард бошка, ажал бошқа, деганлар. Ҳали отдай бўлиб кетасиз. Мана мени айтди дерсиз.

Кампир унинг гапига жавоб бермади. Майрам күшмижжа ҳовлига чиқсан эди, катта келин олдига югуриб келди. Қайноаси нима деганини суриштириди.

— Момо рози-ризолик сўради, — деди Майрам күшмижжа. Кампир билан ораларида бўлиб ўтган гапни айтиб кўйишдан зўрға ўзини тийди.

Майрам күшмижжа уйига ғам-ғусса билан қайтди. Бир томондан, у кампирнинг оғир аҳволда эканлигидан эзилса, иккинчи томондан, мана бу лаънати тангалар уни яна изтиробга солган эди.

14

Хайрият, кечга яқин дарвоза такиллади-ю, у ёстиқдан бош кўтарди. Ташқарида енгил лайлаккор ёғаётган эди. Майрам күшмижжа ҳавонинг совуклигига ҳам қарамай, бошига факат рўмолини ташлаб чиқди. Сатин кўйлак остида юраги дук-дук урди: нима бўлса ҳам, ўғли келган бўлсин!

Дарвозани очди. Рўпарасида тугунчак кўтарган Барфин турарди. Очиги, у келиннинг бу ташрифидан унчалик севинмади. Кейинги кунларда кўнглиниң қаериладир, «мана шу қиз туфайли ўғлим мендан юз ўгирди» деган ўй-фикр ҳам йўқ эмасди. Барфин кела-солиб, Майрам күшмижжанинг белидан кучди, икки юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди. Майрам күшмижжа келинининг беғубор тикилган коп-қора кўзларига бардош бера олмади, кўнглидаги муз бирпасда эриди. Бу муз эриди-ю, ёшга айланиб оқа бошлади.

— Йигламанг, жо-он хола, — деди Барфин, — ёшлик килдик, кечиринг бизни...

«Нимангни ҳам кечирай, болам, – деб ўйлади Майрам күшмижжа уни уйга бошлаб киаркан. – Ҳаммасига ўзим сабабчиман-ку».

Барфин уни янги йил билан табриклиди. Зар сим чакма қилинган бухори ковуш кийдириб, қайноасини юргизиб кўрдирди. Майрам күшмижжа бундан суюнган бўлса ҳам, хаёли ўғлида эди.

– У киши Тошкентта командировкага кетди, – деди Барфин қайноасининг фикрини укқанча. – Мен эса янги йилни сиз билан ўтказай, деб тўғри келавердим.

Майрам күшмижжа шунга ҳам хурсанд бўлди. Келинига бирор нарса совға қилиш умидида сандик томон борди. Калитни оламан деб, камзулига кўл суккан эди, яна тилла тангалар илашди.

– Мана шу сизга кўрмана совғам, – деди у келинига: – Каттаси кейинроқ бўлади.

Дастурхон ёзаётган Барфин қайноаси қўлидаги қизил тангаларни кўриб, ранги девордай окарди. Ўтирган жойидан кимирламади.

– Сизга нима бўлди, қизим? – деди Майрам күшмижжа ҳовликиб: – Кўнглингиз оздими?

У тўрга жой солиб, Барфинни дарров ётқизди.

– Шамоллабсиз-да, келин, – деди у Барфиннинг пешонасини ушлаб кўраркан. – Иссигингиз ҳам борга ўхшайди-ку.

У дўхтир чакирмокчи эди, Барфин кўнмади.

– Қўйинг, хола, – деди у ҳолсизланиб. – Факат сиз мени кечирсангиз бўлгани...

– Нимангизни кечираман, болам, – деди Майрам күшмижжа эзилиб. – Қайтанга яхши бўлди, бир болам иккита бўлди.

Барфин бош чайкади.

– Мен буни айттаётганим йўқ.

– Бўлмаса, нимани айтаяпсиз?

Барфин кўзларини юмди. Тезда жавоб бермади.

– Мени кўркитманг, айланай келин, – деди Майрам күшмижжа. – Яхиси, дўхтир чакирай.

– Йўқ, йўқ, – деди Барфин илтижо билан.

Майрам күшмижжа телевизор кўйилган тумбочка

тортмасидан дори-дармон солинган кутича олди. Унинг ичидан иссикни туширадиган дори излаб топди.

– Бўлмаса, мана буни ичинг, келин.

Барфин ўрнидан туриб, ёстикка суюнганча, қайнонаси узатган дорини ичди. «Келин кўзларини мунча олиб кочмаса», деб ўйлади Майрам кўшмижжа.

– Анави тилла тангаларни қаердан олдингиз? – деди Барфин бир лахза сукутдан сўнг. У бу гапни айта туриб, кўзларини юмди. Шунда Майрам кўшмижжа бу тилла тангаларда бир гап борлигини сезди, юраги хаприкли.

– Нусратнинг отаси киядиган коржомодан топган эдим, – деди у саросимага тушиб. – Нима эди?

Барфин кўзини шифтга осиглик бир жуфт анорга тикиб, қийнала-қийнала гапирди.

– Ўша... мен кўрган хумчадан олинган...

Майрам кўшмижжа жон ваҳмида қизнинг елкасидан ушлади.

– Нималар деяпсиз, жон кизим, тушунтириб гапи-ринг!

Барфин бош силкиди.

– Айтаман, факат, бир оз кейинрок. Юрагим оғрияпти. Анови сумкада валидол бор. Шуни олиб беринг, холажон.

Майрам кўшмижжа Барфинга ачиниб кетди. Шу ёшда унда юрак оғриғи нима қиласди.

Барфин валидолни тили тагига ташлаб ётди.

У туни билан бўлган воекани йиглай-йиглай айтиб берди.

Бир кеча Барфин алламаҳалда уйғониб кетибди. Караса нариги хонада онаси ҳалиям нимадир тикиб ўтирган экан. Онасининг олдига эндинина чикмокчи бўлиб турганида, Қирмиз ҳоласининг гапини эшитиб қолибди. У Барфиннинг онасига аллақандай хумча ҳакида сўз очибди, тиллалар тақсимотидан норози эканлигини, агар улушкини тўлиқ бермасалар, милисага хабар килишини айтибди.

Барфиннинг онаси унинг гапларига роса кулибди. Унинг гапича, Эргаш кунда Қирмиздан ёрдам сўраган. Лекин дўхтирга хабар бермаган ким – Қирмиз. Шунинг

учун ҳам Эргаш кунданинг ўлимига факт Қирмиз сабабчи. Қамалса ҳам, Қирмиз қамалади. Барфин холасининг эътирозини ҳам эшишиб олибди. Қирмиз холаси дўхтирга хабар бермоқчи бўлганида, Барфиннинг отаси, онаси, Ойхол холаси қўймаган эмиш. Агар у дўхтирга дарҳол хабар қилганида Эргаш тоға тирик колган бўлар экан.

Барфиннинг онаси бу гапни рад килибди.

«Поччанг сенга Эргаш кундани қўй, яхписи унинг олдида ётган хумчани тезрок келтир. Бўлмаса, тилладан қуруқ қоламиз дегандан сўнггина, дўхтири чакиришни ҳам эсингдан чикариб қўйдинг», депти у синглисига.

«Поччам дўхтири вактини ўтказиб бор, деганида, ўзингиз бор эдингиз-ку. У-бу гапни қўйинг, агар поччам улушимни тўлик бермаса, ўзидан кўрсинг», депти Қирмиз холаси.

Барфиннинг онаси қўрқиб қолиб, унга ялина бошлибди. Яна пича тилла беришга ваъда қилиб, синглисиги жўнатиби.

Холаси кетиши билан, Барфин онасининг олдига чиқибди. Онасига ҳамма гапни эшифтганини, эртага орғанга хабар қилишини айтибди. Онаси хушидан кетиб қолибди. Барфин қўрқиб, холасини чакирибди. Биргалашиб онасининг юзига сув сепиб, хушига келтиришибди. Онаси шу ётишида ўн кунгача ўрнидан туролмабди. Барфинга эса, «нимайки килган бўлсак, сени деб қилдик. Сир очилса, ҳаммамиз қамалиб кетамиз. Аммо шармандаларча камалгандан кўра, сирка ичиб ўлганим минг марта яхшиrok. Бу дунёда қизимнинг дастидан дод деб ўтаман!» деб қўркитибди.

Майрам қўшмижжа бу воқеанинг тафсилотини эшишиб, юрак-бағри эзилиб кетди. Ичиди иблислик қилганларга ланъят ўқиди.

Барфин эса, ўшанда бу сирни ҳеч кимга айтмаганига афсусланиб йиғлади. Майрам қўшмижжа уни овутган бўлди. Барфинга бир илтимоси борлигини айтди. Илтимоси шуки, Барфин унга айтган гапларини яна бир жойда такрорлаб бериши керак. Қиз эса йиғлай-йиғлай

бунга тайёр эканлигини, энди бу сирни ичидә саклай олмаслигини айтди.

Майрам күшмижжа ерда ётган тангаларни оларкан, бир нарсаны ўйлаб колди. Эри нима учун факат иккита тангани олиб киссасига солган экан. Ёки Майрам күшмижжага кўрсатиш учунми? Балки, унга совға килай дегандир. Балки у умри битганига ишониб, бу тангаларни, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолмасин, деган мақсадда, хазина уларнинг кўлида колиб кетмасин, деган ўй билан далил-исбот тариқасида колдиргандир.

Майрам күшмижжага нимагадир, ана шу хулоса тўғридай туюлди.

* * *

Йўқ, улар керакли жойга боришимади. Тўғрироғи, боришига улгуришмади. Абдусалом ака бир тиш дўхтирига тилла сотаётгани устида кўлга олинибди. Барфин очган сирдан хамма хабардор бўлди. Ўтган ҳафта қазо килган Мерган момонинг йиғи-йўкливида бир гўянда хотин ўша воқеани кўшиб айтди.

*Зигур гулини ташлади,
Юлдуз кўзини ёшладия.
Чақмоқдайин момомиза,
Бизни кимга ташлади!
Вой момо-мо,вой момом!..*

*Эргаш кунда жиянинг-ай,
Бутун эди-ку имония.
Уни чақиб ўлдирдия,
Маржоннинг тўрт илони!
Вой момо-мо,вой момом!..*

Бу эл қарғиши эди. Инсонга бундан ортиқ жазо йўқ! Майрам күшмижжа буни ўз кўзи билан кўрди: аза тутиб, йиғи-йўклов айтишаётган хотинлар орасидан уч шарпа сирғалиб, кўрка-писа чиқиб кетди. Бу ўша уч опа-сингил, уч бошли аждарҳо эди. Улар элнинг аёвсиз қарғишига дош беролмай, ғамхонани тарк этишган эди.

Удумга кўра, йиғи-йўклов, тўхтаб-тўхтаб айтилади. Навбатдаги бир фурсатлик тин олишда Сарви хола

марҳуманинг ўлими олдидан қилган васиятини айтди. Мерган момо ўлганидан сўнг, гўрига ифорли сойдан иккита кўк тош кўйишларини сўрабди. «Бошқа ёдгорлик тош қўйишмасин», дебди. Нима учун факат иккита кўк тош экан? Бунинг боисини Майрам қўшмижжа тушунмади. Кампирнинг бир пайтлар айтган гапи эсига тушди. «Кўк ранг ота ранг, яшил ранг она ранг» дерди. Эҳтимол, у икки кўк тош – икки ўғлини назарда тутгандир.

– Мерган момо очик-сочиққина, хокисоргина аёл эди, – деди Сарви хола.

Яна ҳамманинг кўзига ёш қўйилиб келди. Факат Майрам қўшмижжагина бурчакда оғзига талқон солгандай жим эди. У ҳам эл катори кампирнинг ҳаётидан ибратли бирор воқеа айтмоқчи эди. Мабодо, у кампирнинг ўғрилик қилганини, кейин буни бўйнига олиб, тангаларни қайтариб берганини ўтирганларга айтса, ҳеч ким ишонмаслигини, кўпчилик, «Ё алҳазар, шу Мерган момоми, кўйинг-э, ҳозир ҳазилнинг вақтими», деб жеркишларини ҳам биларди. Шунинг учун ҳам жим эди. Кампирнинг бу қилмиши факат эндиғина уни ташвишга солган бўлиб, юраги ўртанарди.

Майрам қўшмижжа «шу кампирдек карисам» деб, ният қилган эди-ку. У сигиниб юрган кампир ўғрилик қилдими? Ҳозир тўқчилик замони эмасми? Кампир ҳеч қачон овқатдан қисилганини айтмаган эди. Ё тилла деган сабилнинг қуввати, сехри шунча баландми? Баланд бўлса, нега у сезмади? Агар кампир ўша тиллаларни ундан сўраганида ҳам, ҳеч иккilanмай чиқариб берарди. Майрам қўшмижжа қаттиқ ҳаяжонда эди. У эрининг бир гапини эслади. «Бу кампирнинг қингирликлари бор». Майрам қўшмижжа бунга ҳалиям ишонмайди. Барibir кампирни яхши кўради. Факат... тилла кампирга нима учун керак бўлди? Унга мана шуниси жумбок. Мана шу саволга у жавоб тополмайди. Шуни эсласа, юрагида оғриқ туради. Балки бунинг сабабини бошқалар билишар. Бу гапни у кейин, кампирнинг йили ўтгандан кейин, унинг ўғилларидан, келинларидан сўраб кўради. Эҳтимол, ана ўшанда бу жумбок ечилар.

Эмишки: Абдусалом ака қамок муддатини ўтабди. Уйга қайтаётганида, Бужур калнинг автобуси га чикибди. Бужур кал у билан куйидагича сухбат курибди:

– Абдусалом ака, ростингизни айтинг, – депти Бужур кал. – Ўшанда Эргаш кундага нега ёрдам килмагансиз?

– Э, биродар, – депти Абдусалом ака, – менинг ўрнимда у бўлганда ҳам шундай қилган бўларди. Негаки, бир-биrimизни ўлгудек ёмон кўрардик.

– Нима учун?

– Иккаламизнинг лойимизни икки жойдан олган экан.

– Нима киласиз яшириб. Аслида бир хумча тиллани деб шундай қилгансиз.

– Йўқ, тиллани аввал кўрганим йўқ эди. «Илон чакди» дейишганига, «ажаб бўлипти» дедим, уйдагиларни дўхтирга боргани қўймадим. Тўғрисини айтсан, ўлади деб ўйлаганим йўқ. Илон чаккан бўлса, бир азобини есин, дедим. Уни капча чакқан экан. Яна каеридан денг, бўйнидан. Бўлмаса, тезда ўлмас эди.

– Нега бўлмаса, тиллани давлатга топширмадингиз?

– Э, ука, – депти Абдусалом ака. – Хотиним дардманд эди. Бошқаси билан кўнгил очиш учун эса мулла жиринг керак. Менинг ўрнимда бўлганингда, сен ҳам шундай қилган бўлардинг.

Бужур кал автобусни тўхтатиб, «Абдусалом ака, пастга тушинг, бир маслаҳатли гап бор эди», – депти ва ўзи ҳам кабинадан тушаётган бўлибди. Абдусалом ака автобусдан тушиши билан, Бужур кал машинани ҳайдаворибди. Оркадан сўкиниб, чопиб кетаётган Абдусалом акага шундай деб бакирибди: «Менинг ўрнимда бўлганингизда, сиз ҳам шундай қилган бўлардингизда, сиз ҳам шундай қилган бўлардингиз!»

Бужур кал кейинчалик уч опа-сингилдан ҳам алоҳида-алоҳида гап олибди. Уларга ҳам юкоридаги саволларни берибди.

Банот машиначи шундай депти: «Бирорга ёрдам бериш тугул, ўзим ёрдамга мухтох бўлиб ётган эдим. Тиллани сўраяпсизми, ха, тақдир қилганни хуржунга сол, деганлар».

Ойхол бид-биднинг жавоби эса мана бундай бўлибди: «Ростини айтсан, тилла билан бўлиб ёрдам бериш хаёлимдан кўтарилибди. Бунинг устига поччам бир оғиз айтмадики «бор дўхтирни чакириб кел» деп. Тилла нега керак дейсизми? Нима деяпсиз, хали бу дунёдан умидим бор. Зора бирор-яримнинг хотини ўлиб, мен бечора ҳам эрлик бўлиб қолсан. Ёшлигимда эркакни кўп сайлаганим йўқ, ўша пайтларда эркак ҳам кам, айланай. Кимгадир эркак етмай колса, бунинг нимаси кизик экан?»

Кирмиз семизнинг гапи мана шундай: «Ҳаммасига Ойхол билан поччам сабабчи. Поччам айтдики, агар Эргаш кунда тирик қолса, бу тиллаларни давлатга топширади, бизга ҳемири ҳам тегмайди. Мен дўхтирга кетаётган эдим. Ойхол бўлса йўлимни тўсиб олди: сенинг эрингдан қолган пулинг кўп-да, тиллани назарга илмайсан, – деди. Шундай бўлса ҳам, касалхонага бордим. Лекин семизман-да нима қиласай, чопиб бора олмадим».

Улар бу гапларни айтганми, йўкми, бу Бужур калнинг виждонига ҳавола. Негаки, бу гапларни Бужур кал элга ёди. Оқибат, опа-сингилларнинг гапи бирбирига етиб борди. Аввалига улар бир-бири билан роса даҳанаки жанг қилишибди. Кейин бири иккинчисининг юзини юлиб, кайси бири ётқизиб тепишибди, юзи-кўзи демай, бир-бирини ҳақорат қилибди.

Бужур кал – бужур кал-да! Бу гапнинг охирига етмай кўймайди. Яна бу уриш-можаронинг натижасини бир автобус одамга айтиб берди. Ойхол бид-бид лашлушкини кўтариб, шаҳарга кўчиб кетишибди. «Шаҳарнинг бағри кенг», депти. Яна у, «Маржонни елкамнинг чукури кўрсин», депти.

Кирмиз семиз калтакни кўпроқ еган эканми, касалхонага тушибди. Палатадошлари кундузи ухлаб, кечаси

китоб ўкишар экан. Негаки, Қирмиз семиз жуда каттиқ хуррак отаркан.

Бужур кал фақат Банот машиначи хақида хеч нарса демади. Ҳамма унинг бир ой дарди зўрайиб, қазо килганидан хабардор эди.

Майрам қўшмижжа бу тафсилотларнинг барини автобусда эшилди. Лекин бундан унга нима фойда-ю, нима зарар? Ҳар ким килмишига яраша жазо олади. Уни бошка нарса кизиктиради: одамни илон чакса, захри канча вактгача аримайди? Агар одамни одам чакса-чи?

1984 йил.

ИСМОИЛ ТОҒА ТАРОЗИСИ

1

Йўқ, мен заргар эмасман. Заргарлик тарозиси отамерос аслида. Уни энди сотмасам, бўлмай колди, ха, ука. Мухтоҷликдан эмас, йўқ. Йўкса, нега сотаман? Бунинг ўз тарихи бор. Харидор бўлиб шунча олис жойдан келибсиз, майли, сизга айтайин. Барибир бугун энди бизга меҳмон бўласиз...

Бундан икки йил бурун уйга опамиз келди. У олиб келган хабар мени ҳайрон қолдирди.

Ана бу гапни қаранг: Раимбой таёқ олиб, чўпон бўлмоқчи эмиш. Бирорга сўз берганмиш. Нега шундай қилибди? Шопирликнинг нонидан кўнгли қолибмикан? Сиз томонда билмайман, аммо бизнинг жойларда шопирлик нонига кўл чўзиш осон эмас. Лекин чўпон бўламан десангиз, бу бошқа гап.

Опамиз шу хабарни айтиб, нам тортаверди. Опамиз эри билан тоғларда узок йиллар чорва кетидан юриб, кунларни ўтказган. Энди эса қариган, ҳовлида ўтирибди. Чорва иши кўп оғир. Шунданми, Раимбойнинг бу ишга кўл уриши унга хеч маъқул эмас. У кеча шундай деди:

— Окшом эшишиб қолдим, Раимбой келаси ой иши-

дан бўшамоқчи. Сен унга насиҳат кил. Ўғлим ҳаммадан бурун сенга қулоқ тутади. Молни боқармон киши унинг туёғидан ҳам қаттикроқ бўлмаса, ҳеч бир чўпон чиқмайди. Раимбой ундей эмас.

Опамизни юпатиб, кечқурун жиян билан гаплашишга сўз бердим. Рост гапни айтар бўлсак, бундан бир хафта бурун мен ундан сўраган эдим:

– Жиян, нега сиз ота касбини тутмай, шопир бўлиб кетибсиз?

– Темир-терсакка ўчман, – деган эди Раимбой. – Сиз аввалдан қишлоқда яшаб келганингизда, бундай демас эдингиз.

Раимбой аскарликдан қайтган йили отамга ёрдам берай деган ўй-режа билан озрок вакт чўпонлик ҳам килган экан. Аммо отаси унга: «Сендан чўпон чиқмайди», – деган гапни айтибди. Шундан сўнг, у ўзининг севган касби – техниканинг жиловини ушлабди.

– Поччамиз ўша гапни бекорга айтмагандир, ишини эплай олмаган бўлсангиз керак, – десам Раимбой кулиб туриб:

– Э, йўқ, тоға, бу гапга дўмбира сабаб, – деган эди у. – Отам аввал бошдан ҳам мендан чўпон чикиши гумон, деб юрар эди. Аммо, мен, умримда ҳеч кўшиқ айтмаган киши, армиядан келган йилим, бир марта кўшиқ айтдим. Ўшанда қайнотамиз бизнинг шарафимизга зиёфат берган эди. (Жиянимиз тушмагур харбийга кетаётib уйланиб кўйган экан.) Дастурхон бекаму кўст, созлаб безатилган-у, аммо шунга қарамай давра ҳеч қизимасди. Шунда кўпроқ ичибман, кейин дўмбира олиб, русча кўшиқ айтибман. Ёшлик – ғўрлик, ўшанда русча билишимни кўз-кўз килмокчи бўлдим. Лекин кулгига колдим. Баъзилар айтибдики: Раимбой зиёфатда «мама» ми ё «момо» ми деб роса йиғлаган эмиш. Яна бирорлар эса: «Раимбой аскарликда тилини унуганмиш», деган гап чиқаришибди. Кўшиқ айтганим факат отамга ёккан эмиш: «Кўшиқ айтолоса, демак, чўпонликка ярайди», дебди у чўлиғига. Бир куни отам мени ҳузурига чақириб:

«Үғлим, эртами-индин сунни¹ бошланиб колса, озроқ қарашсанг», – деди. Отам сўров оҳангида айтдими, бундай пайтда кўнглига бориш керак. «Бўпти, бораман», – дедим. Орадан бир кун ўтиб, ота-бала икковлон боф томон – Кемтик Лабга эшакда жўнаб кетдик... Мавсум тугагач, отам мени чақириб деди: «Ўғлим бир гап айтаман, аммо қўнглингга олма!» «Айтинг», дедим илжайиб. «Айтсам... сендан ҳеч қачон чўпон чикмайди, ўғлим. Сен бошка хунар танла!» Бу гап тўғри бўлса ҳам, аммо-лекин шу тобда менга сал ботиб кетди. «Нега унака дейсиз? Балки келажакда мен зўр чўпон бўларман. Ё сиз пўрим кийиниб юрганимга...» «Э, йўқ, Раимбой», – деди отам бошини чайқаб. Мен лолу ҳайрон эдим. Ахир мен отам неки юмуш буюрган бўлса, пухта бажармадимми? Кўплар ўз боласига «Чўпон бўлақолгин», деб сўрайдиган замонда бизнинг бобой нимага тескари иш қиласди? Менинг минг бир хаёлга борганлигимни кўриб, отам охири айтди: «Қўтонда бир ой бўлдинг. Қўлинг бўшаган пайтлар ўтов керагасида осиғлиқ дўмбирапларни чалармисан, деб эдим. Сен лоақал қўлингга ушлаб ҳам кўрмадинг-да. Шунинг учун айтдимки, сендан чўпон чикмас...» Мен эса баттар ҳайрон. «Чўпон деганинг бари дўмбира чертмайди-ку». Шуниси ёмон, ўғлим. Ҳамма гап ана шунда. Чинакам чўпон доимо дўмбира чертган. Нега, деб сўраганда... даштда ёлғиз юрганда, дўмбираси бор чўпон сира ҳам зерикмайди.

*Дўмбирам, сени боқаман,
Бошингга пўнак тақаман,
Туядек бўкирмасанг
Ўчоққа солиб ёқаман, –*

деб чўпон куйлагани бежиз эмас-да, ўғлим. Агар чўпон дашт-кирда зериқдими, вассалом, унинг молга меҳри йўқ. Кейин у ҳар хил йўлга кириши ҳам турган гап. «Сени кўнглинг аввал бошка нарсада эди», деди отам кулганча. Отам рост айтган эди. Мен техника

¹ Сунни – кўйларни сунъий кочириш маъносида.

бўйича инженер бўламан, деб ўйлаган эдим. Аммо омад келмади, ўкишга киролмадим. Шофёрлик курсини битириб, туз конига ишга кирдим.

Мен жияндан бу гапни эшитиб, шундай дедим:

– Ўша гаплардан кейин қанча ою йил ўтган. Нега шу давргача ўкишга кирмадингиз?

– Беш йилдан бери, тоға, иншодан йиқиламан. Ўзим неча бор ёздим, бирордан кўчирдим ҳам, лекин барibir икки олдим. Бир олим айтган эди, кўпроқ роман ўкинг, деб. Мана, имлони тўғрилаб олиш учун китоб ўқиб юрибман.

– Тўғри киласиз, жиян, – деб ундан хурсанд бўлдим.

Мана шундай гапларни айтган йигит не сабаб бирдан ўзгариб қолди? Ўзини кўрайин-чи, кани нима дер экан?

Элу юртнинг олдида Раимбой менга жиян, мен унга тоға бўлиб кўринсак-да, мабодо қон айирсак, аслида бегонамиз. Буни якинда билдим. Бу гапни опамизу поччамиз хали-ҳануз ҳаммадан яширади. Менинг бехабарлигим – поччамизнинг бир оғиз гапи учун уларнинг уйига ўттиз йилча қадам босмаганлигимдан.

Бундан тўрт ойча бурун опамиз ўйлаб-ўйлаб, районга – бизникига: «Укамни мен билан яраштирсангиз», дея элчи юборган эди.

Шу куни уйда эдим. Устахонамга кириб, вараклари тўзғиган китоб елимлар эдим. Бир пайт кўча томондан: «Исмоил, хў Исмоил!» – деган чакирик келди. Ўрнимдан турмай дедим. Одатим шу – бир ишнинг бошини тутган ҷоғим чалғиши ёқтирамайман. Аммо йўқлаб келган киши жуда ҳам тихир экан, эшикни узок коқиб, товуш кила берди-ку. Бориб эшикни очсан, хеч бир кутмаган кишим – Чори туякаш.

Шу кеча у билан гурунг қилайин десам, бова сира кўнмади. Эртага қишлоқ аҳли таганакка¹ чиқаркан.

– Бу тўрт кунлик дунёда туғишган опа-ука араз-гина қилиши аклининг ишими?.. Кўйинг, ярашинг, – деди элчи гурунг сўнгида.

«Ичимдаги гап-ку бу, десам бўларди унга. Лекин у

¹ Таганак – булок кўзларини очиб тозалаш маросими

ўлиб турган экан-да, бу Исмоил демасин деган ўйда, «маъқул», деб қўя қолдим. Элчини иззат килдик, беллига белбоғ бойлаб, эгнига чопон ёпдик.

– Келар бозор окшоми қишлоққа тушамиз, – деб унга ваъда ҳам бердик.

Бова хурсанд кетгани мени ҳайрон қолдириди. Ярашадиган биз-у, унга не наф, не фойда? Худди гўрдан отаси тирилиб келгандайин мунча хурсанд бўлмаса.

– Энди бормасак бўлмас, – дедим аёлимизга.

Минг бўлса ҳам хотин-да, тагин «мендан бир оғиз маслаҳат сўрамадинг», деган гапни қилмасин. Аслидаку биламан, Гулбиби кўпдан бери опам билан яратиб кетишимни хоҳлади. Шундай бўлса ҳам, айтиб қўйган яхши-да. Аёл оғзимдан чиқкан бу гапдан хурсанд бўлди. Яна, эримди фикри ўзгариб колмасин деб, эртаси барвакт туриб бозорга тушиб келди: қавм-кариндошларимга ул-бул совға дегандай.

Оқ дока рўмолининг бир учини чап елкадан, иккинчи томонини ўнг елкадан ўтказиб бизга кўриниш берди.

Ваъда қилинган куни эр-хотин етаклашиб қишлоқ сари отландик. Йўл нобопрок – тоғ йўли. Аммо шунга қарамай, автобус билан Пошхурт деган қишлоққа бир соатда етасиз.

Бир вақт манзилга етиб автобусдан тушгандик, кимдир орқадан келиб тирсагимдан ушлади. Боқсам, Чори тяякаш. Исмоил бой келар деб у кун бўйи бекатда автобусни кутганмиш. Андак хижолат чекдим.

– Бекор қипсиз-да, амак!

Шундай десам ҳам асли, ичимда севиндим. Аёлимиз олдида ёмон бўлмади. Нима бўлса ҳам ахир, хотин бегона жойдан. Озрок қадрим бор экан, уч-тўрт ҳамкишлок салом-алик килганча худди юз йил танишдек ҳол-ахвол сўраб кетди.

Кейин Чори тяякаш ҳассасини хурсанд ўйнатганича, эр-хотин иккимизни меҳмонга бошлаб борди. Кунгай бетда кенг ҳовли. Эшиги ийирганак¹ балхи тутнинг та-

¹ Ийирганак – уй олдида тол ёки терак ёғочидан килиб қўйилган тусин.

года опамиз сув сепарди. Бизни кўриши билан сатилпатилини ташлаб, кулиб-севиниб қолди. Кўзини ёшлаб туриб, хеч кимга қарамасдан, укам, жигарим деган гапни айтиб кўришди, шунда кўнглим бузилди. Ичимда: «Ў, Исмоил, шунча йил тумшук қилиб бекор қилдинг, опангни гуноҳи йўқ эди-ку!» – деган гапни ўйладим.

Опамиз поччамизнинг: «Бўлди, энди, онаси, биз ҳам Исмоил билан қобирға санашайлик», деган гапидан кейин келини томон борди.

Ҳамма хурсанд, менинг эса озрок ичим қисилади. Хурматимиз учун қўй-улоклар сўйилган: ҳар ерда тўйдагидек узун-узун дастурхон. Йигирма чоғли эркак катта меҳмонхонада, хотин-халаж балхи тут соясида мунчоқдай тизилишган. Дастурхонга бирма-бир суюк-қуюқ таомлар бас дегунча тортилган. Бундан ўттиз йил аввал поччамиз шу зиёфат харажатича пулни биздан қизғанган эди, деган гапни ўйлайман.

Кеч кириб, тун ярмидан ўтай дегандагина ҳам-кишлок-ҳамсоялар уй-уйига кетишли. Энди қавм-кариндош бир дастурхон бошида гурунгни қуюқ қилдик.

Гурунг-сұхбат чоғида опамиз ёнидаги уч аёлни қўрсатди: – Мана, жиянларингни яхшилаб таниб олгин!

Танимай бўладими, коши-кўзи ўттиз йил аввалгидек – поччамизга ўхшайди.

– Лекин, бу жияннингни аввал кўрган эмассан, – деди опамиз бу гал чеккада турган камгап, кўйкўз, серқош йигитни қўли билан кўрсатиб.

Бирдан лол-хайрон бўлдим. Ёшини ёш демасанг, жиян, денг, ҳамсоямиз Қудратовнинг нак ўзи. Ё тавба, одам деган шунча ўхшаш бўлурми? Аммо мен дилимдаги бу гапни, бу фикрни тилимга чикармадим. Хўп ўйла, кейин сўйла деган қадимий гап бор.

Опамиз-поччамиздан иззат-хурматни кўриб, уйга қайтар чоғимиз уларни ҳам меҳмонга боришини сўрадик. Рози бўлишди. Балки улар ўшанда Қудратовни кўришиб, Раимбойга жуда ҳам ўхшаб кетишларига хайрон бўлишар.

– Ука, кўнглинг тиласа қишлоққа кўчиб келгин. Мана, ўзинг ўйлаб кўр, бир ота, бир онадан ўн тўрт фар-

занд туғилиб икковимиз қолибмиз. Мен ҳам қаридим энди, – деди опамиз бирдан күзларига ёш олиб.

– Буни ўйлаб күрай, – дедим мен опамизга.

Аёлимиз касалманд, у ҳам қишлоқ ҳавоси ёқканлигини айтиб, «бу ерга күчиб келсак, соз бўларди», деб қўйди.

Уйга қайтганимизда мен аста гап кавладим:

– Хотин, сенга ёқдими бизни қавм-қариндош?

Биламан, аёлимиз бирорга баҳо берса, мен ўйлаган гап билан жуда уйқаш келади.

Э, биродар, шул аёл мен учун яралган-да. Бўлмасам, ул кўнглимни мунчалик билмас эди. Лекин шу гал билмадим. Унга қавм-қариндошлар жуда ёқканмиш. Опамиз ўша-ўша хушфеъл, ўзгармаганмиш. Аммо, лекин қизлари отасига тортганмиш. Ўғиллари Раимбой эсли-одобли эмиш.

Хўп-хўп, мен ҳам бу таъриф, бу баҳсга розиман. Лекин, анави гап-чи? Қизик-да, нимага у Раимбойни юз-кўзи Кудратов детанига ўхшашини сезмади? Ёки мен... адашдимми?

Ишга борганимда ҳам шу гапни ўйлаб юрдим. Биз ҳар уч кун айланганда катта, кўркам бинога дарбон бўлиб турамиз. Бу бинода идора ёки ташкилот деганинг беш-олтови жойлашган. Кудратов шу бинога ишга келиб-кетади. Тушга яқин гулзорга сув куйиб юрган эдим, бошини куйи солиб Кудратов ўтиб қолди. Қачон карасанг, шундай: ўйчан, паришонхотир. У менга салом бериб, «хорманг», деб ўтиб кетди.

Унга кўзим тушди-ю, Раимбойни эсладим. «Ё ажаб, бир-бирига бегона одам... афти-анголлар эса куйиб кўйгандек ўхаш».

Кудратов озғин бир йигит. Ўрмон хўжалигига директорлик қиласди. Бизга ҳамсоя, умрида кулганини билмайман. Бунинг устига, камгап. Рости, уни роса гапга солиб кўрганман. «Ўзим қашқадарёлик, Зилол деган қишлоқдан. Сағирликда ўсганман», деган хабардан бошқа нарса айтмаган.

Шу гапни эслай туриб, бир гап кўнглимга келди. Айтганча, поччамиз ҳам ўша томон одами. Чолу кам-

пир иккови Учкентда кўп яшаган. У пайтлар опамизни тез-тез йўқлаб борардим. Бундан ўттиз йил бурун опамиз эри билан Пошхуртга кўчиб кетишган. Нега шундай килишган: балки Тўқсонбой почча опамиз кистовига илож топмай қолгандир? Йўқса, нега Учкентдек обод масканни ташлаб хотин юртига кўчди? Мен шуларни ўйладим. Хаёлимда тахмин-гумонлар пайдо бўлди. Балки Тўқсонбой почча Кудратовга уруғдир? Раимбойнинг Кудатовга ўхшаши бежиз эмас. «Мабодо ҳар галгидек сўраб-суриштирсам-чи, бирор гап чиқиб қолар», деб фикр юритдим. Ажаб эмас, Кудратов поччага томир бўлса. Шундай чикса борми, поччамнинг боши кўкка етарди. Ҳар нима бўлганда ҳам, уруғидан тобуткаш топилгани тузук-да. Кудратов бефарзанд киши. У қариндош топса, суюнмайди дейсизми? Уруш йиллари, э-хе, кўп уруғлар ҳар қаёққа тариқдай путраб кетган. Балки бу иккиси ҳам шул сабаб яккаю ёлғиз, тақдирлар чалкашми?.. Э, мулла Исмоилбой, бу бир хом фикр-ўй-да. Лекин уни пишитса, бир гап чиқиши тайин. Мен шундай режа тузиб юрган кунларим поччамизу опамиз меҳмон бўлиб келишди. Яхши кунларни эслаб, ёмонларини сўкиб гурунг қилиб ўтиредик. Бир пайт гап орасида хаёлимда айланган гап учини чиқардим. Поччамиздан Зилолда бўлган-бўлмаганини билиш ниятимни сир тутиб, эҳтиётлаб сўрадим.

«Э, Зилолми, у ерда бир пайтлар мол бокканман. Зилол дарё бўйида, Учкент билан ёнма-ён», – деди поччамиз, кейин кулиб шундай гап айтди: – бир пайтлар соколи кўксига тушадиган аллақандай бобой шу ердан ўтган эмиш. Қайси бир хонадондан катик сўраган бўлса, унга маза-матрасиз катик тутишган экан. Шунда у айтиб кетган: бу қишлоқнинг аёли хушрўй, лекин ғар бўлсин, сигирлари серкаймок, сут катиги зўр бўлсин. Бу гап чинми-ёлғонми айта олмайман. Аммо Зилолда бари хотин-қизлар хўб зебо, уютган қатиқлари мақтасанг, мактагудай.

Мен энди поччамиздан Зилолда бирор хеши яшаб ўтганми-йўкми, шуни суриштиргандим, опамиз жавоб қилди:

— Поччанг етимак ўсган. Асли келиб чиқиши Туркистон деган ердан. У қишлоқда поччангди ити ҳам адашмаган.

Поччамиз, «тўғри», деди. У кишининг на Зилол, на ўша вилоятда ҳеч бир қавми бўлган. Ўсмирилик чоғларида Туркистондан бир ўзи айланиб келиб қолган. Бу жавобдан хафсалам пир бўлса ҳам, уларга сир бой бермадим. Аммо сездим, поччамиз жиндак хаёлга ботди. «Нега сўраб қолдингиз бу гапларни, Исмоил», деган саволни берди.

Калла бундай пайтларда тузук ишлаб кетаркан. Мен поччамга айтдимки, ўша ерда жўрам бор. Яқинда тўй киммоқчи. Мабодо у томонда таниш-билишлар бўлса, кўриб келиш чўт эмас.

«Зилолни кўриб келинг, сув-ҳавоси бўлакча», деди поччамиз тинчиб.

«Ха, бормасам бўлмайди», — дедим-у хурсанд бўлдим. Шундай килсанм бўлмасми? Жўрамиз бор, бу тўғри гап, лекин у Зилолдамас, ундан сал берирокда. Учкент деган маконда. Уни кўриш баҳона, кўп сирини очса бўлар: поччаю Курратовга бел бойлаб хизмат килсак. Яхшилик кўп яхши-да.

Мен шу гапларни ўйлаб, ўзимча кулиб кўйдим. Наҳотки энг изкувар, терговчи Жўраевнинг назари тушган одам энди ночор ўтиrsa. Йўқ, мулла Исмоилбой, кани, каллани ишлат.

Ха, яна шуни айтай: Жўраев бир мажлисда, кўпчиликнинг олдида: «Бизнинг оға Исмоил давлатнинг ўнг кўзи», деб ҳурмат билан гапирган. Бир воеа туфайли у шу гапларни айтди. Ўтган йили, кузакнинг охирги кунларида қайнимизнинг томига шифер кокиб, кеч қолдим. Қайнимизнинг ҳовлиси район якинидаги колхоз далалари бошланган ерда. Ишни тутатиб бўлиб, кеч соат ўнлар чамаси велосипедни миниб дала йўли орқали тўғри ҳовлига қайтдим. Колхоз идораси ёнидан ўта туриб толзордан сал нарида бир ок «Москвич»ни кўрдим. «Уни қулай жой қолиб, ноёнгай, нобоп йўлда кўйишгани кизик-ку», деб пича ҳайрон бўлдим. Дарҳол тўхтаб, мошиннинг атрофини айландим. «Колхозга

узок ердан меҳмон-пехмон келгандир», деган хаёлга бордим ва хар эҳтимолга қарши мошиннинг номерини билай, дедим ўзимча. Лой чапланган номерни зўрға кўздан кечириб, сўнг уйга, қараб кетдим.

Эрталаб ишга борсам, ҳаммаёқда дув-дув гап: кеча фалон колхознинг кассаси тешилганмиш. Бу хабарни эшитиб, милиса томон чопдим. Хуллас берган хабарим беиз, бежиз кетмади: ўғрилар тез ушланди.

Шанба куни ўғлимга: «Мошинни кўздан кечир, гир этиб Учкент сари бориб келамиз», – дедим.

Яна унинг кўнглига хар ўй келмасин учун «Аскарликдаги жўрам тушимга кириб чиқди, кўп хафа экан биздан», деган гапни пеш килдим.

«У томонда мунақа жўрангиз йўқ эди-ку», деб Холмат ҳайрон бўлди.

Мен унга тушунтиридим: жўрамиз шерободлик, аммо етти йил бурун Учкентга кўчиб кетган. Қолаверса, саъиил ҳам сайил дерлар, саргардонлик ҳам сайил. Юрагинг сиқилганда сафарга чиксанг ёзиласан. Яна бир гапни айтсам, Учкент бозорининг жуда таърифи кетган; у ерда мошинди ғилдираги анча арzon дейишади.

Холмат бу гапларимдан кўнгли анча ёзилиб, ўша куни «ғиркўқ»ни сафарга шайлаб кўйди.

Мен эса уйга кириб, сандиқдан отамерос тарозини чикардим. Одатим шу, кўнглимда бирор ўйни ўйласам, ана шу миттигина тарозини кўтариб кўраман-у кўяман. Ўнг палласи паст тушса, ўйлаганим бўлади. Чапи бўлса, тескариси. Раҳматлик отам айтган: «Ўғлим, бу тарозининг сири шуки, у акл томири қандай уриб туришини ўзида сездиради. Бу тарозининг икки палласи гўё одамзод миясиннинг икки палласи эмиш. Ўнги тош босар бўлса, миянинг чап палласи ўйлагани бўлармиш. Буни менга бир афғон табиби берган эди, унга эса отамнинг куръа ташлайдиган бир фолбин тахтасини сўраганда бергандим».

Ана шундай, мен асли иримга ишонмайман, аммо, митти тарози менга панд бергани йўқ. Унга заргар, тиш техник деганлари кўп марта харидор бўлиб келган. Гурунгларда кимда-ким бирор гапни ўзича маъқул топса:

«Бу гапим Исмоил тоғамизнинг тарозисидай тўғри», деган гапни айтади. Мен эмас, тарозимиз таникли, бирорадар.

Хуллас, мен тарозини кўлга олиб, «Раимбой Кудратовга ўхшаши бежиз эмас, бу ерда бирор сир бўлиши керак», деб хаёл килардим. Айтганимдай тарози ўнгга бир оғиб кетди. Шод-хурсанд йўлга чикдим.

Ота-бала шу куни Учкент томонга жўнадик. Учкент узок, эшакда икки кунлик манзилгоҳ. «Москвич» учун эса ярим кунлик йўл, холос. Йўли паст-баланд ўрлик, чағиртош, харсангтошлар ҳар қадамда учрайди. Мен эса минг хил гапни ўйлаб кетяпман. Режам шулки, опамиз Учкентдан нега кўчган, сабабини аввалги кўни-кўшниларидан сўраб билмоқчи эдим. Кейин Зилолга ўтиб, Кудратовнинг бирон бир қариндошини топсам. Эҳтимол бир гап чиқар.

Шу куни ота-бала Учкентда ошнамни тополмадик. Кун ботай деганда, ўғлимга шундай дедим: «Кел, излаб юрамизми, мусофирихона бор-ку».

Шу оқшом бозордаги мусофирихонада ётдик. Чайковчилар кўп экан: мошинга балон олдик, ўғлим кўп хурсанд бўлди. Жўрамни топиш учун милисаҳонага бордик, сўраб билдик – жўрамиз Марғилонга кўчибди. Сўнг опамиз яшаган ҳовлини излаб топдик. Ҳовли кадимдан қолган мачит ёнида эди. Ўғлимга: «бирпас тўхта, шу ерга кириб чиқай. Сен мошинга караб тур, бирор тегмасин», деб тайинладим. Мен бу гапни шунчаки, йўлига айтдим-кўйдим. Не бўлса ҳам Холматбой ниятимни сезмасин. Бундай пайтда ҳар қалай ўзим бўлганим тузук. Ў, бу темир эшикнинг қалинлигини айтинг. Занғар, шунча урсам ҳам ҳеч ким жавоб бермади. Кўча муюлишида бир аёлни учратдим. «Бу ҳовлида бир яхудий ёлғиз ўзи яшайди. Тўқсонбой амакини мен сал-пал эслардим. Аммо нега у киши бу ердан кўчиб кетган, буни айта олмайман, – деди. – Сиз яхшиси ҳув ана, мачит олдига боринг. Ҳамма эски гапларни ўша ерда ўтирган Кутлуг бова билади».

Бу гапдан енгил тортиб, мачит томон йўл олдим. Холматбой ҳам ўша атрофда айланниб юрган экан: но-

илож колдим бу гал – биргалашиб қалин тут соясида ўтирган бова олдига ўтдик. Бова бошини эгиб, юнги намда ёпишган телпагини авайлаб чўптароқда таарди.

Чол аввал эслолмади. Сўнг, туйкусидан уйғонган кишидай кўзларини катта очиб қааркан:

– Тўқсонбой дедингизми? Ҳа, энди эсга тушди. Бурчакдаги шу ҳовли асли Тўқсонбойниги. Ўттиз йиллар аввал мол бокиб юрганида, бир кун дарё бўйидан чакалоқ топиб олди. Буни худо берди, деб ўшани ўғил қилди. Фарзандларининг бари киз эди-да, ўзиям. Кейин ул кўчди деди.

Ана гап қайда экан? А-ҳа, дейман ўзимча, поччамиз меҳрибон экан-да. Қойил сенга, тарози, мени алдамадинг. Шу сафар алласанг мен асло хафа бўлмасдим. Майли эди билмасам, бу сирни, бу хабарни.

«Нима, ўша гўдакнинг эгаси чиқмадими?» – деб чолдан сўрадим.

Чол:

– Кейинрок қандайдир миш-мишлар эшитдим. Зилолда бир ёш жувон эри уйда йўғида бошқаси билан юриб... бола кўрган змиш. Тўқсонбой топган гўдак ўшанини экан, – деди.

Бова билан хайрлапдик.

Зилол сари юрдик. Қинплок кўп узок эмас, нари борса уч ёки тўрт чакирим чиқаркан.

– Бу ернинг сут-қатиғи етти иклизма машхур. Бозорчасига кириб, бир маза қиласиз-да, – деган эдим ўғлимга, у хайрон бўлди:

– Биргина шунинг учун бу қишлоққа келдикми?

Баҳона тайёр эди: «Кудратовнинг юрти бу. У менга куни кеча Учкентга боришимни билиб бир гап тайинлаб кўйган эди-да», дедим.

Нимагадир бозор кимсасиз эди. Бундан ўттиз йил аввал ёпиб кўйилган экан. «Э, бир колхоз раиси бозорнинг кераги йўқ, деб буйруқ берган эди, шундан бери йўқ бўлган», – деди бизга бир аёл. Аммо у, Кудратовни танийсизми, деган гапга жавоб бермасдан кетди. Кимдан сўрасам деб тургандим, йўл устида курилган мактабга кўзим тушди. Муаллимлар хонаси очик экан,

шартта ичкари кирдим. Бири бўлмаса бири Кудратовни эслар деб, кайфиятим чоғ эди. Афсус, ўйлаганларим чиппакка чиқди. Хонадаги ўн чоғлик одамнинг бирори ҳам «Кудратовни танирдим», деган гапни айтмади.

— Қишлоқда бундай одам ҳеч қачон яшамаган, — деди тўрда ўтирган сочи оқарган киши.

У шундай дегандан сўнг мен бир оз хафа бўлдим, нахотки шу Кудратов мени алдаган бўлса... Бу муаллим халки кўп одобли бўлгани билан мактабга борсанг муомаласи сал қуруқрок бўларкан.

Яна кўчага чиқдим. Холматбой тажанг бўлиб мошинани кавлайверди. Шу пайт мактаб томондан бир киши чиқиб келди. Холмат таваккал қилиб, ундан аккумуляторга буғланган сув сўради. У одам йўқ демади. Бизни уйига бошлади. Бир пиёла чой ичдик. Кетар пайти бу одам менга караб: «Амак, агар бир гап сўрасам, майлими», деб колди. «Айтинг, билсам жавоб бераман», дедим хурсанд бўлиб. Тўғриси, одамови, камгап одамларга унча ҳушим йўқ. Ундай одамнинг кўнглини билиш кийин: дўстми ёки душманми, нодонми ёки аклли эканлигини сұҳбат қилсанг биласан.

«Боя мактабга кириб, бир гапни сўрадингиз. Мен ҳам ўша хонада эдим-да, амаки. Сиз нега Кудратовни сўраб қолдингиз?»

Мен унга шундай дедим:

«У одам бизга таниш. Бир гузарда яшаймиз. Аслида ўзи зилоллик. Ўзининг айтишича, бирор қариндоши йўқ. Мен эса йўл-йўлакай шу ердан ўтаётуб, Кудратовни сўрайин, зора унинг қариндош-уруғи топилса дедим. Қувонтириб кўймокчи эдим ўша одамни».

«Ўша одам бу ердан қариндоши топилса, сира хурсанд бўлмайди, — деди зилоллик киши мени ҳайрон қолдириб. — Даврон Кудратов менга синфдош эди».

Аслида гап бундай бўлган экан: ўттиз йил аввал бўлган эди бу воқеа. Ўшанда Давронбойнинг акаси армияда. Биласиз, ўша кезлари аскарлик беш йил эди. Қайтар йили десангиз, унинг сулув хотини ҳомилали бўлиби... Чакалокни дарё бўйидаги бир чўпон топиб олган деган гаплар тарқалибди. Бунинг устига эса...

Гап шу ерга келганды, мен бирдан тамом бўлдим. Ўзим чой ичяпман-у, кўлларим қалтирайди. Зўрга ўзимни босдим. Наҳотки шу чакалоқ – Раимбой бўлиб чиқса.

«Меҳмон, энди сиз гапни охиригача тингланг, – деди зилоллик киши мэнга эътибор бермай. – Одамлар гап килишди. Гуласални бир дўхтир алдаб, унга аёлнинг баданини об-тобига келтирувчи доридан едириб қўйган эмиш. Ўша аблаҳ жувонни йўлдан урмоқчи бўлган. Аёл эса кўнмаган. Лекин дори зўридан кечаси Давронбойнинг қўйнига кирган эмиш. Тез орада Давронбой қишлоқдан ғойиб бўлди. Акаси армиядан келганида миш-мишлар роса кўпайган эди. Давронбойнинг акаси бу гапга чидолмасдан хотинини отиб қўйди. Кейин у укасини топиб отмоқчи бўлди. Шунда уни қамашди. Аликул ўн икки йил қамоқда ётиб келди. У кетганды отаси, кейин эса онаси оламдан ўтди. Аликул кўп турмади, кайгадир кетиб қолди. Шундан бери на ака, на укадан дарак бор. Одамлар ҳам уларни ҳисобдан чикаришган... Мен Давронга куяман. Мен билан тенгдош эди. Бир марта тепаликдан йиқилиб кетганимда ҳар куни уйга келиб, мендан хабар олганди».

«Ана, гап қайда экан? Э-воҳ, Раимбой ахир, Кудратовнинг ўғли-ку! Мана, у нима учун Кудратовга ўхшаркан?!» – дедим ўзимга ўзим. «Нега боя бу гапни мактабда айтмадингиз?», деб сўрадим мезбондан.

У бўлса шундай деди:

«Бу гап-сўзни у ерда айтиш нокулай бўлди. Чунки хонада ўша келинчакнинг тоғаси – завучимиз бор эди».

Уйга қайтар эканмиз, йўлда Холмат мен кутган гапни ахийри айтди: «Нимага бу Райимбой Кудратовга ўхшайди десам, ўғли экан-да!» Мен унга бу гапларни ҳеч кимга айтмасликни қайта-қайта уқтиридим.

Рости бу сафардан кўнглим алағда бўлди. Мен ишимиз ўнг келсин деб йўлга отлангандим. Ўнг келгани шу бўлди – тарози алдамади. Кудратов Раимбойга ўхшashi бежиз эмас деганим тўғри бўлиб чиқди. Лекин мен кувонмадим. Қидириб топганимиз кўнгилли гап эмас-да.

Түгри, мен қачонлардир ёмон күрган поччамга их-
лосим ортди. Эру хотин гүдакни панохига олишиб, у
кatta бўлса одамлар маломат килмасин, деган фикрни
килиб бу макондан кўчишган.

Бир маҳал ўғлим менга: «Ота, ростини айтсам,
сизнинг бу томонларга шундай, курукдан-курук, ке-
либ кетишингизга бошидан ишонмаган эдим. Ода-
тингиз маълум-да, бирор гап эшитсангиз, орқасидан
қувлайсиз», деган гапни айтганда, кўнглимга оғир
ботди.

«Одамга баҳо бериш оғир нарса, одатим таниш
ёки қариндош бўлмасин, уни билайн дейман. Кейин
адашиб юрмай, – дедим ўғлимга. – Бу сафар ўғлим,
хайрли иш қилувчи кишилар каторига кирай деб ният
килдим. Уларга ёру дўстлар топиб берай деган эдим».

Йўқ, ўғлим тушунмади. Менинг бу қилган ишим
бекорчиликдан деган енгил хаёлга борди. Ана шунда
юрагимда бир оғрик турди. То уйга етгунимча менга
у азоб берди.

Ховлига биздан кейин Раимбой кириб келди. Ичим-
да мен: «Ай жиян, бирпас кейинроқ келсанг бўлармиди?
Сал мундай, нафас ростлаб, фикримни йигиштириб
олардим», деб ўйладим.

Жиян хар тугул бизга яхши гап келтирибди: опа-
миз айтибдики, Зумрад деган бир момо эртами ёки ин-
дин Деновга кўчялти, тоғангни нияти бўлса, момонинг
ховлисини тезрок гаплашсин.

Раимбой ҳам: «Кишлоққа келсангиз соз бўларди»,
деган гапларни айтди. Ёпираи, шу Раимбой фаришта-
лик одам-да, юзига караб туриб, дардимни тўкиб сол-
дим: «Жиян, гапларингиз рост. Аммо бизни эшитинг.
Чин гапни айтар бўлсам кизик одатим бор-да менинг.
Кишлоққа кўчсам деган гапни кўп ўйлаганман. Бу ерда
нимагадир бегонадай яшайман. Ҳамма ҳурмат қисса
ҳам, чин дилдан эмаслиги ўзимга аён бўлган. Сабаби
шулки, менинг синчковлигим кўп ёмон. Боғдан ўтган
арикдан лойка сув окса, ё бўлмаса, кўчада юрган
қўшни боласи йиртиқ кўйлак кийса ҳам назаримдан
колмайди. Нима қиласай, феълим шу. Биламан, бу одатим

күпчиликка ёкмайды. Бегона-ку майли-я, бир кориндан талашиб тушган мархум акам ҳам менга күп даинном берган. Узокдаги отлар кишинашар, яқинда бўлса тишлишар, деганлари рост экан. Қишлоқда акам билан ҳар кун жанжал қиласадик. Асли акам туфайли отамакон қишлоқдан кўчган эдим, Раимбой». Ичимда биргина гапим қолди. «Ҳаттоки ўз фарзандинг кўнглингни тушунмаса яна ҳам ёмон, жиян», деб очиқ айтотмадим.

«Яхшимисиз, ёмонмисиз яккаю ёлғиз тоғамсиз. Қиплоқ сари кўчсангиз, бошим кўкка етади. Сизни ёлғиз кўймайман», деди менга Раимбой. Дилем ёришиб кетди. Унинг сўзи юракка мадад бўлди. Ростини айтганда, шундай дилкаш йигитта чиндан тоға бўлишни кўнглим тилаган эди. Мехрим тушган эди унга. Балки ачинишданми, лекин аниқ бир нарса дейиш кийин. Хулласки, Раимбойга шундай жавобни бердим: «Шу хафта ўйлаб кўрай».

Тарози бу сафар ҳам қишлоқка кўчсам тузук, шу йигит бир умрга сенинг суюнган тоғинг, кўнгилдошинг бўлади, деган гапни тасдиқлаб, ўнг палласи паст тушди. Хотин ҳам шундай деди: «Бўладиган савдонинг тезроқ бўлгани тузук. Юринг, эртадан кейин ҳовлижойни кўрайлик».

Хуллас, бир куни бориб, ҳовлини кўриб келдик. Биз талабгор бўлган уй газластирилган эмас. Ҳатто сув қувури йўқ, боғ эса навбат билан бериладиган арик сувидан ичадиган, лекин сердараҳт, серток. Томорқаси мўлгина, ичадиган сувлари кудукники бўлса ҳам, чучук, мазали эди. Уч хонадан иборат уй кичикроқ бўлса ҳам, пишиқ-пухта курилган. Аёлингизга ёқса, билинг, уй ёмон эмас. Ҳовлини олар бўлдик. Ўзимиз турган ҳовли Ҳолматга қолар бўлди.

Кўчадиган кунимиз Ҳолматга «Москвич»ни атайлаб колдирмадим. Ўғлим пичча қизариб: «Ота, сиз мoshин ҳайдамайсиз. Бекорга уйда сақлаб, чиритиб юборрасиз», – деди.

Мен ҳам унинг гапига жавоб тайёр килган эдим. Ўғил-да, ўксимасин. Шунинг учун мен унга: «Ҳовли сотиб олганда даста қискалик қилиб, кампирдан қарздор

бўлдик. Мошинни сотиб, аввал қарзни тўлаймиз, колганига уй-жойни созлаб оламиз», дедим. Аммо сездим, бу жавоб уни қонктирумади.

— Ўғлинг норози бўлди мошинни бермаганга, — дедим аёлимизга. — Хотинининг тупроғи сал енгил, мoshin тегса, жанжал кўп бўлади.

Шундай килиб, биз кўчдик. Ҳовлини таъбга мослаб, бир четта супа-ховуз, яна боғ этагида товукка катак курдик. Томни шувоқ қилдик. Ана шундай кунларда бизни хўжалик каттаси — директор йўқлаттириди. Директор Дони Исмат район тушганида кўлимииздан чой ичган. Райком бовани бевакт излаб келган пайтлари коровулхонага кириб, биз билан гурунг қилган. Лекин, ундан мен эмас, мендан у гап сўраган. Шунинг учун билмайман: у ўзи қандай одам, кўнглида не гаплар бор? Аммо-лекин биламан, у аввалги райком секретарининг яқин одами эди.

— Бизга шул идорани олди-теварагини обод килиб берсангиз. Биламиз, сиз райкомди боғини гуллатиб бергансиз, — деди менга директор.

Мен кўнмай, кўнглимдаги гапни айтдим-кўйдим: «Бирорни иссик жойидан олдириб ишламайман».

— Аввалги коровулми, у киши ўз ҳовлиси яқинида курилган янги мактабга кетди.

Бу жавобдан сўнггина, ишга розилик бердим.

Ишга киришиб кетдим. Қишлоққа келганимдан жуда ҳам хурсанд эдим. Ҳаммадан ҳам Раимбой атрофимда парвона. «Тоға, юринг бизникига». «Тоға, бекор бўлсангиз, кани мoshinага чикинг, сизни Тузконга элтай», деб кўнглимни олади. Мен ҳам уни асранди фарзанд эканини ҳеч кимга айтганим йўқ. Агар бу гап ёйилса, нафидан зиёни кўп. Фиску фасод газаклаб кетса, хунук бўлади.

Раимбой шопирликни ташлаб, чўпон бўлармиш...

Мен бу гапни эшитиб, ўзини кўрай дедим. Оқшом чоғи Раимбой ҳовлига кириб қолди. Ҳамма гапни жияннинг ўз оғзидан эшиздим.

Бундан бир ҳафта бурун кўплар тоғ орқасига – даштга кўча бошлаганди. Раимбой шу одамлар юкини ташир экан. Бир гал Қобил лашкарни даштга элтар бўлибди. Бова ёлғиз, сўккабош, хотиндан куйган одам.

«Болам, менинг қишлоқда тенгдошларим колмади, тор жойда гўшт егуンча, кенг жойда мушт егин деганлар. Зора кўнглим ўша дашт ерларда ёзилса. Бир жойда туравериб, яшашдан тўйиб кетдим», деган экан кария. «Тўғри, – дебди Раимбой. – Кўнгил тилаган бўлса, кўчиб, айланниб келинг».

Худди шу пайт кўчадан Норбой шилпик ўтибди. Салом-аликдан кейин чолни мазах қилибди: «Лашкар бова, мен сизга бир неча қармок берай. Ола кетинг, ярайди. Даштда, айтишларича, хотин-халаж кўп эмиш. Зора қармоғингизга зўррок кампир илинса».

Қобил лашкар не десин. Чол уч марта уйланган, лекин хотин турмаган. «Даштда яшамок учун юрак керак, амаки, – дебди Раимбой кулиб. – Агар бова уйланса, қишлоқдан хам топардик».

«Бованинг режаси бор, – деганмиш Норбой шилпик. – Йўқса, у киши чўлда нима қиласди энди?»

Раимбой чолни оклаб, яна жавоб қилибди: «Эл катори бўлай деб, бова чўлга кетяпти». «Сен жиян, бова учун гап топиб бераверма. Ўзингни бил... Ўзингку, чўпонликни эпламай, кочган эдинг. Яна энди бирорвга гап ўргатиб турасан», деб кулибди Норбой шилпик. «Чўпонлик оғир касб, лекин эплашим мумкин. Фақат унга кўнглим йўқ», деб Раимбой ўзини окламокчи бўлибди. «Э-ҳа, нега энди сен хохламас бўлиб қолдинг?! Назаринг илмайдими? Ё отангдан бирор бир ортиқ еринг бормиди? – деганмиш Норбой шилпик. – Йўқ, яхшиси икрор бўл. Чунки, чўпонлик қилиш қўлингдан келмайди-да». Раимбой жаҳл билан:

«Чўпонлик ота касбим. Керак бўлган тақдирда молни бока оламан. Хўш, сизга нима?!» – дебди.

Норбой шилпик бу гапга канадай ёпишибди:

«Агар сен чўпон бўлсанг... мен ҳам чўлкувар бўлиб, даштга кўчганим бўлсин!»

Раимбой бундай шартни сира кутмаган экан.

«Чўпон бўлсам бўларман. Лекин сиз...» деб Раимбой оғзини очар-очмас, Норбой шилпик деганмиш: «Лекин-пекинни қўйгин! Йигит бўлсанг, Раимбой, гапнингдан кайтма! Энди икки йил муҳлат билан иккализмиз шартлашсак. Агар шу йил ичиди чўпонликни ташласанг, сен кишлоқдан кўчасан. Мабодо мен ютқизсам, тамом, чўлда қоламан. Шу шартни бажармаган киши бошига рўмол ўраб маҳаллага чикади. Келишдикми, Раимбой?»

Раимбой ишонмабди. «Наҳотки, Норбой шилпик бу гапларни дилдан чиқариб айтиётир? Буёғи қандай бўлди?» Пошхуртда одат шундай: қасам иссанг-у, аммо шартни бажаролмасанг, бундан оғир гуноҳ йўқ.

Қобил чол: «Кўйинглар-э, қасамсиз иш қилинглар», деб баҳс-тортишувга чек қўймокчи бўлибди. Лекин бўлмабди. Раимбой Норбой шилпик билан кўл ташлашибди.

Мен бу гапни эшишиб, кайфиятим бузилди.

Йўқ энди Раимбойни йўлдан қайтариш қийин. Мен буни тарозининг чап томонга оғишидан тушундим. Шунинг учун ҳам унга энди бор кучимни аямай ёрдам бермокчи эдим. Аммо, чўпонлик бизга ота мерос эмасда. Ҳай, тақдир тизгинини ўз ҳолига қўяй-чи!

3

«Холмат мошин олибди».

Аёлимиз етказган бу гапдан қувонмадим. «Бу баччағар пулни қаердан олди», деб ўйладим. Эртаси барвакт туриб, Шерободга жўнадим.

Холмат ҳовли бетида «Жигули»ни юварди. Мени кўриши билан ҳар тусга кираверди. Ана шунда ўйладим: «Бу ерда бир гап бор-ов». Үғлимиизга сир бой бермай: «Мошин муборак», дедик.

— Мошинни ишхонадан берди, — деди ўғлимиз.

Аммо пулни-чи, пулни? Холматнинг айтишича, Сафокул карз берган эмиш.

— Қанча мудатга берди, — десам ўғлимиз довдираб, качон пули бўлганда қайтаришини айтди.

Бу гапнинг ёғонлиги гўдакка ҳам аён-ку. Менинг чўтимда гузарда бундай катта пул берувчи киши йўқ. Бўлганда ҳам бирорвга бемуддат карз бермайди.

Сафокулниги бордим.

— Холмат мендан қарзга деб, пул сўраб келгани йўқ, — деди у ҳайрон бўлиб.

Холмат менинг дарғазаб эканлигимни кўриб, дарҳол рост гапга кўчди.

Воҳ, дейман ичимда, тахминим тўғри чиқди! Холматбой поччамдан карз олган эмиш. Тўғри, Тўқсонбой почча оккўнгил, яхши одам. Аммо-лекин бирорвга карз бериши даргумон. Биламан-да поччани. Бундан ўттиз йил аввал пул сўраб борганимда, менга бир сўм бермаган. «Уйда еб-ичинг майли, лекин олиб кетарга ҳатто ҳас ҳам бермайман», деган эди поччамиз. Буннинг сабаби шуки, у киши бир марта панд еган. Яъни ота юртида ҳовлисини сотганда, бирорвга карз сўраган. У ишониб пулни берган. Аммо қайтиб ололмаган: пул олган киши қайгадир қочиб кетган. Уни излаб Учкентга келиб қолган. «Шу-шу, мулла Исмоил, ҳеч кимга карз бермайман», деган эди поччамиз. Мен эса бундай гапдан кейин, каттиқ аразлаб, юз кўришмас бўлгандик. Шундай киши Холматга қандай қилиб карз берган. Ишқилиб Холмат поччага Раимбой асранди ўғил эканини билдириб: «Пул беринг бизга, йўқса сирни ёман», дея кўрқитган эмасмикан?

— Сен менга тўғри гапир, — дея дўқ урдим ўғлимга. — Айтгин, поччага ўша гапларни гапирдингми?

Холмат бошини зғди. Билдим, у шундай килган. Фазаб билан юзига икки шапалок тортдим. Кейин сўқавергандим, ўғлимиз тилга кирди:

— Сиз мошинани сотдингиз. Якка-ёлғиз ўғлимга берсам, нима кипти деб, бундай ўйладингизми? Атро-

фингизга қаранг, одамлар фарзанд учун нималар килишяпти.

— Аблах! Сендей ўғилга ҳаром тук ҳам нораво! — дедим важоҳат билан. — Қари чолни қўрқитиб, пул берасан дейишга қандай виждонинг борди?

Холмат гапдан қолмади. Шуниси ёмон бўлди.

— Сиз ачинган одамнинг уч юздан кўп қўйи бор. Йигирмаси камайса бова қашшоқ бўлмайди, — деди у уялмасдан.

Мен эса хафа бўлиб, уйга қайтар эканман, Холматни ўйлар эдим. Бўйи теракдай, аммо ақли кўракдай буни. Ахир у бирор эмас, менинг бағримдан ситилиб чиққан фарзанд. Балки у факат болам деб чопган одамларни кўриб бузилдимикин? Э йўқ, боя айтди-ку: «Сиз жуда ўзингизни ҳалолман деб ўйламанг». Биламан, ўтган йили тўрт-беш гиламни катта пуллик, текинхўр одамларга сотганман. Икки бараварига. Шу мошинни олишга пулимиз етмаган эди. Мана, шуни ўғлимиз дарҳол юзимга солди.

Мана, Раимбой жиян, одамсевар, меҳрибон. Ўғил дегани шундай очиқкўнгил бўлса-да.

Мен уйга кела солиб, дарҳол тўшак солдирдим. Шу ётганча ёстиқдан бош кўтармадим. Ўғлим уч марта келди. Аммо мен ўғлим билан очилиб гаплашмадим.

Орадан ҳафта ўтди. Энди оёкка туриб юрган эдим, бир маҳал аёлимиз сўз очди:

— Холмат мошинни сотиб юборганмиш, — деди у. — Қарз берган оғайниси пулини қистаганмиш.

— Холмат тўғри килибди, — дедим аёлимизга ўзимни енгил сезиб.

Тез кунда ишга чиқдим. Кўнглим энди тўқ эди.

Бир куни Дони Исмат Тўқсонбой поччамизни уйига чақиртирди. Мен бу гапни айтгани ҳовлига кирганимда, у киши эшагига арпа бераётган экан. Мени кўриши билан ранги озрок ўзгарди. Биламан, Холмат унга Раимбой ҳақидаги гапни айтгандан бери мендан ҳам хавфсирайди.

Мен уни Дони Исмат бу оқшом ҳовлисига чақирганини айтдим.

— Дириктиир ховлисига одам чакирмасди, — деб поччамиз хайрон бўлди.

— Билмадим, — дедим мен ҳам.

Бованинг гапи тўғри Дони Исмат уйига бирорни айтмас эди. Одамлар орасида ҳар хил гаплар юради. Бундан икки йил бурун директор бир тоғаси келганда ҳам ўзининг уйига элтмаганмиш. Директор нега шундай қилган — бунинг сабаби ҳар хил. «Рашкчи одам. Аввалги хотинидан куйган-да. Шунинг учун уйига ҳеч бир эркак зотини кўймайди», — деди бирор. «Хотини дардманд аёл, ориқ кизидан бўлак тузукроқ дастёри йўқ», — дейди бошкаси. «Уйимдаги бойликни бирор кўрмасин, деган фикр бор директорда», — дейди учинчи киши. Бундай тахминлар сероб. Дони Исмат хўжаликга директор бўлганига уч йилдан ошай дебди. Шу пайтгача поччамиз ховлисига кирмаган. Тўғри, директор уни жуда хурмат қиласди. Мен зимдан кузатганиман. Дони Исмат чорва, мол хусусида кўпинча чолга кенгаш солади. Хўжаликка хурматли меҳмон келгудек бўлса: «Бизнинг Тўқсонбой бобо, танишинг! Бобомиз туғилганда, оталари тўқсонни қоралаган пайт бўлган. Шунинг учун отлари Тўқсонбой деб қўйилган. Ҳозирги пайтда эса Тўқсон, Саксони тугул, Олтмишвойи ҳам йўғ-ов», — дейди, ҳазил қиласди. Мабодо, муҳбир келса «Илфор, орденли чўпон, суратини олинг!», — деб бобони кўрсатади. Директор якинда телевизордан чиқиб, поччамизни мақтаган.

Орадан бир кун ўтиб, поччамиз уйга келди. Қовоғи андак солик.

— Мулла Исмоил, — деди поччамиз хаёл суриб. — Кудратовга ортиқча гап айтган ерингиз йўқми?

— Йўқ, — дейишга дедим-у, ичимни ит тирнади. Негаки, уч кун бурун... Шошманг, яхшиси буни бир бошдан айтиб берай.

Одамзод ҳом сут эмган. Ахир, мен ўша сирни ҳеч кимга айтмайман деб ўйласам ҳам начора, шунақа бўлиб колди.

Ўша кун мен идора ёнидаги гулзорни айланиб

юрган эдим. Бир маҳал рўпарамдан Кудратов чикиб колди. Бирдан кўнглим ғаш тортди.

Кудратов хар галгидек ичиб олган бўлса-да, мастлиги сезилмади. Директорни сўради. Мен унга директор токқа, мол саноғига кетганлигини айтдим. Кудратовнинг мошини бузилибди. То шопир эплагунча вакти бемалол экан. «Бир пиёла чой ичсак», деб колди у тўсатдан. Мен уни ҳовлимизга бошладим. Аёлимиз қайрағоч тагига жой солди. Иккимиз гурунг қилдик. Кудратов шикастнафас эканми, пиёвадан биринки кошик ичди. Давронбой ҳар галгидек кам гап, хаёлчан эди. Ичишини айтмасанг, ўзи оккўнгил йигит. Катта раҳбар бўлса ҳам катталикни билмайди. Районда биз яшаган ҳовли билан ёнма-ён данғиллама уй қурган. Уйининг пештоки хўп аломат ганчланган. Накшми, чўпкорликми, барини ўзи қилган. Ҳунари соз, меҳнаткаш. Факат энг катта айби – вақт-бевақт ичади. Бунга ўша ўтган гаплар сабабмикан деб тахмин килиб ўтирдим.

– Шу сабилди нимага мунча кўп ичасиз?

Унинг маъюс кўзларини кўрдим-у ўзимдан хафа бўлдим. Ярасини янгилаб, бекор қилдим.

Кудратов хомуш бўлди, кейин у: «Фарзандим йўқ, шунинг учун баъзида... ичаман», деган гапларни айтди.

Дунё кизик-да ўзи. Такдир рўпарамдаги шу йигитга бир пайтлар фарзандраво кўрганда ундан воз кечиб кетган. Энди-чи, у тирнокка зор юрибди.

– Икки марта уйландим, аммо нафи бўлмади, – деди Кудратов менга. – Агар фарзандим бўлса, ичкиликдан бир томчи ичмас эдим, амаки.

«Эҳтимол, Раимбой ўз пушти камаридан бўлганини билса, ичмасмикан, бу бадбахт? Балки ичмас. Айтсанми?... Қани аввал ўзидан гап олиб кўрайин-чи?»

– Шу гапим гап дейсизми? – дедим унга қайтадан. – Ким билади, мабодо фарзандлик бўлсангиз ҳам ичиб юрармидингиз?

– Йўқ, – деди у кизариб. – Шу нонингиз хурмати, ичмас эдим, амаки.

Энди мен унинг шундай эзилиб сўзлашидан ўзимни тутолмадим.

— Бўлмаса... билиб қўйинг... сизнинг ўғлингиз тирик.

Кудратов бу гапимни бефарқ эшитар экан:

— Қанака ўғлим?.. — деди.

Мен унга Учкент, Зилол томонга борганимни бир бошдан айтиб бердим. Кудратов пул чикариб: «Амаки, бу охирги, охиргиси бўлади, яримта топинг», деди. Мен бу пулни олмадим, уйда ховли тўйидан қолган «ок душман»дан келтирдим. Кудратов ичиб бўлгач, Раимбойнинг қаерда яшашини сўради. Мен унга айтиб бердим.

— Йўқ, мен унга ҳеч қачон ҳеч бир гапни айтмайман. Бундан хотиржам бўлинг, — деди Кудратов.

Шу гапларни ўйлаб мен, наҳотки у бу гапни бирорвга айтган бўлса деб ташвишга тушдим. Ўғлим-ку сирни энди ҳеч кимга айтмас бўлган.

— Нима гап бўлди ўзи? — дедим мен поччамизга.

— Дириктириклида мен Кудратовни учратдим, — деди у ғусса билан.

Поччамиз ўша оқшом директор уйида бўлган гапларни айтди.

Поччамиз Кудратов билан аввалари учрашган эмас. Лекин уни кўргандаёқ танибди.

У билан чой ичиби. Қачон энди Кудратов гапини айттар экан, деб унинг оғзини пойлаб туравериби. Уччаласи ўлтириб, тамадди қилиб бўлгач, директор поччамиздан Раимбойни сўрабди. «Ишда. Нима гапингиз бўлса, менга айтинг», дебди поччамиз зўрга.

«Бова, нега ўғилди хавфли ишга қўйибсиз. Асли, шу ёнингизга тортсангиз бўлар эди», деб қўйибди директор. «Раимбайди бу ишга меҳри йўқ-да, — дебди чол. — Лекин, кейинги ойдан қаватимга келмокчи». Шундан кейин поччамиз уларга Раимбойнинг Норбой шилпик билан шартлашганини айтиб: «Ўғлимиз шу ишини ўйлаб қилмади», дебди. «Э, бова, тинч иш бу», дебди унга Кудратов.

«Ха, майли, бу гурунгни қўйиб турайлик ҳозир, —

дебди директор чолга. – Кудратовни танийсиз. Тоғ-үрмон каттаси. Бу кишидан тунов кун ўрмон ҳисобидан ўнғир-адирликларни мол учун сўраб олдик. У киши кечаке менга: тўрт-беш қўйим бор, шуни боқиб турсанглар. Тўқсонбой бова деган чўпонни эшитганман. Ҳалол одам дейдилар. Шу чўпонга топширсак, деб ўзи айтиб колди».

– Тўғри, – дебди Кудратов. – Бова лозим топсалар...

Поччамиз шундан кейин сал ўзига келибди. «Хайрият, у ҳеч гапдан хабардор эмас экан», – деб унинг сўровига дархол рози бўлибди.

– Майли, қанча мол бўлса, ука, боқиб бераман, – дебди Тўқсонбой почча. Лекин ҳовлига қайтиб, ҳар хил гапни ўйлабди: «Бу қизиталок Кудратов бир гапдан хабар топган. Ўзи бефарзанд одам. Раимбойга колсин деб, атайлаб тўрт-бешта молни сурувга қўшмокчими? Бошқа чўпон йўкмиди молини боктиргани?..»

– Раимбой кўп акли бут, лекин ғуурурли йигит. Агар бор гапни билса, номусига чидолмай, бош олиб бирор ёкка кетиб колиши мумкин. Мен-ку кариб коляпман, аммо шўрлик Норхол-чи, унга кийин бўлади, – деди поччамиз ғамгин.

– Кўркманг, бу гапни ҳеч ким билмайди, почча, – дедим. – Билганда ҳам ҳеч қандай кўрқадиган ери йўқ. Раимбойни биламан, кўп гапни тушунади.

– Директорди уйидан қайтиб ҳовлига келсан, – сўзлади поччамиз, – Раимбой йўқ. Бу палла уйда бўлгувчи эди. Тезда келавермади. Кўнглим кашо-ла¹ бўлди. Холмат келтириб берган пулни сандикдан олдим. Агар Раимбой келса, пулни бермокчи эдим. Унга: «Болам, мана пул, Тошкентда ўки, деган гапни айтмокчи эдим. Тез келавермади. Норхол даштга кетган эди. Якка-ёлғиз ўтириб, Раимбойнинг гўдаклик чоғларини ўйладим. Э тавба, тавба дейман. Дайробод ёқасидан чакалок топганимиз кечагина эди-ку. Бераҳм ота-она ташлаб кетишган бўлса, бу болага тангрининг

¹ Безовта демоқчи (шева).

ўзи раҳм қилган-у, бизни рўпара қилган. Шунинг учун отини Раҳимбой қўямиз-да, бир коғоз олганимиз кечагина эди-ку. Коғозга Раҳим эмас, Раимбой деб ёзишса, опангди сўкканларим кечагина эди. Шуларни эслаб турсам, бир пайт Раимбой келди: «Ота, эшикни бундай занжирлаб ўтирибсиз?» деди у хайрон. Мен пул санағанимда, эшикни кулфлагандим. «Ўзим», дедим ва шу пайт унинг чап қўли бўйнига чилвири билан осилганини кўриб, бошимдан хушим учди. «Мошинни трактирга салгина уриб олдим», деди у хафа бўлиб. Раимбой мошинни трактирга салгина текизиб олган эмиш. Термизди иссиғида уйку босганиш уни. Бу гапни дастак килдим, мошин палакат дедим, бир пайт ўқийман, ота, деган эдинг, Раимбой. Ўқисанг ёрдам киласай, мана буни ол дедим. Ёнчиқдан пул чикариб, унинг олдига кўйдим. «Бу пулларни ростдан ҳам менга бермоқчимисиз?» – деди бир пайт Раимбой. «Сенга, – дедим. – Олавер. Отам пулдан қисганди, шунинг учун ўқимай колиб кетдим», демагин. Раимбой пулни олиб кулимсиради. «Энди ростини айтсан, – деди, – мошинди ремонтига шунча пул керак эди. Нима қиласман энди, деб ўйловда тургандим». Мен пулимга ачиндим. Пешона тери билан топилган пул-да. Лекин, унга бир оғиз ёмон гапни айтмадим. Шундай қилиб, бир кунда уч минг сўмдан айрилдик.

– Почча, пул қўлди кири, келиб кетаверади, – деб юпатдим мен уни.

– Мен пулга ачинмайман, – деди поччам бош чайқаб. – Анави гап кўнглимда кеча-кундуз юрибди. Агар Кудратов билса, яхши иш бўлмайди-да.

– Э, кўйинг, бундай гапни, – дедим мен далда бериб.

4

Раимбой чўпонликка ўтишга сўз берганидан кўп пушаймон бўлса ҳам айтган сўзида турди. Ойнинг охирги куни ишидан бўшаб келди. Поччам норози эди. «Аммо нима бўлса ҳам қасами қаттиқ буни», деб ўғлини ўзига ёрдамчи қилиб олди.

Раимбой ғайратли экан, молдан оёк узмади. Поччамиз буни күриб: «Болам, мен чарчаб қолдим, пенсага чиксам дейман, – деди бир кун ўғлига. – Дала-даштда йикилиб ўлсам яхши бўлмайди».

Бир сурувга уч чўпон. Ҳар бири ўн кун бокиб навбат алмаптиради.

– Кўзларимдан нур кетди, – деди яна поччамиз. – Лекин кўп ўйловдаман. Ўзинг эплармикансан?

– Кўп ўйламанг, эплайман, – деди унга Раимбой.

– Қайнуканг бекорчи экан, энди мени ўрнимга ўшани олсанг тузук, – деб маслаҳат берди чол.

Шундан сўнг ҳам поччамиз молсиз туролмади. Ўзига тобе отарнинг бир кисмини ажратиб, қишлоқ атрофларида бокиб, айланиб юрди. Ўғли молдан қайтган кун уни тўрга ўтказиб, ҳар совлик, ҳар кўзини сўраб-сuriшитиради. Бўш қолди дегунича дўмбирасини созлаб, дилга қувват берувчи нағмаларни чалади. Ёнимизда дўнглик бор. Шу ерда нафас ростлаб, олисларга кўз тикиб, энди оёғи етмас адирларни куйларди. Эҳ, агар эшитсангиз, сув бўлиб кетардингиз. Ёдимда қолгани бу:

*Тўйиб-тўйиб курганники бу қирлар.
Чопиб-чопиб юрганники бу қирлар.
Умр адo бўлганда ҳам ёронлар
Күшиқ сўраб турганники бу қирлар.*

Бир куни поччам менга: «Сув дарадаги жўхоризор куврабди, хабар олиб келай», деб зшак миниб жўнади. Поччам оқ жўхоридан бўлган тансиқ таомни – гўжани хуш кўтарди. Ўша ердан қайтди-ю, касал бўлиб йиқилди. Опамиз йиглаб келди. Борсам, поччам тўшакда, бегап-бесўз ётибди. Раимбой молда эди, унга одам юбордим. Поччамиз уйчасида, қалин тўшак устида ҳарсиллаб ётар эди. Раимбой келганда ҳам индамай ётаверди. Дўхтири: чолни айвонга кўчиринглар, бўлмаса, меровланиб колади, деб тайинлаб кетди. Раимбой иккаламиз ўша куни беморни айвонга олиб чиқдик. Чол ёнбошга ўтирилиб, бесўз, беун ётаркан,

ийирганакдан нарида аввалдан турган күмир уюмига күз ташлаб, күлларини силкитди.

— Кўйларни хайда тезрок, йўқса жўхоризорни пайхон қилиб кўяди! — деди у меровланиб.

— Ҳовлида кўй йўқ, ота, — деди Раимбой.

Чол кўмир уюмидан кўзини узмай турди.

Поччам шу кундан бошлаб эси огиб, оғзига келган хар қандай гапни айтадиган бўлганди. Ўзига келган пайти Сувли дарага бориб, кўрганларини айтди.

«Э, мулла И smoилбой, — деди у ўкинч билан. — Мен тўқсон ёшга кириб, шу чоккача кийикди қишлоққа емиш излаб келганини билмайман. Лекин мана шу хафта Сувли дарада кийик жўхори сўтасини кемириб турганини ўз кўзим билан кўрдим. Кийик мени кўрди-ю, хуркиб қочмокчи бўлди. Лекин шохи симтўрга илиниб, азоб еди. Мен ёрдам килас, десам, жонивор баттар хуркди. Ҳай, аттанг, шўрлик кийик оч экан-да. Симтўрдан кутулса ҳам, тепаликка чиқолмай йиқилиб ётиб қолди. Дилем кўп вайрон бўлди. Ҳовлига қандай келдим, очиғи эсимда йўқ. Шундан бери ўйлайман. Мени бу кўрганларим яхшиликка эмас-да. Ахир кийик жонивор тоғ колиб, буёкларга емиш кидириб келди...»

Поччам гапини тугатмай, яна кўз ёши килди.

Унинг сўзларидан мен ҳам додлаёздим. Лекин ўзимни тутдим, кўнгли чоғ бўлсин, деб яхпи гаплар айтдим.

— Кўпам кайғурманг, почча. Мана, одил хукумат даррандаю парранда — барисига астойдил ғамхўрлик килаёттир. Тўғри, баъзи бир раҳбар ишларни расво қилган. Бу ёги яхши бўлар, кўрасиз, — дедим.

Поччам жавоб қилмади. У кўп ўтмай аввалги гапини такрор қилди. Куни битган экан-да, ўша кун тонгга яқин гапириб туриб узилди. Неки гап айтган бўлса, опамиз тинглаб турди.

Йиги-йўқлов кунлари унинг уч кизи айтган марсияси хаёлни ост-уст қилиб юборди. Қайдан келди экан бу нолакор, ғамгин кўшик:

*Түя турар ўрнидан
Занжиласи бўйнида.
Эсизгина отажоним,
Кора ернинг қўйнида.
Меҳмон келса хуш дегин,
Меҳмонхона бўш дегин.
Қўногига қул отам,
Эсизгина гул отам.*

*Дорга рўмолни ёйсам,
Дорда туриб нам тортар.
Кийикни ўйлаб отам,
Гўрдан туриб «оҳ» тортар.
Соқоли сунбул отам,
Товуши булбул отам.*

Унинг маъракалари ўтгандан сўнг опамиз Раимбойни чакириб шундай деди: «Отанг васиятини бажо келтиурсанг, ўғлим. Ўғлимизга айт. Ўлсам дарҳол Қудратов қўйларини ўзига элтиб берсин. Бирор молига килча хиёнат килса, гўримда тик тураман, деган эди отанг раҳматли».

Раимбой опамизнинг айтганларини килди. Чўлик Янгибай дарҳол Қудратовга қарашли қўйларни тоғ томонга – қўриқхонага элtdи. У кайтиб келгандан сўнг, мен ундан сўрадим:

– Ким қабул килди молди?
– Қудратов қабул килди, – деб жавоб килди чўлик. – У менга: «Қани айтинг, молни ким юбортирди», – деб кўп эзмалик килди. «Мархум васият қилган», десам у киши терга ботиб, ранги окариб кетди. Бекор айтибман шуни.

Мен шунда фаҳмладим: Қудратов ўз молини Раимбойга атаган. Аммо унинг нияти амалга ошмай колди. Поччам аввалдан сезиб, ҳаттоқи шул молларни Раимбойга раво кўрмаган эди.

Раимбой дала-даштда сурувни бокиб кетди. Энди, ундан кўнглим тўқ. Одам қилолган ишни одам кила оларкан. Мана, бизнинг Раимбой. Молни туппа-тузук бокиб юрибди. Ҳеч кимдан кам ери йўқ.

Бир куни Раимбойдан хабар олиш учун бордим. У қайрағоч тагида ёнбошлаб ётарди.

— Мен уч кунки, тоға, ёзилиб ётолмайман, — деди Раимбой менга. — Қайси кун сой бүйида Норбай шилпикнинг панғи, оғзи шалоқ хотини мени кўриб, қарғади: «Сен бу ерда, роҳатда ялло қилиб юрибсан, эримни йўлдан уриб, дўзах жойга юбординг. Мен эсам саккиз жонни, саккиз оғизни бокиб, сарсон бўлиб юрибман. Сен шу аҳволга солдинг! Энди сув-ўтинимга, мол-ҳолимга қарагин!». Мен унга бўлган гапни тушунтириб ётмадим. Аёл билан баробар бўлиб ўтирумай дедим. Кейин уйга кайтдим-у ўтинхонада ғамлаб кўйилган кўй қийидан тўрт қоп элтмоқчи бўлдим. Хотинимку очиқ кўнгил, аммо бу гал ранжиди: «Ўша Норбай шилпикнинг уйига бориб кўринг, ўн йилга етадиган ўтини, дон-дуни бор. У хотин илон ўзи. Заҳрини дуч келганга тўкиб кетаверади», деди у хафа бўлиб. Ўша кундан бери денг, юрагим сиқилади. Маслаҳат беринг, тоға. Отам раҳматли авлиё экан: зўраки чўпон бўлсанг, зерикишдек балодан асло кутулолмайсан, деган эди.

— Мен сизга бошда айтдим, Раимбой шартни кўйинг, деб. Кўнмадингиз-да, жиян. Норбай шилпик сизсиз ҳам чўлга кўчиб кетиши шарт бўлиб қолган экан. Сизни эса Раимбой, бироннинг гапи билан чўпон килмоқчи бўлган.

Раимбой ишонмади. Шундан кейин мен унга эшиганимни айтдим.

Бундан бир ҳафта бурун Шерободга борган эдим. Неварапарни кўриб, яна кинилокка қайтдим. Йўлда Курратов мени мошинига олдириди. Пошхуртдан наридаги тоққа кетаётган эди. Йўлда ундан кўп гапни эшишиб ҳайрон қолдим.

«Раимбойди чўпон бўп кетганини эшилдим. Бу ишнинг сабабкори аслида Дони Ислам» деди у сирли килиб.

«Буни сизга ким айтди?», десам у шундай деди: «Норбай шилпик дегани ҳозир бизни чўлдаги боғимизда ишлайди. Ўша айтдики, бари иш Дони Ислам гапи билан қилинди...»

«Дони Исматга нега зарил бўлибди бу иш?» – десам Кудратов: «Дони Исмат хўжаликди шахсий моли бор чўпон ҳисобига кўтариб, катта ишга ўтмоқчи. Шул сабаб, унга факат чўпонзодалар керак». «Норбой шилпикнинг ўзи нега бизни хўжаликдан кетган экан, айтгандир?», – деди Кудратов.

Бир куни Дони Исмат Норбой шилпикка дебди:

«Ишимиз чатоқ, Норбой. Кеча менга райкомда каттик ҳайфсан беришди. Ўша, кўшимча ёзиш ишнинг белига тепди. Мен сизни бўшатмасам, ўзимга гап тегади. Сиз энди икки йилча чўлга бориб ишлайсиз. Шу йўл билан гунохни ювган бўласиз, Норбой».

Норбой шилпик ўкиниб: «Қандай гуноҳ дириктири? Сиз биз ҳаммасига тенг шериклик қилгандик. Қўйинг, ука, мен мундай тинчгина яшай энди. Бу ёкка келтирган сиз, бунисига кўп раҳмат, барака топинг», дебди.

Дони Исмат бир пайтлар тоғ ортида – чорвадор хўжаликда шопир экан. Хўжалик директорининг мосшинини ҳайдаркан. Дириктор райком бўлиб кўтарилиб кетибди. Дони Исматнинг сулув, ойдайгина хотини ўша дирикторни деб, оркасидан кетибди. Шундан сўнг Дони Исмат кўпчиликнинг олдида маст бўлиб айтган экан: «Мен агар бирор кун катта раҳбар бўлмасам, Дони Исмат отимни бошқа кўйганим бўлсин!» Кейин у уйини сотиб, даштга кўчибди. Ҳар хил ишда ишлабди, пул топармон бўлганда, Тошкентдаги қайси бир ўкишга кирибди. Ўкиш битгандан сўнг, Норбой шилпикни толиб, унга мўмай пул бериб бизни бирор хўжаликка раҳбар қилсангиз, дебди. Хуллас, у ёрдам килибди. Сўнг Дони Исмат Норбойни ҳам кўчириб Пошхуртга келтирибди. Аввалги райком эса бўшаб кетгандан бери Дони Исмат Норбойни назарига илмасмиш.

Норбой шилпик ноилож: «Майли, даштга кўчаман, аммо-лекин ҳеч кимга бўшатдим деб айтманг-да... Ўзим кўчяпман дейман қариндош-уруғларга», деб илтимос килибди.

Дони Исмат эса ундан сўрабди: «Раимбойди хўжаликка чўпон бўлиши учун бирор гап ўйласангиз».

Норбой шилпик шул сабаб, Раимбойни жигига тегиб, шартлашган экан.

Кудратов бунча гапни билиши бежиз эмас. Чунки у Раимбойнинг тақдирига бепарво бўлиши энди қийин.

Кудратовдан эшитган баъзи зарил гапларни Раимбойга сўзладим. У гапни тинглаб деди:

– Кўйинг, бу гапни, тоға. Шартни бажаролмаслик мен учун ўлимга тенг. Нима гап бўлса бўлар.

Кейин у поччамиздан қолган азиз ёдгорлик – дўмбирани авайлаб чангларини артаркан: «Зўр чўпон дунё билан, мол билан, кирлар билан дўмбирада тиллашиб дардини бўшатади, дерди раҳматли отам», – деб пича маъюс тортди.

Раимбой тўғри айтди. Мен бир пайтлар Учкентда беш-олти ой поччамга қўшилиб мол бокқанман. Поччам кирда ёйилган кўйларни йиғмок бўлса, ўйночи куй чаларди. Кўйларни кўчирмокчи – сурдов килмокчи бўлса, дарё шовқини каби оҳангни жўрттар эди. Борди-ю, кўй йўколса, муnis дўмбира чунон тилга киради. Э-ха, поччам кўп ишни дўмбирада эпларди. Ҳатто қўшни чўпонни тоғнинг бетида туриб дўмбиранинг тилида таомга чорлар эди. Кўп чўпонлар дўмбира тилини билишса ҳам, аммо энди негадир чалишни исташмайди. Чўлик Янгибай кеча: «Э, амак, бу дўмбира ҳозир урф эмас, – дейди. – Агар чалиб юрсангиз, кулгига олишади. Қолаверса, бир марта директор Нор чўпонга дўмбирани чертгунча молга қара яхшилаб, деганини раҳматли бова эшитганида роса аччиқланган... Дўмбирада на гуноҳ, кишловга ем-хашакни тузукрок берсангиз бас, деган эди у каттага».

Раимбой дўмбирани кўздан кечирад экан, бир пайт ийирганакдан Дамир кассоб кўринди.

– Э-ха, манишоқлик зўр-ку. Чалинг, ҳамсоя, – деди у чолғуга кўз ташлаб.

Раимбой жавоб килди:

– Э... чангини артайин, деб олиб чиқкан эдим. Бобойнинг йили чиқмай соз чалиш...

– Кечиринг, унутибман, – деб кўйди Дамир қассоб

биз билан кўришаркан. – Ахир ростини айтсам, шу удум тўғри эмас. Нима дедингиз, амак?

– Гапингиз тўғри, дедим. Марҳумни ҳазин куйлар чалиб эслаш ҳам мумкин. Аммо, элчилик экан...

– Бундай гуссага ботиб уйда ўтираверманг. Ҳар ой ўн кун уйдасиз. Шундай экан, мундай бизни ҳам йўқлаб туринг. Ҳар ҳолда бобой бизнинг бошимизни ҳам силаган. Мол сотмоқчи бўлсалар, харидори биз эдик.

У узок ўтирмади. Раимбойдан ок кўчкор сотишини сўради.

– Кора кўчкор бўлса-чи? – деди Раимбой.

– Мехмон нозик, укажон. Даствурхонга кўйилган калла-поча окариб турмаса бўлмайди-да, – деб кулди Дамир қассоб.

– Э, унақа меҳмонни чакирманг-да, ҳамсоя, – деди Раимбой унга.

– Дунё истак-ҳоҳишга қарамайди-да, ука. Сиздек ҳамсоя бўлса, зориқиб қолмасмиз, – деб қассоб гапни олиб қочди.

– Бўлди, индин оласиз, – деди Раимбой унга.

Билдим, энсаси котди. Мен эса бу қассобдан ул-бул гапни сўрадим.

– Қассоб, бир гапни айтинг: сиз кўп йиллардан бери турли жонлик сўйгансиз. Қайси бир жониворнинг гўшти ширин, – десам у:

– Гўштнинг текин келгани ширин бўлади, – деди қассоб хиринглаб. – Яна бир гапни айтай: агар корин оч бўлса, тую гўшти ҳам ширин.

– Тую гўшти пач, таъмсиз бўлса керак, дейманов, – деди Раимбой шунда.

– Раимбой! Эртага мен Кўҳитангга бораман. Бир туркман туясини сўйдирмокчи. Юрсангиз, бу бир са-йил, кўнглингиз ёзилади. У ерда майшатнинг зўрини кўрардингиз, – деб қассоб Раимбойни кизикирига бошлиди.

– Рост айтасиз, ҳамсоя. Жуда сикилиб кетдим, – деб юборди Раимбой. – Шопирликка ўрганган одам-

га қийин экан. Молдан қайтгандан кейин не қилишни билмайман. Зерикіб ўтираман.

Кизиқипп ёмон бало. Менинг бошимдан ўтган. Бир маҳаллар поччамга қүшилиб мол боққанда кулогим кесилгандек, соқов бўлиб юрганман. Олти ой боқолмай қочиб кетган бўлсам ҳам поччам таъна қилмаган.

«Ҳар ким ярашган ишни қилса, шуниси тузук», деб қўярди раҳматли.

Шул сабаб, Раимбойди кўнглига қараш керак. Факат, унинг анави қассоб билан аҳдлашиб қўйгани чакки бўлди. Унга, кўпилма, десам, Раимбой: «Кеча қишлоққа келиб, бизни бундай айирманг», деб гапириша қандай одам бўламан. Қани, бирпас, шошмай-чи? Нима ишлар бўларкан?

Раимбой эртаси кун қассобнинг мошинида тоғ ортига жўнади. Орадан уч кун ўтиб, Кўхитангдан қаттиқ маст бўлиб кепти. Уйга қайтгач, тун бўйи қайтқилиб, бўкирибди, аламидан сурувни, кейин Норбой шилпиқни бир бошдан сўккан эмиш.

— Мени шундай аҳволга солган ўша ярамас! Бўлмаса, шопир бўлиб оғзимга ичимлик олган жойим йўқ эди. Мана, эрта кўрасан, ташлайман чўпонликни. Майли, ўша абраҳга ютқизсам-ютқизибманда, — дебди у хотинига.

Аммо-лекин Раимбой эртаси таёқ олиб, яна молга кетибди.

Кўклам ўтди. Ҳовлида эртапишар ўрик териб тургандик, бир пайт опамиз келди.

— Исмоилжон, — деди у кўзларига ёш олиб, — Раимбой шу қассобга қўшилгандан бери сурункали ичади. Устига устак, дириктир ҳар хафтада Раимбойнинг олдига меҳмон элтгани-элтган. Отадан қолган молни бўлар бўлмасга сўйиб, нобуд қилиб ётибди. Уни йўлга солмасанг пиён бўлиб кетади.

Мен тунов кун жиянга бир оғиз: «Ҳў, Раимбой, сиз бундай кўп ичманг-да», десам гапим ёқмади.

«Сиздан пул сўрадимми?», деб колса бўладими? Аммо буни опамга айтмай, хаёлга толдим.

— Кеча кун бўйи меъдаси оғриб ётди. Инграганини айтгин. Дарди бор шу болани, — деди опамиз яна.

— Мен дириктирга бир оғиз айтиб кўрай, уни яхширок балнисага жўнатса, шу баҳона Раимбой ичиши ташлар, балки, — дедим.

Опамиз шундан кейин зардолига қўл чўзди.

Оқшом тушиши билан идорага жўнадим. Ўша кун Раимбойнинг суратини идора ёнидаги ойнаванд, рахтлари зарҳал «Хурмат тахта»сига қўйишганини кўриб, кўзимга ишонмадим. Мабодо директорга: Раимбойди ишидан озод қилинг, у молни эплай олмайди десам, Раимбой плонларни зиёд қилиб юрибди, деб жавоб берса керак.

Шуни ўйлаб тургандим, бир пайт шундай ёнимдан директор ўтиб қолди.

— Ҳа, бундай ўйлов-ташвиш, — деди у мени кўриб.

— Ташибим кўп, оға. Гап шулки, якин кунда агар Тўқсонбоевди даволанмоғи учун бирор ёкка жўнатиб кўймасангиз, опамиз ёкангиздан олади, — дедим уни кўркитиб.

— Раимбойди якинда Семашко деган зўр бир санаторийга жўнатиб юборамиз, — дея Дони Ислом ваъдасини куюқ берди.

Мен кечкурун бу гапни Раимбойга айтгандим, у кулиб шундай деди:

— Э, тоға, у бу гапни айтганига бир йилдан ошай деди.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Аммо бу гап директор алдамади. Раимбой тез орада Тошкентга жўнаб кетди.

5

Одамзод кўп қизик — унинг феъл-хўйини ўзгартираман десанг бир умр ҳам етмайди. Аммо баъзан бир ой ҳам бунга кифоя экан. Мана Раимбой. Тошкентга бориб келгач, анча-мунча ўзгарди. Авваллари унчалик зийрак эмасди. Энди бир гап айтсангиз, дарҳол хушёр тортади. Мусоғирлик — топкирлик деб бежиз айтишмаган. Мен бир оқшом бу гапни Раимбойга айтгандим:

«Бари түғри, – деди у. – Мени ўзгаришимга бир киши сабаб бўлди».

Раимбой ўша ёқда Акмал деган киши билан танишганини айтди. Ҳамхонаси хушчакчак, очикфеъл киши экан. У ошкозони оғришига карамай, ҳар куни паловхўрлик, казихўрлик қиларкан. Раимбой аввалига роса ҳайрон қолибди.

– Бизнинг дардимиз бўлак, – дебди Акмал кулиб. – Бу ерда илмий ишлар ёзадиган аёл бор. Ўша керак-да, бизга.

Раимбой эса ҳайрон:

– Ие, диссертацияни бирор ёзса, унда сиз... сиз нима иш қиласиз? – деб сўрабди Акмалдан.

– Э, биродар, гап кўп. Мен ўртача олимман, лекин ёзишга йўқроқман, – дебди Акмал рўйирост. – Дарвоке, ўзлари қаерда ишлайдилар?..

Раимбой айтгандан сўнг.

– Чўпонлик зўр касб-да. Тоза ҳаво, барра гўшт. Тўғри, жиндак ташвиши борлигини айтмаса, кўпам бош қотирмасдан ялло қилиб юрасан, – дебди олим завқ билан.

– Найни айтмадингиз-ку, – дебди Раимбой қурғур.

Ҳамхонаси бу гапнинг мағзини чакмай туриб:

– Най... қанақа най? – дебди.

– Мухбирлар ёзишгандай, атроф ям-яшил. Тоза ҳаво, хов ана, тош устида бир чўпон най чалиб ўлтирибди. Қирдаги кўй-кўзилар «Чўли Ироқ»ни тинглаб, яйраб ўтлашади... – шунака деб таърифлаш керак эди-да, ака.

Суҳбатдоши бу лукма-кесатиқни эшитиб:

– Мухбир ҳам келишириб ёзишни истайди-да. Мана, сиз ҳам чиройли кийинишни хоҳлайсиз, тўғрими, ука? – дебди.

– Майли, чиройли ёссин, факат ёлғон бўлмасин, – дебди унга Раимбой. – Мана, сиз бизнинг ишни таърифини килдингиз. Чўпонга яхши: тоза ҳаво, барра гўшт. Лекин сиз билмайсиз-да, чўпон ҳам баъзан хориб, гўшт-пиёzsиз колади, тоза ҳаво ўрнига кумалоқ, тезаклар ҳидини исказ юрган пайтлари кўп бўлади.

— Э, биз қаёқдан билайлик, — дебди олим кулганча. — Яйловда икки-уч бор меҳмон бўлиб келганимиз. Ўшанда кўзларимга жуда зўр кўринган эди.

— Агар ўз касбингизни жуда яхши кўрсангиз, бунака томонига сира парво килмайсиз, — дебди Раимбой яна.

У энди шеригига эшакда юравериб, оёклари шилиниб, ягири бўлган пайтларини, даштда юрган чўпон баъзан чанкоқдан қийналишини, янги тугилган кўзи-чоқнинг қулоғига пуфлаб иситилмаса, ўлиб қолишини, яна бошқа шу каби ўз бошидан кечирган серташвиш кунларини гапирмоқчи бўлибди. «Аммо бундан нима наф, барибир тушунмайди, афти айтиб турибди», деб ўйлади Раимбой.

— Чўпонликка тегишли яна бир гапни айтай, — дебди Акмал ўшанда. — Инсон ўз миясидан юз фойдаланиб қололмайди Раимбой. Энг кўп мия кучини олимлар ишлатади. Миясини жуда кам ишлатадиган киши — чўпон ҳисобланади. Чунки, у миясини факат кўй санаганда ишлатади, холос. Қолган пайтлари эса юмушини шунчаки, яъни кўникма билан бажаради. Тўғрими?

— Бу гапни айтган одам товук гўнгини ебди, — деган эмиш Раимбой.

— Фараз гаплар бу, — дебди Акмал илжайиб. — Кўйинг, кўпам ўйламанг.

Лекин унинг гаплари, очиги, Раимбойни жуда ўйлантирибди. У то шифохонадан чиққунча ўйлабди: «Мен энди бу фикрни чалкаш эканлигини хеч бўлмаса ўзимга-ўзим исбот қилмоғим керак», деган ўйга келибди.

— Э, жиян, бу бекор гап, — деб айтдим Раимбояга. — Ҳар кимди ҳам ўзига яраша ташвиши бор. Шунга қараб, ҳар инсон аклини ишлатади.

Раимбояга шу фикр маъқул бўлди шекилли, кайфияти чоғ бўлди.

Орадан ўн-ўн беш кун ўтиб, Раимбой менга:

— Тоға, сиз, бирор марта ернинг айланишини сезганимисиз? — деб қолди.

— Ер тугул, ер остида илон қимиirlаса ҳам биламан, жиян, — дедим.

— Ҳазилни, кўйинг, тоға, рост айтинг-да, — деди у.

— Юракни икир-чикир нарсалардан асрасанг, кўп нарсани сезасан, — дедим унга. — Рост гап шу.

Раимбой шундан кейин нега Дамир кассобдан ранжиганини айтди.

У бир куни сурувни Субутлига ҳайдабди. Оқшом гулхан ёқаркан, яна ўша Акмалнинг сўзларини эслабди: «Чўпон инсон қавмининг миясини жуда кам ишлатиб юрадиган тоифасидан эмисп...». Мен оловдан нарида хуржун тўшаб ётгандим, бир маҳал кўзим кўқдаги ойга тушди, — деб хикоя қилди у. — Ой порлок, мана-мана тўламан деб турган эди. Жимжит, танга хушёкар оромижон бир кеча. Сурув тинч. Шомлатиш олдидан биз дам олиб турган эдик. Ит ҳам эшак ёнида, икки олди оёғи орасига бош кўйиб, мудрагани-мудраган. Ой нурига гарк бўлган Кўхитангга бокдим-у ўзимни енгил сездим. Кейин эса... тўсатдан ер айланаетганини ани-равшан ҳис қилдим. Нафасимни ютганча, кўксимни ерга босдим. Отам-ку айтган эди: «Субутли сеҳрли жой. Кўнгли пок, зийрак киши оқшом тушган пайтлари рухпарвар шабададан ором олиб, кулоқни динг қилса, тоғу тошнинг товушини тинглайди». Ҳафта ўтиб, кўтонга ёрдамчи чўпон келди. Унга молни топшириб, қишлоққа кирган эдим, катта гужум тагида эски улфатларимни кўриб дарҳол тўхтадим. Улар билан бир нафас ҳангома килай дедим. «Эшитинглар, одамлар, Субутлида ҳаттоки ер айланишини сезса бўлади», деган гапни айтмоқчи эдим. Шунда улар бизни ҳам ўша ерга элтинг-да, биз ҳам кўрайлик деган гапни айтишса, дедим. Улар гапни эшитиб, бир-бирига карашди. Сездим: ишонишмади. «Мабодо чап ёнбошингиз билан турмадингизми, Раимбой?» — деб қассоб хириинглади. «Субутли аломуат жой. Ерга бағрингни берсанг, күшдай енгил тортасан. Ҳатто юлдуз бошқача кўринади у ерда. Ҳар юлдуз катталиги ҳандалакдек келади. Ер киндиги ўша жой», деб гапни айлантирдим. «Одамни лакиллатма, — деди Аллаёр ака, — биз нима боламидик...» «Қасам ур-син!» — дедим мен. Дамир қассоб: «ў», — деди.

— Мен сизни туппа-тузук одам деб юрсам... сиз... бу... ўша тошкандлик олим тұғри айтган экан-да, чүпон бўлган кишининг акли кам бўлади деб. Бўлмаса шуям гапми, Субутлида ер ундей, Субутлида тоғ бундай... «А-ҳа, шундай денг, қассоб!» — десам, у гапни бурди. Бу алдамчи дунёда нималар бўлмас экан. Бир пайтлар бизди бобой алвастини кўрдим, деб ҳар хил гап айтиб юрди. Баъзан алдамчи хаёл кўзни адаштиради. Уни деб сиз алдамчи бўлиб қолманг-да, ука». «Мен бор гапни айтаяпман», дедим аччиғим чиқиб. Кейин мирабга қараб: «Бундай яйловга ўтинг. Шу баҳона, сурувга кўшган кўйларингиздан хабар олардингиз-да... Субутли яқин, чуррангиз тушмас» — дедим. Шунда Аллаёр aka: «Эсим қурсин, ахир мен ер айланганини сезган жоийим бор, — деди. — Бунга кўп вактлар бўлган...» Энди Чори Қулбой ҳам сурувдаги беин-ўнта тиrrаки эчкисини ўйладими, харкалай, у ҳам четда қолмади. «Одамзод қарийверса, эси кетавераркан. Йўғасам, бу қўтириш бош нималарни кўрмаган...» «Айтинг-чи, курраи арз айланиб туришини ўша қўтириш бошингиз сезган пайт бўлганми?» — деб кулди Дамир қассоб. «Ер айланиб туриши инсонга қандай килиб аниғу равшан бўлган? Сен-у мендай бирор зот бундай сир-синоатни боши билан сезган-да», деди Аллаёр мираб. Чори Қулбой бош силкиб: «Бу гапингиз рост», деди. Кейин у уруш пайти Брянск ўрмонида ярадор бўлиб қолган кеззалини эслади: «Ялангликда жанг килиб, ўрмон ичига кирдик. Бир маҳал бикинимга ўқ тегиб йикилдим-у хушимдан кетиб қолдим. Кўзимни очганимда, тун тонг билан алмашган, куёш чиқиб турибди. Қарасам, еру кўкни чечак қоплаган. Авжи баҳор эди-да. Ҳаво ҳам асал каби дилтортар, хушбўй эди. Тўйиб нафас олдим-у... бир маҳал ер айланиб... айланиб кетаверди. Мана, ўшандан бери ер айланганини бошқа сезганим йўқ». «Тўғри, одамзод ҳар вакт сезолмас экан буни, — деди Аллаёр мираб. — Ўн йил бурун отамиз қайтиш килган эдилар. У киши эккан толни кесиб, тобут ясадик. Кейин... мен дафндан сўнг, бокқа кириб, ўша тол

кундашига ўтиридим. Бир маҳал ер чириллаб айланиб кетаверди...» Рост гап, тоға бу гапдан жуда ҳам хурсанд бўлдим. Тўғри, Аллаёр мироб ер айланишини заррача ҳам сезмаган. Майли, нима бўлса ҳам менинг ёнимни олиб, тусмол гапни гапирди. Бир пайт: «Ернинг айланини факат зўр асбоб билан сезиш мумкин, Аллаёр! – деди қассоб қизишиб. – Гапингиз рост ҳам бўлсин. Қани, ер қай мақомда айланар экан, айтинг!» «Аввал мен айтай, қассоб, – деб қолди Чори Қулбой. – Денгизда бўлганмисан?» «Айтаверинг-да, энди. Биласиз бўлмаганиман. Пулни бекор совуриб юрадиган аҳмок йўқ», деб тўнғиллаб кўйди қассоб. «Шунинг учун кўп нарса сенга аён эмас-да... Денгиз кўзғалган маҳал, кема чайкалганидай бўлади ер айланса». «Мен эса... ҳалинчакда учайдандай бўлдим», – деди Аллаёр мираб. У гапини шундай зўр ишонч билан айтдики, ҳатто мен ҳам уяддим. Энди мен нима дейин: илиқ ойдин кечани, ой нурига ғарк бўлган адирлик ёқасини, юлдуз жилва қилганда юрагим дук-дук уриб, лочиндай учгим келиб қолган пайтни айтами? Унда қассоб бир умр мени мазах қилас-ов. «Мен ер айланини қандайин бўлишини айтолмайман.. акалар. Буни факат ўзингиз юрак билан эшитиб, кўришингиз керак-да». Менинг гапим шу бўлди. Дамир қассоб бу сафар тантанавор товушда шундай хулоса килди: «Гапларинг ҳар хил бўлди. Агар чин бўлганида бунақа бўлмас эди. Мана, сизлар ўзларингни ўзларинг фош этдингизлар. Нихоят, ёлғон гапнинг миси чиқди, Раимбой!». «Мен эмас, сиз ёлғончи!» – дедим мен ҳам бўш келмай. – «Исботи билан айтинг. Бўлмаса, ҳозирдаёқ мендан кечирим сўранг!» – деб қассобнинг жаҳли чиқди. О, бу қассоб жуда ҳам сиркаси сув кўтармас киши экан, билмабман. Куни кечада мен унга чўпонликдан бўшайман, шарт муҳлати оз қолди, деган эдим. У дарҳол анча ўзгариб қопти. Олиб-сотишга молни доим мендан оларди. «Элъортни алдайсиз», дедим унга жавобан. Қассоб далил сўради. «Агар далил шарт бўлса, у ҳам топилиб қолар», дедим мен зарда билан. «Яхшиликка ёмонлик деганлари шу экан, – қассоб бу гал гапни миробга қараб

айтди. – Эшитдингизми гапини?» «Сиз қассоб шошманг, – дедим унга. – Уй томига келтирган чүпингиз учун қуллук. Лекин сизни жуда ҳам... курук күйганимиз йүк. Отардан танлаб-танлаб күй олиб кетардигиз. Ҳа, эндими, сиркангиз сув күтармай колибди. Ҳали биз чүпонликдан кетганимиз йүк...» «Норбайнинг аламини биздан олмоқчимисиз? Ана ўзига боринг», деб пичинг қилди қассоб. «Норбай ака ҳар ҳолда сиздан авлиёрөк, қассоб! Айтган сўзида туриб, даштда ишлаб юрибди», дедим мен гапдан қолмай. Кейин аччик устида бир оз қизишиб олдик.

– Э, жиян, бундай гаплар бўлса нимаси ёмон? – дедим мен Раимбойга. Кўпдан сезиб юрибман: Раимбой сўнгти пайтлар анча ўзгариб қолди. Аввалгидек ичмайди. Юрган ҳар қадамини ўлчаб, ўйлаб босади. Кўз тегмасин, ишқилиб. Кеча у тўйга келиб: «Тоға, уйни, ҳовлини тубдан ўзгартирмоқчиман, бир ҳовуз қазиб беринг», деган гапларни айтди. «Майли», деган эдим мен унга... Кейин, унга ғашимга теккан бир қилиғини юзига айтиб солдим:

– Бир-икки даврада мен сизни кузатиб турдим. Ҳадеб Дамир қассобни у-бу деб сўзладингиз. Илгари сизда бундай ёмон одат йўқ эди. Ошначилик бунақа бўлмайди-да, Раимбой.

Раимбой мулзам бўлиб, бошини куйи эгди.

– Қизиқ, – деди Раимбой бирдан бўйнига олиб. – Нега қассобни мунча ёмон кўриб колганман? Рост гап, ўзим билмайман. Бўлмаса, қасоб менга ёмонлик қилгани йўқ... Лекин... кўнглим сезади: «Шу яхши одам эмас, яқинлашмагин», дейди.

– Кўнгил сезгани яхши, – дедим унга жавобан. – Лекин ташланг бирорни ёмонлаб юришларни.

Унинг қилиғи, хулқи менга ўхшамасин-да, деган фикрга бордим.

Шундан кейин Раимбой мендан анча ранжиди.

Лекин у ҳеч бир жойда қассобнинг отини ҳам атамайдиган бўлди. Мен эса афсус қилдим – нега унинг кўнглига бормай, қаттиқ гапирдим? Ростини айтсам энди, негадир шу болани кўрмасам соғинардим. Тўғри

таёқдай ўсган, соколи доим киртишланган, кўзлари жуда тиник, либоси ҳар вақт тоза. Уни кўрсам енгил тортаман. Сезаман – шул Раимбой фариштали одам-да. Шундайин бўлмагандা, ўз боланг қолиб, бошқа бир бегонанинг боласини ёқтириб, меҳрингни берармидинг?

Олтмишга кирганимча, сира бундай бўлмаган.

Унга қарамай йўл билан яхши кўринай дейман, ўйга толаман.

Раимбой билан кўп вакт кўришолмай юрдик. У мезондан то кишининг чилласигача тунлари сурув бокди. Бу чўпонлар тилида «ёйик» деб аталади. Бу даврда бўғоз қўй кечаси ёйилмаса, думини чайнаб қўйиб пишқирик ўлар экан. Мен шундай оғир пайтлар унга нон, таом элтдим. Ҳартугул, Раимбой ҳам менга ўрганган экан. Бир куни:

– Тоға, – деди, – мендан айб ўтган бўлса, кечирасиз-да энди. Кўнглингизда гап бўлса, асло юз-хотир килмай, бетимга айтаверинг. Асло хафа бўлмайман.

Мен унга шундай дедим:

– Раимбой, тунов куни сизни аягим келди. Қассоб билан баробар бўлиб юрманг дедим-да. Кейин сизни мен каби одамлар гийбат килиб, Раимбой ундоқ экан деб юрмасин дейман-да.

Раимбой индамади. Иккаламиз шу куни кўтон ёнбошига бир хонали уйчага янги туғилган, ҳар тусли кўзичокларни ташишдан бўшамадик. Бир кўк кўйни силаб у: «Кўк кўй одам тилига тушунади, – деб колди. Нега шундай, билмайман. Ўзбаки кўй ўжарроқ. Сурувдаги кўйни юриш-туриши ҳар хил. Буни билиб олишга минг йил керак одамга. Лекин отам минг кўйни барини танир эди. Биз мол тугул, баъзида дўст-душманинг сирини билмай доғда юрамиз». Мен бу гапга кўшилдим.

Бахор ўтиб ёз келди. Раимбой уйга келиб: «Чойхонага чиқайлик, гурунг киламиз», – деди.

Қари-картанг газетга арз килганидан сўнг, сой бўйида кичикроқ чойхона очилган эди.

Чойхонада Аллаёр гурунгга ишқибоз беш-олтовни оғзига қаратиб ўтирибди. Бу – тоғ орасида якка-ёлғиз

тункезар арик сувиниям тунда тинмай пойлаб чиқади. Ховлима-ховли юриб ҳамманинг ташвишидан хабар топиб эртаси бирор ерда ўтириб, элу юртга ёяди. Шул сабаб: унга кўплар хушомад уришади, бирор нарса сўраса, сира йўқ дейишмайди.

— Кишлокда энг бадавлат, бели бақувват киши Холназар шопир экан, — деди Аллаёр мироб. — Авваллари мен факат Дамир кассоб, ундан сўнг Мухаммад танбал дердим.

— Мухаммад танбал бойми? Йўғ-э, қандай қилиб?... Бор-йўғи бедазорга коровул бўлса, — дедим мен хайрон колиб.

— Танбалга худо берган, — деди мироб илжайиб. — Миш-мишга қараганда, танбал Довулқўргондан бир хумча тилла топган.

— Ёлғон бўлса керак, — деди ишонкирамай Раимбой.

— Ишонмасанглар, ана, танбал ёш қизчасига тилла зирақ оберган.

— Дамир кассоб-чи, — деди чойхўрлардан биттаси. — У қандай ўғирлайди?

— Э, кассоб мол сўйгандা, унинг ҳаром мағзини анчагача узмайди. Бунака молнинг гўшти тарози босади. Чунки, кон гўштга уриб, анча оғир бўлади, — деди Аллаёр ака.

— Мен қассобга тан бердим, — деб қолди Чори Кулбой. — Ўтган жума окшоми кассоб ҳўқизимни оларман бўлган эди. Айтган нархига бермай, бозорга элтар бўлдим. Бозорда бундан баланд нархда сотиб кўрингчи, деган эди палакат. Гапи рост чиқди, жиян. Ҳатто кассоб бермокчи бўлган нарх ҳам бўлмади.

— Ҳа, кассоб тузук синчи, — деди Аллаёр ака.

Ҳафта ўтиб Раимбой: «Текшириб кўрдим, кассоб тарозидан урмади, мол сўйганда ҳам ҳалол, шартта бўғизлар экан. Қўй кассобнинг қўлида ҳалол деганлари чин. Чойхонадаги гаплар ҳаммаси бекор экан», — деб мени лол колдирди.

Кассоб қайси йўл билан катта фойда оларкан?

Дамир кассоб сўйгани контордан мол олмас экан.

Чунки, у ердан молнинг вазни аниқ, белгили, фойда кўриши қийин, – деб тахмин қилган эдим, Раимбой бош чайқади.

– Чўпонларга дириктири, қайсинг мол сотсанг, майли, лекин хўжаликга сотгин. Аҳолидан гўшт сотиб олиш планимиз бор, деб қаттиқ тайинлаган. Шундан бери чўпонлар унга мол сотишмайди. Дириктири билиб колса, қаттиқ хафа килади. Баъзилари ҳуфия сотишида, албатта. Аммо, доим эмас-да.

«Унда кассоб сўйишга молни қайдан оларкин?» Тоға-жиян иккимиз шу ҳақда ўйлар эдик.

Ўша гапдан бери, уйқунинг мазаси қочди. Кечалар тураман-у кўчаларни кезаман. Аёлимиз: «Кўп юрманг, хозир саёк кучук кўп», деб мени уришади. Раимбой тунов куни чойхўрларнинг бирига: «Тоғамизнинг забтидан ёмонлар пусиб-кўркиб юришади», деганда юрагим кувват олди.

Кишлоқда тун кўрқинчли, ваҳимали бўлади. Идора-ю дўкондан бўлак жойлар зим-зиё. Уй томлари, дараҳтлар, тиканли шоҳ-шаббалар, тўsicқ қилиб урилган лой деворлар сояси ой нурида минг шаклга киради. Бу жонли сояларга кўз узмай тикилсангиз, ажойибхонада кўрган даррандаю парранда – барисининг шаклини шу ердан топиш мумкин.

Кечаси юрсанг, гап кўп. Ким бева аёлникига, ким коровул Наимдан арак сўраб боради, кимлар беда ўғриси – ҳаммасини биласан.

Мен ой тўлган кечаси яна қишлоқ айландим. Қассобнинг дарвозаси олдиаги майдонда турган бузук арава ёнига борган эдим бир маҳал: «Э, шошманг, тоға», деган товушдан чўчиб тушдим.

Араванинг тагидан кимдир ўрмалаб чиқди.

– Бу мен тоға. Э, шошманг.

Қарасам, жиянимиз Раимбойнинг товуши.

– Бундай юрибсиз, жиян?

– Тоға, биз ҳам кечаси кезиншларни ўрганмоқчимиз, – дедим у. – Энди гап бундай: гапингизга кирмасдан қассобнинг орқасидан тушиб, пойлаб юрибман. Хафа бўлмайсиз. Юрагим чидамади, – деди Раимбой.

— Бирор гап топдингизми, — дедим күнглим ёришиб.

— Гап кўп, — деди Раимбой. — Қассобнинг шериклари Муҳаммад танбал билан Холназар шопир экан. Улар қирдами, йўлда ё бўлак районларда беэга молни курса, ўғирлаб келишаркан. Қассоб улардан арzon-гаровга сотиб олиб, сўйиб юборар экан. Аммо у бундай молни қаерларда сақлади. Шуниси аниқ эмас.

— Сиз буларни ҳозирча ҳеч кимга айтмай туриңг. Айникса, ўзимизнинг лаққи участкавойга. У қассобга кариндош, — деб уқтириди Раимбой.

Бу Раимбой тушмагур мендан ҳам ўткир чиқди.

— Улар ўлжа молларни қаерда саклашаркан? — деб, мен хаёлга ботдим.

— Үрини далил-исбот билан ушлай олмасак, ҳаммаси бекор, тоға, — деб Раимбой гапини давом эттириди. — Мен-ку, бирор одамнинг изидан тушмас эдим. Қассобни кўрганимда юрагим кисилади. Қассоб, «қани исботинг» дейтгандек карайди. Шунинг учун мен уни қўлга туширай дея, уйқудан кечиб, баъзан пойлаб юрдим.

Орадан уч кун ўтиб, мен тонгда идорага якинлашган эдимки, бир пайт қассобнинг уйидан чиккан кишини кўрдим. Қарасам, Очил. У тўғри йўлдан юрмай, отига камчи босиб, дўнглик оркали кетди.

— Шошма, бу йигитни кўрикхонада, яъни ёрдамчи хўжаликда подавон дейишган эди. Қассобда не иши бор? Балки ўғирланган молларни бокиб турар?

Мен бундай ўй-фикрни текшириб кўрай дедим. Уйда митти тарози фикримни тасдиқ қилди: ўнг палласи паст тушди. Раимбой бу хабардан жуда севиниб кетди.

— Аввал Шержонга бориб, Сарибойни топайин. Кеча унинг бир хўқизи йўколган. Ундан гап сўраб олгач, кўрикхонага ўтиб, бир бошдан текшираман. Мабодо, Очил мендан: «Нега келдингиз?» деса: «Ука, молингни кўрсат, отардан мол адашган», деган гапни қиласман, — деб дарҳол жўнаб кетди.

— Унда мен Шерободга, милисага бораман, — деган карорга келдим.

Тонгда районга тушдим. Холмат уйда йўқ экан. Ташқарида, сўрида дам олиб ўтиргандим. Деворнинг нарёғидан – Кудратов ҳовлисидан гап-сўзлар эшитилди. Кудратовни кўрай деб, лойdevор кемтигидан астагина карадим. Кудратов ташқарида, сўрида ўтиради.

Хотини оstonада туфлисини артаркан:

– «Ичмасангиз шунака ёшариб кетасиз-эй!» – деб эрини мақтар эди.

Жамила бу гапини неча юз марта айтгандир, деб ўйладим ўзимча.

– Бир газетада ўқидим, – деб сўзлади Жамила эри томон бораркан. – Арак ўлгур эркаклик кучини қиркар экан... Сарви хола айтдики, сигир йили хосиятли йил бўларкан.

«Зора энди бу йил биз фарзандлик бўлиб колсак», деган гапга ишора эди бу гап.

– Эй, хотин, тинч кўй мени! – деди Кудратов жеркиб.

– Агар сиз ичмасангиз, майли, оёғингиздан ўпишга ҳам тайёрман! – деди Жамила мунгли. У бир маҳал изиллаб йиғласа бўладими!

Мен энди бу ҳовлига ўтаман деб тургандим. Кўз ёшини кўрдим-у бирпас жойимда колдим.

Жамила, сен эринг бошидан не-не савдолар ўтганини билсайдинг. «Минг бир кечада ҳам ҳатто бундай саргузашт йўқдир, деб ўйладим ичимда. У шўрлик Кудратовни хўп яхши кўради-да... Аслида тескариси бўлмоғи лозим ўзи. Негаки, эр аввалроқ севганига уйланган, аммо, боласиз бўлиб ундан ажралиб кетган. Жамила ҳали эрга тегмай қаллиғи Учқизилда кўлда чўкиб ўлибди. Аёлимиз, айтдики, Жамила қаллиғидан ҳомиладор бўлган экан-у, олдириб ташлаганмиш. У шўрлик шунинг учун ўзини айбдор деб, фарзанд бўлмаслигини бола олдирганликдан деб, тахминлар қилас экан. Шул сабаб у эрининг иссиқ-совук гапига чидагани-чидаган.

Кудратов ўттан ҳафта мени сирдош билими, дар-

дини тўкиб солди. У ҳарбийда, матрослик қилган пайти сув ости кемасида қанакадир ҳавфли зонада ўтган чоғда нурланиб қолган экан. Гапини тинглай туриб, унинг билагидаги нина санчилиб ёзилган шул гапга кўзим тушди: «С малых лет, счастья нет».

Нима килсин бечора. У ҳамма одамлардек ўз дарду аламларини ҳеч кимга айтольмаса.

Бир пайт мен Жамиланинг яна ғамгин, ялинчоқ гапларини эшитдим.

– Менга каранг, – деди у. – Чечакбону опамнинг ўнга кирган мунчоқдай, хушрўйгина қизи бор. Шуни боқиб олсак-чи? Отаси рози бўлди. Унгача балки худо бизга ҳам тирнок берар.

Кейин мен Кудратовнинг:

– Майли, розиман, – деган жавобини эшитдим.

Яна у шундай деди:

– Нима дейсан, шу қизча, агар мен ўлиб қолсам, чин дилдан йиғлармикан?

Жамила дабдурустдан берилган бу саволга тезда жавоб қилмади.

– Ҳеч ким йиғлаб юрмасин, – деди у ўпкаси тўлиб. – Мен ўзим юз одамнинг ўрнини босаман-а. Аммо сиз сира ўлманг, мен асти йиғламайин!

Шу пайт кўча томонда дарвоза кўнгироғи кетмакет жиринглади. Жамила «хув» деганча эшик очгани кетди. Бирпастдан сўнг ҳовлига божаси кириб келди. Мен ҳам кўча томондан айланиб, кириб бордим. Божасининг гурунги машинадан бошланиб, унинг кадри, баҳонаси уч замонда айтилиб, кейин ҳалқаро мавзу билан якун килинди. «Америка биз билан ярашса, зўр бўлади, – деди у ташвиш билан. – Ҳар ҳолда бу дунёдан «Форд» миниб ўтсан дейман».

– Таксопарк дириктири бу гапни айтмаса ҳам бўлар эди, Норкулбой, – дедим мен ғижиниб.

– Генерал бўлмоқликни аскар орзу қилмаса аскар эмас, деганлар! – деди хиринглаб Норкул. Жамила ошхонага кириб кетиши билан давом этди: – Бир аёлнинг бир эмас, учта жазмани бор экан. Бир куни учласи бир-биридан бехабар аёлникига боришган. Битта-

си ичкарида аёл билан тўшакда, иккинчиси даҳлизда, учинчиси кўчада, эшик тагида экан. Аёл иш пачава бўлмасин дея, кўшиқ айтибди:

Асли ўлим сизники,
Аклу хушим даҳлизда.
Садка бўлсин бу жоним
Эшикдаги ёр сизга.

У шундай деб, бир йўла учала жазманининг ҳам кўнглини олган экан. Биз ҳам шунақа, божа, районнингизга ишим тушиб келган эдим-да, бир йўла ишимизни бажариб, яна сизни тўйга айтгани келдик.

- Куллук, – деди Кудратов.
- Жамила дастурхонга яхна гўшт, чой-нон кўйди.
- Ичимлик ҳам бўлсинми? – деди у Кудратовга.
- Келтир. Бу сафар энди божа ёлғиз ичади, – деди Кудратов кулиб.
- Ие, – деди божаси. – Ҳа, нима гап?... Билайлик.
- Бир кишига ичмайман, деб сўз берган эдим, – деди Кудратов бу гал менга маъноли караб.
- Хотингами? Э, ундан касам бекор. Бу гапни мана биз ҳам неча марта айтганмиз.
- Э, йўқ, хотинга эмас. Бир ҳурматли кишига.
- Ҳеч қачон ичмайсизми? – деди божаси ранжиб.
- Балки, шундай... ҳеч қачон ичмаслигим мумкин-дир. – деди у жилмайганча.
- Мен билан ичмасантгиз, майли. Лекин, бирор бир киши билан ичсангиз, сизни шарманда қилиб юбормасам, кўрасиз...

Божа ранжиган бўлди, аммо конъяк куйилган кадаҳни қайтармади.

Кудратовга подавон Очилнинг ўғрилик молни сақлаб юрганлигини айтмоқчи бўлган эдим, аммо у божасининг олдида уялмасин дедим-да, уйга қайтдим. Кейин айтарман, дедим.

* * *

Водариф! Куни кеча Кудратов ўлган эмиш. Холматдан бу хабарни эшитиб, титраб кетдим. Ҳеч ишонгим келмади. Холмат яқиндан бери Кудратовга қарашли мошин шопири эди. Якшанба куни экан, Кудратовнинг хотини Холматни чакиртирибди. Холмат борса, Кудратов айвонда, ўйга толиб, ёзиб ўтирган экан.

– Ие, Кудратов aka, арабча ёзяпсизми, – деб сўрабди ўғлимиз.

– Бу араб алифбоси. Муллалик қилмокчиман, – дебди у ҳазиллашиб.

Кейин у хафта бурун бўлган бир воқеани Холматга гапирибди:

«Сополлига боргандим. Хотира куни экан, катта-кичик ёшу қари қабристонни тозалаб юришганини кўрдим. Мен мошиндан тушдим-да, пича пиёда юриб, нафасни ростлагандим, қабристон эшигидан бир киши чиқиб колди. «Араби ёзувларга тишингиз ўтадими», деди ҳалиги одам. «Озрок биламан», дедим. «Биз мозор якинида ерга кўмилиб қолган бир мармар лавҳа топдик, – деди бояги киши. – Ҳеч кайсимиз унда не гап борлигини билолмай доғдамиз, ўкиб бероласизми?» «Майли» дедим.

Мен ўқиши бир пайтлар Тошкентда бир чолдан ўрганган эдим.

Хуллас, мен қабртошни синчилаб ўкиб кўрдим. Лавҳада шу қишлоқлик, уч аср аввал ўтган бир шоир таваллуди ҳамда байт битилган эди. Мен қаттиқ таъсиrlандим. Шундан кейин кўнглимга кизиқ бир фикр келди. Кўрган-кечирганимни ёzsам-чи? Ажабмас, кела-жакда бирор қизиқиб илмий иш ёзиб колса!»

Холмат ҳар канча ундан «ёзганингиздан озрок ўкиб беринг», деса ҳам Кудратов унамабди.

Мен-ку, унинг дардини тушунаман биродар. Ахир инсон дардини кимгадир айтиши шарт. У бўлса ўз дардини бирорлар билишидан кўркиб, шу ишни қилган.

Кудратов ўғлимизга Жамилани бир-икки жойга олиб борсангиз, деб илтимос килибди. Ҳа, у шундай, хушхулкли, одобли одам эди. Буйрук қилмасди ҳечам.

Жамила Холмат билан кетатуриб: «Хүжайин, сиз бундай вакт ўтказманг, божангизга құнғироқ килиб қўйсангиз, – дебди. – Мошин юборсин бизга. Холмат бугун қишлоққа кетиши керак экан».

– Божамиз ўзи келиб олиб кетар-да, – дебди унга Кудратов. – Ахир, унинг тўйига биз раислик қиласмиз... Холмат, сиз янгангизни элтиб, даржол келсангиз. Бир бозор айланардик.

Холмат тезда қайтибди. Ҳовлига кирганды, айвон остонасида Холназар Кудратовга бир гапни кўркув билан гапириб турган экан. Холмат панада туриб сұхбатни эшитибди.

– Бир беэга хўқизни подага қўшган эдик, милиса келиб тутди, – дебди унга Холназар.

– Мен милиса бошлиғи Шамсиевга айтган эдим. У менга ваъда берган.

Милисалар нарёқдан, Термиздан келишибди. Раимбой деган чўпон Термизга ўзи бориб келтирибди уларни. Қиркка яқин молни милиса ҳайдаб кетди.

– Нима, ўша хўқизча Раимбойникимиidi? – деб сўради Кудратов.

– Э, йўқ, – дебди Холназар. – Миш-мишларга қараганда, унинг Дамир қассобга хусумати бор эмиш. Шунинг учун бу ишга қаттиқ киришган, занғар. Биз беэга молларни Дамирга сотар эдик. Бир бало килмасангиз ишимиз чаток, aka. Ҳар ҳолда оз бўлса ҳам шериклик килгансиз-ку.

– Менга қара, Холназар, думингни ликиллатма! Мен сендан бирор нарса олган ерим бормиди? Нега бундай гап қилаяпсан? – деди унга Кудратов.

– Дириктир, гўллик қилманг, жуфти-халолингизни дўхтирларга элтганда кўп совғалар берилган. Агар ишонмасангиз, Жамилахондан сўранг. Э, бу гапларни кўяйлик, бирор чора кўринг.

Холмат худди шу маҳал улар томон юрибди. Холназар ўтирмасдан тезда чиқиб кетибди. Кудратов ранги ўчиб, аччикланиб қолибди ва Холматни ичкарига бошлабди: иккаласи ўтириб, роса арак ичишибди. Холмат унга, акабой, қўйинг, сиз ичманг, деса: «Факат бугун

ичаман, йўқса мазам кочади», деганмиш у Холматга. Кудратов кўп ўтмасдан маст бўлиб колган эмиш. Эҳ, ярамас Холмат, сен унинг қўлини ушлаб, сиз ичманг, мен ҳам ичмай, десанг, ўлармидинг, дейманда! Кудратов ичиб бўлгач, ўша ерда ухлаб колибди. Худди шу пайт ховлига Кудратовнинг божаси келиб колибди. Норкул Кудратовнинг маст бўлиб ётганлигини кўриб сўкинибди: «Ҳайвон, мен арак узатганда ноз қиласан, ичмайсан! Бошка бирорлар билан ўлгунча ичасан-ку. Ҳах, шошма, бир иш қилайки, умр бўйи эслаб юргин».

Холмат индамай ҳовлисига қайтибди. Энди ухланган экан, эшикдан Кудратовнинг божаси кўринибди. «Тезрок бўлинг, иш чатоқ – божани балнисага обормасак бўлмайди!» дебди у кўркув билан.

Холмат дарҳол ўрнидан турибди. Ахволи оғирлашган Кудратовни бир амаллаб дўхтирга элтишибди. Аммо бемор орадан кўп ўтмай жон берибди.

Холмат эса мастилиги учун милисага тушибди. Шу куни бу хабарни Раимбойга етказсам, деган фикрга келдим. Асли Раимбой жанозада катнашса маъкул бўларди. Минг қилса ҳам Кудратов унинг отаси эди.

Раимбойни излаб чиқкан эдим, бир пайт уни идора олдида кўриб қолдим.

– Ҳозир мен дириктирнинг олдидан чиқдим, – деди Раимбой хомуш тортиб. – Биласиз, мен бу кунни орзиқиб кутган эдим. Мана, охир-окибат чўпонликни ташладим. Лекин, шул Дони Исмат инсофсиз одам экан. Кўнглим учун ақалли ишлайверинг, демади. Аризамни олди-ю, имзони ёпиштириди. Бир пайтлар – кўй-кўзи кўп бўлган чоғларида, Раимбой, кани, бизга атаган қўйингиздан сўйиб юборасизми, – деб хушомад уради.

– Қўйинг, Раимбой, – дедим, – бу ёғи яхши бўлсин.

Бир пайт Раимбой менга «Хурмат тахтаси»даги сурати кўчирилиб, тагида колиб кетган ёзувни кўрсатаркан: «Мана, хурматимиз шу», деди аччик кулиб.

Дириктирнинг нега ундан кўнгли қолгани энди

ҳаммага аён эди. Ўтган йили Раимбой ўзига тобе молнинг ҳисобига планни ошириб бажарганди. Бу йил ундаи килмади. Иложи ҳам йўқ эди. Улфатга келиб-кетган меҳмонларга жуда кўп қўйлар сўйилган эди. Колган шахсий молларни Раимбой сотиб юборган. «Отанг васият қилган, яхшилаб уй-жой қуриб, одамдай яшайлик-да», деган унга онаси.

Поччамиз умр бўйи, отингни чиқаргин-у, сомонхонада ётгин, кабилида иш тутган.

Раимбой шу бугуноқ даштга бормоқчи экан.

– Норбой шилпиқни топиб, шарт муддати тутади, сиз энди ютқаздингиз, қишлоқнинг суви сизга энди ҳаром, дейман-у кейин ишга кираман. Ўзингиз-чи, бир ёкка кетмоқчи бўляпсизми?

– Районга тушмоқчиман. Холматбой арак ичиб, милисага тушганмиш. Ҳабар олсак, дегандим. Сиз ҳам бирга юрсангиз, яхши бўлар эди-да.

Раимбой рози бўлди.

– У ердан чиқиб, кейин даштга ўтиб кетаман, – деган карорга келди.

Биз районга келганда, Холматни хушёрхонадан қўйиб юборишибди.

Раимбой иккимиз Холматни кўриш учун ҳовлисига излаб бордик. Кўчага киратуриб, Раимбойга ўймакор кўк эшикни кўрсатиб:

– Шу ерга таъзияга кириб чиқайлик, – дедим.

– Майли, – деди Раимбой. – Кимнинг уйи ўзи бу?

– Кейин айтаман, – дедим.

Биз эшикдан кирганда чап томонда – сўрида ўн-ўн беш қари-картанг секин гурунглашарди. Уйда эса хотинлар марсия айтишарди.

Биз узок ўтирадик. Кўчага чиқкандан сўнг, индамай кетавердим. Тўғриси, Раимбайнинг сўроғини пойладим. Холматникига бордик. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Яна орқага қайтдик. Раимбой яна мендан, марҳум ким, деб сўради. Нима деб жавоб берай? Марҳум сени дунёга келтирган отанг эди, дейиш осон эканми?

– Бу Кудратов деганинг ҳовлиси, – дедим унга.

– Қачон ўлди у киши? – деб Раимбой бирдан ғуссага

түлди. Ўзи билиб-билмай, кўнглига яқин олиб, у бирдан маъюс тортди.

– Кеча, – деб жавоб бердим.

Анчагача жим қолдик.

– Қудратов деганини икки марта кўрганман, – деди Раимбой менга. – Бултур тузконга келди. Ўшанда мoshинамда Болдиргача борган эди. Ўша ердан поездга чиқиб Тошкентта кетди. У киши камгап экан. Фақат бола-чакамни сўраб ўтириди, холос. Уч ўғлим борлигини эшитиб хурсанд бўлди. Кейин у, чўпон бўлган пайтимда ҳам бир келган эди. Яйловда ўтиргандик. Олдига арак кўйсам: «Йўқ, ичмайман, Раимбой сизга маслаҳат шул, мутлақо ичманг!» – деди. Мен эса... энсам котиб, «хўп», деб индамай кўйдим. Ўшандан у кўзимга сал дардманд кўринган эди.

– Қудратов аҳмокона ҳазилдан нобуд бўлди, – дедим мен алам билан. – Бир божаси бор эди. Қудратов қачонлардир унга: «Энди ичмайман, сиз ҳам ичманг», деб айтган. Шу божаси ўтган кун Қудратовнига келса, у ўлгудек маст эмиш. Божаси Қудратовни мот қилайин деганда, бечора караҳт ҳолда ётган пайт ичига насос билан ел юборган, ярамас... Ичаклари ёрилиб кетган эмиш марҳумни.

– Қудратов менга ичманг, деб насиҳат қилган эди, нега ўзи ичибди? – деди Раимбой ғамгин.

– У аввал иchar эди... Тағин нега бошлаган, мен ҳам тушунмай қолдим, – дедим дилим ўртаниб. – Қудратовнинг нега ичгани менга-ку маълум эди.

– Уни божаси мажбуrlаган бўлса-чи?

– Йўқ, йўқ. У фақатгина Холмат билан ичганмиш. Бу ерда бошқа гап бор... Қудратовнинг ичиди дарди гапи кўп эди. Яна бир гапни айтсам, у киши отангиз, ҳақиқий отангиз эди.

Раимбой бу гапимни англамади шекилли:

– Нима дедингиз? – деди.

– Раимбой, сиз жуда ҳам Қудратовга ўхшайсиз, – дедим бир амаллаб.

– Нима бўлибди, тоға? – деди у ҳайрон бўлмай. – Бир-бирига ўхшаган одам камми дунёда?! Лекин таъ-

зиясига келиб, яхши иш килдик. Таъзия қарз, тўй ху-
шомад, дер эди раҳматли отам.

— Тўғри айтасиз, жиян, — дедим унга тикилиб. — Ле-
кин, Тўқсонбой поччам сизга чин ота эмас. Асл сизни
отангиз марҳум Кудратов эди. Сиз гапимни бўлмасдан
охиригача тингланг.

У гапимни эшитиб, эшик устинасига тегадиган
комати чўкиб, кичрайгандек бўлиб қолди.


— Тоға, — деди у зўрға, — очик гапингиз учун сиз-
га минг раҳмат. Аммо энди сиз билан бошқа юз
кўришмайлик. Хўп денг. Бошқа иложим йўқ.

У гапини тугатиб, йўлинни бошқа солди. Мен ҳангу
манг, оғзимни очганча колавердим. Раимбой бундай
гапдан номус қиласиди энди. Беихтиёр кўзимдан ёш оқиб
кетаверди. Мени ёлғиз тушунган, қўнглимга кувват
бўлган Раимбой ҳам охири мендан юз ўғирди. Уйга
келган заҳоти тарозига чанг солдим: «Эй сен тарози, —
дедим заҳримни унга сочиб, — нега мени алладинг?!
Нега сен Раимбойни суюнчиғинг бўлади, кишлокка
кўчавер, деб мени хўб ишонтиридинг?! Сени энди зар-
гарга бераман — кутуламан. Ёки сен сўнгги марта фол
очиб кўрасанми?» Кўнглимда тугун қолди... Эҳтимол,
йиллар ўтиб Раимбой мен билан кўришар. Ахир опам
билан арзимас гап учун ўттиз йил юз кўришмадим.

Шундай деб тарозига умид билан термулдим. Та-
рози паллалари теппа-тeng бўлиб тураверди. Иложим
канча, ука...

1987 йил.

ХИКОЯЛАР



«КЎҲИТАНГ ҲИКОЯЛАРИ» КИТОБИДАН

ЁЗНИНГ СЎНГТИ КУНЛАРИ

Сой бўйида жойлашган қишлоқ мактаби. Кўнғироқ чалинган, ҳовлида ҳеч ким йўқ. Болалар ўқитувчиларнинг келишини кутиб, чуғурлашиб ўтиришибди. Четроқдаги ўқитувчилар хонасида эса охиста сұхбат борарди.

— Пенсияга чиксалар бўлмайдими?

Бу овоз шу йилгина ишга келган ўқитувчи Солиевники эди. Ойна устидаги жадвалга ўзгартириш киритаётган илмий мудир шошилмай жавоб кайтарди:

— Ҳали ёши етмаган-да, бўлмаса...

Кўзи жуда хиралашган бўлса, қандай дарс беради? — ажабланди ёш йигит. Унинг бу ерда янги эканлиги киёфасидан ҳам сезиларди: бўйнида гулдор галстук, кремплен костюмида куёнчанинг сурати солинган тақинчок. Кўзларини дераза ташкарисидаги олча гулларининг шамолда мавжланишига ўйчан тикаркан:

— Балки даволаниши керакдир? — давом этди у.

— Бошқа иш билан шуғулланинг, дебди врач...

Шу пайт эшик очилиб, кўлтиғига китоб кистирган кексароқ киши кирди. Бошини қуий солиб, география харитаси осилган девор томонга юрди. Кўзларини кисиб, харитага тикилди. Костюми бир оз ғижимланган, кўкрак чўнтағидан чиройли йўнилган қизил қаламнинг учи кўриниб туарди.

Гаффор ака, — деди илмий бўлим мудири маслаҳат оҳангига, — шу... биласизми, сизни меҳнат дарсига ўтказсак... Бугун педсовет бўлади. Шу масала ҳам кўрилади. Олдиндан бир фикрингизни билмокчи эдим... Мана укамиз ҳам география фани бўйича мутахассис... Ҳали айтанимдек сизга меҳнат дарсини...

Faффор ака пешонасини артиб, яна бошини эгди. Кейин күзларини ишқалаб, дераза ёнида турган ёш ўқитувчига қаради. Йигит эса чўнтағидан папироs олиб тутатди-ю, нимагадир чекмай ташлади. Ҳар кандай гапга кувноқлик билан жавоб қайтарадиган Faффор ака бу гал гуноҳкорона товушда гапирди:

– Ука, доктор тўғрисини айтди, бизга мактаб энди тўғри келмайди. Ўзим ҳам бўшайман деб юргандим.

– Ойлиги оз десангиз, яна бирор иш топиб берамиз – деди илмий мудир шошиб.

– Йўқ, Тўражон, мен ҳалол ишлаб емасам, томоғимдан ўтмайди. Дарсдан сўнг ариза ёзиб бераман.

У шундай деб столдан синф журналини олди-да, аста чикиб кетди.

– Бекор айтдингиз-да ҳозир шу гапни, – деди ёш ўқитувчи жуда ўнғайсизланиб. – Балки кейинроқ...

– Иш бу, укам, юз-хотир кетмайди, – деди илмий мудир ўрнидан туриб. – Болаларни ўйлаш керак...

* * *

– Қизим, бўлмаяпти, кўзим ўтмаяпти, – деди Faффор ака кечқурун уйда. Мактабдан бўшайман.

– Бешикдаги боласини юпатаётган Ойпарча отасига хўрсиниб қаради. Кейин паст овозда гапирди:

– Шунча ишлаганингиз етар, дамингизни олинг. Етти жонни боккан куёвингиз бир сизни бока олмайдими?

Ота кизига ҳазин меҳр билан қаради.

– Гап унда эмас, қизим. Мен ишсиз туролмайман.

Ташқарида тарновдан ёмғир сувининг шариллаб окқани эшитилар, бу шовқин Faффор аканинг мавҳум ўйларига тиниқлик киргизаётгандек бўларди. Ойнаси синик деразадан совук шамол кирди.

– Кеча Ортиқжон синдириб кўйди деразани, – деди Ойпарча. – Кошки, ойна ўлгур топилса магазинда.

– Кўявер, болани койима, – деди Faффор ака. У бўшаган коғоз яшикни парчалаб, узоқ имиллаб дераза кўзини беркитди. Кейин ўтирган кўрпачасига ёстиқ тортиб ёнбошлади.

Энди нима килади? Олдинда худди катта бир бўшлиқ туарди. Аввал ажабланди, кейин сесканиб, ваҳимага тушди. Шу пайтгача ҳеч бундай хаёлларга бормаганди. Ўрнидан турди. Қизига сездирмай, марҳума хотинининг девордаги суратига мунғайиб қаради-да, тағин ёнбошлади.

Ойпарча узок сукутдан сўнг, боласини ухлатиб, ўрнидан турди. Отасига нимадир демокчи бўлди-ю, ғалати жимликни бузишга журъат килмади. Даҳлизга чиқди. Сомонхонадаги товуқлардан хабар олгани кетди. Қайтиб кирганида отаси бешик тебратиб ўтиради. Ойпарча дастурхон ёзиб чой дамлаб келтирди.

— Иссиқкина чой ичинг, ота.

Бола пишиллаб ухларди. Ойпарча ўзига ҳам чой қўйиб, ҳўплади.

— Ота, урушда пешонангиздан ярадор бўлгансиз. Кўзингизга шунинг таъсири урган. Районга тушсангиз, ёшингиз етмаган бўлса ҳам, пенсияга чикаришади.

— Андиша қиласман, болам, — деди Faффор ака, — ўтгиз йил аввалги гапни яна пеш килиш...

Эрталаб куёви ҳам шу гапни айтди.

— Шунча одамлар ҳукуматнинг қарамогида-ку, нима, сиз ўгаймисиз?

... Faффор ака узок ўйлаб, бир куни районга тушди. Ижтимоий таъминот бўлимига кирди. Ёруғ, шинам хонанинг тўрида ўтирган гавдали, кўзлари қисикрок, чехраси очик аёл унга курси таклиф килди ва «хизмат?» деб кулимсиради. Бу кулгидан Faффор аканинг кўнгли равшан тортди.

— Шу, синглим, қаримадик-ку, аммо, пенсияга ўтгани келдик, — деди у.

Аёл унга кизикиб тикилди.

— Сабаб?

Кўзим сабил хиралашиб колди. Ёш десангиз, энди элликда.

— Даволатиш керак...

— Тошкентга олти марта бориб келдим, бўлмади чоғи, — Faффор ака қолган гапни истеҳола билан

айтди. – Урушда пешонадан яралангандим. Шуни таъсири...

– Справкаларингиз борми?

Faффор ака ғамгин кулимсиради.

– Э, справкани айтасиз. Ким билибди мундок бўлишини. Ғалаба кунини поездда нишонлагандик, ўшанда ҳовликиб кетиб, справкаларга маҳорка ўраб чекиб юборибмиз, каранг! Қоғоз йўқ эди-да.

– Фамилиянгиз?

– Турдиев.

– Гап бундай, ўрток Турдиев. Сиз ўша ётган госпиталингизга хат ёзинг. Улар сизга справкангиздан кўчирма юборишади...

– Синглум, – деди Faффор ака, – у госпиталлар энди йўқ, адресини ҳам унутганман. Кенигсберг деган шаҳар эди... Шу ёдимда.

– Бўлмаса, иложимиз йўқ, – деди аёл.

– Қоғоз ҳисоб денг, тирик одамнинг гапи ҳисобмасми?

– Йўқ, ундей деманг, – деди аёл. – Конун-коидани биласиз-ку!

Faффор ака чиқиб кетди.

Автобусни ҳам кутмади. Кунжара ортган бир машинанинг кабинасига ўтириб кишлоғига кетди.

... Ёз окирлаб қолган эди. Бундай кунларда Faффор ака эски тегирмон ёнидаги гавжум чинор тагига келар, жўралари билан сухбатлашиб ўтирас эди. Бир куни эрталаб шу ерга келса, Сафар бобо гўшт сотиб ўтирган экан.

– Э, Faффорбой, келинг, – деди чол.

– Иссик ҳам авжига чиқди-ку.

Улар чинор соясига ўтириши.

– Тегирмонни тозалаб, тахт қилибсиз, деб эшиздим. Ишлатмоқчи эмишсиз? – сўради чол. – Молда эдик биз. Хабар топмадик. Бўлмаса ёрдамлашардик.

– Э, ўзим шундай, – деди Faффор ака. – Эрмак-да.

– Бу тегирмон хосиятли нарса-да, – деди Сафар чол. – Ризқ-рўз шу ердан эди бир замонлар. Мана энди

буғдой тортишга ҳожат ҳам қолмади. Магазинларда тайёр оппок ун.

– Ҳа, – бош силкиди Faффор ака. – Мен ҳам тегирмонни юргизмоқчи эмасман. Ёшлигимиз ўтган бу ерда. Шуни эслаб...

– Бу гапингиз рост. Биз ҳам келардик бу ерга бўй етган кизларни кўришга. Холангизни ҳам биринчи марта хув тегирмоннинг кунжагида ушлаганман, – ких-кихлаб кулди чол. – Ҳа, ёш эдик-да...

Кейин кафтига нос кўйиб отди. Ҳузур килиб кўзларини юмди.

– Амак, бир нарса сўрамоқчи эдим, – деди Faффор ака жимликни бузиб. – Сизда озрок буғдой топилмайдими? Тегирмон унидан бир кулча есак девдим... Ишонмайсиз, ўзимизда ҳам, қўшнимизда ҳам йўқ экан.

– Бизда-ку йўқ, – деди чол ўрнидан тураркан, – аммо, Ҳамробойда бор. Томорқасига ҳар йили буғдой эктиради. Мен борай, томорқага сув кўйгандим. Ҳаридор келса, караб туринг, иним.

Faффор ака қадрдон жойларга, тегирмонга кўз ташлаб, ўйга чўмди. Ҳаёлида тегирмоннинг бир маромда айланган тоши, дўлига шопириб солинган сап-сарик буғдой, навбат олишга келган таниш қиз-жувонлар пайдо бўлди.

– Қизик, – ўзича ўйлади у, – шу тегирмон бир пайлар азиз эди. Энди ташландик. Агар чоллар қаршилик қилишмаганида уни аллақачон бузиб ташлашарди. Нима қилишар экан уни бузиб. Кераксиз бўлса ҳам қадрдон нарсалар бўлади-ку...

У ҳаёл аралаш сумкасини ковлаб, бир журнал олди. Бир-икки вараклаб, яна жойига солиб кўйди. Сафар бобо келавермагач, ўрнидан туриб, у ёк-бу ёқка юрди. Чинордан сал нарида эшагини ариқдан ўтказа олмай қийналаётган Ҳамро бобога кўзи тушди.

– Эгардан тушсангиз-чи! – деди Faффор ака. – Бўлмаса барибир ўтмайди қайсар.

Ҳамро бобо эшагини толга боғлаб, Faффор ака томонга юрди. Улар салом-алиқдан нарига ўта олмас эдилар. Faффор акага чолнинг калта соқоли, катта-

катта кўзлари ёки кийиниши эмас, истеҳзо билан кийшайдиган лунжи ёқмасди. Чол Ғаффор акага яқин келиши билан яна лунжини қийшайтириди.

— Келинг, бобо, — деди Ғаффор ака.
— Э-э янги касб муборак. Қассобчиликдан ҳам ҳабарлари бор экан-да. Сизни мактабдан кетган деб эшигандим, — чол шолчанинг бир четига аста ўтириди.

— Ҳа, почтачи бўлиб юрибмиз.

— Муаллимликни ташлаб-а?

Ғаффор ака бош эгиб гапирди:

— Биласиз, билим унча катта эмас эди. Ўкиёлмай урушга кетдик. Бола-чака ташвиши билан денг, зўрға техникумни битириб...

Ғаффор ака Ҳамро бобонинг урушга бормаганлигини биларди. Чол негадир бу гапларга чап бериб, бўлак мавзуга судрарди.

— Янги ўқитувчи келган экан, ўрнингизга қўйишибди.

— Ҳа, — деди Ғаффор ака. — Мен ўзим ҳам...

— Ярим килогина гўшт тортинг, — сўзини яна бўлди чол.

— Сизда буғдой бор экан деб эшигандим, — деди Ғаффор ака гўшт чопаркан. — Ярим кило нима бўлади, кўпроқ олаверинг, яхши гўшт. Айтганча, бу хотинингиз ҳам кетиб колибдими? Яхши бўлмабди. Қариган чоғда ёлғизлик ёмон...

Чолнинг важоҳати ўзгарди.

— Ким карибди, — деди у, — ўзингиз қаригансиз, укам. Биз ҳали...

У бирпасда ховуридан тушди. Одатича, мавзудан мавзуга сакраб гапирди.

— Бикинидан қўйинг... Радиода ғалати гаплар... Каердадир уруш бўляпти экан... Сизга айтсам, одамзод хеч тинч турмайди. Ҳали кўрасиз, ўзимизда ҳам...

— Нима? — сўради Ғаффор ака.

— Уруш бўлиши мумкин, — унга қарамай давом этди чол. — Шунинг учун экиб-йиғиб ётибмиз. Ана ўшанда, қаҳатчилик бўлишини кўринг. Бир ғалвир буғдой учун диркилламаси ҳам қўйнингга киради, укам.

Faффор ака унинг бакувват гавдасига қаради. Назариди, ўзининг кўзи ўтмаслашиб колганлигига, уруш ийллари хотинининг ўлганига, яна нималаргадир худди шу чол айбордек кўриниб кетди. Жаҳл устида чолнинг ёқасидан олди-ю... қандай килиб мушт туширганини билмай қолди... Кимдир келиб уларни ажратиб кўйди. Магазин томондан қишлоқ милиционери Карим хам етиб келди. Чолни қўлтиқлаб олиб кетишиди.

— Нега урдингиз? — сўради Карим Faффор акадан. Унинг ёнидагилар ҳам Faффор акага савол назари билан караб турарди. Faффор ака ўзини ростлаб, бўғик жавоб берди:

— Кўйинг, сўраманг...

— Йўқ, айтинг...

Faффор ака Карим учун эмас, атрофдаги одамлар учун айтиши кераклигини сезди.

— Уруш бўлади, — деди. — Шунга, ўзимни босолмай...

Карим Faффор акага ҳайрон тикилди.

— Ораларингизда хусумат йўқмиди?

— Йўқ.

— Рости ни айтинг.

— Э, ука, у қишлоқнинг нариги четида турса, мен бу четида. Ойда бир кўраман ё йўқ. Шунда ҳам саломаликдан нарига ўтмасдик. Бор гап шу.

Карим шапкасини сал кўтариб, пешонасини сал кашлади.

— Майли, бораверинг, — деди кейин. — Чол ариза ёзмагунча юра туринг.

Faффор ака четда ётган почта сумкасини олиб, уйига жўнади. Кимдир милиционердан сўради:

— Энди у кишини суд киласизми?

Карим бирпас ўйланиб турди-да, жавоб берди:

— Афтидан бу кишида (у илгари Faффор ака дерди) руҳий касаллик бор. Бундай касалга чалинганлар суд килинмайди.

Кишлоқда бу гапни ўша оқшомдаёқ ҳамма эшитди. Аммо бирор ишонди, бирор ишонмади. Faффор ака эса эртасига эшагини миниб, отасининг мозорини зиёрат

қилгани кетди. Қачон қайтишини айтмади. У ота юртидаги жарликларга осилиб ўсган ёввойи узумларни томоша килиб, тиник булокларда нон ивитиб ейишни, кўнглига ёккан одамлар билан сұхбатлашишни истарди. У суд килишадими, йўқми – буни ўйламас, лекин бир оғир юқдан қутулган киши сингари ўзини енгил сезарди.

Чол судга бормокчи бўлди, аммо одамлар орага тушди: «Кўйинг, бир бечора одам бўлса», дейишиди.

Шунда ҳам у рози бўлмади. Аммо Faффор аканинг тоғ ичкарисидаги қишлоққа кетганини эшишиб, хурсанд бўлди. «Мендан кўркиб кочди», деган гап таркатишни истарди чоги... Бу пайтда ёзнинг сўнгги кунлари со-виб, боғ оралаб ўтган ариқчаларда ҳазонлар кўпайиб колганди...

АЁЛ ОВОЗИ

Бу воқеа жануб шаҳарларининг бирида бўлган эди. Дарё бўйидаги касалхонанинг энг осойишта, энг чекка хонаси кўм-кўк бўлиб турган экинзор рўпарасида жойлашганди. Бу хонада бир ҳафтадан бўён ёш, ориккина йигит ёлғиз ётар, ташқарига чиқмас, ҳеч ким билан гаплашмас, ҳаттоқи, овқатга ҳам бормасди. Унга ўзлари овқат келтиришарди. Сабаби, унинг иккала кўзи ҳам кўрмай қолган, шошилинч операция қилиш зарур эди. Аллақандай гиёҳларни териш учун токқа кетган профессор қайтиши билан, операцияни бошлаб юборди.

Бир неча соатлик оғир операциядан сўнг унинг олдига кора кош, кора кўз ҳамширадан бошка ҳеч ким киритилмади. Тўғрироғи, уни излаб ҳеч ким келмади. Афтидан, ҳеч кими йўқ эди. Бемор хонадаги ёлғиз дераза ёнига қўйилган каравотда қимирламай ётар, бинт боғланган кўзлари устига кўнғир сочлари тушган, чўзинчоқ, кулгич юзи сарғимтири тусга кирганди. Профессор унга ҳорғин нигоҳ ташлади-да, ҳамширага bemornинг кўзи устига тушган кўнғир сочларини кайчилаб ташлашни буюрди. Ўзи эса чикиб кетди. Ҳамшира қайчи топиб, bemornинг муздек пе-

шонасига қайнок қўлини кўйганида ҳам у ўзини сезмай ётар, факат нафас олганидан тирик эканлигини пайқаш мумкин эди. Ҳамшира учинчи кун деганида, бемор устидаги чойшабни ғижимлаб, безовта бўлиб кимиirlаётганини кўрди.

— Кимиirlаманг, сиз ётишингиз керак, — деди у мулоим товушда.

Бу товуш bemорнинг ҳаракатини сусайтирди. Ҳамшира йигирма саккизларда бўлса-да, овози ёш қизники каби мулоим, мафтункор эди. «Табиат балким, хаддан ташқари олийжаноб бўлган аёлларга шундай мўъжиза ато этади», дейишарди Малика ҳакида касалхона ходимлари.

Бемор ана шундай ажойиб товушни эшитганидан кейин, зарурат юзасидан туроётганилгини ҳам эсдан чиқариб кўйди. Уялди шекилли, яна ўз ўрнига чўкди. Малика эса уни тушуниб, ишини осонлаштирида-да, чиқиб кетди. Бемор бир неча кундан сўнг, ундан исмини шивирлаб сўради:

— Кейин, факат кейин айтаман. Ҳозирча сизга гапириш ман этилган, — жавоб килди ҳамшира.

Бемор индамади. Фақат ҳамшира чикиб кетаётганида унинг:

— Қизик, кўзларим кўряпти. Кўзларимга факат чиннигуллар кўриняпти, — деб шивирлагани эштилди.

Малика ҳайрон бўлганича чиқиб кетди. У эшитганини профессорга айтди.

— Чамаси, чиннигулларни яхши кўрса керак, — деб жавоб килди профессор.

— Уни гапиртирманг. Дарвоке, у мусиқа билим юрти талабаси экан. Ҳаяжонланиши мумкин. Бу унга жуда зарар.

Профессор бир неча кундан сўнг, bemор йигитни текшираси экан, унинг тузалиш жараёни чўзилаётганидан ажабланди. Кейин bemорнинг озгин, хунук юзига тикилиб бош чайқади.

Куз эрта келган, шаҳарда чиннигул аллакачон туғаб кетган, Малика эса ташвишда эди. У сўроқлай-сўроқлай шаҳар чеккасидаги бир немис чолдан чин-

нигул топиб келди. Унинг чиннигул келтираётганини кўриб, шу кунларда хомуш юрган профессорнинг ҳам чиройи очилди. Бемор ҳам ўша кун жилмайганича, қаравот ёнидаги тумбочкага қўлларини чўзиб ётди. Чунки, у ердаги графинда чиннигуллар ёқимли, муаттар ҳид таратиб яшнаб турарди.

– Ҳамшира, бу сизми? – деди bemор шивирлаб. – Менга чиннигул?.. Умримда менга ҳеч ким чиннигул берган эмас...

Бемор шундан буён Маликани қадам товушларидан, ҳатто нафас олишидан танир ва унинг келганидан кувониб кетар эди. Шу кувонч билан биргаликда маъюсланиб қоларди.

– Мен... кўрдингизми, жудаям хунукман, – дерди уғамгин кулиб. – Ҳеч ким мени севмайди.

Касаллик кенг гавдали, норгул бу йигитни гўдак килиб қўйганди.

Унинг гапларини эшлитиб, Маликанинг кўзларида ёш йилтиллар, аммо ўзини тутиб, хонадан секин-аста чиқиб кетар, кун бўйи bemор йигит хаёлидан кетмас эди.

«Сизни ҳали қизлар севишади, деб айтганим билан, йигит бу гапни кўнгил учун, юпатиш учун айт-ётганимни сезади ахир», деб ўйларди у. Сўнгги пайтларда Малика bemорнинг қўлидаги титроқларидан, ҳаракатларидан, ҳар сафар хонага кирганида юзидаги ўзгаришларидан унинг ўзига кўнгил қўяётганилигини фахмлаб турарди. Бир куни Малика унинг иссиғини ўлчаб кетаётган пайтида:

– Ҳамшира, сиз мени севасиз-а, – деб сўради йигит тўсатдан. Шу лаҳзада унинг юзи оқарган, гезарган лаблари эса титраб турарди.

– Ҳа, – деб юборди Малика.

Шундай деди-ю, унга қараб қолди. Бу пайтда bemорнинг юзи севинч учқунлари билан порлар, бу маъсум, бу покиза учқунлар Маликанинг нигоҳини сеҳрлаб, қалбини тўлқинлантириб, ҳаяжонга соларди. Маликанинг севаман, деб ёлғон гапиргани унинг жозибали,

тиник товуши оғушида сингиб йўқ бўлиб кетганлиги-ни факат аёл қалби хис этиб турарди.

Бемор эса уни тезрок кўриш истагида кундан-кун, соатма-соат соғайиб борар, у ҳар куни ҳамширанинг чиннигулларини, кўнғироқдек маъсум овозини кутар, буни ҳатто профессор ҳам пайқаб колган эди.

— Ортиқча бирон сўз айтманг, — деб тайинларди у Маликага.

Бу уни беморни ранжитмай, кўнглини кўтариңг, дегани эди. Малика эса, bemор ҳонасига кирганида, ҳар сафар унга эри борлигини айтмоқчи бўлар, аммо унинг тағин умидсизликка тушиб, кўзи тузалмай қолишини ўйлаб, айтишга ботинолмасди.

Беморнинг эртага кўзи очилиши керак бўлган кун. Малика уйига ҳорғин ва ҳаяжон билан кайтди. Эртага у, албатта Маликани кутади, кўришни истайди. Кейин Маликанинг ёлғон гапирганини фаҳмлайди-да, унга жирканиш билан қарайди. Малика ишдан кайтган эрига бўлган воқеани ҳаяжонланиб айтаркан, маслаҳат сўради. Эрининг кувнок, чўзинчок юзи тундлашиб, таъбини хира қилди.

— Ўзингиз пиширган ошни ўзингиз енг! — деди у тўнғиллаб. — Мен сизга доим айтаман, шунака ишларга аралашманг, деб. Сизни шу ишга кўйиб, мен ахмок...

Бундай пайтда уни тингламаган маъкул.

Малика унинг гапларига эътибор бермай, паришонлик билан ёткхонага кирди. Ухлаб ётган қизчасига караб, кўнгли ёришиб кетди...

Эртаси куни йигитнинг кўзини очишиди. У даставвал хира, оппок ҳонани, профессорни кўрди. Гандираклаб атрофидагиларга тикила бошлади.

— Мен кўярпман, — деди у пичирлаб, кейин мајолсиз лабларини тишлаганича ўтириб колди. Бироздан сўнг уни ўз ҳонасига бошлаб келишди. Аммо, унинг кўзлари сабрсизлик билан ҳамширани кидирав, бетоқатланар, узун бармоклари графинда куриб колган чиннигул баргларини чирт-чирт юларди. Ёлғиз каравот кўйилган ёруғ, шинам ҳонада йигит ғамгин, бошини куйи солиб ўтиради.

Куз күёши деразадан мўралай бошлагандан, хонага олти яшар чамасидаги ёкимтойгина, кўзлари кулиб турган кизалоқ кириб келди. Кокилларида бир жуфт оқ бантик жуда ярашган. Қўлларида шабнамда хўл бўлган чиннигуллар бор эди.

– Сизга келтирдим, – деди у ширин товуш билан.

Йигит бошини кўтариб, унга қаради.

– Буни ким бериб юборди, – деди у таажжуб билан.

Кизча оркасига бир қараб олди-да:

– Аям, сизга бериб юбордилар. Олинг, – деди.

Йигит гап нимадалигини пайқаб, сесканиб тушди. Бир-бир қадам босиб қизчанинг олдига келди ва уни кўтариб бағрига босди.

Эшик тиркишидан йигитнинг қизчани кўтариб, ўпаётганини кўриб, Маликанинг кўзига ёш келди.

ТОҒДА

Тоғ оралиғидаги кичкина қишлоққа кириб келдим. Сой бўйлаб жойлапиган паст-баланд ҳовлилар кўринди. Пастликда сув ёйилиб оқмокда, ундан паға-паға ҳовур кўтарилиб, ҳавога сингийди, гоҳ уни шабада сой ўркачидағи қор чулғанганд յолғунзор томон ҳайдайди.

Мен излаб бораётган қишлоқ ҳали узок. Ҳамма ёқ опок бўлгани учун кеч киргани билинмайди. Узок-узоқлардан итлар хурди. Ана шунда күёш ботаётганини сездим. Чунки, итлар даштдан кун ботганда қайтади. Ҳали бу кичкина қишлоқдан чиқиб улгурмаган ҳам эдимки, ботинкамга қор тўлди. Сигаретани тутатдимда, ҳувиллаган тоғ йўлидан кетавердим. Оёғим музлай бошлаганидан беихтиёр энг сўнгги ҳовли томон бурилдим. Ҳовлининг дарвозаси йўқ экан. Тўппа-тўғри кириб боришдан истихола қилиб тургандим, боғ этагидаги йўлда отлик кўринди. Унинг эгнида калта пўстин, бошида телпак ва елкаси оша милтиғининг учи қорайиб кўринади. Худди Лермонтов тасвирлаган черкасга ўхшаб кетарди. Мен эса унинг етиб келишини кутмай, каршисига юрдим. У қамчинини тишлиб отдан тушди.

— Ўтаверинг, кани йигит, — деди у уй томонни кўрсатиб, — мен ҳозир...

Мен уйнинг сирпанчик пиллапоясига етгунимча у отини боғлаб қайтди. Биз болалар ва аёллар овози эштилиб турган хона ёнидан ичкарига кирдик. Улар уй эгасининг «мехмон» деган сўзларини эштишиди шекилли, бир зум индамай колишди. Пўстак устида дархол оёкни ёздим. Бу ерларда меҳмонни узок ҳоли колдириш одати менга ёқиб тушди. Анчадан сўнг, уй эгаси кирди. У энди ҳол-аҳвол сўрашга тутинди. Кейин кунишаётганимни кўриб:

— Меҳмон, оловни кейинрок ёқамиз, — деди.

— Ташвиш килиб ўтирманг, ҳозир сал ботинкамни куритаман-у жўнайман, — дедим унга бошка томонга кетаётганимни билдириш учун.

У каёкка кетаётганимни сўрамади-ю, факат:

— Пальтони ечиб ўтиринг, эртага кетасиз, бугун Вандобга етолмайсиз, — деб қўйди.

Менинг Вандоб қишлоғига бораётганимни билганига ажабланиб, унга қарадим. У менга чой узатди.

— Йўлга кеч чиқибсизда, жиян. Қаерлардан сўраймиз?

— Шаҳардан, — дедим. — Вандобда холамиз бор эди.

Кўришга...

— Ўқийсизми?

— Ҳа.

— Ўқийман, денг? — деди у. — Бизди ўғил ҳам ўқийди. Иркутск деган шаҳарда. Тошкентга бориб ўқисанг ҳам бўлади, десам кўнмади. Ундай ўкиш Тошкентда йўқ эмиш.

— Қандай ўқин экан?

— Овчилик ўкиши. Шунга кирди, мени касбимни килмокчи-да.

Кейин, у менга ҳар йили Тошкентта боришини, меҳмонхона ва овчилар жамиятидан бўлак ерни билмаслигини, мусобақаларда қатнашганлигини айтиб берди.

— Восў мерган дегани эшитганимисиз?

Мен унинг овчи эканлигини билгач, гапларини

лоқайдлик билан тинглай бошладим. Чунки, биз икков ҳайвонот дунёсига иккى хил муносабатда бўлувчи кишилар эканмиз – у овчи, мен эса табиатни, ҳайвонларни муҳофаза қилиш тарафдорларидан.

Аммо, унинг уйида бир кечалик меҳмон эканлигимни ўйлаб, кириб келаётган тунни қизғин сухбатлар билан ўтказишни ният қилдим. Пастгина дераза ёнида ўтириб, умоч ичарканман, хаёлим тоғларда эди. Тоғларни қишида кўриш қизик-да.

Кор бу ерларда жуда қалин экан. Шаҳарда ҳам, йўлда ҳам нимагадир кам.

– Бизга шуниси дуруст. Кор қалин ёғса, ҳаво илик келади.

– Тоғдаги ҳайвонлар бу совукда нима қилишаркан?

– Тоғдаги жонивор ҳам кор тагида жон саклайдида. Факат озуқа топишолмайди. Хўжалик одамлари ул-бул топиб ташлаб келишади.

– Савоб иш қилишаркан.

– Ҳа, энди ҳайвонларни отиш у ёқда турсин, уларга карамасликнинг ўзи жиноят. Ҳукумат тўғри қилди шу конунни чикариб, – деди ўзича ўйчан.

– Тўғри, аммо овчиларга кўп қийин бўлди-да, а, aka?

– Унчаликмасдиров. Яна билмадим, масалан, мен ҳукуматди шундай қилганига кўшиламан. Ҳайвонлар камайиб кетяпти. Сақлаш керак. Ўзим овчи бўлганим билан бўри, тўнғиздан бошқасини кам отганман.

– Кийикни ҳам отганмисиз? – сўрадим шунчаки бекорчиликдан.

– Кийикними? – у уялгансимон ерга қаради. – Шу, жиян, кўзларига карасам, ҳеч отолмайман. Кийик кейин, охунинг кўзлари одамникига ўхшайди.

– Одамнинг кўзларига дейсизми?

– Ҳа, – у бирпас жим қолди. – Агар зерикмассангиз, оху ҳақида бир афсона айтиб бераман. Менга Шафоят шоир деган киши айтиб берганди. Шундай... Тоғ кишлоғида бир қиз бўлган экан. Акли ҳам, ҳусни ҳам жойида бўлганлиги учун шу қишлоқнинг энг ўқтам

йигити уни яхши кўриб қолибди. Қизнинг бахил бир дугонаси ҳам ўша йигитни севаркан. Шунинг учун ҳам бахил киз дугонасини шарманда қилиш пайига тушибди. Кунларнинг бирида улар дарёга чўмилишга боришибди. Бахил киз сувдан илгари чикиб, дугонасининг кийимларини ёндириб юборибди. Дугонасига:

– Чик, йигитлар келишяпти, – деб, ўзи қишлоқ томонга чопиб кетибди.

Шўрлик киз кирғокка чикса, кийимлари йўқ эмиш. Одамлар келаётганини кўриб, тоғ томон кочибди. Кейин, худога «Мени шарманда қилгандан кўра, бирор ҳайвонга айлантири», деб ёлворибди.

Шунда у охуга айланиб қолибди. Қишлоқда колган йигит уни кутибди, қайғурибди, ноилож ҳасадгўй қизга уйланишга мажбур бўлибди. Тўй бўлаётган ерга бир жонивор келибди. Бундай ҳайвонни қишлоқдаги одамлар шу пайтгача кўрмаган эканлар. Ҳайвон кўз ёши тўла кўзларини нукул келинга тикармиш. Келиннинг юзи оқариб кетибди. У ҳайвоннинг кўзларидан ўзининг дугонаси эканлигини танибди.

– Оҳ, у, оҳ, у, – деб ерга йиқилибди-ю, жон берибди.

Шундан сўнг одамлар бу ҳайвонни оху деб атاشибди.

– Ажойиб афсона, – дедим унга анчадан сўнг.

– Бу афсонанинг қанчаси тўғри, қанчаси ёлғон – билмайман. Аммо, кийикнинг, охунинг кўзлари қизларнига ўхшашлиги рост.

Восид мерган менинг жим қолганимни кўриб, меҳмоннинг уйкуси келди, деб ўйлади шекилли, сандик устидаги кўрпалардан олиб, бурчакка тўшади. Кейин:

– Майли, сиз дам олинг, – деб чиқиб кетди.

Мен эса бу ернинг абадий ҳаёт ҳакида фикр юргизишга мажбур қиласиган жимжит, аммо таъсирчан тунидан завқланиб ўйга толгандим. Шу осойишта тун менда ёқимли бир безовталик уйғотмоқда эди. Назаримда тун жонлангандек, мен ҳатто унинг нафас олаётганини эшитаётгандай бўлардим. Ҳолбуки, нафас

олаётган ўзим эдим. Нихоят, мен ана шу ёкимли бозвталик билан ухлаб қолибман.

Уйғонганимда, қуёш күрингас, аммо уй дарчасидан ёруғлик тушиб турар, деворлар ортидан сигирларнинг эриниб мў-мўлаши, эркакларнинг йўғон товушлари, яна қандайдир шовкин келар – қишлоқда ҳаёт бошланганилигидан дарак бермоқда эди. Мен қуёш чикқанидан хурсанд бўлиб, деразадан мўраладим. Кор туни билан ёғибди.

– Ҳали барвакт, ётаверинг, меҳмон, – деди хонага кирган Восид мерган.

– Вандобга бугун етиб боришим керак. Холам бор эди, кўриб, эртага қайтаман.

– Кор ёккани чакки бўлди. Йўлни топиш кийин, – деди Восид мерган. – Ҳа, чой ичайлик, қани... Бирга борармиз.

Мен унинг ҳамроҳ бўлишини эшитиб, ўзимни бирмунча енгил ҳис қилдим, ювениб, уйга кирдим. Апилтапил нонушта килиб, бирпасда йўлга чиқдик.

– Қишлоқ этагида бир момо бор, шуни кўриб ўтайлик. Мазаси йўқрок, дейишганди, – деди Восид мерган камчи билан дўнглик этагидаги уйни кўрсатиб.

У менинг Вандобга ошиқаётганимни сезиб турарди. Шунинг учунми: «Борадиган жойингиз унча узок эмас, фақат йўли бир оз айланиш», деб кўйди. Индамаганимни кўриб: «Касални факат эрталаб кўриш одат эканини биласиз-ку, жиян», – деди у.

– Биламан, bemalol... Кампир сизга қариндош бўлса керак-а?

У менинг: «Ҳозир кўриш шартми, кейинроқ хабар олса ҳам бўлади-ку», деган фикримни англаб турарди.

– У «йўқ» деб жавоб берди ва отни никтади. Момонинг уйига етиб келдик. Жимжит ховлига кирдик. От пишкирди. Қирови зриётган деразадан кимдир мўралади.

Уйдан ўн ёшлардаги бир бола чиқди.

– Домулло уйдами?

Бола бош кимиirlатди.

— Кампирнинг ўғли – домулло мактабда дарс беради, – тушунтириди менга мерган.

Уйга кирдик. Хонада беш-олти киши ўтирарди. Омонлашдик. Ўтирганлар bemorning bezovta bўlmasligi учун паст товушда гаплашишарди. Бу – киши кўнглига ғашлик солар, ғашлик эса, ўз навбатида ҳаётга мунгли ва зерикарли деб қараш ҳиссини уйғотарди. Мен ҳозир худди шу холатда эдим.

— Домулло, бизди момо тузукми? – сўради мерган чордана куриб ўтирган кишидан.

У «тузук» дегандай бош иргади. Кампир ичкари уйда экан.

— Кириб чиқинглар, – дейишди бизга.

Кампир уй бурчагида, қалин кўрпалар орасида ётарди. Ёнида бир аёл ундан кўз узмай, шунчалик паст овозда ашула айтардики, гўё узок-узокдан келаёттандай аранг эшитиларди.

*Оҳ, қизил гул, қизил гул, қизлар нишони,
Оча қолгин юзингни, менга ишонгин.*

— Касални баттар килиб кўясиз, – деди ашула айтат-тандай аёлга биз билан кирган кампир.

— Ўзлари кўймаяптилар.

У бизни кўриб, очилиб колган бошини рўмол билан бекитди.

— Кимлар келди, Малика? – деб сўради кампир кўрпа тагидан.

— Моможон, биз. Танимаяпсизми? – деб сўради мерган энгашиб.

— Сени танимай бўладими, укажон, – деди кампир хаста товушда. Кейин кўрпасини суриб, ёнбошлади. У мени танимаса ҳам узок қавми-кариндошларимгача сўради.

— Момо, соппа-соғсиз-ку! – деди Восид мерган кулиб.

— Дармоним йўқ-да, укажон.

— Кўринишингиздан мендан ҳам бардамсиз.

— Унча-мунчага касал бўлмас эдим. Овқатдан қолдим-да, укажон.

- Худо хоҳласа, яхши бўлиб кетасиз, момо...
Биз тагин нариги уйга ўтдик.
 - Иштаҳаси йўқ экан-да, кампирнинг, – деди мерган ўтирганимиздан сўнг.
 - Кеча, – деб гап бошлиди бир четда ўтирган аёл, – раҳматлик чолларини эсладилар. «Энди тушган келинчак эдим. Раҳматлик эрим кийик отиб келди. Эр-хотин икков шундай ширин шўрва қилдикки, ҳали ҳам мазаси оғзимдан кетмайди. Бир кийик гўшидан шўрва ичсам эди», деб қолдилар.
- Кампирнинг ўғли аёлга норозилик билан қаради.
- Мана, мерган бор, отиб келади-да кийикди, – деди кимдир.
 - Орага жимлик чўкди.
 - Ҳукумат кийик отишга рухсат бермайди, – деди тўрда ўтирган киши.
 - Касал учун рухсат беради...
 - Ҳар бир касал кийик истаса, тоғда кийик қоладими? – деди кампирнинг ўғли.
 - Тўғри гап. Ўтган йили Исҳок қийшиқни кийик отгани учун қамашгандиям...
 - Ака, у касал учун отмаган-да.
- Мен Восид мерганнинг аҳволини тушуниб турардим. Тўсатдан у кетишга рухсат сўради.
- Биз энди турайлик.
 - Кўчага чиқдик.
 - Энди нима бўлади? – дедим унга анчадан сўнг.
 - Касалнинг кўнгли яримта бўлади, ука, отиб келмасам бўлмайди... У отига минди.
 - Энди хафа бўлмайсиз, ўзингиз хў шу чўққини кўзлаб кетаверасиз.
 - Зарари йўқ, топиб борарман, – дедим. – Хайр, овингиз бароридан келсин... Тошкентга борсангиз, бизнига ҳам киринг...
 - Албатта... Баҳорда бораман... Вандобдан қайтишда уйга кириб ўтинг... – деди Восид мерган ва отининг бошини кимсасиз тоғ ўркачлари томон бурди.
- Эртаси куни, Вандобдан қайтаётиб яна шу кишлоқни кесиб ўтдим. Восид мерганнига кирдим. Уйда фактат

хотини бор экан. Ўтиришга унамадим. Восид мерган районга тушиб кетибди. Восид ака кампир учун кийик отиб келдими, деб сўрадим ундан.

— Йўқ, — деди аёл. — Акангиз кийикди кўрибди-ю, отмапти. Кийиги ўлмагур оғироёқ экан. Кўзлари ўт-кир-да, акангизни. Билибди шуниям.

— Кейин-чи?

— Биринчисини отмаса, у киши кейин ов қилмайди. Кечкурун момоникига борди. Ҳамма акангизни овга кетганлигини биларди. Акангиз тўғри момонинг олдинга кирибди-да, тўғрисини айтибди. Момолар ҳам гўдак нарса-да, йиглаб юборибди. Умринг узун бўлсин сани илойим, — деб, алкаб қолибди.

Мен Восид мерганинг аёлига манзилимни ёзиб колдирдим-да, йўлга чиқдим.

ЎҚ

Улар тоғ арчалари оралаб кетиб боришарди.

— Каерда ўзи сен айтган ғор? Ҳеч кўринмаяпти-ку. Ё адашдикми, Аҳмад? — Сўради новча йигит олдинда кетаётган шеригидан.

— Йўқ, адашганимиз йўқ, тўғри келяпмиз.

— Ҳали узокми?

— Оз колди. Чори, ана у шамол ялаган қояни кўряпсанми? Ғор ўша ерда.

— Ғорни сендан бошқа ҳеч ким билмайдими? — Гапга аралашди учинчи киши чопон енги билан юзини артаркан.

— Ҳеч ким билмайди. Қишлоғимиздан факат Сафарбобо биларди. Мен у билан бу ерларда пода бокканман. У чол бултур ўлди.

— Ўлгани яхши бўлибди, — деди Чори милтиғини у елкасидан бу елкасига олаётиб.

— Кўй шу гапингни. У ўлмаганда ҳам бизни топиб бермасди, — деди Аҳмад ранжиган товуш билан ва Чорига ўқрайиб кўйди.

— Ҳозир ҳамма ўзини ўйладиган пайт, — минғирлади Чори.

Шу гапдан сўнг, учаласи ҳам тоғор оғзига етгунга кадар жим юришди. Факат уларнинг этиклари шағал, чақир тошларга урилиб овоз чиқарар, йўловчилар эса иложи борича оҳиста қадам ташлашга харакат қилишарди. Улар уйдек келадиган това тош орқасига ўтишганда, олдини қурук чирмовук босган ғор оғзи кўринди. Ғор оғзи унчалик катта эмас, бир одам базўр сиғиши мумкин эди.

— Мана, мен айтган ғор, — ҳансирағ гапирди Аҳмад коя белига қааркан. Сўнг шерикларига бир қараб олди-да, эпчилик билан ғор ичига қараб ўрмалади. Шериклари ҳам унинг орқасидан эргашдилар.

Форнинг ичи ойдин эди, ганч ва аллақандай нурли тош парчалари атрофни ёритиб туради. Улар каттиқ ҷарчаганларидан ўзларини таппа ерга ташлашди. Аҳмад эса ғор деворига суюниб олди, чунки боши лўқиллаб оғрирди. Бир оздан сўнг енгил тортди. Хотиржам ухлаётган шерикларини кўриб, у ҳам юмшок кум устига чўзилди. Орқасига аллақандай нарса ботди. Олиб қаради. Суякнинг ингичка бўгинига қараб, жайронники эканлигини пайқади. Кўнгли эса жайрон гўштини тусади. Аммо, бунинг иложи йўқлигини билгани учун ухлашга ҷоғланди. Уни ҳадик ва сукунат безовта қиласади. Барибир уйқу зўрлик қилди, шилқ этиб ерга ағанади.

У канча ухлаганини билмайди, кўзини очганида, шерикларидан бири хуррак отарди. Аҳмад ўрнидан турди-да, бурчакдаги коврак, яна аллақандай қурук илдизларни териб бир четга тўплади. Белбоғидан чақмоқтош олиб ишқалай бошлади. Анча пайтгача ёндирилмади. Кўллари толиб кетди. Охири, кучли зарбдан учқун сараб, чирик, енгил илдизни ёндириб юборди. Бир оздан сўнг, тағин ўчай деб колди. Аҳмад кўнгли ғаш бўлиб, чўғни пуфлар, кўзлари ёниб тугаёзган ўтинга тикилган эди. Нихоят, ўтин ёниб тугади. У ўтин олиб келиш учун ғор ичидан эмаклаб кетди. Форнинг оғзига якин томонда ётган Чори уйғонди ва тезда бешотар милтиғини ушлаб, бошини кўтарди.

— Салим? — сўради Чори.

— Бу мен, Аҳмад, — жавоб берди Аҳмад. — Ташқаридан ўтин олиб келаман.

Чори бир нима деб ғудурлади-да, бошини чопонга буркади. Аҳмад ғор оғзига етганида, сесканиб кетди. Димогига намхуш куз ҳавоси урилди. У ҳаводан тўйиб нафас олди. Кейин чақконлик билан ҳарсангтошдан ошиб ўтди.

Ташқари зим-зиё, аллақаерлардан бўрининг увиллаши, какликларнинг сайраши эшитиларди. Аҳмад арчазор томон ўтаркан, тўсатдан нариги дара пастида гулхан шуъласини кўриб колди ва турган жойида тош котди. У гулхан шуъласидан кўзини узмай, тош пана-сига ўтиб кузата бошлади. У дархол фаҳмлади: кувиб келаётган кизиллар ўша ерда тўхташганди.

Аҳмад эмаклаб пастликдаги арчазорга кирди. Арчазор ичидаги булок бўлиши керак эди. У ҳар томонга эркин қарай олмагани учун, булоқнинг қайси томонда эканини ҳам билолмай колди. Аҳмад яна қизиллар турган томонга кўркув билан қарай бошлади. У арча шоҳлари орасидан мўраларкан, ҳайрон бўлиб колди: олов анча жойгача чўзилиб ёнмокда эди. Кейин ту-шунди: ёнғин бошланмокда эди. Қизиллардан бирори эҳтиётсизлик килиб олов ёққан бўлса керак, арчазордан анча узоқдаги чангальзор ёниб борарди. Чангальзордан сўнг ковжираган ўтлар бўлиб, ундан кейин арчазор бошланарди. Арчазор ёнса тамом, бу тоғ оралиқларидаги қишлоқларда булоқлар курийди. Негаки, арчалар кор сувини илдизига тўплаб, булоқ хосил киласди. Аҳмад буни яхши тушунарди. У буларни бир зумда ўйлади, ғор томон эмаклай кетди. Бирпасда ғор оғзига қайтиб келди, бошини ичкари тикиб, шерикла-рини чақира бошлади.

— Чори-и-и... ҳей Чори-и... Салим...

Ичкаридан ҳеч кандай жавоб бўлмади. Аҳмад сабрсизлик билан ҳадеб «Чори, Салим», деб бакирар, юзи-дан тер оқарди.

Ғор ичидан кимдир судралиб кела бошлади.

— Аҳмад, нима гап? — сўради Чори бўғик товуш билан.

– Чори, оғайни, ёнғин, ёнғин.

У бошқа нарса айтолмас, кўли билан пастлик томонни кўрсатарди. Чори милтиғини ғор ичкарисига суриб, ўзи чиқди. Улар ҳарсангтош олдидан ўтишиб, арчазор ёнидан пастга қараши.

– Итдай илакишид бу большовойлар! – жон ваҳмида Чори орқага кайтди.

Аҳмад унинг орқасидан келди.

– Чори, ёнғин, тушунсанг-чи, ёнғин, – бўғилиб гапирди Аҳмад. – Ўчириш керак.

– Нима, эсингни едингми, Аҳмад? Қизилларни кўрмаяпсанми, ахир, – деди Чори тишини ғижирлатиб.

Аҳмад унинг ҳам, Салимнинг ҳам бормаслигига кўзи етди. У бесабрлик билан пастга қааркан, худди иситмаси ошган кишидек калтиради. Аҳмад ғор оғзига кўйилган Чорининг милтиғини олди.

– Нима, у ерга бормокчимисан? – сўради Салим. У ҳам ғор оғзидан бошини чиқариб турарди.

– Кўй, борсин, – деди Чори ҳали ҳам Аҳмаднинг қизиллар томонга боришига ишонмай, – қизиллар уни ёнғин ичига ташласа, ана ўшандада билади жон кадрини.

Аҳмад уларга бир қараб қўйди. Шериклари бошқа индашмади. Аҳмаднинг азамат гавдасига бирпас тикилиб туришида, ғор ичига кириб кетиши. Аҳмад эса энг якин кишиси ўлгандек эс-хушини йўқотганича, уларнинг ортидан қараб қолди. Кейин, муштларини кисиб, пастга тушди. У энди арчалар ичидаги киялама йўлдан чопиб борар, дараҳтларнинг шох-шаббалари кийимларини юлкир, юзларини тирнарди. У шошганидан чағир сўқмокда йиқилиб ҳам кетди. Милтиғи елкасидан тушиб қолди. У ўрнидан туриб, милтиғини излаб топди. Кейин бирпас атрофга қарахт бўлиб қараб турди-да, яна пастга, тутун кучли ўрлаётган томонга чопиб кетди.

У дара бурилишига етганида, қизилларнинг ёнғинни ўчириш учун у ёқдан бу ёкка зир югуриб юришганини кўриб, тўхтаб қолди. Титраб кетди. Аҳмад қизиллардан

хайикиб, ўзини саксовул панасига олди. «Мени отишса-я», деб ўйлади. Оркага кайтмокчи бўлиб, се-кин эмаклай бошлади. Аммо, оловнинг юкори томонга кучли ўрлаётганини кўриб, шошиб қолди. Энди у ортиқ ўйлашни истамай, тирмашиб тепаликка чиқди. Негадир унда энди кўркув мутлақо йўқолган, фақат тиззалари қалтирарди.

– Эй, – деб бақирди у қандайдир бегона, бўғик то-вуш билан.

Унинг кўлини кўтариб келаётгани гулхан ёруғида кизилларга кўриниб турарди.

– Юкори томондан бориш керак, – деб бақирди у.

У ердагилардан учтаси Аҳмад томон келишиди.

– Нима дейсан? – сўради қийик кўзли йигит яқин келиб.

– Тезрок юринглар, юкори томондан ўчириш ке-рак, – деди Аҳмад арчазор ва чангальзор ўртасидаги кенгликни кўрсатиб. Кейин, уларнинг жавобини хам кутмай, ўзи ўша томонга чопиб кетди.

Чангальзор севалаб ёғаётган ёмғирда чирс-чирс ёнар, ундан ачимтири, кора тутун паға-паға бўлиб осмонга кўтарилаарди. Аҳмад арчазор пастидаги кенгликка ярим соатлар чамасида етиб борди. Бу кенгликни ёзда ковжираб қолган ўтлар коплаган эди. Ана шу ўтларнинг ўртасини юлиб, очик ер қолдирилгандахина, ёнғин ар-чазорга ўтмаслиги мумкин эди. Аҳмад буни аллақачон, ғор олдидан туриб ёнғинни кўргандаёқ ўйлаб кўйган эди.

Аҳмад бу ерга етиб келган захотиёқ, кенгликнинг ўртасидаги курук, пастак ўтларни милтиғининг кўндоғи билан тозалай бошлади. Унинг оркасидан тезда бир неча кизиллар етиб келди. Улар босмачи йи-гитнинг жон-жаҳди билан ишлаётганини кўриб, унинг мақсадини тушунишди ва ўзлари хам ишга тушиб ке-тишди. Осмон оқариб келар, унда тонг отишидан олдин бошланувчи ҳаётбахш, заиф ойдинлик бор эди. Улар тинмай ишлаганлари сари, бу ойдинлик хам кўпайиб борар, тутун эса дара бўйлаб секин кўтарилимоқда эди. Ишлаётганларнинг ташвиш зўридан гапиришга хам

мажоллари йўқ. Чангалзорлар бағри шамол бўлмагани ва ёмғир ёқкани сабабли секин ёниб келар, бу эса арчазор олдидаги куруқ ўтларни тозалаб олиш имконини берарди. Аҳмад иш битишига оз колганда, арчазор томонга кўз ташлади. Кейин, ўтни тозалаш баҳонаси билан шу томонга яқинлашишга уринди. Қизиллардан бирори уни кузатиб турган экан шекилли, «хой, қаёкка» деб, милтиғини қимирлатиб қўйди.

— Тамом, — деб ўйлади Аҳмад, — энди қочишнинг иложи йўқ.

Ишни тугатиши: арчазор олди узунасига тозаланди, энди ёнғин бу томонга ўтмайдиган бўлганди.

— Қани, юр, — деди шлем кийган аскар, — пастга тушамиз.

Аҳмад ўрнидан туриб, милтиғини елкасига осди.

— Милтиқни бу ёкка бер, — деди ёнидаги мўйловли, кексарок киши.

Аҳмад қовоғини солиб, жавоб бермади. Кимdir унинг елкасидан милтиқни олишга қўл чўзди. Аҳмад бурилиб унга қаради. Унинг бу карашида, «мен ўз ихтиёрим билан келдим, номардлик килма», деган маъно бор эди. Барибир, унинг милтиғини олиши.

Кизиллар уни пастга олиб тушиши. Дара бошининг ариқсимон ерида отлар бойлоғлик турар, ёнида икки-уч киши туришарди.

— Ўртоқ командир, — деди кийик кўзли йигит, — буни...

— Кераги йўқ, ҳаммасини кўриб турибман, — деди юзи чандикли киши, — милтиғини ўзига бер.

Аҳмад милтиғини олиб елкасига осди ва кўзларини чандик юзли кишига тикди. «Хозир кийнокни бошлишади, — деб ўйлади у ўзича. — Ҳа, йўқ, хозир шерикларим қаерда яширинганлигини сўрайди. Майли, бўлганича бўлди. Аммо, уларнинг қаердалигини айтмайман».

Аҳмад ўйлагандек бўлди. Чандик юзли киши унинг ҳамроҳларини сўради.

— Билмайман, — жавоб берди Аҳмад, — мен бир ўзим эдим.

— Хўш, айтмайсанми, ха, майли. Сен қаерликсан ўзи? — Сўроқда давом этди Қаххор ака.

— Манми? — у кўли билан чўзилиб ётган тоғларнинг шимол тарафини кўрсатди. — Ўша ердан. Зарабоғ деган қишлоқдан.

— Зарабоғданми? У катта қишлоқми?

— Йўқ, кичик.

— Кичик дегин. Хўш, у ерда нима иш қилардинг?

— Пода боқардим.

— Уларга қачон кўшилдинг?

— Якинда. Икки ҳафта бўлди.

Қаххор ака унга бошдан-оёқ разм соларкан, нимагадир бош чайкаб қўйди. Кейин, арча ёнида тўпланиб турган аскарлар ёнига кетди. Улар билан бирпас ниманидир маслаҳат килди-да, қайтиб келди.

— Энди қаерга бормокчисан?

— Қаерга? — тушунмай сўради Аҳмад.

— Ҳозир сени қўйиб юборсак, шунда қаерга борасан? — сўради Қаххор ака.

— Қаерга дейсизми? Қишлоқка-да. Онам бор, синглим бор у ерда, — жавоб килди Аҳмад қовоғини уйиб.

— Бўлмаса, милтиғингни бу ёққа бер. У энди сенга керак эмас. — Қаххор ака унинг қўлидан милтиқни олди. — Энди кетавер.

Аҳмад бу аҳволга ажабланмади. Мўккини¹ тўғрилаб кийди-да, пастликка тушди. «Ҳозир оркамдан отишса керак», — деб ўйлади у ва енги билан кўзларини артиб қўйди. У бўشاшиб, чағир тепаликдан тушиб борар, тиззалари қалтиради.

Аҳмад «ҳозир отишса керак», — деган хавотир билан пастлик томон тушиб борарди. Унинг мана шу чағир тошлар устида бўлса ҳам ором олгиси, ухлагиси келар, аммо ҳадикдан бунга журъят қилолмасди. Нимагадир, кўзларидан ҳадеб ёш келаверди. Йигит оркасига ўгирилмай кетиб борарди. Шу зайлда сойга

¹ Мўлки — хом теридан тикиладиган қўнжи калта оёқ кийими.

етиб келди. У энди қизилларнинг отмаслигига ишонди, чунки улар анча олисда эдилар.

Сойнинг нариги тарафи арчазор ва пистазор бўлиб, тоғ ичкарисигача чўзилиб ётарди. Сойда сув саёз ва ёйилиб окар, бу ер тоғ йўли ўрнида ўтарди. Аҳмад энгашиб юзини ювди. Юзида сувнинг оромбахш салқини қолди. У энди енгил тортиб ўрнидан турди. Кейин, узокдан кичик бўлиб кўринаётган қизилларга караб қўйди. Аллакаердан ўқ, овози эшитилди. Аҳмад кўкрагини ушлади. Кўкрагини худди олов куйдираётгандек эди. Аҳмад оёкларини бир текисда кўйиб, ўзини базўр тутиб олди. Аммо, ҳолсизланиб, секин ҳарсанѓтошга суюниб қолди. У арчазор томонга тинмай қарапди. Унинг ўткир кўзлари тўсатдан кекса арча панасида милтиғини қайта ўқлаётган Чорини кўриб қолди.

1974 йил.

УМРНИНГ ИККИ КУНИ

Кўнгил учун севгил ҳеч бўлмаганда.

М. Лермонтов

У бир неча соат ичиди кишига айланиб қолди. Бунга эски лекция дафтари ичидан топиб олган хати сабаб бўлди. Хат хотинининг кўли билан ёзилган бўлиб, нотаниш кишига аталган эди. Ундаги: «Жоним, сиз ниҳоятда фаришта одамсиз. Мен бу дунёда ўзимни сизсиз тасаввур қилолмайман», деган сўзларини ўқиб, у мутлако бошка бир дунёга тушиб колгандай сезди ўзини. Бу дунё уни ўз бағрига олиб, азоб бера бошлиди. Кўз ёши қиласиган ошиқлар устидан кулишни хуш кўрган Бўрикулнинг лаблари беихтиёр титради, сокин товуш билан йиглади. Ёстиққа ёнбошлиди. Гўё ёстиқ мадад берадигандай, уни маҳкам бағрига босди. Юпка лабларига сигарета кистиаркан, ўзини иродасизликда айблади. «Кизиқ, нега қайғуряпман! Дунёда доимий бўладиган ҳодиса-ку», деб овунтирумокчи бўлди. Унинг

юпанч излаган кўзлари ним пушти ранг деразага тикилди. У дарё шовкинини эшитишни, сирли шитирлаётган ўрмонзорни ва беармон учайтган күшларни кўришни истарди. Нима учун буларни истаганлигини ўйлади, ўзида осойишта кайфият уйғотмоқчи бўлганлигини, ўзини алдаётганлигини тушунди.

Унинг босик бўлишга харакат қилгани зое кетди. Хотинига хат ёзиш учун ручка излади. Хотини суксили билан оғриб, иссик томонга – Термизда очилган «Жайронхона» санаторийсига жўнаб кетганди. Жўнаб кетганди эмас, Бўриқул уни зўрлаб юборганди. «Сиз сиз у ёқда нима қиласман», – деганди хотини ёшланган кўзларини нозик кўлчалари билан беркитиб.

Бўриқулнинг эса меҳри товланиб кетди. Унинг юзларидан ўпиди, тушунтириди: «Сен ҳам у-бу жойларни кўриб келгин-да, жоним. Ишим кўп бўлмагандан бирга кетардик». У ўшанда: «Бор, даволаниб кел», – деган сўзни ҳам айтишни қандайдир ўнғайсиз деб билди. Ойсара борадиган бўлди. Хотини кўрмаса ҳам, Бўриқул у чиққан самолёт кўздан йўколгунга кадар қўл силкиб турди. У шуларни эсларкан, тағин хатга қаради. Худди портгайдиган нарсадек унга зўрға қўл тегизди-да, тез кўзларини юмди. «Мана, қандайдир одамлар бор экан, – деди у ўзича титраб-кақшаб, – кўз ёшлари ёлғон экан-да».

У энди дераза ёнидаги стулга ўтириб, дарҳол хат ёзишга киришди. «Ойсара! Менинг умидим ҳам, ишончим ҳам сен эдинг. Афсуски, сен мухаббатимга нолойик экансан. Ҳозир сенга нисбатан юрагимда нафрат тўлиб тошган. Сен менга тегиб олганингга қадар бировни севган экансан. Энди мен сени севолмайман».

Мактубда гина, алам ва нафрат сўзлари тўлиб кетди. У мактубни ёзиди тугатгач, ўзини енгил ҳис килди. Аллақандай ноаник тантана билан диванга ёнбошладида, Ойсаранинг бу хатни олиб ўкиётганлигини тасаввур кила бошлади. Ана, у боғ ёнидаги скамейкада ўтириб хат ўқияпти. «Мен сени севолмайман», деган жумлани ўқиди шекилли, ориқ, оппоқ бўйнидаги томирлари титрай бошлади. У хафа бўлганда шундай ҳолга тушарди.

Ойсара хатни ўкиб бўлиб, гандираклаб кетяпти. Қаерга кетяпти. Дарё томонга шекилли. Унинг букчайган гавдаси энди кўринмай колди.

Бўриқул ўрнидан туриб кетди. Стол устида турган хатни бир чеккага олиб кўйди-да, бошқа хат ёзишга тутинди. «Ойсара! Жоним, ахволларинг қалай? Менинг аҳволимни сўрасанг, ниҳоятда яхши». У шу тарзда Ойсарани шодлантирувчи гаплар топиб, бир варакнн зўрға тўлдирди.

Конвертни почта кутисига ташлаб қайтганида, кўнглида аллақандай маъюслик уйғонди. У энди ўзининг бахтсизлигига куюнар, уйланганига пушаймон киларди.

Эртасига тағин хат ёзишга мажбур бўлди. Уни аллақандай нарса тинч кўймас, миясини шубҳалар кемиради. У яна хат ёзишни бошлади. «Ойсара! Нима киламан сени ҳам, ўзимни ҳам кийнаб? Янглишибман. Балки мен сени севгандирман. Аммо, энди кўнглим совиди. Нега эканлигини ўзинг биласан».

Бўриқул хатни конвертга солиб, почта кутиси томон олиб кетди. У оғир юк кўтаргандай, хатни зўрға кўтариб борарди. Почта кутиси ёнига етиб келди-да, конвертни осонгина ташлаб юборди. Оркага қайтаркан, тўсатдан сесканиб кетди. «Эй худойим-ей, нима қилиб кўйдим, ўзи?» Унинг хаёлида хатни ўкиб азобланадётган Ойсара кўринганди. «Лекция ичидан топилган хат шунчаки ўйин қилиб ёзилгандир? Эҳтимол, шундай хатларни ўзича ёзгиси келгандир», деб ўйлади у. Бўриқул қайтиб почта кутисининг берк эшикчасини тортиб кўрди. Энди хат ташувчини кутиш керак. Бошқа илож йўқ. У хатлар соат нечада олиб кетилишини почта кутисидаги ёзуvdan ўкиди-да, соатига қаради. Ҳали хат ташувчининг келишига вакт бор, унгача бошқа хат ёзиб улгуриши мумкин эди.

У хат ташувчи аёл келганида, Ойсарага зўрма-зўраки ёзган хатни тайёр қилиб бўлганди. Аёл почта кутисидаги хатларни оларкан, унга караб кулиб кўйди. Йўқ, жилмайганига эмас, унинг ўз вақтида келганига.

— Опа, шошманг, мен бир хатни ташлагандим.
Шуни берсангиз.

— Нима?

— Ҳалиги, хатни алмаштириб юборибман. Мана буни... олсангиз.

— Фамилияңгиз?

— Унинг хати тезда топилди.

— Паспортиңгизни күрсатинг.

Бўриқул шоша-пиша чўнтакларини ковлади. Ёнида ҳеч қандай ҳужжати йўқ экан.

— Шошманг, опа, мана бу уйим... Ҳозир олиб келаман.

— Вақтим йўқ.

— Опажон...

«Опажон» ҳар қалай юмшади, хатни унга узатди.

— Паришон бўлмангда, йигит.

Бўриқул унга қараб қуллук қилди-да, кўча бўйлаб судралиб кетди. У кун бўйи кўчада тентираб юрди. Кўчалардаги дов-дарахтларнинг новдалари яшил хол кўя бошлаган, яшинаш арафасида. «Ҳаво қандай яхши бўлди-я, — дейишади одамлар бир-бирига. — Ҳа, жуда ажойиб».

— Бугун стадионга бордим. Майдон ям-яшил. Маза қилиб майсада юмладим, — дейди бир бола ўртоғига.

— Мен уйда сумалак едим, — мактанади иккинчиси.

Ҳаво юмшоқ ва ажойиб бўлганлигини факат Бўриқул сезгани йўқ. Чунки унинг тез-тез нафаси кисилар, боши нукул ерга қараб оғарди. «Нега бугун дам олиш куни. Иш куни бўлганда дуруст бўларди», деб ўйлади.

... У уйга етиб келганида тун бошланган, аммо унинг қоронғилиги минглаб неон чироқлари нурида билинмас эди. Ҳакикий тун гўё унинг уйига беркингандай туюларди. Шундай бўлса-да, барибир ташкарининг ойдинлиги дераза дарпардаларини хира ёритмокда эди. У шу ёруғликда ўзига диванга тўшак солди-да, ётиб олди. У энди факат бир нарсани, бўлиб ўтган воқеаларни, бўлиб ўтмаган деб хис килишни истарди. Аммо, бунинг иложи йўқлигини яхши биларди. Юрак-

да аллақандай ғашлик уйғотувчи жимлик бошланганида, у чарчаб ухлаб қолди. Анчадан сүнг, туш күрди. Тушида Ойсара унинг мажбуран ёзган мактубларини ўқиб, кувониб ўтирганиши. Унинг қоп-қора күzlари Бўрикулга миннатдор бокар, кадрдон лаблари: «Мана, мен соғайиб кетдим», – деб шивирлармиши.

Бўрикул уйғониб кетди. Шу тушининг ўзи унга олам-олам ором бағишлади. У ўрнидан туриб, Ойсара-га одатдаги мактубини ёза бошлади...

Четда, стол четида нафрат ва ғазаб билан ёзилган мактублар эса Ойсаранинг келишини сарғайиб кутишарди.

1973 йил.

ХУШТАКЛАР

Қиз укасини ҳар куни қишлоқдан икки-уч чакирим келадиган қизил тепаликка эргаштириб келарди. У тепалик оркасидаги ковакка тушиб, қизғиши, нам ва ёпишқоқ тупрокни ўяр, уни халтачага солиб, тепасида турган укасига узатарди.

– Суюнжон, – дерди қиз кўзини тепага тикиб, – кани, халтани ол-чи.

Суюн ўгай опаси узатган халтачани зўрға тортиб олар ва офтобрўяга тўкиб келарди. Кейин, опаси ковакдан чиқар, иккаласи уйиб қўйилган тупроқ атрофига ўтириб олишарди. Бола уялибгина тупроқ теккан иштонини қоқарди-да, опасининг оғзини пойлаб турарди. Боланинг ёши саккиздан ошган бўлса ҳам, ўз ёшидан каттарок кўринарди. Офтобда корайган юзида сокинлик ва бокира бир хотиржамлик бор эдикি, буни ўгай опаси кўриб ҳайрон коларди. Кейин боланинг бу карашдан ўнғайсизланаётганлигини сезиб коларди-да:

– Суюн, сигиримиз кўринмайдими? – дерди ва адирлик орасидаги қўрикка қўйиб юборилган сигирдан хабар олгани кетарди.

Суюн эса пастқамликка, олтин япроқли анжир дарахти тагидан жимир-жимир қилиб оқаётган булокка

тушар, у ердан офтобада сув олиб келарди. Унга опаси сигирни жилдирап, баҳорнинг сўнгги безакларини таққан адирлик пастида тентирар, курсанд бўлиб қайтарди. Ҳаяжонланганини яшиrolмай, жилмайганича сув куйиб, лойни кориштирап, укаси ҳам опасининг кулгисидан таажжубланмас, ўзи ҳам қўшилиб илжаярди. Опаси пишитилган лойдан узиб олар ва авайлаб хуштак ясади. Суюн эса унинг хуштак ясаётган кўлидан кўзини узмай турар, кейин, ўзи ҳам унга таклид киларди. Опаси гоҳ-гоҳида унга «лойни яхширок пишиит», деб ўргатарди. Опасига бу хунарни ким ўргатганлигини Суюн билмайди. «Балки ўлиб кетган онаси ўргатгандир», деб ўйлади у. Лекин, опасидан сўрамайди. Агар Шарофат онасини эсласа, катта-катта кўзларида ёш пайдо бўлади. Суюн эса бундай бўлишини истамайди. Шарофатга ким ўргатган бўлмасин, у хуштакни чиройли, ихчам қилиб ясайди. Лекин Суюн опасичалик ясай олмайди. Опа-ука тоғларга туташган осмон чети кизарганида, сигирни ҳайдаб йўлга тушишади. Аммо, улар бирга юришмайди. Суюн олдинда кетади, опаси эса секин юради. У, айниқса, тутзорга яқинлашганда жуда оркада колиб кетади. Шарофат бир неча ҳафтадан бўён шунака бўлиб колди. Илгари бунака одати йўқ эди. Суюн ҳам унинг секин юргани учун кутгиси келмайди, сой ёқалаб сигирни ҳайдаб кетаверади.

Кунларнинг бирида опаси йўқолиб қолди. У ўша тутзорга кириб кетганди. Бола, опаси келавермагач, кутмай уйга қайтди. У жуда кўрқди. Опасини «бўри еб кетган», деб ўйлади. Кейин билса, у узокка кетиб қолибди. Айтишларича, опаси анови оқариб кўринаётган тоғлардан нарида жойлашган шаҳарда яшар эмиш. Буни опасининг дугонаси Назокатдан биллиб олди. Суюн аввал онасидан сўраганида:

— Ер ютган опангни, — деди у афтини буриштириб. Шундан кейин Суюн онасидан Шарофат ҳакида бошқа сўрамади. Шарофат эндигина мактабни битирганди. Уни кишлоқдаги узун бўйли Шерали чўпонга

беришмоқчи эди. Шарофат эса бошқаси билан қочиб кетибди.

– Қочгани яхши бўлди, – деб ўйлади Суюн ўзича. – Онамнинг карғишиларидан қутулди. Факат, нега йигит билан кетади? Ўзи кетса бўлмайдими?

Суюн опасининг кейинрок кетишини истарди. Ахир, у ҳали икки ўркачли хуштак ясашни билмайди-да, опаси унга ўргатарди. Ҳечкиси йўқ: у мактабда ўқиш бошланганига қадар, опасининг уйига бориб келади. Опасиникига бориш уччалик қийин эмас. Қишлоқдан кунига бир марта автобус жўнайди. Автобус жуда чиройли, ранги кўк. Факат ойнаси сал дарз кетган. Умуман, автобуснинг юмшок ўринидилари, рули, қизил чироқчаси Суюнга жуда ёқади. Лекин, бақалок шофёр баджаҳлроқ, автобусни томоша қилгани ҳам кўймайди. Илгариги шофёр яхши эди. Бундан ташқари, бу шофёр автобус юрмасданоқ, каттаю кичик – ҳаммадан пул сўрайди. Суюнда ҳали пул йўқ. Энди бўлади. Суюн сўраса отаси ҳам беради-ю, аммо унинг кўзларидан норозилиги билинади. У отасидан сўрамайди, ўзи топган пулга шаҳарга боради. Шунинг учун тинмай хуштак ясайди. Ўртоқлари Суюн ясаган хуштакларни жуда яхши кўришади. Суюн уларга арzonга беради. У ясаган хуштакларни болалар чалиб юришгандаридан тоғ даралари узоқ акс садо беради. Унга ҳатто сой ортидаги боғларда сайраётган зоғча, чумчуклар ҳам жўр бўлишади.

Якинда қишлоққа латтафурӯш киши келди. Унда ҳам хуштаклар бор экан. Аммо, латтафурӯш хуштакларини анча кимматта сотди. Суюн эса бундай қилмайди. Олдига келган болаларга «берганингни бер», дейди ва кулокларигача кизариб кетади. Хуштаклардан кўпроқ ясаса, пули йўқ кичкинтолайларга ҳам улашади. Бир марта Суюн сой йўлида болалар берган пулни олаётганида, от минган отаси ўтиб қолди. У болалар олдида индамади-ю, кечқурун уйда роса бақириб берди:

– Ниманг етмаяпти, аҳмок! Нонми, овқатми? Ёки кийимсиз колдингми? – деди у хуноби ошиб. – Одамлар нима дейди?

Кейин, у Суюннинг онасига дўк урди. Унинг тарбияси бузилганлиги ҳакида гапирди. Суюн ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрди. У отаси айтганчалик қилаётгани йўқ. Унга факат йўлкира ва опасига битта атири олишга етадиган пул тўпланса бўлди. Бошқа сотмайди, болаларга текинга бераверади.

Опаси атири жуда-жуда яхши кўрарди. У ҳатто бўш атири шишаларини ҳам йиғиб юрар, ахир атири кўп эмас эди-да. Бор-йўғи биттагина бўлиб, уни ҳам онаси бекитиб кўяр, «пардоз килгунча, иш кил», деб Шарофатга бакиради. Опаси жуда мулойим ва гапга кулок соладиган киз эди. Кир ювишдан тортиб, ўтин ёришгача Шарофатнинг бўйнида эди. Суюннинг гоҳида раҳми келиб, ёрдам бергиси келарди-ю, бирок кучи етмасди. Иш кўп бўлса ҳам, опаси хуштак ясашга вакт топар ва Суюнга гоҳ туясимон, гоҳ күшсимон нафис хуштаклар ясаб берарди. Суюн ҳали хуштакларни опасичалик келишириб ясай олмайди.

Опаси кеттганидан бўён у тепаликка келиб, тинмай хуштак ясар, кўп ясаганидан кўли анча келишиб колганди. Энди Суюн ҳам опасига энг яхши хуштаклар ясаб, олиб боради. Опаси уларни кўриб койил қолади. «Мунча чиройли, мендан ҳам яхши килибсан», дейди у. Кейин, узук таккан кўли билан Суюннинг пешонасига тушиб турган соchlарини силаб, эркалайди.

Суюн шундай хаёллар билан қадрдон қизғиш тепаликка келиб, одатдагидек лой пишитишга киришади. Унга қўшнининг ўғли Каримча ҳам эргашиб келар, хуштак ясашни ўрганарди...

Ёз ўтиб борарди, кишлокқа салкин тушган, август шамоли тоғлардан ёмғир ҳиди олиб келарди. Тоғ осмонида юлдузлар камайиб, тунлар куюклашиб колди. Суюн кеч окшомларнинг бирида Назокатларникига борди. Ундан Шарофатнинг яшаб турган жойини билib олди. Районга тушилса, бозор ёнидаги кўк эшик опасиники экан. Эртасига у автобусда ўзи учун сирли бўлган йироққа – районга кетди. Шофёр унинг пули борлиги учун индамади. Суюн ўзига нотаниш, аммо

танишдек бўлган тўлкинсизмон тепаликларни, яйраб оқаётган сойларни томоша қилиб кетди. Тикилавериб, тикилавериб кўзлари толикди. У тушган автобус тушга яқин район марказига етиб келди. У йўл-йўлакай ойнабанд дўконларнинг бирига кириб, арzonрок атир сотиб олди. Энг чиройлиси киммат экан, пули етмади. У атирни опасига атаб олган хуштаклар солинган түгунчага солиб, шоша-пиша бозор йўлидан нари кетди. Нихоят, ўша Назокат айтган кўк эшикни топди. Бола эшикни секин итариб кўрди, очик экан. У торгина ҳовлининг чеккасида опасини кўриб қолди. Шарофат кран ёнида чўнқайиб, кир чаярди.

– Опа, – чакирди Суюн.

Шарофат энтикиб, уни қучоғига олди. У Суюнни яхши кўрса-да, нимагадир шу пайтгача ўпмаган эди. Ҳозир эса юрагида оналик ҳисси уйғонганиданми, уни бағрига босиб ўпди. Кўзларида ўз-ўзидан ёш пайдо бўлди. Суюнга сездирмаслик учун «мен... ҳозир», деб кран томонга юрди. Кўлини ювиб, укасини уйга бошлаб кирди. Уни шинам хонадаги эскирок диванга ўтқизиб, отасини, ўгай онаси ва қўни-қўшниларнинг аҳволини сўради. Укаси индамай, кулиб, уялиб ерга карап, кувончдан кулоғига ҳеч гап кирмасди. Шарофат қишлоқни, отаси, дугоналари ва танишларини жуда соғинган эди. Аммо, укасини кўриши билан ҳаммасини кўргандек, билгандек бўлди.

Бола опасиникида бир неча кун юрди. Шарофатнинг эри Икромжон узок бир районга бир ҳафталик командировкага кетганди. Бу кунлар ичida Шарофат укасини кинога олиб борди, истироҳат боғида бўлишди. Суюннинг бутун эс-хуши ўзи олиб келган совғаларида эди. Опаси тугунчани бир очиб кўрди-да, айвон ичидаги шкафга солиб қўйди. Бола эса Шарофатнинг хуштакларни чалиб кўришини, ўша қадрдон тепаликда унга қараб кулгани каби кулишини истарди. Шарофат хушмуомала бўлса-да, ўйчан, ғамгин бўлиб қолганди. Чунки, унинг ёдига боланинг онаси тушар, кўз ўнгидагонига теккан кунлар жонланарди. Кулоғига ўгай

онасининг сўкишлари чалингандай, атир шишиасининг сингани эшитилгандай бўларди. Буларни эслатган нарса боланинг совфаси эди.

Бола опасининг юзи, кўзи, кўриниши ўзгармаган бўлса-да, бошқа нимасидир ўзгарганини сезиб, хайрон бўлди. Чунки, опаси биринчи кундагидек эркалатиб гапирмас, ниманидир эслаб, ковоғи солинарди.

Ўша куни Шарофат уйда институтга сиртдан кириш учун имтиҳонга тайёрланар, бола айвонда китоб вараклаб, суратларни томоша киларди. Суюн ахiri зерикиб, китобни шкаф тортмасига солиб кўймоқчи бўлди. У ерда ўзи келтирган хуштакларни кўрди. Ниманидир пайқаган каби хушёр тортди. «Опам мени яхши кўрмайди, – тўсатдан ўйлади у. – Яхши кўрганида хуштакларни чалиб кўрарди». У хуштакларни бирмабир олиб кўрди, аммо қайтиб жойига кўйди. У ҳозирок хуштакларини олиб қишлоққа кетгиси келди, аммо опасининг бир кунмас-бир кун чалиб кўришини истарди. У хўрсиниб, шиппагини кийди-да, кўчага чопиб чиқди. У опасининг «Суюнжон, каердасан», – деганини ҳам эшиitmади. Энди бола одамлар оқимиiga қўшилиб борар, унга олис-олисдан ҳуштакнинг тиник, ўйноки садоси эшитилгандай бўларди. Ҳуштаклар. У энди хуштак ясамайди, ҳеч қачон ясамайди. «Қизик, энди ким хуштак ясаркин?» – ўйлади бола. Ҳа, энди Каримча хуштак ясади, Суюн эса – йўқ.

Суюн тоғ тарафга, довонга қааркан, ботиб бораётган куёш унинг ёшланган кўзларига улкан сарик кокигулга ўхшаб кўринарди.

1971 йил.

ОШИҚТОШ ЁКИ АМЕРИКАЛИК ТОШБОЛТА ОШИҚ

(Менинг тош достонларим)

Нью-Йоркка келганимнинг эртасигаёк күёвимиз хамда кизим мени шаҳар айлантиrmокчи эканлигини айтишиди. Эндиgина отланиб турган эдик, дахлиздаги телефон жириングлаб қолди. Кизим ким биландир бир оз гаплашди-да, олдимга кайтиб «Зокир ака ... меҳмонни шаҳарга айлантиrmокчи бўлсангизлар, мен хам ҳамроҳ бўламан – деяпти», деди.

– Ие, Зокир тоғанинг бундай одатлари йўқ эди-ку, – деди күёвимиз. – Қаердан хабар топибдилар дарҳол...

– Тонгданоқ телефон қилган эдилар... Мен айтган эдим-у – деди кизим. – Борса, борсинлар. Бечора тоғангиз... анча сиқилиб қолганлар.

– Нимага сикиладилар? Ана, ватандошларимиз кўп, уларнинг олдиларига тез-тез қатнар эди-ку.

– Ҳозир уларнинг ҳам олдига бормай қўйганлар...

– Нимага, – ҳайрон бўлди күёв. – Ҳа, анови испанлар билан ош-катик бўлиб қолганларда...

– Ўша ўлгур испанларни деб ... тоғангиз янгамиз билан тез-тез жанжаллашадиган бўлганлар.

– Ким у испанлар, – дейман гапга қўшилиб.

– Тоғамиз коттежда кирага, ижарага турадилар. Турадиган уйнинг ярмида икки испан оиласи билан кўчиб келган. Уйнинг хийлагина томорқаси, ери бор. Бир томонда тоға пиёз, помидор, ул-бул нарса экканлар.

– Йўғ-е шундай катта шаҳарда-я, – деб ҳайрон бўлдим.

– Нариги томонида испанлар ҳеч нима экмаганлар. Баъзан улар ўша майдонда жой қилиб, шанба, яқшанба кунлари пивохўрлик киладилар тоға ҳам уларга шерик.

– Нима ҳам килсин, – дейди кизим, – зерикади-да.

– Ишласинлар, – дейди күёв.

– Жигаримда курт бор, ишлай олмайман, – дейди тоғангиз. Кейин, у киши ишласа, давлат нафака

бермайди. Ҳалиям мачитга бориб турадилар. У ёк-бу ёгини супуриб, вакт ўтказиб келадилар. Бир-икки доллар топиб турибдилар.

— Ана янгамиз... Тоғадан ўн хисса кўп доллар топади...

— Нима қилади янгамиз? — сўрайман күёвдан. Мен учун Америкадаги ҳамма гап қизикарли.

— Янгамиз нафака олади... Кейин. Аффондан келган ватандошларга тўй-ҳашамига неки лозим бўлса, барини пишириб берадилар. Қанд-курс, ҳалво, хуллас, Нью-Йорк бозорида йўқ нарсаларни пиширади. Баъзан уларнинг ёстик, кўрпаларини қавиб берадилар.

— Испанлар билан пиво ичиб, мачитга қандай борадилар, — дейман.

— Э, у киши намоз ўқимайдилар... Мачитга гохида коровуллик қилиб келади, холос. У кишининг тиззала-ри оғрийди... намозга эгилиб туриш керак.

— Ҳайронман, ватандошларнинг олдига борар эди. Биз шунча қистасак ҳам шаҳар томошасига сира бормас эди. Мана келганига ўн йил бўлди, биз билан томошага борган эмас.

— Бирор сабаби бордир, дейман.

— Тўғри, инглизчани унча билмайди, балки шунга кеч ёкка чикмас.

— Ҳозир, — деди қизим. — Тоғантиз испанлар билан инглизча гаплашавериб тузук бўлиб қолган. У киши ёнидаги супермаркетда бир аёл билан шундай гаплашиб кетдики. Қўяверинг...

— Йўғе, — ҳайрон қолди күёв — Шундокми?

Шу гап асносида Зокир aka ҳам келиб қолди. Зокир aka кўринишидан бақувват, хушкомат, калта соқол, бошига бўрк кийган, истараси иссиқ, кўзлари кулиб турадиган хушфөъл киши экан. Ёши олтмишларда деб ўйласам, етмишга яқинлашиб қолган тетик одам эди. Салом-алиқдан сўнг биргаллашиб, шаҳар айланиш режасини туздик. Қизим менинг тасвирий санъатга алокадорлигимни назарда тутиб, биринчи галда «Метрополитен» музейини режага киритди. Куёв эса ўзи савдо билан шуғулланганлиги учунми ёки Нью-

Йорк ифтихори бўлгани учунми, 108 қаватли бўлган осмонўпар уй – эгизак савдо марказини айтди. Зокир тога эса Озодлик ҳайкали ўрнатилган жой – Жанубий боғ манзилини айтганида, ҳамма лол қолди. «Анча қисинибсиз-да, озодликни истаб копсиз», – деб ҳазиллашдим мен.

– Оре, рост, – деди Зокир ака. – Бу ерда банди бўлиб, дилим озодликни истабди. Мужассамаи Озодини (Озодлик ҳайкали) кўрмок анчадан бери орзум эди.

Биз Озодлик ҳайкалини кўришга кетганимизда, қирғоқда одам гавжум, лиbosлари, рангу рўйларидан, тилларидан дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келганлиги шундок билиниб турарди. Ҳайкал қирғоқдан тахминан 6–7 чакирим, (инглизча майл дерканлар) нарида, денгиз ичидаги 6–7 гектарлик оролчада ўрнатилган экан. Яхтада сузиб бораяпмиз. Кўзим, беихтиёр оркамда ўтирган, кафтида бир ниманидир олиб разм солаётган Зокир акага тушди. Кўз киrimни сезиб, кўлини оркасига яширди, хеч нима билмагандек бўлиб, чор-атрофни томоша қила бошлади. Қизим билан куёвимиз ўзларича бир нималарни муҳокама килиб боришарди, мен эса ранг-баранг одамлар қуршовида хаёлга ботган эдим. Ушбу дамда негадир беихтиёр, мактабда бешинчи синфга ўтганимда биринчи бўлиб, адабиёт дарслигидан М.Горъкийнинг «Сарик иблис шахри» ҳикоясини илк марта ўқиганлигимни эслардим. Бошига гулчамбарми, нимадир такқан тимсолни журнал-газеталарда кўп бора кўрганман. Ҳайкал менда жуда ноxуш таассуротлар уйғотган, бу ернинг манзаралари ҳам назаримда ғоят гарид бўлиши керак эди. Бу ёзувчи ҳикояси таъсирида шаклланган тушунча эканлигини энди сезаётган эдим. Аммо, теварак-атроф жозибали, сув, уfk ниҳоятда гўзал, осмон ҳам шишадек тиник эди. Оролчага келиб тушганимизда, бу ернинг чимзору гулзорини, дов-дараҳтларнинг кўркамлигини, майдоннинг чиннидек тоза, фусункорлигини кўриб, тасаввурим бузилиб кетганигидан кувондим. Оркаолдимга карайман: ҳайкални кўриш учун келаётган

сайёҳларнинг изи узилмайди. Бу ерда оролчанинг барча гўшаларини обдон сайдир килдик, бас дегунча суратга тушдик. Зокир ака эса суратга тушишдан ҳам кўра, покистонликми, ҳиндистонликми, шу томонларнинг кишилари билан сухбат қуради. Улардан урдуча ёки форсчалаб гап сўрайди. Ора-орада унинг баъзан фақат оқ юзли, оқбадан хонимлар билан ҳам сухбат килаётганлиги кўзга ташланиб қолади. Бу ҳол оролдан кайтиб, «Метрополитен» музейига кирганимизда ҳам давом этди. Музей таърифлаганларича бор экан: заллари ниҳоятда катта, экспонатларга бойлигидан нимани қўриб колишга шошилишимизни ҳам билмай қолдик. Уларнинг барини бир бошдан қўришга вакт етмайди. Шу боис, аввалига таваккал, кейин ўзимизни кизиктирган залларга кира бошладик.

Мана, Қадимий Миср, Қадимий Хитой, Инк маданиятига оид ёдгорликлар. Куёвимиз билан қизимиз кўпроқ Шарқ, хусусан Эрон, Афғонистон, Покистонга оид гиламларни мирикиб томоша қилишарди. Куёвнинг отаси бир пайтлар – Афғонистонда яшаган пайтлари Европага қўлда тўкилган гиламлар сотиш билан шуғулланганлиги эсимга тушди. Раҳматли қудамиз бундай гиламларнинг неча хил-у, арқоғи пати, қаерда, качон тўкилгани – барини миридан-сиригача билар эди. Бу хислатдан озроқ қуёвга ҳам ўтган шекилли, экспонат олдида туриб, ҳар замонда афғонистонлик ўзбекларга хос шевада «хўб зебо... чиройли» деб кўярди. Зокир ака эса боя айтганимдек, дам нозу ишваларга бой, бир оз яланғоч тарзда чизилган оқбадан аёллар суратларини томоша қилас, гоҳ залларда ҳар қадамда кўйилган ўриндикларга ўтириб, дам олар, оёқ оғриганидан шикоят қилиб, ёнбош ташлар, атрофдаги хатти-ҳаракатларга разм соларди. Баъзида у кафтида бир нимани олиб, қайта-қайта разм солаётганлигини қўриб қолардим. Айниқса, унинг атрофида факат гўзал, оқбадан хонимлар ўтириб қолса, уларга караб кўйиб, кейин кафтига тикилар эди. Мен эса унинг бу туришини қўриб, Пўлат ҳожи деган ҳамқишлоғимизни

эсладим. Пўлат ҳожи деганлари бундан қирқ йил аввал, биз мактабда ўқиган пайтлардаёқ, 70 дан ошган бўлиб, сой бўйида ёлғиз яшар эди. Бўйи баланд, бакувват, кўзлари катта-катта, серсоқол, худди шу Зокир акага ўхшаб кетар эди. Айниқса, ҳозирги ҳолатида. Пўлат ҳожи қишлоғимизнинг Сарбозор деган гавжум жой, бекатида кун бўйи ўтириб, ўтган-кетган хотин-қизларни томоша қиласр эди. У ҳақида айрим тили ботир аёлларнинг гурунгларда айтган гаплари ҳам эсимда колган: «Мовлаган бу қарид-қуйилмаган. Ўладими бирор бевага уйланса», «Ким тегарди унга энди», «Хотини бекорга қочиб кетмагандир» каби гапларни қилишарди. Хуллас, чол эркакларнинг орасида обрўйи баланд бўлса ҳам (чунки у арз қилавериб, автоқатновни йўлга кўйдирган, мактаб биносини, янги дўконни қурдирган дейишарди), хотин-халаж унинг мана шундай томошини маҳаллада ҳам муҳокама қилдиришган дейишади.

Пўлат ҳожининг овози гуриллаган, худди сухандон Левитанинг овозидай салобатли эди. Эсимда бор, қишлоқ клубига вилоят марказидан бир гурух артистлар келишган. Улар орасида Пўлат ҳожининг ҳам Йўлдош деган ўғли бор экан. У, ваъзхон-нотиклиги билан вилоятда машхур эди. Йўлдош ака саҳнага чишиб, А.Навоий монологини ўқиётган эди. Шу пайт клуб залининг энг охиридаги ўриндиқда ўтирган бованинг овози гулдираб, ҳайкириб ўрнидан турди: ўғлим, билганларинг шуми?

Ўғли ҳолатни бузмаслик учун сассиз бош қимирлатди.

– Бу гапларни қишлоқнинг ўн яшар боласи ҳам билади-ку. Бошка гап билмасанг, одамларнинг вактини олма. Яхшиси, артисткаларинг ўйнаб, қўшик айтсин, концерт берсин, – деди бова.

Чолнинг ўғли мулзам бўлиб, саҳнадан тезда тушиб кетди.

Шу-шу, бу воқеа туфайли чолнинг обрўйи янада ошиб кетди. Мен Зокир аканинг юзида ўша бованинг шавкини кўриб турардим.

Музейдаги экспонатларни томоша қилиш билан чекланмадик, мен күпрок бир пайтлар К.Беҳзод асарларидан илҳомланиб асарлар яратган Анри Матисс, Ван Гог асарлари, айникса, Гаити ва Полинезия оролларида умрини ўтказган Поль Гогеннинг «Гаитилик нок кўтарган аёллар» картинаси олдида суратга тушганимда, Зокир ака ҳам чопиб келиб ёнимда турди. Картинада Гаити оролида бадани ярим очик юрадиган, қуёшда тобланган шоколад рангли киз-жувонларнинг серхосил боғда таманно билан туришган ҳолатлари тасвир этилган эди.

Зокир ака кун бўйи энди негадир факат шу корамтири гаитилик жувонлар тасвирларига ишқи тушиб, асарнинг атрофидан узок кетмади. «Нима бало, осиёлик бугдойранг аёллардан кўнгли қолганми, аввалига оврўпалик хонимларнинг, энди мана бу орол кизларининг суратларига мафтун бўлди. Санъат асарига шайдо бўлиш, бу бошқа гап. Зокир акага бу аёллар санъат тимсоли сифатида эмас, жисмоний лаззат берадиган париваш сифатида кўринаётгани шундоққина маълум эди. Айникса, окбаданли, окюзли, оқ танлиларга эътибори катта эдиким, бу ўша куни очик-ойдин сезилиб турди.

Ўша кунги сайри томошамиз Нью-Йоркнинг Марказий истироҳат боғида давом этди.

Бу боғ шаҳарнинг қоқ марказида эллик-олтмиш гектарни эгаллаган-у, чаманзору гулзорлар, боғлар, ям-яшил тепаликлар, нимсарик бўлиб ётган кўл-ховузлар, табиий сайхонлик, кум сепилган йўлаклар, турли очик спорт майдонларидан иборат эди. Яшил тепаликларда тўшамаларини тагларига солиб, апрель офтобида тобланиб ётган турли хил ёшдаги дам олувчилар бисёр эди. Улар орасида хонимлар кўп эди. «Бугун якшанба, шу боис кўпчилик бу ерга келади», изоҳ берди куёвимиз.

Боғ бўйлаб чопаётганлар, ўрта асрга хос қадимиј отраваларда, сайр қилаётганлар қулогига плейер симини кистириб, яшил ўтлоқда раксга тушаётганлар, кўлда қайикларда сузаётганлар манзараси жуда ёқимли эди.

Биз ҳам ўтлоқдаги ўриндикларда дам олиб ўтиридик. Зокир ака биздан баъзида ярим соат вакт сўраб, боғни ўзи айланиб келар, уни ҳожатхонага бораётган бўлса керак деб ўйлар эдик. Аммо, мен куёвим ва қизим бирор жойда тўхтаб, фирма ишлари хакида ниманидир йўл-йўлакай муҳокама килишиб ўтирганларида, мен ҳам атрофни айланиб келардим. Шундай ташрифларимдан бирида чаманзор ёнида Зокир аканинг қаддукомати жуда гўзал хонимлар атрофида гирдикапалак бўлиб турганлигини кўриб қолдим. Аммо, мендан уялмасин деган мақсадда бошқа томонга бурилиб кетар эдим. Зокир ака аёллардан бирпас узоклашарди-да, кафтидаги бир нарсага қараб олар эди. Бу мени жуда кизиктириб қолди.

Дунё савдо маркази ёки осмонўпар эгизак биноларга келганимизда, Зокир акадаги бу ҳолатни янада якинрок кузатишга имкон туғилди. Бинонинг бир юз саккизинчи қавати тепасидан чор-атрофга боқдик, эрталаб кўрганимиз – эллик метрли Озодлик ҳайкали ва оролчаси бу ердан чумолидек кўринади. Бир томондан Филадельфия шахри, яна аллақайси жойлар кўл кафтидек кўриниб турарди.

– Афғонистон қайси томонда, – деб сўради Зокир ака қуёшга тескари турган ҳолда.

– Офтоб чикиб турган томонда, – деди куёвимиз. – Ҳа, Афғонни, Мазорни (Мозори шарифни демокчи) соғиндингизми?

У кейин менга юзланди:

– Афғонистон уруш деб ғариб бўлди, мардуми барбод бўлди. Одамлар ваҳший, хаёти кўп ночор бўлди.

Зокир ака биздан сал нарида турган аёлларга кўз ташлаб, кафтини яна очиб турганида, мен тепадан – зинапоядан тушаётуб бу манзарани кўриб қолдим. Зокир аканинг кафтида учбурчак шаклидаги ёзувлар битилган тухумдек келадиган тош ётарди. Мен ундан бу нима эканлигини сўрашга журъат этмадим.

Биз атроф-теваракни томоша килиб, зинапоя оркали, бир юз иккинчи қаватга тушдик. Бу ерда ям-яшил дарахт енгил шамолда (номини билмадим) шовиллаб

ётар, атрофида қахвахона ишлаб турарди. Биз бу ернинг таомилига кўра, стол атрофида ўтириб, қахва ичдик, суратга тушдик. Қахва кўчада бир доллар бўлса, бу ерда тўрт-беш доллар экан. Бу ерда, савдо маркази биносида пул ундириш йўлини билишади. Худди шу ерда Зокир ака нимагадир хомуш бўлиб қолди. Мен ундан гап сўрамокчи эдим, негадир ботинмадим. Куёвим ва қизим ўзларининг ишлари бўйича қизғин сұхбат килишарди. Ўша куни Тринти Чёрч черкови яқинида жойлашган, йигирманчи аср бошларида қурилган Бухоро гилам дўконини кўриб, негадир ҳаяжонланиб кетдим. Ватанни эслатадиган ҳар бир нарса хорижда нақадар азиз эканлигини шунда англадим. Ҳолбуки, дўконда Бухоро гиламларидан асар ҳам йўқ, яхудийлар Эронми, қайси бир ерлардан гилам келтиришиб, савдо килишаркан. Аммо, барибир, биргина шу номнинг ўзидан ҳам фахр туйғусини ҳис қилдим.

Саёҳат кечга яқин тугаб, Манҳэттенга – куёвнинг оғиси – унинг тили билан айтганда, дафтариға қайтдик. Куёвнинг дафтари тўрт қаватли бинода жойлашган. Биринчи ва иккинчи қаватида турли хил дўконлар бор. Зокир ака иккаламиз мана шу бинога етганда, ҳовлидаги ўриндикка ўтиридик. Қизим ва куёвимиз ўз ишларини битирганига қадар, бизни ҳоли кўйишди. Зокир ака менга маънодор тикилар экан, секин гап бошлади.

– Кўлимдаги тошни кўриб кўп ҳайрон ўтирибсизми?

– Ҳа, – дедим очигини айтиб. – Кун бўйи шу тош кўлингиздан тушмади. Нима ўзи бу, нима каромати бор экан унинг?

– Ўтган кеча шу ердаги тижоратчи ватандошлар олдига борган эдим. Асли қаршилик бир оғайним – Самирнинг олдида ўтиргандим. Ҳов, анови келаётган Самир, шу ерда ишлайди...

Самир биз билан кучоқ очиб кўришди. Мен унинг Афғонистонда туғилиб ўсганини, бу ерга ўн йил муқаддам келиб колганлигини, санъат асарлари билан савдо қиладиган дўконларда хизмат килишини билиб

олдим. Шу пайт хаёлимга лоп этиб, Америкага – Нью-Йоркка күчиб келган бир таниш рассом-кандалкор тушиб колди.

– Омон Азиз деганими? Танийман, – деди Самир саволимга жавобан. – Аслан бизнинг ҳамشاҳар, Қаршидан. Кўп доно одам. Кўп ғазалларни ёддан айтадилар. А.Навоий, Умар Ҳайём...

Мен унинг яна ниманидир айтмокчи эканлигини сездим.

– Қаерда туради ўзи?

– Сўраманг, ака. У киши кўп шаробхўр, виска ичадилар, чекадилар, бир жойда муқим турмайдилар. Шўровий ўрус аёллардан ошнолари кўп. Улар Омон акани кўп алдашади. Аммо хунари хўб баланд.

– Тез-тез у билан кўришиб турасизми?

– Йўқ. У кишини бир турк кўп ишларини сотиб оламан деб олиб кетиб, изсиз йўқолган. Ӯшанда, мендан 500 доллар карз олиб кетган эди, шундан бери кўрганим йўқ.

– Инглизчаси қандай?

– Ҳамма бало шундан. У киши ёши ўтиб Америка-га келдилар-да. Тилини тузук билмагани учун кўп алданадилар. Бунинг устига ёлғиз, сўққабош. Тошкентда бола-чақаси қолиб кетган эмиш.

– Самир, – дейди Зокир ака, – анови, рўзнома сотиб юрадиган паштум бола бугун келадими? У қаердан келади бу ерга?

– Нима эди? – Самир бир дам ҳушёр тортади. – Ишқилиб, бирор нарсага тушириб кетмадими у. Алдам-калдам корлари кўп унинг.

Зокир ака «йўқ» дегандай бош қимирлатди. Самир «узр» дегандай таъзим килиб, қаергадир чопиб кетди. Зокир ака унинг ортидан ғалати караб қолди.

– Ҳа, нима бўлди, – дейман Зокир акага.

Маълум бўлишича, ўша афғонистонлик паштум бола Зокир акага бир куф-суф килинган туморча, сехрли «ошиқтош» берган экан. Бу тошнинг хосияти шундай экан – мабодо учраб қолган бирор аёлнинг Зокир акага кўнгли кетган бўлса, тош кизиб, эгасининг

кафтини қизитар эмиш. «Берингчи, бир кўрай», – дейман соддадил Зокир акага қараб.

Зокир ака киссасидан тошни чикариб, менга узатди. Тош думалоқ бўлиб, унга силликлаб ишлов берилган, сиртига қандайдир турли шакллар чизилган. Аммо, оддий тош, яъни сой тошларидан.

- Қанчага олган эдингиз?
- 50 долларга, – дейди Зокир ака.
- Хўш, натижаси қандай бўлди, – дейман ундан.
- У киши кўлинин силтаб, бошини сарак-сарак килди.
- Факат жиянимга ошкор килманг энди бу сирни, – деди у кулиб.

Зокир аканинг одамга содда, болаларча меҳр билан қараб туриши шу дамда машхур Тошболта ошиқ ролини ижро этган таникли актёrimiz Сойиб Хўжаевни эслатди.

– Тошкентда Муқимий деган бир театрда «Тошболта ошиқ» деган томоша бўлган эди. Томошадаги Тошболта ошиқка ўхшайсиз. Аммо у кишининг гаплари зўр. У киши аёлига «пари, Рисолат пари» деб мулозамат қиладилар. Сиз ҳам янгани «Пари» деб чакириб кўринг-чи, нима бўларкин, – дедим унинг хотини билан ноахиллигига ишора қилиб.

– Э, қўйинг, пари десам аччиғи чиқади устимдан кулманг дейди-да, балки... – Зокир ака ўйланиб колди. – Балки... Фаришта, десам тузукдир. Бизда, Афғонда фаришта номи кўп. Аммо, даб-дурустдан бундай десам ҳам, ғаши келади. Айтишга фатво топиш керак.

Зокир ака мунғайиб менга қарайди.

– Ҳийлайи шаръий топиш керак-да, – дейман – тушимда кўрдим, дейсиз.

– Бўлди, бўлди. Тушимда уни менга никоҳлаб беришади, аммо номини Фаришта деб айтиш буюрилади. Энди номинг шундай, дейман.

– Ана, олам гулистон, – дедим.

Эртаси куни Зокир ака бизни меҳмондорчиликка чакирди. Қарасам, ишлар бошқача: янга билан муомаласида оғзидан бол томаяпти.

— Фаришта, фаришта, — дейди ҳар гапида. Аёл ҳам гул-гул очилган, денг. Жуда зебо бўлмаса ҳам, истара-си иссик. Мехмонга келишган барча қариндошлар ҳам лол-ҳайрон, ҳам хурсанд.

Мен меҳмондорчилик охирида (бу ерда нутқ ирод килиш урф бўлмаса ҳам) олдимдаги сув қуилган қадаҳимни олиб сўз айтдим.

— Биродарлар, азизлар! Бу ерда сизлар билан юз кўришганимиздан Аллоҳ таолодан минг бора хурсандман. Тошкентдаги бир театрда «Тошболта ошик» деган томоша қўйиларди, — деб уларга шу спектакл мазмуни-ни қисқача айтдим.

— Ана шу Тошболта ошик билан Рисолат парининг бир-бирига меҳру муҳаббати ҳаммамизга юқсин. Жумладан, Зокир ака-ю Фаришта янгага ҳам. Қани, олинглар, — деб қадаҳ кўтартмокчи эдим, бу ерда мусулмон ўзбекларнинг овқат ўртасида сув ичиши таомил экани, улар сувларини аллақачон ичиб бўлишганини кўриб, тўхтаб колдим.

— Қани, шу дуога кўл кўтаринглар, — дедилар бир онахон. Ҳамма «комин» деб ўрнидан турди.

— Тошболта опик акага салом айтинг, — деди Зокир ака.

Фаришта янгамиз ҳам бу киши-ю оиласига дуойи салом йўлладилар.

Мен уларга бу ролларни ижро этган Сойиб Хўжаев ва Рисолат пари бу оламни тарқ этганликларини айтмаган эдим. Уларнинг ҳафсалаларини пир килиб нима киламан. Ахир уларнинг одамларга колдириб кетган меҳру муҳаббатлари ҳали-хануз ёдимизда яшаб турибди-ку.

ОЙТОШ

Уйғонганимда, хона ним коронғи, ҳавоси мўътадил бўлишига карамай, жикқа терга ботиб кетган эдим (балки, устимга ёпилган чойшабнинг синтетикалиги, ҳаво ўтказмаслиги боисми ёки ола-чалпок туш кўрганлигим, тушимда мени кора бир одам қўлида пиchoқ билан кувлаганлиги учунми, билмадим), кулоғим

тагида сирена тинимсиз чийилларди. Уч дақиқалардан сўнг тинчи迪-ю, энди негадир хонанинг меҳмонхона ҳовлисига караган баланд деразаси томонидан шитир-шитир товуш келарди. Кулокни динг килиб, ярим яланғоч ҳолда дераза томон юрдим. Щундок дераза ортида, иккинчи қаватнинг бурчак айвонига кимдир пастдан тирмашиб чикқан, коронғиликда қўлида фонар билан ниманидир кидирап эди. Беихтиёр орқага тисландим. Энди миям яшин тезлигида ишлай бошлади. Ҳали ётишдан аввал, хонада телевизор кўриб ўтирганимда, камоқдан кочган бир одам ҳакида бадиий фильм берилаётган эди, аммо инглиз тилида бўлганлиги сабаб, кўп нарсани англай олмаган эдим. Факат шуниси аник эдики, бир одам Америка турмаларининг биридан кочган... Ва ўшандай одамлардан бири мана.. деразам ортида... яшириниб юрибди. Аммо, фонар унга нима учун керак? Балки, у полициячидир. Бошида қандайдир қалпоғи борга ўхшайди. Энди мен... дераза томон бошқа қайтиб боришга журъат кила олмадим. Хона ўртасида туриб, атрофга алангладим. Нима қилиш кераклигини ўйлардим. Қочоқ ёки жиноятчи ҳозир бемалол дераза орқали хонага кира олади! Ундан ўзимни химоя қила олишим керак. Нима билан? Пайт пойлаб туриш мавриди эмасди: тезрок ҳаракат килиш лозим. Чор атрофга эмаклаб, гоҳ эхтиёткорлик билан хона ичидан у ёкбу ёкка юриб, бирор-бир калтакка ўхшаш бирор нарса кидира бошладим. Зарба бериш учун ҳеч вақо йўқ эди: на хонада, на ваннада, на дахлизда. Ҳеч бўлмаса, пол ювадиган дастчўп ё бўлмаса чўлток супурги бўлса ҳам гўрга эди!.. Ёки бизнинг баъзи меҳмонхоналарда бўладиган обдастами. Ҳаммаёқ сип-силлиқ. Жиноятчida тўппончами, ёки бошқа курол борлиги аник, бўлмаса юраги дов бериб, бу ёкка кўтарилемас эди. Бу ерларда одамларни гаровга олиб, эвазига пул сўраш ёки озодлик талаб килиш расм, буни кинофильмларда кўп кўриб, матбуотда кўп ўқиганмиз. Хуллас, энди бир йўл – бу ҳам бўлса, хонани эс-хуш борида тарк этиш эди. Аммо, бу ердан шарпасиз-сассиз чиқиб кетишнинг ўзи бўладими – ҳеч бўлмаганда, паспортимни,

самолётга олинган қайтиш чиптаси, ҳамён дегандай... Э, Америкасидан ўргилдим... Тахликали дамлар ҳамон юракка ғулгула соларди. Хонанинг қок ўртасидан энгашиб, эмаклаб кийим жавонидан куртка, кийим-бошни олдим. Ва... яшин тезлигида кийиндим, пул чүнтакда, аммо паспорт, чипта сабил дераза ёнидаги ёзув столида зди. Яна тиззалаб, стол ёнига келдим-у, паспорт, чиптани олиб оркага қайтдим. Ҳеч нима эсдан чиқмадими, деган фикрда стол устига назар солдим. Деразадан кўриниб турган ой шуъласиданми ёки кўча чироқлари боисми, ёргулик стол устидаги худди шу менга зарур бўлган жойга тушмокда зди. Ним коронгида бўлса ҳам, «Народное образование США» деган журнал қолиб кетибди. Бу қанақаси бўлди, шунча йил, роппа-роса ўттиз йил асраб келганман бу журнални. Келиб-келиб энди ташлаб кетаманми? Тарас Бульба тамаки чекадиган трубкасини душманга ташлаб кетмаганидай, мен ҳам бу оддий бир журнални ташлаб кетишга кўзим киймади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, буни кейин сизга батафсил айтиб бераман. Ҳозирча эса... қочиб колиш тафсилотини эшишиб туринг-э.

Мен журнални олиш учун стол ёнига эмаклаб қайтиб бордим. Аммо, олаётганимда, бир нимага тўкнашиб кетдим. Бу менинг ўтган кеча Тошкентда, Марказий универмагдан харид қилган жомадоним зди. Жомадондан конъяк хиди анқирди. Унинг ичидаги кийимлар ва бошка нарсаларнинг бари олиниб, курук ўзини шамоллатиш учун очиб қўйилган зди. Гап шундаки, баъзи танишларимнинг маслаҳати билан Тошкентда жомадонга иккита «Самарканд» конъяги ва иккита Тошкент минерал суви солинган зди. Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди Ҳалқаро аэропортига тушганимиздан сўнг, кўрик-текширув пайтида мени бир полициячи офицер чақириб қолди. «Оббо, худо урди, ниманидир нотўғри қилганга ўхшайман,» – деб чўчиброк бордим. Офицер жомадонимни очиши билан чор-атрофга конъяк хиди таралиб кетди. Офицер бошини сарак-сарак килиб, «аффус» дегандай кулиб, синган конъякларни кўрсатди. Ичимда Тошкентда мени кузатиб қўйганда, шу конъяк-

ларни жомадонга қўйдирган янги танишим – вьетнамлик Наони ичимда койиган бўламан. «Начора, – дейман офицерга. – Энди бунинг ўрнига бу ерда Америка «жин»нисиними, ишқилиб бирор нарса ичармиз». У гўё ўзбекчани тушунгандай, «гуд, гуд» деб қўярди. Дунёнинг ишларини карангки, шу икки конъяк шиша-лар синмапти. Э, тавба дейсан-да.

Жомадон-ку расво бўлгани бўлган, аммо журнал ҳам конъяқдан роса мириқсан экан, ҳали ҳам, ундан хид анкир эди. Журнални кўлтиғимга қистириб, бу гал тик турганча орқага қайта бошладим. Дераза ортидан энди бир эмас, бир неча кишилар қават бурчагидаги нарвондан кўтарилишиб, фонар билан атрофларни ёритиб, ниманидир ёки кимнидир кидиришар эди. «Полициячилар, – деб ўйладим, – ўша кочок жиноятчини кидиришаётир, шекилли».

Мен энди чаккон-чаккон ҳаракатга тушдим. Журнални куртка ичига тиқиб, туфлимни кийиб, эшикни очдим-у, йўлакка отилдим. Қават навбатчиси йўқ, лифтни ҳам кутмадим. Йўлакда ҳамон, аммо энди кучли сирена товуши эштиларди. Учинчи қаватдаги зинапоя оркали кўчага чикканимда, ташкари чарофон, меҳмонхона олдини тумонат одам босган эди. Меҳмонхонада истикомат киладиган барча меҳмонлар кўчага чиккан, мен ғафлат босиб хонада колиб кетганингимни энди сездим. Табиийки, бу ердан, оломон ичидан ҳамроҳим Хуршид Давронни излай бошладим.

Қизик, шу олатасир, тумонат одам, икки юз-уч юз киши орасидан уни жуда тез топдим. Ўзбекистонлик одам, билмайман, нимаси биландир, дархол кўзга ташланар экан, кўринишими, шарпа-соясими, билмайман. Хуршид қандайдир ажнабийлар билан гаплашиб турган экан. Гап-сўзларидан уларнинг эронлик эканлиги билинди. Хуршид самарқандлик, тоҷикча-форсчани эплаб гапира олади.

– «Нима гап ўзи», – дейман Хуршидга. Хуршид эронликлардан сўраб-суриштириб билганларини менга гапириб берди. Эсингизда борми, меҳмонхонага жой-

лашаётган пайтимизда, тўлдирадиган қоғозимизда, чекасизми йўкми, деган банди бор эди. Ўша жойига икки армани мижоз чекмаймиз деб ёзишган-у, кейин қаватга чиқиб ўз номерларида кайф устида чекишган. Чекмайдиганлар блокига жойлашганлари учун бу ерда тутун ҳидидан ёнғин сигнали ишлаб кетган. Мехмонхонада ёнғин бўляяпти деб, барча уйғотилиб, мижозларга вактинча кўчага чикиб туришлари таклиф қилинган.

Биз бу гапни ҳали муҳокама қилиб улгурганимиз йўқ эдики, тўладан келган корамтири бир киши ёнимизга келиб, якинимизда турган меҳмонхона маъмурияти вакили билан баланд товушда, шовкин солиб гаплаша кетди. Хуршид яна эронликлардан гап сўраб олди. Маълум бўлишича, шу кеча эронлик нефтчи бойлардан бири меҳмонхонанинг люкс-ресторанида ўз меҳмонларига зиёфат берадиган экан.

– Зиёфатга қўшиқчи Гугуш ҳам борган экан, – деди Хуршид. – Ҳали шу ерда юрган эди.

Менинг ҳам бу аёлга кўзим тушгандай бўлган эди, уни танимасликнинг сира иложи йўқ эди. Ўз пайтида – ўтган асрнинг 80 йилларида уни эшитиш роса расм бўлган, суратини ҳатто ўзим ишлаган «Санъат» журналида ҳам эълон қилган эдик. Эрон ислом республикаси бўлгач, Ҳумайнин даврида қўшиқчини хорижга кетган деб эшиятган эдик.

Хуллас, эронлик бой, менинг меҳмонларим тинчи ни бузгандаринг учун товон тўлайсан деб маъмурият вакили билан даҳанаки жанг қилар эди.

– Нима бало, ичдингизми, – деб колди. Хуршид тўсатдан.

Мен эса қўлтиғимдаги журналдан келаётган ҳид унга ҳам етиб борганлигини пайқадим.

– Йўғе, – дедим. – Кечаги самолётдаги синган конъякнинг ҳиди кийган кийимимга уриб қолибди.

Орадан кўп ўтмай, ҳамма қатори бизга ҳам меҳмонхонага киришга рухсат этилди. Тун ярмидан оккан. Меҳмонхона фойесидаги соат миллари Вашингтон вакти билан тун соат 3:30 ларни кўрсатиб турарди.

— Уйқу ҳам ҳаром бўлди, барибир ухлашга харакат қилайлик, — деди Хуршид. — Эртага эрталаб ўзимизнинг элчихонамизга борамиз. Кўриб келайлик элчихонамизни.

Хоналаримизга тарқалдик. Мен эса ухлай олмадим. Конъяқ суви тўкилган журнални вараклай бошладим. Мана, мен асраб – авайлаган ўша саҳифа. Унда ойтош тасвири бор. Америкалик астронавт Армстронг ой сатхига қўнганида, инсоният тарихида биринчи бор ой тупроғи ва тошидан унсурлар олиб қайтган. Журнал саҳифасидаги ойтош мана шу жинслардан бир намуна.

Бу журнал 1969 йилларда, собиқ иттифок билан Америка муносабатлари сал-пал иликлашган пайтларда кўлимга тушган. Ўша йили Тошкентда Американинг ҳалқ таълими тизими ва фан ютуклари бўйича катта кўргазмаси намойиш этилган эди. Бу кўргазма шаҳарнинг қок марказида, телестудиянинг орқа томонидаги «Ёшлик» спорт аренасида ташкил этилган, аммо кўрадиган одамларнинг кўплигидан навбатга туриш ундан 3–4 чақирим берида, Хадрадан бошланар эди. «Кўргазмани томоша қилинглар, аммо бирорта одам билан сұхбатга киришманглар, — дейиши факультет комсорги. — Уларнинг бари ЦРУ нинг одамлари». Бу гапдан сўнг, биз янада хушёр тортдик.

— Биз инглизчани билмаймиз, қанака қилиб сұхбат кила олардик — деди ўшандада орамиздан талабалардан кимдир.

— Уларнинг кўпчилиги русчани билишади. Ҳатто, улар орасида бир ўзбек ҳам бор, ватан хоини. Ўшандан эҳтиёт бўлинглар.

Биз кўргазмани томоша килар эканмиз, бепул берилган нишон ва журналга эга бўлдик. Аммо кўчага чикишимиз билан «чириётган капиталистик» тузумнинг нишонини улоктирдик. Журнални ташлашга кўз киймади. Менга айникса, унда акс этган мана бу ойтош қадрли эди. Болалиқдан тошларга ўчман, ўшанда мана шу тошни ҳам кўришни орзу қилганман. Ўшанда комсоргнинг «у билан гаплашманглар» деб

оғоҳлантиришига қарамай, кўргазма залларидан ўша ўзбекни топиб олганман. Ундан гап орасида бу ойтошнинг каерда сакланишини сўраган эдим. «Бу тошни Вашингтондаги астронавтика ва космос музейида кўриш мумкин – деди у. – Борсангиз, албаттa кўрасиз». Гарчи бу гап менга эртакдай туюлган бўлсада, ҳар эҳтимолга карши журнални авайлаб – асраб келар эдим.

Такдир такозоси билан, бундан бир ой муқаддам бир тасодиф туфайли шоир Хуршид Даврон ва мен Вашингтонда ўтказиладиган Осиё ёзувчилар анжуманига таклиф этилгандик. У Америкадаги кайсиdir бир халқаро фонд томонидан ташкил этилган бўлиб, барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олган эди. Мана шу муносабат билан Вашингтонта учиб келган эдик. Тошкентдан учадиган самолёт рейси анжуман бошлинишидан 3–4 кун ё олдин, ё кейин бўлишини назарда тутиб, тадбирга олдинроқ келган эдик. Вактимиз бемалол эди.

Эртасига элчинонамизга бордик. Биноси шаҳарнинг коқ марказида бўлиб, қадимий, гўзал эди. Ўзбек усталири уни ўзбек амалий санъати йўлида безак бериш учун кеча-кундуз ишлаётганликлари устидан чиқдик. Элчимиз бизни мамнуният билан кабул қилди. Хуршид сумкасидан «Самарқанд» конъягини чикариб кўйганида, у киши илтифот юзасиданми ёки чинданми «Бу ерда ватанинг ҳар бир нарсаси азиз, кадрли. Буни хорижий меҳмонларимиз учун асраб кўямиз» – деди.

Вактимиз, иш режамизни сўради. «Бугун кечқурун сизларни ёрдамчим ўз машинасида кечки Вашингтонни сайр килдиради, отелда кутиб туринглар», – деб тайинлади.

Биз бинони яна бир томоша килиб, отелга кайтдик.

Кеч оқшомда элчи ёрдамчиси келди. У бизни конференция ўтказиладиган залда кутиб ўтирган экан. Аввалига ҳайрон бўлдик, унинг соchlари сарғиш, кўзлари кўк, бўйи пастроқ ёш йигит бўлиб ўзбекка сира ўхшамасди. Танишдик. Тошкентнинг Қорасув мавзесидан экан. «Алоҳида кўзга ташланиб турмаслигим учун

бу ишга мени олишган бўлса керак, – деди у гапимизга жавобан.

Унинг «Кадиллак» машинасига ўтирганимизда, ёрдамчи бизни нималар қизикиришини сўради. Хуршид «ўзингиз биласиз» – деди. Мен эса ойтош сакланадиган музей ҳақида сўрадим. «У ерга анжуман қатнашчиларини олиб боришади, сизларнинг дастурларингиз билан аллақачон танишиб чиқдим», – деди ёрдамчи.

Машинанинг ичидаги ўн-ўн икки ёшар бола ҳам бор эди.

Ўғлим – деди ёрдамчи, 6-синфда ўқийди.

– Ўқишилар қалай – деб сўради Хуршид.

– Бу ерда дарслар строгий эмас. Унчалик зўр ўқитилмайди. Тошкентда махсус мактабда ўқиганимда, бу ердан анча яхши эди, – деди бола.

Ёрдамчи бизларни Вашингтон кўчалари бўйлаб айлантириди. Дунёдаги энг узун бино сифатида Пентагон биносини кўрсатди. Хуллас, окшом марокли ўтди. Аммо, менинг орзуим ойтош эди. Шуни ўйлар эдим.

Хонада ўша журнални вараклар эканман, ойтош сурати устига тўкилган коњъядан ҳосил бўлган ғалати тасвирни кўриб колдим. Бу тасвир ўзимизнинг рассом Лутфулла Абдуллаев «Муштум» журналида бир пайтлар чизган карикатураларга ўхшар, у киши қўпроқ корамтири рангда турли салбий образларни яратар эди. Тасаввуримда ўзга сайёраликларнинг қиёфаси шундай бўлиши керак эди. Бу ерда ҳам тошнинг корамтири рангига коњъяк суви қўшилиб, қандайдир бир қиёфани ҳосил килган эди. Қизиги шундаки, журнални иккала томондан ҳам қаралса, тескарими ёки чапгами, фарки йўқ, аёл ёки эркак шакли ҳосил бўлар эди. Мен бехосдан бир эркак қиёфасини кўриб эслаб колдим. Бу кечаги «тинчимни буздинглар» деб ғалва килган эронлик бойвачча қиёфасига ўхшар эди.

Эртасига эрталаб, Хуршид билан одатдагидек отел пастида жойлашган ресторонда овқатланар эканмиз, тўсатдан, атрофдаги анжуман қатнашчилари нишонлари бўлган одамлар (биз каби олдинирок келганлар ҳам

анча-мунча эди) аввалги кунлардагиларга ўхшаш эмас-лигини сезиб колдик.

– Адашиб колдик, шекилли – деди Хуршид.

– Йўқ, бу ўша ресторон, – дедим. – Ана, бардаги хотин, ўша мулатка. Аммо, бу ердагилар бошқа анжуман катнашчилари. Бизнинг анжуман одамларини бошқа ресторанга ўтказганга ўхшайди.

Тусмолим тўғри чиқди. Биз овқатланиб бўлган эдик. Бу ерда шведча стол деб аталмиш овқатланиш тартиби ташкил килинган эди. Унга қўра, емакхона столларидан ким нима хоҳласа, шуни ўзи олиб, тамадди қиласди. Мулатка – ўша бармен аёл олдимизга жилмайиб келди-да, хисоб-китоб қоғозини берди.

– 175 доллар тўлашимиз керак экан, деди Хуршид кизариди.

Биз қоғозни олиб, «шошмай тур» дегандай хотинга ишора қилдик. Биз ҳар куни анжуман бошлангунга кадар шу ерда, анжуман хисобидан бепул овқатланар эдик.

– Шунча пул туарканда еганларимиз – деди Хуршид хайрон бўлиб. – Бу пулга болаларимизга кийим-кечак, китоб олиб борсак, яхши эмасмиди?.

– Шошманг, бир иложини топармиз. Ўйлайлик. Иложи бўлмаса тўлаймизда – дедим.

Хуршидда ҳам, менда ҳам 200–300 доллар атрофида пул бор, шуни курбон қиласмиш, шекилли.

Бирдан лоп этиб, шу кунларда бизга таржимонлик қилиб юрган Оля деган қиз ёдимга тушди. «Шошманг, мен Оляни топиб келай», деб ўрнимдан турдим-да, Хуршидни гаровга ташлагандай қилиб, фойега чиқдим. Фойеда, маъмурият вакили жойлашган жойда Оляни топдим. Оля Санк-Петербургдан бу ерга келиб, икки йилдан бўён таржимонлик қилиб кун кечираркан.

Оляга бор воеани тушунтирдим.

– Анжуман ташкилотчисини топайлик. Нима дер экан, – деди у ва бир хонага мени бошлаб кирди. Озгиндан келган малла найнов йигит воеани Олядан эшлитиб, мирикиб кулди, бир қоғозга ниманидир ёзиб, ўша бармен хотинга беришимни сўради.

— Фойеда сизнинг анжуман катнашчилари бошка ресторанда тамадди қилиши ҳақида эълон бор эди, шуни ўқимабсизларда, — деди Оля.

— Эълон инглизча бўлса, ўқиб нима киламиз. Барibir, тушунмас эдик — дедим унга.

Қоғозчани олиб, ресторанга кайтдим. Хуршид бир зайлда бошини қути солиб ўтирас, мени кўриб, шоша-пиша «нима бўлди?» — деб сўради.

— Ҳаммаси ҳал бўлди, — дедим унга.

Дарҳакиқат, найнов йигит берган қозозча жонга оро кирди.

Барда тумшуғи осилиб турган бармен аёл қоғозни олиб, «сенкю» деб бош қимирлатди. Биз эркин нафас олдик. Мен бармен аёлга тикилар эканман, уни конъяк журнал саҳифасида ҳосил қилган аёл киёфасига ўхашини сездим. У менга худди бошка сайёрадан келган одам сингари караб турарди.

Конъяк туфайли журнал саҳифасида ҳосил бўлган яна бир киёфани анжуман бошланган куни ушбу тадбирни ташкил қилган ҳалқаро фонд раҳбари — ориқдан келган, қорамтири юзли корейсда кўрдим. У корейс тилида ярим соат нутқ сўзлади. Анжумандаги барча гаплар инглиз, араб, рус, испан, хитой, немис тилларида таржима қилиб турилди. Ўриндиқдаги тугмани айлантириб, хоҳлаган тилни ўзингга мос қилиб, қулокрадиода эшитаверасан. Корейс ўзининг Кореядан бу ерга келиб қолганлиги, насроний динининг ташвиқоти... ва сўзининг охирида эса ўзи Исо Масихнинг рухи билан туғилгани, яъни бошка киёфада туғилган ўша зотнинг ўзи эканлигини эълон килди. Залда бу гапдан сўнг бир оз фала-ғовур эшитилган бўлса-да, унинг бу гапига эътиroz билдириб, минбарга ҳеч ким чиққани йўқ. Ҳолбуки, бу залда Нобель мукофотига сазовор бўлган ёзувчилар, турли арбоблар бор эди.

— Тушунмадим, — деди Хуршид. — Наҳотки, бу одам Исо Масих бўлса.

— Кўяверинг, — дедим, — у бу тадбир учун пул тўлаган миллиардер. Нима деса, деяверади-да, энди.

Унга синчковлик билан кайта-қайта тикилар экан-

ман, ўша корейс киёфаси таниш туюлди. Бу қиёфа ўша, конъяк журналда түкилган ойтош суратидаги шаклга ўхшаш эди. Нихоят, анжуман тугаш арафаларида бизни турли жойларга, томошага, кўнгил очар жойларга олиб боришди.

Уларнинг навбатдагиси ойтош намойиш қилинадиган музей эди. Музей шаҳарнинг қок марказига яқин жойлашган бўлиб, унинг ичидаги инсоният тарихида фазога учирилган неки бўлса, бари муҳайё эди. Аэропланми, дельтапланерми илк самолётлар, вертолётми, биринчи фазога учирилган ракеталар макетигача бор эди. Айни пайтда биз катор тизилиб, навбат билан маҳсус бир жойда ўтирас эканмиз, нафис ойна устида кўйилган ўша ойтошни кўриб қолдим. Томоша қилиб ўтаётган ҳар бир киши кафтини унга тегизиб ўтар, ойтош қўл кафтидан силликланиб ялтирагансимон бўлиб қолган эди. Ҳаяжондан титраб кетдим. Ойдан, шунча олисдан келтирилган бу тошни ўз кўзи билан кўриш, қўл билан силаб қўйиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, ахир. Мен бир пайтлар Осиё китъасининг олис бир тоғ орасидаги қишлоқда ўсан боланинг Америка китъасига бориб, ойтошни кўриб келиши... тушга ҳам кириши мушкул воқеа-да. Аммо у негадир суратда кўрган ойтошга ўхшамас эди. Бу тош худди қишлоғимдаги Пошхуртсойдаги ўзим кўриб, ўйнаб катта бўлган қайроқтошни эслатар эди. Балки, астронавт олиб тушган тошлар кўп бўлган, бу ўшалардан биридир деб ўйладим. Ёки, одамларнинг кафти тегавериб шу ҳолга келиб қолдимикин? Чунки, ойтошда ўзига хос иликлик, қандайдир бир ажиб ҳарорат бор эди. Нима бўлганда ҳам, бу ойтош шаклининг аэропортдаги полициячини, бармен аёлни, эронлик бойвачча ва Исо Масих деб ўзини эълон қилган қишини эслатмаслигидан курсанд эдим.

Бу фикрларни энди Хуршидга айтмоқчи эдим. У ойтошга ҳафсаласизлик билан караб ўтаркан, «бу ердан чиқишимиз билан бирор китоб дўконига кирайлик, – деди. – Болаларга инглизчани ўрганадиган энг зўр китоб олиб келишга ваъда берган эдим. Шуни то-пайлик».

— Хуршидга ресторанда инглизчани билмай, тушганимиз унга балки панд еганимиз алам қилган шекили, — деб ўйладим. — Ҳеч бўлмаса, энди болаларимиз бу тиљни яхши билишсин дейди-да.

Болаликда ойни севмаган, уни синчиклаб томоша килмаган киши кам. Мен болаликда ойнинг ёз пайтидаги кўринишини онамиз тандирда пиширган иссиқ нонга, куздаги энди чиқкан ойни бир тилим қовунга, кишдагисини Ойпар деган кизнинг оппок юзига, баҳордагисини эса энди кизарган ним қизил шафтолига ўхшатар эдим. Ойнинг боғимиздаги олма, шафтоли дарахтлари гуллаган пайтлари орасидан мўралаб ўтишини ёқтирар эдим. Кўшиқчи Махмуд Намозов эндиликда куйлаган «Ойни олиб бераман» халқ терма кўшигини болаликда, эллик йил бурун қишлоқда шеър килиб айтиб юрадик. Аёллар бирор нарсага иддао қилишса, «нима, ўша ойни олиб берарми-ди», — дейишарди. Биз болалар ойни ё олтиндан, ёки кумушдан ясалган бир ажойиб нарса деб тасаввур килардик. Мана, ўша олис ойнинг бир парчаси. Ўша, биз болаликда севган, болалик осмонини безаган сехрли ойдан олиб келинган тош. Йўқ, йўқ, ўйламанг, бу тошни кўриб хафсалам пир бўлгани йўқ, аксинча, кўнглимнинг бир чеккасида алланимадандир кониқиш бор эди, шунданми, рухим енгил эди.

ТОШҚАЙРОҚ

Қорним роса оч эди, ўша куни уйда тўртта ёнғоқдан бошқа бирор-бир егулик нарса топилмади. Уларни чақадиган илон бошли чақиҷимиз энди сотиб олинган ҳовлимиизга олиб кетилган экан. Бу ерда, домдаги хонадонимизда айрим танишларнинг кўзларидан пана килиб терилган кўнгилга якин китоблар каторида худди кузги уруғликка олиб кўйилган бодрингдай катталиқдаги бир кайроқтошга кўзим тушди. «Бу тош кадимги одамларнинг иш қуроли бўлган», — деган эди таниш археолог уни кўриб. Кейин, у бу ноёб тошни

каердан топганлигимни батофсил айтмагунимча тинчимади. Тош бу ердан – Тошкентдан минг чакирим нарида, тоғлар орасидаги чекка бир кишлоқдан олиб келингандыгын, унинг эгаси кари бир кампир эканлигини айтдым.

– У каердан олган экан, сўрамадингизми, – деди танишим қизикиши ортиб.

– Сўраган эдим, кампир «болажон, буни эрим топганида мен ҳали чиллам чиқмаган келинчак эдим» – дейди.

– Эри ҳали борми, ундан сўрасак, – деди танишим.

– Йўқ, чолнинг ўлганига, анча бўлди, – дедим.

– Балки кампир билар бирор гапни, – дейди танишим.

– Кампир хам бултур йўқолди, – дейман.

– Қаерга йўқолди, – дейди археолог.

– Бизда, Сурхонда одам вафот этса, шундай дейди, – деб тушунтираман унга. Сухбатдошимнинг ҳафсаласи пир бўлади, энди кампир ҳакидаги хикоямнинг ҳам унга қизиги йўқ. У тошни синчиклаб текширад экан:

– Биласизми, бу тошга камида юз-юз эллик минг йил бўлган, – дейди. Ана шу антиквар, кадимий тошни олиб, ёнғоқларни чакиб ер эканман, даҳлизда турган тошойнада аксимни кўриб қолдим.

– Каранг-а, деб ҳайқиради ичимдаги бир нарса. – Юз эллик йил аввалги тошни яна ишлатиб турибмиза. Қачонлардир ибтидоий одам бу тошни силликлаб, топган-тутган ёнғоқми, бошқа нарсами, чақиб нафсини кондирган. Бугун эса мана мен...

Тошни маҳкам ушлаганча балконга чикаман, кўзларим беихтиёр пастликка, теп-текис йўлакка, ундан кейин боғчалар, гаражлар, ахлат, тўкиндиҳонага тушади. Бирор ерда ақалли тухумдек келадиган тош йўқ. Йўғ-э, сал адашибман, ана болалар боғчаси панжаралари бўйлаб тошчалар тизиб кўйишибди. Фақат бу тошчаларнинг табиий ранги йўқотилиб, турли рангларга бўяб ташланган. Нимагадир ўз-ўзидан миям кизиб кетди. Асабийлашаётганимни сезиб, кўлимдаги

тошни силай бошлайман. Бу вактингчалик ҳолатлигини кейин, хонага кирганимда ҳаводан кандайдир бир анвойи, хүшбүй ҳид тараалаётганигидан нафасим равонлашганидан сүнг сезиб қолдим. Бу ҳид тасаввуримни, күнглимни ёришириб юборди, энди аник эсладим, ҳа, худди мана шу тош эгасининг уйига ҳар гал келганимда бу ҳид димоғимга уриларди. Кампир мени ғоят хушмуомалалик билан дастурхон атрофига ўтқизиб, атрофимда гиргиттон бўларди. Дастурхонда эса одатдагидек, тошёнғоқ, тошбодом, уларни чакиш учун мана шу тош пайдо бўларди. Кампирнинг боғида сара мевали дарахтлар кўп. Аммо, нимагадир мана бу ёнғоқ, бодомларнинг факат айнан шу навлари бор. Бу дарахтларни кўчатлик пайтида тоғдан сел оқизиб келган-у, улар шу қишлоқ сойидаги бир харсангтошга тирадиб қолган.

— Уртоғинг селга оқиб, мана шу икки кўчатга осилиб, тирик колган. Ўшанда у ўн бирми, ўн иккода эди. Отаси, булар ҳалоскор, табаррук кўчатлар деб экиб кўйди. Тошбодом, тошёнғоқ бўлса ҳам ширин, узок турса ҳам, мазаси бузилмайди курт емайди, — деб саволимга жавоб қилди кампир.

— Болажон, — деди кампир охирги марта кўришганимизда, — сен ўғлим билан тенгкур бўлсанг ҳам, ундан ёш кўринасан. Ичмайсан-да. Тўғрими? Тошбой ичади-да. Ичмаса экан...

Кейин кампир менга синчиклаб қарайди.

— Тошбойга ҳам осон эмас, — дейман. — Чўлда яшаса, кум-тўзоннинг ичида. Мактабда дарс бериш учун асаб ҳам тошдай бўлиши керак.

— Мана уям, сен ҳам элликдан ошдинглар. Энди қишлоқка қайтиб келсаларинг ҳам бўларди, — деди кампир жилмайганча. — Айтганча, сен ўзингни қишлоғингда, Пошхуртда мактаб бўла туриб, нимага бу ерга келиб ўқиган эдинг? Ҳар келганингда сўрайман дейман, эсимдан чиқади...

— Бунга ҳам кирк йил бўлибди, энди айтсам бўлар бу сирни, — дейман. Кампир қулоғини динг қилади.

— Амаким мактабга директир бўлганидан сўнг, ўғил болаларга соч қўйишни ман қилди. Мактабда қайси бир боланинг бошида темираткими, бир нима бўлган экан. Мен амаким билан келишолмай, бу ерга — Зарабоққа келдим. Бу ерда соч қўйиш мумкин экан, — дедим.

Кампир жиддий бир катта сирни кутган экан шекилли, мулоимлик билан қўшиб қўяди:

— Ҳа, худойимнинг ўзи меҳрибонлик килиб сени бу ерга юборган... бу ерда бир йил ўқидингми, икки йил? Эсимда йўқ. Хаёлимда сен доим шу ерда ўқигандайсан...

— Бир йил ўқиган эдим, хола, — дейман.

Кетаётганимда, у менга шунча йиллар мобайнида биринчи марта шикоятомуз гапирди:

— Болажон, (у ҳамиша болажон деб гапиради) мана сен шунча узок жойдан бирров бўлса ҳам хабарлашиб кетасан мендан. Ошнанг бўлса, яқин бўла туриб бу ерга келмайди. Ўзим бориб турман. Бораман-у бир кун ҳам тура олмай кайтиб келаман.

Энди кампир билан хайрлашаётган эдим, кўлимга мана шу қайроқтошни тутказди:

— Үғлим, — у бу гал худди шундай деди. — Мана бу тошни етмиш йил бўлдики, чолимдан колган деб асраб-авайлаб келаман... Шу сенга мендан эсадлик бўлиб қолсин.

Орадан ярим йил ўтар-ўтмас кампирнинг таъзиясига бордим. Ҳовлида бегона бир эркак ва аёл қоқилган ёнғокларни куритиш учун лойсупа устига ёйишаётган экан. Димоғимга яна ўша муаттар, хушбўй хил урилди. Менинг исимимни билишгач, кампирнинг охирги васиятини етказиши: мен кампирни мана шу ёнғок дарахти тагида қайроқтош билан ёнғок чақиб ўтирганини суратга олган эдим. Шу суратни ишлаб, ўғлига топшириб қўйишмни сўрабди.

— Нега энди айнан кампир мана шу қайроқтош билан ёнғок тагида тушган суратини сўраган экан, шу мени қизиктириб қўяди, — деди таниш археолог худди Шерлок Холмсга ўхшаб. — Сиз уни бошқа ҳолатларда ҳам суратларга олгансиз, шекилли?

Сұхбатдошим энди ҳикоямға чиндан қизиқа бошлади.

– Балки ўша дарахт тағидан шу қайроттош то-пилгандир. Ёки ўғлига бирор сирни шу сурат орқали ишора килгандир. Нима бўлганда ҳам бу ерда бир гап бор.

– Балки ҳазина бор деб ўйлаётгандирсиз? – деб ҳазиллашдим.

– Шундай бўлса ҳам ажаб эмас, – деди у. – Хўш, шундай қилиб, кампирнинг ўғлига ўша суратни етказдингизми?

– Биласизми, сурат цифровой фотоаппаратда олинган эди. Туширгандаримни компьютер хотирасиға ўғлим киритиб кўйган эди. Компьютер бузилиб, хотирасидан шу бисот ўчиб кетибди. Шундан аввал дискка кўчириб кўй деганимда, ўғлим эрта-индин киламан деб эринчоқлик килди, – дедим унга.

Сұхбатдошим бу гапдан ҳафсаласи пир бўлганлигини билдирамади, аммо унинг бу тошга астайдил кизикканлигини унинг ўша ёзда мен туғилган кишлокқа, сўнг ўша кампир яшаган Зарабоққа қадимшуносликка оид жойларни ўрганиш учун сафар килганини эшилдим.

Танишим иккинчи марта сафар қилганида, ўша жойларга яқин қадамжолар ва Дабилқўрғоннинг Галаشاҳид деган жойидан тошмунчоқ ва қадимги найза ўқларини топди. У топган нарсалар мен ишлайдиган бинода, бир кават юқорида бўлганлиги учун тезда бориб кўрдим. Неолит, яъни тош даврига оид бу тошмунчоқ ва найза ўқи магний – енгил тошдан ишланган бўлиб, қизғиши жигар рангда эди. Бу ерда танишим топган бошка осори атикалар ҳам қўйилган бўлса-да, мен атайин мана шу иккала нарса ҳақида гапиргим келди. Ҳолбуки, у ерда сополдан килинган нарсалар ҳам кўп эди. Тошмунчоқ менга ўша зарабоғлик кампирни, найза ўқи эса унинг эри – Ҳайдар акани (уни қишлоқда урушдан бир оёғи калта бўлиб келганлиги учун Ҳайдар чўлок дейишарди) эсга солди. Шунда яна менга кадрдон

бўлган Зарабоғдаги ўша таниш, хушбўй, ёқимли бир хид димоғимга урилди...

— Хўш, калай таассуротлар? — дейди археолог. — Буларнинг бари топилганига сабаб — ўша кампирнинг топи. (У русча тарбия кўрган, ўзбекча гапирганда, кўпинча жумланинг эга-кесимини алмаштириб юборади.)

— Таассуротлар зўр, — дейман, — фактам кампирнинг ўғлига нима сабабдан ёнғок тагида тош билан тушган суратини етказишим жумбок қолди-да.

Танишим елкасини қисади.

— Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси ҳали олдинда, ковлайверсангиз, жумбок ечилади, — деб далда бераман. Ўзим эса шундай хуносага келдим: ҳеч бўлмаганда кампирнинг ўғли олдига бораман, унинг қўлига бултур қишлоққа бориб, ўша, уни куткарған икки халоскор — тошёнғок ва тошбодом дараҳтларининг кўринишларини олган суратимни тутказаман. Суратда кампир бўлмаса ҳам, бу иккала дараҳт оркасида туриб, худди ҳаммасини кузатиб тургандек туюлади.

ТОШКОРИЗ

Ғазаб билан бизни қувлаб келаётган отам худди шу ерга — боғ тўридаги тошкориз олдига келганда тўхтаб қолади. Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, тошкориз бизнинг халоскоримиз эканлигига ишончим комил бўлди. Шу боис бирор-бир ножўя иш қилиб қўйсам, худди шу томонга кочар эдим. Аввалига бошқа томонларга ҳам чопиб кўрдим, аммо керакли натижа рўй бермади. Мен олти-етти яшар бола ўзимизнинг боғимизда анор бўлатуриб, бошқа болаларга қўшилиб, бегона бокка кириб ўғирлаганим, кўчадан ўтаётганларга тош отганлигим, кайфини билмасамда, папирос чекиб кўрганлигим ва шунга ўхшаш бемаъни ишларим учун ҳар гал отамнинг ғазабига гирифторм бўлиб, таёқ еб колардим. Отам золим одам бўлмасада, каттиқкўл, жаҳли тез одам эди. Ҳар гал отамнинг

жахли чикканды, урчук йигириб ўтирган момом (у урчуғини сира қўлдан қўймасди, ҳамсояникига чикса ҳам ёнида бўларди), нимагадир урушни қарғар эди. Унинг гапи бўйича, отам урушга борганидан сўнг, мана шундай «мирғазаб» бўлиб колган экан. Унинг уруш ҳақида гапирганилигини хеч качон эшитмаганман, аксинча, урушдан сўнг Берлинда бўлганлигини, немис болаларининг меҳнатсеварлигини ҳикоя қиласарди. Масалан, велосипедим лой бўлганлигини кўрса, дархол танбех бериб, немис боласи велосипедини топтоза килиб деворга ё бирор нимага осиб қўйишини такрор-такрор айтарди. Унинг бунга ўхшашиб мисоллари кўп бўлиб, бундай насиҳатлардан безор бўлардик. Отамдан кўпроқ немисларни қандай кирганликларини, бир оғиз билан айтганда, каҳрамонликларини эшитишни хоҳлардик. Аммо бу ҳикоялар бўлмас эди. Лекин, кейинчалик Бозор Рўзибай деган ҳолвачи бова отам билан бирга Кенигсбергдаги жангларда бирга бўлганлигини, отам пулемётчилик килганлигини, кейин иккаласи ҳам ярадор бўлиб госпиталга тушганлигини унинг ўз оғзидан эшитган эдим. Унинг айтишича, отам ҳам, бова ҳам қулоқнинг болалари бўлганликлари учун ҳар гал жангнинг энг олдинги чизигига ташланар экан. Бундай жангларда камдан-кам одам тирик қолар экан. Момонинг айтишича, отам урушгача ҳам, урушда ҳам ичмаган. Мен саккиз ёшдан сал ўтганимда, қишлоқдан одамларни тоғ орқасига – пахта теримига олиб кетиш палласи бошланганида онам вафот этди. Шундан сўнг отамиз тез-тез ичадиган бўлиб қолди. Айниқса, колхозда бош ҳисобчи бўлганидан сўнг, меҳмонлар ташрифи баҳонасида бу ҳол авжига чиқди.

У пайтлар қишлоқда меҳмонхона бўлмаганлиги учун колхозга келадиган комиссия ёки меҳмонлар бизникига қўнишарди. Тоғ ҳавоси, дала-даштлар, айниқса, тандиркабоблар меҳмонларга хуш келарди. Бундай мақтов гапларни мен даврага хизмат қилиб юрганимда, улардан такрор-такрор эшитардим.

Хўш, бу гапларни мен ҳикоя қилмокчи бўлган тошкоризга нима алоқаси бор деб ўйларсиз? Жуда

алоқаси бор-да. Гап шундаки, тошкоризга отам бош хисобчи бўлгандан бери кунора бўлмаса ҳам, ҳар хафтада ароқдан бўшаган шишалар-у турли хил консерва кутилари, яна ғажиб ташланган сүяклар-у ўша пайтда урф бўлган «Казбек», «Беломор», «Север», деган папирослар-у яна мен номини билмайдиган турли хил лаш-лушлар ташланарди. Момом эса, унинг сўзи билан айтганда, бундай шаккокликка карши отам билан астойдил даҳанаки жанг қилас, аммо фойдаси бўлмасди. Ахлат тошкоризга барибир ташланаверарди. Уни биз ака-укалар отамнинг буйруғига биноан амалга ошириардик. Биз учун бу кулайроқ, осонроқ ҳам эди. Йўқса, момомнинг топпирағига кўра, уларни бирор-бир четроқ ерни ковлаб кўмардик ёки бўлмаса анча олисдаги катта чукурга тўкиб келардик. Биз учун тошкориз ичи ваҳимали, назаримизда ажина, алвасти яшайдиган макон бўлиб кўринарди. Момомнинг айтишича, шўролар замонидан аввал ундан типтиник, шовиллаб-яйраб сувлар оқкан.

Бу ердан икки-уч чақирим келадиган таптакир бўлиб ётган Саккизсой адирлиги бир пайтлар ана шу кориздан сув ичиб, у ерда асалдай, канду новвотдай ширин қовун-тарвузлар битган, тилёрап тошноклар-у ўзида коки бўлиб қоладиган ўриклар ҳосил солиб ётаркан». Камбағаллар бойларни талаб, тортиб олганларини еб ётадиган бўлишди. Коризга ҳам, сув ичадиган боғларга ҳам ҳеч ким қарамай қолди, – дерди момом. «Буям етмагандай коризларга ахлат, неки чиқинди бўлса тўқадиган жойга айлантиришди. Биргина шу ердаги тошкориз омон қолган эди. Лекин унгаям пайтида кизил аскарлар араби китобларимизни, жойнамозу ўз ахлатларини ташлаб, сувини кўмиб ташлаган эди. Мана энди қолганига отанг...»

Момом кўп ўтмай қизиникига – аммамникига кетиб қолди. Ҳовлимизда пишириб-туширадиган, аммо кун бўйи маст-аласт юрадиган, аслида идорада кичик ишларни бажариб юрадиган хизматчилар пайдо бўлиб қолди. Бу ҳол отам уйланганга кадар, яъни беш йил давом этди. Иккинчи онамиз келиши билан ҳовли тар-

тибга кирди, унгача ҳам аммам, холам, иккинчи момом, амакимнинг хотини ҳовлини яшнатиб қўйишарди, аммо бу хол узок давом этмасди. Иккинчи онамиз биринчи галда келадиган мөхмонларнинг йўлини бошқа томонга, раисниги буриб юборди. Ҳовли шу даражада тинчид қолдики, ҳатто ўзимизнинг қавму қариндошларнинг ҳам қадами узилиб қолди. Гарчи, иккинчи онамиз пайдо бўлгандан бери бизнинг кечалари тонготарга қадар ухламай чикишларимизга, тун зулматида алламаҳалларда товук-хўрор сўйиб, арок тугаганида, дўкон коровулининг уйига қатнашларимизга, (у пайтларда электр чироғи йўқ эди), чек қўйилган бўлса-да, ниманидир йўқотгандай, янги ўзгаришларга унча кўниколмай юрдик. Аммо, тошкоризга ахлат тўкиш давом этди. Бунга энди иккинчи онамизнинг ўзи бошли эди. Момом эса аҳён-аҳёнда келиб кетар, кўз ўнгига тошкоризга ахлат уюми тўкилаётганлигини кўрса, «бундай килманглар, бир кун эмас, бир кун худонинг ғазабига учрайсизлар», – деб жавраб-жавраб кетиб қоларди.

Отам ҳам ниҳоят, арақ ичишни ташлади. Шундан сўнг у эрталаб ҳар куни, йилнинг тўрт фаслида ҳам ўрнидан туриши билан шу тошкориз томон айланиб бораарди. Тошкоризнинг кўзга ташланадиган, манзарали ери йўқ-у дўнглик, тупроғи шағал, майда тошдан иборат. Аммо мана шу дўнгликда бир туп туғдана, бир туп кишки узум ва ҳар хил ўт-ўланлар, турли хил алафлар босиб ётади. Мен навбатдаги килғиликни қилиб, шу томонга – тошкориз томон қочарканман, отам қайси жойга келиб тўхтаб қолишигача билганим учун бамайлихотир эдим. Отам худди мана шу тошкоризда ўсиб ётган туғдана рўпарасига келганида, тўхтаб қоларди. Туғдана тошдай қаттиқ дараҳт, унга ҳатто болта ҳам ўтмайди. Отам шу ердан қайтиб кетади. Мен отам кетгач, бу ерда нима сир борлигига кизиқиб, роса ўёқ-буёқни карадим, аммо дикқатни тортадиган ҳеч бир нарса топа олмадим. Орадан йиллар ўтиб, шўхликларим босилиб борган сари мен тошкориздан айrim фазилатлар топа бошладим. Агар киш куни

қалин кор ёккан бўлса, биринчи бўлиб шу ерда эриган бўларди. Мабодо кўклам келса, илк майса, ўт-ўланлар шу ерда кўкаарди. Бойчечаг-у қўзиқулок ҳам биринчи шу ерда очилар эди. Бошқа ерларда лолакизғалдок, чучмома очилиб тўкилган бўлса, бу ерда анча пайтгача очилиб турарди. Тўғри, лолакизғалдок бу ерда анча митти, бироз хокисоррок, жудаям яшнаб кетмайди, аммо маъюс, маҳзун туриши билан дилни энтикиради. Ёзда эса ҳаммаёқ дим, иссик бўлиб турса ҳам, бу ерда енгил шамол бўлиб туради, баданингиз роҳат килади. Кузда қишки узумлари егулик бўлиб, кишка ҳам асраб қўяверасиз. Лекин, бу жойнинг мени ҳали-хануз қойил қолдиргани, аввал айтганимдай, отамни ғазабидан тушириб, уни тўхтатиб қолдиргани эди. Гарчи ҳозир ундан минг километр олисда яшасам ҳам, тошкориз эсимга тушиб туради.

Бир куни авангард услубида ишлайдиган таниш рассом ўзбек ҳаётига хос яхлит бир даврни ифода эта-диган бирор-бир мавзууни айтишимни илтимос қилди. Шунда ҳаёлимга тошкориз келди. Ахир шу эмасми бутун бир давр кирларини, ахлат-у тўқиндилигини ўз бағрига олган?! Бу ҳақда рассомга айтган эдим, у тўлқинланиб кетди, эртасигаёқ менинг отамаконимга кетадиган автобусга бир жуфт чипта кўтариб келди.

Қишлоққа келган куниёқ, худди ҳозирок бузиб ташланадигандек, таниш рассом биринчи галда тошкоризни кўришга ошиқди. «Матога унинг манзарасини ишласам ҳам бўларкан, аммо инсталляция учун унинг ичидан чиқадиган ҳар вако ундан-да зўр бўлади!» Лекин онамиз унамади, келган меҳмонлар ахлат ковлаяпти экан, бирон гап бўлса керак, деган гап ёйилади. Йўқ, бўлмайди, деб туриб олди. Аммо рассом курғур гапга чечан эди, онамизнинг катта неварасини ўкишга киритишга ёрдам қиласман деб аранг кўндириди. «Бўйасам, ман йўғимда ковланглар деб, онамиз катта укамнинг уйига кетиб қолди. Рассом тошкоризни бир ўзи ковлашига кўзи етмади, сой бўйидаги ошхона атрофидан иккита мардикор бола топиб келди. Мен бу ердан ярим соат ўтар-ўтмас юз метрга қочишимга тўғри

келди. Чунки ярим метр қазилар-қазилмас атрофга бадбүй хид тарқала бошлади. Узоқдан кўриб турибман: тошкориз ичидан нималар чикмаяпти дейсиз-ўлган мушукми-ей, кўй калласими, йиртиқ калиш-у авторезина шинаси, яна алланималар... Мен борган сари оркага тисарилиб, узоклашиб борардим, рассом эса ўз касбига фидойи эканлигини кўрсатган ҳолда тошкудук атрофида гирдикапалак эди». Перформанс ажойиб перформанс бўлади – деб хайқиради у. (Перформанс – бу тасвирий санъатдаги янги оқимлардан. Ҳар хил буюмлардан ҳам композиция қилиш мумкин.) Захарли мойбўёкларда ишлайвериб, бундай хидларга ўрганиб кетган, шекилли. Мардикорлар эса, бурниларини жи-йириб, каердандир топиб келинган докаларни юзларига ўраб, ишлашарди. Орадан кўп ўтмай, девор оркасидан шопмўйловли қўшнимиз кўринди». «Хой, нима қиляпсизлар... Одам туриб бўлмаяпти-ку сассифига... қани, кайта кўминглар... онамни приступи тутди астмаси бор», – деб шовқин солди. Иш давом этаётганлигини кўриб, девордан ошиб ўтмокчи бўлиб тирмашди. Унинг важоҳати ёмон эди. Рассомнинг гапга чечанлиги ҳам иш бермади. Ҳуллас, иш шу билан тугадики, рассом тошкудуқнинг шундай ташки манзарасини ишлашга карор килди. Манзара ниҳоятда чиройли чиқди: энди қовжираётган ўт-ўланлар дўнгликнинг викорли туриши (табиатда бу жой аслида унчалик баланд эмас, бу рассомнинг муболағаси) тугдонанинг сирли сукути, ертокнинг энди ҳосилга кирган ҳолати, ҳатто майда ва қовундек келадиган тошлар ҳам рассомнинг назаридан қолмаган. Ҳуллас, куёшнинг бу ерга мўл тушиб туриши матога аник кўчган эди. Гўёки бу ер ахлатхонага айланган жой эмас, балки энг мукаддас қадамжоннинг ўзгинаси бўлиб кўринарди. Аслида-ку мантикан ҳам шундай бўлиши керак эмасми? Рассом ўз ишидан мамнун эди. Кейинчалик худди шу иш учун рассом «Йилнинг энг яхши рассоми» деган номга мұяссар бўлди. Мен картинарадаги тошкудуқни хотинимга кўрсатиб, отамнинг шу жойда ғазабидан тушиб қолишларини айтганимда, у: «Ўша жойдан бир-иккита тош кел-

тириб күйиш керак, балки бизга ҳам фойдаси тегиб колар... жаҳл чиққанида», – деб колди». Менимча, бутасир килмаса керак, бунинг учун бутун бошли ўша тошкудукни кўчириб келиш керак», – дедим. Хотиним бошқа усулни таклиф қилди: энг яхшиси, тошкудук манзарасидан бир нусха кўчириб, деворга осиб кўямиз. «Нима дейсиз?» Бу таклиф менга маъкул бўлди. Аммо биз то бир карорга келиб, бу ишни амалга оширамиз дегунча... рассом хорижга ишга жўнаб кетибди. Бошқа таниш рассомлар эса бизнинг тошкоризга – бунчалик узок жойга боришга унча рўйхушлик беришмай туришибди. Шунда биз энг яхши йўл, бу, ўша тошкудукни имкон қадар тез-тез кўриб келиш деган холосага келдик.

КЎКТОШЛАР

Уйга кириб, энциклопедияни вараклайман. Тош билан боғлиқ сахифаларни очаман. Одамлар, дарёлар, сойлар, шаҳарлар, кишлоқлар, қушлар, даражатлар, мевалар, ҳайвонлар, идишлар, ҳатто гул ҳам шу тош номи билан боғланган экан. Ҳатто, Тошгул деганлари рус тилида ҳам бор экан – каменный цветок... Тошсиз ҳам жой бормикан? Телевизорда кўрсатишган эди, қаердадир бор, эсимда йўқ...

Тошсиз дала, ер, майдонни кўрсам, ўша жойлар кўзимга гарип бўлиб кўринади. Нимага шундай, билмайман. Балки, болалигим тош тўла Пошхуртсойда ўтганлигими ёки ҳовлимиз жуда тошлоқ бўлмаса-да, унинг бир четидан ўтган қадимги кориз ўтган жой – дўнгтепаси тош билан тўлалигими, билмадим, дунёни тошсиз тасаввур қила олмайман. Тошнинг нима учун кераклигини болалигимда билмаган бўлсан-да, унинг қадр-киммати борлигини онам вафот килган кунлари, (ўшанда саккиз ёшли бола эдим), ич-ичимдан сезганман. Онам вафот килган куннинг эртаси тонг-саҳарда барча оила аъзоларимиз кабристон бошига чиқдик. Икки момом, холам ва аммам қабр бошида овоз чикаришди, онам худди эшитадигандек йиги-йўклов

билан унинг номини тилга олишди. Кейинчалик билсам, марҳумда клиник ўлим рўй берган-у, кейин мабодо тирилиб қолса, у овоз берар деган мақсадда бир ҳафта шу тарзда қабрдан хабар олинар экан. Онамнинг опаси – Курбонсара, уни кўпинча Апалар хола дердик, нега, ҳалигача билмайман. Бизни-Курбон акам, Рўзибой акам ва мени қабристон тепалигидан пастга – сойга олиб тушди. Сойда бир-икки кило келадиган кўк тошларни, ҳа, ҳолам хусусан кўк тошлардан олиб, онам қабри устига кўйишни буюрди. Биз айтганини бажарганимиздан сўнг, ҳолам бу тошлар белгили бўлиб туради, йиллар ўтса ҳам онангизни қабрини ўзингиз келтирган тош туфайли топиб оласизлар, деб изоҳ берди.

У ҳак бўлиб чиқди, мана йиллар ошса ҳам, раҳматли катта акам Рўзибой, ўртанча акам Курбон ва мен келтирган тошлар ҳали ҳам турибди. Аммо мен ўшандаги сойда шунча рангдаги тош бўла туриб, нега айнан кўк тошни ҳолам танлаганини билганим йўқ. Балки бу аждодларимиз сифинган Кўк тангри расм-русумлари билан боғлиқдир. Навбатдаги келишларимдан бирида мен онам қабридаги тошларга разм солиб турарканман, улар атрофини айланниб ўтаётган чумолиларга кўзим тушди. Шунда мен хаёлан улар билан гаплашгандай бўлдим. Кейинчалик, бу хаёлий мулоқотни «Бир кун чумоли бўлиб» хикоясида тасвирлаганман. Аммо ҳозир мен сизга айтмоқчи бўлган нарса, бу, нега ҳатто чумолилар ҳам кўктошларга қизикиб қолди, эканлигидир. Кўктошларга синчиклаб, караб турарканман, уни пастликдаги сойдан қандай олиб чиқсан кунни эслаб кетдим. Ҳолам ва акаларим мендан анча олдинда эди. Мен ҳандалакдек келадиган тошни кўтариб борарканман, тез-тез оғирлигидан энгashiб, тўхтаб, дам олардим. Нима бўлди-ю шу орада бир юлғун панасида ўтириб, дам олдим. Кейин ёнбошлаб, бирпас ухлаб олмоқчи бўлдим. Кўзимни очганимда, тепамда Гулистан момо турарди. «Девларим айтдики, бир кора илон сенинг кўктошингни тортиб олмоқчи дейишиди. Мана, кара, мен уни ўлдирдим», – деди у тантанавор. Мен

анқайиб атрофимга қарадим-у қўркиб кетдим. Ёнимда мажакланган кора илон ётарди». Тошингни ол, – буюри кампир. – Эсингда бўлсин, бу тошдан ҳамиша хабар олиб тур. У онангни рухини қўриқлаб туради Бу тош бир пайтлар Кўк тангри отанинг хизматини килган осмон фариштаси эди.

У онанг казо қилгунча, шу ерда ётди, мана энди олдига боряпти. Унинг боришига мана бу кора илон қарши эди». – У шундай деди-ю бир зумда қўзимдан гойиб бўлди. Гулистон момони у пайтларда яхши танимасдим. Бу кампир кабристон якинида ёлғиз яшар, эри қатағон йиллари Сибирда ўлиб кетган». Ёлғиз қизи даштга – тоғ ортига эри билан кўчиб кетган, дерди холам. – Деви бор бу аёлни. Ундан қўрқмангар. Уйга келиб колса, дарҳол нон чикариб беринглар».

Қабр бошида хаёл суриб ўтиарканман, «яхши келдингизми, ўғлим», – деган товушни эшийтдим. Бундай қарасам, Гулистон момо». Девларим айтишиди келганингизни», – деди момо. Орадан йигирма йил ўтса ҳамки, у ўша-ўша, ўзгармаган, ҳаттоқи мен болалигимда, илондан кутқарган пайтдаги кора жиякли, шокилали, бодомнусха солинган жигар-қизғишиш кўйлакда эди. Мен худди шу кора жиякни ўшанда негадир кора илонга ўхшатганим, бодом эса болалигимда жону дилим бўлганлиги учун ҳам бу кўйлакдаги тасвиirlарнинг ҳаммаси ёдимда қолган. Кампир фикримни уққандай менга тикилиб, «ха, бу ўша кўйлагим», – деди. Сўнг кўшиб кўйди: «ўшанда бу кора илонни ўлдиришни менга онангни рухи айтган эди... Энди гапимга қулок сол. Вакти келиб, бу дунёдан кетсам, сен гўримга мана шу сойдан учта кўқтош олиб кўй. Менинг девларим-у, жинларимдан бошка хеч кимим йўқ. Қизим ҳам касал бўлиб ўлиб кетди. Гапларимга қулок солмади. Онам девона деб, мендан юз ўгириб кетди». Бир маҳал қарасам, кампирнинг кўзларидан ёш оқаяпти. Эшитишимча, ҳали ҳечким унинг кўзларида ёш кўрмаган экан. Ҳатто бир укаси ўлганда ҳам йиғламаганмиш. Негадир титраб кетдим». Нима десангиз шу», – дедим зўрга. Нима ҳам дер эдим бундан бошка? Бу дунёда

ким-кимдан олдин ёки кейин оламдан ўтади, буни Аллоҳдан бошқа ҳечким билмайди, десам бўлар эди. Аммо бу гапларни унинг ўзи ҳам яхши биларди.

Кампирни охирги марта қишининг бошларида кўрдим. Ўша кун кечаси билан қалин кор ёқкан, биз қишлоқдаги мактаб директори Мамараҳим Бойқулов билан бир кишининг таъзиясига бориб кайтаётган эдик. Қабристон якинidan ўтаётганимизда, Мамараҳим aka: «Гулистон момодан хабарлашиб кетамизми», – деб колди. Гулистон момонинг ҳовлиси шундайгина йўлимиз устида бўлиб, унинг эшигига, тўғрироғи, ёғоч тўsicк томон кетган йўлакда қалин ёқкан корда ҳеч бир одам изи йўқ эди». Бечора кампирдан хабар оладиган одам ҳам йўқ, – деди Мамараҳим aka корга караб. – Ўкувчилардан бир-иккитасини биркитиб кўйган эдик. Кампирдан ҳайиқишиадими, билмайман, бир-икки хабарлашишди-ю, бошқа боришмади. Кампирнинг уйи кўркинчли дейишди. Мана, кўрамиз, нимаси кўркинчли экан?»

Кампирнинг уйи икки хонали лойсувоқ уй бўлиб, даҳлизига шоҳ-шабба, тезак, ўтинлар тартиб билан калаб кўйилган эди. Биз овоз бериб, чакирганимизда «келаверинглар» деган ижозат бўлди. Кампир ер-ўчоқда олов ёқиб, исиниб ўтирас, бир чеккасидаги кумғонда сув шакирлаб қайнарди.

– Ўғил муборак бўлсин, Бойқулнинг ўғли, – деди кампир.

Мамараҳим aka унга ажабланиб қаради». Ҳайрон бўлма, бу хабарни менга девларим етказиши. Шу тонгда Бойқулнинг ўғли ўғил кўрди дейишди».

Биз бу ерда кўп ўтирганимиз йўқ. Нимкоронғи уй тутунга тўлган, шифтларда, деворларда қалтакесак, яна аллақандай нарсалар ғимирлаб юради. «Қаранг, бурчакда уй илони ҳам бор экан», – деб шивирлади Мамараҳим aka.

Момо ўтдан, менимча, исириқми, бўйимдоронданми, чой дамлади. Аччик, тахир дамламадан озрок ичдик. Ўзи эса сув тегирмони унидан қилинган қаттиқ кора нонни қайнок сувга ботириб, новвот солиб ичди.

«Куним битганга ўхшайди, Бойқулнинг ўғли! Ўтган кеча тайрилиб йиқилган эдим. Оёғим синди... Ичимдан бир нима узилгандай бўлди», деди хайрлашаётиб. «Духтур юбортираман» – деди Мамарахим ака. «Ўзинг биласан энди фойдаси йўқ... Энди сенлар билан қиёматда кўришамиз. Нодир, кўктош эсингдан чикмасин...».

Биз кўчага чиққанимизда, Мамарахим ака ҳали ҳам ҳайратини яшира олмасди. Ишонасизми, ўғлим туғилганини ҳали ўз отам эшитгани йўқ. Бу кампир эса битлади. Қаранг кампирникига ҳечким келгани йўқлиги шундай... кордан билиниб турибди. Из йўқ. Ҳечким бу ёкка ўтмаган, – деди у. (Ўша кезларда телефон ёки кўл телефон бутун бошли кишлокнинг ўзида йўқ эди).

Хуллас, бу жумбоқقا ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай тарқалишдик. Орадан кўп ўтмай, таътилни тугатиб, Тошкентга қайтиб келганимда, унинг вафот этганигини эшитдим. Ўтган ёзларнинг бирида кишлокка бордим. Кампирнинг васияти эсимга тушиб, қабристон яқинидаги сойдан кўктош олиб, қабрига кўймоқчи бўлдим». У ерга ўтиб бўлмайди, фалонча киши бу ерни, сойни хусусийлаштириб олган. Фермер сойдаги тошларни даштга, одамларга қурилиш материали сифатида сотиб юбораяпти», – дейишиди менга. Мен бу ернинг эгаси Ф. исмли киши эканлигини эшитиб, сойга тушмадим. У одам чортарафга ўзининг фосиқлиги, фитнакорлиги билан донг таратган, ўшандай кишидан илтимос қилиб тош сўрасам, етти икlimга гап тарқатади. Аммо, Гулистон момо: худди мана шу ердаги кўктошлардан гўримга кўясан, – деган. Бу вассиятни бажармагунимча, эсимга мени чакмокчи бўлган кора илон тушаверади. Бу сойни келгусида «катта бир кора илон» эгаллаб олишини кампирга девлари олдиндан айтмаган эканда...

САЙФИ АКА

Тош билан боғлик ҳангомалар, воқеалар болалигимда кўп рўй берган. Эсимда бор: ҳали мактабда ўқимас эдим. Ёз пайти. Суви камайиб қолган Пошхуртсойи. Унинг текис, бир чеккасида эски ЗИС юк машинаси турибди. (Унинг пештоқидаги ЗИС ёзувини болалар бақириб ўқишарди). Кузов ичи тўла одам, хотинхалаж. Улар ичидан мен ҳам борман. Умримда ҳали шу қишлоқ атрофида ҳам қишлоқлар борлигини биринчи бор билган пайтим. Зарабоғ деган қўшни қишлоқка ҳамма шу машинада тўйга кетишимоқда. Кейин билсан, ўша ерда яшайдиган аммамнинг ўғлини суннат тўйи қилишашётган эканлар. Ўшанда бўйи мендан сал баланд? қишлоқдаги энг пакана одам – Сайфича деган шофёр мени машина кузовидан тушириб қолдирди. Мени ҳеч ким ҳимоя килмади. Афтидан барча қариндошларимиз бундан олдинрок тўйга жўнаб кетишган шекилли. Мен ўйинқароклик қилиб колиб кетган эканман. Ана шунда энг нажотларим, ўчимни олувчи тош, сойдаги киррали бир тош туюлди. Уни бағримга босиб, машина ручкасини айлантириб, ўт олдириб кабинага кираётган Сайфичага отдим. Мўлжал аниқ бўлиб, тош унинг тиззасига тегди. Сайфича оғриқдан сўкиниб, пастга тушди, газаб билан келиб, орқамга мундайрок қилиб тепти-да, машинасини ҳайдаб кетди. Аммо мен хурсанд эдим, негаки камситилганим учун ўч олган эдим-да.

Орадан кўп ўтмай, у киши тўйдан келиб, зартаси куни қаттиқ касал бўлиб қолибди. Хотинига, шу болани олиб кел, кўнглини топай, бўлмаса, ахволим чаток, депти. Ўша иили биз эрта баҳордан ўтов тикиб, яйловга кўчиб чиқкан эдик. Мени излаб келган кишига «бормайман» деб туриб олдим. Аммо Қурбонсара холам қовоғини уйиб, бормасанг, биз сизлардан нарига. Катта кам деган жойга кўчиб кетамиз деб кўрқитди. Бу одатдаги хол, ўт каерда мўл бўлса, мол эгаси ўтовини ўша ерга кўчириб кетаверарди. Мен эса холамнинг ўғли – тенгқурим Рўзимуроддан сира ажралгим келмасди. Сайфичанинг уйига борганимда, менга аёли

ўзи тиккан каллапўш, чопон, белбоғ ҳадя килишиди. Тўшакда ётган Сайфича ўрнидан туриб, олдимга келиб ўтириди, кел, вактинг бўлса, мошинга миндираман деди. Менинг вактим чоғ бўлиб, машина ҳайдашни ҳам ўргатасизми, – дедим. Катта бўлсанг, ўргатаман деди. Аммо ундан машина ҳайдашни ўрганиш насиб килмади. Чунки мен катта бўлганда, у бу оламни тарк этган эди. Хуллас, Сайфича хотинининг айтишича, шу боланинг тошидан, яъни менинг отган тошимдан сўнг, эри боласевар бўлиб қолганмиш. Бу гапнинг чинлиги-га одамлар бирданига ишонишгани йўқ. Аммо орада бир воқеа рўй бердики, ростдан ҳам Сайфича бошқа одамга айланганлиги рост чиқди. Қиши кунларининг бирида, кўшнисининг боласи оғир касал бўлиб колибди. Ушанда тоғ орасида катта духтур йўқ эди. Факат фельдшер бўларди. Туман марказига бориш анча узоқ, йўллар у пайтлар жарликлар-у паст-баланд, асфальтланмаган, ўттиз чақирим йўл машинада беш соатда босиб ўтиларди. Ана шундай шароитда марказдан духтурга катта ҳадялар ваъда килиб, олиб келади. Кейин, ҳадяни ҳам ўзи берганида, духтур воқеани билгач, Сайфичага тан бериб, бир тийин олмасдан кетган экан. Сайфичанинг обруйи яна ошиб кетди.

Уша кезларда қишлоқда электр чироғи йўқ эди. Колхоз идораси ховлисига движок ўрнатилиб, кечалари уйларимиз чароғон бўлиб қолди. Уни ишлатишга Мишка тоға деган ўрисни Ангор деган туман марказидан кўчириб келишиди. У қишлоқда икки-уч йил ишлаб, одамлар билан эл бўлиб кетди. Факат Сайфичага ич-киликни ўргатгани чакки бўлди. Мишка тоғанинг бир ўғли велосипеддан шекилли йикилиб ўлгач, қишлоқда туролмади, яна Ангорга қайтиб кетди. Энди унинг ўрнини Сайфича эгаллади.

Сайфичанинг ичиши шу даражага етдики, киши куни ичиб, кечқурун уйига боргунча, ховлиси яқинидаги силос кўмилган чукурликка тушиб кетади. Уша кечаси кор ёғиб чикади. Эрталаб, хотини подахонадаги сигирларга силос олиш учун келиб, кор ичидан эрини топиб олади. У Сайфичани елкасига худди мушук боласини

ортгандек күтариб бораётганлигини бутун ҳамсоялар күргани учун бу воеа достон бўлиб кетди. Бақувват аёл эди-да унинг хотини. Сайфича зиёфатбозлигини давом эттирас, айниқса, тўй мавсумлари бошланганда, унинг ҳушёр бўлганлигини ҳеч ким кўрган эмас. Ҳар гал тўй кечаси бошланганда, бир соат-ярим соат ўтгач, чирок ўчиб ёнади, бу огохлантирип, яъни унга еб-ичишдан яхши қаранглар, бўлмаса, чирок ўчиб қолади, дегани. (Айтишларига кўра, қишлоқда Сайфичадан қолган бу анъана ҳали ҳам давом этаётган эмиш).

Шундан кейин, Сайфичанинг обрўйи ҳам ўзига яраша бўлиб қолди. Аммо одамлар ноилож эди, Сайфича қишлоқда биринчи мошин ҳайдаганлардан, техникани яхши тушунарди, таъмирлашга ҳам уста эди. Нимаинки улов-мотоциклми, радиоми, мошинми, фарки йўқ, тузатаверарди. Аммо ичишини канда қилмасди, буям етмагандай, ёш-ялангларни ҳам олдига тўплаб, улфатчилик қиласарди. «Одам хунардан баракат топади ё ҳалокат. Морбознинг ўлими мордан, дорбозники дордан деганлар. Мисоли гапда». «Сайфича ҳам шу техника деб ўлиб кетмаса эди ҳали», деб қолди отам.

Отамнинг тусмоли тўғри чиқди: Сайфича улфатлари билан энди биринчи чиқсан «жигули»ни миниб, токка боришади, кайфу сафо килишади. Тоғ яқинида тоштузлар бор, шу ерда ҳам улар еб-ичишади, тоштузга сийиб, бовул қилишади. Машина билан тепаликдан лолалар териб, кайтаётганликларида машина бензинини тежаш максадида мошиннинг моторини ўчиришади. Калит буралганида, рул кулфланиб қолади. Шиддат билан келаётган машина ўша, майшат қилиб, буям етмагандай тошга караб чоптирган жойида ҳалокатга учрайди. Шериклари оғир-енгил лат ейишади-ю, Сайфича ўша заҳоти оламдан ўтади. Отам эса «бекор айтган эканман шу гапни» деб кўп афсус килди...

ПАНЖИ

Тош менга, мендек дийдаси қаттиқ болага раҳмидиллик түйғусини, пушаймонлик ҳиссини ҳам уйғоттандырып келинди. Миннатдорчылык билан эслаб тураман. Үша куни кечагидек ёдимда: биз ўн-ўн бир ёшли тенгкур болалар ёз куни тегирмон ёнидаги ариқда чўмилиб, кўёшга тобланиб, энди тол новдасидан бўлган от менинг, кетаёттган эдик. Радиоузел ҳовлиси рўпарасига келганда тўхтаб колдик. Бу жой бир пайтлар Пашхуртдаги энг катта бойнинг ҳовлиси бўлиб, анча қаровсиз қолган, ҳовли ўртасидан эндиликда каттароқ йўл ўтган бўлиб, бир чети радиоузел, бир томони бузилиб кетган эски сайисхона томлари бўлар эди. Шу томлар тепасига чиқиб ўйнаш одатимиз бор эди. Шу томонга бурилган ҳам эдикки, Панжи тентак деган йигит чиқиб келди. Бизга у бир нима деб ўдағайладими ёки қувдими, эсимда йўқ, мен ердан тош олиб, унга томон отдим. Не кўз билан кўрайки, тош унинг бошига бориб тегди. Боши ёрилиб, кон оққанини кўрдим-у, ғалати ҳолга тушдим. Ҳали ҳам эсимга тушса, шу бегунох бечорани нега бошини ёрдим деб ичимда зил кетаман. Панжи тентак бир неча кун бошини дока латта билан бойлаб юрди. Мени кўриб қолса, атрофдагиларига қўли билан кўрсатиб, шу урди мани, шу, деб зорилларди. Бу меннинг илк пушаймоним, илк хатоим эди, уни англашим учун шу тош сабаб бўлди.

Мен кўп пайтлар Панжидан кочиб юрдим. Аммо, барибир, тўйларда, маросимларда ё бўлмаса, сой бўйидаги бекатда у билан дуч келиб қолардим. Урди, мени шу урди, мана қаранг, деб ёрилган бошидаги чандикними, изними кўрсатарди. Мен қандай килиб бўлса ҳам Панжининг шу гапни айтипни эсидан чиқиб кетишини орзу килардим. Бир куни бу гапни момомга айтдим.

— Эсидан чиқармаса кераг-ов. Нима қилардинг шу бечорани бошини ёриб. Худо уни ўзи уриб қўйган бўлса.

Бу аҳвол менга энди сира тинчлик бермас, бирор-

бир пайт пойлаб, унга яхшилик қилишни ўйлардим. Кунларнинг бирида уни тор кўчада ёлғиз учратиб, унга хоҳласа оёғига туфли ёки ботинка олиб беришим мумкинлигини, факат анови гапни бошка айтмаслигини сўрадим. У бош чайқаганча кетди. Панжи қишин-ёзин оёқяланг юрарди. Унинг корда ҳам шундай юрганлигини кўриб раҳмим келганди. Кейин билсам, у шунга ўрганган, совға қилинган пойабзални бир соат кийиб, ечиб ташлар экан.

Кунларнинг бирида мен баланд тепаликлар орасидаги ўта тор, бундай олганда «қилкўприк» деб аталган жойдан велосипедда хеч ким йўклигига ўтмокчи бўлдим. Бу ердан кишлок бўйича уттагина бола велосипедда ўта олган. Бу пайтларда мен олтинчи синфда ўқирдим. Мен ҳам ўша биринчилар қаторида бўлишни истаб, ўша жойдан ўта бошладим. Бу жойнинг бир томони тепалик, иккинчи томони жаҳаннам, чукурлик, курук сой, ичи тоңилар-у қумлик. Манзилнинг ярмига келганда, мувозанатни ушлай олмай пастга учиб кетдим. Қанча ётганимни билмайман, хушимга келганимда, не кўз билан кўрайки, тепамда Панжи турарди. Каллапўшида сув, юзимга сепаяпти. Бу якин орада сув йўк. Камида бир чакирим наридаги Анжирбулоқдан келтирган. Демак, мен анча ётганман, буни күёшнинг тоғ орқасига оққанлигидан ҳам билса бўлади. Мен унбу дамда йиқилганим, биринчилар қаторидан ўрин ололмаганим эмас, худди шундай афтодаҳол, бунинг устига беҳуш ётган пайтимда ёнимда Панжининг бўлиши мени қийнар, алам қиласр эди. Панжи ёрилган бошимга тупроқ келтириб сепган экан, буни бошимни Анжирбулоқка келиб, юз-қўлимни юваётганимда сездим. Панжининг юзига карай олмасдим, у менга меҳрибонлик қилгани сайнин ғашим келар эди. Энди ичимга ғулғула тушган эди: Панжи менинг бу ердан йиқилиб тушганимни болаларга айтса, тамом, улар кулгу-мазах қилишади. Иложи бўлса, бирор-бир лақаб ҳам кўйишади. Чемпионми, жарбошими-ей. Ахир, ўзим ундайманда.

Велосипедимни текшириб кўрдим, хеч нима қил-

маган, ҳалиям мен жарликдан сойга, қумлик томонига тушибман. Қум ичидә ҳам тош бор экан шекилли, бошимни озрок ёрган эди. Буни болалар күрсә нима дейди? Панжига бу күрганларингни ҳечкимга айтма деб илтимос қылсаммикан? Нима қиласымни билмайман. Умримда бирорга ялиниб күрмаганман. Энди келиб-келиб шу Панжи тентакка ялинаманми? «Бирорга айтиб юрма яна», деб дўқ урдим унга. Панжи бопи кими рлатди. «Нон урсин айтсан дегин», дейман яна. Панжи: «нон... нон», деди-да бирдан ковоғини уюб, индамай қишлоққа томон йўл солди.

Мен велосипеднинг чиқиб кетган занжирини солар эканман, хаёлда бир гап айланарди: энди нима бўлади, Панжи гуллаб кўймасмикан?

Лекин Панжи бу воқеани ҳеч қачон, ҳеч қаерда гапирмади. Уйдагиларга, сўраганларга мен тутга чиқиб, мевасидан ейман деб йиқилиб тушганлигимни айтдим. Қизик-да, тутдан йиқилдим десанг, сени ҳеч ким мазах қилмайди-да, аммо бу жар ёқасидан велосипедда ўтмокчи бўлиб йиқилганлигингни билишса, мазах-кулгуга коласан.

Унга, Панжига чиндан-да бирор-бир яхшилик қилишни истар эдим. Аммо қандай, нима қилсан бўлади, билмасдим, саволларимга жавоб топа олмасдим. Катта бўлсан, институтни битириб, биринчи манашни олганимда, унга бирор-бир арзийдиган нарса олиб бераман, деган фикр пайдо бўлди.

Ииллар ўтиб, худди шундай пайт келганида, эндинга уйланган хотинимга маслаҳат солдим. «Ўйлаб кўринг, у нимани яхши кўрарди?». Сира эслай олмадим. Тўғри, у одамларни, тўйларни яхши кўрарди, тўйларда самоварга гўлаҳ-ўтин ёқувчи бўларди, сой бўйига бориб, тошларни томоша қилишни, кўчаларни, адирликларни кезишни, яккақўл кампир-у аёлларга, ёлғиз рўзгор бўлганларга совукбулоқдан сув ташиб ёрдамлашишни, болаларга қўшилиб мол бокишни яхши кўрарди. Нимани ёмон кўрарди? У машинага минишини, ёнғок тагига бориб ўтиришни ёқтирумасди. Айтишларича, худди шу дараҳт тагида бир кеча ётиб колиб,

олти ёшида дали-гули, девона бўлиб қолган экан. Уни кийим-кечак, бойлик, еб-ичиш ҳам қизиктирмасди. «Унда кийин экан, сизга бирор маслаҳат бера олмайман», – деди хотиним. Анча қунгача ўйланиб юрдим. Панжи ҳақидаги билганиларимни бирма-бир эсга олдим. Қизик, уни қачондан бери таниганимни эслай олмадим. Назаримда, у ҳамиша биз билан бирга бўлган эди. Биз болалар кишлоқда каерда бўлмайлик, чўмилишда, мол бокишида, кўчаю адирликларга тентирашда, тўй-ҳашамда, хосил йигишида, қишида кор курашда, кураш, кўпкарида у бирга эди. Факат мактабга бормас, ўқимас эди. Аммо исмини, одамларнинг исмини сойда ўйнаганимизда, кумга ёзиб кўрсатарди. Баъзан Бўри муаллим сой бўйидан ўтаётгандарни бирма-бир кўрсатиб, бу ким, бу ким деб, зэмаланиб сўради. Шунда у баъзи кишиларнинг исмини бузиб айтар эди. Эсимда, Эргаш деган киши ёнимизда эди, Бўри муаллим «бу ким» деб сўради. Панжи эса Эшшак деб жавоб қилди. Биз аввалига Эргаш сўзини тўғри айттолмас экан, шунинг учун бўлса керак деб ўйладик. Бўри муаллим бунинг сабабини кейин айтди. Эргаш ака бедазорга коровул бўлганида, ўтлашга кирган бир эшакни ҳайдаб чиқариш ўрнига, милтиги билан отиб ташлаган. У пайтларда коровулларга бундай хукук бериларди. Шунинг учун Панжи унга ўзича лакаб қўйган экан. Одамлар Ҳайназар акани кўрсатиб, бу ким деб сўрашса, Панжи уни ҳанги дер эди. Бунинг ҳам сабаби бор экан. Ҳайназар ака ичганида, эшагини қаттиқ ураркан. Шунда эшак ҳанграб, кулокни батанг қиласа экан. Хуллас, Панжи қишлоқ кўзгуси эди. Уни соддалик билан, ҳеч бир гапни бежамай, очик айтгани учун ҳеч ким уруша олмас эди. Одамлар уни хафа килишга йўл қўйишмас эди.

Панжи кўпинча Сарбозордаги катта йўл бошида турган япалоқ харсангтош устида ўтиради. Бу ерга яқин жойлашган дўкондан сотувчи Нормамат ака транзисторини олиб чиқиб кўяр, Панжи концерт тинглашни яхши кўтарди. Айникса «Галдир» кўшигини эшиганида, кўзларидан ёш окқанини кўрганман. Хаёлимга

лоп этиб бир фикр келди. Мана, нима, унга транзистор совға килиш мүмкін. Хотиним ҳам бу фикримга күшилди.

Күп ўтмай, транзисторни олиб, кишлоққа келдім. Баҳорнинг илимилик кунларидан бири эди. Кайфиятим чоғ эди. Нима бўлганда ҳам йиллар оша бир нотавон, бир мунис ва ғариб йигитни кўнглини овлаш қандай яхши, деб ўйлардим ўзимча. Автобусдан ўша Панжи ўтирадиган бекатда тушиб, энди бир-бир қадам босиб бораётган эдимки, сой ёқалаб, келаётган акамга кўзим тушиди.

— Уйда транзистор бор эди-ку, тағин олиб келибсанми, — деди акам салом-аликдан сўнг.

Мен бу совға Панжига эканлигини айтганимда, акамнинг пешонаси тиришди. Мен аввалига тушунмадим: акам бундай муруватлардан хурсанд бўладиган одам эди.

— У ўлди, — деди акам.

— Ким ўлди? — деб сўрадим қулокларимга ишонмай.

— Шўрлик Панжи-да, — деди харсангтош устидаги ўтирган кампир. — Бир ойдан ошди, эшитмаган экансан-да.

— Ие, нимага ўлади, — деб юборибман худди Панжи ҳеч қачон ўлмаслиги керакдек.

— Нима бўлди унга? — дедим яна шоша-пиша.

— Нима бўларди, худо берган жонини қайтариб олди-да.

— Ундей деманг-э, — деди ёнидаги бир ёш аёл. Кейин мен томон юзланиб гапида давом этди. — Бир кариндоши духтур эди, кишлоққа кўчиб келган эди. Уша киши Панжининг бундай оёқяланг юришидан ор-номус қилиб, уни зўрлаб кийинтирди. Туппатузук юрган Панжи шундан сўнг касал бўлаверди. У шўрликнинг қорда кета (кэди демоқчи) кийиб, йиқилиб, сурилиб юрганини кўриб роса ачинган эдим. «Хой, кўйинглар, бунга ҳеч нима керак эмас, озгина овқат-у ширин сўзларингни аямасангизлар бўлди» дейдиган одам топилмади.

Кимдир кўлимдан транзисторни олиб, транзистор кулоғини бураганини ҳам сезмабман. Шу пайт радиодан хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Панжи яхши кўрадиган «Галдир» ашуласи таралди. Ҳамма жим қолди. Панжи энди орамизда йўқ бўлса-да, аммо уни юракда, қалба акс садо берувчи мана шундай кўшикка айланиб кетганилигига ишониб ўтирадик.

2007 йил.

БИР КУНИ ЧУМОЛИ БЎЛИБ...

«Сиз нега касалхонада ётибсиз», дейсизми? Дўхтирлар ошқозонинг заҳарланган дейишди. Нега, қандай қилиб – ҳайронман. Очифини айтганда, мен табиатан зиёфатлардан қочиб юрадиган, нафсига қаноат қилиб юрадиганларданман. Ўша куни бор-йўғи бир бўлак котган нон еган эдим. Балки, ўша, гиёҳи беҳиштни кидираман деб, бўлак ўтни еганимдан шу кўйга тушгандирман. Гиёҳи беҳиштни эшитмаганман, дедидингизми? Мен ҳам илгари эшитмаган эдим. Кишлoғimизда сизу биз билмаган гиёҳлар кўп. Ҳар гал қишлоққа борганимда қишлоқ бошидаги Довулкўргонни зиёрат қилиб қайтаман. У ерда чашмалар кўп. Сув ёруғлик дейдилар, шунинг учунми, у ерда негадир рухим яйраб кетади. Бир куни шу томонга кетаётган эдим. Йўлни калта қилиш мақсадида, қабристон якинидан ўта бошладим. Атрофини ўт-ўлан босиб кетган эски қабрлар ўйилиб, чўкиб қолган, янгидан дўппайғанлари ҳам кўзга хунук кўринади. Қабристонга ўтишдан аввал сўқмок пастида, шундайгина йўл ёқасида чулдираб турган чукур чашмага тушдим. Чашманинг суви оз бўлса ҳам бир парча ерни кўказак қилиб туарди. Ҳовучимга сув олиб ичдим, роҳатланиб бош кўтардим-у, булок чеккасида бўйи бир қарич келадиган гиёҳга кўзим тушди. Шунгула бўлса керак, деган хаёл билан узиб олганча, дўнгликка кўтарилдим. Қабристон ёнбошида баҳорда кўカリб, энди кувраб қолган чимзор кўринди, мен шу ердан ўтарканман, бута ёнида чумолилар қатновини

күрдим. Йўловчи чумолилар шу қадар кўп эди-ки, уларни электрон машинаси ҳам санаб улгурмаса керак, деб ўйлайсиз. Шу хаёл билан кўлимдаги гиёхни оғзимга солдим-у, бирдан кулоғим шанғиллаб кетди. Миямга кон урилди, гандираклаб кетдим. Чумолилар ўтаётган йўл ёнида чўккалаб ўтириб қолгач, ўзимга келдим. Аммо, қизиги шундаки, кулоғимга турли-туман, мулойим, ингичка оҳанг-товушлар эшитила бошлади. Бу товушлар худди бузук телефон дастасидан уланиб колган бегона кишилар суҳбатини эслатарди. Мен аввалига, нима бўляпти ўзи, деб атрофга алангладим, аммо, ҳеч кимни кўрмадим, шундан сўнг бу чинкиллаб сўзлашаётгандар – чумолилар эканини пайқадим. Уларни худди тушда кўраётгандай эдим.

Чумолилар бир-бирларига «хорма», «бор бўл», «кувончинг кўпайсин», «сенга ҳам шуни тилайман» кабилида мурожаат қилиб ўтишарди. Уларнинг ўнг томонга кетаётгандари дон-дун, қилтиқ-ҳас ташиб боришарди. Қарама-қарши томондан келаётгани эса, афтидан юкларини қўйишиб, яна ишга, озуқа ташибга кетишарди. Мен гужон бўлиб ўтаётган бу митти жониворларнинг юкли-беюклари бир-бирларига ҳалақит бермай, яъни кўча қоидаларини бузмай ўтаётгандарига койил қолиб кетдим. Бу қатнов йўлда бирорта бетартиб, бўлак йўл солиб кетаётган конунбузар мутлако кўринмасди. Айниқса, юқдан бўшаган оғизчаларини енгилгина силкитиб, салом бериб ўтаётган ёш чумолиларни айтинг. Хуллас, бу тартиб-коидани кўриб, беихтиёр «койил» деб юбордим.

– Нимасига койилсан, эй одамзод? – деган товуш эшитилди яқинимдан.

Мен бундан шошиб колдим, кўз-кирим билан секинаста товуш эгасини излай бошладим.

Мана, мен бу ерда, оёғинг олдидаман, ҳушёр бўл, тагин эзиз қўймагин, – деди яна ўша товуш эгаси.

Ана шундан сўнг, мен оғзидан юкини қўйиб турган сарик чумолини кўрдим.

– Биламан, сен чумоли тилини тушуниб қолганингга ҳайрон колаётирсан, – деди чумоли. – Бунинг сабаби

шуки, сен булоқ бүйида ўсган гиёхи беҳиштдан егансан. Боя булоқ бүйига борган қавмларимдан бири ея-ётганингни кўрган экан. Энди сен, то қуёш ботгунича тилимизга тушуниб, биз билан сўзлашиш қувватига эгасан... Хўп, қани, сен жавоб бер-чи, нега ўз-ўзингдан «қойил» деб юбординг?

Мен ҳалиям чумолининг гапига тушунишдек мўъжизага ақлим бовар қилмаганимдан, тилим лол эди. Нихоят, тупугимни ютиб, жавоб килдим:

– Нега қойил қолмай? Шундай тифиз йўлда, бунинг устига қарама-қарши қатнов бўла туриб, бирорта ҳам чумоли тўқнашиб кетмаяпти.

– Гапингга тушундим, – деди чумоли, – сен чумоли йўлини одамзод йўли билан такқослаяпсан-да. Одамзод кенг йўлда, кўча ҳаракатлари белгили-қоидали бўлишига қарамай, бир-бири билан барибир тўқнашиб юради. Шундайми?

– Сен буни қаердан биласан, – дедим оғзим очилиб.

– Нега билмайин. Сен кўриб турган бу чумолилар оддий эмас, биз асли одамзод қавмиданмиз.

– Шунака дегин, – дедим мен уни қалака қилмокчи бўлиб, – қани, мундайроқ тушунтириб бер-чи? Балки, худо лойимизни бир жойдан олган чикар?

Чумоли ёнидан юк ташиб ўтаётган ориккина чумолини тўхтатди.

– Хурматли бошлиқ, – деди бошчасини кимиirlатиб, – менга қуёш ботгунча рухсат берсанг. Одамзодга ул-бул нарсани тушунтирсам.

Орик чумоли жавоб килди.

– Сенга ижозат, донишманд.

Чумоли бошлиқ шундай деди-ю, йўлида давом этди. Мен чумолилар бошлиғини ҳар қалай жуда ўзимиздаги сингари ҳашаматли хонада, юмшок креслода ўтиришини тасаввур қилмаган эсам-да, ҳар қалай бирор уя-омборнинг чеккасида ўтириб, қатновни, келди-кетдиларни ҳисобга олса керак, деб ўйлаган эдим. Ажабки, уларда бошлиқ фукароси билан теппантенг ишлар экан.

Бошлиқ чумоли күзжан ғойиб бўлгач, ишчи чумоли яна тилга кирди:

– Эй, одамзод! Биз сизнинг қавмингиз бўламиз, десам, ишонмадинг. Энди эшит. Гап шундаки, биз мана шу кабристонда ётган марҳумларнинг тириклигида ишлатилмай колган мияларидан чумолига айланиб чикқанмиз. Инсон суратида юрган пайтларимизда, инсонлик ҳақ-хукукимиз teng бўлса ҳам, уни сустеъмол қилганмиз, яъни бир-биримизнинг кўзимизга чўп сукиб яшаганмиз. Мана энди чумолига айланиб колганимизда, ўша хатоларнинг ўрнини босиш учун ўзимизнинг темир конунларимизни яратганимиз. Бу қонун ҳаммага баробар. Биз қонунни инсончалик сустеъмол қилмаймиз. Чумолиларнинг бирдан-бир мақсади шу.

Мен ҳали ҳам чумолининг гапларига ишонмай турардим.

– Бўлмаса нега сизлар инсон тилида гапирмайсизлар? – деб уни мот қилмокчи бўлдим.

Чумоли менга шундай деди:

– Инсон тили, бу шартли, ўзи ўйлаб топган товушлар йигиндиси. Бизнинг тилимиз эса табиий сезгилар асосига қурилган. Бутун тирик мавжудотнинг тили – бу сезгилар. Инсон ҳам бу сезгидан маҳрум эмас. Аммо, у дунёнинг майда-чуйда ишларига шунчалик берилиб кетганки, натижада сезгилардан маҳрум бўлган.

– Сен қанақа майда-чуйда ишларни назарда туласан?

– Мана айтайлик, қоғозбозлик, беҳуда расмиятчиликлар. Ёки гапим нотўғрими?

Мен нима деяримни билмай, елкамни кисдим.

– Инсон миясидаги сон-саноқсиз сезгилар ишлатилмаса, харакатга келтирилмаса, улар ғафлат уйкусида колаверади. Биз миядаги ана шу сезгилардан яралган чумолилармиз.

Мен чумолининг бу гапларидан даҳшатга тушдим. Мени чумолининг бу қадар зукколиги ўйлантириб кўйди. Қаердан билади у бундай гапларни? Ёки у бирорта машхур донишманднинг аклидан яралганмикан? Аммо, бизнинг кишлоғимизда катта донишманд-

лар ўтганини эшитмаганман. Шунинг учун бу гапни эхтиёткорона сўрадим: «Сен бундай гапларни қаердан биласан?»

– Нега билмайман. Энг зўр китобларни битган қанчаканча буюк зотлар бу қаро ерда ётибди. Биз – одамзод қавмидан бўлган барча чумолилар бир-биримиз билан мулоқотда бўлинига интиламиз.

– Нега керак сизга бу мулоқотлар? – дедим.

– Нега, дейсанми? Ҳеч бўлмаганда, инсонликда қилган хатоларимизни, гуноҳларимизни англап учун. Кейин, баъзидা сенга ўхшаган гиёхи беҳиштни еган инсонга билғанларимизни етказиш учун.

– Гиёхи беҳишт еганлар тез-тез учрайдими? – деб кизиқиб сўрадим.

– Йўқ, – деди чумоли афсусланиб. – Энг ёмони шундаки, неча йиллар, неча ойлар давомида битта-яримта киши бу гиёхни учратади. Лекин уларнинг баъзиси бизнинг гапимизга ишониб, баъзиси ишонмай кетади. Шундай бўлса ҳам биз ўз билғанларимизни етказишга уринамиз.

– Шу қишлоқдан якин йиллар ичida бирор киши гиёхи беҳишт еб келган жойи борми?

Чумоли ўйланиб колди.

– Ўтган йили Мўмин лов-лов деган киши келган эди, – деди у. Мен беихтиёр, савдои, пайдар-пай гапирадиган Мўмин акани эсга олдим.

– Ахир у если-ҳушли одам эмас-ку?, – дедим чумолига.

– Нега шундай дейсан. Ахир сен ҳам одамларга «мен чумолилар тилини тушуниб, улар билан гаплашдим», десанг, улар сени ҳам эси ўйка чиқаришмайдими?

Шунда мен Мўмин лов-ловнинг гапларини эсладим. У агар бирор киши қурт-кумурскага азоб берганини кўрса, дарҳол йўлини тўсарди.

– Курт-кумурска ҳам худонинг бандаси. Унинг ҳам сенга ўхшаб жони бор. Тегма уларга, – дерди.

Мен энди чумолининг ҳак эканлигига икрор бўлдим. Чумолига кўзимни тикканча, ўйлай бошлидим. Мана шу жонивор қайси зотнинг миясидан ярал-

ган экан. Балки мен ўша зотнинг авлод-аждодларини топарман. Чумоли бу саволга жавоб беришдан қатъий бош тортди.

— Бунга биз чумолилар қасамёд қилғанмиз, — деди у.

Мен ундан яна нималарни сўрашни ўйлай бошладим.

— Сенга иккита таклифим бор, — деди чумоли. — Биринчиси шуки, хоҳласанг, чумолилар уясига сени таклиф қиласман.

— Боришига борардим-у, лекин мен чумоли уясига канакасига сиғаман?

— Гавданг шу ерда колаверади. Мен сенга оёқ тегизишим билан миянг чумоли шаклига айланиб, мен билан бирга кетаверади.

Мен шу ерда кўрқоқлик килдим — миям гавдамни ташлаб кетишини сира хоҳламасдим. У ерда менга нима бор, гавдам безга қолса? Ахир унга қанча меҳнатим сингган. Онам тўққиз ою, тўққиз кун корнида кўтарган, саккизга кирганимга қадар ок ювиб, ок тараган бу гавдани. Мана, йигирма саккиз йилки, уни мен авайлаб келаман. Шундай бўлгач, қандай қилиб гавдамни бекордан-бекорга, тўсатдан ташлаб кета оламан.

Чумоли хаёлимдан ўтган гапни фаҳмлагандек, шундай деди:

— Барibir одамзодлигингга бординг. Гавдангни ташлаб кетишга кўзинг киймаяпти. Майли, бўлмаса, иккинчи шартни эшиит. Сен ўзинг ҳақингда билганларингни, кўнглингда неки дарду ўйларинг бўлса, барини айтиб берасан. Балки, мен сенинг бирор дардингга малҳам бўларман.

Мен очигини айтганда, ундан катта мўъжиза кутган бўйсам бордир, лекин бунақа таклифни эшиштаман деб ўйламаган эдим. Тўғри-да, мен ўзимни мухбирликка урганимдан бери ҳамманинг дардини тинглашга мажбур бўлганман. Аммо, мен-чи, мени ким тинглайди, буни ҳеч ким ўйламайди. Ҳозир эса, шундай бир қулай имконият бор экан, нега мен бундан фойдаланмаслигим керак экан. Ахир дардини тўқкан одам енгил тортади, дейишади-ку. Ахир Искандарнинг шохи борлиги-

дан воқиғ бўлган сартарош бу сирни ҳеч кимга айта олмай, охири кудукка айтиб, енгил тортган-ку.

Хуллас, мен кўп ўйлаб ўтирмай, ўзим ҳақимда билганимча очик-ошкор гапира бошладим.

Чумоли менинг гапимни бирпас тинглаб турди-да, «Кўй, бунақа таржимаи ҳолни. Мени туйғуларингнинг таржимаи ҳоли кизиктиради. Сен шундан гапир», деди.

— Кўйсанг-чи, бу жуда қийин масала, — дедим унга. — Сен уни тушунармидинг.

— Майли, айтмасант — айтма, — деди чумоли.

Лекин мен айтмасдан қўярмидим? Ахир туйғуларимнинг таржимаи ҳолини, уларнинг туғилишлари-ю, йўқ бўлишларини чумолидан бўлак кимга ҳам айтиб бўларди? Нега дейсизми, ахир мен ҳам ҳамма қатори ўз туйғуларимни яшириб юраман-да. Баъзан, ичган маҳалларим, уларни хотинларнинг безаги каби кўз-кўз килишга ошиқаман. Шўрлик туйғулар ана шундай қилиб эгасининг қачон сахийлик қилиб озодликка қўйиб юборишини ҳар доим сабр-токат билан кутишгани-кутишган. Бисотимда колган туйғуларни олиб қарай-чи, деб ўйладим. Мана, одамзоддаги илк туйғу бу, у ўзлигини англашдан бошланган, шекилли. Бу туйғунинг шакли игнанинг учидек келади, аммо, олтиндек тоза, қараган кишининг кўзи камашади. Менда бу туйғу тугилганида ёшим тўртларда эди. Ўша пайтларда ёшим нечадалигини билмасдим, албатта. Хотирамда ҳовлимиздаги катта тўй-шодиёналар манзараси бир умр парчаланиб колган. Кейин билсам, икки акамнинг қўшалоқ суннат тўйи бўлиб, ўша пайтда уларнинг бири саккизда, иккинчиси олти ёшда эканлар. Ана шундай ҳисоб-китоб қилинса, мен албатта тўрт ёшда бўламан. Хуллас, ўша куни мен кимдир ўргатган қўшикни такрорлар эдим:

Жийда қоқай тўйингда,
Жийда қоқай тўйингда.

Тўйда нима учун жийда қоқиш керак, бунинг маъ-

носи нима, рости, ҳалигача билмайман. Кейин, қўлимга қаердандир шўрва солинган сопол товок тушиб қолди. Уни кимгадир, қаергадир элта туриб, гилам устида ўтирганларнинг бирига тўкнашиб кетдим. Қўлимдаги товок тушиб, шўрва бир одамнинг елкасига тўкилиб кетди. У одам кўкрагини чанглаб, ўрнидан турди, менга эса, «қўй, йиғлама» деб зўрма-зўраки жилмайиб каради. Унинг киёфасидаги оғриқ аралаш мени авф этган ифодани шу вактгача унупотмайман. Мен йиллар ўтиб унга (у холамнинг ўғли эди) ўша воқеани эслатганимда, у «рост, шундай бўлган эди, сен тўкиб юборган шўрвадан мана бу еrim куйган эди», деб, кўксидаги чандикни кўрсатди. Мен хижолат чеккандай бўлиб, унинг кўзларига тикилдим ва бу кўзларда бир пайтда мени авф этган мулоим ифодани кўриб колдим. Мана шундан бери юрагимда унга нисбатан миннатдорчилик туйгуси яшаб келади. У менинг қалбимга нур, юрагимга кувват беради.

Мен хаёлан етти-саккиз яшарлик пайтимга қайтаман. Лабларимда беихтиёр анорнинг, олунинг таъми пайдо бўлади. Сўлагимни ютиб, пахса девордан ошиб, иккичу анорни узиб, майкам ичига жойлайман. «Қани бўл, кетдик», – дейди ҳамроҳим. Бир маҳал ёнгинамиздан, «Тўхта!» деган товуш эшитилади. Шеригим бир зумда девор кемтигидан ошиб, жуфтак ростлайди. Мен эса энди кочмоқчи бўлганимда, кимнингдир омбурдек кўллари бўйнимни кисади. Бир дам нафасим чиқмай қолади. Кейин ўша қўллар мени олдинга итқитиб, майкам ичидан уч дона анорни чикариб олади. Мен энди рўпарамда шоп мўйловли, шокосадек чиққан кўзларни кўраман. Бу – колхоз чорбоининг коровули Ғани эди. У мени бир туп ёнғоқ тагига бошлаб, дўппайган бир қабрни кўрсатиб, шундай дейди:

– Мана, кўрдингми? Мен мана шу ерда бир одамни сўйиб, кўмганман. Мана энди сени ҳам сўяман.

У шундай деб ёнбошига осилган узун пичокни кинидан суғуради. Пичоқ қуёш нурида бир ярк этади-ю, мен тахтадек котиб қоламан. Эсимда қолгани шу. Эр-

таси кўзимни очиб қарасам, уйда ётибман. Мен тирик эканлигимга ишонар-ишонмай кўрпани, кейин бошимни ушлаб кўраман.

— Ўзимизнинг боғ тўла анор бўлса, нима қилардинг болам, ўша ерга бориб, — дейди онам.

— Бола-да, бола, — дейди момом, — ўғлингга кўпрок иш буюриб тургин. Бекорчиликдан бола бечора нима иш қилишини билмай зериккан-да. Оғзидан кони келгур Ғани мохов болани шундай кўркитадими?

Мен шулар ҳакида гапирав эканман, чумолидан ўша марҳум Ғани акани таниш-танимаслигини сўрадим. Ахир у ҳам мана шу қабристонга кўмилган.

— Ҳа, танийман, — деб жавоб қилди чумоли. — Биласанми, унинг уч юз йил аввал ўтган бобокалонларининг касби жаллод бўлган, Ғани аканг конига тортиб, отабобосидан ўтган қўл хотираси билан пичок ўқталиб, сенга шунчаки дўк-пўписа кильмокчи бўлган.

— Демак, ҳали уч юз йил аввал манфур касб билан шуғулланган ота-бобоси учун Ғани aka ҳам ёмонотлик бўлиб юрибдими? — дедим.

— Начора, — деди чумоли. — Конни, ирсиятни бирдан тозалаш қийин... Яна бир сирни айтишим мумкин.

— Қани эшитайлик-чи?

— Боя олдимизга келиб тўхтаган бошлиқ чумоли Ғани aka эди, билсанг.

Мен бу сафар ҳангуд манг эмас, хафа бўлиб кетдим.

— Наҳотки, — дедим унга, — шундай баджахл одам сизга бошлиқми? Бу ерда ҳам у йўлини топибди-да.

— Ундей эмас, — деди чумоли. — Бизда энг кўп ишлаган киши бошлиқ қилиб тайинланади. Ғани aka инсонлигидаги гуноҳларини ювиш учун ҳаммадан кўп елиб-югуради, шўрлик.

— Ўзинг боягина ирсиятни тозалаш қийин дедингку. Наҳотки, у ювош тортиб колган бўлса.

— Биз чумолилар инсон миясининг факат эзгулик кисмидан яраламиз, — деди чумоли. — Бунга шубҳа кильмасанг ҳам бўлаверади. Яхшиси, сен ҳикоянгни давом эттири.

— Яхши, — дедим-у, күнглимда мавжуд туйғулар таржимаи ҳолини бирма-бир айта бошладим.

— Биласанми, сен менга товуш чикариб, гапириб ўтирма. Яхшиси, хаёл сур. Ҳаёлингдан нималар ўтганини мен англаб тураман. Факат бунинг учун оёғингга сал тегиб турсам, бас, — деди чумоли.

— Майли, — дедим мен. Сўнг, тиззамни кучоқлаганча, узук-юлук хотираларни эслай бошладим.

Болалик хотираларида эсласа эслагудек воқеалар жуда кўп. Аммо, шундай воқеалар борки, улар хаёл кўзгусида худди филофга солинган кинолентадек тайёр туради. Исталган дақикада улар хаёл экранида лип-лип этиб, қайта жонланади. Балки, пайти келиб, кўнгил экранидаги бу тасвирларни ёзиб оладиган магнит лентаси ўйлаб топилар. Мен шуни хаёл килатуриб, беихтиёр болалик хотиралари ёзилган хотира лентасини томоша қила бошладим.

Ана, пахсадан қилинган икки хонали уй. Даҳлиз ва оромгоҳ. Ҳалигача ҳам ўша уй мен кўрган барча ўйлардан иссиқ, шинам, кенг, гўзал туюлаверади. Ўша икки хонали уйда саккиз жон яшасак-да, кенг-у мўлдек туюларди. Орадан йиллар ўтиб, мен олти кишилик оилас билан уч хоналик иссиқ-совуқ сув, кулай ҳожатхонаси бор уйга аранг сиғишимизни ўйлаб, ҳайрон бўламан, бунинг сабабини кўп ўйлайман, ичим сикилади. Балки бу жумбокни менга чумоли ечиб берар.

— Сен ердан ажраб коляпсан, — дейди чумоли ноҳосдан. — Ер тафтини хис килиб турмаган ҳар қандай тирик жонга осмону фалак ҳам торлик килади.

«Тўғри айтдинг, чумоли» дейман ичимда. Кеча кизим уйимизнинг кайси бир хонаси деворларига қаламчизгилар килганига хотиним озмунча уришдими? Мен худди шу ёшда, олти ёшимда уйимиз деворига акаларим ўргатган исмимни пичоқ билан ўйиб ёзмаган эдимми? Буни бехосдан онам кўриб қолиб, «болам, деворнинг ҳам жони бор, уни пичоқ билан тилсанг, жони оғрийди» демаганмиди? Ҳозир ҳам бағри тирналган девор ёки тошни кўриб колсам кўнглим увишиб кетади. Мен болаларимда ҳам раҳм-шафқат туйғуси

туғилишини жуда-жуда хоҳлайман. Ахир эзгу туйғулар ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди. Улар инсон қалбидагифлат уйқусида ётган бўлса уйғотиш, мавжуд бўлмаса яратиш лозим эмасми, – деб ўйлайман. Мени кечалар кўпроқ мана шу муаммолар безовта қилади. Айникса, ерга, табиятга мухаббат туйғуси бўлмаган инсон ҳар қандай жиноятга қодир эканлигини ўйлайман.

– Кўп ўксинма, – деб фикримни бўлди чумоли, – сен чумолига айланганингда факат табиятни дилингга жо айлаб яшайсан. Яхшиси, менга айт-чи, сени нималар ташвишга солади, шулар ҳакида гапиргин. Чунки, вақтимиз зиқ. Ана, қара, қуёш ботишига оз қолди.

– Нима десам экан, сенга. Агар тилла балиқдек, сен ҳам тила тилагингни, деганингда, бошка гап эди. Ташвиш-ҳасратимни бирорга айтишга ўрганмаганман. Шунинг учун дўсту душманларим мени «бу ичидан пишган, жуда писмик», дейишади. Балки улар ҳакдир. Лекин мен бир донишманд айтган гапга амал қиласман. У шундай деган: «Ғаму ҳасратингни ўзингга қолдир, шодлигингни дўстларинг билан баҳам кўр, нафратингни душманларинга асра».

– Сенинг ташвишларингга балки менинг бирор хизматим аскотар. Ахир мен ер юзидан кўра, ер остида кўп бўлган инсонлар дунёсидан элчиман. Қолаверса, биз ёруғ дунёда яшаётган қавмларимизнинг қандай дарду ташвишлари борлигини билгимиз келади.

– Сен факат туйғуларнигина тушунишга қодир экансан. Шунинг учун яна мендаги икки-уч туйғунинг таржимаи ҳолини гапириб бераколай. Балки шунда сен мени жиндек тушуниб етарсан.

Чумоли гапимни маъқуллади.

Мени энг катта қийноққа соладиган нарса, сўз олдида жавобгарлигимдир. Ҳали-ҳали, бундан саккиз йил муқаддам, уй бериб қолишар, деб бир амалдорни мақтаб ёзганимни сира кечира олмайман. Ўша амалдор менга уйни ўз навбатим билан берганида раҳмат айтганим ўзимга алам қиласми. Эл қарғишига учраган ўша одамни мен «хурматли фалончиев» деб атаганим алам қиласми. У киши мен учун ҳам, элу юрт учун ҳам

хурматли эмас, қаллоб эканлигини мен ўшандаёк билган эдим-ку. Баъзи кечалари ўша сўз менинг томоғимдан ғиппа бўғади, «нега сен мени ўша ярамасга сотдинг, нега мен хор бўлдим» деб ҳоли-жонимга қўймайди. Ана шунда мен ўйлаб қоламан: ўзимга-ўзим хиёнат қилиндиқ бу иллат менда қаердан пайдо бўлди, ўзи? Ўша биргина бекадр бўлган сўз, ўша сўз мени кўпдан бери таъкиб килади. Қани сен айт-чи, мен қачон унинг бу таъкибидан кутула оламан?

– Бу дардинг бедаво, – деди чумоли. – Сендан аввал ўтган аҳли дониш ҳам, энг катта гуноҳ, бу – сўзни бекадр қилмоқ, деганлар. Мен буни чумолилар мажлисида айтиб кўрарман. Балки бирор фатво топилар.

– Мендан фактат сўз эмас, туйғум ҳам ранжиган. Бу воеа шундай рўй берди: Мен авваллари ҳеч қачон бўлмаган бир шаҳарда юлдузи иссик бир ой юзлини кўриб қолдим. Қизиғи шундаки, мен уни танидим. У билан бу умрим бино бўлганидан бери учрашган эмасман, лекин негадир юз йил, эҳтимол, минг йил бурун у мен билан бирга яшагандек туюлди. Уни кошу кўзидан танидим. Кўзлари минг йиллик хотиротнинг ифодасини айтиб турарди. У ҳам мени кўзларимдан таниб, тўхтади. Иккаламиз ҳам сукут сақлаб гаплашибдиқ. Сўнг мен тўсатдан хотиним... болаларим борлигини эсладим-у ўз туйғумдан уялиб кетдим. Ой юзлига меҳрим тушишидан кўркиб, туйғумни жиловлаб олдим. Ой юзлини, гарчи у билан орадан минг йиллар ўтиб учрашганимизга қарамай, тезда тарк этдим. Туйғумга эса, «ҳа, менда бир лаҳзалик заифлик пайдо бўлди, у ҳозир ўтади-кетади» дедим. «Ёлғон!» деб кичкирди туйғу. – Сен кўркоқлик килдинг. Бу туйғу мени бир неча кунлар таъкиб қилди, ёқамдан олиб, қанчалар сўкканини айтсанг. Бир куни у тонгда мени тарк этиб, шеърга айланиб кетди. Унинг дард-фарёди мана шу сатрларда жамулжам бўлди:

Олтин сукунатдан яралган дилбар
Нурли нигоҳингдан кўзим қамапди
Андак бир ҳаё-ку, хисни жиловлар:
Шошма, – дер ул рўё, кўзинг адашди.

– Тұхта, тұхта. Бу түйғу бир сени эмас, күпларни ҳам безовта қилиб келади, – деди чумоли. – Балки у сени бир умр тергаб, безовта килар. Қой, у ҳеч бўлмаса шу билан аламидан чиқсан.

– Мен бу түйғуга ўта қаттиккўл бўлганимни тан оламан. Лекин мени бошқа бир түйғу боис юрагим кўркоқ, титрайдиган бўлиб қолган. Мени мана шу кўп ташвишга солади.

– Кўринишингдан ҳечам кўркоққа ўхшамайсан-ку, – деди чумоли. Кўнглингда ҳам кўркув сезмадим.

– Йўқ, бу гапинг нотўғри, – дедим мен. – Якинда танишлардан бири менга, «сен кўркоқсан» деб айтди. У буни муштлашиш баҳонасида айтди. Мен ўзимнинг кўркоқ эмаслигимни исботлаш учун у билан муштлашдим. Ўша кеч уйга курсанд бўлиб қайтар эканман, бирдан аҳмоқона иш қилиб кўйганимни англадим. Ахир, аслини олганда, мен юрагимда анча-мунча кўркув сезаман. Уйим кўча бошида, автомашиналар тинимсиз ўтиб туради. Болаларим кўчага чиқиб ўйнашса, ҳар сафар улардан хабар оламан. Уларнинг машина йўлига чиқиб кетишидан кўрқаман. Уйимизга иссиксовук сув, газ, яна аллақандай кувурлар ўтказилган. Ўтган ёзда ана шу кувур кудуғига эридан эндинга ажралган ёшгина бир жувоннинг яккаю ягона ўғли тушиб кетиб ўлди. Унинг фарёдини эшитганимдан бери, менинг ҳам юрагимда кўркув пайдо бўлган. Хотиним дамкисма деган дардга гирифтор бўлган. У то бешинчи қаватдаги хонамизга ҳар чикқанида, нафаси қайтиб, жуда кийналади. Мен сафарга кетсам, уйда қолган хотиним-у, тўртта норасида гўдакни ўйлаб, қўркиб тураман. Баъзан хотиним телевизорни кўриб, вахима килади: «Дунёда озик-овқатдан ҳам кўра ўқ-дори кўп экан», дейди. Унинг ваҳимаси мени яна ташвишга солади. Ахир унга ортиқча ҳаяжонланиш мумкин эмас. Нафаси кисади-да. Эҳтимол, кўнглимдаги бундай кўркув туйғусини сен чумоли кўрмаётгандирсан. У аллақачон кўнглимда эмас, конимга сингиб кетган. Бу кўркувлар олдида муштлашиш масаласи нима деган

гап акир. Яна нима дей сенга, чумоли. Ана, қуёш ҳам ботиб қолди, вактимиз ҳам тугаб қолди.

Чумоли менинг гапларимни эшитиб бўлгач, шундай деди:

– Бу қўркувнинг чорасини билмадим, одамзод. Балки буни чумолилар мажлисида кўриб чикармиз. Агар жавоб топсам, албатта сенга етказаман. Хайр, ана, қуёш ботиб кетди. Хайр!

У шундай деди-ю, кўз олдимдан ғойиб бўлди.

Ана шундан бери чумолини учратганим йўқ. Ҳар гал қишлоқка борсам, албатта қабристон йўлига ўтаман. У ердан ўрмалаб кетаётган ҳар бир чумолига диккат билан тикиламан. Тириклик ғамида юрган ҳар бир чумолини «бу ўша таниш чумоли эмасмикан?» деб ўйлайман. Мана, неча ёз ўтди, ундан эса дарак йўқ. Лекин уни умид билан кутганим ҳам йўқ. Негаки, бир кунмас, бир кун мен ҳам чумоли бўлиб, унинг олдига жўнайман...

1979 йил.

БАЛАНД ТОҒЛАР ҚАЙДА БОР

Камол Жалилникига тез-тез келишга ўрганган. Лекин икки кунга етмаёқ бир-биридан зеришилади. Институтда бирга ўқиганда ҳам шундай эди: бири ижарадаги уйда, иккинчиси эса ётоқхонада туришиб, бир-бириникига меҳмон бўлар, аммо бир кунга етмай, айтадиган гаплари қолмасди. Бугун ҳам шундай бўлди. Лекин иккови ҳам сир бой беришмай, бир-бирига тикилиб ўтиришибди.

Камол келган куниёқ одатдагидек гапини қишлоққа нима етишмасидан бошлиди, мактабда ўқитувчилик килиш накадар оғир эканлигини таъкидлаш билан тутатди. Жалил эса аксинча, ўзи иплайдиган техникумдан оғиз ҳам очмайди. У якин орада ўқиган бирор китобдан гапиришни хуш кўради.

Камол Жалилникига кўп туролмайди. «Кетаман, уйда иш кўп» дейди. Оғиздан бу гап чикиши билан

Жалил уни вокзалга бошлайди. «Мен шаҳардан чиқа олмайман, ўзинг келиб тур», – дейди хайрлаша туриб. У бу гапни йўлига айтаётганини Камол билиб турди. Ичиди кулади. «Айтмасанг ҳам келиб тураман», дейди.

Камол рўпарасида ўтириб, стаканга арок қуяётган Жалилга қааркан, шу гаплар хаёлидан ўтди. «Мана, ҳозир шу гаплар яна айтилади», деб ўйлади. Лекин Жалил бу гал негадир айтмади. Гарчи, манзират учун бўлса ҳам, айтгани тузук эди. Камол шу гапга ўрганиб колибди. Шунинг учун поезд келгунга қадар у Жалилнинг оғзини пойлади. Жалил бўлса бепарво, у буфетнинг кичик деразасига тикилганча ўтирас, ичиш вақтида беихтиёр «соғ бўлайлик» деб кўярди. Хайрият, бу орада Жалилнинг ўртоғи Шодибой келиб келди-ю, бу зерикарли давра бир оз жонланди. Камол билан Термизга қариндошлариникига бораётганигини билиб олди. Уларнинг поезди битта бўлса ҳам, билетлари бошқа – бошқа вагонларга олинган экан. «У томонларга биринчи боришим, йўл кўрсатасиз-да», – деди Шодибой. «Албатта, – деди Камол, – Жалил туфайли сиз билан танишдик. Дўстимнинг дўсти – менинг ҳам дўстим деганлар».

Поезд келишига яқин қолганда улар перронга чиқишиди. Диктор поезд қайси йўлга бўлишини эълон килаётган эди, Жалил тўхтаб колди.

– Қаранглар! – деди у салкам қичкириб.

Камол чўчиб тушди. У ёк-бу ёкка аланглаб Жалилдан нима гаплигини сўради.

– Кўрмаяпсанми, каршингда фаришта турибди... Қаранг-а! Лекин ёнидаги йигит, худо урсин сассиқ алафдай ярашмаган турибди. Қасам ичишим мумкин, унинг кўнгли ҳам тоза эмас.

Камол Жалил ишора килган томонга каради. Тахминан ўн-ўн беш қадам нарида, перрондаги ёлғиз дарахт тагида йигит ва қиз туришарди. Йигит узун бўйли, орик, аммо корни беўхшов олдинга чиқиб қолган, ёнида эса алвон кўйлак устидан камзулча кийган, бошига

пуштиранг дуррача ўраган ўн етти, ўн саккиз атрофи-
даги бир киз.

– Киз жудаям гўзал экан, – деди Жалил энтикиб. – Шу киз бошқаники бўлса майли эди, лекин мана шу
калтакесакка бўлишини истамасдим.

Жалилнинг одати шу. Кўнглига бирор гап келди-
ми, тап тортмай айтаверади. Ёки шоирлар шундай
бўлишадими?

Жалил касби бошқа бўлса ҳам, унча мунча шеър
ёзиб юради. Камол бу билан фахрланади, давраларда
унинг шеър ўқиб беришини илтимос қиласди. У шеър-
ни тушунмайди, лекин ўртоғи шоир эканини одамлар
билиб кўйишларни истайди.

Жалилнинг нотаниш йигит ҳакида дабдурустдан
айтган гаплари Камолга ёқмади. «Нима бўлибди, йигит
чиройли бўлмаса. Ақли, тўрт мучаси соғ бўлса етади»,
ўйлади Камол.

– Киз унинг синглиси бўлиши мумкин, – деди Ка-
мол Жалилга. – Бир нима билмай гапиришинг яхши
эмас.

– Йигит ўз синглисига бундай карамайди, – деди
Жалил, жаҳли чиқиб. – Шуни ҳам сезмайсанми?

– Икковини ҳам танийман. Йигит қизнинг қайлиғи, –
деди Шодибой. – Юринглар, сизни танишитираман.

Улар йигит-киз олдига боришли. Камол қизни энди
яқиндан кўрди. Унинг жажжи оёқларидан тортиб,
кирра бурнига қадар силлик ва майнин эдики, қиз тиник
ва нозик митти гулни эслатарди.

Йигит, ҳакиқатдан, кўримсиз эди: пачок бурни, ёғ
босган юзи, ҳаммасидан ҳам шумлик билан тикилувчи
кўзлари Камолга нохуш таассурот колдирди. Шундай
бўлса ҳам йигитга очиқ кўнгиллик билан кўл узатди.

Улар дурустрок танишишга ҳам улгуришмади –
станцияга поезд кириб келди. Ҳар ким шоша-пиша ўз
вагонини излаб кетди. Камол Жалилнинг қўлидан совға
салом солинган тўр ҳалтани олди-ю, вагонга кириш-
дан олдин унинг оғзини пойлади. «Яхши бор», деди
Жалил: У шундай деди-ю, поезд кўзғалишини кутмай
орқасига қайтди.

Бор йўғи шу сўзни айтиш ҳам Жалилга малол келганлигини Камол далҳол сезди. Бундан хафа бўлди. Поезд кўзғалганда у шу ҳақда ўйларди. Йўқ, Камол энди Жалилникига оёгини босмайди. Шундай қилгани тузук. Эҳтимол, Жалил ҳак. Қизик, иккаласи кун бўйи ўтирса-ю, бир-бирига айтадиган гапи бўлмаса. Нега шундай. Унга хат ёзиб, шуни сўрасаммикан.

Эрталаб, Шодибойнинг олдига кетаётib, олдинги вагонда кечаги йигит дуч келди. Камол унинг отини эслаб колган эди. Акмал ҳам уни таниди. Олдига турган икки шиша пивога таклиф килди.

Акмал унга пиво қуйиб узатди. Камол узр сўради, эрталаб ичишни одат қилмаганлигини айтди. Факат йиғма стол устидаги нондан синдириб оғзига солди. Оғзига солди-ю, йўлакнинг нариги томонидан – иккичи каватдан ўзига бир жуфт бегона кўзлар нигоҳ ташлаётганлигини пайқаб колди. Камол у томонга бир караб олди-ю, Акмал ҳам буни кузатиб турганлигини сезди. Қиз ярим белигача чойшаб ёпиб ётар, оккуш қанотлари сингари қайтарилиган, силлик ва момик қўллари билан аллакандай бир рангли журнални ушлаган, аҳён-аҳёнда бошини улар томон буриб кўярди.

– Сен бирор нима емайсанми? – деди Акмал қизга.
– Йўқ, деди деди ғунча лабларини чўччайтириб.

Камол донг қотиб колди. Дунёда шундай ҳам мулоим, шундай ҳам тиник овоз бўларкан. Ё унга шундай туюлдими? Йўқ. Кеча Жалил уни мактаб адашмаган экан. Худо унга ҳам хусндан, ҳам товушдан берибди. Камол бирпас довдираб колди. У яна киз томонга каради. Қизнинг меҳр ёғилиб турган кўзлари уни саросимага солиб кўйди. Камол ўзининг ўттиз йиллик умри давомида кўп гўзал кизларни кўрган, аммо улар олдида ўзини ҳамиша мағрур тутган. Ҳатто, ўз хотинига ҳам унчалик бўйин эгмаган. Ана шундай мағрур, қаддини тик кўтариб юрган йигит ҳозир ўзини мағлуб сезганди. Ўзидаги бу заифликни сездирмаслик учун тез ўрнидан турди. Акмал уни ўтиришга кистамади.

Шодибойни топиб, у билан бирга вагон ресторара-

нига борди. Овқатлана туриб, яна қизни эслади. Кейин Шодибойга кечаги йигит-қизни олтинчи вагонга күрганлигини айтди.

Шодибой қизни ҳам йигитни ҳам яқиндан танимас-лигини айтди.

— Икки кун бурун ресторанда танишганимиз, — деди у. — Йигит ресторанда зиёфат берәётган эди. Мен эса бошқа даврада эдим. Уларнинг даврасида бир ўртоғимни кўриб қолдим. У бўлса мени қўярда-қўймай, ўз даврасига олиб кетди. Ўртоғимнинг айтишича, йигит реварлик. Лекин иши — Қаршида. Қизнинг отаси магазин мудири. У ичишга муккасига кетгандардан. Яқинда ревизияда катта камомад чикибди. Реварлик йигит бўлса, ревизор экан, унинг қизи туфайли ишни «ёпти-ёпти» килиб юборганмиш. Оқибатда, шу қушчани қўлга тушириб, энди Реварга олиб кетяпти.

Камолнинг йигит ва қиз ҳақидаги билганлари шу бўлди. Кулоғи Шодибояда-ю, ҳаёлида бояги қиз... Наҳотки у қиз шундай йигит билан яшашга кўнса. У йигит нафакат хунук, ҳатто дили ҳам нопок-ку. Қизнинг соддалиги, беғуборлиги киёфасидан кўриниб турибди. Бежирим бурни, нозик дудоқлари, қоп-кора кошлари... Баъзи қизлар ҳам шундай гўзал бўлади-ю, лекин кўнгилга ўтирумайди. Бу қизнинг юзида дилни яйратадиган бир нима бор.

У соҳибжамол қизни севиб қолгани йўқ. Лекин унинг мана шу нопок йигит билан ёнма-ён эканлигидан изтироб чека бошлади. Буни Шодибойга сездир-маслик учун ўз вагонига кетди.

У ўша қиз кетаётган пласкарт вагондан ўтаркан, юрагида яна ҳаприқиш бошланди. Эшикни очиб, вагонга кирганида бу ерда қизиқ бир манзарани кўрди — қиз ётган ўрнидан сал беридаги бўлмада факат ёш яланглар йиғилишган. Улар орасида рангпаргина йигит рубоб чертиб, қўшик айтарди. Камол ҳам келиб шу даврага кўшилди. Камол бу ердан туриб қизнинг кўзларини шифтга тикиб жим ётганлигини кўрди.

Орадан бирор соат ўтгач, Камол бошқаларнинг ҳам ўзи каби қўшиқни тинглаш учун эмас, балки

мана шу фаришта қизнинг яқинида бўлиш учунгина йигилганликларини англаб колди. Йўлакка чиқкан Акмал ҳам буни пайқади шекилли, қовоғини солди. Кеинин қизга буйруқ қилди:

– Кани туш... Хов, мани ўрнимга ўт.

Қиз итоатгўйлик билан пастга тушди. У нарига иккинчи қаватга чикиб, Камолдан пана бўлди. Камол ундан бундай итоатгўйликни кутмаган эди, у бунга нимагадир алам қилди.

Ёшлар қизнинг нариги томонга ўтишини кузатиб туришди, аммо ҳаммаси ҳам ўзларини бефарқ, қўшикни тинглашаётгандек қилиб кўрсатишиди. Тез орада бу бефарқлик мустаҳкам эмаслиги сезилди – даврадагилар энди камайиб борарди.

Камол ҳам ўрнидан турди. У Акмал ўтирган хона рўпарасидан ўта туриб тўхтади. Йигит уни кўрди, лекин ўтиришга таклиф килмади. Унинг ёнида поездга яқин орада чиқкан бир чол ўтиради.

– Яхши ўтирибсизми? – деди Камол Акмалга ва чол ёнига ҳеч қандай таклифсиз ўтириб олди. Акмал жавоб килмади.

– Келин бола чиройли экан, – деди чол Акмалга муғомбirona жилмайиб.

– Мунақасининг мингтасини топаман керак бўлса, – деди Акмал қўлини силтаб. Сўнг бир кекириб олди-да, атрофига мағрут назар ташлади.

Камол энсаси қотиб, қиз томон каради. У ана шу лаҳзада қизнинг кўзларида билинар-билинмас изтироб, нафрат аралаш яна нималардир борлигини кўрди.

«Ўлай агар, бу қизнинг Акмалга қилча ҳам кўнгли йўк», – деб ўйлади Камол:

– Акмал ака, булочка келтиринг, – деди қиз майин товуш билан.

Акмал истар-истамас вагон ресторани томон кетди. Вагон – ресторан поезднинг охирги вагонида, энди йигит қайтгунча анча вақт бор. Бемалол сухбат қуриш мумкин. Камол қизнинг Акмални жўрттага жўнатиб юборганилигини унинг ўрнидан туришидан пайқади. Қиз энди пастга тушиб, Камолнинг рўпарасига ўтирди.

– Кўшикни яхши айтаяпти-я? – сўради Камол қизни гапга солишга уриниб.

Киз кулимсираб, бошини сарак-сарак қилди. Камол бирпас жим қолди. Чолга каради. У бир нимани сезгандай, «оёкларим увишиб қолди, бир айланиб келай», деб ўрнидан турди.

– Сиз қаерга борасиз? – деб сўради қиз аллақандай мунг билан. Йигит бу оҳангни пайқамай қолди.

– Термизда тушаман, – деди Камол:

Киз қўлини чўзиб, дераза пардасини тортди. Поеzd қайси бир станцияда тўхтади. Деразадан Кўҳитанг тоғлари кўринди.

– Чиройли, баланд тоғлар экан, – деди қиз.

– Унчалик эмас, – деди Камол:

Камол Кўҳитангда бўлмаган. Аммо уни паст тоғ бўлса керак, деб ўйларди. Киз ўрнидан туриб аввалги ётган жойидан сумкасини олди.

– Тез орада Термиз бўлади, – деди Камол ҳазин товушда.

– Ака, отингиз нима? – деб сўради қиз ундан кўзини узмай.

– Камол:

– Камол ака, айтинг-чи, баланд тоғлар қайда бор? – деб сўради у аллақандай илтижо билан. – Қочиб кетсанг-у, сени топишолмаса. Шундай тоғларни биласизми?

Камол энди бу саводдан гангиб қолди. Ҳадеганда эсига бирорта баланд тоғнинг номи келмади. У кизнинг ўзига мўлтираб караб турган кўзларини кўрди-ю, бу гапнинг маъносини энди фахмлади. «Жон ака, мени олиб кетинг, мени бу балодан куткаринг», дерди унинг кўзлари.

Камол бошини гуноҳкорона қуий эгди, иккиланиб ўтиради. Акмал қайтиб келганида яна бўшашиди.

– ...Хўп яхши қолинглар, – деди у Акмалга. Кейин кизга юзланди. Киз ўрнига чиқиб олган эди. У Камол караши билан юзини тескари бурди. Оппок ёстиқ устида икки қалин кокили билинап – билинмас силкиниб, Камолнинг бағрини баттар ўртади.

Камол поезддан тушгандан сўнг, ўзини беҳуд сезди, бирпас поезд ёнида туриб қолди. Бу орада уни излаб Шодибой келди. Шу топда у Шодибойни жуда ёмон кўриб кетди.

— Нима мазангиз йўкми, — деди Шодибой сирли жилмайиб. — Ёки Акмалнинг ёнидаги қиз жигардан урдими?

«Фаҳмлабди-да, деб ўйлади Камол, қаердан ҳам дуч келдим шунга». У энди ўлганининг кунидан илжайди. Ичидা эса уни баттар ёмон кўрди.

— Тўғрисини айтайми. Тўғрисини, — деди Камол тутилиб. — Ўша қизни Термизга тушириб қолдирмокчи эдим. Лекин сиздан истиҳола килдим.

Шодибойнинг ранги ўзгариб кетди. У бошини кўйи солди. — Унга уйланмокчи эмасдим, фактат ўша ўргимчакдан кутқармокчи эдим, — алам билан гапирди Камол. — Лекин шунга мен журъат қилолмадим. Жалил керак бўлди-да. У тўғри айтган экан, гулни сассиқ алафга кўшдилар, деб. Ўзи, шоиртабиат одамлар сезгир бўлишади.

— Биласизми, — деди Шодибой ҳамон бошини кўтармай, — мен сиз ўйлаган гапни ўшанда, улар билан ресторонда танишганимдаёқ ўйлагандим. Лекин қизни олиб кочиш имкони бўлмади. Кейин эса танишлардан, яна нималарданdir истиҳола килдим. Кеча поездда ҳам шу ҳақда ўйладим. Мен ахмоқ, бу сафар сиздан истиҳола килдим.

— Баланд тоглар қаерда бор? — деди Камол ҳорғин товушда.

Шодибой тушунмай, савол назари билан унга қаради. Камол энди унинг учун эмас, ўзи учун бу саволни қайта такрорлади.

Ҳамроҳи энди унга нималарнидир гапира бошлиди. Лекин у эшиитмас эди. Ҳаёлидан эса болалигида ўкиган аллакайси бир эртакдаги гап айланарди:

«Йигит аждаҳо билан қирқ кечаш ю қирқ кундуз жанг килиб, енгибди-да, форда банди бўлиб ётган қизни озод килибди».

1982 йил.

АНОРЗОР

Амаким қазо қилди-ю, ҳар анор пишиғида у келтирадиган анорларни эслаб, кўмсайдиган бўлиб колдим. Айникса, болалиқдаги катта анорзор боғ. Бир-биридан ширин, қизил шоҳанорлар тушимга кириб чикади. Ўнён бир ёшлик пайтларимни анор еб, емаганимни отиб юрган кунларимни эслайман. Қишлоғимизда бирорта боғсиз уй йўқ. Дов-дарахтлар орасидан пахса деворли, томи лой сувокли уйлар шундайгина мўралаб туради. Одамларнинг турмуши, тақдири ҳам бу боғлар билан тулашиб кетган. Эсимда, ана шундай кунларнинг бирида ҳовлимизга бир аёл меҳмон бўлиб келган эди.

Бизнинг одмигина кичик уйимиз ва каттагина боғимиз кўзлари мўлтираб турадиган бу аёлга келган куниёқ кўнглига ўтиришди шекилли, тинмай гоҳ у ёкка чопарди, гоҳ буёққа. Менга эса аёлнинг раҳмдиллиги ёқдими, ҳарқалай, отамнинг меҳмонларига салом бериш тутул, бир бор қайрилиб қарамайдиган бола, унга илтифот килдим. Яъни, «Здрасте», – дедим аёлнинг яқинига бориб. Меҳмон аёл нималардир деб жавоб қайтарди, тушуна олмадим, аммо мен учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Ҳарқалай дадил бўлиб, у билан ўрисчалаб саломлашганимни кўчага чиқиб болаларга кун бўйи мактаниб юрдим. Ўша кезларда бизнинг Кўҳитанг қишлоқларида бошқа миллатга мансуб одамлар камдан-кам учрар эди. Уларни кўришимиз катта воқеага айланиб кетарди. Мактанганим синфдошим Эминга ёқмадими ёки ҳайрон қолгани учунми, у : «Мунча мактанасан, меҳмон аёл иштонсиз экан-ку», деб кулди. Унинг ошкора кулгисига, меҳмоннинг кадрини ерга урганига чидаб тура олмадим. Эминнинг башара-сига мушт туширдим. Онаси уйимизга келиб, устимдан момомга арз қилди, лекин онасиз ўсаётганлигимни на-зарда тутибми, мени аяган бўлди. Отам меҳмон аёлни бу воқеадан хабардор килган эди, у котиб-котиб кулди. Бошимни силаб, «маладес» деди. Яна нималардир деди. Унинг гапига тушинмасам-да, шаънимга илик

гаплар айтилаётганлигини фаҳмлаб турардим. Шунинг учунми, унга ҳурматим, ихлосим яна ошди. Ёнидан кетгим келмас эди. Меҳмон аёл жудаям орик эди. Юзининг гўшти кочган, бўйинлари тиришган, лекин ойимсупурги рангидек соchlари, чашма сувидек тиник кўзлари мени мафтун этган эди. Бунинг устига ундан аллакандай хушбўй хид келарди. Уша куни аёл чойдан сўнг бирпас ухлаб олди. Бир маҳал амаким келди. Ака-ука хўп инок эдилар, бир-бирларидан бирор гапни ҳам сир тутишмасди. Отам укасига меҳмон аёл ҳакида гапириб берди. «Бултур идорага бир хат адашиб келди, – деди отам. – Унда вилоят номи кўрсатилган-у, туман номи йўқ, лекин колхоз номи тўғри экан. Раис менга: «сен ўрисчани яхши биласан, ўки-чи, нима ёзилган экан?» – деди. Очиб ўқисам, Норильскдан, бир белорус аёлдан келибди. Хат згаси бор-йўғи икки кило анор жўнатишларини илтимос қилибди. Билдимки, мактуб бизга эмас, Сариосиёдаги машхур колхоз раисига аталган. Хатни ўкиб, ўйладим: бу мактубни ёзган аёл дардманд экан, раҳмим келди, кел, унга уч-тўрт кило анор юборай дедим. Совға-салом билан бирга, бир энлик хат жўнатдим. Хатда биз томонларга ҳам келинг, деб йўлига ёзган эдим. Меҳмон аёлдан жавоб келди: «Анор пишигини мўлжаллаб борамиз депти. Ҳуллас, мана, уша меҳмон келди. Энди меҳмоннинг кўнглини олиб жўнатсак, нима дейсан, ука? Кўхитанг дараларига элтамизми, ё Довулкўрғон чашмаларига? «Сен ҳам ўйлаб кўр». Амаким бош иргади, «ўйлаб кўрай» деди.

Аёл уйқудан тургач, жамодонини очди, ҳаммага совға-салом улашди. Момомга гулдор рўмол, отамга чақмоқтошли хитойи қўлфонар, менга катакли кўйлак, амакимга эса хушбўй дастрўмол берди. Совгалар ичida шишаси бежирим атиру, коғози чиройли упа ҳам бор эди. Афтидан меҳмон аёл буларни менинг онамга мўлжаллаб олиб келган. Онамнинг тўрт йил аввал казо қилганини бечора қаердан ҳам билсин? Уша атирупа отам уйлангунга қадар кўп вақт жавон тортмасида ётди. Меҳмон аёл кун бўйи боғ ҳовлидан нари кетмас-

ди. У на Кўхитангни томоша қилди, на Довулқўрғон чашмаларини.

Бир куни ярим тунда уйғониб кетдим. Хонада даврачиrok ёқилган. Момом урчук йигираётir, Маша хола алланимани тўқиганича йиглар, ўпкаси тўлиб нималарнидир гапиради. Мен бир маҳал карасам, момом ҳам рўмолининг учи билан кўз ёшларини артаётir. Аввалига кўркиб кетдим. Отам маst бўлиб келиб, уларни уришдимикан, деб ўйладим. Нафас чиқармай, кўрпа тагидан уларнинг гапларига кулоқ солиб ётдим. «Ягрини ёзик, кўллари козикдай ўғлим бор эди, мардимайдон эди, – деди момом Маша холага. – Ана, кара, тўрдаги сурат ўшаники. Сеникайдай урушда ўлган. Гирмон деган аждаҳо комига тортган». Маша хола ўрнидан туриб, момом кўрсатган томонга, сурат тагига борди. Бирпас суратга тикилиб турди, ўз тилида нималардир деди. Мен бошимни сал баландроқ кўтарган эдим, момом кўриб қолди.

– Нега ухламаяпсан, оғизпойлар, – деди у. – Нимадан қурук колдинг. Ташкарига ёзилиб қайтиш баҳонасида момомнинг қўлидаги бир қаричча келадиган суратни томоша қилдим. Момом сарғайиб кетган суратни кўлимга бериб, тушунтирган бўлди: «Мана бу ўртадаги Маша холанг, қўлидаги кизчаси. Бу одамэри, ёнларидаги икки йигит – ўғиллари. Учалови ҳам урушда ўлган экан, болам». Момомнинг овози титраб, кўз ёшларини артганида, Маша хола паст товушда аллақандай бир қўшиқни хиргойи кила бошлаган эди. Уни тинглаганча ухлаб колдим.

Эрталаб уйғонсам, момом буғжомасидан шафтоли гулли кўйлак олиб, Маша холага кийгизаётir. Сўнгра ўзи бир чеккага бориб уни томоша қилди.

– Анна, товус куйругини чодир килгандай, сен ҳам бу кўйлакда очилиб кетдинг, – деб кулди момом. – Хоҳласанг, бирор-ярим бевага зрга бераман.

Маша хола ниҳоят янги либос завқини туйиб бўлгач, ўзининг жомадонини келтирди. Ундан излай-излай, чиройли, кизил бир шишача олиб, кампирнинг кўлига тутқизди.

– Бунинг нима? – деди кампир.

Маша хола кулиб лабини күрсатган эди, «лаби обми, қўй-э бу ишингни. Ана гуллик рўмол бердинг, шунинг ўзи етади», деди.

Маша хола барибир лаб бўёқни момомга тутказди.

Кейинчалик, момом қазо килганида, унинг бисотлари орасидан ана шу лаб бўёқ чикканда, ҳамма ҳайрон қолган эди. «Онам Маша холанинг ҳурмати учун буни неча йиллар саклаб юрган», деб изох берган эди аммам.

Орадан шунча йиллар ўтиб, ўша куни, икки қайғудош, мунгдош аёлнинг сухбатини эсласам, ҳалигача юрагим ҳаприкиб кетади. Бир-бирининг тилини тушунмайдиган бу жафокаш аёллар кандай килиб дардлаша олди экан? Ахир, бир тилда сўзлашиб, бир-бирини тушунмай юрганлар озмунчами дунёда?

Маша хола бир куни ётиб колди. Момом анчадан бери ташлаб қўйган силаб тузатиш хунарини ишга солиб, уни даволашга киришди. Момом уйчасининг эшигини маҳкамлаб, беморнинг бўйни-ю, кураклари ни силаганича, муножот қиласади. Кейин унга ўтдан тайёрланган дорисини ичириб, беморни кўрпага ўраб кўярди. Маша хола икки хафта ичидаги хийла ўзгарди, юзлари кизариб, кўзлари чараклаб, момомга олқиши ёғдирди: «Спасиба, спасиба!».

Маша хола Норильскдан қизини ҳам келтирмоқчи бўлди. Момомга, қизимни ҳам бир даволанг, деб кўп ялинди. Унгача эсласам эслагудек гаплар кўп бўлган. Маша холанинг момомга, менга пайпок тўкиб берганлари, ана шундан сўнг, кўни-кўшни болаларнинг ўз уйларига бу белорус аёли меҳмон бўлиб келишини жуда-жуда хоҳлашганликлари, бетига «Норильск» деб ёзилган чарм қопламали жамодон кечагидек эсимда турибди. Кейин, йўнғичқапояда Маша холанинг яланғоч, юзтубан ётганини кўриб, кўркканимни ҳам тез-тез эслайман. Ӯшанда мен дардманд аёлнинг муолажа сифатида баданини офтобга тоблаб ётганини қаердан ҳам билай? Ҳамма офтобдан кочиб, ўзини салқин-сояга урган пайтда, Маша хола бундай қилиб ётса, кўзимга

ғалати кўринмасинми? Қолаверса, ўшанга кадар бирорта аёлни яланғоч кўрмаган эдим-да. Қишлоқда хотин-халаж чўмилмокчи бўлса, эркаклар қўзидан пана излаб, бирор овлок ховузда ҳам кийим-пийими билан сувга шўнғишиди.

Маша хола иккинчи марта қизини билан келганида, отам уйланган эди. Ўгай онамиз меҳмонларни кутиб олмади. «Бу нонхўрларни қайдан топдингиз?» деб отамдан норози бўлди. Маша хола гапга тушунмаса ҳам, зийрак аёл экан, дарҳол сезди. Ўз юргига тез орада қайтмокчи бўлди. Мен буни билиб колиб, Карим амакимниги чопдим. Ундан Маша холани кишлоқдан кетказмаслигини, ўз уйига меҳмон килиб олиб колишини ялиниб сўрадим. «Ахир у аёл касал, бунинг устига ўғиллари урушда ҳалок бўлган», дедим амакимга. Амаким меҳмонларни уйига олиб кетди. Маша хола қизи билан амакимнида бир ҳафта туриб, энди юртимизга қайтамиз, деб турганда, фалокат юз берди. Амаким меҳмонларни хурсанд килас деган ўй билан ҳовлисидағи бир туп ёнғокка чиккан пайти йиқилиб тушди. Бели мертилиб, юролмайдиган бўлиб колди. Шундан сўнг Маша хола қизи Мария билан кишлоқда бир қанча вакт қолиб кетишиди. Сўққабош кишининг ахволини тушунишди, шекили. Аммам амакимга қарашибмокчи эди, она-боланинг астойдил ҳаракатини кўриб, ўзини четта олди. Она-бала ишларни ўзларича бўлиб олишганди. Маша хола боғдаги анор олмани йигиб олиш-у, киём-мурабболар пишириш билан овора бўлди. Мен эса унга ёрдамчи. Мария рўзгорга қарайди, овқат пиширади, кир ювади, ҳовли супуради, беморнинг ҳолидан хабар олади. Бир гал нима бўлди-ю, амаким ётган хонага кириб колдим. Карасам, Мария амакимнинг бошини тиззасига олиб, соchlарини силаб-сийпаётир. Улар ҳатто менинг қайтиб чиққанимни ҳам сезмай қолишиди. Оқибат шу бўлдики, сўққабошлик жонига текканми ёки севиб колганми, хуллас, амаким кўп ўтмай Маша холанинг қизига уйланди. Кўни-кўшниларни чақириб, тўй берди. Мария кишлоқ келинлари каби чимилдиққа кирди. У кўнгли

юмшок, бўш-баёвгина кўрингани билан, ишчан чикиб колди. Қишлоқдаги хотин-халаж сингари, шароитга мослаб, кўйлак-лозим кийди. Уни кўрган киши сочи кўнгир-у, юзининг оппоклигига зеҳн солиб карамаса, бегона миллатга мансублигини билиб ололмасди. Умрида ғўза нималигини билмаган бу жувон далага чикди, кийналиб бўлса ҳам пахта терди. Аввалига у ҳеч кимга қўшила олмай юрди. У билан гаплашай десам, тил билмайман. Олдида гунг бўлиб тураверсанг ҳам ёмон. Шунинг учун Мария ёлғиз ўзи пахта терар, ёлғиз ўзи уйига қайтарди.

Мария бир йил ичидаги ўзбекчани туппа-тузук ўрганиб олди, сал чучук гапириши ҳам ўзига ярашарди.

Маша хола қизи болалик бўлгунча қишлоқда турди. Кейин Кавказга, укасининг олдига кетадиган бўлиб колди. Жўнаши олдидан анорзор боғимизга бирга бордик. Ўша йили анорларни совуқ урган, шунинг учун ғарқ пишиқчилик маҳали ҳосил аввалгидай бўлмаган эди. Маша хола ғамгин ҳолда қуриган анорзор боғни айланди. У ўшандаги қизига «икки ҳовлида ҳам анор экиб боғ қиласан, шунда сендан розиман», деб тайинлаб кетганини амакимнинг гапидан билиб олдим. Бунинг сабаби бор экан: Маша хола бизникида кир ювиб, сувини анор тагларига сепган экан. Ўгай она миз анорларнинг қуришини шундан кўрибди. Лекин у Маша холанинг бу гапидан хафалигини билган эканми, кўнглини олай деб, кетадиган куни бир жомодонни тўлдириб анор жойлаб бергани эсимда. Отам эса катта бир шоҳанорни мижиғлаб, пиёлага сикиб, шарбатини узаттанида, Маша хола йиғлаб юборган эди. Очиги, мен унинг нима учун йиғлаганини ҳали-ғалигача тушуна олмайман. У, эҳтимол, қип-қизил, кўзни олгудек анорнинг эзғиланганига ё шу мева туфайли қишлоққа тақдири боғланган қизи учун йиғлагандир. Ёки отамнинг унга хайриҳоҳлик кўрсатиб, Норильскга анор жўнатганини эслагани учунми? Балки...

Маша хола Кавказда бутунлай колди, лекин ҳар куз қишлоққа келиб кетарди. Мария бешинчи боласини түкканида, ундан хабар келди. Маша хола оғир бетоб

экан. Ўшанда мен кап-катта йигитча эдим. Амаким ва Мария рўзгорни, тўрт болани менга топшириб, кичигини ўзлари билан олиб Кавказга жўнашди. Маша хола улар боришлари билан биринчи бўлиб момомни сўрабди. Унинг бир ой бурун казо қилганини эшишиб, «унинг ўлгани тушимда ҳам аён бўлганди», деб кўз ёши тўкибди. Орадан бир хафта ўтар-ўтмас, Маша холанинг ўзи ҳам жон берибди. Эру хотин уни хурмат-эхтиром билан дағн этиб кайтишди. Мария онасининг васиятини бажо келтирди: бизнинг боғимизда анор қаламчаларидан экиб, ўн донасини кўкартириди, ўзининг ҳовлисида эру хотин биргалашиб, эски боғ ўрнида анорзор барпо килишди. Бу боғ энди ҳосилга кираётган йили амакимнинг бошига кулфат тушди. Газетада унинг шикоятчилиги ҳакида фельетон чиқди. Унда шундай дейилган эди: «агроном Карим Зухуров юраги кора киши, эришилган ютукларимизни кўра олмайди, килдан кийик ахтариб, факат юқори ташкилотларга ариза ёзгани-ёзган, бу одам биргина тұхматчигина әмас, ўғри ҳамдир. Чунки у қанча-қанча кишиларнинг вактини ўғирлади...».

Амаким кўп ўтмай камалди. Марияга оғир бўлди. Лекин ўзини йўқотиб кўймади. Тўрт боласини менга колдириб, у ёкка югурди, бу ёкка югурди, орадан бир йил ўтди, аммо ҳеч бир натижа чиқмади. Кейин, икки ҳўқизини, кўй-кўзини сотиб, бир ой гойиб бўлиб кетди.

Мен эса анорзорга ачинар эдим: эсиз боғ! Сувсизликдан чанқаб, хароб бўлиб кетди. Шунча сўрасам-да, бўлим бошлиғи боғ учун сув бердирмади: амакинг кўпроқ ёзсин, деб устимиздан кулди. Мен ўшанда ундан ҳам кўра, отамдан аччиқландим: нега у, ёши улуғ одам, бўлим бошлигини сўкиб бўлса ҳам, боғни сугортиришга уринмади?

Ўша кунлар ўгай онам «Мария тўрт боласини ташлаб қочиб кетди деб менга ҳар куни зуғум қиласарди.

Мен бу гапга ишонмадим. Нихоят, Мария қайтиб келди: у эрини деб то Москвагача борибди. Амаким бир хафта ичидан камоқдан чиқиб келди.

Мария ўша кезларда ёшу қарининг оғзига тушди, яхши-ёмон ўртасида хурмати ошди. Ҳатто, отам ўгай онамга шама қилди: «Шу келинга баракалла-е! Шунча хўрликга чидади. Баъзан ўйлайман, хотин, мабодо, мен қамалиб кетсам, оркамдан сенлар ҳам чопиб юрарми-кансанлар? А?». Ўгай онам жавраб кетарди: «Шунча йилдан бери бу ҳовлида сочим супурги, қўлим косов бўлгани ҳисобга ўтмас эканда».

Кўп ўтмай, Мария, аммамнинг сўзи билан айтганда, «кўз тегиб», оғир дардга чалинди. Амаким ҳар неки дори-дармон килдирди, табиб-дўхтирга чопди, нафи бўлмади. Бечора аёл миясини шамоллатган экан. Амаким, кейинчалик, орадан кўп йиллар ўтиб, дарду ала-ми сал босилгандан кейин менга бир воеани айтиб берди.

Мария ўлимидан бир йил аввал, унга ёнгоқдек келадиган тугунча бериб, шундай дебди: «Мана шуни ўлганимдан кейин, кафан ичига ташлаб юборасиз. Факат, илтимосим шуки, очиб кўрмайсиз».

Амаким унга, ҳаммаси айтганингдек бўлади, деб ваъда қилибди. Мария казо қилгач, амаким ҳалиги тугунчани эсга олибди. Нима экан, деб юраги сикилибди. Шартни бузиб бўлса ҳам, шартта тугунчани очибди. Қараса, хоч экан. Мария диндор эмас эди. Лекин онасидан колган якка-ягона ёдгорликни ўзи билан олиб кетмоқчи бўлганми, буниси коронғи. Эримнинг кўнглига бирор гап келмасин, деган у шўрлик. Амаким хотинининг айтганини қилиб, хочни кафан ичига ҳеч кимга билдирмай солиб юборибди.

– Мана шундай, жиян, – дерди амаким баъзан менга. – Бошимга кулфат тушганида, мени деб юргурган, аммо имони бутун шу аёлни ўйлаб юрагим эзилади. Мен эса кўпроқ уларнинг тақдирини боғлашга сабабчи бўлган, эндиликда боғимиздан этиборсизликдан камайиб колган анорзорни ўйлайман.

1982 йил

КАР МОМО

Яқин-йироқдан юборилган совға-саломларни бу кичик хонада тартиб билан жойлаштириш Мадиёрга кўп азоб. Бoisи, хона кичик, бунинг устига пол текис эмас, тахталари қийшик, чала-чатти қоқилган. Туман алока бўлими биносидаги шундай хонада совға-саломларни кабул килиш, жўнатиш Мадиёрнинг зиммасида.

У эрталаб ўзининг шу хонасида қаттиқ қоқилиб кетди. Иккала қўли банд эди, юзтубан йиқилди. Кучогидаги совға-саломлар хар томонга учиб кетди. Мадиёр пол қоқкан устани лаънатлаганча ўрнидан турди. Ёмон бўлди – совға-саломларнинг биттаси, юзаси сурп билан коплангани хона бурчагида турган симтўр ўрамига илиниб, чети йиртилди. Бу бесўнақай симтўр ўрами бошлиғига тегишли. У бу матаҳни тоғдаги далаҳовлиси учун олган-у вақтинча шу ерга кўйдирган.

Совға-салом ўралган мато бир қаричча йиртилган эди. Ундан тивитнамо бир нарса кўриниб турарди. Эҳтимол, тивит рўмолдир, кизиқди Мадиёр. Тивит рўмол, кампирларнинг жони дили. Ҳозир Сурхонда энг камёб мол. Қўлинин ёрикка тикиб, матони тортиб чикарди. Худди шу, тивит рўмолнинг ўзгинаси. Бу бир тасодифми ёки худонинг ўзи етказдими, ким билади, лекин Мадиёрга жуда керак эди. Рўмол хотинига эмас, ўғилчасига қараб турадиган Норхол холага зарур. Кампир шу рўмолдан хотини орқали бир неча бор сўратган. Хотини Тозагул ҳам Мадиёрга тайинлайвериб жонига теккан.

– Жон отаси, ўша кампирга бир яхшилик килинг. Бир кампир экан. Ўғли йўқ, сизни ўғлим деб юрибди. Яхшими, ёмонми, боламизга қараб турибди-ку.

Мадиёр нима ҳам десин? Болани кампирдан олиб боғчага берайлик деса, бошида ишини ҳом қилган. «Боғчада нимани ўрганади, бола дегани кампир қўлида бўлсин. Акли, фантазияси ўсади», деб хотинига тушунтирган ҳам ўзи.

Хуллас, Мадиёр шу кампирга ўз нархида тивит

рўмол олишни ўйлаб кўйган. Якинда мол дўконларига бирма-бир кириб чиқди. «Номи бор-у, ўзи йўқ», деганлари шу рўмол экан. «Чайқовчида бор», – дейишди унга танишлари. Чайқовчидан олай деса, фалон пул. Уч бараварига сотиб олиб ахмок бўлгани йўқ.

Тозагул якинда кампирнинг бел оғриғи қўзғаганини эслатиб, Мадиёрнинг таъбини яна хира килди. Мадиёр совға-салом жўнатмасини бурчакка кўяркан, ана шундай гапларни хаёлидан ўтказди. Шу рўмолни кампирга берсамикан? Рўмолнинг нархи бўлса – юз сўм, борингки, икки юз сўмдир – «йўқотгани» учун эгасига тўлайди. Ҳечкиси йўқ, танишлари у тўлайдиган пулга яна бирини юборишар. У бўлса, бир бечора кампирнинг ҳожатини чикаради. Ўзига олаётгани йўқ-ку...

У тушлик қилгани уйига боргиси келмади, чойхонада ёлғиз ўтириб кабоб еди, чой ичди. Лекин еб егандай бўлмади, ичиб ичгандай. Хаёлида ўша тивит рўмол.

– Килган ишинг ўғирлик... Нимага дейсанми? Ўз манфаатинг йўлида ўғирлаяпсан... Тўгрими? Сен кампирга раҳминг келганидан эмас, йўқ, болангга қараганлиги учун ҳам шундай қилмоқчисан, – дегандай бўларди кимдир.

– Йўқ, агар шу рўмол дўконда бўлса, бундай килмасдим, – дерди Мадиёр хаёлан кимгадир жавоб кайтариб. – Бунинг устига кампир ёлғиз. Ўғли йўқ, кизлари ҳар қаёқка тарқалиб кетишган.

– Дейлик ўша тивит рўмол сен айтган кампирдек бирор хокисор аёлга юборилган бўлса-чи?

Мадиёр бу саволга жавоб топа олмади. Кўнгли баттар ғаш бўлди. Ўша лаънати симтўр ўрами хонада турмаганида, усталар полни қийшиқ қокмаганида, у йиқилмаган, жўнатма йиртилмаган, тивит рўмол эса жойида турган бўларди.

Бўлгани бўлди. Совға-саломни эртага уйига олиб кетади. Факат бугун эмас. Мадиёр ҳали уни олиб кетишига иккиланарди.

Иш тугашига яқин бошлиғи тайинлади: – келинга кўнгирок килиб қўйинг. Бугун оқшом Гулбокка бориб, тонгда қайтамиз. Бир кўнгил ёзиб келайлик.

Гулбоғ – тоғ орасидаги қишлоқ. У ерда бошлиқнинг жияни бор. У – чорвачилик хўжалиги директор. Мадиёр тенгги, кирқлар атрофида. Тоға-жияннинг бир-бирига мөхри катта. Шунинг учун улар бир-бирини тез-тез зиёфатларга чорлаб туришади.

Бошлиқ Мадиёрни интизомли, ҳалол ходим бўлганлиги учун кўпинча зиёфатларга бирга олиб юради. Бунинг яна бир боиси бор. Мадиёр давраларда кўп ичмайди, ичганда ҳам кўп гапирмайди. Шу одати бошлиқка ёқади, буни ўзи ҳам билади. Аслида бундай зиёфатларга Мадиёрнинг унча хуши йўқ.

У бу сафар таклифни бажонидил кабул қилди. Бошини бир шамоллатиб келсин. Шояд лаънати тивит рўмол хозирча хаёлидан кўтарилса. Мадиёр хотинига бу оқшом келмаслигини айтиб, бошлиқ билан Гулбокка кетди.

Бошлиқнинг жияни уларни одатига кўра ўз уйида эмас, хўжаликка қарашли меҳмонхонада кутиб олди. Аввалги сафар ҳайрон бўлганида, бошлиғи Мадиёрга изоҳ берди: бу ерда бильярд бор. Тинч. Жиян билан ҳам бир-икки кўл бильярд ўйнамасак, тинчмаймиз.

Меҳмонхонада бошлиқнинг жияни, мактаб директори ва бир хизматчидан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Зиёфат қуюқ бўлди. Суҳбат ҳам. Бир гал гап шароб навларидан бошланиб, узумларга келиб тақалди.

– Бизнинг ертокларга етадигани йўқ, – деди ўқитувчи. – Узумлари асалдек. Яна бир томони – пўстлоғи юпқа, хушхўр, апрелгача саклаш мумкин.

– Э, сиз, бу, бизнинг узум ундей, бизнинг узум бундай дейсиз-у, корасини кўрсатмайсиз, – луқма ташлайди хўжалик директори ўқитувчига. – Биз-ку, майли, икки йилдан бери ишониб юрибмиз. Энди меҳмонларни ҳам апрелгача узум сақлаймиз, деб лакиллатиб ўтирибсиз. Аммо-лекин Бойсунда ишлаганимда, қиппи билан узум едим. Бу ерда гапдан тўн бичишади-ю, амалда ҳеч нима йўқ.

Мактаб директори қизариб кетди. Узининг гапини исботламокчи бўлиб бир нималар демокчи эди, хўжалик директори оғиз очгани қўймади.

— Йўқ, энди унақаси кетмайди. Гап шу, бир сатил узум олиб келасиз. Сизга икки соат мухлат. Ташқаридан шоғёрим кутиб ўтирибди. Хизматингизда бўлади. Биз унгача тоға билан бильярд суриб турдикамиз. Қани танти бўлсангиз, кўрайлик.

Мадиёр деразадан ташқарига қаради. Атроф зимзиё. Факат ўчок бошидаги фонус милтирайди. У хозир бошлиғининг «кераги йўқ, жиян», дейишини кутиб ўтиради. Бошлиқ бўлса, аксинча, жиянини қўллаб – кувватлаб қадаҳ кўтарди.

— Кейинги қадаҳга, – деди у, – Гулбогнинг қишилласигача турган узумдан газак қилайлик.

Жиян бўлса бу гапдан хурсанд, кафтига кўйиб қадаҳ уруштириди. Мадиёр мактаб директорига қўшилиб, ташқарига чиқди.

— Бекор бўлди-да, шу иш, – деди Мадиёр мактаб директорига. – Бемаҳалда узум топиб бўладими?

Мактаб директори хомуш эди. Афтидан у хам қишлоқ узумини таърифлаганидан пушаймон-у, лекин меҳмонга буни билдиргиси келмайди, «топилиб колар» деди.

— Сизга қўшилиб борсам, майлими? – сўради Мадиёр унинг кўнглини кўтариш максадида.

Мактаб директорининг чехраси очилди. «Икки киши бўй, яхши-да. Зерикмаймиз», деб кўйди. Кейин, ўчок бошидаги шоғёрни чақирди.

Мактаб директори машина кўзғалганидан сўнг, шоғёрга гап котди:

— Ука, қишлоқда ҳозир узум саклаган одам борми?... Агар бирорни билсангиз, айтинг. Бўлмаса, Бойсунга боришга тўғри келади.

— Шундай катта қишлоқда узум сақлайдиган киши топилмайдими? Ишонмайман, – деб эътиroz билдириди Мадиёр.

У узокка – Бойсунга бориб келишга чўчиётганлигини яширмади.

— Халқ кузда узумни чўлга элтиб, сотадиган бўлгандан бери аҳвол шу, – деди мактаб директори. –

Билмасам, одамлар пулга мунча ўч. Илгарилари ундаи эмас эди.

— Бир жойни биламан, — деди шофёр йигит, — у ерда узум бор. Лекин хозир у ердан бир нарса ундириб бўлмайди.

— Шу кишлоқдами, ахир.

— Шу кишлоқда.

— Бўлмаса, шу ёкка хайданг ука. Худонинг арзандаси бўлса ҳам, узумидан оламан.

Шофёр йигит лом-мим демади. Машинани тўғри сойнинг нариги бетига тор кўча оралатиб ҳайдади. Қишлоқ жим-жит. Бу сокинликни факат улар кетаётган машина товуши бузади. Шофёр машинани тор кўча туѓаган ерда тўхтатди.

— Келдик... Энди бу ёгини ўзингиз эплайсиз-да Карим ака, — деди у мактаб директорига. — Мана шу эшик кимникилигини биларсиз.

Мактаб директори машинадан тушди.

— Э, бу кар момонинг уйи-ку, — деди мактаб директори эшикни кўриб.

Шофёр боши билан тасдик ишорасини килди.

— Кулоги оғир, чакириб кўринг-чи, эшикни ким?

Мактаб директори эшикка яқин бориб, «Момо, ҳў, момо!» — деб чақира бошлади.

Чақиргани бехуда кетаётганини кўриб, у ердаги тошни олиб эшикни урди. Такиллаши билан унинг орқасидан ит хурди.

Мадиёр чўчиб тушди.

Мактаб директори итга парво қилмай, эшикни гоҳ тош билан такиллатди, гоҳ товуш килди. Лекин бунинг нафи бўлмади. Улар шу таҳлитда ярим соат туришди.

Шофёр чирт эткизив гугурт чўпини ёқди. Кейин сигаретасини буркситиб, машинадан тушди.

— Карим ака, — деди у, — кар момо барибир эшикни ким? Ундан кўра бу ерга Гулсум опани олиб келсангиз, маъқул. Уша аёл момонинг иссиқ — совуғидан хабар олиб туради. Бу ит ҳам ўшанга ўрганган.

Афтидан Карим ака аёлни чақириб келгиси йўқ шекилли, яна эшикни тақиллата бошлади. Лекин Мадиёр

ўзига бесабр караб турганини сезиб, nochor товушда «Гулсум опага бориб, кўрайлик, ҳовлиси хув, анави кайрилишда», – деди.

Мадиёр Карим акага эргашди. Унинг иккиланиб бораётганини сезгач, бирдан тўхтади.

– Карим ака, қўйинг, яхшиси кайтамиз. Ҳар холда бошида эри бор аёл... бундай бемахалда яхши эмас.

Мактаб директори бошқа нарсани ўйлаб истихола килаётган экан.

– Эри-ку қилча ҳам кўнглига олмайди, – деди. – Мен бошқа томонини ўйлаяпман. Бу аёл мактабимизда фаррош. Икки ойдан буён орамиздан гап қочган. Шуни ўйлаяпман. Раҳбар бўлиб, мен бош эгиб келгандай бўламанми... Майли, илож қанча...

Улар фаррош аёлнинг ҳовлисига етиб келишди. Мадиёр ариқ бўйидаги гужум тагида колди. Осмонда юлдузлар чаракляяпти. Атроф тинч. Сув шарқираб оқаяпти. Ҳавонинг совуклиги энди билинди. У қунишиб, девор панасига ўзини оларкан, мактаб директорининг уй згаси билан килаётган узук-юлук сухбатини эшишиб турди.

– Кечирасиз-да энди, – деди Карим ака. – Марказдан бир нозик меҳмон келганди. Хотини узумга бошкоронғи экан. «Тонг-саҳарда кетаман, шу кеча узум топиб бер», деб ҳол-жонимга қўймади. Кар момода узум бор экан. Хотинингиз...

Эркак кишининг қадам товушлари узоқлашиб кетди. Мадиёр орадан қанча ўтганини билмайди. Бир пайт қараса, Карим ака бошига шол рўмол ўраган бир аёл билан келяпти. Аёл Мадиёрга салом бериб, йўл бошлади. Улар аёлни машина ичидаги кутиб ўтиришди. Аёл қўлидаги калтак билан эшик орқасидаги тамбани тушириб, ичкари кириб кетди. У кўп ўтмай кайтиб чиқди.

– Момо уйғоқ экан, – деди Карим акага. – Шу пайтда ҳам жун йигириб ўтирибди. Меҳмонлар кирсин деяпти. Ўзингиз биласиз, момо инжиқрок, айтганини килмасангиз бўлмайди.

Улар ҳовлига киришди. Гулсум опа итни ёнғоқ та-насига боғлаб қўйди. Момонинг уйи шундоккина ўнг

кўлда экан. Бир дахлиз-у бир хобгоҳ. Момо ерўчок ёнида ўлтириб, токчадаги фонуснинг хира ёруғида жун титарди. Момо кулоғи оғир бўлса ҳам, ўзи ўткир экан шекилли, Карим акани дарҳол таниди. Улар кампир билан сўрашди. Карим ака кампирга мақсадини бақириб-бақириб тушинтириди.

– Ундан бўлса, – деди момо секингина Гулсумга юзланиб, – дахлиздаги фонусни ёқинг-да, Каримбой билан бирга омборга киринг. Ўзлари танлаб олсин. Идишлари борми ўзи?

– Э, унитибмиз-ку, – деди Карим ака кўли билан «йўқ» ишорасини қилиб.

– Ўша ерда картон кути бор. Шунга солиб оларсиз. Меҳмон мен билан гурунг қилиб ўтиурсин.

Мадиёр момо билан ёлғиз қолгач, ўзини нокулай сезди. Кампирнинг синовчан кўзлари уни бирпас саросимага солди. Лекин у тез ўзини кўлга олди-ю, момони саволга тутди. Момо аввалига унинг саволини яхши эшитмади, шунинг учун Мадиёр яқин силжиди.

– Жун йигириб ўтирибсиз, нима зарил бу сизга, момо?

– Йигириб, рўмол тўқийман. Ҳазина рўмол деганини эшитганмисиз? Э, ҳозиргилар буни қаердан ҳам билсин. Шу рўмолни мендан бошқа тўқийдиган колмаган.

Мадиёр бу рўмолнинг довругини рахматли онасидан эшитган. Онаси бир рўмолни лоф эмас, кирқ йил бошига ўраган.

– Эшитганман, – деди Мадиёр. – Ҳамсояларингизга тўқияпсизми?

– Кимга керак бўлса сотаман-да, айланай.

– Пенсия оласизми?

– Оламан...

Мадиёр ҳайрон қолди.

– Ёлғиз бошга бунча пулни нима қиласиз?

Момо эса ҳайрон бўлиб қаради.

– Нимага ёлғиз бўларканман. Ҳовлидаги токларим, дарахтларим-чи? Бу рўмолни сотиб, пулига одам ёл-

лайман. Ўша одам ана шу токларимга, дарахтларимга сув куйиб, тагини юмшатади.

Мадиёр бир зум гангиб колди. У бу кампирни боя бефарзанд, чоли аллақачон ўлиб кетган, деб эшиганди. Ана ирова, ана иш. Зур кампир экан. Бир ўзи яшаса ҳам ўзини ёлғиз деб хисобламайди.

Мадиёрнинг ҳаёлига лоп этиб бир фикр келди.

– Момо, шу хазина рўмолингиздан бирини сотмайсизми?

– Кимга оласиз, айланай? Онангизгами ё хотинингизгами? Шунга караб сайлай-да...

Унисига ҳам эмас, бунисига ҳам. Бир аёлга, – деб тушунтириди Мадиёр. – Бечора бир аёлга.

– Майли, болам. Ёши нечада ўзи?

– Сиз катори бор-ов. Етмиш атрофида.

Норхол хола Мадиёрнинг эсига тушиб кетди.

– Э, айтгандай, у аёл ҳам Гулбоғдан, шекилли. Кейин Шерободга кўчиб борган. Отини Норхол момо, дейишади.

Мадиёр кампирнинг лабини тишлаб, унга караганини сезмади. Лекин момонинг қаҳрли товушини эшиганди.

– Норхолми? У манжалакига берадиган рўмолим ўйк!... Гадойга берсам бераманки, лекин унга деб сотмайман.

Мадиёр кампирнинг Норхол момо билан қадимдан таниплигини, улар ўртасида қандайдир хусумат борлигини фаҳмлади. Момонинг унга рўмол берадиган чўти ўйк. Такдирга тан берган Мадиёр гап оҳангини ўзгартириди.

– Э, момо, бермасангиз бермабсиз-да, – деди у, – мен Норхол холани яхши билмайман ўзи. Хотиним оркали рўмол сўраттирган экан.

– Ҳа, бадкор, шум кампир, – ўзича шивирлади уй эгаси. – Ҳалиям ер ютмабди-да ўша очкўзни.

– Бир гап бўлғанми ўзи ораларингизда, – ўсмоқчилааб сўради Мадиёр.

– Худо кўтарсан ўшани, – деди кампир аччикланиб. – Номини тилга олманг-э.

Карим ака билан Гулсум опа омбордан кайтиб кел-

ди. Карим ака «узум пули» деб ўн сўм ташлаб чиқди. Кампир пулни олиб, бошидаги оқ дастурининг учига туғиб кўйди.

Уччаласи кўчага чиққанда, машина ўз ўрнида йўқ эди.

– Қайерга кетганикин, – деб ҳайрон бўлди Карим ака.

– Хотини яқинда бўшалган. Шундан хабар олгани кетгандир, – тусмол қилди Гулсум опа.

– Кампир шу пайтда ҳам ухламас эканда-да, – деди Карим ака енгил тортиб,

– Қаранг, омадимиз бор экан.

– Баъзан кечалари уйқуси кочиб, рўмол тўқиб ўтиради, – деди Гулсум опа. Мадиёр уларга кампирдан рўмол сотиб ололмаганлигини айтди.

– Э, нимага, – ҳайрон бўлди Гулсум опа. – Нархини киммат айтдими?

Мадиёр кампир билан бўлган гапни айтиб берди.

– Э, Норхол холами? – деди Гулсум опа. – Жуда шум кампир-да. У ўзи кишлокқа келиб, тивит рўмол сотади-ку. Бунинг устига, кар момонинг рўмолини олманглар, эскидан колган, деб одамларга гап ўргатади.

Мадиёр бу гапдан гангиб қолди.

– Кар момо уни шунинг учун ҳам ёмон кўрарканда, – деди аранг.

– Йўқ! Бу гапларни кар момо эшитмаган. Сабаби бошка ёқда. Уларнинг орасида кирқ йиллик адоват бор.

– Ҳа, мен бир эшитгандай бўлган эдим, – деди Карим ака.

Улар Гулсум опани уйига кузатиб боргунча, ўша воқеадан ҳам хабардор бўлишиди.

Бу воқеа урушдан кейин бўлган. Бир куни кар момонинг чоли оғирлашиб қолибди.

У момога туш кўрганини айтибди: «Тушимга, – дебди у. – Норхолнинг чоли кирибди. У мендан гина қилиб, бизни ташлаб кетдинг. Ошналик шундай бўладими? – деди. Мени ёнига чақирайпти, шекилли. Энди, тайёргарликни кўравер, кампир».

Момо бўлса ранги бўзариб, нима қиларини билмай қолибди. Нима қилсин энди? Урушда икки фарзанди йўқолган. Чоли ҳам кетса, ёлғиз ўзи нима қилади. Ўйлаб, ўйига етолмабди. Эскича бир удум ёдига тушиб, ўшани килмоқчи бўлибди. Бу удумда айтишлирича, кимки бетоб бўлиб тушига марҳум киши кирса, дархол ўшанинг қабрини очиш керак эмиш. Шунда у тузалиб кетаркан. Момо шундай қилибди. Бир куни кечаси, одам – одамни танимайдиган бўлганда, қўлига белкурак олиб, гўристонга борибди, марҳумнинг гўрини очиб, тағин кўмибди. Лекин бу билан ҳам чоли шифо топмай, оламдан ўтибди. Кампир ўзининг бу қилмишини сир саклолмай, кечирим сўраб, Норхол холанинг ёнига борган экан, у бу воеани эшишиб гуноҳкорни кон қақшатиб урибди. Кампирнинг чолидан қолган биттаю-битта тилла сирғасини юлиб олиб, кайтиб бермабди. Кампирни уриб, кулогини кар қилган ҳам шу Норхол хола. Кейин Норхол хола Шерободга кўчган экан.

Улар Гулсум опани кузатиб, яна орқага, кар момонинг эшиги олдига қайтиши. Гулсум опанинг момо билан Норхол хола ҳақида айтганлари Мадиёрга қаттиқ таъсир қилди. Ана Норхол кампир ким экан! У боласининг тарбиясини кимларга ишониб қўйибди? Бир талончи, чайқовчи кампирга. Бундан ортиқ ахмоқлик бўладими? Нега суриштирмай – нетмай боласини шу кампирга топширди? Дунёда кар момодай кампирлар бор-ку. Нега у шундайларни изламайди?

Мадиёр-ку, хўп, билмас экан. Наҳотки хотини Норхол холанинг қандайлигини билмайди... Бўлиши мумкин эмас. Бир маҳаллада яшашса.

Мадиёрнинг хаёлига лоп этиб, бир воеа келди.

Хотини бир сафар, «Отаси, кампир Деновдаги кизимникига бориб келайлик, деб қўймаяпти. Борсаммикан?» деди. Мадиёр рухсат берди. Шундан бўён улар иккаласи тез-тез кампирнинг гоҳ Термиздаги, гоҳ Деновдаги кизинникига бориб келишарди. Бир марта бошлиғи «Душанбе шаҳридаги катта бозорда хотинингизни кўрдим», – деб колди. Мадиёр келиб, хотини-

дан сўради. У бўлса, «Ҳа, Норхол хола ҳоли-жонимга кўймади. Бирга бориб келгандик», – деб жавоб килди. Мадиёр ўшанда индамади. Хотини ёш, у ёк-бу ёқка боргиси келади. Майли, Норхол хола уни кизидек кўриб, бирга олиб юрса, нима қилибди, деб ўйлаганди. «Демак, хотиним Норхол холанинг ғайриконуний ишларидан хабардор. Ундан тили кисикдирки, менга хеч нимани айтмайди» деб хулоса чиқарди Мадиёр.

Кўп ўтмай машина қайтиб келди.

– Бола-чақа тинч эканми? – деб сўради Карим ака шоффердан.

– Ўйга кетди деб ўйладингларми? – деди у уйқусиз кўзларини ишқалаб. – Директор бобо арок тайинлаганди. Магазин мудириникига бориб кайтдим.

Улар меҳмонхонага қайтишганда, хўжалик директори хонада ёлғиз ўзи эди. Бурчакдаги телефондан туриб «Тошкент, Тошкент» деб бакирарди. У телефонда ким биландир узок гаплашди. Карим ака унинг ҳалибери телефондан бўшамаслигини фаҳмлаб, кетишга чоғланди.

– Эрталаб дарсим бор, – деди у Мадиёрга. – Ўзингиз тушунасиз, андак тайёрланиб бормасам, бўлмайди.

Мадиёр эътиroz билдирамди. Уни боғ эшигига кадар кузатиб қайтди. Унинг кетганидан бирпас енгил тортиди. Ўзидан ҳам камгап, мулойим бу одам нимагадир бирдан ёқмай қолди. Энг ёмони шуки, у нимаси биландир Мадиёрнинг ўзига ўхшаб кетарди. Мадиёр буни аниқ сезди.

Шоффер меҳмонхонага бир лаган чайилган узум олиб кирди. Узумни кўрган директорнинг чехраси хийла очилди. Ўзи дастурхон бошида туриб, кадаҳларга арок қуяркан, – кани, – деди, – шу топширикни аъло бажарганликларингиз учун юз-юз олайлик. Ё тогани уйғотайми? У киши нариги хонада дам олаяптилар.

– Ҳожати йўқ, – деди Мадиёр ҳорғинлик билан. – Дам олсак бўларди.

Хўжалик директори Мадиёрнинг ундан оғрин-ганлигини фаҳмлади, шекилли, ўзини оқлаган бўлди.

– Ҳафа бўлдингиз, чоғи. Билмайсиз-да, бу ернинг одамлари жуда каттиқ. Гап билан эзиз турмасангиз,

улардан натижа чиқмайди, – деди у. – Домулла кетиб колибди-да, бўлмаса бу гапни ўзига айтар эдим. Мана ўзи, молларга озука сўраб келган эди, йўк демадим. Биз ҳам бир сатил узум сўрасак, сўрабмиз-да. Ё шунга арзимаймизми?

Мадиёр ҳеч нима демади. Нима ҳам десин? Директор уни яна ичишга қистади.

– Бўлмасам, – деди Мадиёр қўлига қадаҳ олиб, – шу қадаҳни Кар момонинг соғлиги учун кўтарсак.

Директор аввалига бу гапдан таажжубланди. Кейин «Оҳо» деб кулди.

Улар ичиб олишди.

– Ну, акабой, сизни камсуқум десам, хийла гани биларкансиз, – деб гап бошлади директор тўсатдан. – Ё теша тегмаган гапларни тоғамнинг олдида... ҳурмати учун кўпам айтавермайсизми?

Мадиёр хайрон бўлиб сухбатдошига тикилди. Кейин у хўжалик директори кар момони танимаслигига ақли етди. Шундан сўнг момонинг кимлигини тушуниришни лозим топиб, оғиз жуфтлаган ҳам эдики, сухбатдоши гапни илиб кетди.

– Биз ҳам китоб ўқиганмиз, – деди у аллақандай писанда билан. – Кар момони ҳам биламиз. Тилимизнинг учиди турибди, сабил кайси бир достондан, шекилли. Лекин шу кампир зўр образда. Тўғрими, меҳмон?

Мадиёр унга кар момо ҳеч қайси китобда йўклигини, у шу кишлокда яшашини, дастурхонда турган узум ўшанинг уйидан келтирилганини айтмоқчи эди. Лекин директор унинг фикрини чалғитиб юборди. Тўғрироги, унинг гапини эшлиши хоҳламади. Шундай бўлгач, унга бу гапни айтди нима-ю, айтмади нима?

– Акабой, – деди директор ўрнидан туриб, – ҳозир мана бу хонага кириб, дам олинг. Эрталаб шофёр сизларни районга элтиб ташлайди. Яна бир гап. Эрталаб мен кўшни хўжаликка кетаман. Сизга бир топширик бор. Бир совға-салом тайёrlаб кўйган эдим. Тошкентга, ўз қўлингиз билан жўнатсангиз.

Директор таникли бир артистнинг номини айтди, кейин, яна алланималарнидир тайинлаб, ташқари чиқди.

Мадиёр бу гапларни эшигтгани йўқ. У бармоқларини кулоқларига тиқиб, кўзларини юмиб, ўтиради. Хаёлида бўлса, кар момо. «Директор кар момони зўр образ, деб топиб айтди» ўйлади у. Ахир, Мадиёр шу кампир туфайли ўғрилик қилиш фикридан қайтди-ку. Мадиёрга Норхол холанинг чайковчилиги, ғайриконуний савдо билан шуғулланиши шу кампир туфайли маълум бўлди-ку. Неча ой мобайнида аразлашиб юрган мактаб директори билан фаррош аёл шу кампир баҳонасида ярашди-ку. Энг зўр образ шу бўлмай, ким бўлсин?! Энг кизиги шундаки, кампирнинг ўзи булардан бехабар. Мадиёрни хаяжонга солган шу нарса эди. Унинг ичидаги гап қайнарди. Лекин ушбу дамда уни тинглайдиган хеч кимса йўқ эди.

ЖАРЛИКДАН ҚУШЛАР УЧДИ

Ражаб чўлок мақтанишни яхши кўради. Лекин унинг мақтаниши хеч кимга малол келмасди. Чунки ўзини эмас, кариндош-уруғларини ҳам эмас, качонлардир аждодида ўтган «машҳур» кишиларни мактарди. Қайси бир авлодга тегишли Шоди полвон тегирмоннинг тоши синганда янгисини ўн чақирим наридан орқалаб келган бўлиб чиқади, қайси бир кишининг уйидаги эски нақшли сандикни унинг бундан эллик йил олдин ўтган бир бобоколони ясаган бўлади. Хуллас, шунга ўхшаш гаплар унинг бисотида кўп. Тўғри, у бу гапларни дуч келганга ёки дабдурустдан айтавермайди. Ўрни келганда айтади.

— Бизнинг аймоқда ҳам эл сўраган одамлар ўтган, — дейди у гапининг охирида. — Мана Сўфи бобо айтсин. Кўпни кўрган киши. Шу киши айтсин. Тўғрими, бобо?

Агар даврада тўқсон ёшли Сўфи бобо бўлса, унинг гапини тасдик килади-да, шу билан Ражаб чўлоч тинчиди.

Унинг бу одатини билган киши хеч ранжимайди. Аксинча, кўнглини кўтаради.

— Мана, уругингиздан яна битта эл сўрайдиган киши чиқди, — деб кўйишади унга.

Улар бу гапни унинг укаси, хўжалик директори Бекназарни назарда тутиб айтишади.

Бундай гап Ражаббойга хуш ёқади, ич-ичидан хурсанд.

— Бекназар ҳам ёмон чикмади, — дейди фахр билан. — Лекин бола сағир ўсди-да. Тўғри, ундан ҳеч нимани аяганим йўқ. Боримни едирдим, ўқитдим, одам қилдим...

У шундай деганда ҳак. Кишлоқдагилар буни ўз кўзлари билан кўришган. Ҳатто, чўлок деган номини ҳам укаси туфайли олган. Бундан ўттиз йил бурун, унда Бекназар олти ўшда эди, унга тут териб бераман деб дараҳтнинг тепасидан учиб, оёғи майиб бўлган.

Хуллас, жонидан азиз бўлган мана шу укаси Бекназар ҳақида у кеча нохуш гап эшишиб, туни билан ухлолмай чиқди. Нохуш гапни унга бешинчи синфда ўқийдиган Собир деган ўғли айтди: «Ота, эшиздингизми, Чори морбоз бор-ку, подачи, ўша киссанига илон солиб, амакимнинг олдига кирибди-да, кейин қўркитиб бир коғозга қўл кўйдириб олибди».

— Ким айтди? — деди Ражаббой ва бир сесканиб тушди. У бекорга сескангани йўқ. Ражаб чўлок илондан ўлгудек кўркарди. Иккинчидан эса, ўғли етказган хабар уни ҳант-манг килиб кўйган эди. Ўғли бу гапни мактабдаги болалардан эшишибди.

Ражаб аввалига бу гапга ишонмади. Кимсан, катта бир чорвачилик хўжалигининг директорини аллақандай подачи қўркитиб ўтиrsa. Обрў, ҳурмат, конунчилик қаерда қолди?

У тонг отиши билан юз-кўлинни ювди-да, тамадди ҳам килмай, отини миниб, укасиникига жўнади.

— Шу гапни кечкурун гаплашсак майлими? — деди укаси унинг саволига жавобан жуда юмшоқлик билан. — Ҳозир ижрокомга кетяпман... Шошилинч.

— Шу гап тўғрими, ахир? — қайта сўради акаси унинг гапларига парво қилмай. — Айт-да, кетавер... Менинг ҳам вақтим йўқ... Шундай...

Бекназар оғзига сигарет кистириб, гугурт излаб киссасини кавлади.

— Бирор сабаби бордир-да, шундай қилган бўлса, — яна Ражаббой укасига синовчан назар ташлаб.

— Э, бир ненармальний-да, — қўл силтади Бекназар. — Ана машина ҳам келди. Хўп бўлмаса...

Укаси кетди. Ражаббой бўлса, сойда отини сугораркан. Чори подачи ҳақида ўйларди. Йигитни у яхши билмасди. Лекин отасини яхши танирди жанжалкаш киши эди. Бурноғи йил хотини, ўтган йил ўзи қазо қилган. Ўғли бўлса ўттизга яқинлашганига қарамай, бўйдок. Отасининг касофати урдими, хеч ким қизини бермади. Илон ушлаб юради. Бундай кишига кишлоқда ким ҳам қизини берарди.

Ражаббой Чорини топиш пайига тушди.

Чори морбоз шу пайтда, одатдагидек, хўжалик подасини ҳайдаб, кишлоқдан уч-тўрт чакирим келадиган адирликлар орасидаги катта чимзорга етиб борган эди. У эндиғина қумғонни қайнатиб, гирди чегаланганд ҷойнакка чой дамлаган ҳам эдики, ёвшанзорда отлик кўринди. Подачи ҳурмат билан ўрнидан турди. Буни кўриб, Ражаб отдан тушди.

— Келинг, Ражаб амак! — деди Чори очик кўнгиллик билан. — Қани, чой ичамиз.

Ражаб чўлоқ дастурхон атрофига эмас, сал наридаги харсанг тош устига омонат ўтирад экан:

— Чой ичган жойимиз-да. Мен бошқа иш билан келдим, Чорибой, — деди хотиржам овозда.

Чори миқ этмади.

— Нимага келганимни биларсан?

— Ҳа, — деди Чори.

— Ҳўш? — сабрсизлик билан унинг жавобини кутди Ражаб.

— Айтсам... шу... сиз аралашманг, амак.

Ражаб чўлоқ кандай килиб ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Йўқ, — деди у важоҳат билан, — қани, айт-чи, нимага уни беобрў қилиб, нағмангни кўрсатдинг. А? Мана, кучинг бўлса, менга кўрсат.

Чори морбоз норозилик билан тикилди. Аммо жим тураверди.

– Қани гапир, – деди Ражаб чўлок. – Ўша қоғозингни менга айтмайсанми, ўзим тўгрилаб берар эдим.

Чорининг лаблари сезилар-сезилмас титрарди, қўллари мушт бўлиб тугилганини Ражаб ҳам пайқади.

– Нима, у сени хафа килдими? Айт. Мен ҳали укам Бекназарнинг чумолига озор берганини билмайман.

Шундай деди-ю, аммо бу сўзларида гумон борлиги-ни ўзи ҳам сезди. Лекин сир бой бермай сўради:

– Балки сен биларсан?

Чори бамайлихотир чой хўплади. Ражаб чўлок яна жойига бориб ўтирди. Унинг бу ўтиришида шиддат, айни пайтда безовталиқ, ғазаб акс этарди. У энди рўпарасида мулойим, одамови ва довдир Чори морбозни эмас, балки кўзлари ўтдек ёнаётган, бутун вужудидан куч ёғилиб турган ўқтам йигитни кўрди.

Чори синовчан назар ташларкан:

– Амак, мени сизга хурматим катта, агар ишонсангиз, – деди секингина. – Лекин укангизди тарафини олиб юрманг.

– Йўқ, – деди Ражаб, – мени хурмат килган киши уни пастга урмайди. Мен уни не азоб билан ўқитганман.

– Хўп яхши, – деди Чори. – Бўлмасам, бундай қиласайлик. Укангиздан бўлган воқеани бир оғиз сўранг. Ундан кейин, мен айтаман колганини.

Ражаб узок ўйлаб кўнди. Илож канча, йигит ҳак гапни айтяпти.

Хуллас, у яна отига миниб. Қишлоқ томон жўнади. Ўрта кирдан ўтгач, от бошини Анжирли булокка бурди.

Агар булок бошидан ўтаётган Сония хола салом бериб колмаганида, ким билади, у қай пайтгача шу холатда ўтиради. Ражаб чўлок унинг саломига бош кўтариб, ҳайрон бўлиб қолди. Ҳайрон бўлганининг сабаби, қишлоқда неча ойлаб кўрмайдиган Сония холани келиб-келиб ана шу Анжирли булокда учратган эди. Сония хола Ражабнинг болаликдаги қўшниси – бир пайтлар уни яхши кўрган, одам қўйганида унга тегмаган.

– Нима, танимай колдингизми, күшни? – кулимси-ради Сония хола.

– Бу томонларда нима қилиб юрибди экан, деб хайрон буляпман да, – деди Ражаб чўлок.

– Хайрон бўладиган ери йўқ, бу томонларга тез-тез келиб турамиз. Чори подавонга овкат элтаяпман.

– А, – ўзича тушунгандай бўлди Ражаб, сигиринг Чорининг подасидами?

– Йўқ, сигирим йўқ. Раҳматли чолим бу ёруғ дунёдан кетдиям, оркасидан сигиримиз дард тегиб ўлди. Шундан бери сигир тутмайман. Нима ҳам киламан ёлғиз бошимга?

– Бўлмаса нимага бунча иссиқда куйди-пиши бўлиб юрибсан? Чори сенга қавм эмас эди, билишимча.

– Ха, у бир етим-да. Куюдиган кишиси бўлмаса.

– Э, одам бўламан деса, ўзига боғлиқ. Мана бизди ука ҳам етим ўсган... ўкиди, одам бўлди...

Сония хола бошидаги тугунчасини қўлига олди.

– Ҳамсоя, хафа бўлманг-у, лекин ундан одамни мен ўкиган демайман.

Ражаб чўлок гаранг бўлиб қолди.

– Нимага? – сўради у ўзини кўлга олиб. – Нима, песми, моховми? Ёки бирор айбини биласанми?

– Ўқиган одам ундан бўлмайди, – деди Сония хола ва бурилиб сўкмок бўйлаб кета бошлади.

– Сония, – деди Ражаб чўлок калтираб. – Шошма.

У икки ҳатлаб унинг ёнига борди.

– Бир гапни биласан ўзи. Менга айтгин.

Сония хола унга бирпас тик бокди:

– Майли, айт, дедингиз, айтаман.

Ражаб чўлок унинг гапидан қуйидагиларни билиб олди: Сония холанинг қизи қишлоқда яшаб, хўжалик марказидаги мактабга қатнаб ўқитувчилик қиласарди. Хўжалик маркази Пошхурт қишлоғидан уч-тўрт чақирик нарида. Якинда хўжалик марказидаги уйлардан бири бўшабди. У бундан хабар топиб, тўғри комендантга учрабди. «Хўжалик директоридан бир оғиз сўранг, хўп деса, сизники», дебди комендант. Роҳила Бекназарга учрабди. Бекназар бўлса унга: «Мен ҳам бир нарса сўрасам, йўқ демайсизми?» дебди. «Хўп, –

дебди Роҳила соддалиқ қилиб. – Нима экан у?». Бекназар эса: «Сиз билан уша уйда учрашиб турсак», деганиш. Роҳила йиглаб чиқиб кетибди. Кейин бу гапни онасига айтибди. Роҳила бу гапни айтаётганда Чори морбоз ҳам бор экан. У Сония холага қўшни. Чори эртасига тўғри директорнинг олдига кирибди. Кўйнидан илон чикариб, Роҳилага уй бериш тўғрисидаги қоғозга кўл кўйдириб олибди.

– Лекин бундай уйнинг кераги йўқ, – деди Сония хола алам билан. – Йигит бўлса, ўзининг амали оркали қизнинг кўнглини овлайдими? Мен ҳалиям сизни юз хотир қилдим, бўлмаса...

– Сония, – деди Ражаб аллақандай мунг билан, – билардим мени ҳурмат қилишингни. Раҳмат сенга. Лекин у нокасни айт, нима килай?

– Айтилган гап – отилган ўқ. Олдиндан ўйлаш керак эди. Энди нима фойдаси бор унга галиришнинг, – деди Сония хола.

Сония хола кетди. Ражаб чўлоч чимзорга ўтиб, чалқанча ётди. Негадир шу тобда Ражабнинг болага айлангиси ва бақириб тўйиб йиғлагиси келди. У бунинг сабабини яхши биларди. Келиб-келиб Сониянинг, ха, уша бир пайтлар оромини ўғирлаган Сониянинг олдида мулзам бўлди. Уни номусга ўлдирди, укаси! Ражаб ҳайрон: кўзларидан дув-дув ёш окарди. Чўнтагидан дастрўмол олиб, кўз ёшларини артди. «Қарибман-да, – деб ўйлади у, – киши қариса йиғлоқи бўлади дейишади». Унинг кўнгли тўлиб, анчагача кўз ёши тўқди. Ниҳоят. Қуёш тафти зўрлик қилди. У ўрнидан туриб, ўтлаб юрган оти томон юрди. Шу пайт, икки қадам нарида – арик бўйида ўтириб, уни кузатиб турган Салим кизиқни кўриб колди. – Бу ерда нима килиб юрибсан? – деди ўзини ўнглаб олгач.

– Бу толларни мен экканман, шулардан хабар олгани келдим, – деди Салим. – Бўлмаса уларни эшак еб кетади.

«Хушёр тентак бу», кўнглидан ўтказди Ражаб ва отини ўнгариб узангига оёқ кўйди.

Ражаб чўлоч Салим кизиқни шундан кейин яна бир неча марта учратди. Лекин Анжирли булокда эмас,

аввалги жойида, Салим қизик одатда оқшом тушди дегунча, бир пайтлари бозор бўлиб, эндиликда номи қолиб кетган, аслида бекат ўрнини ўтайдиган Бозорбоши деган жойда ўтирас, бу ерда ўн-ўн бешга яқин одам йиғилиб, уни гапга солишарди.

— Қани, Самат полвон қандай йиқилди, кўрсатиб бер...

— Акбар хумса хотинини қандай урган экан...

— Шоди сарик-чи? Директорни қандай боплабди?

Салим тентак эса номлари тилга олингандарнинг «образига кириб», имо-ишора, хатти-ҳаракатлари билан бўлган воқеаларни ифода киласарди. Қий-чув кулги сойнинг нариги бетидаги қишлоқ идорасигача етиб келарди.

Салим қизикнинг навбатдаги томошаларида Ражаб чўлоқнинг ҳам номи тилга олинди.

— Бас, тентак, — деди Ражаб ранги ўзгариб.

От сағрисига камчи согланини ҳеч ким кўргани йўқ. Лекин отнинг шу заҳоти осмонга пишкириб сапчигани-ю, эгасининг тизгинни кўйиб юборганини ҳамма кўрди. От икки-уч гир айланди-ю, шамолдай елиб кетди.

Шу пайт юкори йўл муюлишидан шиддат билан келётган юк машинаси кўринди. От ҳуркиб кетди. Ражаб отга кетма-кет камчи солди. От камчи зарбидан гангиб қолди шекилли, тепалик томон чопиб кетди. Тепалик бекатдан у қадар узок эмас эди. У кирғоқнинг энг баланд ери. Ҳамманинг кўзида кўркув, ваҳима пайдо бўлди. От энди жарлик томон кетиб борарди. Кўп ўтмай у жарлик каърида ғойиб бўлди. Жар томондан пирр этиб қушлар учди.

— Ака, акажон! — Салим додлаб шу томонга чопди.

Эртасига Ражаб чўлоқни дафн килишиди.

Ховлида ҳам, қабристон бошида ҳам Салим қизик изиллаб йиғларди:

— Акажон, ака, мен тентак умрингизга завол бўлдим. Кечиринг мен тентакни, акажон!

1982 йил.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД

Шоҳ Исмоил вафотидан сўнг, унинг ўрнига ўғли шаҳзода Тухмасп таҳтга чиқкан кезларда ҳам устоз Камолиддин Беҳзод сарой кутубхонаси сардори эди. Аммо, кейинги вакътларда сарой нигористонига кам кадам босар, борганида, дарҳол ўзининг содик шогирди Қосим Алига китобат сайқали юзасидан баъзи юмушларни юклаб, ўзи Табриз шаҳридан бир уй сотиб олган жияни Рустам Алиникига қайтар, ўша ерда тасвир такмил қилмоқ ила машғул бўлар эди. Рустам Али ҳам мусаввир эди, шу боис унинг ҳовлисида ижодга тегишли не лозим бўлса, барчаси муҳайё эди. Рустам Али шу кунларда хасталаниб қолган онасидан хабар олгани Ҳиротга кетган эди.

Рустам Алининг боғли ҳовлиси шаҳар чеккасида, ҳавоси ёқимли, мусаффо, йиљнинг тўрт фаслида ҳам куш насимлар айланиб юрар, Беҳзод шу ерга келсагина, ўзини анча енгил сезарди.

Бугун ҳам бир пиёла майиз сувини ичганидан сўнг, эрталаб бошлаб кўйган «Зухак тасвири»ни ишламокка ўтирди. Шаҳарнинг кўзга кўринган бойларидан саналмиш Козим деган санъаткор ҳозирлаётган мураккаси учун ундан бирон-бир манзара ишлаб беришни ўтинган эди.

Дарвоза зулфини шакиллаб, так-так этди. Беҳзод «Келган киши Козим оғойи бўлса керак» деган ўйда ўрнидан турди. Дарвозани очганида, рўпарасида мусаввир Мир Сайд Алини кўрди. Қўлидаги чўб саватда туксиз тилларанг шафтоли бор эди.

– Ассолому алайкум, устоз, – деди Мир Сайд Али. – Сиз Самарқанди шафтолиларни куш кўрардингиз. Илк нишонасидан келтирдим.

Мусаввир алик олиб, меҳмонни ёзги айвонга бошлади.

– Ажаб етилмишdir. Аларни ҳар гал пишиқчиликда тасвир этмакни ният килурмен, аммо тановул чоғи фаромуш этамен. Қани, сўйлангиз, падари бузрукворингизнинг аҳволлари нечук? – деди Беҳзод.

– Ул киши кеча карvonсарой ёнида термизлик

қариндошларимизни учратиб қолибдилар. Ҳаждан қайтишаётган экан. Бугун аларни Табриз бозорини айлантирмоққа кетдилар.

— Ҳа, дарвоқе, ота-боболарингиз аслан Термиздан деб эшишиб эдим. Ҳўш, Табризда аҳволларингиз не кечмоқда?

Мир Сайд Али айвоннинг зарҳал нақшларига тикилиб, ҳомумп сўзлади:

— Бу кишварларни кўрмок менга айни муддао эрди. Аммо падари бузрукворимиз ҳануз юрт соғинчи ила бедордирлар. Аввал Бадахшонда, кейин Балхда, сўнг Кобулда умргузаронлик қилдик. Мана, энди Табриздамиз. Дарбадарлик кисматимиз экан.

— Дарбадарликка сабаб недур? — Устоз Беҳзод бу саволни худди ўзига ҳам бергандек кўзларини юмиб, оғир тин олди.

— Ғавғолардан қочиб, осойишталик излаб келадурмиз. Аммо бу ғавғоларнинг чеки кўринмайдур.

— Сиз-ку ҳали ёшсиз, дунё кезмок маъкул. Аммо падарингиз Мир Мусаввирга қийин. Буни ёшингиз бир жойга етганда англарсиз. Мана, камина қарийб йигирма йилдирким, Ҳиротдан берида, Табриздамен. Бу орадаку Ҳиротда бир неча маротаба бориб келдим. Аммо энди ёшим етмишдан ошди. Ҳиротга кетсан дейман. Майли, факирона рўзгузаронлик бўлса ҳам, кўнглим Ҳиротни тилайдур.

— Ҳирот унчалик олис эмас-ку. Менинг эса тагин олисларга кетгим келадур, — деди Мир Сайд Али.

— Ҳиротнинг ҳар бир гўшаси, мадрасалари, зангори минорлари, муazzам кўрғон-у баланд калъалари, сершовкин бозорлари тез-тез тушларимда зохир бўладир. Қани энди, бозор раастасида тандирдан янги узилган нон-у бир бўлак кесма ҳалводан еб, бир пиёла чой ичиб, дўстлар даврасида ўтирам...

— Устоз, жами шогирд-у биродарларингиз Ҳирот-у Кобулдан шу ерга, Табризга, сизнинг илкингиздан тутиб келишган-ку, — деди Мир Сайд Али. — Мавлоно Қосим Али Чехракушо, Дарвеш Муҳаммад, Султон Муҳаммад, жиянингиз Музаффар Али... Айникса, Музаффар Али билан биз ога-инидек бўлиб кетдик.

– Ҳа, Музаффар Али кўп яхши йигит, феъл-атвори ҳам инимга тортибдур. Нақшаси хўб нозик. Аммо менга синглилизнинг ўғли Рустам Али амали хуш кела-дур. Афсус, нимадандур ранжиган кўринадур, Ҳиротга кетиб қолди. Мана, неча вақтким, дараги йўқ.

– Бунинг сабаби бор экан, кеча эшитдим, – деди Мир Сайд Али. – Ҳўжа Абдулазиз накқош воқеасидан хабардорсиз. Рустам Али шу гапдан сўнг Ҳиротга кетиб колган бўлса ажаб эрмас...

Ҳўжа Абдулазиз сарой кутубхонасининг накқошию мусаввири эди. Беҳзодга шогирд тушган, тасвири хўб нафис. Ҳўжа Кабоҳат Жарроҳнинг ўғли Мирзо Муҳаммад бир неча наққош қатори уни ҳам Ҳиндистонга, бобурийлар салтанатига олиб кетмоқчи бўлибди. Йўл асносида улар подшоҳ муҳрини тақлид қилиб, юз туманлик бир барот (накд пул олиш учун ишончнома) ясаган. Аммо кўлга тушган. Уларни Тухмасп ҳузурига олиб келишган. Шоҳ жазо сифатида Ҳўжа Абдулазиз билан мавлоно Али Аскарнинг кулок-бурунларини кестирган. Ҳўжа Абдулазиз ҳозир Ҳиндистонда эмиш, кўрганларнинг айтишича, ўзига аввалгисидан ҳам чиройлирок кулок-бурун ясаб, кўндириб олган эмиш.

Беҳзоднинг бутун вужуди кулокка айланди.

– Рустам Али ана шу Ҳўжа Абдулазиздан мактуб олган эркан. Унинг ёзишича, шоҳ хизмат ҳақини бермагани учун ночорликдан барот ясаган эмиш. Биларсиз, Ҳўжа Абдулазизнинг синглисига Рустам Алиниңг кўнгли бор эди. Шул хабардан сўнг Рустам Алиниңг шоҳдан ихлоси совиган эмиш.

– Сиз бул хабарни қайдан олдингиз? – деди Беҳзод дили оғриб.

– Кеча карvonсаройда мусофиirlардан эшитдим, – деди Мир Сайд Али. – Камина бундан хабардорсиз деган ўйда эрдим.

– Иним, бул гапни менга айтдингиз, бошқа бир жойда сўзламангиз, – деди Беҳзод. – Ахли кўча, ахли мусофиirlарига не келса, сўзлагай...

– Шафтолидан олингиз, – деди Мир Сайд Али. – Мен энди борай.

У ўрнидан турди. – Дарвоке, бир гапни айтмокни фаромуш этибмен, – деди эшик олдига борганды. – Кеча шох падари бузрукворимизни хузурларига чорлаб, сиз битган бир нақшани кўрсатиб, бунда не маъно бор, деб сўрамиш.

- Қайси нақша экан? – деди Беҳзод хушёр тортиб.
- Туялар жангি чекилган тасвир деб эшиздим.
- Не дебмишлар жаноби Мир Мусаввир?

– Ул киши дебдиларким, бундай манзарани Термиз яқинида ҳам кўриб эрдим, хўб ўхшатибдилар. Шох эса, буни мен ҳам кўриб турибмен, аммо ундаги маъно недир, деб яна сўрабди. «Маъноси шулким, одамзод туялар ҳолига тушиб қолмасин. Фикри ожизимча, шундай», дебдилар падари бузрукворимиз. Шох бу масалани балки мусаввири олам Беҳзод жаноблари ечиб берарлар, деганимиш. Не бўлганда ҳам, сиз бу саволга ҳозирок тадорик кўрсангиз – айни муддао деган ўйда огоҳ қиласай деб келиб эрдим.

- Ташаккур, – деди мусаввир. – Миннатдормен.

Мир Саид Алининг хавотири бежиз эмас экан. У чиқиб кетгач, хиёл ўтмай шохнинг чопари келиб, мусаввирни шох йўқлаётганини хабар қилди.

Беҳзод шоҳ Тухмасп ҳузурига кирганда барча аъёнларга жавоб бўлган, фақат хос мулозимлардан икки киши ҳамда мусаввир Султон Муҳаммад билан Қосим Али бор эди. Беҳзод таъзим бажо келтиргач, одатга кўра, кутубхона сардорига белгиланган жойга ўтириди. Тухмаспнинг иккала юзи ботаётган шафакдек гуногун бўлиб, зиёфатдан қайтгани сезилиб турар эди. Шаҳзодалик даврида бундай ичимликларни жуда кам иchar, вактини кўпроқ санойи нафиса-ю китоб мутолаасига бағишилар эди. Султон Муҳаммадга, кейин устоз Беҳзодга шогирд тушиб, нафис тасвирлар ҳам битган эди.

Тухмасп Беҳзоддан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, тахт яқинидаги мулозимга имо қилди. Мулозим ён томондаги хонадон Беҳзод нақша этган тасвирни олиб чиқди.

– Мусаввир жанобларининг ушбу нақшаларини томоша айлаб, маҳоратларига тасанно айтдик, – деди

шоҳ. – Хўб жозибали, хўб маънодор! – Сўнг сохта табассум килди: – Нақшанинг чеккасида бундай ёзув ҳам бор эркан: «Мазкур тасвир мураққадан бир шингил бўлиб», ...улар туяларнинг қандай яратилганига қарамайдиларми» демиш оят мазмунига бир ишора-ким, қалами шикаста, факир ва номурод Беҳзод умри етмишдан ошиб, тажрибага бой бўлиб, ушбу ишга қўл урди». Буларни ўқиб, андак ҳавотирга тушдик. Мусаввири оламнинг битикларидағи бу қадар ҳазинликнинг маъниси недир? – Тухмасп қўлларини ёзиб, тахтнинг иккала ёнидан ушлади, кошлари чимирилди.

Беҳзод шунга шафе келтиридиким, шоҳ ҳар гал тахтнинг иккала ёнини ушлаганда ёки тахтга ўтирганида унда бошқа бир ҳолат содир бўлгай. Тухмасп бошқа пайтлари «устози олам» деб сўзларди.

– Бундан бир неча йил бурун Табриз атрофида маст бўлган туялар жангини кўриб эрдим. Аларни бирбирига рўбарў қилган соҳиблари хотирамга ўрнашиб эрди. Шул воқеани тасвирга олмок ҳамда ояти каримадаги маънога ишора кильмоқ муддао эрди.

– Жанобларининг самимилигига шубҳамиз йўқ, – деди Тухмасп. – Аммо тасвирда ўзгача тимсоллар бор. Шундок эрмасму?

Тухмасп анча зийрак, боз устига, аҳли санъатнинг таълим-тарбиясини кўрган, кўлидан унча-бунча тасвир этмак ҳам келади.

– Кечакарвонсаройда бир турк ўғлон сўйламишким, устоз Беҳзод «Туялар жанги» нақшасида шоҳлар жангини тимсол этмиш. Турк ҳамда Эрон шоҳларига ишора эрмиш. Мен буни аллақачон фаҳмлаган эрдим. Аммо ҳалойик ҳам сезган бўлса, бу саройнинг, бу тахтнинг обрўси колурму? Гўри нурга тўлгур киблигоҳимиз сизга не ёмонлик қилиб эрдиким, буни лойик кўрдингиз?

Карвонсаройда айтилган бу гап Беҳзоднинг ҳам кулоғига етгани маълум. «Салим пошшо ҳам, шоҳ Исмоил ҳам турк бўлсалар, нега бир-бирларига от солишиади?» деган экан ўша турк ўғлон кўпроқ ўз шоҳини айблаб. Факат, ўша турк «Туялар жанги»ни каерда кўрди экан, шуниси таажжубланарли. Накша нигористонда эрди-ку?

– Шу боис, – деб сўзида давом этди шоҳ кўлига ўрама қоғоз олар экан, – жанобларига падари бузрукворимиз чиқариб кетган фармоннинг айрим ўринларини эслатиб кўймокчимиз. Жанобларига сарой кутубхонаси саркори рутбаси берилганда фармони олийда дейилмишким... – Шоҳ ёрлигини текислаб, қироат ва иддао илиа ўкиди: – «Устод... ушбу хизматга ростлик йўли билан киришуви, иккюзламачилик майлидан ўзини йирок тутиб, содиклик ва савоблик қоидасидан четланмаслиги керак, атрофдагилари ҳам шу йўлдан борсин...»

Тухмасп ўкишдан тўхтаб, чукур тин олди.

– Қиблигоҳимиз бир нарсани фаҳм этганиким, ушбуни битиб кетмиш.

– Жаннатмакон шоҳимиз учун мен қўлимдан келғон неки юмуш бўлса, адо этиб келдим, куч-куватимни аямадим, – дея оҳиста жавоб килди Беҳзод бошини куйи эгиб.

– Каминага шул нарса аёнки, – деди шоҳ киноя билан, – жаннатмакон шоҳимиз мусаввири оламни ўз мулки-ю хазинасидан ҳам устун кўйиб эрди. Ёки буни жанблари фаромуш этдиларми?

Йўқ, йўқ, ул илтифотни Беҳзод хотиридан фаромуш килган эрмас. Усмонли турк султони Салим пошишо Табризни босиб олмоқ ниятида жанг бошлаган кезлар эди. Мухораба Табриздан йигирма фарсанг нарида, Чилдорон деган жойда рўй берди. Фармон бўлдиким, Беҳзод ва хаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурий хос навкарлар илиа хилват жойда яшаб тургай. Шоҳ бошка ҳеч кимни, ҳатто хазинани ҳам бу кадар муҳофаза этган эрмас. Шоҳ Исмоил жантдан енгилиб чикқач, якин мулизимига берган илк саволи ҳам шул бўлибдур: «Устоз Беҳзоднинг тани-жони омонми?»

– Шундай эрмасму? – деди Тухмасп Беҳзоднинг хаёлини бўлиб.

– Жанблари рост айтадурлар, – деди Беҳзод.

– Қиблаи оламнинг фармонлари бизга мерос эзур, – деди шоҳ. – Биз ҳам шу йўлдан борурмиз. Салтанатнинг омонлиги шоҳ фармонларининг сўзсиз

адо этилмоғидур. Умидворманким, жанобларининг муборак мўйқаламлари фактат салтанат йўлида хизмат қилгай. – Тухмасп хиёл кулимсиради. – Энди жанобларига рухсат. Туяларни жанг қилмокқа эрмас, аларга кўнғироқлар осиб, «Чўли Ирок»ни чалмокқа бошламок лозим. Тасвиirlар киноя-ю мажозларга эрмас, кўнгул найларини чалмокқа хизмат қилсун.

Беҳзод таъзим ила ташкарига йўл олди.

Тухмасп «кўнғироқ чалган» туяларни бежиз эслатгани йўқ. У Хўжа Абдулқодир воқеасига ишора қилмоқда эди.

Хўжа Абдулқодир машҳур хонанда, машшоқ ҳамда мусаввир бўлиб, Табризда Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ ҳизматида бўлган. Мироншоҳ ҳокимлик даврида базм-у ишратга, ичкиликка берилади. Бундан хабар топган Соҳибқирон ўғлини ўлимга буюради. Аммо шариат пешволари Мироншоҳнинг шу кўйга тушишига сабабчи бўлганларни жазолаш лозимлигини айтади. Хабаркашлар бундай базми жамшидни уюштирадиганлар Мироншоҳнинг учта надими эканини билдиради. Улардан бири Хўжа Абдулқодир экан. Икки надим ясокка келтирилади, аммо Хўжа Абдулқодир ҳибсдан кочиб қолади. Ўзини қаландар, гоҳо девоналика солиб, мулкдан-мулкка ўтиб юради.

Амир Темур Ироққа кирганида, Хўжа Абдулқодир Бағдодда эди. Соҳибқирон истиқболига туялар карвони пешвоз чиқади. Хўжа Абдулқодир ҳар бир туяга маълум бир пардада овоз берадиган кўнғироқ тақади. Карвон юрганида, кўнғироқлар садосидан латиф бир оҳанг тараплади. Бу «Чўли Ирок» куйи бўлиб, Амир Темурни та-ажжубга солади. Карвон эгаси – Амири Лорни чакириб, бу ҳол асрорини сўрайди. Амири Лор ҳукмдордан куй ижодкорининг бир томчи конидан кечишини сўрайди. Ижобат бўлгач, у ҳукмдорга Хўжа Абдулқодир шу оҳанг билан пешвоз чиққанини айтади. Олий ҳукмдор унинг истеъдодига таҳсин айтиб, саройга хизматга олади. Ривоят килишларича, Хўжа Абдулқодир хийла моҳир мусаввир ҳам бўлган, Куръони каримни жуда ширали товушда қироат қилган. Ёши юзлардан ошиб,

казо қилған экан. Ул зот-ку замона зайлини англаб, хатосини топкирлик ила тузатган эрса, Беҳзод не айбунуксон килибдурким, узрохолик этар? Кўнглидагини холисаниллоҳ тасвирга кўчирса, хукмдор-у раиятни куткуга эмас, ҳар ишнинг оқибатини англашга чорласа, бу хатолик бўлурми?!

Умрининг кўпи кетиб, ози колганда, Беҳзод шунга иймон келтириди, кўнгил Оллоҳдан ўзгага майл қилгудек бўлса, бундан хатолиг-у кулфатлар ёғилгай. Тўрт хукмдорни кўрган мусавирининг хаёлида бирбирига зид, ечимини излаётган саволлар кўп эди. Султон Ҳусайн Мирзо ҳам, Шайбонийхон ҳам, Шоҳ Исмоил ҳам – бари турк улусидан, барининг ҳам санъатга, санойи нафисага ихлоси баланд эрди. Аммо улар нечун жанги-жадалга бунчалик ўч эрдики, мудом бир-бириниғорат килиш ниятида бўларди? Рост, улар Беҳзодга кўп меҳр-у иноятлар кўрсатди, нигористон учун неки лозим бўлса, мухайё этди. Бироқ улар орасида Султон Ҳусайн Мирзонинг меҳри бўлакча эрди. Бу меҳр вазири аъзам Мир Алишербек жаноблари туфайли эканини Беҳзод зинҳор-базинҳор унутмагай. Алишербек жаноблари билан илк дафъа учрашганлари ҳамон куни кечагидек хотирида.

Хиротда, хунармандлар маҳалласида умргузаронлик килар эрди. Бир куни кулба эшиги оҳиста тақиллади. Беҳзод апил-тапил чиқиб, эшикни очди. Рўпарасида либослари одми, аммо киёфасидан аслзодалиги билиниб турган бир жаноб турарди. У Беҳзод ила аҳволлашгач, уй ичидағи тасвирларни кўришга изн сўради. Тасвирларда турли манзаралар, достонларга бағишланган лавҳалар, шоҳ ҳамда Алишербек сиймолари чекилган эди. Улар нисбатида вазири аъзамнинг тасвирлари кўпроқ эрди. Келган меҳмон таажжуб ила сўради: «Бу тасвирлар кимники?»

Беҳзод рўпарасида ким турганини дафъатан фаҳм этди. Тавозе ила жавоб килди: «Хунармандларнинг хомийси Амир Алишер жаноблариниким, мен ул зотнинг хузурларида турибмен».

Вазири аъзам деди: «Нега шул вактгача хузуримга келмадингиз?»

Беҳзод жавоб килди: «Боришимга ҳожат не? Борсам, сиз менга аксингиз битилган бу тасвиirlар учун тухфа берардингиз. Яъни, уларни сизга сотган бўлардим. Ҳолбуки, бу тасвиirlарга шундок ҳам харидор кўп, сизга навбат етмагай...»

Амир Алишер табассум қилди: «Қадр-кимматимни ҳаммаёқдан ҳам кўра бу ерда, наккош кулбасида топганимдан бағоят шодмен. Аммо сизни улуғ ишлар кутмокдаки, бунга хозир туринг. Таърифингизни устозингиз Мирак Наккошдан эшитиб, сабрим чидамай ўзим хуфиёна келиб эрдим. Сизни яқин кунларда ҳузуримга чорлагаймен».

Амири аъзам лафзида турди: уни тез орада саройга чақириб, муборак юмушларга жалб этди. Яъниким, хаттотлар томонидан қайта кўчирилаётган улуғ алломаларнинг кадимги кўлёзмаларидан тортиб, замондош олимлару шоирларнинг асарларига тасвиirlар битмак лозим эрди.

Санойи нафисанинг улуғ ҳомийси, илҳомчиси Мир Алишер Навоий унга нигористоннинг жилвакор дарвозасини ланг очиб бериб эрди. Бунинг учун у тоабад миннатдор. Факат кўнгли бу кунда меҳр ва саховат, далда ва муруват тилар эди, холос. Қолган умрнинг вакту соатларини шодумон ўтказмакка энди хийла кеч эканини англаса-да, нечукким, ҳар гал Ҳирот томон юз буриб, унга элтувчи йўлларга нигоҳ тикканида, вужудини титратиб, қалбини аллаловчи аллакандай бир умидбахш эпкинларни туймиш. Ёлғиз шу эпкинлар унга таскин ва нажот йўли сари бошловчи, янги нақшалар чекмакка ундовчи бир илоҳий куч-куvvват бўлиб туолгай.

Кекса мусаввир шуларни ўйлаб, қизғиш тепаликлар аро ғойиб бўлгувчи Ҳирот йўли сари беихтиёр қадам ташларди.

2004 йил.

ОЙНИНГ ОҚ КҮЙЛАГИ

Бир күйлагим оқ эди,
Оқ бўлса-да тоқ эди.
Кўнгил кўйган қайлигим,
Бошқага илҳақ эди.

Халк кўшиғидан.

- Тут қокиб беринг...
- Кеч бўлди-ку. Энди эрталаб.
- Йўқ... Ҳозир, – эркаланди Ойкулди, – Ҳозир қокиб берасиз!...

Абдулла ҳовлидаги дарахтга чиқди, бор кучи билан катта шохни силкитди. Осмондан худди юлдузлар учиб тушгандек, ой ёруғида тагидаги сўрига, Ойкулди тутган бўз дастурхонга тушаверди. Ойкулди ўтириб тут еркан, зерининг тепада узок қолиб кетганига ҳам эътибор қилмади.

- Иии... қанисиз...
- Ҳозир... Ойкул...
- Нима бор экан у ерда. Менам чиқаман...
- Бу ердами... Ой бор.
- Ойга чикмоқчимисиз?
- Йўқ. Ойга тушмокчиман. Ердаги ойга...
- Ердаги Ой тут еб, ҳаммаёги доғ бўлди.
- Ие, биргина осмондаги ойда доғ бор десам, ердаги ойда ҳам доғ борми?

Абдулла иргиб, пастга тушди.

Ойкулди унинг юзидан ўпиб олди.

- Ана энди сизда ҳам доғ бор...

Улар сўрида, ой ёруғида юзма-юз ўлтиришиб, тут ейишиди.

- Тут шундаям ширин эканки... лабларим чиппа ёпишяпти. Уни экканга раҳмат.
- Онам эккан бу тутни.
- Онангиз... Нега отангиз эмас?
- Бу тутнинг кўчатини онам раҳматли сойдан топиб олган экан.
- Сойда фактатошу юлғунлар-ку.
- Сел оқизиб келганда баҳорда. Онам дарҳол

кўчатни олиб, ҳовлига эккан экан. Ўшандада ман энди туғилган эканман.

— Отам даладан келиши билан тутни кўриб, «Хотин, бу энг яхши тут нави. Экиб, яхши килибсан, деган экан. Шу-шу, мана мактабни битирганимча тут еб катта бўлдим. Армияга кетганимда, шу тутни соғиндим деб ёзсан, тутмайиз килиб юборишибди, Ойкулди.

— Холажоним сизга шундай меҳрибон бўлган эканларда.

— Ҳада. Энг катта меҳрибонлиги...

— Оғир бетоб бўлиб ётганларида, ўғлим армиядан қайтса, Ойкулдини олиб беринглар деб васият қилганлари... Тўғрими? Топдимми?

— Топдинг, Ойкулди. Ҳўшш... Ана, ой ҳам булат ичига кирди. Биз ҳам уйга кирайлик.

Ойкулдини эрта баҳорда тўй килишди, Термиз атрофидаги қишлоқдан тоғ қишлоғига олиб кетишди. Куёв уйига етиб келишганида, учта кичик гулхан ёқилди, Ойкулдини уларнинг ҳатлаттиришди. Эшик олдида эса бир кампир унинг пешонасига ун суртди. Кейин, уни безатилган чимилдикли хонага олиб киришди. Хона ичи тўла одам: ёш болалар-у, қиз-жувонлар... Бу ердаги узун, қизил духоба чимилдик ичидаги бекасам чопонни бошига ёпинглан Абдулла уни ёнига олди...

Август оқшомларининг бирида эса Абдулланинг яқин дўсти уйланди.

Куёвнинг ҳовлисида ҳамма йиғилган, қизлар бир томонда, йигитлар бир томонда. Икки томондан ҳам қиз-йигитлар бир-биридан ўзмоқчи бўлгандек ўргага чиқиб, ўйнашади. Сафар деган ўсмир, одатдагидек, рубоб чалиб, қўшик айтди, Ойниса деган қиз доира чертди. Ойкулди ҳам давранинг бир четида. Ёнидаги қайнинглиси Зулхумор унга «экскурсовод».

Абдулла боғ ичидаги курилган тошқозонлар ёнида, ўзи тенгги уч-тўрттаси билан пичирлашади. Негадир чуст дўпписи сал қийшайган. Ойкулди бориб, унинг дўпписини тўғри кийгазиб келмокчи бўлди-ю, ийманди.

Абдулла тўпдан ажралиб, даврага қайтди, кўшик энди тинганди. Зулхумор унинг оёқ олишидан «акам ичипти», деди Ойкулдига шивирлаб.

Кимдир Абдулланинг ёнида пайдо бўлди, кўлидан ушлаб, рубобчи йигит ёнига олиб борди.

– Бугун энг қалин ошнангнинг тўйи, – деди котма, новча йигит. – Битта кўшик айтасан.

Даврада жонланиш пайдо бўлди.

Абдулла ой ёруғида рубобни созлайтуриб, шошмасдан атрофга аланглади, сўнг, давра четида турган оппоқ кўйлак кийган, хушбичим, соchlари турмакланган кизга бир қараб олди. Ойкулди буни дарҳол пайқади. У қиз бир чеккада котиб туарар, кўзларини Абдулладан узмасди. Ойкулди қошларини чимириб, Зулхумордан аста унинг кимлигини сўради.

– Оқ кўйлакли қизми? – сўради Зулхумор. – Соҳиба. Термизда техникумда ўқийди. Асли ўзи қишлоғимиздан.

Ойкулди зулфини тузатаётган Соҳибага хомуш бокди.

Абдулла кўшик бошлади.

– Учиб ўтган қалдирғоч-ей, ёра айт саломимни...

Йўқ, у кўшик айтатётганмасди, у бўзлаётганди. Унинг бу қўшиғи гўё эркакнинг ғамгин йигисидек, юракни ззадиган нола бўлиб таралар, ҳатто бир-бирини кувлашиб юрган болалар ҳам даврага қайтишиб, тинглашаётганди. Ойкулди кўзларини юмиб олди, боши айланашётгандек туюлди. Юрагининг аллакаерида хўрсиникими, оғриқми, бир нимадир пайдо бўлди. У Абдулланинг қанча баланд овоз билан куйлаётгани сари, ўзидан шунча узоклашаётгандек бўлаётганини хис қилар, шунданми, кўлларини узатиб, «ушланг, бўлмасам йикиласман», дегиси, йиғлагиси келарди. Кўшик тугаганди. Ойкулди кўзини очди. У ҳаммадан ҳам аввал Соҳиба турган томонга қаради. Аммо, қиз кўринмади.

Тўй тугамаган бўлса-да, Ойкулди Зулхуморга «кетамизми?» деди. У ҳам шуни кутиб тургандай «майли, кетамиз», – деди.

Зулхумор ҳовлидан чиқишлиари билан:

– Сохибани кўрдингизми? Жуда ўзига бино қўйган киз. Ўзи акамни яхши кўрган... Манга ҳеч ёкмайди шу қиз...

– Нега? – сўради Ойкулди.

Унинг овози негадир титраб чиқди.

– Ўзини катта олади...

– Акангиз ҳам уни яхши кўргандир, – деди Ойкулди.

У бу гапидан ўзи хижолат тортиб кетди.

– Ҳе... Акамнинг тирноғига ҳам олмайман уни.

Зулхумор кулиб, Ойкулдининг белидан кучди. Уларнинг уйи сой кирғоғида, тўйхонадан унча олис бўлмаганлиги учун бир зумда етиб келишди. Аммо, Ойкулди жуда узок йўл босгандек ҳорғин эди. У кела солиб, ўз хонасига кириб кетди. Эшикни беркитиб, ўзини ойнага солди. Кўзларини, кошларини томоша килди. Хаёлан ўзини ўша оқ кўйлакли киз билан солиштириди. Йўқ, ундан қолишадиган жойи йўқ. Ноzik бўй-басти, кора, йўғон соchlари, бежирим юzlари наҳотки Абдуллага ёкмаса? Ойкулди мактабда ўқиган пайтларида унга, севаман, деб ҳат ёзган юқори синф болаларидан Аҳмадни, ўзи билан бирга ўқиган Восиднинг маъноли карашларини эслади. Уларни мазах килиб, ғурур ва фахр билан юрган кунлари, Сурхон буйларида қизлар билан бекинмачок ўйнаганлари бир умрга қолиб кетди.

Ойкулди сандигини очиб, бисотини титкилади. У энди онаси мактабни битирганда совға қилган оқ кўйлагини кидирарди. Унинг оқ кўйлак кийгиси, Абдулланинг худди Сохибага ёниб карагани каби карашини истар, мармар танасини аллақандай бир ўт секин-секин куйдираётганлигини хис киларди. Мана, у оқ кўйлак! Сен шунчалар жозибали, сехрлимисан! Сен яна бир сехрингни кўрсат. Кўрсата қол, хўпми? Ойкулдингни уялтирма. Ахир, биласан-ку Ойкулди ҳеч кимга ёмонлик қилмаган ва ҳеч качон раво кўрмайди. Фақат, фақат Абдуллага ёқса бас. Келинчак хаёлан шундай деб илтижо киларди.

Абдулла уйга қайтганда, деразадан юлдузларнинг секин сўнаётганлиги кўриниб турар, Ойкулди оқ кўйлак

кийганча, оккуш мисол порлаб ўлтиради. Абдулла күзлари шишинкираган Ойкулдига бир лаҳза ҳайрон бокди, сүнг лабларидаги табассум пайдо бўлди. Ойкулди хаёдан ёниб, ўрин солди, ўзи дераза қанотини очиб, туриб қолди. Осмон! Мунчалар сирлисан, кани ушбу дамда Ойкулди ҳам уча қолса, шаффоф бағрингда беташвиш кулиб, раксга тушса!

Осмон, шошма, бирпас тўхтаб тур! Ҳозир, шошма, кара, Абдулланинг бағри унга осмон бўлди, осмондан ҳам аълорок бўлди. Оқ кўйлак, мўъжизакор, сехрли оқ кўйлак, раҳмат сенга!

Ойкулди худди кордек эриб кетгандек сезарди ўзини. Абдулла эса уни зраклаганча, «ухла, ухла, энди Ойкулди, – деди. – Нега ухламаяпсан?»

– Ухлайман, – деди Ойкулди.

Сокин тун. Ойкулди беланчакда ётгандек, бир куч уни тебратиб, аллалаётгандек бўларди. У ана шу оромдан секин-секин уйкуга кетди. Абдулла энди ҳар куни уни ана шундай аллалаб, ана шундай ухлатиб қўярди.

Куз арафасида Абдулла яна маъюс бўлиб қолди. Бу пайтда Ойкулди Соҳибанинг қишлоққа келиб кетганини эшилди. Яна юрагига чўғ тушди. Абдулланинг яна ичиб келганини кўриб, шодмон бокишлари йўколди. Кейин... Кейин эса тарам-тарам олма юзи тароватини йўқотганинги сезди. Қўшни кизлардан Абдулланинг ишни ташлаб бўлса ҳам Термизга, Соҳибанинг олдига бориб келганини эшилди. Ойкулдининг кошлари тез-тез чимириладиган, ғунча лаблари титрайдиган, кўли ишга бормайдиган бўлиб қолди. «Оқ кўйлак, жоним оқ кўйлак, наҳотки сенинг қудратинг йўк! Ахир, Ойкулди нима гуноҳ қилди бу оламда? Шу хонадонни, шу етим колган болаларни қийналмасин, деб ўйлагани, ё қайнонасининг васиятига рози бўлиб, бу уйга келин бўлганими? Оқ кўйлак, сен унга мурувват қил, уни бу кўйга солма. Қўшни келинчаклар олдида уятга кўйма, унинг мағрур бошини эгма!»

Оқ кўйлак унга мурувват қилмади... Уни атайлаб кийган кунлари Абдулла бурилиб ҳам қарамас эди. «Яҳши» дер эди ортига қарамай. Ойкулди жаҳл билан у кўйлакни ҳеч кимга кўрсатмай, бурдалаб ташларди.

Абдулла тез-тез ичар, гохо қаердадир тунаб колар, унга беларво боқар, ғамгин кўзлари Ойкулдини хижолатта соларди.

Ойкулди ўша куни окшом тушганда, рўзғор ишларини саранжомлаб овқатга уннади. Абдулланинг ишдан қайтиш вакти бўлди. Аммо, ундан дарак йўқ.

Ойкулди кайнукалари билан бирга овқатланди, кайнотаси коровулликда бўлгани учун унга овқат юбортириди. Сўнг, ўз хонасига кириб кетди. Дераза ёнида стол ёнида ўтириб, хат ёзди:

«Абдулла ака! Мени кечиринг. Сизни ташлаб кетяпман. Қанча оғир бўлмасин, шунга аҳд килдим. Бу ишим тўғрими, нотўғрими, ўзим ҳам билмайман. Аммо, шуни билдимки, васият бўйича турмушга чиқиш тўғри эмас экан. Сиздан ўтинчим шуки, мени айбламанг. Инсон васият қилганда, «агар ёшлар бир-бирини севса, уйлантиринглар, бўлмаса йўқ», – деб айтиши лозим экан. Сиз ҳам, мен ҳам шундай бўлайлик».

Ойкулди хатни тугата олмади. Зулхумор кирди.

– Акамни даштга, кўтонга юборишибди. Эртага қайтаркан, – деди у. – Ҳозир кўчада Сафар тоға айтди.

Ойкулди бош силкиб, қўйди. Зулхумор унинг хеч нарса демаганига ажабланиб қаради.

– Ҳа, янга? – деди у Ойкулдининг ёшланган кўзларига кааркан,

Ойкулди қайнинглисига бетоблигини баҳона килди.

Зулхумор бош силкиб, нариги хонага кетди.

Ойкулди эса ўзига, ёлғиз ўзига ўрин соларкан, эрталаб, эрта тонгда бу хонадондан бош олиб кетишга аҳд килиб қўйди. Аммо эрталаб турибок, хатини йиртиб ташлади. Ўзининг устидан кулди». Китобдаги қаҳрамонларга ўхшаб, хат ёзганимни қаранг-а, – деб ўйларди у. – Мен шу уйнинг бекасиман. Хеч қаерга кетмайман. Оқ кўйлакка ишонаман. Уни эса то эрим мени яхши кўрмагунича, янгиларини тикавераман».

Кунлар шундай ўтаверди. Бу орада фарзанд туғилди. Яна тут пишиғи келди. Яна окшом пайти тут егиси келди. Боласини ухлатиб, ўзи тут ёнига борди. Шунда...

Ўзига, унга мафтун бўлиб қараётган ойни кўриб колди. Ўн тўрт кунлик ой. Ҳилол ой. Унинг атрофида, ҳарир ҳавода юлдузлар милтирайди. Ойкулди донг котди. Гўё оқ кўйлак кийгандек, Ойкулдига уни кўз-кўз килаётгандек туюлди. Мен ҳам худди шундай либос тикаман, ой, – деди унга пичирлаб. – Чинданам кўйлагинг чиройли. Мен бўлсам, Соҳибанинг кўйлагидан андоза олиб юрибман. Унга ўхшатишга уринибман.

Эртаси куни у шундай бир чиройли оқ кўйлак тикиди... Ёқалари, енглари, этакларида ҳилол ой ўйнаб тургандек кўринади. Раҳматли кайнанаси сандигида оқ матолар асраб кўйган экан. Ичидан бу гал оқ пахта матосини, кумушранглисини танлаб олди. Кўйлак битган кун Термиздан дугонаси келган эди, уни кўриб, лолу ҳайрон бўлди. «Ажойиб! Мен ўзимни зўр модельер деб юрсам, адашибман. Сенга гап йўқ, аслида сен кўриктанловларда қатнашишинг керак», – деди ҳаяжонланиб. Сўнг, Ойкулди кўйлакни кийганида, беихтиёр чапак чалиб юборди. «Ой, сен худди Сурхондарё мадоннаси бўлдинг. Рўзи Чориев деган рассом сени кўрганида албатта, расмингни чизарди» деб олқишилади. У бекорга куйиб пишиб гапирмаган экан. Кетишида шу кўйлакни вақтинчага бериб тур деди. Йўқ дея олмади. Бир ҳафта ичида энди унданда чиройлисини тиқди. Унда энди онаси ўргатган ойгул, ой барги, наш гирдоб, мажнунтол, жийдагул, гули ҳафтранг, абри баҳор, аноргул тасвиirlари бор эди. Аммо, ой тасвири бу накшларга этакчи эди.

Кунларнинг бирида Термиздан хат келди. Дугонаси-нинг ёзишича, Ойкулдининг «Ойнинг оқ кўйлаги» деб аталган либоси вилоятда ҳунарманд танловида ғолиб бўлганмиш. Унга республика танловига йўлланма берилганмиш. Татанага тез етиб келишини сўрабди. Шунда Ойкулди дугонаси кўйлакни нима учун олиб кетганини эслади. Эртаси ўша кўйлакнинг янгича тикилганини кийди, дахлиздаги топпойнага ўзини солди. Бундай караса, оркасидан эри тикилиб турибди. Бир кизариб, бир бўзарди. «Термизга бориб келмокчи эдим», – деди нихоят – Рухсат берсангиз».

— Йўқ, йўқ, — деди Абдулла шоша-пиша. — Мен сени ниятингни биламан. Кетиб, қайтиб келмокчи эмассан.

Ойкулди ҳайрон бўлди. «Ие, унинг менга иши бўлмасди. Нима бўлди унга?»

Ахир наҳотки. Ё мана шу ойнинг оқ кўйлаги, унга мурувват килдими? Раҳмат сенга эй ойнинг оқ кўйлаги!

— «Чиройли бўлиб кетибсан, Ой», — деди Абдулла яна. — Кел, кўй, бари мендан ўтди. Кетмаа.

Ойкулди жилмайди.

— Кетаман. Лекин, қайтиб келаман.

Зулхумор ҳовлига чикқанида, акаси-ю янгаси сўри устида, дарахт тагида юзма-юз бўлиб тут мевасини тे-риб ейишарди. Икковининг хандон отиб қулишларидан лолу ҳайрон эди.

— Менга тегинманг! Тутдан қўлларим доғ бўлган.

— Нима қилибди, Ойкулди, Ойда ҳам доғ бор.

Ойкулди унинг юзидан ўпигб олди.

— Ана энди сизда ҳам доғ бор...

— Мен ҳар қандай доғни ювиб ташлайман, Ой...

1976 йил.

АРВОҲ КАПАЛАК

Мансур ётган еридан турмай, қўлини ёнбошидаги тумбага чўзди, кундалик режалар қайдномасини излади. Кўли дафтарга тегар-тегмас, у ердан аллакандай бир капалак гизиллаб учди. Ушбу дакиқада хаёлига пашша ўлдиргич келди, аммо уни тезда топа олмаслигига кўзи етди, ўрнидан кўзғалмай, капалакни бир зум кузатмоқчи бўлди. Кун хали кеч эмас, аммо, ташқарида ҳаво бу-лутлигидан хона коронгироқ. Капалак каёkkадир ғойиб бўлган эди. Мансурнинг қизикиши ортди, бетокатланиб чирокни ёқди. Ва ниҳоят, бояги капалак каравот тепасига осиғлик «Яланғоч аёл» портрети сиртида, нак аёлнинг кўксига кўниб турганлигини кўрди. Дафтарни унга яқинлаштириши билан яна капалак учди. Унинг зир айланиб учишини томоша киларкан, бирдан эслади:

арвоҳ капалак бу. Мансур уни кўп марта кўрган, шунга қарамай, авваллари номини билмасди. Унга арвоҳ капалак эканлигини Ойгул айтган. Унинг номини биргина Мансур эмас, ишхонадагилар ҳам билмас экан. Архивлар сакланадиган шкафларда бундай капалаклар кўп эди. Мансур арвоҳ капалакни тутиб, хонасидағи иқтисодчилардан ҳам, ўша ерда ўтирадиган ҳисобхона ходимлари-ю ер ости казилма бойликларини ҳисобкитоб килувчи статистларгача сўраб чиқди. Аммо ҳеч ким бу капалак номини тўғри айттолмади. Тасодифан учраб колган фаррош хотин оғзидан арвоҳ капалак номини эшиганида, у ёш боладек кийкириб юборди. Бутун бошли катта бир илмий текшириш марказида фаррош хотиндан бўлак ҳеч ким арвоҳ капалакни билмаслиги Ойгулни ҳайрон қолдирди. Аввалига ишонмади. Аммо, Мансурнинг ланжрок жавобидан билдики, рост гапиряпти. Мансур ўшандан бери уйидан то ишхонасигача учрайдиган курт-кумрускаларни кузатадиган, ҳатто, хонада бўш колди дегунча, кўзини уқалаб, хона шифтининг тўрт бурчагига карайдиган бўлиб қолган. Бир куни елпарраги олиб ташланган туйнукдан катор тушиб келаётган чумолиларни кузатиб, ўзича бу кузатишларидан завкланиб, зудлик билан тайёрланиши керак бўлган ишни чўзиб юборди-ю, сўнг бунақа кузатишлардан воз кечди.

Арвоҳ капалак унинг кузатаётганлигини сезгандек, дераза ромига ўрмалаб кирди, шу тахлит гўё жонсиз бир нарсага айланди. Мансур уни авайлаб ушлади. Капалак канотларини пириллатди, айникса нозиккина оёқчаларининг ҳаракати бисёр чиройли эди. Боягина уни эзғиляб ташалашга ҳам тайёр турган киши, энди жовондан заррабни олиб, полиэтилен тўшалган стол устида уни синчиклаб томоша қила бошлади. «Арвоҳ капалакни ўлдириш ёмон, у одамнинг арвохи эмиш». Ойгул шундай дейди.

Мансур шу гапни эслаб, арвоҳ капалакни қўйиб юборди. Кейин қайднома дафтарини очди. Унда таниш аёлниги борадиган кун хабарини ўқиди, шоша-пиша йўлга тушди.

Кечкурун түшакда, яна арвоҳ капалакни эслади. Ёnidаги аёл эркалатишини түхтатди, унинг ўйланиб қолганлигига эътибор қилди.

– Ҳа, Мансур, нима бўлди?, – деди.

– Ҳеч гап йўқ, ҳеч гап йўқ, шунчаки, ўзим», – деди Мансур.

Осонликча кутулмоқчи эди, аёл кошларини чимирди.

– Ўйланмоқчимисиз? Шуни айттолмаяпсиз, шекили, тўғрими?

– Кўйсангиз-чи? Мен буни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

– Нега? – деди аёл. – Қизик. Келишган йигитсиз. Нега уйланмайсиз?

– Худбинман, – деди Мансур. – Бегалва яшашни афзал кўраман.

– Унда... Ҳозир нега бунчалик ўйланиб колдингиз?

Мансур унга арвоҳ капалак ҳақида гапириб берди.

– Балки сиз ҳам арвоҳ капалакни билмассиз, – деди йигит.

– Нега? Уни жуда яхши биламан, кўриниши оддий капалаклардан катта, бўйни томонида одамнинг бош чаноги шакли бор. Тўғрими?

Мансур бош ирғади.

– Бошим оғрияпти, – деди аёл юзини унга терс буриб. – Оч колган бўлсангиз, ошхонага чиқиб бирор нарса енг...

Мансурнинг иштаҳаси йўқ бўлса-да, аёлдан бир муддат узоклашиши учун ўрнидан турди. Деразадан бокаётган тўлин ой унинг ялонгоч гавдасини ёритиш учун бир муддат тўхтаб турганга ўхшарди. Мансур ётокхонага қайтиб кирмади...

Орадан бир ҳафта ўтиб, Мансур уй хонасини супурар экан, радиатор тагида ўша арвоҳ капалакнинг жонсиз ётганини кўрди. Наҳотки ўша? Балки ўша эмасдир? Нега ўшанда деразани очиб, уни эркинликка чиқариб юбормадим, деб ўйлади. Ўша кечаси ухлай олмади, аввал арвоҳ капалакни, кейин эса Ойгулни ўйлаб кетди.

«Мен сизнинг уволингизга колмадимми ўзи?» – У бу саволни бир марта, шунда ҳам Ойгулнинг ўзига бер-

ган. Қиз бунга жавобан, нимаики бўлиб ўтган бўлса, барига ўзим айборман, деб жавоб килган эди. «Нега энди у бутун айни ўзига олади? Унинг бахтсизлигига мен ҳам сабабчиман-ку?» деб ўйлади Мансур. Нега бу хақда аввал ҳам ўйлаб кўрмаган экан? Мансур бечора қизни тез-тез эслаб туради, ҳатто бир кадар меҳри товланиб, яхшилик қилишни истайди. Афсуски, бунинг иложи йўқ.

У Ойгулни тасодифан учратди-ю, тасодифан йўқотиб кўйди.

Қиз билан танишган куни кечагидек эсида.

Ўшанда у яшайдиган уй рўпарасида янги осмонўпар бино курилаётган эди. Юраги ёзув-чиズувдан безиб, балконга чиккан пайтлари рўпарадан кўриниб турган баланд кўтарма кран тепасига озғингина бир қизнинг чикиб кетишини кўриб коларди. Қиз то кран кабинасига кирмагунча, ундан кўзини узмасди. Ўзича қизни капалакка ўхшатарди. Ана шу нозиккина «капалак» кун бўйи баҳайбат кранни хоҳлаган мукомга соларди.

Бир куни ваннахона шахтасига ишлатилган бўлсада, икки-уч дона калта ёғоч керак бўлиб қолди. Ўйлаб-ўйлаб, курилиш майдончасига борди. Тушлик пайти эканми, майдонда ҳеч ким кўринмади. Қайтиб кетмоқчи бўлиб турган эди, кран томондан келаётган ўша қизни кўриб қолди. Мансур уни тўхтатиб, мақсадини айтди. «Бизга ҳали ёғоч олиб келишмади», деди у. Мансур қизни гапга солгиси келди. Краннинг ер зичлайдиган чўян болғасига кўзи тушиб, унинг зарбасидан ер тугул, уй поли ҳам зириллаши эсига келди. Қизга шуни айтди. «Секин ишлатишнинг иложи йўқми?» деб сўради. Қиз кулди. «Қайси уйда турасиз?» деб сўради. Мансур ўзи яшайдиган уйни кўрсатди. «Тошкентлик эмас экансиз, бўлмаса, зилзилани кўрган киши бунақа демасди», деди киз.

Гап гапга уланди. Мансур: «Тўғри топдингиз, – деди, – ўзингиз қаерликсиз?». Қиз: «Тошкентлик десангиз ҳам бўлаверади», деб мужмал жавоб килди. Шунда Мансур топкирлик килмоқчи бўлди: ота-онангиз Россиядан келган, ўзингиз шу ерда тугилгансиз, шундайми?

Киз миллати ўзбеклигини айтди, Мансур оқсариқдан келган бу қизнинг гапига ишонгиси келмади: «отам ўзбек, онам рус, лекин онамнинг кўлида тарбия топганлигим учун ўзбекчани яхши билмайман, тил ўрганмаганлигимдан афсус киласман!»

— Агар чин дилдан истасангиз, тезда ўрганиб оласиз, — деди Мансур.

Мансур бу гапни танбех сифатида айтмокчи эмасди, аммо товуши дағалрок чиқди.

— Сиз ҳам русчани сал бузиб гапирав экансиз, деб кулимсиради киз.

— Агар сиз ҳам мендек чекка кишлоқда яшаб ўқиганингизда, бундан ҳам беш баттар ҳолга тушардингиз, — деди Мансур.

Шу билан уларнинг сұхбати тугади.

Бир куни эрталаб ишга кетаётган эди, бекатда яна ўша кизга дуч келди. Трамвайды бирга кетишиди. Мансур ундан нега бугун ишга бормаганлигини сўради. Киз кандайdir мажлисга шошаётган экан. Бу сафар ҳам сұхбат киска бўлди. Лекин Мансур ундан айрим нарсаларни билиб олишга улгурди». Кранда ишлашнинг ўзи бўладими? Нега энди сиз шундай оғир касбни танладингиз?» деб сўради қиздан. «Маоши яхши, жамоамиз яхши. Қолаверса, онам ҳам илгари шу жойда ишлаган», деди қиз. Қизнинг онаси «Светлана» дўкон қурилишида ишлаётганида фалокат рўй берибди, у баланд қаватдан йиқилиб тушибди. Дўкон онасининг номи билан «Светлана» деб аталар экан. Мансур бу гапларни эшлитиб, ундан баттар ғаши келди. Онаси шу иш орқасида ҳалок бўлса-ю, унинг йўлидан бориб, кранчиликни танласа!

«Ақли расо киз бундай киласди», деб ўйлади у. Худди шу пайтда қиз, «келинг, танишайлик» деб колди. Исмини Ойгул, деб айтди-ю, сўнг шопа-пиша навбатдаги бекатда тушиб колди.

Мансур кечкурун кўшниси Кудратта Ойгул ҳакида, онаси Светлананинг фожиавий ўлими ҳакида гапириб берган эди, у ҳовликиб, «Бир таништириб кўймайсизми мени ўша қиз билан? — деди. — Чиройли қиз бўлса, бу-

нинг устига илорлардан экан. Эҳтимол, портретини ишларман. Очиги бундай довюрак қизни кўргим келяпти».

Кейинги якшанба кунида Мансур Ойгулни яна учратди, уни тўғри Кудратнинг устахонасига бошлаб борди. Кудрат иккаловини жуда яхши кутиб олди. У қизга чиройли килиб ишланган манзара асарини совға килиб юборганида, Мансур ҳангуманг бўлиб қолди. Яна ҳайрон коладиган нарса шуки, улар бир-бири билан ҳудди эски қадрдонлардай очилиб-сочилиб гаплашиши. Балки бунга Мансурнинг қизга аввалдан Кудратни роса мактаб кўйгани сабабми ёки Ойгулни йигитта меҳри тушдими, бу унга коронғи. Ўша оқшомдаёқ Ойгул рассомга ўз портретини ишлашга розилик берди.

Орадан бир канча вақт ўтиб, Кудрат Мансурникига келди-да, «Шоир (у ўзи яхши кўрган тенгдошларини шундай дерди), сиз Ойгулга менинг уйланганлигимни айтганингиз йўқмиди, » деб сўради. «Нима, бу гапни айтиш шарт эканми? – деди Мансур. – Ё ораларингдан бирор гап ўтдими? Ойгул ундан, энди менга уйланасизми, деб сўраган эмиш. «Нима бало, сиз унга севги изҳор қилган эдингизми?» – деб сўради Мансур. Кудрат кулди: «Ахир, мен унинг ўзини яхши кўрмай, суратини кандай ишлай оламан», деди. Мансур вазмин йигит бўлса ҳам, лекин шу тобда жаҳли чиқиб кетди. «Яхши кўрсангиз кўраверинг, – деди у. – Лекин чегардан чиқмаслик керак эди-да». «Ўзи хоҳлади-да, мен билан бирга бўлишни. Илтимос, унга айтиб кўйинг, устахонамга бошқа келмасин. Бола-чакали одамман..».

Мансур бўзарди, қизарди, лекин уни койий олмади, Кудрат эса унинг авзои бузилганини кўриб, тезда жўнаб қолди.

Мансур якшанба кунларининг бирида янги курилган метрони томоша килиб келаётган эди, бекатда бир кучоқ гул кўтариб турган Ойгулни кўриб қолди. У онасининг кабрини зиёрат қилгани кетаётган экан. Мансур қизни бир чеккага бошлади.

– Мени кечиринг, – деди у астойдил куйиниб. – Кудратнинг аглаҳ эканлигини билмабман. Сизнинг уволингизга колмадимми?

Ойгулнинг жавоби Мансурни ҳайрон қолдирди. У Кудратни яхши кўриб қолган эмиш. Йигитда айб йўқ эмиш. Кейин, киз тўсатдан йиғлаганча, кетиб қолди. Мансур учун унинг йиғиси ҳалигача бир жумбокдай туюлади. Эҳтимол, у ўзи йиғлагиси келганлиги учун йиғлагандир. Балки, туғилмаган, хеч қачон туғилмайдиган боласини кумсаб йиғлагандир. Буни у билишга қодир эмас.

Ўша воқеадан кейин Мансур Кудратнинг уйига деярли кирмай юрди. Баъзи кечалари Ойгул эсига тушса, ўз-ўзидан хафа бўлиб кетарди.

Бу орада Кудрат туманли оқшом кунларининг бирида машина тагида қолиб кетди, бир ҳафта шифохонада ётиб, оламдан кўз юмди.

Мансур Кудратнинг дағн маросимиға бориб келди. Бир куни уйда ёлғиз ўзи журнал титкилаб ўтирган эди, эшик тақиллаб қолди. Бориб очса, Ойгул. Қизнинг биринчи айтган гапи шу бўлди:

– Нимага хабар қилмадингиз?

У қўлидаги газетага ишора қилди. Кудратнинг оиласи ва биродарларига билдирилган таъзиянома эълон қилинган эди.

– Тўғрисини айтсан, сизни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, – деди Мансур. – Қани, уйга кириңг, бафуржа гаплашамиз!

Ойгул бош чайқади. У Кудратни каерда дағн этилганини сўраб-суриштириди. Қизнинг важоҳатидан ўша ёкка бориб келиш истаги зўрлигини яққол англаш мумкин эди. Мансур уни кузатишга ҳам улгурмади. Ойгул қандай тез пайдо бўлган бўлса, шундай тез ғойиб бўлди.

Мансурга бу ҳол, бу йўқлов жуда қаттиқ таъсир қилди. Наҳотки, у Кудратни щунчалик севган бўлса. Қизик, Ойгул жудаям ғалати қиз-да! Кудратни шунчалик яхши кўрибди-я! Эҳтимол, у шунга чиндан ҳам арзир. Дунё ҳам кўп ғалати-да, нега аввалрок Кудрат Ойгулни учратмади. Нега? Кошки, шундай бўлса эди... Мансур балки шунда ўзини айбдор деб хисобламас эдими?

Энди у чидаб бўлмас бир ғалати аҳволга тушди: ўзини нотавондек сезар, бундан ўзини қўярга жой топа олмас, гўё оёқ-кўллари йўқдек, кўзлари кўрдек, ... Қийналиб балконга ўтди. Осмонга ой балқиб чикқан эди. Юлдузлар мавжланиб ётарди. Қўлида қайднома дафтари. Уни бурчакка итқитиб юборди. Қалбининг тўрида аллақандай занжирлар борлигини, улар сенинлик билан, тобора секин узилиб бораётганини ҳис қилди. Мансур англадики, Ойгулнинг унга нисбатан айтилмаган муҳабbat изхори бор. Бу кизнинг сохта, ўзини вақтихуш қилиб кўрсатиши, унинг Кудратга ёлғондакам мафтун бўлганлигидан ҳам билса бўларди. Ахир, дўсти фалокатга йўликиб, вафот килганлигини хабар қилиб, унинг эшигига ёзиб қолдирган номаълум мактуб эгаси ким эди? Ўша... ўша Ойгул эди, буни у энди эслади: ўзбекчани бузиб ёзганлигидан ҳам билса бўлар эди. Эслади, хатда шундай ёзувлар бор эди: «Ортангиз (Ўртоғингиз) кича (кеча) машинага урилиб, бальнисага тушди».

Демак, киз Кудратнинг вафотидан хабардор. У охирги марта ҳам факат Мансурни кўргани келган. Гўё Кудратнинг вафотини газета орқали билгандек бўлиб.

Ойгул ўзининг бахтсизлиги учун Қудратни айбдор деб билмайди. Демак, унда Мансурни гуноҳкор деб билади. Мансур унга кандайдир яхшилик килгиси келади, аммо буни хеч бир иложи йўклигидан, ночорлигидан ўзини беш баттар ғариб ҳис қиласди.

«Арвоҳ капалак – ким ўзи? У кимнинг руҳи? Қудратникими? Балки... Ойгулнинг руҳидир. Балки ўзиникидир?» Аммо у нима бўлганида ҳам энди жонсиз эди.

У ўзига келиб, қайднома дафтарини ердан кўтарди, сўнг, ўша таниш аёлга кўнгироқ қилди. Негадир узок вактгача ҳеч ким жавоб килмади. Одатдагидек, у аёлникига борадиган кун. Мансур телевизор кўймокчи бўлган эди, телефон жиринглади.

- Мансур!
- Эшитаман!
- Мансур, меникига бошқа келманг!
- Нега, – деди Мансур. Унинг алами келди.

— Сабаби... Менга ахён-ахёнда келиб туралынгандай эркакнинг кераги йўқ.

— Тушундим, — деди Мансур. — Факат, бугун, охирги марта учрашсак.

— Йўқ, — жавоб қилди таниш аёл. — Иложи йўқ. Бугун уйда арвоҳ капалак учуб юрибди.

— Тушунарли, — деди Мансур.

У телефон дастагини кўйиб, ошхонага чиқди. Газўчоқка чойнак кўйган, ундан сув аллақачон қайнаб, қопқоғини тараққатарди. Унинг тараққлаши гўё мотам куйини ижро этаётган оркестр садолариdek инграрди.

Ҳар қалай, унга шундай туюлди.

1983 йил.

КЎЧА ЭШИКНИНГ НАҚШИН ГУЛЛАРИ

Кампир ҳар галгидек пайшанба куни эрталабдан мис қозон осди, ўзига сув иситди. Кейин уйига кириб олиб чўмилди. Афтидан, у ҳеч кимни кўргиси йўқ эди, шу боис ҳатто кичкинагина дахлиз эшигини ҳам занжирлаб олган эди. Келини қайнонасига ёрдами керак бўлар деб тўнгичи Қизларойни юборганди, уни орқасига қайтариб юборди. Шундагина келин ўзининг бу ишидан афсус чекди, пешонасига енгил шапатилаб, «Эсим қурсин-а, » — деди. Ахир қайнонаси невараси тугул ўз қизларидан ҳам ювинган чоғларида ёрдам сўрамайди, улар исташган тақдирда ҳам бунга муҳтоҷ эмаслигини билдиради.

— Нима, биз ўгайми бу хотинга. Бизга на кийимини ювдиради, на ювинтиргани кўяди, — деди каттаси кичигига. — Ахир онамиз-ку.

— Рост, — деди кичиги унинг гапини кувватлаб. — Шундай, тегманозик бу аёл.

— Ҳеч қаерда онамиздек бундай ўжари бўлмаса керак.

Иккаласи ҳам бу ерга тез-тез хабарлашгани келиб турса-да, барибир онамизга нафимиз тегмайди деб ота маконларида кўп туришмай, ўз уйларига — даштга жўнаб кетишади. Кампир эса уларни орқасидан кўни-

күшниларга мактайди: «Икки киз ўстирдим, иккаласидан ҳам розиман. Иккаласининг ҳам рўзғори катта, шундай бўлса ҳам вакт топиб, онамга ёрдамлашай деб келади».

Келин эса хурсанд – қайноаси билан жуда тил топишиб кетган. Факат у кампирнинг қиз боладек уятчанлигига тушунолмасди. Чўмилтириб кўяй деб минг ҳаракат қилсин, кампир сира ҳам кўнмайди. Кўнглида шубҳа ҳам туғилган, «Балки баданида бирор нуксони бормикан?» деб. Кейин, вакти-соатини топиб, кампирнинг чўмилганини бекитикча кузатган. «Мен бетийиқни худонинг ўзи кечирсин, ичим кизиб, билгим келаверди-да, – деди кейин қайнингилларига. – Айтсан, ишонмайсизлар. Ой деса ойдай, гул деса гулдай тана-тўшлари. Кўриб, оғзим очилди».

Кампир чўмилиб, кийиниб бўлгач, келинини чакирди. Чойнакда чой дам еб турганини эшишиб, кўзларида миннатдорлик пайдо бўлди. У шундай аёл, бир нимани кўнглидагидек килсанг, тилла топгандай суюнади. Кампир қайрагоч тагида ўтириб узок чой ичди. Ҳовли бурчагида қайроқтошга пичок чархлаётган ўғлига тикилиб ўтирди.

Тўсатдан ернинг қайсиdir бурчагига бош уриб кизил конига беланиб ётган куёш нурини кесганча кимдир ҳовли этагига калама тошдан ошиб тушгандек бўлди. Ўз ишига андармон ўғил буни кўрмади. Кампир «Кўзимга кўринди шекилли» деб хаёл килди. Ўғлимга айтсамми йўқми, деб иккиланиб ичкарига кириб кетди. Ярим тун экан алаҳлаб ўйғонди. Уйкуси кочиб, тиззасини кучиб ҳаёл килди. «Итлар бунча безовта хуришмаса, ё жондор-пондорни исини олдимикан». Тонгга якин кириб келди. Бир оз ҳовликиш билан сўз бошлади:

– Момо, ҳовлимиз кўйнидаги дўнгликда кимдир ўтирибди, – деди Қизларой.

Кампир ёқасини тишлади:

– Ёппирай! Ким бўлдийкан?

Кўлига хассасини олиб ташкарилади. Кўзлари хира тортиб колгани учун, сўри олдидан туриб ҳовли саҳнидаги кишини танимади. Кампир том ол-

дига юрди. Сигир боғловли қозикни ҳатлаб, таппи килинадиган жойда түхтади. Кўлини пешонаси устига кўйиб, қаттик тикилди. Оқдан кўра кўкка ранг берадиган тўзғин соч-соколли, кирра бурун бояги кимса одам қадамини эшитиб, ўрнидан қўзғалди. Тўнига ёпишган хас-хашакларни қокиб-қокиб қалама тош девордан ошганча кўздан ғойиб бўлди. Кампир эшик олдида савол назари билан қараб турган ўғлига лом-лим демай ичкари кириб кетди. Сулаймон хайрон эди: онаси шу кетища факат эрталаб хонасидан чиқди. Юз қўлини ювиб яна камалиб олди. Одатда у бирор-бир иш билан шуғулланиб ўтирмаса, мазаси қочиб қоларди. Шу боис онасидан хавотирга тушди. Бу номаълум кимсанни билиш истаги юрагини чирмовуқдай сиқиб келар, аммо уни каердан ва қандай топишни билмай хуноб бўларди. Ҳамманинг кўнглида шубҳа-гумонлар болалаб бораради. Бир куни хотини ёрилди.

– Балки, ёшлиқдаги танишидир...

– Учир овозингни! Бирор эшиитмасин... – У хотинига тарсаки тортиб юборди. Хотини шапалок зарбидан, ловиллаб ёнаётган юзига кафт босиб хикиллаганча бурчакка чўкди. Сулаймон анча сукут саклаб тургач, бир оз ҳовуридан тушиб гапирди. – Кўнглига қўл солиб кўриш керак!

– У кишини билмайсизми. Мен сўрасам, айтадиган одам ўзиям.

– Бўлмаса мен сўрайми?!

Хотини «қайдам» дегандек, елка қисди. Кейин уйда ортиқ кололмади, эшикдан отилиб чикиб, ошхонага кириб кетди. Қайта бу борада гап очилмади.

Кампирнинг хонасига Қизларой кириб чиқиб турди.

Орадан чорак ой чамаси вакт ўтиб, кишлоқда бир этикдўз пайдо бўлди. Мактаб қоровулхонасида ётиб юрган, ўша кишиига Сулаймон ботинкасини яматгани боргандада, кўзлари чақнаб кетгандек туюлди. Анчайин жиддий чеҳрасида ним табассум ёлқинланди. Эски кадрдонлардай сўрашиб кўришди. Эҳтимол отаси тенгиги бу одамнинг бу қадар мулозамати йигитни эритдими, икковлон мирикиб сухбат курдилар. Бу Асроркул

ака ғалати одам экан. Ҳамма шаҳарга қараб интилса, бу кишим Тошкентдай шаҳри азимдан келибди.

– Нима қилиб адашиб юрибсиз? Шаҳарда сиз учун ҳамма нарса қулай: иссиқ-совук сув, газ, электр. Бу ерда лоакал ҳовлидан сув ўтмайди. Куриб қолган, икки йилдан бери. Сувни ташиб ичсак...

– Нолиманг, ука! «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарозу» деганлар. Тирикчилик, ташвиши билан келиб қолдик энди.

– Барибир...

Уста унинг гапини шартта бўлиб бошқа мавзуга кўчди.

– Ариқда сув қуриб қолган бўлса, кудук қазмадингизми?

– Ҳовлидан тўрт-беш марта кудук казилган, аммолекин сув чиқмаган.

– Йў-ўк! Чиқади. Яхшилаб ковламагандирсизлар. Ёки ўрнини топа олмагансизлар.

Сулаймоннинг бу шаҳарлик «файласуф»ни гапидан энсаси қотди.

– Балки билсангиз, жойини кўрсатарсиз.

– Майли кўрсатаман ҳам, керак бўлса, қазишиб ҳам юбораман. Фақат битта илтимосим бор. Ҳовлингизни бир бурчидан каталакдек жой берсангиз. Кичкина кулба қуриб, пойабзал тузатсан. Ҳар ҳолда мактаб коровулхонаси пойабзал тузатиш учун мос жой эмас.

«Ўх-ў! Иштаҳалари карнай-ку, Сулаймон «Кел, шаҳарлик бу олифтани бир боплаймиз. Қишлоқни шунча кудук қазиб юрган йигитлари чикаролмаган сувни бу кишим чиқарап эмиш. Бир холва деган билан оғиз чучимаслигини кўриб қўйсин-чи. Сал ўйлаб гапирадиган бўлади».

– Нега ўйланиб қолдингиз? Гапим сизга маъкул тушмади шекилли.

– Йўк! Йўк! Нега энди, розиман. Фақат анови, Турғун участкавой калламни гаранг қилмайдимикан.

– Бу ёғидан хавотир олманг, ўзим гаплашаман.

– Бўпти, унда эртага кутаман-а

Чошгоҳ пайти ҳовли саҳнида чўкич кўтариб, Асроркул пайдо бўлди.

— Сиз ишингизга бораверинг, мен ҳовлини бир кўздан кечирай, — деди Асрорқул ака Сулаймонга.

— Чойдан ичинг аввал, иш бўлса қочмас, — деди Сулаймон.

Асрорқул ака унамади. Бир ўзи ҳовлини анчагача айланиб, кўздан кечириб юрди. Бу орада Сулаймоннинг онаси деразага тортилган ҳарир оқ парда ортида гоҳ эски сандиқнинг ичидаги сарғайиб кетган суратга, гоҳ ҳовлини кўздан кечираётган кимсага карап, кўллари дағ-дағ қалтираб турар эди. Нихоят Асрорқул ака қари тут яқинида ўсган бир туп янтокка кўзи тушиб, чиройи очилди. Йигитнинг якинига келиб, бу янток гуллаш-гулламаслигини, яна қачондан бери ўсишини сўраб-суриштириди.

— Шу ерда озми-кўпми янтоқ ўсади, шундан бирорим қолган эканда, — деди Сулаймон.

— Мана шу ердан сув чикади, кудуклик бўлдим деяверинг, — деди Асрорқул ака кулимсираб. Сўнг, ўн қадам чамасида иккита ёғоч коқди, шолча илиб, ўзини пана килди. Кўйлагини ечиб, ишга тушди. Ёши етмишдан ошган, юзи бир оз каримсиқ кўринса-да, қомати тик, барваста, харакатлари ёш боланикидек енгил, қадамлари тез. Сулаймон унинг олдида анча суст, мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлсаям, у қадар чаққон эмас. Бир марта кудук қазища ёрдам киламан деб, ичига тушди-ю, оёғини уриб олди. Шундан тиззалири зиркираб оғриб арқон тортиб туришга яради, холос. Бутун борлиги билан ерни севадиган Сулаймонни ичи қизир, бир аммаллаб ишни пайсаллатишга уринар, аммо Асрорқул ака ҳолдан тойиб чарчаш ўрнига кучига куч қўшилиб борарди. Нихоят унинг айтгани чинга айланди. Бир ҳафтадан сўнг у қазиган қудукдан сув чиқди.

Тўғри, кудук анча чукур казилди, камида ўн кулоч...

Охирги кун, садақайрағоч тагида икки киши ўтириб, бир пиёла чой устида сухбат қуришди. Бириси дамбадам уф тортиб кўяр, бириси эса «хайрият» дегандек энтикиб кўяр эди.

Орадан күп ўтмади. Юрагини узиб бергандек қилиб Сулаймон кийнала-кийнала жой берди. Бир-иккита оғзига әгалик қилолмайдиганлардан. «Сулаймон янги оталик бўпти» – деган маломатга колди. Аммо билдирамади. Асроркул акани шу ёшда кийналиб, иморат кўтаришига қараб туролмади. Кўлидан келганча ёрдамини аямади. Нон-чойдан қарашиб турди. Аммо кўнглининг бурчак-бурчагида ечилмаган тугун колаверди.

Бир кун туш пайтида кулба олдида, коп-кора чет эл машинасига кўзи тушди. Сулаймон қизиқиб ўша томонга йўл олди. Асроркул ака қунок тутган чайла ортига етганда, ичкаридаги ғала-ғовурдан тўхтаб колди. Йўғон овозда бир эркак ялинди:

– Ада, мени шарманда қилманг! Илтимос кетайлик уйга.

– Сен ўзингни ишингни қиласвер, ўғлим, мендан хавотир олма!

– Ахир сизга нима етмайди, ада-а?

– Ҳамма нарса етади, болам! Аммо айтганим билан сен барибир тушумайсан-да.

– Биздан бирон хатолик ўтдими, ада!?

– Болам, ўзингни кўп қийнама, сендан мингдан-минг розиман.

– Бўлмаса бирор жойдан ер олиб, уй қуриб берай!

– Йўқ! Факат сендан ўтинчим, ўғлим. Менга индама, мен шу ерда яшамоқчиман. Шундай яшамоқчиман.

Сулаймон бошида адoғsиз саволлар билан хаёлчан ортига қайтди.

Тушдан сўнг, у боғ тўридаги эски ғиштин деворлари нураб бутунлай ерпарчин бўлган сарой олдида Асроркул акани кўриб колди. Чакалакзор оралаб, орка томондан келиб, уни кузатди. Бу ерда нима қилиб юрганига ажабланди. Нимадандир шубҳаланди. Балки, бу ерларда тилла кўмилган бўлса, шуни хидини олиб, излаб юргандир бу индамас, ичидан пипиган одам, деб ўйлади.

Асроркул ака саройдан ёлғиз сақланиб қолган икки табакали дарвозанинг кичик эшиги олдида тиз чўкиб, уни сийпалаб йиғларди. Сулаймон янада қизиқиб, ча-

калакзор паналаб, шохариқ ичига тушди. Бу ер эшикка якин жой бўлиб, пана эди, ундан ярим ётиб туриб, Асрорқул акани бемалол кузатди. Ҳатто унинг секин айтаётган гапларини аник-таниқ эшилди. Сулаймон аввалига Асрорқул ака ўтганлар руҳига бирор-бир оят ўқиётган бўлса керак деб ўлади.

— Оҳ, қадрдоним! Сени танидим, сенинг мана шу нақшларингдан танидим. Сен ҳовлимизнинг кўча эшиги эдинг. Мана шу нақшин гулларингни бир кўрсам, армоним йўқ деб узок жойлардан излаб келдим. Тушларимга неча марталаб киргансан, ахир...

«Ҳа, гап бу ерда экан-да». Сулаймон вужуди қизиб, дилида ғалати бир ўзгариш сезди.

— Асли шу ерлик экансиз-да, — бу кутилмаган саводлан. Асрорқул ака илкис чўчиб тушди.

— Ҳа! — деди синик товуш билан.

— Нега буни келган кунингиз айтмадингиз?

— Қандай айтайн? Қишлоқда бирор үруғ-аймоғимиз колмаган бўлса, ким танирди? Фақат, Урин бова бизни аждодни озроқ биларди. У киши ҳам яқинда қазо килган экан. Фотихасини бериб, кайтиб кетмокчи эдим, аммо...

— Аммо жойни кўриб, кўзингиз қиймади шундайми?

— Йўқ! Йўқ ундей эмас. Бизни бобомизни Соҳиб кўкчи дер эдилар. Ўттизинчи йилларда қулок бўлиб кетган. Отам эса урушда йўқ бўлиб кетди. Кейин онам ўлди. Мен ўн олти-ўн етти ёшларда эдим. Шунда нон излаб Тошкентга кетиб, қолиб кетдим. Ака-укалардан колмаган, уруш йиллари очликдан ўлиб кетишган.

— Энди бу эртакни тўкияпсизми? Ахир сиз тириклик учун юрган одам эдингиз-ку.

— Сизларни ортиқча ғалвага кўймай дегандим.

— Ўзингизни окламай кўя қолинг. Сизни асл мақсадингизни яхши биламан! Қайга борсангиз боринг, аммо мени ҳовлимни бўшатиб кўйинг!

— Илтимос, укажон, мени ҳайдаманг! Сизга зарарим тегмайди.

— Гап шу. Сизни ортиқ бу ерда кўришни истамайман, — Сулаймон шарт бурилиб уйга юрди. Келиб хо-

насига қамалиб олди. Кечга яқин онаси қошида музтар бўлди.

— Сулаймон, — деди у ўғлига қараб. — Мана шу ўлтирган уй-жойимизнинг ярми шу — Асроркул ақанинг отасиники бўлган. Биз, шу ер эгасиз қолгани учун томорқамизга қўшиб олган эдик. Раҳматли отанг бир гапни биларканки, ўзлаштирган ўша ерга сира иморат курмаган эди. «Ким билади, эҳтимол Соҳиб кўкчининг бирор-бир изи қолган бўлса, қайтиб келар», дерди.

Сулаймоннинг ранги оқарди, лаблари билинмар билинмас титради. Сўнг ўзини тутиб олиб, онасига қараб хўмрайди.

— Бир пайтлар бу жойда Соҳиб кўкчи яшаган бўлса, яшагандир. Бу жойлар энди бизники. Бу жойни биз кишлоқ шўросидан хатлаб олганмиз.

— Йўқ, болам, бу жойлар бизники эмас. Мана шу тутнинг нариси шу Асроркулники бўлади.

Сулаймон ичиб турган пиёладаги чойни пойгакка селиб юборди.

— Она, кўп ўзингиздан кетаверманг. Мен ҳеч кимга бир қарич ҳам ер бермайман, билдингизми? — деди авзойи бузилиб.

— Берасан, — деди кампир ишонч билан. — Иложимиз йўқ, болам. Бу ерда Соҳиб кўкчининг аждод-аймоқлари руҳи бор. Уларни норози килсак, у дунёю бу дунё ҳузур-халоват кўрмаймиз.

Сулаймон ўрнидан турди. Айвондан чиқиб, атрофга кўз югуртириди. Ҳовли-жойининг нақ ярмидан ажралишини кўз олдига келтириб бош чайкади.

— Она, — деди у ялинчок товупида. — Мен бу ташландик ерга қанча пул, қанча меҳнат сарфладим. Мана, ҳокимият одамларга Сувли булок атрофидаги ердан томорқа беряпти. Асроркул акага ўша ердан олиб берайлик. Ер ўлчагич — Ботир синфдошим бўлади. Кепрак бўлса, анча-мунча ер қўшиб беради.

— Ҳай, болам-а, — деди кампир, — нимага бу одамнинг ичини тушунмайсан. Ер-жой деганинг ўша Тошкентда йўқ эдими? Мен бу одамни ҳовлимизга кириб келган куниёқ сезган эдим, ҳовлининг эгаси келди деб. Факат озрок гумоним бор эди.

— Барибир, она, бу жойни бермайман, — деди Сулаймон.

— Менга отанг тайинлаб кетган: мабодо ҳовлиниңг эгаси чикса, гиди-биди қилмай, омонатини қайтариб беринглар деб. Арвохимни чирқиллатманглар деган. Билиб күй, агар айтганимни қилмасаңг, отангнинг арвохи уради. Дуо урса нажот бор, арвох урса даво йўқ, дейишган авлиёлар.

У онасининг олдидан отилиб чиқди. Алами – ичига сифмай уйнинг пойгоҳидан тўрига қадар бориб кела-верди. Тонггача уйқу нималигини билмади.

Сахар. Кудук сувидан бир челак олиб, юзини чайди.

Кайрагоч тагида бирпас бошини чангаллаб ўтирдида, сўнг омборхонага қараб кетди. У ердан теша, қозик олиб чикиб, тўғри кекса тут рўпарасига келди. Чукур хўрсинди-да, ўтириб, қозик коқа бошлади. У энди ўша Асроркул акага тегишли ҳовлини чегириб, белги кўйишга, ўша жойни ўз эгасига беришга аҳд қилган эди. Эрталабдан уйкуни парчалаб юборадиган темир товуши атрофга ёйилиб кетди. Кўни-кўшни, бутун уй ичи норозиланиб эшиқдан чикиб келишди. Бирок Сулаймон кутган одам ҳа деганда кулбасидан чикавермади.

— Наҳот кетиб қолган бўлса, — хаёлидан ўтказди у.

Кулбасига бош сукиб, у ердан тополмади. Боғ томон юрди. Унинг тўридаги ўша нақшинкор эшикка кўзи тушди. У шамолда тебрангани тебранган, аммо тўлик ёпиломмай овора бўларди. Сулаймон унга якинрок келди-ю, бирдан тўхтаб қолди. Оёклари мадорсизланди, юраги увишди. Асроркул aka юзида ним табассум билан ухлаб ётарди. Эҳтимол у адогсиз тушида ёш болага айланиб, саройнинг қайсиdir бурчагида чопқиллаб юргандир. Факат у хозир кўзлари ним очик ҳолда шунчалик тош қотиб ётган эдики, шамолнинг гапига кириб дам-бадам елкасига турткилаб кочаётган эшик табақаси ҳам уни уйқудан уйғотолмас эди...

2011 йил.

ЗАҲАРМУҲРА

1

Барчин момо урчуқни айлантиришдан тўхтади, кархисига келиб ўтирган ўғлига қошини бир чимириб қараб қўйди. Титилган жунни тиззасига олиб, бўхчасига сола бошлади. Кўллари билинар-билинмас қалтиради. Жонмуроднинг бунга кўзи тушди, энди аниқ сезди – хозир онаси қаттиқ бир гап айтади. Секин силжиб, ўрнидан туришга шайланди.

– Валасипедни кўчага колдирган эдим, – деди онасиға. – Ман ҳозир келаман.

– Ўтирижойингга, – деди онаси ўқрайиб. – Қишлоқда валасипедга ўғри тушадиган замон бўлгани йўк.

– Нима гап, тинчликми, она?

– Тинчлик эмас.

– Гапиринг бўлмаса. Шошиб турибман ўзи.

– Сан қандай ўғил бўлдинг, билмайман. На уй билан ишинг бор, на кўча билан.

– Уй билан сиз, келинингиз шуғуллангани етмайдими, она? Кўча иши бўлса, айтинг. Кўлимдан келганча, бажариб келай.

Она қаддини кўтарди, катта, шахло кўзлари ғазабдан ёниб турар эди. Жонмурод онасини бундай ҳолда камдан-кам кўрган.

Барчин момонинг гавдаси лойсупадан бир қарич кўтарилди, яна ўтирди, тагидаги гиламни муштлади.

– Белингда белбоғинг борми ўзи, бала? – У яна ер муштлади. – Отанг ҳакида Аскар тоғчи нималар деб юрибди, эшитдингми?

Жонмурод бу гапни эшитган эди. Бир ҳафта бурун онасининг ўзи айтган. Гапни каранглар. Унинг отаси гўридан йўколган эмиш. Ер чикариб ташлаган эмиш. Бўлмаган гап. «Эй она, бари бўлмағур, бекорчи гап», деб жавоб қилган эди.

– Ҳеч нарса демайсан-а. Отангни арвоҳи чиркилласа, майли эканда. А?

– Э, она, кўйинг шу гапни. Одамларимиз ўзи шун-

дай, хар икки гапида бир ёлғонни күшмаса, онаси талок.

— Бу гапни манам биламан. Аммо бу гапни шерободлик Карим ғилдирак айтган. Ўша отангни қабрини ковлаган экан, — деди онаси. Бу гал мунгайиб, эзилиброк гапирди. — Бил, бор, топ ўша одамни. Ўз оғзидан эшигайчи.

Жонмурод бош силкитди. Она кўз ёш тўқди, икки томчиси шундайгина дастурхонга, янги узилган садарайҳон устига тушди. Садарайҳон онасидан ёнидан сира аримайди. Ҳатто кишида ҳам уни куритиб, ошкўқ килади, хидлаб ўтиради, таомига солади. Жонмурод садарайҳонга кўл чўзди.

— Тегма унга, — деди онаси. — Мастава учун алоҳида тўғраб кўйибман. Ошхонада турибди.

Жонмурод садарайҳонни таом учун эмас, онасининг кўз ёши тўкилгани учун олмокчи, лойсупа ёнбошига — ям-яшил кўкат ўсган ерга улоқтирмоқчи эди.

Она дастурхондан садарайҳонни авайлабгина олди, бошидаги оқ дока рўмолини кўтарди-да, уни кулоғига қистирди.

- Мастава иссик турибди. Сузиб келай.
- Корним тўқ, она, — деди Жонмурод.
- Алдама. Кўзинг айтиб турибди, очсан.
- Ҳозир сой бўйида кўча оши тайёр бўлган экан.

Шунга бориб келаман.

- Сени чақиришганми унга?
- Йўқ.
- Чакиришимадиям.
- Элга текин тарқатилади-ку. Айтишларига нима ҳожат?

- Ундай ошга эл хизматини киладиганлар боради.
- Текин бўлса, ётиб е, деганлар, — деди Жонмурод.
- Бу анави, Кўлдошни гапида. Шундайми?
- Нима, бир нима гапирсам, дарров Кўлдошни гапи дейсиз?

— Мен хеч кимни қарғамайман. Аммо ўша итхўрни худо жазосини берсин.

— Она, бирор билан нима ишингиш бор? А, тинчгина юрмайсизми?

- Нимага ишим йўқ? Ахир, сен ҳам ўшанга хамтовороксан.
 - Ҳамсоя бўлгандан кейин, бориш-келиш қилади-да одам. Мен тенги бўлса у...
 - Қайси гўрдан ҳам қишлоқка кўчиб келди ўша итхўр.
 - Она, унинг астмаси бор. Ит гўшти, ёғи шу дардга даво экан.
 - Унинг дастидан киплоқда семиз кучук қолмади. Барини ўғирлаб, сўйиб еди.
 - Кўлга тушган ўғри, она. Бу гапни бир айтдингиз, бошка оғзингизга олманг. Эшитса, хана бўлади.
 - Шу кўчиб келгандан буён, ит, энди товук, кўзи йўқоладиган бўлди.
 - Кўпчилик унинг уйини текшириб кетди. Участкавой ҳам уникidan бирор улгу тополмади. Демак, ўгри эмас эканда.
 - Тарафини олма уни. Қадимгилар «Ҳамроҳинг гўнгкарға бўлса, еганинг гўнг бўлади» деб бекорга айтишмаган.
- Она Жонмуродга синчковлик билан караб турди. Жонмурод ичидан зил кетди. Наҳотки онаси шу ишда Жонмуроддан шубҳаланаётган бўлса. Ахир, семиз итларнинг кимда борлигининг хабарчиси Жонмуродда. Кейинги пайтларда семиз итлар жуда кам бўлгандилиги учун энди товук-хўроз, икки ўшдан ошмаган кўй-кўзига ўтилди. «Катта молга кўл чўзманглар, унда дархол кўлга тушамиз», – деди Кўлдош. Бу ўлжаларни кўлга туширишда Жонмурод қатнашмайди, фақат хабаркаш. Унинг касби ҳовлима-ҳовли юриб, мол олиб, семиртириб, Денов бозорида сотиш. Кимнинг ҳовлисида нимаси борлигини билиши шундан. Кўлга тушган ўлжалар Кўлдошникида, ёзу баҳор пайтлари кир-адирларда, фақат кечалари киши билмас давра қилиниб, тандиркабобми, қовурмами қилинади. Жонмурод ичишниям, итхўрликни ҳам ўша даврада ўрганди». Сен нега ит гўштидан ўзингни тортасан, Жонмурод, – деб устидан кулганди Кўлдош. – Ахир бу деликатес-ку. Тошкентга борсанг, корейс ошконаларида энг тансик таом шул. Минг бир дардга даво бу. «Мени касалим йўқ», де-

ганди Жонмурод. Кейинчалик, вакт ўтиб, шаробхўрлик чоғида ит гўшидан бир-икки бўлак еб кўрди. Оғзига ёқди. Шундан сўнг, даврадошларга онаси айтганидек, ҳамтовок бўлиб кетди.

Онаси ҳамон унга тикилиб турарди. Нихоят, яна урчуғини олди.

— Ўша жойдан ҳам хабар ол! — деди.

Кейин бурилиб, тоғлар томон карали. Гўё бу ердан мозористон кўринадигандек, бир зум ўша ёкка тикилиб турди. Онаси айтаётган бу кичкина қабристон аслида ўша тоғ қиялигига жойлашган. Бундан икки йил муқаддам у ерда катта, жуда ҳам катта бир сув омбори куриладиган бўлди.

Жонмурод бу пайтда Россияда эди, ишлашга кетган эди. Уйда эса онаси-ю хотини қолганди. Сув омбори мутасаддилари шаҳардан ишчи ёллашиб, қабрларни қаздирибди, вертолётда тепага — катта қабристонга кўчирирганмиш. Ана ўша қабрларни қайта қазиш чоғида Жонмуроднинг отаси ўз кабридан топилмаган эмиш. Гап кўп: Регардан, Алюмин завод ёнидан келин бўлиб тушган, икки йил бурун ўлган ёш жувон эса қандай кўмилган бўлса, шундай сулув турган эмиш. Юзлари олмадай таранг эмиш. Жонмурод бу гапларни Чори деган одамдан зшишган эди. У одам сув омборида коровул.

— Сиз хотиржам бўлинг, она. Бу гапни шундай колдирмайман. Тагига етаман.

Нимагадир овози ўзиникига ўхшамаганрок бўлиб чиқди.

Кўчага чиққанида, бир оз караҳт эди, сой бўйига тушиб, ёрма ошдан тўйиб еган эди, тетик бўлиб колди. Аммо, хаёлидан факат ўша қабрларни қазишга қатнашган киши — Карим ғилдиракни топиш қайғуси сира кетмасди. Ахийри, тушдан сўнг, Карим ғилдиракни излаб, туман марказига тушди. Жонмурод Карим ғилдиракнинг уйини-ку осонгина топди. Аммо ўзини топиш амри маҳол бўлди. Карим ғилдирак деганларини туманда кўпчилик билар экан. Унинг иши гўрковлик — икки тоғ орасида қаерда эски сағаналар бор, уларни топиш, қабр қазиш-у ковлаш, кўмишга

жойлаш каби ишларни бажариб юрар экан. Айникса, археологлар унинг хизматига кўп талабгор эмиш.

Излаб-излаб, Карим ғилдиракнинг маҳалласини то-пиб борди. Ҳовли эшигини эринибгина, энсаси қотиброқ очган аёл – Карим ғилдиракнинг хотини «Э, у ер ютгурни қидириб овора бўлманг, қайсиdir бирортаси яна арок бериб, лабдиратиб юргандир-да», деб хафсаласини пир килди. Жонмурод нима киларини билмади. Қайтиб кетай деса йўл узок, қайтмай деса, бу ерда бирорта таниши ҳам йўқ. Жонмурод Карим ғилдиракнинг кўчасида узок пайтгача дайдиб юрди. Ҳамон иккиланарди: кутсинми уни ёки йўқми?

Жонмурод бир нарсага ҳайрон: онасига нима кепрак экан шундай гаплар. Ўлган ўлиб кетди, ўлиги унга нима учун керак, ҳайронсан киши. Нима, отаси гўрдан чикиб, қочиб қаерга ҳам бораради. Йўқ, онаси бу пуч гапни тагига етмагунича кўймайди. Отаси – Ҳаккул бахши табиатан ювош, кулиб юрувчи, овози соз, кўнгли кенг бир одам эди. Ёшини яшаб нақ саксонни урган пайтда, тўсатдан ўша кичик қабристон ёнида мол боқиб юрганда ўлди. Жонмурод ўшанда, Приморск ўлкасида, аскарликда эди. Уни кўмишга етиб келолмаган.

Зарбандда бирон кишининг куни битиб, казо килгудек бўлса, албатта, мархумнинг яқин эркак қавм-кариндошлари кабр казиб, кўмишади. Агар, ҳеч кими йўқ гариб бўлса, унда савобини оладиган тўрт-беш киши бу ишни бажо килишади. Отасининг қабрини эса у йўғида Зафар тоғаси билан амаки-жияни бирга ковлаган. Зафар тоға (униям худо раҳмат қўлсин) айтган эдики, отангни гўри чукур, хўб мустаҳкам, уни одам тугул, экскватор ҳам бузиши даргумон.

Карим ғилдирак ўша куни ҳам, эртасига ҳам уйига келмади. «Лаънати пияниста», – деб сўқди уни ичиди. У икки кун бозоржойдаги чорбозорчилар билан тирбанд меҳмонхонада, омонат қоплар устида амал-тақал килиб, ётиб турди.

Масалани хал қилмаса, онаси унга тинчлик бермайди. Қишлоқда эса бу миш-миш яна авжига чиқкан. Уйда ҳам, кўчада ҳам шу гап. Энди шу гапнинг росту ёлғонлигини исбот қилиб бериши керак. Бунинг учун

Карим ғилдирак гувохликка ўтиши, у қишлоққа келиб, тахминан шундай дейиши керак: «Одамлар, Ҳақкул бахшининг гўрдан йўқолганлиги ёлғон. Мен уни ўз кўзим билан кўрганман. Жойида. Қандай ётган бўлса, шундай ётибди. Ҳақкул бахшининг гўрдан ғойиб бўлди деганлар бўкни ебди».

Бу гап ҳаммадан ҳам кўра, унинг онасига керак. Жонмурод шунинг учун Карим ғилдиракни топиб, тўғри онасининг олдига бошлаб боради. Ана шу сўзларни айттиради-ю кейин онасининг кўнгли жойига тушади. Кеч оқшом яна унинг уйига борди. Карим ғилдирак кейинги хафта келишини хабар қилибди. «Бор-э, бир алканини кутиб юраманми? Онамнинг гапига ишониб келган мен аҳмок ўзи».

Эртаси куни онасига юзма-юз бўлди.

– Кўрдим, ҳаммаси ёлғон экан, – деди.

– Йўқ, – деди Барчин хола. – Сен жувонмарг, ўша одамни кутмагансан, топмагансан. Сен кўзларимга тик қараб алдадинг, бала...

Ё, ажабо, онаси қаердан билди экан унинг ёлғон гапирганини.

– Барибир ўша одам уйга келиб, ўзимга айтмагунча ишонмайман.

– Хўп, топаман, – деди Жонмурод онасининг кўнгли учун.

Лекин, у Карим ғилдиракни бошқа қайтиб изламади. Кунлар, ойлар ўтди. Ўша миш-миш гаплар одамлар орасида ҳануз айланиб юрар, онаси эса борган сари кундан-кун ғами ортиб, тунларни мижжа қоқмай ўтказарди. Она энди кундан-кун чўлдай озиб, беҳол бўла бошлади. Уни майда миш-миш гаплар енгдими, ё жигари оғриганиданми, ишқилиб, кунларнинг бирида она тўсатдан вафот этди. Жонмуроднинг бундан ичи куйган бўлса ҳам, бир томондан кулоғи тинчиганини хис қилди. Онани қабристонга кўмиб қайтгач, ўкраб-ўксиб бир йиглади-ки, хотини ҳангу манг бўлиб қолди. Кеч оқшом унинг бошини тиззасига олиб, бошини си-лаб, юпатиб, меҳр кўргазган бўлди.

– Отамнинг кабри бўлганида, онамни ёнма-ён қўйдиардим. Ох, отамаа, отам, – деб йиглади у.

— Отангизни майити кўпчилик билан бирга, катта саганага кўмилган, — деди хотини.

— Биламан, хотин, аммо онам ишонмай кетди. Ўғил бўлиб, унинг кўнглини топа олмадим, хотинжон, — деб яна изиллаб йиглади у.

Шундан сўнг Жонмурод яна тирикчилик ғами билан овора бўлиб кетди. Мол бокади, ўт ўради, экадитикади. Ойда-йилда шаҳарга ё тушади, ё тушмайди. Қишлоқ атрофидан катта шаҳарга элтувчи йўл ўтган. Ана шу ердан ўтадиган йўловчиларга бир амаллаб қўй сотади, мол сотади, пул йигади. Болалар ҳам катта бўлишди, хар томонларга күшдай учиб кетишли. Кунлар эса ўтаверди. Аввалгидек, улфатчилик ҳам йўқ. Қўлдош эса, онаси айтганидек, худо жазосини бердими, кайси бир жар тагида ўлиб қолибди. Ўлигини бир хафтадан кейин топишиди.

2

Жонмурод йиллар ўтганини кўзлари хиралашиб бораётганда сезиб қолди. Ё, ажабо, у кундуз куни кўзлари хира тортиб, кечаси эса хийла тузук кўтар эди. Хотини унинг кора чирок хира ёруғида пул санашини куриб, «Бу одамнинг гапи ичиди. Ҳеч бир замонда кўз деганлари кундузи кўра олмай, кечаси яхши кўрарканми?» Бу одамнинг бари иши найранг» деб кўярди. Жонмурод хотинининг гапига кулиб кўя колар, аммо ичичдан «Шошма ҳали, ҳаммангни тумшуғингни ерга ишқалайман» дерди. Унинг ичиди, хотини тусми таваккал айтганидек, гапи кўп эди. Гарчи у кайфу сафони яхши кўрса ҳам, текинини излаб юрар, кайсики моли мардумхўр бирор ис чикарса, тўй-зиёфат уюштиrsa, исқаб топиб борар, ўзидан сарф килиш йўқ эди. Кўчаларда ночоргина кийиниб юрар, хотинига эса қимматбаҳо лиbosлар олиб бермаса ҳам, тилла такинчокларига пул аямас, «Нима бўлганда ҳам бу мол либос каби ейилиб кетмайди, кадри борган сари ошади, изсиз йўқолиб кетмайди, бирор нарсага муҳтоҷ бўлсак, сотиб, ўрнига неки бўлса, олаверамиз» деб ҳисоб-китоб киларди. Айтган, мўлжаллаган кунлар ҳам келди — у Тошкентга тушиб, Иподром бозоридан биратўла учта

«Нексия» машинаси олиб келди, кира иплашга ижарага берди. Шунда нафақат бутун қишлоқ ахли, ҳатто хотининг ҳам оғзи очилиб колди. У одамлар юзидаги ана шу хайратни кўриб, роса роҳатланди. Бу унга тоғдай куч берганини, қадди баланд кўтарилганини сезди. «Бахши бовадан тилло қолган экан, шуни топиб олган бу ҳасис» деган гаплар ҳам тарқалди. Бунга жавобан, Жонмурод кулиб қўя колди. Лекин, у кези келганда, пул кетмасин деб туманда маъданли сув ўрнига водопроводдан сув олиб ичганлигини, неки имкон туғилса, бир тийин сарф этмай, корниниям тўйғизиб, олисдан келадиган ёрдам ҳисобидан уст-бошини текин бутлаб юрганларини эсидан чиқаргани йўқ эди.

Кунларнинг бирида мол сотгани Деновнинг катта бозорига тушди. Тонг сахарданок мол сотиш билан овора бўлди. Ҳали молини сотиб улгургани йўқ ҳам эдики, дафъатан, ўзидан ўн қадам нарида... отасини кўриб колди. Кўзларига ишонмади. Кўзларини очиб-юмиб қаради, кисиб, пирпиратиб яна қаради. Бошида кўк салла, эгнида оқ яктак, ўша бекасам тўн, кўлинини орқасига қилган ҳолда ким биландир кулиб гаплашди-да, ўнгтарилиб чапга қараб кетди. «Ё тавба, ё қудратингдан, наҳотки шу отам». Ҳа, ҳа, отаси, товуши ҳам ўша. «Ота!» деб оркасидан югурмокчи бўлди. Афсус, бир қўлида кўй тизгини. Ипни кўйворса, семиз, яхши бокилган кўчкори кочиб кетади. Кўйвормай деса, бу ёқда отаси кетиб колади. Отасиз қолгани тузук эмаску. Бу гап чикора? Отаси ўлган ахир, отаси йўқ. Молни бирорга арzonга эса ташлаб кетишга кўзи қиймади. У ўша кун молларни сотишга улгурмади. Тўғрироғи, омади юришмади.

Кеч оқшом тунаш учун аввалдан таниш бир кишининг ҳовлисига қайтди, кечаси билан ўйланиб ётди, ўйлаб ўйига ета олмади, бу сирни еча олмади... Тонгда яна бозор бошланганда, барини унуди. Тушга яқин кўйнинг барини сотиб, шаҳардаги гавжум чойхонага кирди. Энди бир пиёла чой ҳўплаган ҳам эдики, шундоккина ёнгинасидан ўша синик табассуми билан яна отаси ўтиб кетди. Унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Жонмурод ирғиб ўрнидан турди. Ё

Оллох, бу – бариси кудратингдан, деб ўлади у. – Ё кўзимга шундай кўринаяптими?! Кўлидаги чойи тиззасига тўкилди. «Ота!!!», деб кичкирди, негадир овози чиқмади. Оркасидан чопди, аммо тиззалири қалтираб, беш-ўн қадам юрмай бор кучи билан бетон арикка йиқилди.

У кўзларини касалхонада очди.

- Ота, – деб ингради у.
- Болам, – кимдир ёқимли садо берди.
- Отa, сизмисиз?
- Ҳа, менман бу, ўғлим.
- Ахир сиз ўлган эдингиз-ку?
- Йўқ, болам, мен тирикман.
- Менинг отам... Сиз тирикми?
- Ҳа, отанг тирик, – деди ёнидаги кимдир.
- Отам тирик бўлса, нега шу кунга қадар менга ҳабарини беришмади.

– Мен ўлган эмас эдим, – деди ўша киши.

Жонмурод узок жимиб колди. У кўзларини катта очди, отасини кўрмоқчи эди. Кўзлари хира тортган, ҳеч кимни кўролмади. Факатгина кўз олдида оқ-кўқ ва шуълаларгина жимиirlаб, ўйнаб туради. Жонмурод шу алфозда ётар, туну кунни одамларнинг ғовуридан ё тинчидан фарқлар эди

- Бечоранинг кўзи кўрмас эканми ей...
- Бунинг устига оёғи синибди, денг, – деди кимдир ёнидаги иккинчисига.
- Одамзод ҳеч қачон кўздан, оёқдан колмасин экан, – деди тағин бирори.

У бунга эътибор бермади. Фикри-ёди отасида эди. Яна хонадагилар жимиб колишиди.

- Отам кетдими? – деб сўради Жонмурод бир маҳал ён-веридагилардан.
- Ҳозиргина чикиб кетдилар, – деди кимдир.
- Қани, юринг, биз ҳам тоза ҳавога чиқайлик, – деди иккинчиси кимгадир. Жонмурод тез орада уларнинг қадам товушларини эшитди. У хонада ёлғиз ўзи колди. Аммо кўп ўтмай, яна қадам товушларини эшитди. Бу қадам товушлари унга жуда таниш эди. Отасининг юришига ўхшайди. Ҳа, отаси келяпти, шекилли.

- Ота! – деди у.
 - Ҳа, ўғлим.
 - Бу сизмисиз?
 - Ҳа, хонадагилар қани?
 - Тоза ҳавога айлангани чикишди. Ота, демак чин эканда ўлмаганлигингиз?
 - Мана, кўриб турибсан-ку, болам, ўлганим йўк.
 - Қандай килиб?
- Отаси унинг назарида кулгандай бўлди.
- Болам, дамингни ол. Эҳтимол, сенга чой ке-ракдир.
 - Ота.
 - Ҳа, ўғлим?
 - Онам сизни кўрмади-да. Сизни кута-кута ўлиб кетди, – деди Жонмурод нима деярини билмай.
 - Биз ҳаммамиз ҳам ўламиз, – деди отаси.
- «Ҳа, ҳаммамиз ўламиз», деди Жонмурод ичидা.
- У энди бир нарсани хоҳларди: отасига ёқадиган, уни кувонтирадиган бирон-бир яхши сўз айтиш. Аммо тилига тузукрок бир гап келмасди.
- «Отажон, мен сизни яхши кўраман», – деди ниҳоят. Аммо у негадир сассиз айтилди, лаблари қимиrlади-ю, товуши чиқмади.
- «Сиз юрагимнинг тўридасиз, ҳар доим эсимда турасиз. Сизни ёд этиб, хатми қуръон килиб турмиз», – деб шивирлади у. Аммо... бу сўзлар гумбурлаб чиқди оғзидан. «Ахир бу гаплар пуч ёлғон-ку, – деб ўйлади у. – Отамни кечаги кунгача эслаганим йўқ-ку».
- Отаси бу гапга негадир жавоб қайтармади.
- Ота, сиз қаерда яшаб юрибсиз? – сўради Жонмурод.
 - Қаерда бўлар-ди, шу ерда, бозор ёнида.
 - Ким билан яшайсиз?
 - Ким билан бўларди, кампирим билан.
 - Сиз... сиз ҳали уйланганмисиз?
 - Албатта, – деди отаси. – Уйланмаса бўладими, ўғлим?
 - Ҳа, ҳа, онам ўлиб кетган-да, – хўрсинди Жонмурод, – Нега шу пайтгача уйга келмадингиз?

— Мен сени энди кўргани келдим, ўғлим, — деди отаси.

— Ҳа, тўғри қилгансиз, — деди Жонмурод. — Энди, шундай оғир ахволга тушганимда, келганингиз яхши бўлди. Ахир, илгари сиз эмас, мен хабарлашишим керак эди. Мен сизга қарамай кўйдим. Одамлар мени ҳалигача маломат қилишади. «Отанг қандай зўр баҳши эди, сен унинг достонларидан лоақал бир оғиз ҳам билмайсан, садқаи ўғил», дейишади.

— Достонларни ҳамма ҳам эслаб туриш керак, ўғлим.

— Сиз ҳаммадан кўп билар эдингиз.

— Ҳа, отам ўргатган эди, — деди отаси.

— Лекин сиз менга ўргатмоқчи бўлганингизда мен — нодон истамадим. Отаси жавоб бермади.

— Рости ни айтсам, сизни шунча йилдан бери бир мартагина эсладим. У ҳам онамнинг қистови билан. Кечиринг, ота.

— Ҳечкиси йўқ, болам. Энди кеч бўлсаем, эслаяпсанку. Бир сен эмас, кўпчилик шундай бўлиб қолган хозир. Оталарини унутишган.

— Нега шундай бўлди-а, ота?

— Ўзимииздан ўтгандир, болам, — деди отаси. — Сени урмадик, сўкмадик, ўз ҳолингга кўйиб бердик. Биздай кийналмасин, сўкиш-карғиш эшитмасин, калтак емасин деб авайладик.

— Сиз мендан кўп ранжигансиз, ота. Эсингиздами, саман отингиз бўлар эди? Сиз каергадир узокка колиб кетганингизда, мен отга қарамай кўйдим, уни харом ўлдирдим.

— Ҳа, отми, бизда от бўлар эди. Лекин сен унутибсан, менинг отим саман эмас, тўриғ от эди.

— Йўқ, саман от эди, — деди Жонмурод.

— Ҳа, майли, саман бўлса, бўла қолсин.

Йўге, нега, у адашдими? Ёки отасими? Ахир унинг оти саман эди. Саман от эди. Ўшанда отаси деҳкончилик килиш учун тоғ тепасига эшак билан чиқиб кетган, ўша ерда хўжаликка қарашли бир парча ерни кўш ҳўқизда ер ҳайдаш билан овора эди. Ота-она унга саман отни

бериб, ҳар куни уч чакиримча келадиган Анжирлига юборар эди. У ер чимзор, бокувга зўр эди. Лекин зинхор-базинхор Захарли деган жойга ўтмагин дейишарди. У ернинг ўти заҳарли эмиш. Жонмурод ўшандада ўн беш ёшга кирган, отни туппа-тузук уdda килар эди. Лекин ўша кунлар танбаллиги тутди, отни ўзи эмас, Аскар тоғчининг ўғли Сафарбой ўтлатгани олиб кетди. Сафарбой эса отни яхши кўрарди, у билмасдан отни Захарли ерга олиб борибди. От ўша ерда ҳаром ўлиб колди. Отаси уни урмади ҳам, сўкмади ҳам. Лекин достон айта туриб, шу достоннинг бир четига ўғлини ҳам, саман отини ҳам қистириб ўтди. Жонмурод аниқ эслай олмайди. Лекин отаси ўғлини қарғамаган-у, от номини тутиб, унга нола қилиб «Оҳ, жонивор, кечиргил, сени асраб қолмадим, савоб-увол дегани эт-тирнокка баробар», деб айтган эди.

Отаси ҳозир бу воқеани унинг юзига солмади. Ўша от ўлими-ю отасининг норози кўз кирини эсласа, Жонмурод сесканиб кетади.

— Ота, сиз нега менга таъна қилмаяпсиз, — деди Жонмурод. — Худо ҳакки, бирор нарса денг, сўкинг, ёмонланг. Ахир, мен энди...

— Нимага таъна қилай, ўғлим. Ўзинг барини биласан-ку.

— Билмаяпман, ота, нимагадир аклим етмаяпти.

— Унда айтай. Сизлар нимагадир корин кули бўлиб ўсдинглар. Ёрудўстларнинг, ошна-оғайниларнинг, дўстнинг фарқига бормадинглар. Шу бугун еб-ичсам бўлди деган ўй-хаёл билан ўсдинглар. — Отаси жим колди.

— Гапиринг? Ота, бу тўғри.

Отаси бошқа жавоб қилмади. Афтидан, у яна каергадир кетаётгандек бўлди. Қадам товушлари эшитилди. Отаси кетган бўлса керак.

Эрталаб уйғонганида, яна таниш овоз эшитилди. Отаси ким биландир гаплашаётган эди.

— Ҳали ҳам ўзига келмаяпти. Билмадим, ишқилиб жони соғ бўлса бас, — дер эди отаси.

— Мен тирикман, — деди Жонмурод. — Ўлганим йўқ ҳали. Аза очманг.

— Ҳа, ўлмайсан, ўғлим, ўлмайсан ҳали, — деди отаси унга якин келиб. — Яхши ухлаб турдингми, ўғлим?

У яхши ухладими ўзи?

— Ота! — деб чақирди уни. Отаси якин келди.

— Нима дейсан, ўғлим?

— Нега ёнимга келмайсиз?

— Чарчаганман, ўғлим. Ишим, ташвишим кўп.

— Сизда ташвиш нима килсин?

— Ҳа, ҳаммада ташвиш доим бор.

— Ота, оқшом келинг. Ўтган кунларни эслар эдик.

— Эслайдиган нарса кам, ўғлим. Қани айт-чи, эслайдиган нарсаларинг борми? Неччига кирдинг ўзи?

— Сиз ҳали мени неччига кирганимни билмайсизми, ота? Мана, кирк бешдан ошдим-ку.

— Ҳа, сен каториларнинг кўпчилиги бир-бирига ўхшайди. Биласанми, нима билан? Ҳаётлари билан. Тунов куни сен катори кўп йигитлардан «эслайдиган нима нарсаларингиз бор», — деб сўрадим. Улар деярли бир хил жавоб қилишди. Қайси санаторийга бориб ичганликлари, қайси хотинлар билан юрганликларини, давлатдан кандай килиб пул ўғирлаганликларини гаплашишди. Бошқа эслайдиган нарсалари йўқ экан.

— Ота, мен давлатдан пул ўғирлаганим йўқ, мол сотдим, мол қилдим, озроқ чайқовчилик ҳам қилдим. Ичишга келганда, илгарилари дўконлар тўла арок эди, арzon эди. Тўйда, у ерда, бу ерда... Бу гапингиз рост, ота. Лекин, санаторийга борганим йўқ. «Аёллар билан юрганим йўқ», — дер эдим-у, шу ери сал нотўғри десам ҳам бўлади. Икки-уч марта туманга тушганимда, Қўлдошга қўшилиб бир-икки марта пул бериб, аёлга боргманман.

— Болалардан нечта? — деб сўради отаси.

— Тўрт киз ва бир ўғил. Қизларнинг бари бегона ерларга чиқиб кетишган. Уларнинг бу ётишимдан хабарлари йўқ.

— Ўғлингчи?

— Ўғлим сал такасалтангроқ бўлиб ўсади. Гермизда. Онасидан эшишибди-ю, бу ерга чопиб келди. Яна ўша куннинг ўзида индамай «отам ухлаб ётган экан, безов-

та қилмай яна», – деб Термизга кетиб қолган эмиш.

– Хотинингчи?

– Хотиним келиб турибди. Сиз у маҳалда доим кетиб коласиз. Чунки у қишлоқдан берига келгунича кеч бўлиб колади-да. Унга «мен отамни кўрдим» десам, ишонмади шекилли, алаҳсираяпти, деган хәёл қилдими, индамай қолди. Сиз бирор марта келинингиз келгунча, кутиб туролмайсизми?

Отаси жавоб килмади.

– Хайр, ўғлим. Ишим кўп эди, – деди у.

Шундан сўнг, яна унинг оёқ товушлари эши билди.

Шундан кейин отаси бошқа келмади. Жонмурод уни эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейинига ҳам кутди. Ундан дарак бўлмади.

3

Жонмурод касалхонадан тузалиб чиққанида у ётган палатада кўплари келиб кетишган, ҳеч ким унинг отасини танимас эди. Жонмуроднинг оёғи тузалган бўлса ҳам, кўзи ўша-ўша, хирагича қолди. Қишлоқда у «мен отамни кўрдим», деб, бир даврада гап очди. Аммо, гапига ҳеч ким ишонмади. Шундан сўнг, у тиним билмади, ўз гапини исбот килиш учун қайта-қайта туманга тушди. Жонмурод кун бўйи бозор атрофидаги ҳовлилар эшикларини бирма-бир такиллатиб чиқди. «Шу ерда фалончи бобо яшайдими?», деб сўрарди уй эгалари-ю ўтган-кетгандардан. Ҳеч ким «яшайди» деб айтмади. Нима қиласини билмади. Шундан сўнг отасини эслаб, дала-даштни кезди. Хотини «Бўлди, бас килинг. Сизнинг кўзингизга шундай кўрингандир, бирортаси сизга ота бўлиб кўрингандир», дедиям, гапига кулок осмади. У нафакат бир ой, ярим йил «отамни кўрдим» деб, гапириб юрди. Шундан сўнг хотини мулла чақириб, ўқиттириб кўйди. Чилёсин ўқилгандан сўнг, Жонмурод тўсатдан муллага мурожаат қилди: «Мабодо сизда заҳармуҳра йўқми?» «Бу нима деганингиз, таксир» деди у. «Захармуҳра – бу заҳарни қайтарувчи дори, – деди у. Хотинимга берардим. Унинг мияси

заҳарланган. Мани тентакка чиқарган бу. Зора ўша доридан топилса. Бурунги замонда отам тайёрларди бундай дорини. Энди кўпчилик билмайди уни». «Йўк, менам эшитмаганман», – деди мулла анкайиб. «Бир куни менам заҳармуҳра тайёрлашни ўрганаман, – деди Жонмурод. – Отамни кўрсам эди... ундан заҳармуҳра сирини сўрар эдим».

Ҳаёт шу тахлит ўтиб борарди.

Авжи баҳор эди. Жонмурод даштдан терган гиёхларни ялангликда тўқаётган эди. Катта йўлдан икки киши унга қараб келаверди. Бирини таниди: тоғаси Зифар. Иккинчиси эса ўша, у излаб топа олмаган Карим ғилдирак экан. Карим ғилдирак Жонмуроднинг ҳолаҳволини сўраб туриб, шундай деди:

– Мен бир пайтлар Гулдуракда қабрларни кавлаганим тўғри. У ерларнинг хоки-туробларини кўчирганим бор гап. Лекин, менинг одатим шу-ки, кимнинг қабри обод бўлмаса, қаровсиз қолган бўлса, мен у ерда ҳеч ким йўқ деб ҳисоблайман-да. Ўшандা мен «фалончи гўрда ҳеч ким йўқ эди», деб айтган бўлсан, айтгандирман... Отангизнинг гўри обод эдими ўзи? Агар обод бўлган бўлса, бу гапни мен айтмагандирман».

Жонмурод бу саволга жавоб беролмади.

– Бу гиёҳлар газак қилишга зўр экан, ука. Ғилдираб бориб, анави сабилдан опкелмайсизми?

- Бундан дори тайёрлайман, ака.
- Қандай дори экан?
- Заҳармуҳра.
- Балки бизга ҳам керакдир...
- Ҳа, бир сизга эмас, кўпчиликка ҳам керак.
- У качон тайёр бўлади, ука?

Жонмурод елкасини кисди. Шу кўйи уларга қараб турди. Энди кўзларида нимадир чарсиллаб, учкунлар сачрай бошлади. Одатдаги юрак оғриги тез ўтмади, ерга қаради, оғриқ янайм кучайди. Шунда юзини тоғлар томон бурди. Кулоғи остида кимдир товуш берди. Қайрилиб қаради: ҳеч ким йўқ. Ҳатто, тоғаси билан Карим ғилдирак ҳам кетиб колибди. Уни кимдир чакиргандай бўларди. Жонмурод яна тоғлар томон

тикилди. Мовий тоғларга тутапған дашт томондан элас-элас товуш келди. Сесканди. Ахир, бу отасининг товуши. Вужуди титраб тинглади:

*Анал билан Мансурга қурған дормиди,
Тирик айрилган бир құргани зормиди,
Юр чирогим дейди, мени құймайди,
Сенда ота, менда ўғыл бормиди?*

Жонмуроднинг күзларидан ёш куйилди. Ота айтган күшиқни беихтиёр давом қилди:

*Йиглаганда ёш ёғилар юзима,
Кулоқ сол отажон, айтган сүзима,
Кетдинг, сенга бу дунё ўзи тормиди,
Сенда ўғыл, менда ота бормиди?*

Шунда... шунда унинг юрагидаги оғриқ күйиб юборди. Аммо күзларидаги ёш ҳали-бери тұхтамайдығанга ўхшарди.

2011 йыл.

МУНДАРИЖА

ҚИССАЛАР

Бисот.....	8
Муқаддас баликлар эгаси.....	53
Дараҳт тагидаги одам.....	85
Жазо.....	140
Исмоил тоға тарозиси.....	215

ХИКОЯЛАР

Ёзнинг сўнгти кунлари.....	270
Аёл овози.....	277
Тоғда.....	281
Ўқ.....	288
Умрнинг икки куни.....	295
Хуштаклар.....	299
Ошиктош ёки америкалик Тошболта ошик.....	305
Ойтош.....	315
Тошқайрок.....	326
Тошкориз.....	331
Кўктошлар.....	337
Сайфи ака.....	342
Панжи.....	345
Бир куни чумоли бўлиб.....	350
Баланд тоғлар кайдা бор.....	363
Анорзор.....	371
Кар момо.....	379
Жарликдан қушлар учди.....	391
Камолиддин Бехзод.....	398
Ойнинг оқ кўйлаги	407
Арвоҳ капалак.....	414
Кўча эшикнинг нақшин гуллари.....	422
Заҳармуҳра	431

Адабий-бадиий нашр

НОДИР НОРМАТОВ

БИСОТ

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2012

Мухаррир *Рустам Бойтӯра*
Бадиий мухаррир *Толиб Қаноатов*
Рассом *Шуҳрат Қурбонов*
Техник мухаррир *Лина Хижсова*
Саҳифаловчи *Лидия Цой*
Мусаххилар: *Маъмура Зиёмуҳамедова,*
Фарзона Ҳайдарзода

Муковада рассом Вахоб Зиёев ясаридан фойдаланилди.

Нашриёт лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил

Теришга берилди 04.05.2012. Босишига 04.09.2012 руҳсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$, «Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табоги 23,52. Нашриёт-хисоб табоги 22,65.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 2645.

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**